

А.Х. САИДОВ

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН
АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ
ТИЗИМЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲ-
КАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ
УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИР-
ЛИГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЮРИДИК
ИНСТИТУТИ


ЎЗБЕКИСТОН РЕС-
ПУБЛИКАСИ ТАШ-
ҚИ ИШЛАР ВАЗИР-
ЛИГИ ЖАҲОН
ИҚТИСОДИЁТИ
ВА ДИПЛОМАТИЯ-
СИ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Х. САИДОВ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарори
билан ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари талабалари учун дарс-
лик сифатида тавсия этилади*

ДАРСЛИК



6209

Тошкент – 2004

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор **Ш.З.Ўразаев**, юридик фанлари доктори, профессор **З.М.Исломов**.

С21 САИДОВ А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Тошкент, 2004, 428-бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар Вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети.

Ушбу дарсликнинг муаллифи – юридик фанлари доктори, қиёсий ва халқаро ҳуқуқ профессори. Дарсликда қиёсий ҳуқуқшунослик ўқув фанининг предмети кўриб чиқилади, дунёнинг замонавий юридик жўғрофий харитаси берилади ҳамда асосий ҳуқуқий оилалар: инглиз-америка умумий ҳуқуқи, роман-олмон ҳуқуқи, мусулмон ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқи, одат ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар тавсифланади.

Талабалар, аспирантлар, илм ва амалиёт билан шуғулланувчи ҳуқуқшунослар учун мўлжалланган.

ББК 67.3я73+66.4я73

№ 290-2004.04.04
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси

© А.Саидов, 2004 й.
© Тошкент Давлат
юридик институти,
2004 й.

© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети,
2004 й.

© Тошкент Ислом
университети, 2004 й.

«Ҳозирги замон халқларнинг ўзаро манфаатли алоқалари ва ҳамкорлиги билан характерланади. Дунё бирлашди.

Биз бошқа давлатлардан, ер куррасининг бошқа жойларида яшаётган инсонлардан ажрала олмаймиз... Халқаро ҳамкорлик зарур ёки ҳеч бўлмаганда оддий ҳаёт кечиришимиз, дунёга юз тутишимизни ва хорижий ҳуқуққа мурожаат қилишимизни талаб қилади».

Рене Давид, Француз компаративисти

Кириш

XXI аср бошида жаҳоннинг барча мамлакатларида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар жадал ривожланмоқда. Уларнинг асосий мақсади ҳуқуқий тизимлар тараққиётининг объектив қонуниятларини аниқлаш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришдир. Қиёсий-ҳуқуқий изланишларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар нафақат ҳуқуқшуносликнинг кўплаб анъанавий масалаларини ҳал қилишга кенг нуқтаи назардан ёндашишга имкон яратади, балки қатор янги муаммоларни ҳам кўтардилар. Бутун дунёда ҳуқуқий тизимларни қиёсий ўрганиш асосида вужудга келган қиёсий ҳуқуқшунослик илмий йўналиш ҳамда ўқув фани сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Сўз ҳозирги замонда мавқеи ошиб бораётган юридик таълим ва ҳуқуқий фан тизимидаги муҳим йўналиш тўғрисида бормоқда. Қиёсий ҳуқуқшунослик ривожланишининг аҳамияти ва заруриятини белгилаб берувчи объектив омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, жаҳондаги ҳуқуқий тизимларнинг турлитуманлиги;

иккинчидан, давлатлар ўртасида ҳуқуқий алоқаларнинг ривожланиши ҳамда халқаро, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликнинг кенгайиши;

учинчидан, дунё ҳуқуқий харитасида янги мустақил давлатлар ҳуқуқий тизимларининг пайдо бўлиши;

тўртинчидан, халқаро ташкилотларни қиёсий асосдаги фаолиятининг ошиб бориши.

Бундан ташқари, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг аҳамияти, ўқитиш даражаси ва мутахассис-юристар тайёрлаш сифа-

тини тубдан яхшилаш зарурлиги билан белгиланади. Қиёсий ҳуқуқшунослик муаммоларини тадқиқ этиш, айниқса, хорижий ҳуқуқий фанларни ўқитиш учун ўта муҳимдир. Юридик таълим тизимига «Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари» ўқув фанини киритиш замон тақозосидир.

«Қиёсий ҳуқуқшунослик» алоҳида фан ва ўқув соҳаси сифатида учта асосий мақсадга эга:

биринчидан, илмий билимларни кенгайтириш;

иккинчидан, амалий;

учинчидан, ўқув-тарбиявий.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг илмий билимларни кенгайтиришдаги аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ривожланишидаги ҳуқуқий тараққиётнинг асосий қонуниятларини аниқлаш, илғор хорижий ҳуқуқий манбалардан фойдаланишдаги янги ҳолатлар ва устувор йўналишларни тўлиқроқ англаб олишдир. Қиёсий ҳуқуқшунослик-ҳуқуқнинг умумий назарияси ва юриспруденциянинг тармоқ фанларини бойитиш ҳамда ривожлантиришда, илмий дунёқарашни кенгайтириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Амалий-соҳавий йўналишда қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий амалиётда (халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда ва шарҳлашда) катта аҳамиятга эгадир. Қиёсий ҳуқуқшунослик хорижда тўпланган юридик тажрибани ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Қиёсий ҳуқуқшунослик нафақат ҳуқуқнинг умумий назарияси масалаларини, балки юриспруденциянинг тармоқ фанлари муаммоларини ҳам қамраб олади ва шу туфайли тармоқлараро аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро алоқалар ривожланишининг муҳим омилidir.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўқув-тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, у талабаларнинг умумий маданиятини ошириш зарурлиги билан боғланади. Қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқий маданиятни оширишга ёрдамлашиб, ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришга кўмаклашади ҳамда юрист фаолиятида зарур бўлган билимларни беради.

Асосан ҳуқуқий институтлар ва муносабатлар ривожланишининг қонуниятларини таҳлил қилишга йўналтирилган

умумий ҳуқуқ назарияси ҳам, объектни унинг аниқ тарихий ҳаракатида кўриб чиқадиган давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳам, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ҳам ўқув фани сифатида қиёсий ҳуқуқшунослик муаммоларини қамраб олмайди. Демак, илмий билимларни кўпайтиришнинг махсус ва алоҳида объекти сифатидаги ўз тасаввурларимизни кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг ўта муҳим зарурияти мавжудлиги ҳаммамиз учун равшандир.

Авалло қиёсий ҳуқуқшунослик предмети, унинг йўналишлари мазмун-моҳияти, мантиғи, маълум гоёлар мажмуи тизими, хусусан ҳуқуқий назариянинг ижтимоий аҳамияти ўсаётган ва янги ҳуқуқий фикрлаш пайдо бўлган шароитларда улардаги тарихий ва ҳозирги замоннинг ўзаро алоқадорлиги каби масалаларни чуқур ўрганиш зарур. Афсус Ўзбекистонда замонавий қиёсий ҳуқуқшуносликнинг муҳим муаммоларини чуқур таҳлил этадиган ўзбек тилида дарслик йўқ.

Ушбу дарслик мавзулари, биринчидан, уларнинг юриспруденция фанидаги роли, ўрни ва аҳамияти, иккинчидан, қиёсий ҳуқуқшуносликдаги муаммоларни тадқиқ қилинганлик даражаси, учинчидан, ҳуқуқий тизимнинг ислохотлари томонидан кун тартибига қўйилган вазифаларига кўра танланган ва жой жойига қўйилган.

Дарслик икки қисмдан иборат. **Умумий қисм** қиёсий ҳуқуқшунослик назарияси ва тарихий ривожланишига, унинг пайдо бўлган замонидан бугунги кунларгача бағишланган бир ярим асрдан зиёд замонни қамраб олади. **Махсус қисмда** ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари ва улар ривожининг асосий йўналишлари кўриб чиқилади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик ва ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари тўғрисидаги билимларни эгаллаш нафақат ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглашни, балки талабаларнинг анча мустақил ишлашини, уларнинг хорижий давлатлар қонунчилик ҳужжатлари ва тавсия қилинган адабиётлар билан танишишини ҳам назарда тутати. Фанни ўрганиш замонида, шунингдек, асосий ҳуқуқий тизимлар бўйича амалий машғулотларни ўтказиш ҳам мақсадга мавофиқдир.

Фанни эгаллаб олиш учун талабага мазкур дарсликни, шунингдек, тавсия қилинган асосий адабиётларни ва қонун-

чилик манбаларини яхши ўзлаштириб олиш зарурдир. Шу билан бирга, ким ушбу фанни чуқурроқ ўрганишга интилса, қиёсий ҳуқуқшунослик ва ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларига ихтисослашишни хоҳласа, мазкур фан бўйича диплом иши тайёрламоқчи бўлса, қўшимча адабиётлар тавсия этилади. Унинг рўйхати ҳам тўлиқ эмас, чунки мунтазам равишда замонавий тадқиқотлар пайдо бўлмоқда, янги кодекслар ва қонунлар қабул қилинмоқда. Қитобхон ва талабалар бу янгиликларни, шунингдек, ўрганилаётган ҳуқуқий тизимлардаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини мунтазам кузатиб бориши керак.

УМУМИЙ ҚИСМ:

Қиёсий ҳуқуқшунослик назарияси ва тарихи

«Мен қиёсий ҳуқуқшунослик тўғрисида мулоҳаза юритганимда доимо инглизча «Comparative Law» иборасига мос фойдаланадиган анча кенг ва катта ҳажмли йўналиш тўғрисида ўйлайман. Мен қиёсий ҳуқуқшунослик қандай бўлса, у тўғрида нафақат ва ҳатто ҳеч қанча эмас, балки қиёсий ҳуқуқшунослик фани тўғрисида ўйлайман».

Р.Паунд, Қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро академиясининг собиқ Президенти

«Қиёсий ҳуқуқшунослик бизнинг олдимизда исталган фанга хос пойдевор ҳисобланадиган тизимлаштирилган билимлар мажмуи сифатида намоён бўлади».

Марк Ансель, Француз компаративисти

1–мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик: метод, фан, ўқув соҳаси

1–§. Қиёсий ҳуқуқшунослик нима?

2–§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вужудга келиши.

3–§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг предмети.

4–§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг аҳамияти.

5–§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фан ва ўқув соҳаси сифатида.

1–§. Қиёсий ҳуқуқшунослик нима?

Қиёсий ҳуқуқшунослик нима? Кўринишидан оддий бўлиб туюлган бу саволга юрист-компаративистларнинг бир неча авлоди жавоб беришга ҳаракат қилган. Ҳақиқатан ҳам бу саволга жавоб мутлақо бир хил бўлиши мумкин эмас. Қиёсий ҳуқуқшунослик равшанки, биз гапирадиган неокантианча ёки экзистенциалистик ҳуқуқ фалсафаси сингари ҳуқуқнинг замонавий умумназарий мактаби ҳисобланмайди. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг турли мамлакатлар кундалик ҳаётида иж-

тимоий-сиёсий, тажрибавий-амалий, илмий-назарий ва ўқув-тарбиявий роли унинг яхлит бир фан йўналиши даражасига кўтарилганлигини ҳамда, юридик тадқиқотларда мустақил илмий соҳа сифатида шаклланганлигини кўрсатди.

Қиёсий ҳуқуқшунослик атамаси уч хил аҳамиятга эга бўлиб, айна пайтда метод, фан ва ўқув соҳаси сифатида намоён бўлади.

Биринчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик метод сифатида ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганишнинг муҳим илмий воситаларидан бири ҳисобланади. Қиёсий методни қўллаш шарофати туфайли замонавий ҳуқуқий тизимларда умумийлик, алоҳидалик ва ягоналикни аниқлаш мумкин бўлди.

Иккинчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик фани кўплаб китоблар, рисоалар, мақолалар, илмий маърузалар кўринишида тақдим этилган замонавий ҳуқуқий тизимлар ҳақидаги илмий билимлар мажмуидир.

Учинчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик ўқув предмети сифатида бу – олий ўқув юртларида ўқитиш фани ҳисобланади.

Мазкур дарсликда қиёсий ҳуқуқшунослик асосан мустақил фан ва ўқув соҳаси сифатида кўриб чиқилади. Аниқ илмий-амалий ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш учун қиёсий методдан фойдаланиш масалалари, яъни «қиёсий қонунчилик», қиёсий методни қўллаш вазифалари ва объектлари, яъни қиёсий метод назарияси ушбу дарсликда кўриб чиқиладиган асосий масала эмас. «Қиёсий ҳуқуқшунослик» атамаси ишлатилган вақтда сўз қиёсий ҳуқуқшунослик фани тўғрисида, ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини яхлит ва қиёсий ўрганиш тўғрисида, шунингдек, ўқув фани тўғрисида боради.

Қиёсий ҳуқуқшунослик мустақил фан ва ўқув курси сифатида ҳар бир мамлакатда ўзининг алоҳида хусусиятларига ҳам эга. Турли мамлакатларда олимларнинг қиёсий ҳуқуқшунослик предметига турлича ёндашувлари мавжуд, ҳатто бир мамлакатнинг ўзида бир неча мактаб ва йўналишлар мавжуд эканлигига гувоҳ бўлиши мумкин.

«Қиёсий ҳуқуқшунослик» атамасининг ўзи ҳам маъно жиҳатдан муайян тафовутга эга. «Компаративизм» атамаси билан бирга бошқа номлар ҳам ишлатилади, бироқ у турли мамлакатларда ҳар хил: французлар «Droit compare», Буюк Британияликлар ва америкаликлар – «Comparative Law», не-

мислар «Rechtsvergleichung» деб ишлатишади. Натижада нафақат турли тиллар ўртасида, балки бир тилнинг ичида катта фарқланишлар кузатилади: «comparative law – law comparison – vergleichende rechtlehre – vergleichende Rechtswissenschaft» («Қиёсий ҳуқуқшунослик – қиёсий ҳуқуқ – ҳуқуқий қиёслаш – ҳуқуқни қиёслаш» ва ҳоказо). Жаҳоннинг турли мамлакатларида «қиёсий ҳуқуқшунослик» атамаси кўп ишлатилади. Шу боис биз ҳам ушбу атамани ишлатамиз.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг мавжудлигини инкор этувчилар юридик нормалар тизими сифатида бундай ҳуқуқ мавжуд эмаслигидан далил сифатида фойдаланадилар, аммо ҳеч ким ва ҳеч қачон ижобий (позитив) ҳуқуқнинг бундай мустақил тармоғи мавжудлигини таъкидламайди. «Қиёсий ҳуқуққа нисбатан барча шубҳалар йўқолади, – деб таъкидлайди, англиялик юрист Г.Гаттериж, – агар шуни тан олсак, бу ибора ўрганиш ва тадқиқ этиш методини билдиради ва қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқнинг тармоғи ёки махсус соҳаси эмас». «Бу – очиқ ҳақиқат», деб ёзган эди таниқли француз ҳуқуқшуноси Р.Давид. Фақат айрим олимлар «қиёсий ҳуқуқшунослик» тушунчасига илгари «табиий ҳуқуқ» тушунчасига киритилган, яъни қандайдир ижобий идеал ҳуқуқ сифатида мавжуд бўлмаган ўша мазмунни киритадилар.

2-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вужудга келиши

Қиёсий ҳуқуқшунослик ўз тараққиётининг узоқ ва мураккаб йўлини босиб ўтган, бу жараён ҳозирги кунга қадар ҳам давом этмоқда, унинг мақсадлари ва вазифалари аниқланмоқда. Юридик компаративистиканинг тарихий ривожланиши қиёсий ҳуқуқшуносликка турли давлатлар ва халқлар ҳуқуқини ўзгартиришда асоссиз равишда ҳар томонлама маъно беришга интилишлар билан бирга юз берган юксалишлар ҳамда уни ҳуқуқни ўрганишда фақат ёрдамчи техник-юридик воситалардан бири сифатида баҳолаб, унинг аҳамиятини ўринсиз ҳолда камайтиришга олиб келган хусусиятлари билан ажралиб туради.

Қиёсий ҳуқуқшунослик қачон пайдо бўлган? Алоҳида юридик фан институтлари ёки бутун ҳуқуқий тизимлар билан қиёсланадиган ва ўтган асрлар давомида шаклланган фанларни қиёсий ҳуқуқшунослик деб ҳисоблаш мумкинми?

Барча юридик тушунчаларни «қиёсий ҳуқуқ» ёки «қиёсий ҳуқуқшунослик» тушунчаси соҳасига киритиш мумкинми?— деган ўринли саволлар туғилиши мумкин.

Юридик компаративистикада бу саволларга икки хил жавоб берилган. *Биринчи йўналиш* тарафдорлари қиёсий ҳуқуқшуносликни қадим ўтмишда пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар. Улар учун қадимий замон ва ўрта аср файласуфлари ҳамда қўнушшунослари маълум ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш мақсадларида фойдаланган қиёслаш тадқиқот методи сифатида бошланғич ҳолат ҳисобланади. Бунга мисол сифатида, одатда, қиёслаш натижаларини қўллаган ҳолда тузилган юнон олимлари Солон ва Ликург қонунлари, қадимий Римда яратилган XII жадвал қонунларини, Рим ҳуқуқининг *jus civile* ва *jus gentium* га ажратилган ҳолда ташкил топганлигини, Францияда XV асрда турли жойлардаги одатлардан умумий одат ҳуқуқининг асосий қонун-қоидаларини ва Олмонияда XVII асрда олмон хусусий ҳуқуқининг асосий қонун-қоидаларини яратганликларини, ўрта асрларда Англияда умумий ҳуқуқни Англиянинг Черков ҳуқуқи билан қиёслашларини келтирадилар.

Буларнинг барчаси француз олими Р. Давидга «жўғрофий харитада қўшни бўлган ҳуқуқий тизимларни қиёслаш ҳуқуқшунослик фани қанчалик қадимий бўлса, шунчалик қадимийдир», деб ёзишга асос бўлган.

Грециялик олим Г. Маридакс эса «Аристотель сиёсий ташкилотларнинг қонуниятлари ҳақида хулосалар қилиш учун 158 та юнон ва ўзга юрт шаҳарларининг конституцияларини тўплаган, қиёслаган ва таҳлил қилган эди», деб ёзган эди.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ривожланишида табиий-ҳуқуқий назария асосида ижтимоий ислоҳотлар режасини тузган Уйғониш ва Маърифат замонлари буюк вакилларига ҳам катта ўрин ажратилади. Шу билан бир вақтда французлар қиёсий ҳуқуқшунослик пайдо бўлишини ўзининг «Қонунлар руҳи ҳақида»ги асариди турли ҳуқуқий тизимларни қиёслашган ва бу тизимлар ўртасидаги фарқларнинг сабаблари тўғрисидаги таклифлари асосида ҳуқуқ ҳақидаги ўз тушунчасини яратган Ш.Л.Монтескье номи ва замони билан боғлайдилар.

Инглиз компаративистика мактаби қиёсий ҳуқуқшунос-лик асосчиси деб ўзининг индуктив методини ишлаб чиққанида, айниқса ўхшашлик, фарқлар ва содир бўладиган ўзгаришларга оид жадвалини тузганида қиёслашдан кенг фойдаланган Ф.Бэконни ҳисоблайди.

Немис юристларининг фикрича, ҳуқуқий тизимларни қиёслаш тўғрисидаги ғояни биринчи бўлиб Лейбниц илгари сурган.

Бизнингча, Ш.Л.Монтескьени ҳам, Ф.Бэконни ҳам, Лейбницни ҳам қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосчилари деб ҳисоблаш мумкин эмас. Уларни фақат қиёсий ҳуқуқшунослик пайдо бўлишидан дарак берувчилар, деб аташ мумкин.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари қиёсий ҳуқуқшунослик пайдо бўлган вақтни XIX асрнинг иккинчи ярми, гоҳо эса Француз қиёсий қонунчилиги Жамятига асос солинган 1869 йил ва ҳатто Қиёсий ҳуқуқ бўйича Биринчи Халқаро конгресс бўлиб ўтган йил 1900 йил (М. Ансель)ни кўрсатадилар.

Қиёсий ҳуқуқшунослик пайдо бўлган замонни белгилашдаги бундай кескин фарқни қандай изоҳлаш мумкин? Бу аввало, фаннинг ўзини турлича тушуниш билан изоҳланади. Қиёсий ҳуқуқшуносликда чет эл ҳуқуқини ўрганиш ва тадқиқ қилишнинг содда методини ва бошқа мамлакат ҳуқуқий тизимларида фойдаланишни кўрадиганлар қиёсий ҳуқуқшуносликни мустақил фан ёки ишлаб чиқилган ва доимий равишда қўлланиладиган метод деб тан оладиганлар, қиёсий ҳуқуқшунослик анча кейин, Фарб мамлакатларидан ҳар бирининг ривожланиши тарихий хусусиятларини ўзида мужассамлаган миллий ҳуқуқий тизимлар ташкил топган XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаклланган, деганларида ҳақдирлар.

Немис компаративисти Л. Ж. Константинесконинг нуқтаи назари ҳам ўзига хос хусусиятга эга. У юқорида айтилган икки йўналиш вакиллари фикрларини келтирган ҳолда, шундай деб ёзади «Эҳтимол, ҳар иккала фикрни қўллайдиган далиллар топиш мумкиндир. Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқ ва унинг фандаги ўрни қандай баҳоланишига боғлиқ. Агар уни ўхшаш объектларни қиёслайдиган фикрлаш фаолияти сифатида тушунилса, унда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг илдизлари ҳақиқатдан ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ва аксинча, унга ҳуқуқий тизимларни изчил равишда яқинлаш-

тириш мақсадидаги фаолият деб қаралса, унда Ф.Поллок билан қўшилишга тўғри келади».

Шундай қилиб, қиёсий ҳуқуқшунослик юридик фаннинг умумий назарияси ёки ҳуқуқ фалсафасидан фарқли ўлароқ, мустақил фан сифатида фақат XIX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи унинг сўнгги чорагида шаклланган.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг юридик фаннинг мустақил тармоғи сифатида вужудга келиши ва шаклланишини XIX асрдаги ижтимоий ривожланиши билан бир вақтда юз берган барча ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар мажмуидан ажратиб бўлмайди. Унинг бундай кеч пайдо бўлиши бир-бири билан боғлиқ эканлиги шубҳасиз баъзи ҳуқуқшунослар ёки умуман тан олмайдиган ёки ҳар ҳолда унга айтарлик эътибор бермасликка ҳаракат қиладиган иккита омил билан изоҳланади. Бундай омиллардан бири ижтимоий ҳислатга эга, иккинчиси, фан тараққиётининг ички мантиғи билан боғлиқдир. Бу иккинчи оқим юридик адабиётда кўпинча биринчи ўринга олиб чиқилади. Мисол тариқасида, жумладан, олмониялик олим, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги, эҳтимол, энг мукаммал илмий ишлардан бирининг муаллифи Л.Ж.Константинесконинг нуқтаи назарини келтира-
рамиз. Юридик компаративистиканинг Г. Гаттериж, Р. Давид, М. Рейнстайн каби таниқли вакиллари ҳам айнан шундай фикрдалар.

Қиёсий ҳуқуқшуносликка эҳтиёж маълум даражада ҳуқуқий фанлар тараққиётининг ички мантиғидан келиб чиққан. XIX аср бошида миллий бир томонламалик ва чекланганлик тобора мумкин бўлмай қолган. Ҳуқуқий тараққиёт юқори даражага кўтарилган миллий ҳуқуқий тизимлар пайдо бўлган, шу сабабли, чет эл қонунларини ўрганишга қизиқиш ниҳоятда ортган. Бунда иккита йўналиш аниқ кўзга ташланади: бир томондан, миллий қонунларнинг умумийлиги ва ўхшашлиги таъкидланса, иккинчи томондан эса улар орасидаги фарқларга тобора кўпроқ эътибор берилган.

XIX аср бошларида босилиб чиққан ва ҳуқуқий ҳодисаларни тарихий-қиёсий жиҳатдан фикрлашга интиланган ишлар шундай мустаҳкам замин яратганки, кейинчалик ундан қиёсий ҳуқуқшунослик фани ажралиб чиққан.

Қиёсий ҳуқуқшунослик шу вақтга келиб қиёсий таҳлилга борган сари жиддий эътибор бераётган бошқа фанлардан

ҳам туртки олган. Бу ҳатто табиий фанларга ҳам оиддир: қиёсий анатомия, қиёсий физиология, кейинчалик эса қиёсий тилшунослик (ҳуқуқий фанлар тарихида қиёсий методнинг шаклланиши йўллари таърифида ҳуқуқ тарихчилари асос қилиб олган қиёсий ҳуқуқшуносликнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилади). Бу фанлардаги барча тадқиқотлар қиёсий ҳуқуқшунослик билан бир вақтда ривожлантирилган ва унинг шаклланишига кўмаклашган.

Шу билан бирга қиёсий ҳуқуқшуносликнинг улардан ажралиб чиқиши ва жадал суратда ривожланиши, алоҳида, муस्ताқил фан бўлиши сабабларини методологик далиллардан эмас аввало унинг амалий мақсадларидан излаш лозим. Ҳақиқатдан ҳам, қиёсий ҳуқуқшуносликка биринчи қадамлар, ҳар қандай илмий билимнинг бошланишида бўлгани каби, инглиз олими Ф. Поллок айтганидек, соф амалий мақсадларда қўйилган.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг шаклланишига тарихий воқеликнинг ўзи ҳал қилувчи таъсир ўтказган, иқтисодиётнинг халқаро аҳамият касб этиши, халқаро муносабатларнинг ва савдо алоқаларининг ривожланиши, сармояларни четга чиқариш ва мустамлакачиликнинг кучайиши юридик фаннинг миллий ҳуқуқ ва миллий қонунлар доирасидан чиқишига олиб келган.

Худди ана шу ижтимоий омиллар қиёсий ҳуқуқшуносликни амалиётга кўчирган. Соф назарий ёндашувнинг амалиёт билан қўшилиш жараёни рўй берган. Шунинг учун таникли олим Ф.В.Тарановскийнинг «Қиёсий ҳуқуқшунослик XIX асрдан қолган энг муҳим меросдир, ўтган юз йилликда (яъни, XIX асрда - С.А.) юридик фикрнинг икки турдаги (назарий ва амалий) янги йўналишлари пайдо бўлишига олиб келди ва ривожланишига таъсир кўрсатди», деб ёзишига ҳамма асоси бор эди.

Бу ўринда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг институтлашганлиги, тармоқлашгани, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ҳуқуқ тарихидан, ҳуқуқ назарияси ва фалсафасидан борган сари равшанроқ ажралиб чиққанлигини таъкидлаш лозим. Амалий мақсадларда 1869 йилда асос солинган Франция қиёсий ҳуқуқшунослик Жамияти, 1898 йилда ташкил этилган Буюк Британия қиёсий ҳуқуқшунослик Жамияти, 1899 йилда Берлинда таъсис этилган қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқ хў-

жалиги фани Халқаро ассоциацияси ва бошқа шунга ўхшаш илмий ташкилотлар пайдо бўлди.

Институтлашганлик кейинчалик махсус журналлар ташкил этилиши ва нашр қилинишида, халқаро конгрессларнинг мунтазам равишда чақирилишида ва турли хил тадбирларда акс этди. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг амалий хусусиятини эътиборга олиш айрим мамлакатларда (Франция, АҚШда) асосини чет эл ҳуқуқий тизимлари тадқиқотлари ташкил этган қиёсий ҳуқуқшуносликни юридик таълим дастурига киритилишига ва компаративистик йўналишдаги махсус шўъбалар ташкил этилишига олиб келди.

3-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг предмети

Қиёсий ҳуқуқшунослик деганда нима тушунилади ва бу фан соҳасининг вазифалари ҳамда методлари қандай? Юриспруденцияга тааллуқли қиёсий фанлардан ҳуқуқшунослик фанининг моҳиятини тушунтиришга йўналтирилган ва илмий ҳамда амалий муаммолар доирасини илгаригидан кўра аниқроқ белгилаш учун маълум уринишлар қилинганди. Кўплаб муаллифлар қиёсий ҳуқуқшуносликни маълум тадқиқот методи сифатида тушуниш мумкин эмаслигини таъкидлайдилар. Қиёсий метод алоҳида муҳим рол ўйнайдиган, йиғилган қиёсий-ҳуқуқий манбалар ва қиёсий ҳуқуқшуносликнинг назарий муаммоларига жиддий эътибор, уларни ҳуқуқий тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши эканлигини айтиш имконини беради. Бироқ, қиёсий ҳуқуқшунослик тушунчасининг моҳиятини тушунишда етарли даражада аниқланган фикрлар ҳозирча йўқ. Хўш, бу тушунча нимани англатади? Биз уларни ушбу ном остида иш жараёнларида дуч келганда бир хил мазмунда қабул қиламизми? Бош савол: сўз методи тўғрисида бораяптими ёки фан тўғрисида? Бу саволни ойдинлаштириш учун унга бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган ишларга мурожаат қилиш зарур.

«Қиёсий метод» ва «қиёсий ҳуқуқшунослик» ибораларининг ўзаро муносабатларига эътиборни қаратиш жоиз. Уларни бир-бирига тенглаштириш ва синонимлар сифатида ишлатиши тўғри эмас, Қиёсий методни «қиёсий ҳуқуқшунослик» атамаси билан ифодалаш мумкин эмас. «Қиёсий метод» тушунчаси, яъни ҳуқуқий ҳодисаларни англаш методи,

«Қиёсий ҳуқуқшунослик», яъни ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини ўрганадиган мустақил илмий йўналиш билан бир хил тушунилиши мумкин эмас. Ҳақиқатдан ҳам, агар бу икки тушунчага айнан бир тушунча деб қаралса, унда қиёсий ҳуқуқшунослик нисбатан алоҳида илмий фан соҳаси бўла олмас эди.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг мақсади қиёслаш-таққослаш ҳулосаларига олиб келадиган тадқиқотлардаги асосий ва етакчи илмий метод сифатида қиёсий методни онгли, назарий ва методологик асосда қўллашга асосланган. Бу эса тадқиқотлар жараёнидаги қиёслаш ва бошқа илмий методларга асосланганда эмас. Бундай атамачиликдаги чегараланиш нафақат мазмун томонидан оқланган. У юридик фанлар тармоқларида қиёсий-ҳуқуқий методни қўллашда атамачиликдаги фарқни қайд этишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда қиёсий ҳуқуқшуносликни фақат метод сифатида кўриб чиқишга уринишларнинг асосиз эканлиги анча ойдинлашиб қолди. Илмий адабиётларда қиёсий ҳуқуқшунослик ҳам барча юридик фанлар тармоқлари томонидан қўлланиладиган метод ва ҳуқуқий тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши эканлиги тўғрисидаги нуқтаи-назар тобора ўз тасдиғини топмоқда.

Айни вақтда шуни ҳам қайд қилиш керакки, бир қатор юрист-олимлар қиёсий ҳуқуқшуносликнинг қиёсий тадқиқотлардаги алоҳида йўналиш эканлиги хусусида баҳс юритадилар ва уни фақат илмий метод деб ҳисоблайдилар.

Қиёсий ҳуқуқшуносликка бундай ёндашув ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини кенг қўламли қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот этишни қийинлаштиради, кўп ҳолларда эса ҳатто бунинг имконияти бўлмайди ҳам.

Қиёсий ҳуқуқшунослик мазмунига турлича ёндашилганда ҳам тан олиш керакки, унда методга қараганда ҳуқуқий тадқиқотларнинг бутун йўналиши кўриниб туради.

Фаннинг мураккаблиги ва кўп йўналишга эга эканлиги тадқиқотчилар томонидан унинг айрим томонларини баъзида мутлоқлаштиришга олиб келади. Шу билан бирга, қиёсий-ҳуқуқий метод ва қиёсий ҳуқуқшунослик битта масаланинг икки томонидир. Гарчи улар ўртасида маълум фарқлар бўлсада, улар ўзаро мустаҳкам боғланган. Таниқли рус юристи Г.Ф.Шершеневич қонунчиликни қиёсий ўрганишнинг вазифа-

си ҳуқуқ ривожланишининг умумий қонунларини аниқлаш бўлиб, қиёсий ҳуқуқшунослик билан унинг тақомиллашиши мақсадларини аралаштирмаслик керак, деб ҳақли таъкидлаган эди.

Барча юқорида баён қилинганлар мустақил илмий йўналиш сифатидаги қиёсий ҳуқуқшунослик чегараларини аниқ «қонунлаштириш», унинг умумназарий муаммолари ва мазмун-моҳияти масалаларини аниқлаш зарурлигини кўрсатади.

Ҳар қандай юридик фан одатда махсус ўрганишни талаб қиладиган ҳуқуқий амалиётнинг маълум муаммолари натижасида пайдо бўлган. Шундай қилиб, сўз қандайдир янги илмий соҳани институтиционал соҳа сифатида тан олиш тўғрисида эмас, балки ҳуқуқшунослик фани олдида пайдо бўлган нисбатан бир қатор янги муаммоларни англаб етиш тўғрисида бормоқда.

Шундай қилиб, қиёсий ҳуқуқшунослик-юридик фан. У икки йўналишда бўлиб, иккиси ҳам лекин бир бирини тўлдирадиган нуқтаи назарлардан иборатдир.

Биринчи йўналиш қиёсий методнинг ҳуқуқий институтларни ва тадқиқотчи мансуб бўлган мамлакат муаммоларини ўрганишда қўлланилиши билан боғлиқ. Бу ҳолда у ёки бу даража қиёсий-ҳуқуқий асосда аниқ ҳуқуқий муаммо ўрганилади. Бу йўналиш, одатда, ҳуқуқнинг айрим соҳалари доирасида кичик миқёсдаги қиёслашни назарда тутди.

Иккинчи йўналиш чет эл (хорижий) ҳуқуқини умуман ҳуқуқий тизимлар даражасида, ҳуқуқнинг алоҳида соҳалари ва асосий ҳуқуқий институтлар даражасида мустақил ўрганиш сифатида юзага чиқади. Бу ерда гап илгари қиёслаш асосида ҳуқуқ тарихини тиклашга интиланлик сингари «юридик жўғрофия»ни тузиш ҳақида бормоқда. Шундай йирик миқёсдаги қиёслашнинг мақсади-ҳозирги замон ҳуқуқий харитасида бўлаётган ўзгаришларни, асосий ҳуқуқий тизимлар тараққиёти қонуниятларини, турли давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизимлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан иборатдир. Мавжуд миллий ҳуқуқий тизимларни ўрганишда жўғрофий қиёслаш келажаги тарихига нисбатан кам аҳамиятли ва осон эмас. Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг жўғрофий кўлами ҳақиқатан ҳам мустақил фан ҳақида гап кетаётганлигидан далолат беради.

Шу ўринда хорижий ҳуқуқни ўрганиш билан қиёсий ҳуқуқшунослик орасидаги ўзаро муносабат қандай деган савол туғилади. Қиёсий ҳуқуқшуносликни чегаралаш бир томондан, чет эл ҳуқуқини ўрганиш иккинчи томондан, алла-қачон Фарб компаративистикасининг классик анъанасига айланган. Лекин шундай савол пайдо бўлади: бу икки тушунчани қай даражада ажратиш мумкин ва уларни қатъий чегаралаш мумкинми ва у нима беради? Бу, бизнинг назаримизда, умуман амалга оширилиши қийин бўлган масала, чунки кўрсатилган тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғланган, баъзи ҳолларда улар муқаррар равишда тутшиб кетадилар. Тарихан қиёсий ҳуқуқшунослик чет эл ҳуқуқини ўрганишга бўлган заруратдан келиб чиққан.

Хорижий ҳуқуқни ўрганиш - қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотнинг зарурий қисми ҳамда асосидир. Айрим олимлар бунга эътироз билдирган ҳолда, чет эл ҳуқуқини ўрганиш бу қиёсий ҳуқуқшуносликка тайёргарлик ва унинг тайёрлов босқичи холос, дейишади. Бундай тасаввур, афтидан, қиёсий ҳуқуқшунослик мақсадларини айрича, миллийликдан устун турувчи қиёсий ҳуқуқни тузиш деб тушунилган замонга бориб тақалса керак. Шундай ёндашилганда қиёсий ҳуқуқшунослик ҳақиқатан ҳам чет эл ҳуқуқини ўрганишдан кейин турадиган иккинчи босқичга айланиб қолгандек кўринади, ўзича мустақил фаолиятга айланади ва мавжуд миллий ҳуқуқий тизимларда бор бўлган умумийликни ажратиб берадиган даражага тушириб кўяди. Аммо қиёсий ҳуқуқшуносликни бугунги кунда бундай тушуниш - бу анохронизмдир (эскича қарашдир) ва шундан келиб чиқадиган тасаввурларга ҳам муайян тузатиш зарур.

Албатта, чет эл ҳуқуқининг ҳар қандай ўрганилиши қиёсий ҳуқуқшуносликка оид деб ҳисобланиши мумкин эмас. Қиёсий-ҳуқуқий мақсадларни кўзда тутмаган фақат бир давлатнинг миллий ҳуқуқий тизимини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин бундай тадқиқотлар ҳар доим компаративистик тусга, келгусида амалга ошириладиган қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар, аввало компаративистнинг Миллий ҳуқуқий тизими билан қиёслаш учун муҳим бўлган эмпирик (бошқарувчи) ва фактологик манбаларга эга бўлади. Шундай қилиб, аввало хорижий ҳуқуқ тўғрисида

етарича билимга эга бўлмасдан туриб, ҳеч ким компаративист бўла олмайди.

Табиийки, бундай ёндашувда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг федератив давлат субъектлари қонунчилигини анъанавий қиёсий ўрганиши, бир давлат ҳудудидан ташқарига чиқмайдиган тарихий-ҳуқуқий қиёслаш каби йўналишларда рад этилмайди.

Қиёсий ҳуқуқшунослик миллий ҳуқуқни ўрганишда тор миллий қарашни енгиб ўтишга ёрдам беради, унга анча кенг нуқтаи назардан қараш имконини яратади. Миллий ҳуқуқий тизимни хорижий ҳуқуқ билан таққослаш унинг ўзига хосликларини яққол аниқлаш учун шароит туғдиради.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг юридик фанларни ривожлантириш учун аҳамияти нафақат ҳуқуқий воқелик тўғрисида янги назарий билимларга эга бўлишдан иборат эмас, балки соф эмпирик билим миллий ҳуқуқий тизимни ўрганиш вақтида у ёки бу кўринишда ҳисобга олинади.

Қиёсий ҳуқуқшуносликни тан олишнинг муҳим зарурий шарти – ўзига хос тадқиқот эгалидир. Жаҳоннинг юридик харитасига қиёсий ёндашиш қиёсий ҳуқуқшуносликнинг мустақил предметини шакллантиради. Фан предмети ўз навбатида тадқиқот методлари ва уларнинг мазкур фанга татбиқ этиш методларини, яъни фаннинг объектга ёндашувидан иборат бўлган методлар бирлашувини белгилайди. Объект тўғрисидаги бизнинг билимларимиз ошиб боргани сайин маълум фан (бу ҳолатда-қиёсий ҳуқуқшунослик) предмети деганда нима-ни тушуниш кераклиги тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ўзгаради.

Компаративистика методологияси фақат ягона қиёсий методга бориб тақалмайди, қиёсий ҳуқуқшунослик фани билиш назариясининг бутун методологиясидан иборат бўлган воситалар ва методларнинг бутун мажмуига таянади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик фақат биргина қиёсий методдан эмас, балки ҳуқуқий фаннинг барча методологик имкониятларидан фойдаланади. Юридик фан соҳаларини предмети бўйича ажратадиган ҳуқуқий назария тегишли предмет атрофида у ҳар томонлама ўрганилишини таъминлайдиган барча методлардан фойдаланишни тақозо этади. Бошқача айтганда, қиёсий ҳуқуқшунослик бошқа ҳуқуқий фанлардан таснифий

методи билан эмас, балки, таснифий предмети билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, қиёсий ҳуқуқшунослик предметини ташкил қиладиган масалалар доираси қуйидагилардан иборат:

биринчидан, қиёслашнинг ҳуқуқдаги методологик муаммолари («қиёсий-ҳуқуқий методи назарияси»);

иккинчидан, ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини таққослаб ўрганиш (бунда мазкур тизимларнинг классификацияси (таснифи) тўғрисидаги масала алоҳида аҳамиятга эга);

учинчидан, анъанавий «қиёсий қонунчилик», яъни ҳуқуқ манбаларини муайян муаммолар бўйича, ҳуқуқ тармоқлари даражасида қиёслаш;

тўртинчидан, функционал қиёслаш деб аталадиган ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг социологик йўналтирилган турлари;

бешинчидан, ҳуқуқни тарихий-қиёсий ўрганиш.

Ҳозирги замон қиёсий ҳуқуқшунослик предметини ташкил қилувчи юқорида келтирилган муаммолар тугал ҳисобланмайди, улар тўлдирилиши ва кенгайтирилиши мумкин, айрим муаммолар биров бошқача талқин этилиши мумкин. Масалан, шахснинг ҳуқуқий мавқеини қиёсий тадқиқ этиш сингари муаммолар алоҳида аҳамият касб этади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик учун халқаро-ҳуқуқий муаммолар ҳам жуда муҳимдир. Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар ҳам халқаро ҳуқуқ, ҳам қиёсий ҳуқуқшунослик фани учун аҳамиятлидир. Шунга мувофиқ ҳуқуқий тизимларни унификациялаш қиёсий ҳуқуқшуносликнинг етакчи муаммоларидан ҳисобланади. Одатда халқаро хусусий ҳуқуқда суд томонидан қиёсий ҳуқуқшунослик уларнинг хорижий нормаларига нисбатан қўллашда фойдаланиш муаммоларини ўрганиш тўғрисида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу ерда сўз халқаро хусусий ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшуносликнинг шаклланган анъаналари тўғрисида бормоқда.

Қиёсий ҳуқуқшунослик предметига ҳуқуқнинг рецепцияси тўғрисидаги катта ва мураккаб масала ҳам тааллуқлидир.

Қиёсий ҳуқуқшунослик учун юридик атамашунослик тўғрисидаги масала анча аҳамиятли, чунки турли мамлакатларда қонунчилик ва юридик адабиёт турли ибора, атама ва тушунчалардан фойдаланади. Бир ҳуқуқий тизимнинг атама-

лари бошқа ҳуқуқий тизимда мутлоқо ўзгача мазмунга эга бўлиши ёки умуман ўз муқобилига эга бўлмаслиги мумкин. Бу одатда турли ҳуқуқий оилаларга мансуб мамлакатлар ҳуқуқида кўп учрайди. Юридик атамашуносликнинг хилма-хиллиги нафақат ҳуқуқшунос учун қийинчиликлар манбаи эмас. У катта амалий аҳамиятга эга муаммоларни ҳам қамраб олади. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда, қонун матнларини таржима қилишда йўл қўйилган кўплаб хатолар маълум.

Шундай қилиб, қиёсий ҳуқуқшунослик кўп қиррали ва кўп функцияли, ҳам илмий (назарий билим орттириш), ҳам амалий натижаларни беришга қодир. У қиёсий методни қўллашни тадқиқотнинг алоҳида илмий методи сифатида қўллашга, бутун ҳуқуқий тадқиқотларнинг йўналиши мазмунига эга.

Таъкидлаш жоизки, қиёсий ҳуқуқшунослик предмети қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчидан, қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг методологик муаммолари (бу ҳолда қиёсий-ҳуқуқий метод назарияси катта ўринни эгаллайди);

иккинчидан, ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини умумлаштирган ҳолда қиёсий ўрганиш, бошқача айтганда, хорижий ҳуқуқни тизимлаштирилган тарзда ўрганиш;

учинчидан, аниқ қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва тизимлаштириш;

тўртинчидан, аниқ методик қоидалар ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар жараёнларини ишлаб чиқиш;

бешинчидан, тарихий-қиёсий ва ҳуқуқий муаммоларни тадқиқ этиш;

олтинчидан, ҳозирги замоннинг халқаро-ҳуқуқий масалаларини қиёсий ўрганиш.

4-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг аҳамияти

Юридик фанда қиёсий ҳуқуқшуносликка катта аҳамият берилади. Бу илмий йўналишнинг ҳуқуқий фанлар тизимидаги мавқеи, унинг доирасига кирадиган масалалар юзасидан баҳс ва мунозаралар шу кунгача давом этаётган бўлсада, ҳуқуқни қиёсий тадқиқ қилиш ҳуқуқшунослик фанининг ривожига муҳимлиги бугунги кунда ҳаммага равшан.

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларни ҳуқуқнинг анъанавий, тарихий, норматив ва социологик жиҳатлари билан бирга олиб бориш:

биринчидан, илгари ҳуқуқшунослик муаммолари сирасига кирмаган ҳуқуқий ходисаларни тадқиқ этишга ва ўзининг миллий ҳуқуқий тизими доирасидан чиқишга;

иккинчидан, юридик фаннинг қатор анъанавий масалаларига ҳозирги дунёдаги ҳуқуқий тараққиёт йўлларини инобатга олган ҳолда кенгроқ нуқтаи назар билан қарашга имкон беради.

Аввало, миллий ҳуқуқни ўрганишга қаратилган юридик фан учун қиёсий ҳуқуқшуносликни татбиқ этиш айниқса муҳим, чунки у маълум бир ҳуқуқий муаммонинг турли давлатларда қандай ҳал этилаётганлигини аниқлашга ёрдам беради, юридик тадқиқотлар қўламини кенгайтиради, хориждаги ҳуқуқий тажрибанинг ижобий ва салбий томонларини эътиборга олишга имкон беради. Ҳозирги вақтда бизнинг умумназарий хулосаларимиз, қиёсий ҳуқуқшунослик маълумотларини ҳисобга олмасдан туриб, ҳар томонлама ва умумлаштирувчи хулосага даъво қила олмайди. Иккинчи томондан, юридик фаннинг айрим тушунчалари чет эл ҳуқуқшунослиги тажрибаси ва жаҳон ҳуқуқий тафаккурини ҳисобга олган ҳолда аниқлик киритилишига муҳтождир.

Ҳозирги замон жаҳон ҳамжамияти давлатларнинг бири-бири билан ўзаро интилиши ва яқинлашуви кучаяётганлиги ва глобаллашув жараёнлари билан ажралиб туради. Замонавий маданиятлар фақатгина ўзлари билан ўзлари бўлиб, бошқалар билан ўзаро муносабат ва алоқалардан, демакки, бир-бирларини ўрганишдан, ўзларини четга торта олмайдилар. Бугунги кунда ижтимоий ва сиёсий жиҳатлардан турлича бўлган, лекин шу билан бирга кўп томонлама бир-бири билан ўзаро боғланган яхлит дунё шаклланмоқда. Бундай birlik ва халқаро боғлиқлик ва унинг муқаррар равишда ўзаро яқинлашуви ҳозирги ҳуқуқий тизимларнинг қиёсланиши асосида ётади. Қиёсий ҳуқуқшунослик жаҳон ҳамжамиятининг ҳуқуқий хилма-хиллигини кўрсатишга ва шу билан бирга юқори маданиятга эришган жамиятларда ҳуқуқшуносликни ривожлантиришда умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини кўрсатишга қаратилган.

Халқаро ҳамкорликнинг зарурлиги, ҳозирги даврнинг улкан муаммолари (илмий-техникавий инқилоб, экология, демография ва бошқалар) жаҳон ҳуқуқий тизимларига чуқур эътибор беришни, мавжуд ҳуқуқий муаммоларга янги нуктаи назар билан қарашни талаб этади. Шу маънода, қиёсий ҳуқуқшуносликни ўрганиш методи ва ҳамкорлик амалга ошадиган юридик соҳаларни баҳолаш сифатидаги аҳамияти янада ортади.

Бу ўринда тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилиш, ягона ҳуқуқий тизимларни ўрганиш учун шароит яратади. Бундай ҳолатда ҳуқуқий тизимларнинг илмий нуктаи назардан, уларни назарий тадқиқ этиш ва таснифлашда тенглилик вазияти пайдо бўлади. Турли ҳуқуқий тизимларнинг тенг равишда мавжудлигини тан олиш турли мамлакатлар юристларининг, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий тизимлари бири-биридан қанчалик фарқланмасин, самарали ҳамкорлик қилиши учун яхши замин яратади. Бунда юрист-компаративист олдида миллий ҳуқуқий тизимларни холисона ўрганиш ва қиёслаш йўли билан муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий шароитда аниқ ижтимоий муаммоларнинг энг яхши юридик ечимларини топиш вазифаси туради.

Қиёсий ҳуқуқшунослик кўпқирралидир.

Биринчидан, у умуман ҳуқуқ ҳақида умумназарий тасаввурларни (улар эса, турли ҳуқуқий тизимлар вакилларида бир-бирига мос келмайди) ўз ичига олади, ҳуқуқий тушунчаларнинг хилма-хиллигини кўрсатади;

Иккинчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик доирасида нафақат ҳуқуқшуносликнинг умумий назарияси даражасидаги муаммолар, балки турли ҳуқуқ соҳаларига оид юридик фанлар масалалари ҳам таҳлил этилади, натижада қиёсий ҳуқуқшунослик фанлараро юридик хусусият касб этади;

Учинчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик муаммоларини ўрганиш фақат соф юридик аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки ижтимоий-сиёсий аҳамият ҳам касб этади, чунки у демократик жараёнларни кенгайтириш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва адолатли одил судловни амалга ошириш билан бевоқифа боғлангандир.

Қиёсий ҳуқуқшунослик ҳар томонлама тўлиқ юридик илмий тадқиқотлардан иборат бўлиб, ҳам илмий-назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. У ҳозирги замон ҳуқуқий тарақ-

қиётининг асосий йўналишларини билиб олишнинг энг қулай воситасидир.

Шу билан бирга, қиёсий ҳуқуқшунослик эришган тараққиёт даражаси юридик фан талабларини, давлат-ҳуқуқий амалиёти эҳтиёжларини тўла қаноатлантирмайди, фундамен-тал назарий хулосалар учун берадиган манбалари етарли эмас, ҳуқуқий тизимлар ўзгариши ва янгиланиши натижаси-да юзага чиққан талаблардан орқада қолмоқда. Бунга, биз-нинг назаримизда, бир қанча сабаблар бор.

Биринчи сабаб. Кўплаб юрист-олимлар совет замонида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг назарий ва амалий масалаларига доир ихтисослашган тадқиқотлар олиб боришда ўз олдилари-га фақат танқидий ёндашув мақсадини қўйганлар ва у қара-ма-қарши қиёслаш маъносиди бўлиб, буржуа ҳуқуқини «фош этиш» учун қўлланилар эди. Маълумки, икки бир-бирига зид бўлган ижтимоий-сиёсий тузумларнинг ўзаро мусобақаси ва ғоявий қарама-қаршилиги шароитида бундай танқидий таҳ-лил маълум даражада тўғри эди, лекин уни атайлаб ғаразли манбалар тўплашга, улардан айрим фактларни юлиб олиб бир томонлама, салбий баҳолашга айлантириб қўйиш керак эмас эди. Ҳар қандай илмий таҳлил сингари, Ғарб мамлакат-ларининг ҳақиқий ҳуқуқий ҳолатини тадқиқ қилиш ҳам ҳақ-қоний тасаввур беришга қаратилган, мураккаб, қарама-қар-ши, ўзгарувчан жараёнларни илгари шаклланган тор, аввал-дан белгилаб қўйилган ғоявий чизмалар ичига зўрма-зўраки тиқиштирмаслиги лозим.

Иккинчи сабаб. Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизими муаммоларини ўрганишга қаратилган ихтисослаштирилган тадқиқотлар хорижий ҳуқуқий институтларининг ижобий юридик тажрибасини ўрганиш билан қўшиб олиб борилмас эди. Ўз вақтида хорижий давлат ва ҳуқуқни уларнинг барча ранг-баранг кўринишида тадқиқ ва қиёсий таҳлил қилишни бутунлай тўхтатиб қўйилишида «космополитизмга қарши ку-раш кампанияси» айниқса салбий роль ўйнаган. Натижада, бу икки бир-бири билан узвий боғланган ҳуқуқий тадқиқотлар миллий ҳуқуқнинг ички муаммоларини ечишда деярли ту-ташмаганлар.

Ҳолбуки, ҳаёт қиёсий ҳуқуқшуносликни унинг ҳозирги тушунишда – чет эл ҳуқуқининг ҳам умумий қонуниятлари ва хорижий мамлакатларда бугунги ҳуқуқшуносликнинг ҳу-

сусиятларини, асосий ҳуқуқий оилалар ва айрим миллий ҳуқуқий тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга қаратилган ихтисослаштирилган тадқиқотлар ҳамда қиёсий ҳуқуқшунослик ёрдамида сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришлар, кун тартибига қўйилган айниқса, демократик ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш муносабати билан, чет эл тажрибасини ва муайян давлат-ҳуқуқ масалаларини ечиш бўйича умумий тажрибаларни ўрганиш зарурлигини кўрсатди.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида жаҳонда юридик компаративистика сезиларли даражада бойиди: қиёсий ҳуқуқшунослик тадқиқотлари сони тез суръатлар билан ўсмоқда ва мавзу доираси кенгаймоқда, янги махсус институтлар ташкил этилмоқда, қиёсий ҳуқуқшунослик бўйича юридик нашрлар кўпаймоқда. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг миллий қонуншуносликни такомиллаштиришда ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда юридик фанларни ўқитишда бениҳоя катта самарадорлиги маълум бўлди. У қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг эмпирик манбалари, қоидалари ва методини умумлаштириш бўйича тажриба тўплади.

5-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фан ва ўқув соҳаси сифатида

Қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқий билимлар, тизимлаштирилган қиёсий методни илмий-билиш, ҳамда амалий йўналишда қўллаш назарияси, ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари тўғрисидаги тушунчалар тузилиши тизимидир. Аёнки, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг кўрсатилган йўналишлардан ҳар бирининг ўрни ва аҳамияти турли мамлакатларда турлича.

Қиёсий ҳуқуқшунослик фақат хронологик эмас, балки макон ўлчовларига ҳам эга. Бу шу билан изоҳланадиги, унинг ривожини бир-бирдан етарли даражада аниқ чегараланган маданий-тарихий минтақаларда ва бир даврнинг ўзида замонавий юридик компаративистика жўғрофияси анча кенгайиши шароитлари доирасида бўлиб ўтди ва бўлиб ўтмоқда.

Қиёсий ҳуқуқшунослик нафақат тарихий-жонли хотира, балки шу билан бирга замонавий юридик компаративистиканинг ўзига хос методик лабораторияси ролини ҳам ўйнайди. У шуниндек, юридик концепциялар, ҳуқуқий тушунчалар-

нинг турли илмий йўналишлари ва мактабларининг кўплаб хиллари синаб кўрилган ўзига хос майдон ҳисобланади. Компаративистик фикрнинг ўзига хосликлари, йўналишлари ва ривожланиши тарихий қонуниятларини ҳар томонлама, синчиклаб таҳлил қилиш ва чуқур умумлаштириш жаҳон ҳуқуқий харитаси тўғрисидаги замонавий назарий билимларни келгусида ривожлантириш ва такомиллаштириш йўллари ҳамда методларини режалаштириш учун зарур. Қиёсий ҳуқуқшунослик тарихига мурожаат этиш замонавий юридик фан муаммоларининг бутун мажмуини ҳал қилиш учун калит топишнинг энг самарали воситасидир.

Компаративистик ғоялар тарихини фаол ишлаб чиқмасдан, унинг маълумотларига эга бўлмасдан, эгаллаган билимларни баҳоламасдан, тадқиқотлари замонавий қиёсий ҳуқуқшунослик мазмунидан иборат бўлган асосий масалаларни ҳеч қандай асосли аниқлаш мумкин эмас. Бундай ишланма юридик компаративистика ривожининг қонуниятларини аниқ топишни таъминлайди, унинг турли юридик фанлар соҳалари билан алоқаларини ва ҳуқуқий мафқуранинг йўналишларини очишга ёрдам беради, унинг барча назарий-билиш ва амалий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Ҳозирги вақтда қиёсий ҳуқуқшунослик илгарига қараганда жаҳон ҳуқуқий харитасида рўй бераётган мураккаб жараёнларни фарқлаган ҳолда анча чуқур тушунади. Бундан ташқари, замонавий юридик компаративистиканинг тузилиши мураккаб, унда жумладан ўзига хос концептуал тушунча ўзанини ўрганилаётган объектнинг аниқ ва тарихий хусусиятларини ифодалайдиган аҳамиятини ҳамда унинг етакчи вакиллари шахсий ташаббуслари ва чуқур моҳиятга эга йўл-йўриқларини қисмларга ажратиш мумкин.

Қиёсий ҳуқуқшуносликда маълум «абадий муаммо» ўзга ва унга мос келадиган нисбатан барқарор илмий тил ўткинчи муаммоси ва ўткинчи билими билан бир қаторда иштирок этиши нафақат унинг тушунарли тоифалар мустаҳкамлиги ва изчиллигини, балки юридик фаннинг мустақил ва ривожланувчи тармоғи мавқеини ҳам таъминлайди.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг илмий-ҳуқуқий билимнинг мустақил тармоғи эканлигини тасдиқловчи хусусиятини белгилаш учун мезонлар сифатида қуйидаги омилларни қабул қилиш зарур:

биринчидан, ўтказиладиган қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар ва илмий мақолалар сони ва ҳажмининг тез суратларда ўсиши;

иккинчидан, ўтмишга оид библиография ва хрестоматиядан фойдаланган ҳолда бир тизимга солувчи ва шарҳловчи ишларнинг пайдо бўлиши, энг долзарб муаммлар бўйича халқаро ва иккитомонлама кўплаб анжуманлар ўтказилиши;

учинчидан, қиёсий ҳуқуқшуносликка бағишланган ихтисослаштирилган замонавий адабиётларнинг доимий методик бўлимлар билан нашр этилиши;

тўртинчидан, олий ўқув юртлари ёки бошқа илмий марказларда тегишли мутахассис-компаративистларни тайёрлаш тизимининг шакллантирилиши, ўқув дастурлари ва қўлланмаларнинг нашр этилиши;

бешинчидан, миллий ва халқаро илмий тадқиқот марказлари, мактаблари ҳамда йўналишларининг шакллантирилиши.

Ўз-ўзидан маълумки, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг илмий йўналиш сифатидаги ривожланиши нафақат «ташқи тавсифномасига эга». Бу мустақил илмий фан соҳасининг ташкил топишида конструктив белги сифатида ҳуқуқий билимнинг мазкур тармоғига тадқиқот предметининг ўзига хос хусусиятини, унинг бутун юридик фанлар тизимидаги мавқеини кўриб чиқиш тақозо этилади. Бошқача айтганда, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши унинг умумий тан олинисини таъминловчи ўзига хос ёндашуви ва предмети билан изоҳланади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик мавжуд миллий ҳуқуқнинг нисбийлигини кўрсатади. У маълум давлат ҳудудига ҳаракат қиладиган ёки маълум юридик қонуннинг ягона фойдаланиш мақсади сифатидаги, ҳуқуқнинг ягона ифодаси сифатидаги ёзма норманинг оддий белгиланиши доираларидан чиқишга ва жаҳон ҳуқуқий харитасидаги ҳар бир миллий ҳуқуқий тизимнинг нисбий ўрни ва ролига бўлган тасавурларимизга маълум тузатишлар киритишга имкон беради.

Қиёсий ҳуқуқшунослик турли давлатларнинг юридик сиёсатини аниқлаш ва тушунишга ёрдам беради. У бизга турли мамлакатлардаги етакчи қонунчилик соҳаларини, аниқроғи, қонунчилик ислохотларининг халқаро кесимдаги асосий йўналишларини кўришга ва бир-бири билан таққослашга ёр-

дам беради. Қиёсий ҳуқуқшунослик тўплаган хорижий юридик тажриба бўйича маълумотлар ҳуқуқий ривожланишда ўз эҳтиёжларимизни қондириш учун ўзлаштиришда фойдаланиш имконини бериши муносабати билан айтиш мумкинки, қиёсий ҳуқуқшунослик қонунчиликни ривожлантиришда истиқболли марраларга чиқа олади.

Қонуншунос қиёсий-ҳуқуқий манбалардан қонунчилик сиёсатидаги айрим муҳим муаммоларни ҳал қилишда, миллий қонунчилик ҳужжатларининг айрим йўналишларини ишлаб чиқиш йўли билан такомиллаштиришда; қонунчилик қоидаларини ривожлантиришда фойдаланиши мумкин.

Бугунги кунда мафкуравий тузилмалар доирасидан чиқиш, барча замонлар (албатта, ҳозирги замонни ҳам истисно қилмаган ҳолда) ҳуқуқи ва давлатчилигидаги ижобий жиҳатларни қидириш ва топиш жуда муҳимки, улар ҳуқуқий ислохотлар учун хизмат қилиши мумкин. Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот бир томондан хорижий мамлакатларда бошланғич муаммоларни ҳал қилишда, «велосипед кашф этиш» сингари кераксиз меҳнатдан халос бўлишда нималар ўзини оқлаган бўлса фойдали жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради, иккинчи томондан – хорижий тажрибанинг салбий томонларини, у ёки бу ҳуқуқий қарорларнинг самарасизлигини ҳисобга олиш имконини беради. Айниқса, шу нарса муҳимки, миллий қонуншунос янги ҳуқуқий ҳужжатни яратар экан, аллақачон мавжуд бўлган хорижий ҳуқуқ нормаларига, яъни амалий қўлланиш тажрибалари тўпланган нормаларга мурожаат қилади. Албатта, сўз қонуншуносга хориждан олинган тайёр намуналар ва андозаларни таклиф қилиш тўғрисида эмас, балки хорижий-ҳуқуқий тажрибани ҳам ижобий, ҳам салбий нуқтаи назардан ўрганиш ҳақида бормоқда. Бу ўрганиш, гарчи бундай натижа истисно қилинмасада, ўз олдиға фақат ўзлаштириш ёки тақлид қилишни мақсад қилиб қўймайди. У фаннинг дунёқарашини кенгайтиради, муаммоларға анча кен ёндашиш имконини беради.

Қиёсий ҳуқуқшуносликни ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини ўрганишға киришиш мақсадида ёки ҳуқуқ тармоқлари ва институтларини қиёсий ўрганиш мақсадида ўқитиш-замонавий ҳуқуқий фан ва юридик таълим ривожини учун муҳим мадад ҳисобланади.

Уларнинг вазифасига миллий ҳуқуқни ўрганиш билан бир қаторда, шунингдек, ҳозирги замонда ҳуқуқ ривожининг умумжаҳон қонуниятлари ва йўналишларини тадқиқ этиш ҳам киради. Шунинг учун ҳуқуқий фан объекти хорижий ҳуқуқий тизимлар ҳисобланадиган жиддий назарий ишланмаларга таяниши керак. Жаҳон миқёсидаги ривожланиш тажрибаси таҳлили, жумладан, ҳозирги замон жаҳониятида рўй бераётган жараёнларни ўрганиш муҳимлиги, аввал таъкидланганидек, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар эҳтиёжларидан келиб чиқади.

1-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг предметини нима ташкил қилади?
2. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг асосий функциялари нималардан иборат?
3. Қиёсий ҳуқуқшунослик фани тарихининг даврийланиши қандай?
4. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг аҳамияти қандай?
5. Қиёсий ҳуқуқшунослик тизимини сиз қандай тушуна-сиз?

«Методология билан шуғулланишга мажбур
фанлар касалланган фанлардир»

Густав Радбрух, Немис ҳуқуқ файласуфи

«Қиёслаш қандайдир ягона универсал метод-
дан эмас, ...балки имкони бўлган бир неча метод-
лардан фойдаланишни талаб этади, бунда улар-
дан қайси бири афзал эканлиги эмас, балки
уларнинг ҳар бири тадқиқот жараёнида қандай
ўринни эгаллаши муҳим ҳисобланади»

Марк Ансель, Француз компаративисти

2-мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик методологияси

1-§. Қиёслаш тушунчаси ва аҳамияти.

2-§. Қиёсий-ҳуқуқий метод-юридик фаннинг илмий қисм методидир.

3-§. Қиёсий-ҳуқуқий метод назарияси.

4-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик: тадқиқотларнинг асосий турлари:

- **Диахрон ва синхрон қиёслаш;**
- **Ички ва ташқи қиёслаш;**
- **Микро ва макроқиёслаш;**
- **Қиёслаш объектлари ва даражалари;**
- **Норматив қиёслаш;**
- **Функционал қиёслаш.**

1-§. Қиёслаш тушунчаси ва аҳамияти

Қиёсий ҳуқуқшуносликни тушуниш аппарати (тушуниш тизимлари)ни чуқур англаш ва «ўзлаштириш», шунингдек, илмий асослаш долзарб муаммодир. Шунинг учун биз дастлаб «қиёслаш», «қиёсий-ҳуқуқий метод» ва «қиёсий ҳуқуқшунослик» каби энг муҳим тушунчаларни таҳлил этамиз.

Билиш воситалари арсеналида қиёслаш муҳим ўринга эга. Унинг билишдаги роли ҳикматли ибораларга айланган куйидаги атамаларда ўзининг яққол ифодасини топган: «қиёслашсиз билиш йўқ», «ҳамма нарса қиёслашда билинади», «қиёслаш-билишнинг онаси» ва ҳоказо.

Қиёслаш-инсон тафаккурининг ажралмас қисми бўлиб, нафақат илмий билишда, балки одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида, уларнинг турмушида, таълим олиш соҳасида ҳам кенг фойдаланилади. Қиёслашга нафақат билим олиш, балки амалий аҳамият ҳам хосдир. Қиёслаш - бу қадимги файласуфларнинг ҳам, Уйғониш даври донишмандларининг ҳам эътиборини ўзига жалб қилган умуммиллий ва мантиқий билиш методидир.

Фалсафий адабиётларда қиёслашнинг билиш жараёнининг ички томони ва ташқи дунёни билишнинг асосий мантиқий методларидан бири сифатида кўриб чиқилиши ҳақли равишда қайд этилади. Исталган предмет ва ходисани билиш шундан бошланадики, биз уларни бошқа барча предметлардан фарқлаймиз ва унинг ўзига яқин предметларга ўхшашликларини қайд этамиз.

Қиёслаш шундайлигича билишнинг бошқа мантиқий методларидан (таҳлил, синтез, индукция, дедукция ва бошқалар) ажратилган ҳолда кўриб чиқилиши мумкин эмас. Билиш воситалари тизимининг бу умумий таркибий қисмлари фақат фикрий мавҳумлик сифатида бир-биридан алоҳида мавжуддир, бу таркибий қисмларни аниқ фарқлаш учун, уларнинг ўзига хос билиш функцияларини белгилаш ва уларни қўллаш нафақат тўғри бўлади, балки мажбурийдир ҳам. Шундай қилиб, қиёслашни ажратиш ва уни бошқа мантиқий методлардан алоҳида кўриб чиқиш мумкин, бироқ тафаккурнинг умумий жараёнида билишнинг бошқа барча методлари билан ажралмас алоқадорликда ва ўзаро ҳаракатда бўлади.

Ҳар қандай илмий қиёслаш ўзига хос, уч вазият бирлигига эга билишнинг мантиқий методи; жараён, яъни билиш фаолиятининг алоҳида шакли; алоҳида билиш натижаси, маълум мазмун ва даражани билиш.

Хилма-хил, тартибсиз, бир-бири билан алоқасиз илмий фактлар қиёслаш натижасида мантиқли ҳолатга айланиши мумкин. Қиёслашнинг самарадорлиги фақат алоҳида таққослашларнинг сони ва маълумотлари тўғрилигидан эмас, балки уларнинг қатъий тизимлилиги, уларнинг асосий тадқиқот вазифаларини бажаришдаги ролига боғлиқ. Агар биз сезиларли натижалар олишни хоҳласак, қиёслаш тартибсиз бўлмаслиги керак. У ёки бу ҳолатларнинг алоқа ва муносабатларда улар-

га ички жиҳатдан хос бўлган қонуниятларини очишга имкон берадиган барча қиёслашлар илмий қимматга эга.

Шу билан бирга, қиёслаш фақат илмий билишнинг муҳим ҳолатларидан бири ҳисобланади, холос. У тадқиқ этилаётган ҳолатларга тўлиқ тасаввурни ўз-ўзича бера олмайди. Ҳар қандай қиёслаш қиёсланаётган предметлар ёки тушунчаларнинг вақтинча ва шартли равишда бошқа томонларини мавҳум сақлаган ҳолда унинг фақат бир томонини ёки фақат айрим томонларини кўриб чиқади, холос.

«Биз қиёсий метод вазифаларини илмий идеал талаб қиладиган диққат билан бажарамиз...»

Э. Рабель, Немис юристи

2-§. Қиёсий-ҳуқуқий метод – юридик фаннинг илмий методидир

Қиёслаш билишнинг барча шаклларида доимий унсур (элемент) бўлиб хизмат қилади. Қиёслаш ролининг фақат «муқаддима»сидан мавҳум ва шу маънода билиш фаолиятининг исталган тури учун умумий бўлган шу нарсани таъкидлаш жоизки, унинг турли фанлардаги ўзига хос тадқиқотчилик аҳамияти бир хил эмас. Улардан баъзилари учун алоҳида тарзда ташкил этилган ва тизимли равишда фойдаланиладиган қиёсий методни ишлаб чиқиш эҳтиёжи йўқ, бошқалари учун бундай методни ишлаб чиқиш ички эҳтиёжлар учун зарур (тадқиқот предметларининг ўзига хос хусусиятлари ва билиш вазифаларининг ўзига хослиги). Мана шунинг учун қатор фанларда алоҳида қиёсий фан соҳалари шаклланди. Қиёслаш методи уларнинг ҳар бирида айрим умумий билиш функцияларини бажариш билан бирга бир вақтнинг ўзида ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Масаланинг бу томонига алоҳида аҳамият қаратиш тақозо этилади, чунки юридик адабиётларда қиёслаш баъзан қиёсий метод билан, баъзан ҳатто қиёсий ҳуқуқшунослик билан аралаштириб юборилади.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг гносеологик (дунёни билиш назарияси) табиатига кўра қиёслаш ва қиёсий метод бир-бирига

яқин. Аммо шу нарса аёнки, қиёслаш аслида – фақатгина қиёсий метод ва қиёсий ҳуқуқшуносликка хос эмас. Қиёслаш илмий билишнинг барча соҳаларида ва қиёсий методдан мустақил ҳолда, гарчи уларнинг дастлабкиси, албатта охиргисига бевосита қарама-қарши қўйилмаган ҳолда қўлланилиши мумкин. Мантикий методлар «соф» ҳолда қўлланилмайди, балки доимо метод таркибига маълум тартибда тадқиқотлар ўтказиш учун фойдаланиладиган билиш воситалари ва методлари тизимлари сифатида киритилади.

Э.С. Маркарян умуман билиш фаолиятида қиёслашнинг функциясини, қиёсий методни қиёсий билишнинг ўзига хос мақсадларига эришишда хизмат қиладиган тизимли равишда ташкил этилган нисбатан мустақил тадқиқот методи сифатида фарқлашни ҳақли равишда таклиф этади.

Ўхшаш жиҳатларни аниқлаш йўлидаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар миллий ҳуқуқий тизимларнинг фарқланишларини ҳам ойдинлаштириб беради. Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг иккала вазифа ва имкониятлари ҳам (қиёсланаётган объектларнинг ўхшаш жиҳатлари ва фарқларини аниқлаш), шунингдек, миллий ҳуқуқий тизимларнинг ўхшашлиги ва тафовутлари каби ўзаро боғлангандирлар.

Бир томондан, қиёслаш фақат қиёсий метод билан аниқланадиган қандайдир умумийликни кўзда тутаяди, иккинчи томонда – у қиёсланадиган объектларнинг фарқларини аниқлашга ёрдам беради.

Қиёсий-ҳуқуқий метод ҳуқуқий ходисаларни ўрганишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Қиёсий методни қўллаш натижасида ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларида умумийлик, алоҳидалик ва ягоналикни аниқлаш мумкин.

Қиёсий-ҳуқуқий методнинг характери ва ўзига хос хусусиятлари *биринчидан*, унинг умумий методлар билан муносабатлари, *иккинчидан*, унинг юридик фанлар хусусий методлари тизимидаги ўрни ва аҳамияти баён этилиши пайтида очилади.

Умумий методлар турли ҳуқуқий тизимлар ташкил топиши ва фаолият кўрсатишининг бирлиги ва хилма-хиллигини очиб беришга имкон яратади, уларнинг умумий қонуниятлари ва ривожланиш йўналишларини қайд этади.

Ҳақиқатан ҳам, юридик фан доирасида анча вақт қиёсий-ҳуқуқий методнинг назарияси атайлаб ишлаб чиқилма-

ган. Бироқ, бу аслида мазкур методни инкор этишни англамайди.

Шу нарса маълумки, фақат ягона қиёсий методдан фойдаланиб, ҳуқуқий ҳодисаларнинг барча хилма-хилликларини очиб беришнинг имкони йўқ, шу билан бирга шу нарса аёнки, бу метод *биринчидан*, ҳуқуқий тадқиқотларнинг умумий йўналишларини аниқ белгилаб беради, *иккинчидан*, илмий тадқиқотлар жараёнида умумий ва хусусий методларининг тўғри ҳамкорлик қилишини таъминлайди. Айтиш мумкинки, қиёсий метод фаннинг тактикасидан кўра стратегияси ролини кўпроқ бажаради.

Илмий билиш тажрибаси шуни кўрсатадики, умумий илмий методлар хусусий методлар билан узвий боғланган. Юқорида қайд этилганлар, ўз навбатида уларга ўзининг фалсафий асоси сифатида таяниб, улар билан яқин алоқада ҳаракат қиладилар. Хусусий методлар умумий методни қўллайдиган, унинг ҳуқуқий фаолият ўрганиш вазифаларига қўйиладиган талабларни аниқлаштирадиган нисбатан мустақил методлардир. Умумий методлар махсус фанлар предметини ўрганишда хусусий методлар орқали ҳаракат қилади, акс ҳолда улар бу фанлар предметларининг барча ўзига хосликларини очиб бера олмайдилар.

Шундай қилиб, умумий ва хусусий методларнинг ўзаро муносабати уларнинг ўзаро киришишидан иборат. Умумий методлар барча ҳолларда, жумладан, хусусий метод тузилишида, уларнинг ҳаракатчанлигини белгилашда қўлланилади. Айни вақтда, хусусий методлар умумий методларнинг самардорлигини оширишда ва уларни бойитишда ўта зарурдир.

Қиёсий-ҳуқуқий метод шундай қилиб, ҳуқуқий ҳодисалар тадқиқотида умумий методларни қўллашнинг аниқ методларидан бири сифатида намоён бўлади. Юридик фанда қиёсий-ҳуқуқий метод кўп ҳолларда шу тарзда ифодаланади.

Ҳуқуқнинг алоҳида томонлари ўртасидаги алоқалар каби уни ўрганишнинг турли методлари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдамга асосланган мустақкам алоқа мавжуд. Ҳар бири алоҳида ва уларнинг барчаси биргаликда умумий методларга асосланадилар. Бир томондан, улар тадқиқотларга умумий йўналиш берадиган гносеологик негиз ва мўлжал ҳисобланадилар, иккинчи томондан, уларнинг ёрдамида янги билимларга олиб борадиган барча методлар туфай-

ли илмий дунёқарашни мунтазам кенгайтирадилар, бунинг натижасида ҳуқуқий назарияни бойитадилар.

Қиёсий-ҳуқуқий метод ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганишда ўзининг барча имкониятларини фақат, унинг қўлланилишининг ўзи қатъий тизимли, бир мақадга йўналтирилган ҳолдагина амалга ошириши мумкин. Тадқиқот методи методик қисмнинг барча хилма-хиллиги шароитида ўзининг барча бўғинларида ўзаро алоқадорликка ва келишувга эга бўлиши, ўзида ҳуқуқий тадқиқотнинг барча даражаларидаги изчил кетма-кетлиги (иерархияси)ни акс эттириши лозим.

3-§. Қиёсий-ҳуқуқий метод назарияси

Қиёсий-ҳуқуқий методни қўллаш ва уни алоҳида ўрганишни ажратиш зарур. Сўнгги ҳолатда қиёсий-ҳуқуқий методнинг ўзи тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Қиёсий-ҳуқуқий методнинг илмий назарияси ишлаб чиқилмоқда, яъни, унинг бошқа методлар билан қайси соҳаларда қўлланилиши аниқса самарали эканлиги имкониятлари аниқланмоқда.

Юридик адабиётларда XX арснинг 60-йилларидаёқ фаол бошланган қиёсий-ҳуқуқий метод назариясини ишлаб чиқиш анча кенг муаммолар, яъни ҳуқуқшуносликда қўлланиладиган методлар тизимлари ўзанида борди. Шу йўл билан қиёсий-ҳуқуқий методни ифодалайдиган муҳим ва самарадор қоидалар шаклланди.

Қиёсий-ҳуқуқ методининг қўлланилиши, яъни қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг ўзи хусусида шуни таъкидлаш жоизки, юридик фанда биз уни қандай тушунишимиздан қатъи назар ҳамиша муҳим ўринни эгаллаб келган. Юридик фаннинг ташкил топиши ва ривожланиши бошиданок ушбу методдан фойдаланиш билан алоқадор бўлган.

Қиёсий-ҳуқуқий метод мақсадли ҳисобланмайди. У ҳуқуқий фаннинг илмий методлари каби маълум билиш вазифасига хизмат қилади. Шу туфайли, қиёсий-ҳуқуқий методни *биринчидан*, тадқиқотларда қандайдир андоза сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас. *Иккинчидан*, унинг бошқа методлар билан алоқаларини ҳисобга олган ҳолда, бу методни анча самаралироқ қўллаш мумкин бўлган чегараларни аниқлаб олиш зарур.

Қиёсий-ҳуқуқий метод қиёсий ҳуқуқшуносликнинг зарур, ammo ягона бўлмаган методик аппарат ҳолатидир. Амалиётда ҳеч қандай метод соф ҳолда қўлланилмайди, у доим ўзаро боғланган бошқа методлар билан чатишиб кетган.

Қиёсий-ҳуқуқий метод билишнинг ҳам назарий, ҳам амалий даражаларида қўлланилиши маъносида кўп функцияли бўлиб, баҳолаш ёндашуви унга хос. Шу муносабат билан, компаративистик адабиётда учратиш мумкин бўлган бир-бирига алоқадор икки ёндашув эътироз туғдиради.

Биринчиси: қиёсий тадқиқот – бу аниқ маълумотлар йиғишнинг соф амалий тадбири; умумий қонуниятлар тадқиқоти гўё «қиёсий ҳуқуқшунослик вазифасига кирмайди». Бундан шу нарса келиб чиқадики, гўё қиёсий метод ижтимоий фанларда табиий фанлардан фарқли ўлароқ ўз-ўзига қандайдир янги билим беришга қодир эмас. Венгер олими З. Петерининг фикрича, қиёсий метод «иккиламчи, ишлаб чиқариш табиатига»га, у ёрдамчи ҳисобланадиган бошқа методларга нисбатан қўллашни кўзда тутди. Бунинг устига, «қиёсий метод билиш соҳасида ҳам, баҳолаш фаолияти доирасида ҳам анча камситувчи иккиламчилик ёрлигидан қутула олмайди». Демак, бу метод «янги билим манбаи бўла олмайди», фақат бошқа воситалар ёрдамида эгалланган билимларни тўлдиришга хизмат қилиши мумкин. Бироқ, З.Петери шуни таъкидлайдики, эгалланган билимлар «қиёслаш жараёнида ёки натижасида янги билимлар манбаи бўлиши мумкин». Ваҳоланки, исталган илмий методни қўллашнинг табиати шундай-бир билимдан иккинчисига ҳаракат, бизнинг билимларимизни анча юқори даражага кўтариш.

С.С.Алексеевнинг ёндашуви катта эътиборга молик бўлиб туюлади, чунки у қиёсий-ҳуқуқий методнинг анча бой билиш имкониятларидан келиб чиқади. У ҳақли таъкидлайдики, қиёсий-ҳуқуқий метод «нафақат турли тарихий турлар ва ҳуқуқий оилалар ҳуқуқий тизимнинг қарама-қаршилиги, тафовутлари ва изчиллик белгиларини аниқлашга, балки (бу энг асосийси бўлиши мумкин) турли ижтимоий тузилмалар, замонлар, мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган умумназарий қоидалар ва тузилмаларни ифодалашга, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши қонуниятларини аниқлашга» ёрдам беради.

Иккинчи ёндашув нуқтаи назаридан қараганда, баҳоловчи қиёслаш компаративистиканинг таркибий қисми ҳисобланмайди, балки ҳуқуқ сиёсатига киради. Шу ердан қиёсий-ҳуқуқий методни фақат материални анча юқори назарий даражада баҳолаш учун чиқарилган баҳолашсиз жараён сифатида фойдаланиш талқини келиб чиқади. Аммо, компаративист турли ҳуқуқий тизимларни қиёслаш чоғида баҳолаш мулоҳазаларидан қандай қилиб ўзини тийиши мумкин? Баҳо ҳар қандай қиёслашнинг муҳим ва зарур қисми ҳисобланади. Шунинг учун «қиёслаш-тўғри баҳолашнинг энг афзал имкониётларидан бири» деган қоида тўғри бўлиб туюлади.

Лекин, қиёсий-ҳуқуқий методнинг ролини етарлича баҳолай олмаслик нотўғри бўлгани каби, унинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериш ҳам тўғри эмас. Масалан, А.Х.Махненко-нинг қиёсий метод – барча мамлакатлар ривожланиши қонуниятларини аниқлашнинг ягона, ҳақиқий, умумий ва илмий методи деган фикрига қўшилиб бўлмайди.

Қиёсий методни фақат турли ҳуқуқий тизимларни таҳлилий таққослашда қўллашга боғлаб қўядиган муаллифлар нуқтаи назари ҳам баҳсталаб бўлиб туюлади. Ўйлаймизки, унинг қўлланилиш доирасини фақат турли ҳуқуқий тизимлар билан торайтириб қўймаслик керак. Федератив ҳуқуқий тизим доираларида қиёсий методга ҳуқуқий-ижодий жараёнда катта аҳамият берилади.

4–§. Қиёсий ҳуқуқшунослик: тадқиқотларнинг асосий турлари Диахрон ва синхрон қиёслаш

Ҳуқуқ замонда ва маконда мавжуд бўлади. У ўз ўтмишига, ҳозирги замонига ва келажакига эга. Ўтмишда мавжуд бўлган ҳуқуқий тизимлар ва уларнинг таркибий қисмлари қиёслаш предмети бўлиши мумкин, яъни қиёслаш тарихий (диахрон) аҳамият касб этиши мумкин. Бунда у диахрон қиёслаш, деб аталади. Аммо, кўп ҳолларда амалдаги ҳуқуқий тизимлар (синхрон қиёслаш) қиёслаш предмети ҳисобланади ва уларни яқинлаштириш йўналишлари аниқланади, шу тариқа улар қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар объекти бўлиб қоладилар. Ягона ҳуқуқий тизимларни қиёслаш уларнинг географик, аниқ-тарихий ва бошқа омиллар билан боғлиқ умумий ривожланиш қонунларини ўрганишга, бу ҳуқуқий тизимлардаги фарқлар сабабларини аниқлашга, ҳуқуқий тартибга со-

лишинг у ёки бу шароитлари учун энг мақбул методларини топишга ва ҳуқуқий ижодкорлик ҳамда ҳуқуқни татбиқ этиш соҳасида юридик тажрибаларни ўзаро ўзлаштириш имкони-ятлари тўғрисидаги масалани ўрганишга имкон беради. Ягона ҳуқуқий тизимга – ички оилавий қиёслашга тааллуқли ҳуқуқий тизимларни қиёслашни ҳам, айтайлик, умумий ҳуқуқ ҳуқуқий тизимлари гуруҳи ёки роман-олмон ҳуқуқий тизим-ларининг қиёсий тадқиқотларини киритиш мумкин.

Ички ва ташқи қиёслаш

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот учун у томонидан ҳуқуқий ти-зимларнинг қанчасини қамраб олиши ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Қиёслаш учун миллий ҳуқуқий тизим ёки хо-рижий ҳуқуқий тизим олиниши мумкин. У камида иккита ти-зим бошланиши ва ер юзида мавжуд бўлган барча ҳуқуқий тизимларни қамраб олишгача бориши мумкин. Қиёслаш учун маълум географик минтақа ҳуқуқий тизимлари-минтақавий қиёслашни ёки турли халқаро бирлашма ва ташкилотларни танлаш мумкин. Аммо барча ҳолларда қиёсланаётган объект-ларнинг ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб олиш лозим.

Бир давлат (федератив ёки унитар) ичидаги қиёслаш ички қиёслаш сифатида қиёслашнинг дастлабки икки тури эса – ташқи қиёслаш сифатида ифодаланиши мумкин. Ички ва ташқи қиёслаш ўз предмети, мақсадлари ва натижалари бўйича фарқланадилар. Ички қиёслаш маълум бир миллий ҳуқуқий тизимга умумий характеристика беришга имкон бе-ради. Ички қиёслашда сўз биринчи навбатда федератив дав-латларнинг ҳуқуқий тизимлари (қонунчилиги) таққосланади. АҚШда штатлар қонунчилигини қиёслаш штатлараро қиё-слаш деб аталади.

Ички қиёслашни нафақат федератив, балки унитар дав-латларда тарихий вақт қисмида ва синхрон равишда ҳам му-ваффақиятли амалга ошириш мумкин. Унитар давлат доира-ларида синхрон даражада ички қиёслаш учун аралаш ҳуқу-қий тизимлар қизиқарли маълумотлар беради. Бу ҳолда ички қиёслаш бир унитар миллий ҳуқуқий тизимнинг турли қат-ламлари (турли ҳуқуқий тизимлар элементлари) аҳамиятини аниқлашга ёрдам беради.

Микро ва макроқиёслаш

Ички қиёслаш бир миллий ҳуқуқий тизимни аниқлаб олишга ёрдам берар экан, мазкур ҳуқуқий тизимни бошқаси билан таққослаш учун қиёслашга асос бўладиган манба тайёрлайди. Шу маънода у ташқи қиёслашдан олдин туради ва унга ёрдам беради. Агар ички қиёслаш асосан ҳуқуқий нормалар ва институтлар (микроқиёслаш) даражасида ўтказилса, ташқи қиёслаш бу билан чегараланмайди. У микродаражада ҳам, бутун ҳуқуқий тизимлар даражасида (макроқиёслаш) ҳам қўлланилиши мумкин.

Жаҳон миқёсидаги қиёслаш глобал қиёслаш деб аталади. Бироқ, амалда глобал қиёслаш тўлиқ суратда бўлмайди, балки репрезентатив сифатида намоён бўлади. Ҳозирги вақтдаги мавжуд бўлган қарийб 200 та миллий ҳуқуқий тизимларни тўлиқ суратда қиёслаш деярли мумкин эмас, у нафақат ҳуқуқий тизимлар сонининг анча ошгани билан, балки сифат омили билан ҳам анча мураккабдир. Турли ҳуқуқий тизимларни қамраб олувчи глобал қиёслашга хос қатор умумметодик муаммолар ҳам келиб чиқади. Глобал қиёслаш чоғида нисбатан тўлиқ натижага фақат у ёки бошқа миллий ҳуқуқий тизим мансуб бўлган ҳуқуқий тизимлар мажмуасини кўрсатиб қиёслаш орқали эришиш мумкин.

Шундай қилиб, глобал қиёслаш ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари сифатидаги предметга эга, жаҳон сиёсий харитасида ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари ўрни ва ўзаро муносабатлари, ўзаро алоқаларини аниқлаб олишга имкон беради ва назарий-билиш мақсадига эга. У ҳам тўлиқ ҳуқуқий тизимлар даражасида, ҳам ҳуқуқнинг етакчи тармоқлари даражасида, шунингдек, минтақавий йўналишда амалга оширилиши мумкин. Глобал қиёслашда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг деярли барча йўналишлари жипс ҳолда қўшилиб кетади.

Қиёслаш объектлари ва даражалари

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг объектлари турли-туман бўлади. Масалан, бу маълум ҳуқуқий норма ёки алоҳида ҳуқуқий институт, турли ҳуқуқий тизимларда турли ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳал қилинадиган ҳуқуқ тармоғи ёки аниқ ижтимоий муаммо бўлиши мумкин. Қиёслаш объекти анча

кенг, масалан, ҳуқуқий тизим ёки ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари бўлиши мумкин.

Қиёслаш тадқиқотлари объектларга мувофиқ равишда турли даражаларда ўтказилади.

Биринчи ва энг паст даражада бу – ҳуқуқий нормаларни қиёслашдир (микроқиёслаш). Бу ерда сўз асосан юридик-техник ҳолатларни қиёслаш, қиёсланадиган нормаларни ёнма-ён ифодалаш тўғрисида бормоқда. Компаративист ўзини қизиқтирадиган эмпирик-ҳуқуқий материални аниқлаб олади ва тизимлаштиради. Қиёслашнинг бу даражасида тадқиқот ўтказишнинг доимо имкони бор ва у нисбатан оддий ҳисобланади.

Иккинчи, ўрта даражада бу – ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқ тармоқларини қиёслаш (институционал ёки тармоқ қиёслаши). Бу даражада ҳам ҳуқуқий воқеликни белгилашга қиёсан етишиш оддий. Бироқ ҳуқуқий институтларнинг тадқиқотлари ижтимоий омилларни бутун ҳуқуқий тизим билан алоқада ўрганиш билан тўлдирилиши керак.

Ниҳоят, учинчи, юқори даража бу – ҳуқуқий тизимларни тўлиқ қиёслаш (макроқиёслаш). Ҳуқуқий тизимларни уларнинг тўлиқ кўринишида шаклланиши ва фаолият кўрсатиши, асосий принциплари, манбалари ҳамда уларнинг ижтимоий асосларини ҳисобга олган ҳолда қиёслаш анча мураккаб. Аммо қиёслашнинг бу назарий даражаси ҳамisha ўзини оқлаган. Айнан шу ерда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг нисбатан мустақиллиги анча тўлиқ намоён бўлади.

Қиёслаш даражалари билан объектларини бир хил деб қараш тўғри эмас, бинобарин қиёслаш объектлари унинг даражаларига қараганда анча кўндир.

Норматив қиёслаш

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларни икки норматив ва функционал метод билан ўтказиш мумкин. Норматив қиёслашда ўзаро ўхшаш ҳуқуқий нормалар, институтлар, қонунчилик ҳужжатлари таянч нуқта ҳисобланадилар. Бундай ёндашув қиёсий ҳуқуқшунослик пайдо бўлган XIX асрда юридик позитивизм билан асос солинган формал-юридик таҳлил сифатида изоҳланади. Ҳақиқатан ҳам, қиёсий ҳуқуқшунослик ривожланишининг биринчи босқичида компаративистлар асосан ўз ҳуқуқий тизимига хос бўлган юридик атамалар, тушунча-

лар, қоидалар ва ҳуқуқий институтлардан қочганлар. Бунда шу нарса кўзда тутиладики, бошқа қиёсланаётган ҳуқуқий тизим шундай атамалар, тушунчалар, қоидалар ва ҳуқуқий институтлардан фойдаланади, ўхшаш номларда эса, худди шундай ҳуқуқий фикр яширинади. Бундай ёндашув Европа давлатлари ҳуқуқий тизимлари қиёсланганда тўғри бўлди.

Аммо соф норматив ёндашувнинг қаноатланарли эмаслиги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар соҳасига умумий ҳуқуқнинг ҳуқуқий тизимлари тадбиқ этилган вақтда сезилиб қолди. Умумий ҳуқуқнинг ҳуқуқий тизимлари айрим ҳуқуқий институтлар ва роман-олмон ҳуқуқий тизимлари қоидаларини умуман билмайдилар. Асосий ҳуқуқий тушунчалар ва қоидалар юридик атамашунослик, ҳуқуқ тузилмалари, ҳуқуқ манбаларини бериш методлари, ҳуқуқий нормани изоҳлаш, ҳуқуқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларига тааллуқли фарқлар мазкур ҳуқуқий тизимлар ривожланишининг аниқ-тарихий сабаблари билан изоҳланади.

Қайд қилиш жоизки, норматив қиёслаш икки муҳим хулосага олиб келди: *биринчидан*, ташқи томондан ўхшаш юридик атамалар турли ҳуқуқий тизимларда ҳар доим ҳам бир хил аҳамиятга эга бўлмайди; *иккинчидан*, ўша ҳуқуқий нормалар ва институтларнинг ўзлари турли функцияларни бажариши мумкин. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, хорижий ҳуқуқ бу ижтимоий муносабатларни ҳуқуқнинг бошқа тармоғида ёки ноҳуқуқий воситалар билан (масалан, ахлоқий ёки диний нормалар билан) тартибга солиши ҳам мумкин.

Ҳозирги вақтда норматив қиёслаш соддалашиш йўналишига эга, бу эҳтимол илгариги барча ҳуқуқий тизимларни бирхиллаштиришга, юқори даражадаги жаҳон ҳуқуқини яратишга уринишлар муваффақиятсизликка учрагани натижасидир. Бугунги кунда бу соҳадаги йўналишда анча ўзгаришлар рўй берди. Айрим компаративистлар норматив қиёслашни камсита бошладилар. Норматив қиёслашнинг камчиликлари функционал қиёслашга мурожаат қилишга мажбур этди.

Функционал қиёслаш

Функционал қиёслаш – замонавий компаративистиканинг методик қуролланишидаги қизиқарли ҳолатдир. Функционал қиёслаш қиёслашнинг бошланғич нуқтаси сифатида маълум

ҳуқуқий норма ва институтларни эътироф этишдан эмас, балки маълум ижтимоий муаммоларни илгари суришдан ва шундан сўнг уларни ҳал этилиши мумкин бўлган ҳуқуқий норма ёки институтни излашдан бошланади. Шундай қилиб, норматив қиёслашдагидан кўра анча кенг, жумладан ҳуқуқий нормаларни қўллаш, юридик доктриналар амалиёти тўғрисидаги масалалар доираси қамраб олинади. Қиёслаш нормадан ижтимоий фактга томон эмас, аксинча, ижтимоий фактдан унинг ҳуқуқий тартибга солиниши томон боради.

Функционал қиёслашда ҳуқуқий институтлар ва нормалар агар улар бир-бирига ўхшаш гарчи, диаметрал қарама-қарши бўлган ижтимоий муаммони ҳал этсалар ҳам қиёсланадиган ҳисобланадилар. Айнан ўша ижтимоий муаммолар турли хил воситалар ёрдамида тартибга солиниши мумкин, бироқ ҳуқуқ фойдаланиши мумкин эмас. Шундай вазиятлар ҳам учрайдики, ижтимоий муаммонинг ўзи турли мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларида мустақкам ўрин эгаллайдиган ягона ечимни (мисол учун, никоҳда туғилган болага нисбатан оталик презумпцияси) объектив равишда талаб қилади.

Функционал қиёслаш чоғида кўп фойдаланилаётган ҳуқуқий воситаларнинг ўхшашлиги ёки яқинлиги намоён бўлади. Бунинг сабаби тарихан келиб чиқишдаги умумийлик ёки онгли равишдаги қонуний ўзлаштирилганлик ёки, ниҳоят, турли ҳуқуқий тизимларда бир-биридан мустақил равишда ўхшаш ижтимоий шарт-шароитлар ўхшаш ҳуқуқий нормалар ва институтларни келтириб чиқарадиган ривожланиш йўлларидаги паралеллик (ўхшашлик) бўлиши мумкин. Бошланғич ижтимоий шарт-шароитлар, ижтимоий муаммоларнинг қиёсланиши функционал қиёслашнинг замини ҳисобланади. Ижтимоий муаммоларнинг айрим ўхшашликлари турли ҳуқуқий тизимлардаги мос ҳуқуқий масалаларнинг функционал мослиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. Бунда айнан ўша ягона ижтимоий муаммо турли ҳуқуқий тизимларда турли ҳуқуқий воситалар уйғунлиги ёрдамида ҳал қилинишига эришилиши мумкин. Масалан, траст ёки мулкка ишонч институти инглиз ҳуқуқида роман-олмон ҳуқуқий тизимларидаги каби ўхшашига эга эмас ва ҳаммадан аввал унинг қонуний вакилларига лаёқатсиз бевосита ваколати ёрдамида амалга ошириладиган функцияларни бажаради.

Шундай қилиб, турли институтлар ягона, айнан ўша ҳуқуқий ва ижтимоий натижа – ҳуқуқий муомалага лаёқатсизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш учун фойдаланилади. Шу тариқа, ҳуқуқий тизимда компаративист норматив қиёслаш позициясидан мурожаат қиладиган қиёсланадиган институтга мос бир хил номланадиган ёки бевосита ўхшашининг бўлмаслиги ҳуқуқдаги бўшлиқни асло англамайди. Аслида кўриб чиқиладиган муаммо мазкур ҳуқуқий тизим томонидан ҳуқуқий тизимда компаративист томонидан қабул қилинган қарорга яқин режада ҳал қилинади.

Функционал қиёслашни турли ҳуқуқий тизимларнинг ўхшаш ёки бир хил ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишдаги ҳуқуқий воситалар ва методлар тадқиқоти сифатида олиб кўриш мумкин. Функционал қиёслаш ҳам илмий-назарий, ҳам амалий мақсадларга хизмат қилади, миллий ҳуқуқ нормалари ва институтларини яхшироқ тушунишга ва баҳолашга ёрдам беради.

Функционал қиёслаш даставвал олмон ҳуқуқ файласуфи М.Соломон томонидан таклиф қилинган. Сўнгра бундай қиёслашни йирик олмон компаративисти Э.Рабель ва унинг издошлари қўллаб-қувватлаб чиққанлар. Бироқ, функционал қиёслашни замонавий қиёсий ҳуқуқшуносликда ҳар томонлама асослаш маълум даражада таниқли олмон компаративисти К.Цвайгерт номи билан боғлиқ. У қиёсий-ҳуқуқий изоҳлаш деб аталадиган методни ҳам таклиф этган. Бу ерда гап шу тўғрида бораяптики, судья мураккаб ишлар бўйича ҳукм чиқаришда изоҳлашнинг норматив (догма), тарихий ва бошқа турлари билан бир қаторда шунга ўхшаш ишлар бошқа мамлакатларда қандай ҳал қилиниши тўғрисида тасаввур берувчи қиёсий-ҳуқуқий методлардан ҳам муваффақиятли фойдаланиши мумкин. Қиёсий-ҳуқуқий изоҳлаш ўзининг аниқ амалий йўналишига эга ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун анча фойдали бўлиши мумкин. Бунда, албатта, ўз миллий ҳуқуқи норма ва принципларидан қандайдир оғиш ёки чеккага чиқиш асло мумкин эмас. Шу ҳолатни ҳам инобатга олиш зарурки, қиёсий-ҳуқуқий изоҳлашдан бевосита маълум ишларни кўриб чиқиш чоғида фойдаланилиши мумкин. У асосан у ёки бу аниқ ижтимоий муаммони ҳал қилишда мақбул умумий йўналишни излашни кўрсатиб беради.

Америкалик таниқли компаративист М.Рейнстайн ҳам тахминан шундай ёндашув тарафдори бўлган. Унинг фикрига кўра, функционал қиёслаш амалий фойдали хулосалар ва тавсиялар бериши керак. Табиийки, функционал қиёслаш, шунингдек, умуммиллий мақсадларга, ҳуқуқнинг ижтимоий функциясини билиб олишга ҳам хизмат қилиши мумкин, функционал қиёслашнинг фақат амалий тавсиялар таҳлилини берувчи мақсад ва вазифалари маълумотлари эса, унинг назарий англаш имкониятларини анча камайтиради.

Функционал қиёслашни (тадқиқот объектларини қиёслашда) функционал ёндашувдан ажрата билиш лозим. Қиёслашда функционал ёндашув зарурлигини польшалик олим С. Розмарин алоҳида таъкидлаган. Унинг фикрига кўра, ҳар хил тизимларга тааллуқли функционал қарашдаги, яъни ривожланишдаги кучайиб бораётган ҳуқуқий институтлар қиёсий ҳуқуқшунослик предмети ҳисобланади. Бунда у бу ерда сўз юритилаётган функционал қиёслашни назарда тутмаган.

Функционал қиёслашнинг, хусусан унинг ижтимоий йўналишдаги аҳамиятини эътироф этган ҳолда, унинг иккита асосий камчилигини кўрсатиб ўтиш жоиз.

Биринчидан, ҳуқуқ кенг ижтимоий муҳитда «ювилиб кетган» ҳолатда бўлиши мумкин, бинобарин, М.Рейнстайннинг ёзишича, функционал қиёслашда ҳуқуқий ривожланишда иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар, сиёсий-ташкилий шакллар, шунингдек, фалсафий ва диний қарашлар қандай роль ўйнашига алоҳида аҳамият қаратиб, уларни ҳисобга олиш керак.

Иккинчидан, уни қўллашда компаративист бир вақтнинг ўзида жамиятшунос, ҳуқуқ тарихчиси, антрополог ва замонавий ҳуқуқни яхши биладиган юрист бўлмоғи зарур, буларни амалга ошириш эса унчалик осон эмас.

Эҳтимол, функционал қиёслашнинг айнан шу «камчиликлари» туфайли у одатда «халқаро команда» билан ўтказилади, яъни жамоавий функционал қиёслаш деб аталадиган восита орқали амалга оширилади. Бунда миллий маърузачилар олдида қиёслаш ҳисобга олиниб тайёрланган дастлабки саволнома бўйича аниқ ижтимоий муаммолар қўйилади. Миллий маърузалар уларнинг олдига миллий ҳуқуқ томонидан қўйилган аниқ ижтимоий муаммо қандай ҳал этилаётгани ҳақидаги саволларга жавоб беради. Бунда ҳар бир миллий

ҳуқуқий тизим вакили ўз тизимида қабул қилинган қарор тўғрисида маълум қилади. Аммо, функционал қиёслашнинг жамоавий шаклидан кенг фойдаланишга унинг очиқ ойдин устунликлари ва самарадорлигига қарамасдан, анча моддий харажатлар, катта ҳажмдаги ташкилий чора-тадбирлар ва вақт талаб этиши тўсқинлик қилади.

Функционал қиёслашга мисол сифатида «корнель лойиҳаси» деб аталадиган Корнель Университети (АҚШ) юридик факультети томонидан ташкил этилган ҳар томонлама (10та мамлакат қамраб олинган) қиёсий тадқиқотни амалга ошириш натижасида юзага келган икки томлик «Шартномаларни тузиш. Ҳуқуқий тизимларда умумий бошланғич тадқиқотлар» деб аталувчи асарни кўрсатиш мумкин. Шартнома тузишнинг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиши унинг тор тушунилишида, яъни оферт ва акцепт процедуралари тадқиқот предмети бўлган. Тадқиқот лойиҳасини режалаштириш ва унга раҳбарлик қилишни америкалик олим Р.Шлезингер амалга оширган.

Бу тадқиқот давомида аввало, умумий ҳуқуқнинг роман-олмон ҳуқуқи томонидан анча илгарилаб кетган, умумлашмаларга бериладиган афзалликлардан фарқли ўлароқ турли амалий тажрибаларнинг ўзига хос хусусиятларига кучли диққат-эътибори тасдиқланган. Шу билан бирга, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу икки ҳуқуқий оилалар ўртасидаги умумийлик кўзда тутилиши мумкин бўлганидан анча кўп экан.

Функционал қиёслашнинг айрим тарафдорлари норматив қиёслашга ишончсизлик билдирадилар ва унга босиб ўтилган ҳамда ортда қолган метод сифатида қарайдилар. Бизнинг фикримизча, бу масалани «ёки-ёки» принципи бўйича ҳал қилиш ярамайди. Функционал қиёслаш ҳам, норматив қиёслаш ҳам ўзининг ижобий ҳамда салбий хусусиятларига эга. Қиёслашнинг бу икки методини бир-бирига қарама-қарши қўйишга, улардан бирини афзал, бошқасини салбий деб ҳисоблашга етарли сабаблар йўқ. Айнаи ҳолда, функционал қиёслаш моҳиятининг ўзи ижтимоий ҳодисалар (муаммолар)ни эмас, балки қиёслашнинг қуйи даражасигача пасайиш йўналишига эга. Ҳатто қиёслашнинг корнель тадқиқотида ҳам савдо-сотиқ шартномаси тузилиши тартиби умуман норматив-позитив йўналишда қурилган. Мавжуд тартибга солиш у ҳуқуқий тушунчалар ва тоифаларда ўз ифодасини қандай топган бўлса шу кўринишда кўрсатиб берилган.

Турли ижтимоий муаммоларнинг аниқ ҳуқуқий ечимлари шубҳасиз, келгусида ўша аниқ ҳуқуқий норма ва институтларни таҳлил қилишни кўзда тутати. Айтилиши мумкин, норматив қиёслаш тарафдорлари борган сайин юридик матнлар уларнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадларига кўра ўрганилиши кераклигини таъкидлайдилар ва уларнинг соф статистикасига, уларнинг аниқ ижтимоий ролига ёки соф юридик шаклига эмас, балки уларнинг юксалиш даражасига катта аҳамият бера бошлайдилар. Исталган ҳуқуқий норма ўзи фаолият кўрсатаётган маълум ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолатда яшай олмайди.

Функционал қиёслаш ҳам, норматив қиёслаш ҳам айниқса, аралаш қиёслаш хусусиятига эга бўлган яқин уйғунликдаги фаолият ҳуқуқига эга. Қиёсий ҳуқуқшунослик ривожининг ҳозирги даврадаги босқичи қиёслашнинг айнан шундай турини талаб қилади. Бунда қиёслаш турларига, унинг даражасига, шунингдек, мақсад ва вазифаларига кўра аралаш қиёслашда тадқиқотлар функционал ёки норматив қиёслаш элементларига эга бўлади.

2—мавзу бўйича назорат саволлари

1. Қиёсий ҳуқуқшунослик методологиясининг моҳияти нимадан иборат?
2. Қиёсий-ҳуқуқий метод нима дегани?
3. Диахрон ва синхрон қиёслаш нима?
4. Ички ва ташқи қиёслаш нима?
5. Норматив ва функционал қиёслаш нима?

«Жўғрофий харитада ёнма ён жойлашган ҳуқуқий тизимларни қиёслаш ҳуқуқий фан каби жуда қадимийдир».

Рене Давид, Француз компаративисти

3-мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик тарихи

1-§. Олмония қиёсий ҳуқуқшунослигининг тарихий-фалсафий йўналиши.

2-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг француз мактаби.

3-§. Россияда қиёсий ҳуқуқшунослик.

4-§. Буюк Британияда ва АҚШда қиёсий ҳуқуқшунослик.

5-§. XX асрнинг биринчи ярмида қиёсий ҳуқуқшунослик.

6-§. XX асрнинг иккинчи ярмида қиёсий ҳуқуқшунослик.

7-§. Совет қиёсий ҳуқуқшунослиги.

1-§. Олмония қиёсий ҳуқуқшунослигининг тарихий-фалсафий йўналиши

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ҳозирги замондаги ҳолатини унинг салкам икки асрлик вақтни ўз ичига олган тарихини кўриб чиқмасдан туриб, тушуниш мумкин эмас. Юридик компаративистиканинг тушунчаси, предмети, мақсад ва функциясини кўриб чиқаётганда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг пайдо бўлиши, босиб ўтган тарихий йўли ва унинг ривожланишидаги асосий босқичлар эътиборга олинсагина илмий асосланган хулосалар чиқариш мумкин; ва аксинча, айнан ўтмишнинг тажрибаси натижасида юзага келган замонавий назарий ҳолатлар унинг тарихий тараққиётидаги янги босқичларни белгилаб олишга ва уни ривожлантиришга ёрдам беради. Бундай ёндашувни тарихий ва мантиқий бирлик илмий принципи ҳам талаб этади.

Тарихий ёндашишда, айниқса ҳуқуқий ғоя ёки юридик институтни «ўтмиш қудуғи» туби томон тескари йўналишдаги тарихий эволюцияда тадқиқ этилганда тадқиқотчининг ҳуқуқий тушунчалар мазмунининг маъно ўзгариши хавфини ҳисобга олиши тақозо этилади. Юридик фанда ҳозирги замон-

даги илмий ҳуқуқий тушунчаларнинг анча қисми ўзининг дастлабки маъносига тўлиқ мос келмаслиги тез-тез таъкидланади ва эътироф этилади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик, даставвал, қиёсий-тарихий ҳуқуқшунослик шаклида пайдо бўлган; у қатор мамлакатларда, шу жумладан Олмония ва Россияда олиб борилган тарихий тадқиқотларда ривожланган. Кўпинча «қиёсий ҳуқуқшунослик» атамаси ҳуқуқнинг умумий қиёсий тарихи деб тушуниланган. Бунга ҳақиқатан ҳам турли ҳуқуқий тизимларни қиёслашни кенг қўллаган ҳуқуқ тарихи мактабининг мавқеи асос бўлиб хизмат қилган. Бу қиёслаш, ҳуқуқ ташқи таъсир натижасида эмас, балки ички сабаблар натижасида вужудга келган деган ғояни ва унинг «халқ руҳи»дан пайдо бўлганлигини асослашга қаратилган эди. Бундай қиёслаш-баъзи тарихий алоқалар ва ўзаро таъсирларни аниқлашга ёрдам берганида ҳам, хусусан, аниқ бир тажриба ва фактлардан холис мақсадга, чунончи, халқларнинг ҳуқуқий ривожланиши турли ва бир-бирига ўхшамайдиган йўллар билан боришини тасдиқлашга хизмат қилган. Бу мақсад қиёслашдан кўра кўпроқ қарама-қарши қўйишга қаратилган бўлган, яъни Франция инқилоби юзага келтирган ҳуқуқий тараққиёт бошқа мамлакатлар учун умуман шарт эмаслигини исботлаши керак бўлган.

Ҳуқуқ тарихи мактабининг асосчиси бўлган Савиньнининг фикрлари ҳуқуқ фанининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган. У юридик фанда тарихий метод пойдеворини қўйибгина қолмасдан, балки ҳуқуқнинг илмий тарихини яратишга ҳам ҳаракат қилган. Савиньнининг асарларида Рим ҳуқуқи ва пандект ҳуқуқини тадқиқ қилиш катта ўрин эгаллаган. У ўзининг «Ҳозирги замон Рим ҳуқуқи тизими» номли катта китобида шундай деб ёзган: «Тарихий ёндашув, Рим ҳуқуқига мавофик, кўпчилик ўйлаганидек, умуман Рим ҳуқуқининг батамом ҳукмронлигини эътироф этишни билдирмайди, аксинча, у ҳуқуқий ҳодисалар орасидан ҳақиқатан ҳам рим ҳуқуқидан бошланганларини ажратиб олишга имкон беради».

Тарихий мактаб вакиллари Олмония ҳуқуқи тарихий тараққиётининг босиб ўтган йўлларига мурожаат қилар эканлар, ўзларининг бутун диққат-эътиборларини олмон ҳуқуқидан рим ҳуқуқи андозасидан қай даражада фойдаланилганига ва бу икки тизим ўртасидаги нисбатга қаратганлар. Бунинг

натижасида кейинчалик икки оқим - романистлар ва олмонистлар ажралиб чиққан. Хусусан олмонистик оқимнинг пайдо бўлишини Г.Безелернинг 1843 йилда «Халқ ҳуқуқи ва юристлар ҳуқуқи» китобининг чиқиши билан боғлайдилар.

Ҳуқуқнинг тарихий мактаби нуқтаи назаридан қараганда ҳуқуқ мазкур миллат ва халқ тараққиёти билан шунчалик боғланганки, у бошқа халқ томонидан қўлланилиши мумкин эмас. Ҳар қандай ҳуқуқий ўзлаштириш ўз «халқ руҳи» билан зиддиятга киришмаслиги мумкин эмас. Бундай қараш тарихий мактабни қиёсий ҳуқуқдан четга олиб кетган. Шу муносабат билан француз компаративисти Р.Салейл XX аср бошида ижтимоий фанларни ўрганишнинг тарихий методи кўпгина имтиёзларга эга, лекин тарихий мактаб ярим йўлда тўхтаб қолди, - деган эди.

Ҳуқуқнинг тарихий мактабига бу мактабдан бошқача, фалсафий қарашлардан келиб чиққан ҳолда қиёсий ҳуқуқни ривожлантиришни қўллаган икки оқим қарши турган. Улардан бири И.Кант ғояларига асосланган бўлиб, унинг энг биринчи вакили Л.Фейербах бўлган. Иккинчиси, Гегель томонига ён босган бўлиб, жанубий олмон ёки гейдельберг ҳуқуқ мактабига мансуб бўлган.

Ўзининг хусусиятига кўра тарихий бўлган гейдельберг мактаби тарихи Гегелча тушунишга асосланган. Бу мактаб ҳуқуқнинг тарихий мактаби билан баҳслашган ва ундан узоқлашган олимлар - Тибо, Ганс, Цахарие, Миттермайер номлари билан боғлиқ. Бу мактаб чет эл ҳуқуқига нафақат ўрганиш объекти сифатида, балки миллий ҳуқуқни қонун чиқариш йўли билан такомиллаштириш қуроли сифатида қарайдиган либерал ва космополитик руҳи, ислоҳотчилик ва янгиликка интилувчанлик ғоялари билан ажралиб турган. Бу мактаб доирасида кейинчалик Пост ва Колер номлари билан боғланган қиёсий-этнологик ҳуқуқшунослик анча ривож топган.

Гейдельберг мактабининг энг кўзга кўринган вакили Гейдельберг Университетида Тибо ва Гегелдан таълим олган Э.Ганс бўлган. Гегелга эргашган ҳолда Ганс охир-оқибатда ҳеч қандай тушунчалар ишлаб чиқишга олиб келмайдиган ҳар қандай тарихий тадқиқот - юзаки, кўнгил очиш машғулотларидан ўзга нарса эмас, деб таъкидлаган. Ганс учун тарих фақат ўтмишни билиш эмас. У ҳозирги замонни ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Ўтган замонлар ҳуқуқи билан ҳо-

зирги замон ҳуқуқини қиёслаш зарур, фақат ана шундай қилингандагина тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи – тафаккур тараққиётининг айрим босқичларини тушуниш мумкин. Шундай қилиб, Ганс қиёслаш натижасида олинган маълумотларни бир жойга тўплаш мақсадида биринчилардан бўлиб, барча халқлар ҳуқуқи тарихини ўрганишга киришган. Шунга кўра унинг фикр ва ғоялари тизимини ҳуқуқнинг умумий қиёсий тарихи, деб аташ мумкин. Аммо унинг фикрича, ҳуқуқнинг тарихий мактабидан фарқли равишда, ҳозирги замон ўтмишга бўйсунмайди, ва аксинча, ўтмиш ҳуқуқ тушунчасининг изчил ривожланганлигини очиб беришга ёрдам бериши керак. Бунда, Ганс, Гегелча қарашда тургани ҳолда, ҳар бир миллатнинг миллий ҳуқуқи тарихи – бу ҳуқуқнинг умумий ва ҳар томонлама ривожланган маълум босқичидир, деб ҳисоблаган. Шундан келиб чиққан ҳолда Ганс ҳуқуқ тарихини методга кўра қиёсий, мақсадига кўра ҳар томонлама (универсал) фан, деб ҳисоблаган.

Ганс ҳуқуқнинг тарихий мактаби заиф томонларини кескин танқид қилиб, уни қадимий микрология деб атаган ва ўзининг қиёсий-фалсафий-тарихий дастурини унга қарама-қарши қўйган.

Бунга далил сифатида унинг тўрт жилдлик «Умумжаҳон-тарихий тараққиётида мерос ҳуқуқи» асарини кўрсатиш мумкин. У бу тўрт жилдлик тадқиқотида турли халқлар – римликлар, ҳиндлар, хитойлар, яҳудийлар, мусулмонлар ва юнонлардан бошлаб, то ўзига замондош бўлган француз, инглиз ва Шимолий америка халқларининг оила ва мерос ҳуқуқини ўрганиб чиққан. Бу асар ўзининг барча камчиликларига қарамасдан, ҳуқуқнинг қиёсий тарихига қўшилган дастлабки ва жуда муҳим хиссадир. Буларнинг ҳаммаси олмониялик компаративист Л.Ж.Константинескога «бу китобнинг пайдо бўлиши ҳозирги қиёсий ҳуқуқшуносликнинг туғилган санаси бўлиб ҳисобланади» дейишига асос бўлган. Бу муаллиф Ганснинг қиёсий ҳуқуқшунослик ривожига қўшган ҳиссасининг икки жиҳатини: биринчидан, у қиёсий ҳуқуқни фалсафий-қиёсий қарашлар тизими билан қўшишга интилгани, иккинчидан, умумий фикрлар тизимига асосланган ёндашувни тасдиқлашга қаратилган амалий аҳамиятга молик қатор ишларни яратганлигини алоҳида таъкидлайди.

Ҳуқуқнинг тарихий мактабига жанубий олмон мактабининг яна бир вакили- Гейдельберг Университетининг профессори К.Сахарие ҳам қарши чиққан. У хорижий ҳуқуққа ва кодификацияга, айниқса 1804 йилда қабул қилинган француз фуқаролик кодексига катта аҳамият берган. Сахарие француз ҳуқуқи билан бир қаторда, маҳаллий фуқаролик (партикуляр) ҳуқуқий тизимларга ва Рим ҳуқуқига ҳам жиддий эътиборини қаратган. Унинг француз ҳуқуқини кенг тарихий-фалсафий асосда таҳлил этган асосий асари «Француз ҳуқуқи дарслиги» деб аталган. Бу асар XIX асрдаги энг машҳур китоблардан бири бўлган. Унинг биринчи нашри икки жилддан ташкил топган. Китоб нафақат Олмонияда, балки Францияда ва Италияда ҳам катта овоза бўлганлиги унинг бу мамлакатлардаги таржималари ва бир неча бор нашр қилинганлиги билан тасдиқланади. Асар олмон ва француз юридик фани ўртасида ўзига хос кўприк бўлган.

Жанубий олмон мактабининг яна бир вакили - Гейдельберг Университетининг профессори К.Миттермайердир. Унинг юридик илмий-амалий фаолияти уч йўналишда ривожланган. *Биринчиси* - бу кенг қиёсий асосдаги илмий фаолият. У жиноят процессига оид кўпсонли илмий асарларида Олмония умумий ҳуқуқини Франция, Америка, Австрия, Бавария ва Пруссия ҳуқуқи билан қиёслашни кенг қўллаган. *Иккинчиси* - янги чиққан қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш ва маслаҳат бериш борасидаги амалий фаолият. У кўплаб қонунлар ва кодексларни тайёрлашда расмий эксперт бўлган. Ва ниҳоят, *учинчиси* - мақсади немис юристларини чет элдаги ҳуқуқнинг ҳолати ва қонун тузиш ҳамда чиқариш ишидаги ислохотлар ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият. У Сахарие билан биргаликда 1829 йилда миллий ҳуқуқий тизим доирасидан чиққан ва Олмония юристларини чет эл ҳуқуқи ва унинг ривожланиши билан таништирган, «Юридик фани ва чет эл қонунчилиги танқиди» журналига («Kritische Zeitschrift für Rechtswissenschaft und Gesetzgebung des Auslandes») - биринчи сермазмун нашрга асос солган. Журнал 1953 йилгача чиққан ва унинг нашр қилинган 26 жилди ўзида турли мамлакатларнинг жиноят, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминологиясига оид жуда бой қонунчилик, танқидий ва қиёсий материалларни жамлаган.

Гегель ва Гансдан фарқли ўлароқ, Миттермайер қиёсий тадқиқотларни ҳуқуқнинг умумий тарихи билан боғлашга ва қиёсий ҳуқуққа фалсафий асос беришга интилмаган. У ўзига замондош халқларнинг ҳуқуқий тарихи, ўзга маданиятлар ва маданий тараққиётнинг босқичларига мансуб бўлган халқлар ҳуқуқи билан шуғулланмаган. У биринчи бўлиб, қиёсий ҳуқуқни қонун яратиш ва уларни амалга ошириш сиёсатининг воситаси сифатида фойдаланишга интилган ҳолда уни амалиёт эҳтиёжларини қондиришга йўналтирган.

Гейдельберг мактаби қиёсий-тарихий тадқиқотларни қанчалик фаол олиб бормасин, улар қўлланиладиган соҳа анча юксак тараққиётга эришган халқлар ҳуқуқи, бошқача қилиб айтганда ҳинд-олмон, ёки «орийлар» оиласига мансуб ҳуқуқий тизимлар билан чекланган эди. У бу чекланганликни илмий изланишлар соҳасига содда (примитив) ёки «маданиятга эришмаган» деб аталадиган халқлар ҳуқуқини ўз ичига олган юридик этнология ҳисобига кенгайтиришга ҳаракат қилган. Уни тузишда унга ном берган А.Пост ҳамда И.Колернинг хизмати ҳам катта бўлган.

И.Колер ҳуқуқий тарих ўзида юридик этнологияни бирлаштирсагина ҳақиқатда умумий бўлиши мумкин деб ҳисоблаган. Юқори тараққиётга эришган халқлар ҳуқуқи тарихи ва бундай тараққиётга эришмаган халқлар ҳуқуқий этнологияси бирга қўшилиб кетиши зарур. Аммо бу бирлашган фанлар қўлга киритган манбалар, Колер фикрича, том маънодаги илмий қиёслаш учун фақат бошланғич ва таянч манба бўла олар эди. У ўзининг фалсафий-ҳуқуқий қарашларида ҳуқуқ - бу тараққиётга эришишнинг омили ва натижасидир, деган фикрга асосланган. У ҳуқуқ маданият билан чамбарчас боғланган ва ўша замоннинг маданияти талабларига жавоб берган тақдирдагина ўз вазифасини бажара олади деб фикр юритган.

А.Пост қиёсий метод ёрдамида ўзининг хусусиятига кўра табиий фанларга яқинлашадиган тарихий тажрибага асосланадиган юридик фанни вужудга келтиришга ҳаракат қилган. У табиий-ҳуқуқий назарияга ва бошқа ҳар қандай кўр-кўрона ҳуқуқий тушунчага қарши чиққан. Г.В.Плеханов ҳуқуқ, унда қандайдир идеал асосни қидириш бефойда бўлган заруратнинг соф маҳсулотидир, деб айтгани учун А.Постни танқид қилган. Бу фикрни танқид қилар экан, Г.В.Плеханов ҳар

қандай ҳуқуқий тизимнинг табиати ишлаб чиқариш методлари ва шу методлар натижасида пайдо бўладиган кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан боғлиқ, деб таъкидлаган. Шу маънода, ҳуқуқда идеал асос йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, зеро унинг асоси ҳамisha аниқдир. Аммо ҳар қандай мазкур ҳуқуқ тизимининг аниқ асоси бу жамият аъзоларининг унга идеал сифатида қарашини инкор этмайди. Гарчи, А.Пост фаннинг мақсадини ҳуқуқий институтлар ва умуман ҳуқуқнинг тарихий тараққиётини бошқарадиган қонунлар ишлаб чиқишдир, деб ҳисобласа ҳам, аммо бундай қонунни топишга муваффақ бўлмаган.

А.Пост ва И.Колернинг қиёсий-этнологик ҳуқуқшунослигида кўпинча қиёсий ҳуқуқнинг ҳуқуқий-қиёсий тарихи билан аралашиб кетиши ҳоллари ҳам рўй берган. Улар кўп ҳолларда бошланғич этнология манбаларини аввалдан исботсиз асос-қоида қилиб олинган тахминлар ва фикрларга мослаштирганлар. Шу сабабдан улар қилган қиёслаш кўпинча юзаки бўлиб чиққан. Қиёслаш предмети қиёсий-ҳуқуқлар ривожланишидаги ўхшашлик ва параллелизм (мувозийлик)ни аниқлашга йўналтирилган бўлган, зеро бундай ривожланиш, уларнинг фикрига кўра, бутун инсоният учун умумий бўлган қонуниятлар ҳаракатига бўйсундирилган эди. Фарқлар ва мос келмаслик ҳолатлари тасодиф сифатида ташлаб юборилган. Ижтимоий тараққиётнинг ўзи бир чизикда борадиган жараён, деб тушунилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Олмонияда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг шаклланишида кўзга кўринган яна бир шахс, бу Л.Фейербахдир.

И.Кант ғояларига асосланган Л.Фейербах бир вақтнинг ўзида ҳуқуқнинг тарихий мактабини миллийлаштиришга, табиий-ҳуқуқий таълимотни ҳар томонлама ривожлантиришга қарши чиққан. У қиёсий методни жинойий қонунлар соҳасида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кенг қўллаган ва ўзи ҳуқуқнинг умумий тарихи сифатида изоҳлаган қиёсий ҳуқуқ мактабини яратишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, фақат турли ҳуқуқий тизимларни қиёслаш ҳуқуқ фанларини юридик фаннинг ривожланишида асос ҳисобланадиган фалсафа, тарих ва қиёслаш тенг ҳуқуқли таркибий қисмлар сифатида тан олинган том маънодаги фанга айлантириш имконини беради. Ҳеч бир халқ, фақат унинг ўзигагина хос бўлган хусу-

сиятлар нуқтаи назаридан қаралмаслиги керак ва шунга мувофиқ равишда ҳар бир халқ ҳуқуқи умумий манзаранинг таркибий қисми, бўлиб, ҳисобланиши лозим - деб таъкидлаган эди, Л.Фейербах.

Л.Фейербах XIX аср давомида Олмонияда ва бошқа мамлакатларда қонун чиқарувчилар учун андоза бўлиб хизмат қилган Бавария жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунлар мажмуаси лойиҳасини тузган. Бу жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунлар мажмуаси лойиҳасини ишлаб чиқишдан аввал француз ва италян ҳуқуқини жиддий қиёслаб тадқиқотлар олиб борган. Унинг «нима учун анатомияшуноснинг ихтиёрида қиёсий анатомия борда, нега юрист-олим қиёсий ҳуқуқшуносликка эга эмас? Ҳар қандай фандаги барча кашфиётларнинг бой манбалари - бу қиёслаш ва таққослашдир...» деган гаплари жаҳон компаративистлари орасида ҳикматли сўзга айланиб қолган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг биринчи ярмида Олмонияда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ривожланиши борасида муҳим қадамлар қўйилган эди.

2-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг француз мактаби

Агар XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий компаративистиканинг маркази Олмонияда бўлган бўлса, асрнинг иккинчи ярмида у Францияга кўчган.

Турли ҳуқуқий тизимларни қиёсий ўрганиш дастлаб миллий қонунларни мукамаллаштириш учун амалий мақсадларда олиб борилган. Мана шунинг учун ҳам фаннинг амалий хусусиятини таъкидловчи «қиёсий қонуншунослик» атмаси кўп қўлланилган. Француз ҳуқуқий фанида позитивизм (экзегезлар мактаби)нинг етакчи бўлганлиги ҳам муҳим роль ўйнаган.

1869 йили Парижда «Қиёсий қонуншунослик жамияти» тузилган ва у кейинчалик компаративистиканинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Француз «Қиёсий қонуншунослик жамияти»нинг асосчилари фикрига кўра, унинг ташкил топиши қонунлар тузиш ва чиқариш ишининг соф маҳаллий ҳислатларини йўқотиши ва ўз навбатида бутун дунёда тўпланган тажрибаларни қабул қилишни кўзлаган юристларнинг битта ҳуқуқий тизимнинг чегарасидан чиқишга бўл-

ган эҳтиёжларига жавоб берган. Бу мақсадларни амалга ошириш учун жамият бошқа мамлакатлар юристлари билан ҳамкорлик қилиш йўлларини фаол равишда излаган. Ўша вақтдаёқ чет эл ҳуқуқи бўйича тадқиқотлар ва мақолалар чоп этиладиган «Жамият» Бюллетени («Bulletin de la Societe de legislation comparee») нашр этила бошланган.

Жамоатчиликни қонунлар матнлари билан таништириш мақсадида «Жамият» 1875 йилдан бошлаб «Чет эл қонунчилиги йилномаси»ни («Annuaire de legislation eitrangere») ва «Француз қонунчилиги йилномаси»ни («Annuaire de legislation fransaise») нашр қилишга киришган. Франция Адлия вазирлиги қошида «Қиёсий қонуншунослик жамияти» билан ҳамкорликда Чет эл қонунчилиги қўмитаси тузилган.

Бу йиллар бозор муносабатларига асосланган тузум ва унинг ҳуқуқий тизими барқарорлашган ва мустаҳкамлашган давр бўлган. Бундай ҳолат ҳимояга ва асослашга муҳтож бўлмаган ва қандай бўлса шундайлигича қабул қилиниши лозим бўлган ҳуқуқий тизимда мукамал андозани кўрган юридик позитивизмнинг устунликка эришиши борасида ижтимоий шарт-шароит яратилишига хизмат қилган.

Қиёсий ҳуқуқшунослик ўрганадиган мавзу умуман ҳуқуқ эмас, балки ҳаракатдаги ҳуқуқий қоидалар ва ҳуқуқнинг айрим соҳаларида бир хил бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар бўлган. Унинг аниқ мақсади назарий мавҳум хулосаларни эмас, балки қонун тузиш ва чиқариш фаолияти учун зарур бўлган натижаларни ўрганишдан иборат бўлган. «Классик мактаб» доирасида у миллий соҳаларга доир қонунларни мукаммаллаштиришда энг яхши самара берган. Бу деярли ҳуқуқнинг барча соҳаларига ва биринчи навбатда фуқаролик, жиноят ва процессуал ҳуқуққа тегишлидир.

Аммо аста-секин француз компаративистикасининг назарий савияси экзегезлар савиясидан илгарилаб кетган ва XX аср бўсағасида унда муҳим назарий хулосалар яратилган. Бу ерда аввало Р.Салейль тадқиқотларига мурожаат қилиш керак.

Р.Салейлнинг қиёсий ҳуқуққа бўлган муносабати иккита омил билан боғлиқ бўлган. Биринчидан, Наполеон Бонапартнинг 1804 йилги Фуқаролик Кодекси XIX аср охирига келиб деярли эскириб қолган ва унинг экзегезлар мактаби вакилла-

ри томонидан «тозаланган» талқини ўз аҳамиятини йўқотган. Иккинчидан, Р.Салейлга Р.Йеринг таълимоти, ва айниқса ҳуқуқ ижтимоий ҳаётнинг ўзгаришига мослашган тарзда узлуксиз равишда тадрижий ривожланади, деган асосий фикри катта таъсир кўрсатган.

1804 йилда қабул қилинган Француз фуқаролик кодексининг юз йиллиги нишонланаётган вақтда амалда унинг юридик қоидалари ва жамиятнинг амалиётдаги эҳтиёжи ўртасида узилиш борлиги равшан бўлиб қолган. Экзегезлар мактаби уни бартараф қила олмаган. Аксинча, Р.Салейль таъкидлаганидек, қиёсий ҳуқуқнинг I Жаҳон Конгрессида «илмий-фалсафий назария (доктрина) ва суд амалиёти, расмий ҳуқуқ, китоблардаги ҳуқуқ ва ҳаётий ҳуқуқ» ўртасидаги узилишни чуқурлаштирган», холос. Ҳуқуқий ислоҳотлар замон талаби бўлиб қолган ва Р.Салейль, француз ҳуқуқи ижобий (прогрессив) ривожланиши учун қиёсий ҳуқуқ берадиган нарсадан фойдаланмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас, деб таъкидлашдан чарчамаган. Р.Салейль фикрига кўра, бу қиёсий ҳуқуқ қонунчилигини янгилаш жараёнида энг фойдали воситадир.

Р.Салейлнинг фикрича, қиёсий ҳуқуқнинг асосий мақсади - бу айрим ижтимоий ва тарихий маълумотларга асосланган илмий тузилма эмас, балки аввало миллий ҳуқуқни ривожлантириш ва мукаммаллаштиришдир.

Шубҳасиз, қиёсий ҳуқуқнинг қонунчилик сиёсати учун аҳамиятлилиги авваллари ҳам, чунончи, Л.Фейербах ва К. Миттермайер томонидан бир неча бор таъкидланган. Лекин Р. Салейлнинг нуқтаи назари «қиёсий ҳуқуқ - ҳуқуқ тараққиёти» мутаносиблигига ўзига хос ёндашув билан ажралиб турган. Бу ўзига хослик шундаки, ўзгараётган шароитда ҳуқуқ тараққиёти нафақат қонун чиқарувчининг фаолияти билан, балки шу билан бирга суд амалиёти билан ҳам боғланади. Ҳуқуқ манбаи сифатида унинг чегаралари, мақсадлари ва самарадорлиги анча кенг изоҳланган. «Эркин ҳуқуқ» ҳаракати суд амалиётини шундай хусусиятлар билан таъминладикки, натижада ҳуқуқнинг мустақил расмий манбаси сифатидаги роли янада ошиб борган. Шу муносабат билан Р.Салейль қиёсий ҳуқуқнинг ёрдамида суд амалиётига ҳуқуқ ривожланишида етакчи ҳуқуқ яратувчи ролини беришга ҳаракат қилган.

Мантиқий изоҳлаш ҳақидаги камчиликларнинг ўрнини боса олмаслигидан келиб чиққан ҳолда Р.Салейль ҳуқуқни шарҳлаш жараёнида қўллаш мумкин бўлган бошқа объектив омилларни излаган, бусиз бундай шарҳлаш субъектив ёндашувлар ва баҳолашлар ихтиёрига топшириб қўйилган бўлар эди, деб ҳисоблаган. У чет эл ҳуқуқи ва қиёсий ҳуқуқ шундай объектив омил бўла олади деган хулосага келган. Италия, Швейцария ва олмон мажбурият ҳуқуқини ўрганар экан, Р.Салейль бу тизимлар орасида катта ўхшашлик борлигини ва француз ҳуқуқи томонидан бемалол қабул қилиниши ҳамда ўзлаштирилиши мумкин бўлган хулосалар мавжудлигини аниқлаган.

Қиёсий ҳуқуқ, шундай қилиб, бир маданиятга мансуб бўлган ҳуқуқий тизимлар ривожига умумийлик билан бир қаторда, аниқ юридик муаммолар ечимига умумийлик, ҳуқуқнинг аниқ соҳаларида бир хилдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар гуруҳи (ҳуқуқий институт) ўхшашлигини аниқлашга имкон берган. Қиёслаш кўпгина ҳуқуқий тизимларда мавжуд бўлган институтларнинг умумий андозасини ёки намунасини ишлаб чиқишга имкон берган ва бу андоза мазкур тизимларга нисбатан қонунчиликнинг қандайдир бир андозаси сифатида юзага чиққан. Р.Салейль шундай деб ёзган эди: «Қиёсий ҳуқуқ қонунчиликнинг турли тизимларини, унинг фаолиятини ва эришилган натижаларни таққослаш йўли билан идеал, ҳатто маълум бир институтнинг нисбий андозаси бўлса ҳам, у мувофиқ келиши лозим бўлган иқтисодий ва ижтимоий шароитларни эътиборга олган ҳолда, ишлаб чиқишга интилади».

Қиёслаш натижасида Р.Салейль турли ҳуқуқий тизимлар бир хил ижтимоий муаммонинг ечилишидаги асосий умумийликни аниқлагач, шу аснода ҳуқуқнинг баъзи соҳаларида суд амалиётида миллий ҳуқуқ қоидаларини шарҳлашда объектив йўл-йўриқ бўлиб хизмат қиладиган қандайдир бир умумий миллий ҳуқуқ тузиш мумкин, деб тахмин қилган. У кўп марталаб замонавий компаративист фаолияти ва одатларини қиёслаш йўли билан тўлдирилган (субсидиар) умумий ҳуқуқ ишлаб чиққан одат ҳуқуқини шарҳлаш билан шуғулланган қадимги французлар билан таққослаган. Р.Салейль худди шундай йўл билан замонавий компаративистлар хусусий ҳуқуқнинг баъзи соҳаларида тараққиётга эришган инсо-

ниятнинг умумий ҳуқуқини тузишлари мумкинлигини тахмин қилган. Бу умумий ҳуқуқ, Р.Салейлнинг фикрича, эҳтимол табиий ҳуқуқнинг ўрнини босиши мумкин эди. Аммо у (умумий ҳуқуқ), кейингисидан (табиий ҳуқуқдан) фарқли равишда ҳаракатдаги қонунларга асосланган ва ундан устун турмаган. Суд амалиётида ҳам, шунингдек, қонунчилик ислоҳотларида ҳам бу умумий ҳуқуқ субсидиар (қўшимча) роль ўйнаши керак бўлган. У кейинчалик «тараққиётга эришган миллатлар даъват этган ҳуқуқнинг умумий асослари» - деб аталадиган нарсага бирмунча ўхшаб кетади (Халқаро суд Низомининг 38-банди таърифи). У пайтда гап энди ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда очилган *in absuracto* ноаниқ (астракт) асослар ҳақида эмас, кейинчалик (ишонтириш йўли билан ёки унинг афзаллигини намойиш қилиш йўли билан ҳам қўлланилиши мумкин бўлган) ижобий қонунга киритишга ҳаракат қилиб кўриш мумкин бўлган ҳар тарафлама мукамал ҳуқуқни соф тафаккур қилиш йўли билан аниқлаш тўғрисида эмас эди. Р.Салейль миллий ҳуқуқ суд томонидан изоҳланганида қиёсий таҳлил ёрдамида чет эл ҳуқуқий ечимлари ва тартибларидан объектив мезонлар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган иккита шартни илгари сурган. *Биринчи* шарт шундан иборатки, бундай изоҳлаш йўли фақат ҳуқуқда камчилик мавжуд бўлган ҳолда қўлланилиши мумкин. *Иккинчиси*, чет эл ҳуқуқидаги ечим асосий миллий ҳуқуқ қонунларига зид бўлмаган ҳолатда қўлланилиши мумкин. Қиёсий ҳуқуқни суд сиёсати қуролига айлантириб, Р.Салейль уни қўллаш мумкин бўлган янги соҳани очган. Қиёсий ҳуқуқ эски чегарасидан чиққан, назарийликдан тажрибавий-амалийликка айланган, тарихийликдан замонавийликка юз бурган. Унинг вазифаси мавҳумлик ва тарқоқликдан аниқ тусга кирган. Шу билан бирга бу янги йўналтирилиш суд сиёсати хизматида қўйилган қиёсий ҳуқуқни оддий метод даражасига тушириб қўйган.

3-§. Россияда қиёсий ҳуқуқшунослик

Айрим Фарб компаративистлари Россиядаги қиёсий ҳуқуқшунослик ютуқларини тан олмасликлари ёки атайлаб индамасликлари катти эътироз уйғотади. Масалан, қиёсий ҳуқуқшунослик тараққиётининг энг мукамал тарихи муаллифи олмон компаративисти Л.Ж.Константинеско ўз асарида 70

дан зиёд олимларни санаб ўтар экан, бирорта ҳам рус юристини ёдга олмайди. Худди шундай бир ёқлама изоҳлаш инглиз классик компаративисти Х.Гаттерижга ҳам хос.

Россиялик машҳур ҳуқуқ тарихчиси Н.Р.Загоскин ўзининг библиографик асарида «Қиёсий-тарихий методнинг рус ҳуқуқи тарихини ўрганишда қўлланилиши» мавзуга шу методни қўллашга оид (1891 йилгача) нашр этилган икки юздан ортиқ адабиёт номлари акс этган бутун бир бобни ажратган.

Машҳур рус ҳуқуқ тарихшуноси А. Филлипов: «Агар рус ҳуқуқи тарихи, умумславян ҳуқуқининг қисми сифатида бошқа славян халқлари тарихи билан бир қаторда қўйилиши лозим бўлса, унда ўз навбатида, славян ҳуқуқи тарихи олмония, рим ва бошқа халқлар ҳуқуқи тарихи қаторида ялпи ёки умумий ҳуқуқ тарихининг, ёхуд, бу фанни яна баъзан «қиёсий ҳуқуқшунослик», «қиёсий тарихий ҳуқуқшунослик» деб ҳам аташади, ажралмас қисми сифатида тафаккур қилиниши лозим», деб ёзган.

Қиёсий методни англашга илмий ёндашувлар турлича бўлишига қарамасдан, бу методни ўз тадқиқотларида қўллабгина қолмасдан, балки қиёсий ҳуқуқшуносликнинг методологиясини ишлаб чиқишга маълум даражада ҳисса қўшган Н.М.Коркунов, В.И.Сергиевич, К.Малишев, Н.П.Загоскин, М.М.Ковалевский, П.Г.Виноградов, Ф.Ф.Зигель, С.Муромцев, Г.Ф.Шершеневич, Ф.В.Тарановский ва бошқа рус юристларининг саъй-ҳаракатларини таъкидлаш керак. XIX асрнинг 80-йилларидаёқ юрист - олим А.Башмаков шундай деб ёзган: «қиёсий метод эндиликда, ҳали унинг натижаси олдинда бўлса ҳам, ҳуқуқшуносликка кириб келмоқда. Аммо энди қиёслашга интилишнинг ўзи шу даражага етдики, ҳатто у расм бўлиб қолди... Ҳаттоки ҳозир бизда Россияда бирор-бир судлов ишларини юритиш бўйича дарслик ёки ҳуқуқнинг ҳеч бир бўлими йўқки, унда бу замон руҳига тан берилмаган бўлсин; ҳатто амалий ҳуқуқ фанларининг айрим раҳбарлари, ҳар та-рафламаликка даъво қилган ҳолда, баъзи ҳолларда бегуноҳ ўқувчини ҳеч қандай хулоса чиқармасдан қуруқ қиёсланган ва турли-туман чет эл қонунларидан олинган жуда кўп фактлар билан қийнаб қўядилар».

Москва ва Санкт-Петербург Университетлари профессори В.И.Сергиевич ўзининг ҳуқуқнинг қиёсий тарихи ва рус ҳуқуқи тарихига бағишланган ишлари билан жуда машҳур

бўлган. В.И.Сергиевич тарихий қиёс деганда бир жамият тадрижий ўзгаришининг турли босқичларини таққослаш деб тушунган ва ҳар бир мавжуд ҳолатнинг асосий сабаби, бевосита ундан олдинги жамиятда, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, жамиятнинг турли изчил ҳолатларини қиёслаш натижасида унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши қонунлари кенг очиб берилади.

Қиёсий методнинг пайдо бўлиши бир-биридан узоқ бўлган ҳуқуқий тизимларнинг ўхшашлиги сабабларини бу ўхшашликларни ва уларнинг тегишли таснифларини биргаликда ўрганиш йўли орқали очишга ҳаракат қилиш билан боғлиқлик кўрган Харьков Университети славян қонунлари тарихи шўъбасининг профессори Н.Максимейко ҳуқуқни қиёсий-тарихий ўрганишнинг моҳияти, кўринишлари, методлари, мақсадлари ва натижаларини аниқлашга ҳаракат қилган. У, турли ҳуқуқий тизимлар: 1) уларнинг келиб чиқиши умумий бўлгани; 2) ўзлашмалар а) маълум мамлакат ҳуқуқий қоидалари унинг мустамлакаларига кўчирилиши, б) тақлид йўли билан ҳосил бўлган; 3) ҳаёт шароитлари ва эҳтиёжлар ўхшашлиги натижасида ўзаро ўхшашлик бўлиши мумкин деб тахмин қилган. Бу ўринда у, айниқса, шароитлар бирхиллигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий тизимлар ўхшашлигини ўрганиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Н.Максимейко қиёсий тарихий ҳуқуқшуносликда ҳам амалий, ҳам илмий натижалар олиш воситасини кўрган, унинг фикрича, бу восита: а) жуда кўп миллий ҳуқуқ обидаларини тушунтиришни; б) ҳуқуқнинг тарихий ҳодисалари хусусиятларини аниқ белгилашни (қиёслаш йўли билан мавжуд ўхшашликни кўрсатиш орқали уларнинг қонуният қирралари ва фарқларини кўрсатиш орқали - уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади); в) маҳаллий тарихга оид ҳуқуқий ҳодисаларнинг асл сабабларини очишни ўз ичига олади.

Россияда XIX ва XX аср чегараларида энг кўзга кўринган ва Университет ҳуқуқий фанининг биринчи йирик ташвиқотчиси, қомусий ҳуқуқшунос М.М.Ковалевский (1851-1916) бўлган. Ўзининг «Ҳуқуқнинг қиёсий тарихи курсига кириш» маърузаларида (1878) М.М.Ковалевский: янги фаннинг вази-фасини қўшимча сифатида, айрим ҳолларда эса «ватан қонунларини ҳар томонлама тушунтиришда» мумкин бўлган ягона йўл, деб ифодалаган. Шу билан бирга М.М.Ковалевский,

шубҳасиз, ижтимоий ва сиёсий институтларнинг хусусиятларини у ёки бу миллатнинг руҳияти ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда аниқлашни тўғри ёндашув деб ҳисоблаганларга қўшилган. Олим қиёсий тадқиқотлар юридик фаннинг турли соҳаларида кенг имкониятларга эга эканлигини кўра билган ва ҳуқуқ тарихига аниқса катта эътибор берган. Шу билан бирга, қиёсий метод деганда у асло асоссиз равишда олинган икки ёки ундан ортиқ қонунларни оддий солиштиришни ёки қиёслашни тушунмаган. «Маълум халқ қонунчилиги ва у ривожланган ижтимоий ҳодисалар йиғиндиси ўртасидаги сабабий боғланишни кўра билиш» зарурлигини уқдириб ўтган.

М.Ковалевский ёндашувни икки хилга ажратади. Биринчиси учун у ёки бу қонунчиликни қиёслашни таққосланаётган халқлар бир умумий этник ўзакдан тарқалганлигига асосланган ҳолда амалга ошириш хосдир, бу эса ўхшаш эътиқод ва институтларни юзага келтиради. Иккинчи ёндашув (унга М.Ковалевскийнинг ўзи ҳам қўшилган эди) келиб чиқишида умумий мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам халқлар ижтимоий тараққиётнинг бир хил даражасига етишадилар, деб тахмин қилади. Ҳар хил замонлар, мамлакатлар ва халқлар муассасаларининг ўхшашлиги сабаблари тўғридан-тўғри ўзлаштирганлик ёки шароитлар бирхиллиги (факти) асосида яширинган бўлади. Мана шунинг учун ҳам қиёсий методнинг энг биринчи вазифаси у ёки бу ўхшаш ҳодисалар йиғиндисини алоҳида гуруҳларга ажратишдан иборат. Шароитларнинг бирхиллиги манбаи бир хил ҳодисаларнинг такрорланишида эмас, балки турли халқлар ижтимоий тараққиётнинг бир хил босқичини ўтишидадир.

М.Ковалевский қиёсий методнинг умумий тавсифида унинг жуда ҳам янги фанни (у ҳар хил номланган - баёний социология, инсоният жамиятининг табиий ривож тарихи, инсоният жамиятининг табиий тарихи) яратиш учун восита сифатида ва у ёки бу ҳуқуқий тизим тарихини ўрганиш методларидан бири сифатидаги иккита вазифасини алоҳида таъкидлаган.

Қиёслаш ва солиштириш имкони борича жуда кенг қамровда олиб борилиши керак, тадқиқотчи-компаративист эса «ҳам қадимшунослик маълумотларидан, ҳам қиёсий элшунослик, этнография ва этнология хулосаларидан, ҳам адабиёт ва

ёзма обидалардаги тарихий далиллардан барабар равишда фойдаланиши зарур».

М.Ковалевскийнинг тарихий-қиёсий методдан фойдаланган ҳолда тузилган асарлари ердан жамоа бўлиб фойдаланиш, одат ҳуқуқи, шунингдек, тарихий ва сиёсий ғоялар ҳамда ташкилотлар каби кенг кўламли соҳаларни тадқиқ этишга бағишланган. Илмий қизиқишлари доирасининг одатдан ташқари кенглиги унга илмнинг турли соҳаларини яхлит ҳолда олиб, уларнинг таркибий қисмларига, ягона ва бир-бири билан боғлиқлигини диққат-эътиборда тутган ҳолда текширишга ва қиёслашга имкон берган. Бундай ёндашув ҳам умумий мавзуларга оид тадқиқотларда, ҳам аниқ бир тарихий-ҳуқуқий эмпирик ҳодисаларни ўрганишда, масалан, Кавказ халқлари одат ҳуқуқини ўрганишда бўлганидек бирдек кўзга ташланади. Мазкур тадқиқотида Ковалевский иккита ижтимоий эҳтиёж - назариёт (яъни тарихий-юримдик) ва амалиёт (ички сиёсатни ишлаб чиқиш, чор ҳукумати ва судларнинг халқ юримдик одатларига муносабатлари)га мос келадиган вазифани ҳал этишга интилган.

Қиёсий методнинг назарий ва амалий имкониятларини тадқиқ қилишга қизиқишни М.Ковалевский, бу муаммони ҳал этиш бениҳоя қийинлигини яхши англагани ҳолда, умр бўйи сақлаб қолган. Компаративист-тадқиқотчининг вазифаси тўғрисидаги маърузаларидан бирида Ковалевский «Динлар, ҳуқуқ, ахлоқлар ва одатлар тарихида қиёсий ҳуқуқ методи ёрдамида қилинаётган барча кашфиётларни доимо кузатиб бориш зарур бўлади. Бир вақтнинг ўзида ҳам тарихшунос, ҳам руҳшунос, ҳам фольклоршунос бўлишга, аниқ фанлар ва социологияни ўрганиш орқали ўз ақлини пешлаб боришига тўғри келади...» деган эди.

М.М.Ковалевский О.Кантнинг солидаризмига унга Тарднинг «тақлид назарияси»дан тузатишлар киритган ҳолда, эътиқод қилган. У табиий ҳуқуқ таълимотини ва норман мактабини, ҳуқуқни унинг ўзидан ажратиб олиш ва тушуниш мумкин эмас, бу фақат жамият ҳаётининг ижтимоий шароитларидан келиб чиққан ҳолдагина мумкин, деб таъкидлаб, қаттиқ танқид қилган. У ҳар доим қиёсий ҳуқуқнинг етакчи ижтимоий ғояга тобелиги ва бошқа методлар билан яқин алоқадалигини таъкидлаган. Аммо у ҳимоя қилган жамият тараққиётининг шартларидан бўлган омиллар ҳар хиллиги ҳақи-

даги фикр зарур ва тасодифий омилларнинг аралашиб кетишига олиб келган, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишга ва умумлаштиришга ишончли йўлланма бермаган.

Таниқли рус олими П.Г.Виноградов ҳам қиёсий ҳуқуқшунослик тараққиётига анча ҳисса қўшган. У ўрта аср ижтимоий тарихини тарихий таҳлил методларини тарихий ҳуқуқ ва қиёслаш методлари билан уйғунлаштирган ҳолда олиб борадиган жиддий ва моҳир тадқиқотчи сифатида машҳур бўлган. Унинг ҳуқуқнинг айрим соҳаларидаги бир хил ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар гуруҳи ва юридик муносабатлар таҳлилига оид ишлари техник жиҳатдан маҳорати ва замонавий методи билан ажралиб туради.

П.Виноградов Россия фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлган, 1903 йилдан бошлаб (Г.Мэн ва Ф.Поллокдан кейин) то умрининг охиригача Оксфорд Университетидаги қиёсий ҳуқуқ фанлари факультетининг мудирини лавозимида ишлаган.

Ижтимоий ва сиёсий жараёнлар таҳлилига қиёсий-тарихий ёндашиш П.Виноградовнинг «Лангобард Италиясида феодал муносабатларнинг пайдо бўлиши» (1881) мавзудаги диссертациявий тадқиқотида чуқур сингиб кетган. Ундан кейин эса, у Ўрта асрдаги инглиз ер - мулки - манорни ўрганишга киришган. Бу мавзуга мурожаат этганлиги сабабини П. Виноградов манорда, антик шаҳар - давлатида бўлгани сингари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар мужассамланганлиги, унинг ташкил топиши ва бошқарилиши «ўрта аср ҳаётининг ижтимоий асоси» эканлиги билан исботлайди. Манор, П.Виноградовнинг фикрича, бу - феодал ташкилотнинг француз *seigneurie*си ва олмон *Grundherrschaft* билан шубҳасиз ўхшашлиги бўлган намунасидир. Манор таҳлилига тарихий-қиёсий ёндашувни қўллашни П.Виноградов зарур деб ҳисоблаган, чунки «бу учта институтнинг ҳар бирини синчиклаб ўрганиш бошқа иккитаси тараққиётига аниқлик киритади ва уларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги турли назарияларни ўрганишнинг энг мақбул методи, бу албатта ҳар гал тарихий шароитнинг фарқларини ёдда тутган ҳолда, назарияларни бир муҳитдан иккинчисига олиб ўтишдир».

Ўрта аср Оврупосида Рим ҳуқуқи назариясини ўзлаштириш жараёнини таҳлил қилишда тарихий-қиёсий метод П.Виноградов томонидан жуда муваффақиятли қўлланилган.

Бу жараёнларга таъсир кўрсатган сиёсий, иқтисодий ва техникавий-ҳуқуқий омилларни тўғри фарқлаган ва уларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган П.Г.Виноградов, айтиш вақтида Италия, Франция, Буюк Британия ва Олмония тарихидан олинган манбалар асосида мураккаб, қарама-қаршиликлардан асло ҳоли бўлмаган ўзга давлат ҳуқуқини қабул қилиш жараёнини (рецепция) кўрсатган.

П.Г.Виноградовнинг ҳуқуққа ва уни ўрганиш методларига бўлган қарашлари унинг «Ҳуқуқ назарияси лавҳалари» (1915) китобида ва «Тарихий - ҳуқуқ фанлари бўйича тадқиқотлар» (1920) номли асосий асарининг биринчи жилдида ёритилган. Унинг ҳуқуқ тараққиёти босқичлари ҳақидаги таълимоти жуда кўп тарихий-ҳуқуқий материал умумлашмасига асосланади, аммо бу босқичларнинг тузилиш шакли, В.А.Туманов таъкидлаганидек, кўп жиҳатдан М.Вебернинг «идеал типлар» таълимотини эслатади.

П.Виноградов тарих ҳуқуқ назариясига қарама-қарши қўйилиши мумкин эмаслигини таъкидлаган. Бу ўринда ҳуқуқ тарихи ва ҳуқуқнинг тарихий назариясини фарқлаган ҳолда у қуйидагиларни баён қилган: «Ҳуқуқ тарихи хронологик тартибга амал қилади, ҳуқуқнинг тарихий назарияси эса – методларга. Инсоният ривожланишини тавсифлаш тараққиётнинг мукамал йўналишларини аниқлашдан иборат». П.Виноградов «тарихда (мавжуд бўлган) ҳуқуқ тузилмаларининг олти та турини» ажратган. Шундай қилиб, унинг фикрича, ҳуқуқ тарихий тараққиётининг типик йўналиши қуйидагилардан иборат: 1. Тотемизм жамиятидаги ҳуқуқнинг бошланғич замони; 2. Қабилла ҳуқуқи (Tribal law); 3. Шаҳар ҳуқуқи (Civil law); 4. Шариат ва феодал ҳуқуқининг қўшилиши натижасида (юзага келган) Ўрта аср ҳуқуқи (Canon and Feudal law); 5. Индивидуализмюриспруденцияси (Individualistic Jurisprudence); 6. Социалистик юриспруденция бошланиши (Socialistic Jurisprudence).

П.Виноградов «мукамал йўналишлар» ҳақида сўз бораётганлигини таъкидлаш билан бирга, бу ёндашув ҳодисалар йўналишини белгиловчи жўғрофий, этнологик, сиёсий ва маданий шароитларга етарли баҳо бермасликни асло билдирмайди, деб қўшимча қилишни лозим топган. У ғоялар фактларда акс этади, фактларга эса моддий эҳтиёжлар ва кучлар таъсир кўрсатадилар, - деган. Демак, ҳуқуқ принциплари та-

раққиёти учун, бу тараққиёт қандай муҳитда содир бўлаётгани, гап содда, аграр ёки индустриал жамият ҳақида кетаётганидан қатъий назар, аҳамиятсиз эмас.

Қиёсий тадқиқотлар, П. Виноградовнинг исботлашича, бизнинг ижтимоий ҳаётда оладиган кўплаб таассуротларимизни тартибга солиб туришга қаратилган. Бундай тадқиқотлар ёрдамида биз маданият турлари ўртасидаги фарқларни аниқлаш, ижтимоий тараққиётнинг такрорланиб турадиган ёки барқарор оқибатларини аниқлаш в нима учун уларни бир-бирига ўхшаш деб ҳисоблаб бўлмаглигини балки айнан ёки тараққиётнинг турли йўналишларига оид, деб баҳолаш кераклигини тушунтириш имкониятига эга бўламиз.

Ҳуқуқни қиёсий ўрганишда таҳлилий (шаклий-мантикий) метод катта аҳамият касб этади, зеро у бизнинг диққат-эътиборимизни бир хил муаммолар ечимидаги, аммо ҳуқуқнинг турли тизимларидаги ўхшашликларга ёки фарқларга тортади. Бироқ бу муаммолар ўхшаш йўналишларда ечилаётган ҳолда мазкур муҳит томонидан мажбуран тиқиштирилаётган турли вазиятларни инобатга олиши лозим ва олимларга синтетик йўсинда фикр юритиш зарур бўлади. Бу энди шундай вазифа ва муаммоларни келтириб чиқарадики, уни фақат синтетик юриспруденция (П.Виноградов ҳуқуқни унга хос бўлган барча кўринишлари ва ўзаро боғлиқ бўлишларини яхлит, бир бутун ҳолда ўрганишга ҳаракат қиладиган илмий фанни шундай деб атаган) ҳал қила олади.

Ҳуқуқда шаклий-мантикий таҳлил кучсиз бўлиб қолган ҳолларда қиёсий тадқиқотлар жуда катта аҳамият касб этади. П.Виноградов этнология соҳасига оид кўнгина ишларга, ҳатто муаллифларнинг ўзлари ҳуқуқшунос бўлган ҳолларда ҳам (бундайлар сафига у Пост, Колер, Бастиан ва шунингдек, Ковалевскийни киритган), соф юридик таҳлил етишмаслигини алоҳида кўрсатиб ўтган.

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги рус ҳуқуқшунослик фани чет эл қонунчилиги ва адабиётини чуқур тадқиқ этгани ва ундан фойдаланганлиги билан ажралиб турарди. Ҳақиқий ҳуқуққа оид барча аҳамиятга молик тадқиқотларда, айниқса ҳуқуқ назариясига оид ишларда қиёсий таҳлил ва чет эл тажрибасига мурожаат қилиш етарли даражада кенг ва аҳамиятга моликдир.

1917 йил Октябр тўнтарилишигача бўлган Россияда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг фаол ривожланганлиги сабабини, мамлакат ҳудуди бир қанча ҳуқуқий тизимлар ҳаракатда бўлганлиги ҳодисасида кўрган А.А.Тилленинг фикрига қўшилиш қийин. Рус тарихий компаративистикасининг объекти сифатида даставвал тараққий этган мамлакатлар ҳуқуқи бўлган ва Россияда қиёсий ҳуқуқшунослик фаолланишининг асосий сабаби юристларнинг қолоқ рус ҳуқуқини янгилашга интилишида бўлган. Г.Ф.Шершеневич тўғри кўрсатиб ўтганидек, Фарбий Оврупога етиб олишга мажбур бўлган Россия Фарбда содир бўлаётган ҳамма воқеалар, шу жумладан ҳуқуқшунослик соҳаси билан ҳам танишиши зарур эди.

4-§. Буюк Британияда ва АҚШда қиёсий ҳуқуқшунослик

Инглиз профессори Н.Браун Буюк Британияда қиёсий ҳуқуққа қизиқиш пайдо бўлганлигини икки асосий сабаб билан, яъни Ч.Дарвиннинг турларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назарияси ва анатомия, фалсафа ҳамда дин соҳаларидаги қиёсий тадқиқотлар ҳамда Британия империясининг кенгайиши билан боғлайди.

1861 йилда «Қадимги ҳуқуқ» китоби чоп этилган ва унинг муаллифи Г.Мэн Оксфорд Университетининг қиёсий ҳуқуқ фанлари кафедраси раҳбари этиб тайинланган. Худди шу вақтда АҚШда ҳам қиёсий ҳуқуқ бўйича тадқиқотлар бошланган ва Йель (1876) ҳамда Колумбия (1880) Университетларида рим ҳуқуқи кафедралари ташкил этилган.

Британия империяси мустамлакаларида инглиз-саксон умумий ҳуқуқидан жиддий фарқ қилувчи қонунлар амал қилган. Бу амалий мақсадларда уларни қиёслаш учун туртки бўлган, чунки мустамлакаларни британияча «билвосита бошқариш» тизими маҳаллий ҳуқуқни сақлаб қолган ва маҳаллий қонунларни британияликлар учун аҳамиятга эга бўлмаган ҳуқуқий муносабатларга қўллашга имкон берган. Бу ҳолат Британия мустамлакачилик идорасини мустамлака халқлар одат ҳуқуқи ва қонунлари билан танишишга мажбур қилган. Кейинчалик Яширин Кенгаш - Британия империясининг Олий суд органи - ҳам шикоят бериладиган суд поғонаси сифатида шундай муаммога дуч келади. 1839 йилда Бэржнинг

«Колониал ва чет эл ҳуқуқига шарҳлар» китобининг нашр этилиши ҳам, жумладан, шу билан боғлиқ бўлса керак.

Қиёсий тадқиқотларнинг ривожланиши, шунингдек, бошқа мамлакатлар билан ҳажми тобора ошиб бораётган савдо-тижорат ва бошқа амалий алоқаларни йўлга қўйишни талаб қилган. Бу эса инглиз ҳуқуқшунослари олдига чет эл савдо ҳуқуқини ўрганиш заруратини келтириб чиқарган. 1859 йилда профессор А.Левининг инглиз савдо ҳуқуқи билан 28 та чет мамлакатларнинг савдо ҳуқуқи билан қиёсий таҳлил қилинган «Халқаро савдо ҳуқуқи» асари дунё юзини кўрган.

Бу омиллар 1895 йилда «Қиёсий ҳуқуқшунослик Жамияти»нинг тузилишига ва «Қиёсий ҳуқуқ Жамияти журнали»ни нашр этишга олиб келган. Жамият ўзининг асосий вазифаси қилиб низом ҳуқуқини бир тизимга солишни қўйган бўлса, журнал инглиз ўқувчиларига ва мустамлака ҳокимиятларга бутун империядаги ҳуқуқий ҳодисалар ҳақида маълумотларни инъом этар эди. Шунга қарамасдан қиёсий ҳуқуқнинг ривожланиши жуда ҳам секин борган ва инглиз муаллифлари бу тушунча ўзининг ҳозирги маъносида мустамлакаларда XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейингина маълум бўлган деб ҳисоблайдилар.

АҚШда давлат пайдо бўлган дастлабки ўн йилликларда ҳар бир инглизча нарсага гаразли қараш кучли таъсир ўтказган, қиёсий ҳуқуққа эса асосан табиий ҳуқуқни, яъни қандайдир умумий ҳуқуқий принципларни аниқлаш методи сифатида қаралган. Рим ва француз ҳуқуқини яхши билган Кент ва Стори асарлари асосида худди шундай ёндашув ётган. Шу билан бирга, амалий эҳтиёжлар ва аввало, ўзларининг ҳуқуқий тизимлари бўлган кўп сонли штатларнинг мавжудлиги, қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларга бўлган заруратни юзага чиқарган. Инглиз умумий ҳуқуқи андозасини қабул қилиш инглиз тажрибасига мурожаат қилишга олиб келган. Бундай мурожаатни бутун федерал ҳуқуқий тизим ичидаги қиёслаш, турли штатлар ҳуқуқий тизимларини қиёслашни - штатлараро қийслаш деб аташ мумкин.

XIX аср Англия қиёсий ҳуқуқшунослигида Г.МэҒ алоҳида ўрин эгаллаган. У «қиёсий ҳуқуқ фанларининг бош вазифаси қонунларни ривожлантириш ва ҳуқуқни амалий жиҳатдан мукаммаллаштиришдир», деб ҳисоблаган. Унинг Фарб ҳуқуқ назарияси, хусусан қиёсий ҳуқуқшуносликнинг кейинги

ривожига катта таъсир кўрсатган ҳар бир нарсага ёки ҳодисага тарих нуқтаи назаридан қарашини алоҳида таъкидлаш зарур. Г.Мэннинг бундай қарашини учун баҳолашнинг тескари йўналиши ва тарихий маънода инглиз ҳуқуқининг ўзига хослигини энг олий поғонага қўйишга (генерализация қилишга) интилиш хусусияти хосдир. Бу гоё масалан, унинг моддий ҳуқуқ процессуал ҳуқуқдан келиб чиқади деган фикрида ифода этилган.

Инглиз ҳуқуқий фанларида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар, тарихан суд тажрибасидан ишлаб чиқилган ҳуқуқ сифатида инглиз умумий ҳуқуқи (Common law)нинг ўзига хос хусусиятлари билан чамбарчас боғланган эди. Тарихийлик Common law (умумий ҳуқуқ) умумий маданиятнинг муҳим хусусиятидир. Инглиз ҳуқуқшунослари умумий ҳуқуқ ривожига мамлакат ижтимоий тараққиётининг бориши билан белгиладиган тарихий ворислик хослигини ҳар доим таъкидлаганлар. Инглиз ҳуқуқий тафаккурида тарихийлик, шунингдек, эмпиризм, «назарийликка зидлик» билан ҳам чамбарчас боғланиб кетган Унга немис ҳуқуқий тафаккурига хос бўлган «ўзига борлик» деб аташ мумкин бўлган нарса хосдир.

Инглиз-саксон ҳуқуқий тизимидаги мамлакатларда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у узоқ вақт яхлит назарий қарашлар тизимини ишлаб чиқишга олиб келмаган. Инглиз-саксон ҳуқуқий тизими дунёсида қиёсий ҳуқуқ назарияси умуман етарлича эътиборга олинмаган, барча муаммолар соф эмпирик асосда ўрганилган. Инглиз компаративисти Х.Гаттерижнинг классик асари дунё юзини кўргунга қадар шундай бўлиб қолган. Кейинчалик, яъни биринчи жаҳон урушидан сўнг, Буюк Британия ва АҚШда қиёсий ҳуқуқшуносликка қизиқиш анча ошган.

5-§. XX асрнинг биринчи ярмида қиёсий ҳуқуқшунослик тараққиёти

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг олдинги XIX асрдаги ривожига яқун яшаш ва келажакдаги истиқболларини аниқлаш мақсадида 1900 йилда Парижда қиёсий ҳуқуқ бўйича I-Халқаро конгресс бўлиб ўтган. Бундай ҳодиса қиёсий ҳуқуқ тарихида шунинг учун ҳам алоҳида аҳамият касб этадики, биринчидан, унда бу билим соҳасининг кўплаб асосий муаммолари кўтарилган ва иккинчидан, конгресс қиёсий ҳуқуқ ҳақидаги

баҳсга унга оид баъзи умумий бошланғич тасаввурларни кiritишга имкон берган.

Конгрессда жаҳоннинг етакчи компаративистлари қатнашганлар. Конгресснинг асосий ташкилотчиларидан бири бўлган француз юристи Р.Салейль иккита асосий мақсадни кўзлаган эди. Биринчиси - миллий маърузалар ёрдамида турли ҳуқуқий тизимларда қатор юридик муаммоларнинг ҳал қилинишини қиёслаш (бундай муаммолардан тўққизтаси танлаб олинган). Иккинчи мақсадни конгресснинг қиёсий ҳуқуқшуносликнинг методологик муаммолари кўриб чиқилган биринчи алоҳида бўлими амалга ошириши лозим бўлган. Р. Салейль ўзининг маърузасида «қиёсий ҳуқуқ фанини ва у қўллайдиган илмий таҳлил методларини аниқ чегаралаш бўйича ҳеч нарса қилинмаган ёки қилинган бўлсада, жуда оз қилинган»лигини қайд этган. Шу вақтгача, Р.Салейлнинг фикрича, олимлар чет эл ҳуқуқини фақат этнологик, социологик ва тарихий жиҳатлардан қиёслаш билан шуғулланганлар. Энди «асосан ҳуқуқий нуқтаи назарга асосланган таққослашни» кўшиш вақти келди ва шунда кутилган натижага эришилади, деб таъкидлаган.

I-Халқаро қиёсий ҳуқуқ конгресси қатнашчилари ўз чиқишларида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий тушунчалари ва даражаларига таъриф бериб, унинг асосий тузилмаси яратилиши, мақсадлари ва вазифалари тўғрисида гапирганлар. Унинг предмети ва методларига доир мисоллар келтирилган, маълум маънода янгича назарий фикрлар намоён бўлган.

Конгресс ҳуқуқ дунёсида катта воқеа бўлган. У қиёсий ҳуқуқ фани, вазифаси ва мақсадлари ҳақида кенг фикр алмашувларга олиб келган. Конгрессда баён этилган ғоялар, ҳозиргача замонавий мазмун-моҳиятларда янгиликлар билан биргаликда қайта намоён бўлмоқда ёки кейинги илмий изланишлар ва янгилашлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилмоқда.

«Қиёсий ҳуқуқшунослик нима?» деган азалий баҳс конгрессдаги энг марказий масалалардан бири бўлган. Конгрессда қиёсий ҳуқуқшунос ҳуқуқ фанининг мустақил соҳаси эканлиги ифодаловчи нуқтаи назарни фаол қўллаб-қувватланган. Бу фикр асосан Р.Салейль, Э.Ламбер ва А.Леви-Ульман кабилар вакил қилинган француз қиёсий ҳуқуқ мактаби томонидан илгари сурилган.

Француз мактабига қарама-қарши ўлароқ немис ва инглиз олимлари қиёсий ҳуқуқшунослик фан эмас, балки фақат ҳуқуқ фанининг барча соҳаларига турли даражада қўлланиладиган методдир, деб таъкидлаганлар. Конгрессда иштирок этган инглиз-саксон ҳуқуқий тизимига кирувчи мамлакатларнинг ягона вакили Ф.Поллок, «қиёсий ҳуқуқ фан эмас, балки ҳуқуқда қиёсий методга киришдир», деган фикрни баён этган.

Қиёсий ҳуқуқшунослик тўғрисидаги юқорида баён этилган икки фикр, ҳар бири ўзига хос, ёки табиий ҳуқуқни, ёки юридик позитивизмни назарда тутишини очиқ акс эттиради. Табиий ҳуқуққа асосланадиган ва қиёсий ҳуқуқ ёрдамида «инсониятнинг умумий ҳуқуқи»ни ёки бўлмаса «XX аср бутун жаҳон ҳуқуқи»ни топишга интилаётган француз универсализми қиёсий ҳуқуққа турли ҳуқуқий тизимлар ва уларнинг тегишли қоидаларини қиёслаш методи сифатида қарайдиган инглиз ва немис юридик позитивизмдан устун бўла олмаган.

Биринчи жаҳон урушигача қиёсий ҳуқуқшунослик, айниқса француз қиёсий ҳуқуқи кўтаринки ҳолатда бўлган. Бунга учта асосий сабаб ёрдам берган. *Биринчидан*, чекланган миллий доирадан чиқишга имкон берадиган қиёсий ҳуқуқнинг амалий натижалар беришига бўлган ишонч. *Иккинчидан*, никоҳ тўғрисида; ажралиш ва эр-хотиннинг суд орқали никоҳдан чиқиши тўғрисида; вояга етмаганларга васийлик қилиш тўғрисида; вояга етганларга ҳомийлик қилиш тўғрисида; эр-хотин ўртасида шахсий ва мулкий муносабатлар тўғрисида; халқаро фуқаролик-муомала ишларини юритиш жараёни тўғрисида ва шу каби махсус масалалар бўйича халқаро хусусий ҳуқуқ қоидаларини бир хил қилиш мақсадида турли мамлакатлар ҳуқуқшуносларининг фаол ҳамкорлиги Гаага Конвенцияларини (1902-1905) қабул қилишга ёрдам берган. Бу Конвенция Оврупонинг 10 дан зиёд давлатларини бирлаштирган. Шундай қилиб, биринчи жаҳон урушигача «Гаага иқлими», яъни мувофиқлаштирилган ҳуқуқий сиёсатни ишлаб чиқиш иқлими юзага келтирилган эди. Худди шунинг учун француз компаративистлари «умумий қонун чиқариш ҳуқуқи» шундай иқлимнинг энг яхши намунаси бўлиши керак, чунки у турли ҳуқуқий тизимлар юристлари ўртасидаги оқилона ҳамкорлик натижасида вужудга келади, деб ҳисоблаганлар. Учинчидан, Олмония фуқаролик ҳуқуқи-

нинг тартибга солинган (кодификация қилинган) ҳужжатларининг (Олмония фуқаролик қонунлар мажмуаси, 1896 й., Савдо кодекси, 1897 й.) ва Швейцария (Швейцария фуқаролик кодекси, 1907 й., Швейцария мажбурият тўғрисидаги қонуни, 1911 й.) ҳужжатларининг қабул қилиниши ва кучга киритилиши роман-олмон ҳуқуқий тизими (оиласи) доирасида қиёсий - ҳуқуқий тадқиқотларни ўтказиш учун яхши замин бўлган. Бу замонда Олмонияда ҳам қиёсий ҳуқуқшунослик муаммолари ва хорижий ҳуқуқ билан махсус шуғулланувчи қатор институтлар ташкил топган. Уларнинг орасида Э. Рабель томонидан 1916 йилда Мюнхен Университетида ташкил этилган Қиёсий ҳуқуқ институтини алоҳида қайд этиш жоиз.

Француз мактабининг кўзга кўринган намоёндаси Э. Ламбер, қиёсий ҳуқуқ қатор амалий вазифаларни бажариш билан бир вақтда «умумий қонун чиқариш ҳуқуқи»ни ишлаб чиқишга ёрдам беришга қаратилган деб ҳисоблаган.

Э.Ламбернинг фикрича, қонуунлар ва ҳуқуқнинг айрим соҳаларида бир хилдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб турувчи қоидалар (ҳуқуқий институтлар)ни қиёслаш турли шаклда баён этилганлигига қарамасдан, ижобий ҳуқуқнинг айрим қоидалари турли тизимларда қайтарилишини, бинобарин, улар «умумий қонун чиқариш ҳуқуқи» қоидаларини ташкил қилишларини кўрсатиши керак эди. Бу ҳолатда қиёсий ҳуқуқнинг асосий вазифаси – турли ҳуқуқий воқелиқдан бу умумий қоидаларни ажратиб олишдир.

Биринчи жаҳон урушигача француз қиёсий ҳуқуқининг асосий нуқтаи назари мана шундай бўлган. Бундай фикр маълум оқибатларга олиб келган:

биринчидан, албатта, бу «умумий қонун чиқариш ҳуқуқи» фақат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёти бир хил бўлган давлатлар ўртасида мавжуд бўлиши мумкин: худди шу маънода «тараққий этган мамлакатлар ҳуқуқи» билан чекланишга тўғри келган;

иккинчидан, худди шу сабабга кўра компаративист ҳар доим нимани қиёслаш мумкин бўлса, шуни қиёслаши лозим бўлган;

ниҳоят, *учинчидан*, бу «умумий ҳуқуқ», баъзи истиснолардан ташқари, ҳуқуқ қоидаларининг шаклий ўхшашликларидан келиб чиқмас эди.

Демак, XIX асрда амалга оширилганидек, Наполеон кодекслари билан у ёки бу чет эл қонунлари орасида, «ўхшашликларни» қидириб топиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Бу мактаб «ҳуқуқнинг асосий бирлигини топиш учун ҳуқуқ нормаси хилма-хиллиги устидан кўтарилишни» талаб қилган.

Шундай қилиб, Францияда, XIX асрда «қиёсий қонун ишлаб чиқиш» тўғрисидаги таълимотлардан кейин, қонунлар матнини жуда оддий солиштириш билан чекланиб қолмасдан, балки юридик амалиётни (савдо-сотиққа оид, маъмурий ёки нотариал), турли муаллифларнинг назарий қарашларини ва кўриб чиқиладиган барча ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиши тарихи ва тадрижий ривожланишини ҳам эътиборга оладиган «қиёсий ҳуқуқ» ҳақидаги назарий қарашлар тизими юзага келган.

Натижада, француз компаративистика мактаби бошқа мамлакатлар қонунлари тизимларидан фарқланадиган ҳуқуқий тизимнинг янгича тушунчасига яқинлашган. Бу қиёсий ҳуқуқнинг янада ривожланишига туртки берган.

Қиёсий ҳуқуқ, шунингдек, ҳуқуқий таълимнинг муҳим таркибий қисми сифатида, «француз фуқаролик ҳуқуқини ўрганишни ёшартириш ва жонлантириш» усули сифатида қабул қилинган. Бу ёндашувга мувофиқ ўқитиш дастурига «қиёсий фуқаролик ҳуқуқи» бўйича ихтиёрий (факультатив) курс киритилган. Бу курсдан 1905-1914 йилларда дарс берган биринчи профессор Р.Салейль ўз диққат-эътиборини француз ва олмон фуқаролик кодекслари қиёсига қаратган. Унинг издошларидан бири А. Леви-Ульман инглиз ҳуқуқига тарихий кириш мавзuidaги тадқиқотлари билан ҳаммага танилган. Франциянинг ўн иккита Университети қиёсий ҳуқуқ кафедраларига эга бўлган. Аммо ўқиладиган курснинг мақсади қиёслаш бўлмаган; у фақат француз ҳуқуқини чуқурроқ ўрганиш учун восита сифатида қаралган холос.

Швейцарияда қиёсий ҳуқуқнинг фаол тарғиботчиси туғалланмай қолган кўп жыллик асар «Қиёсий фуқаролик ҳуқуқи курси»нинг (7жилди нашрдан чиққан) муаллифи Э.Рогэн бўлган. Бу олимнинг тадқиқот методи ўзига хос бўлган. Швейцария олимлари ичида биринчи бўлиб, қиёсий ҳуқуқда мустақил фанни кўра олган Рогэндир, деб ҳисоблашади. Лекин унинг асарлари чет элда эътибор топмаган. Рабель уни

йўл қўйган ноаниқликлари ва юзаки ахборотлари учун танқид қилган. Эътиборга лойиқ бўлган бошқа бир швейцариялик олим, яъни унча катта бўлмаган, лекин яхши тизимга солинган «Қиёсий ҳуқуқнинг вазифалари ва методи» номли монографиянинг муаллифи Г.Созер-Хальдир.

Италияда қиёсий ҳуқуқнинг ривожланиши Гальгано, Мараи, Мессинео, Ротонди, Фонтана, бироз кейинроқ эса Аскарелли номлари билан боғлиқ. Иккита жаҳон уруши орасидаги замонда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ривожланиши қатор ўзига хос ғоялар билан ажралиб турган.

Улардан биттаси компаративистиканинг махсус вазифаси сифатида «жаҳон ҳуқуқи»ни ишлаб чиқиш ғоясининг кенг ёйилганлигидир. Энди гап фақат миллий шакллар остида яширинган ҳуқуқдаги бирхилликни аниқлаш ҳақида эмас, балки ўзаро тинч-тотув ҳамкорликка гаров бўладиган ягона ҳуқуқни амалда ишлаб чиқиш тўғрисида ҳам борган.

«XX аср жаҳон ҳуқуқини» яратиш тарафдорларининг ҳаракатлари йирик халқаро ташкилотлар, чунончи, 1928 йилда Римда Миллатлар Лигаси томонидан ташкил этилган. Хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш (унификация) халқаро Институту томонидан қўллаб-қувватланган. 1924 йилда Гаагада жаҳондаги йирик компаративистларни бирлаштирган Қиёсий ҳуқуқ Халқаро академияси таъсис этилган. Унинг ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган Конгресслари (Иккинчи жаҳон урушигача 2та конгресс ўтказилган) бутун дунё юрист олимларининг халқаро илмий ҳамкорлик тизимида ханузгача алоҳида ўрин эгаллайди. 1924 йилда, шунингдек, Жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунлар мажмуини тузиш ҳаракатининг умумий битимга эришиши учун жаҳоннинг жиноят ва жазо бўйича мутахассисларини бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жиноят ва жазо ҳуқуқи Халқаро ассоциациясига асос солинган. 1929 йилда тузилган Франция - Италия «Мажбурият ҳуқуқи» лойиҳасини ҳам эслатиб ўтиш лозим. У икки мамлакатнинг етакчи олимлари ҳамкорлигининг натижаси бўлиб, бу икки ҳуқуқий тизимларни яқинлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Қиёсий ҳуқуқ институтлари Парижда ва Лионда ташкил этилган, уларда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммолари бўйича маърузалар ўқилган эди. Бу институтларнинг туркум (серияли) нашрлари тўпламлари («коллекциялари»)

энг юқори баҳога лойиқ: Лион Институти нашрининг асосий серияси 42 та ва Париж институтининг 67 та жилди қиёсий ҳуқуққа бўлган қизиқишнинг нафақат Францияда, балки чет элда ҳам ортишига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатган. Бунинг устига, серияларда иштирок этган муаллифларнинг деярли тўртдан уч қисмини чет эллик олимлар ташкил қилганлар. Ҳозирги кўзга кўринган кўпгина компаративистлар ўз фаолиятларини шу нашрларда бошлаганлар.

Олмонияда, Франциядан фарқли равишда, ҳеч бир Университетда қиёсий ҳуқуқ ҳатто, ихтиёрий (факультатив) ёки ёрдамчи фан сифатида ҳам ўқитилмас эди. Умуман олганда, қиёсий ҳуқуқдан нисбатан тор доирадаги олимлар баҳраманд бўлганлар, холос. Шунинг учун Г.Кошакер тўла асосли равишда шундай деб ёзган эди: «Олмонияда бўлгани каби қиёсий ҳуқуқшунослик фанда ва ўқитишда шунчалик арзимаган роль ўйнайдиган бирор-бир бошқа маданиятли мамлакат топилмаса керак». Олмон юридик адабиётида қиёсий ҳуқуқ масалалари асосан ҳуқуқ фалсафаси йўналишида бўлиб, «тўғри ҳуқуқ» тушунчаси билан боғланган.

Машҳур немис файласуфи Г.Радбрух ўзининг «Ҳуқуқда қиёслаш методи ҳақида»ги мақоласида қиёслаш таққосланаётган ҳодисалар учун асосий мезон сифатида «ҳар томонлама мукамал бўлган нусха» («идеал тип»)га муҳтож бўлсада, мана шу «ҳар томонлама мукамал бўлган нусха»нинг ўзини қиёслаш йўли билан олиб бўлмайди, чунки бўлиши шарт бўлган нарса ҳеч қачон мавжуд бўлган нарсдан яратилиши мумкин эмас, деб таъкидлаган. Бинобарин, гап «тўғри ҳуқуқ» қандай бўлиши кераклиги ҳақида борганида қиёсий ҳуқуқ фойдасиздир. Шу билан бир вақтда у қонун чиқариш сиёсатига зарур бўлган ечимларни эса туширишга қодир.

Г.Радбрухнинг нуқтаи назарини Ф. Лист ҳақиқийлик билан зарурийликнинг неокантча қарама-қарши қўйилиши билан қўшилмаган ҳолда танқид қилган. Ф. Лист ҳуқуқ соҳаси, қонунлар мажмуаси (кодекси), ҳуқуқнинг айрим соҳаларида бир хилдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий қоидалар гуруҳи (институт), мақсадга эришишлик ёки эришмасликнинг ўзи «тўғри ҳуқуқ»дир, деб ҳисоблаган ҳолда яқунийлик йўналишини ривожлантирган. Бундай ҳуқуқни яратиш учун унинг тарихий ривожланиши жараёнида олинган борлиқдан келиб чиқиш лозим. Бу ўринда «тўғри ҳуқуқ»

мезонлари фақат умумий ҳуқуқ тарихидан ва қиёслаш йўли билангина топилиши мумкин. Фақат улар ёрдамида мана шу аниқ-тарихий шароитларда у ёки бу ҳуқуқий институт қандай кўринишга эга бўлиши лозим, деган саволга жавоб топилиши мумкин. Бунинг учун ҳуқуқ фалсафасига мурожаат қилиш керак эмас.

Ф. Лист фикрини Ж. Биндер танқид остига олган. У Ф. Листни тадрижий жараёни механик тарзда тушунганликда, маънавий ҳодиса бўлмиш зарурийликни табиат қонуниятлари ҳаракатлари маъносидаги шартлилик билан алмаштирганликда айблаган. Биндернинг фикрича, тараққиёт ҳамиша юқорига қараб боришга ва охири ечими ҳар доим энг тўғри бўлишига ишониш, бидъатдир. Эволюция (тадрижийлик) асосида ётган ғоялар албатта «тўғри ҳуқуққа» олиб келиши шартлиги исбот қилинмаган. Биндерга, Листга зид равишда қиёсий методнинг аҳамияти унча катта эмасдек туюлган. Бу метод турли халқлар ҳуқуқини қиёслашга хизмат қилади ва ҳуқуқий институтлар уларнинг олдида турган бошланғич мақсадларни қандай амалга ошираётганлигини аниқлашга ёрдам беради. Ҳуқуқий тизимларни қиёслаш ҳар бир халқ ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини тасдиқламоқда, демак бошқа тизимлардан кўр-кўрона ўзлаштиришдан воз кечиш лозим.

Олмон қиёсий ҳуқуқшунослигида XX асрнинг биринчи ярмида энг кўзга кўринган шахс Э.Рабелдир. Уни «Олмонияда ҳозирги замон қиёсий ҳуқуқининг асосчиси», деб аташади. У бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқий тажрибалари олмон ҳуқуқини ривожлантириш учун фойдали бўлиши мумкинлигини асослаб берган. Унинг илмий асарлари ўзининг лўндалиги ва фикрлари теранлиги билан ажралиб туради. Э.Рабель яхши фан ташкилотчиси ҳам бўлган, бундан унинг қиёсий ҳуқуқ институтларини ташкил этиш, йирик жамоавий ишларни тайёрлаш, шунингдек, жаҳон Университетларида юридик фанларни ўқитиш борасидаги фаолияти далолат беради.

Э.Рабель қиёсий ҳуқуқшуносликни «этнологик ҳуқуқ фанларига», «тарихий қиёслашга» ва «тизимий ақидаларга асосланган қиёсий ҳуқуқ»ларга ажратган. У охиригини «маданиятга эришган ҳуқуқ тизимлари» қонунларини қисқартирилган ҳолда эмас, балки улар мансуб бўлган тизимларнинг бир қисми сифатида ўрганиладиган қиёслаш деб тушунган.

Рабелга ижтимоий ғоялар, хусусан, ҳуқуқни ижтимоий назорат ва ташкил этиш воситаси сифатида тушуниш ҳам бегона бўлмаган. Лекин бунинг барчаси мамлакатдаги ички ҳолатда муҳим ўзгаришларга олиб келади; қиёсий ҳуқуққа мурожаат тор аҳамиятлилик доирасидан ташқарига чиқмаган ва асосан гап чет эл ҳуқуқи тўғрисидаги ахборотни кенгайтириш ҳақида борган. 1933 йилдан кейин аҳвол янада ёмонлашган. Ҳукумат тепасига олмон фашизми (нацизм) келганидан сўнг энг кўзга кўринган олим-компаративистлар мамлакатни тарк этганлар.

Италияда Э. Карузининг тарихий-ҳуқуқий мазмунда ёзилган китоби машҳур бўлган. Э.Карузи фикрининг таянч нуқтаси Ўрта ер денгизи антик давлатлари ҳуқуқи бўлган. Қиёсий ҳуқуқ антик ўрта ер денгизи ҳуқуқий тизимларини ўрганишдан бошланиши лозим, ундан кейин у ўз фаолиятини ва қиёсий-тарихий ва макон доирасида изчиллик билан кенгайтириши керак. Қиёслаш билан мамлакатлар ва халқлар қанчалик кенг миқёсда қамраб олинса, қиёсий ҳуқуқ фани эришган хулосалар шунчалик умумлаштирилган бўлади. Қиёсий ҳуқуқ ўз навбатида умуман ҳуқуқ фани билан қўшилиб кетадиган ҳуқуқ тарихи ҳақидаги фанга айланиши керак.

Мустақил назарий (бирок амалий жиҳатлари ҳоли бўлмаган) фан сифатида қиёсий ҳуқуқнинг мақсади ҳуқуқнинг ривожланиш қоидаларини, аниқлаш мумкин бўлган моҳиятий ва доимий боғланишларини ва ҳуқуқий институтларнинг таркиби ва вазифаси жиҳатидан хилма-хиллигини очишдан иборат. Э.Карузи қиёсий ҳуқуқдан «ҳақиқий ва назарий фан сифатида» тадқиқотларнинг икки турини чиқариб ташлаган, яъни Пост этнографик манбаларда қўллаган эмпирик қиёслаш турларини ва ҳуқуқ фалсафасини, биринчиларини фақат хом материал бўлганликлари учун; иккинчисини у фикрий-назарий абстракциялар билан кифоялангани учун.

Шу билан бирга Э.Карузи қиёсий ҳуқуқни қиёсий ҳуқуқ тарихи билан аралаштириб юборган ва сўнгисини нотўғри равишда ҳуқуқшунослик билан тенглаштирган. У қиёсий ҳуқуқ - бу мустақил фан эканлигини етарли даражада тасдиқловчи далил-исбот топа олмаган.

Урушлар орасидаги замонда фаолияти қиёсий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган бир неча институтлар ташкил топган. 1926 йилда Гальгано ва Бонфанте раҳбарлигида «Қиёсий ҳуқуқ ва

қонунлар тадқиқотлари йилномаси»ни («Annuario die diritto compareto edi studi legislativi») нашр этган Қонунлар тадқиқоти институти ташкил этилган. Кўплаб Университетларда қиёсий ҳуқуқ кафедралари пайдо бўлган, расмий қиёсий ҳуқуқ курсини ўқитиш мажбурий бўлган. Бу ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозим, зеро қиёсий ҳуқуқ, одатда хусусий ҳуқуқ билан боғланар эди.

Буюк Британияда қиёсий ҳуқуқ билан шуғулланган илмий муассасалар орасида ўз муваффақиятлари учун Гаттериж раҳбарлигидан миннатдор бўлган Кембриж Университети эътиборга лойиқ. Бу замонда АҚШда Гарвард, Йель, Колумбия, Тулэн ва Чикаго университетлари қошида қиёсий ҳуқуқ институтлари ташкил этилган. Бу Университетларнинг юридик журналларида чет эл ва қиёсий ҳуқуққа бағишланган мақолалар пайдо бўла бошлаган. Лекин тадқиқотлар даражаси жуда паст бўлиб, улар асосан эмпирик хусусиятга эга бўлган. Фақат Ж.Вигморнинг ишларини, унинг жаҳондаги турли ҳуқуқий тизимларнинг умумий кенг тасвирини беришга ҳаракат қилганини кўрсатиш мумкин. АҚШда қиёсий ҳуқуқ муаммоларини ишлаб чиқиш мамлакатда Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва уруш йилларида Овруподан борган йирик олимлар борганидан кейингина амалга оширилган.

Японияда ҳуқуқий компаративистика тараққиёти маълум даражада «ўша замонда соф япон қиёсий ҳуқуқшунослигини яратишда етакчи роль ўйнаган» Н.Сугияма нуқтаи назари (концепцияси) катта таъсир кўрсатган. Чет эл ҳуқуқини ўрганиш билан қиёсий ҳуқуқшунослик орасида узилмас алоқа борлиги ҳақида гапириш ва чет эл ҳуқуқини ўрганиш зарурлигини таъкидлаш билан бир вақтда, Н.Сугияма илмий фаолиятнинг бу соҳалари орасида мавжуд бўлган фарқларни ҳам кўрсатган. Унинг ҳаракатлари туфайли япон ҳуқуқий фани чет эл ҳуқуқига кўр-кўрона тақлид қилишдан узоқлашган ва мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган. Шунга қарамадан, у бирон-бир Университетда қиёсий ҳуқуқшунослик кафедралари ёки ихтисослаштирилган Олий ўқув юртлари очишга муваффақ бўлмаган. Қиёсий ва чет эл ҳуқуқини ўрганиш инглиз, француз ва олмон ҳуқуқини ўрганиш билан чекланган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида «чет эл ҳуқуқини ўрганиш ва қиёсий тадқиқотлар учун зарур бўлган сиёсий ва ақлий иқлим йўқолди».

Агар 1900 йилда континентал Оврупода қиёсий ҳуқуқ асосан француз ва олмон ҳуқуқини, аниқроғи, Наполеон кодекслари ва Олмон фуқаролик ҳуқуқини қиёслашдан иборат бўлган бўлса, 1920 йилдан бошлаб Континентал Оврупо компаративистлари инглиз умумий ҳуқуқи (Common law) мавжудлигини кашф этганлар. Бу ўринда улар методлари, фикрлари, масалага ёндашувлари ва аниқ ҳуқуқий муаммолар ечимлари билан роман-олмон ҳуқуқий тизимидан тубдан фарқ қиладиган ўзгача бир ҳуқуқий дунёга, унда ҳуқуқ ҳатто оммавий ва хусусий ҳуқуққа ажратилмаган, ва аксинча, умумий ҳуқуқ (Common law) ва адолат ҳуқуқига (Equity law) бўлиниш мавжуд бўлган дунёга, бевосита роман тилларига таржима қилиб бўлмайдиган consideration, trust, specific performance, estoppel, trespass лар каби қанча атамаларга эга бўлган дунёга дуч келганлар.

1917 йилги октябр тўнтарилишидан кейин Фарб ҳуқуқшунослари узоқ ва қиёсий-тарихий икки қарама-қарши ижтимоий ва ҳуқуқий тизимлар мавжуд воқелик эканлигини тушунишга лаёқатсиз бўлганлар. Тўғри, бу умумий қоидадан баъзи истиснолар ҳам бўлган. Чунончи, Олмонияда Фрейнд, Францияда Э.Ламбер совет ҳуқуқини ўрганишга жазм қилганлар. Совет кодекслари ва қонунлари таржима қилинган, совет қонунчилигига шарҳлар нашр этилган. Э.Ламбер 1922 йилги РСФСР Фуқаролик кодексига юқори баҳо берган. Лекин, бундай овозлар камдан-кам эшитилган эди ва Фарб ҳуқуқий фани, умуман олганда, М.Ансель сўзларига қараганда, совет ҳуқуқига жиддий тадқиққа нолойиқ «ўткинчи гаройибот» (Curiosite passegere) сифатида қараган.

Оврупо давлатларининг сиёсий, молиявий ва ижтимоий қийинчиликлари, буюк иқтисодий танглик ва айниқса ҳукрон фашистик режимларнинг пайдо бўлиши халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилган. Тоталитар тартиблар, улар орасида энг хусусиятли сифатида мисол бўладиган олмон ва италян фашизми қолоқ миллатчилик мафкурасига амал қилганлар. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги йиллар қиёсий ҳуқуқшунослик учун ҳар қачонгидан ҳам ноқулай йиллар бўлган. «1939-1945 йиллардаги кескин ўзгариш ва ағдар-тўнтар (катаклизм) қиёсий ҳуқуқ ёпилиши замонини очди», деб ёзган эди француз компаративисти М.Ансель.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ярим асрлик тараққиёти унинг предмети, вазифалари, имкониятлари тўғрисида кўплаб адабиётларни юзага келтирган. Буларнинг ҳаммаси Э. Ламберга бағишланган мақолалар тўпламида жамланган ҳолатда ўз аксини топган. Тўпламда ўша замоннинг барча машҳур компаративистлари ўзларининг турли-туман назарий тузилмалари билан муаллифлар сифатида қатнашганлар. Тўплам муаллифларидан бири япониялик компаративист Н. Сугияма «қиёсий ҳуқуқнинг синтетик концепцияси тажрибаси» номли мақоласида барча мактабларни уч йўналишга бўлган:

*Биринчи йўналиш*нинг мақсади ҳуқуқ моҳиятини, унинг тараққиёт қонунлари ёки маромини белгилаб бериш. Йўналишда Н.Сугияма тўртта мактабни кўрсатиб ўтаган. 1. Этнологик ҳуқуқ фанлари мактаби. Қиёсий тилшунослик каби, бу мактаб тадқиқотчилари тарихий умумийликни ва турли халқлар ҳуқуқи тараққиётидаги боғлиқликни аниқлашлари зарур эди. 2. Биринчига яқин бўлган гуруҳий қиёслаш мактаби. 3. Қиёсий ҳуқуқ фалсафаси мактаби. Бу мактаб вакиллари ҳуқуқ тараққиёти қонуниятларини ва унинг умумий принципларини бир мамлакат манбалари асосида аниқлаш мумкин бўлган ҳолда ҳам, самарасиз ва унча аниқ бўлмади, деб ҳисоблашган. 4. Ривожланган мамлакатлар умумий ҳуқуқи принципларини аниқлайдиган мактаб.

Олтита мактабни ўз ичига олган *иккинчи йўналиш* мақсади - ижобий ҳуқуқни тадқиқ этиш. Н.Сугияма улар орасидан биринчи навбатда чет эл ҳуқуқини ўрганадиган мактабни ажратиб кўрсатган. У чет эл ҳуқуқини ўрганиш қиёсий ҳуқуқ учун тайёрлов босқичидир, деб ҳисоблаган. Мазкур йўналишга у, шунингдек, қиёсий ҳуқуқ тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ва бошқаларни киритган.

Учинчи йўналиш маълум маънода биринчи ва иккинчи гуруҳларни синтез қилади. Унинг мақсади - қиёсий ҳуқуқшуносликни ижобий ҳуқуқни мукаммаллаштиришга йўналтириш. «Синтетик» йўналишни Н.Сугияма икки мактабга ажратган. Улардан бири бошқа мамлакатлар ҳуқуқини қиёсий ўрганишни қўллаш миллий ҳуқуқни мукаммаллаштириш учун зарур деб ҳисоблаб (қиёсий ҳуқуқ миллий фани мактаби), икки тармоққа бўлар эдилар, яъни мутлоқ миллий (Нибуайе) ва нисбий миллий (Салейль). Бошқа мактаб (қиёсий ҳуқуқ универсал фани) ҳам икки тармоққа бўлинган, яъни

мутлоқ универсал (де ла Грассери Консентини) ва нисбий универсал (Э.Рабель, Р.Паунд, Х.Гаттериж, Н.Сугияма).

Албатта, ўз-ўзидан маълумки, Н.Сугияманинг таснифи ўта нисбий ва кўп қолларда баҳсталабдир. Бунинг устига, унинг ўзи битта олимни турли мактаблар ва йўналишларга киритган. Лекин, бир нарса равшанки, Н.Сугияманинг таснифи ХХ асрнинг биринчи ярмида назариялар ва фикрлар анча хилма-хил бўлганлигини, шунингдек, Фарб қиёсий ҳуқуқшунослиги умумий йўналишини кўрсатади.

Машҳур француз компаративисти М.Ансель ўша замон қиёсий ҳуқуқшунослигининг умумий йўналиши ҳақида шундай деб ёзган эди: «Ижтимоий тараққиётга интилаётган ва қотиб қолган (догматик) ҳуқуқий фикрлар қўллаш тўғрисидаги нимжонлаштиришга қаратилган ғамхўрликдан қўтилган ХХ аср одамлари учун янгиланган ҳуқуқий тартиб яратувчи янги жамият қурилиши керак. Бизнинг ҳолатимиз баъзи жиҳатлардан ўрта аср қоронғилигидан Уйғониш замонининг кўзни қамаштирувчи ёруғлигига чиқаётган XVI аср одамлари ҳолатини ёки Маърифат асрини илҳомлантирган янгиланинг оташин руҳи билан йўғрилган XVIII аср кишиларини эслатади. Биринчиларга Рим ҳуқуқининг универсализми ёрдам берди, иккинчилари эса табиий ҳуқуқдан ечим изладилар, унда улар зарур янгиликлар сирини топишга уриндилар. Ҳозирги ҳуқуқшунослар қиёсий ҳуқуққа таянишлари мумкин. Аср бошидаги энг йирик компаративистлардан бири Эдуард Ламбер бу ҳақда биринчи бор шундай деган эди: «Рим ҳуқуқи бир вақтлар қандай роль ўйнаган бўлса, ҳозирги замон кишилари учун ҳам шундай роль ўйнайди».

Шу билан бирга шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ХХ аср ўртасида қиёсий ҳуқуқшуносликда, аср бошида бўлганидек, олим-ҳуқуқшунослар ва амалиётчиларнинг унга бўлган муносабатларини белгилаган эҳтирос энди йўқ бўлиб, умумий ҳуқуқни яратиш мумкинлигига бўлган ишонч йўқолган, ҳар томонлама қамровли «қиёсий ҳуқуқ тарихи»ни ёритишга бўлган интилиш орқада қолган эди. Аммо миллий ҳуқуқий тизимларнинг, айниқса хусусий ҳуқуқнинг, изчил яқинлашувига ёрдам бериш учун миллий оддийлик (партикуляризм) чегарасидан чиқишга бўлган интилиш мунтазам равишда мавжуд бўлган.

6-§. XX асрнинг иккинчи ярмида қиёсий ҳуқуқшунослик ривожини

Қиёсий ҳуқуқшунослик ривожланишидаги янги босқич иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган. Социалистик ҳуқуқ ва ривожланаётган мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг пайдо бўлиши ҳуқуқий компаративистиканинг мустақкам ўрналиб қолган фикрларини қайта кўриб чиқишни талаб қилган. XX асрнинг иккинчи ярмида қиёсий ҳуқуқшунослик энди фақатгина Ғарб мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига таяниб қолмасдан, у ҳам бир турдаги, ҳам хилма-хил турдаги ҳуқуқий тизимларнинг ҳуқуқий манбаларидан фойдалана бошлаган. Ҳуқуқий компаративистика маълум даражада Ғарбий марказчилик чегараларидан ўтиб, бошқа ҳуқуқий тизимларга ҳам юз бурган.

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг урушдан кейинги фаоллашуви шу нарсада акс этдики, монографиялар, қиёсий ҳуқуқ бўйича дарсликлар, конгрессларга тақдим этилган миллий маърузалар тўпламлари, мақолалар тўпламлари, йиллик нашрлар ва ҳоказолар сони анча кўпайган. Замоний нашрлар сони ҳам ортган. Француз журнали «Revue internationale de droit compare», немис «Rabelz Zeitschrift fur aus lgndisches und internationale Privatrecht», Америка «The American Journal of Comparative Law», инглиз «The International and Comparative Law Quarterly», Бельгия «Revue de droit international et de droit compare», Мексика «Boletin mexicano de derecho comparado»си ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Монографиялардан Р.Давид ва М.Ансел (Франция), Р.Шлезингер, Ж.Мерримэн (АҚШ), К.Цвайгерт ва Х.Котц (ГФР), Р.Сакко, П.Бискаретти ди Руфи (Италия) ва бошқаларнинг китоблари кенг тарқалган.

Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган Қиёсий ҳуқуқ халқаро академияси конгрессларига тайёрланадиган ва нашр этиладиган миллий тўпламлар материалларида фикр юритиш учун жуда бой озуқа мавжуд. Улар ҳозирги замон ҳуқуқ фанларининг деярли барча соҳаларига оид муаммоларни қамраб олади. Академия томонидан ўтказилган ўн олти конгрессда жаҳон компаративистлари томонидан 800 дан зиёд асосий ва қўшимча маърузалар тақдим қилинган ва 100 га яқин миллий маърузалар тўплами тайёрланган.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги қиёсий ҳуқуқшунослик, албатта, фақат сон жиҳатдан ўсганлиги билан тавсифланмайди. Унда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар кўлами кенгайганлигидан социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар ҳуқуқий тизимларини ўрганишга мурожаат қилинганлигидан ташқари туб жиддий ўзгаришлар рўй берган.

Қиёсий ҳуқуқнинг турли ҳуқуқий тизимларини таққослаш билан чекланадиган тор фикрлашларнинг ўрнига бир вақтнинг ўзида ҳам олижаноб, ҳам талабчан, нисбатан кенг тушунча - халқларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишига ва улар ўртасидаги халқаро ҳамкорликка йўналтирилган қиёсий ҳуқуқ эгаллади.

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон компаративистларининг диққат эътибори муаммоларнинг учта мажмуига қаратилди. Биринчиси қиёсий ҳуқуқнинг умумназарий масалалари: предмети, мақсадлари, вазифалари, асосий нуқтаи назарлари ва бошқалар. Иккинчиси, асосий замонавий ҳуқуқий тизимларнинг қиёсий тадқиқоти. Учинчиси, юқоридаги муаммолар мажмуи ҳуқуқий фанлар соҳалари доирасидаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар билан боғлиқ. Бу мажмуаларга тадқиқотларнинг уч хил тури хосдир: умумназарий хусусиятга эга бўлган илмий ишлар, асосий замонавий ҳуқуқий тизимларни ўрганадиган илмий ишлар ва ниҳоят, соҳалар қиёсий ҳуқуқшунослигига бағишланган илмий ишлар.

Илгари қиёсий ҳуқуқ кўпинча фуқаролик ҳуқуқи соҳасида ривожланган бўлса (бундай йўл табиийдир чунки худди шунда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар амалиёт эҳтиёжлари билан энг кўп боғланган), энди ҳуқуқшунос-компаративистлар Конституциявий ва инсон ҳуқуқлари билан ҳам қизиқа бошладилар. Конституциявий ҳуқуқ қиёсий ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли объекти бўлди. Замонавий ҳуқуқий компаративистиканинг мақсадлари ва вазифаларининг бундай кенгайиши, табиий равишда, унинг назарий хазиначисининг маълум даражада янгилинишида акс этади.

Урушдан кейинги қиёсий ҳуқуқшунослик ривожланишининг ўзига хос хусусияти энг қадимги, анъанавий ғоялар билан бирга, янги назарий қурилмаларнинг ёнма-ён мавжуд бўлганлигидан иборат. Анъанавий норматив (ҳуқуқий догматик) йўналишлар билан бир қаторда, ҳуқуқий-ижтимоий йўналиш ҳам пайдо бўлади. Агар биринчи йўналиш қиёсий ҳу-

қуқшунослик деб аталадиган маълум бир аниқ муаммоларга оид ҳуқуқ манбаларини асосан ҳуқуқ соҳалари кодекс ва қонунлар даражасида бўладиган таққослаш, яъни позитив ёндашув билан боғлиқ бўлса, иккинчиси ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг кенг соҳаси, яъни асосан функционал қиёслаш билан боғлиқ. Шу билан бирга жаҳон ҳуқуқшунос-компаративистлари ишларининг катта қисми «қиёсий қонуншунослик» руҳида ёзилган бўлиб, ички турлараро ёки ички оилавий қиёслашга, яъни инглиз-саксон ва роман-олмон ҳуқуқий оилалари доирасидаги тадқиқотларга мансубдир. Социологик қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар ичида функционал қиёслаш соҳасидаги вазият бирмунча ночорроқ. Ҳозирги ҳуқуқий компаративистиканинг ўзига хос хусусияти қиёсий ҳуқуқнинг соф меъёрий (норматив) йўналишлари ва ҳуқуқий-ижтимоий муаммоларнинг тадқиқотлари ўртасида узилиш борлигидир. Умуман, ҳозирги қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқий-догматик ва ижтимоий ёндашувларнинг бирмунча мураккаб тўқималаридан иборатдир.

XX асрнинг 80- ва 90-йилларида қиёсий ҳуқуқшунослик фанида авлодлар ўртасидаги узилиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос танглик кузатилди. Ҳуқуқшунос-компаративистларнинг кекса авлоди илмий мартабалари ниҳоясига етаётган, ёш компаративистлар эса ҳали ўзларини ҳеч нарсада намоён этганлари йўқ. Ёш авлодлар ишларида аҳамиятга молик ҳеч бир янги ғоялар ва фикрлар кўринмайди. Қиёсий ҳуқуқшунослик тушунчасининг ўзи ҳам бирмунча сийқалашган эди. Мазкур йўналиш учун таянч маънога эга бўлган баъзи журналларда қиёсий-ҳуқуқий мазмундаги мақолалар билан бир қаторда соф маънодаги компаративистлар вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларни ҳам учратиш мумкин.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг урушдан кейинги фаоллашуви маълум даражада ўз олдига қиёсий ҳуқуқ нима эканлиги ҳақидаги кўп йиллик баҳсни тугатишни мақсад қилиб қўйган «компаративизмнинг танқидий назарияси» пайдо бўлиши билан боғлиқ. Қиёсий ҳуқуқнинг танқидий назарияси Буюк Британияда Х.Гаттериж, Р.Гревсон ва Хэмсон, Францияда Р.Давид, Италияда Т.Аскарелли асарларида ўз ифодасини топган.

Танқидий назария тарафдорлари ҳамма учун мувофиқ келадиган қиёсий ҳуқуқ формуласини яратишга уриниш му-

ваффақиятсизлик билан тугаганлиги ва қиёсий ҳуқуқнинг моҳияти ҳамда вазифалари, унинг бошқа фанлар билан муносабати ҳақида узоқ вақт давом этган тарихий ва методологик баҳслар ҳақиқий ҳолатни бутунлай чалкаштириб юборганлигини таъкидлаганлар. Бундай вазиятнинг асосий сабаби, америкалик компаративист М.Рейнстайннинг фикрича, қиёсий ҳуқуқ предмети ва унинг вазифасини тушунишда аниқликнинг йўқлигидадир. Бошқа бир америкалик компаративист – Ж.Мерримен эса, юз берган вазиятдан чиқишни «қиёсий ҳуқуқнинг янги нуқтаи назарини (концепциясини)» яратишда кўради.

Танқидий назария вакиллари қиёсий ҳуқуқшуносликка фақат ҳуқуқ фанининг барча соҳаларида қўлланиладиган метод сифатида қарар эдилар. Шу билан бир қаторда, улар қиёсий методни муваффақиятли қўллаш учун ҳақиқатда ҳам олдиндан амалга оширилиши зарур бўлган жуда кўп шартларни илгари сурдилар, бу эса ҳам тадқиқотчининг ихтисослашувини ҳамда тадқиқотнинг ўзига хос йўналишга эга бўлишини талаб этар эди. Бунга жавобан, Р.Давид, ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимларининг мустақиллигини ва эркинлигини, уларни ўрганиш учун ҳар бири ўзигагина хос бўлган хусусиятларни инобатга олган ҳолда ёндашиш кераклигини тўғри таъкидлайди. Бу, умуман, масалани тўғри қўйишдир, аммо, битта хусусий методни қўллаш билангина уни амалга ошириш мумкин бўлармикан? Бошқа нуқтаи назар тарафдорлари бўлмиш М.Ансель, Л.Ж.Константинеско, М.Рейнстайн, Д.Мерримен, Ж.Холл, Р.Родьер, К.Цвайгерт тўғри ҳисоблаганларидек, бу бутун фаннинг вазифасидир. Америкалик компаративист Ж.Холлнинг фикрича, қиёсий ҳуқуқ чет эл қонунлари (кодексларини) ёки чет эл суд ечимини оддий таъкидлашдан тортиб, кенг кўламда умумлаштирган ҳулосаларни ўз ичига олади ва қиёсий ҳуқуқ том маънода ижтимоий фан эканлигига унинг ишончи комилдир.

Пуэрториколоик ҳуқуқшунос Я.Майда томонидан XX асрнинг 60-йилларида қиёсий ҳуқуқшуносликка берилган тавсиф ўзига хос белгига эга бўлиб, бизнинг назаримизда, ҳуқуқий компаративистиканинг бир-бирига зидлигини (парадоксини) аниқлаган ва уни тўлиқ белгилаб берган. У, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг салбий қирралари орасида энг муҳимлари қуйидагилардир, деб ҳисоблайди: 1) ноаниқ ва мутлоқо нотўғри

нуқтаи назарларнинг (концепцияларнинг) кенг қўлланилиши; 2) эмпирик-илмий даражада амалий мақсадлар учун фойдасиз бўлган фалсафий таълимотларга ишониш; 3) том маънода компаративистик бўлмаган тадқиқотларга берилиб кетиш; 4) эмпирик-илмий методиканинг йўқлиги натижасида қиёсий ҳуқуқ (баъзи истиснолардан ташқари), баёний мавқеда, ўта догматик ва кўпинча тарихий йўналишда тавсифланади. Бундай тавсиф кўп жиҳатдан адолатлидир. Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг эътироф этишларича, ҳуқуқшуносликнинг муҳокама қилинаётган соҳаси «ниҳоясига етган илмий анъанага» айланиб қолди ва сўнги кўринмас «микроқиёслашларда» ҳолдан тойди.

Шу маънода компаративистлар қиёсий ҳуқуқшунослик назариясига айтарлик катта қизиқиш билдирмаётган инглиз-саксон ҳуқуқий тизимидаги мамлакатларда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ҳолати айниқса ёрқин мисол бўла олади. Баъзан методика муаммоларини муҳокама қилишдан бош тортиш қоида даражасига кўтарилади.

Аммо, ҳуқуқий компаративистика назариясининг нисбатан методик ночорлиги қиёсий ҳуқуқшунослик методик қирраларининг маълум даражада янгиланганлигини инкор этмайди. Бу қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг ижтимоий жиҳатларига диққат-эътиборни кучайтириш билан бирга давом этадиган «меъёрий» (норматив) ва «функционал» қиёслашни бир-бирига бутунлай қарама-қарши қўйишдан аста-секин воз кечишда намоён бўлади.

XX асрнинг 70-йиллари бошида қиёсий ҳуқуқда аниқ ижтимоий методларни қўллаш масаласи жаҳон компаративистларининг диққат-эътиборини ўзига тортди. Ижтимоий ҳуқуқнинг методи ва маълумотларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларга жорий қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Бироқ, бу масалада ҳам фикрларнинг хилма-хиллигига дуч келиш мумкин. Чунончи, баъзи муаллифлар қиёсий ҳуқуқнинг ижтимоий ҳуқуқ билан яқинлашишини, бу фаннинг муваффақиятли ривожланишини у билан боғлаган ҳолда талаб қилдилар (М.Рейнстайн, У.Дробниг, Д.Мартини), Қиёсий ҳуқуқнинг ижтимоий тарафга йўналтирилиши, уларнинг фикрича, соф «догматик қиёсий қонунчилик» доирасидан чиқишга ва қиёсий тадқиқотлар соҳасида меъёрий қонунлар билан бир қаторда ҳуқуқнинг (ҳуқуқни татбиқ қилишнинг) бошқа

нуқтаи назарларини ҳам жалб қилишга имкон беради. Бошқа муаллифлар, аксинча, қиёсий ҳуқуқнинг ҳуқуқий ижтимоий йўналишини назарда тутиб иш кўришга шубҳа билан қарайдилар (М.Ансель, Р.Давид).

Шундай қилиб, қиёсий ҳуқуқшунослик XX асрнинг охирига келиб, ер юзининг турли қисмларида олиб борилаётган ҳуқуқий тадқиқотларнинг фақат биргина соҳаси бўлмасдан, сертармоқ бўлиб қолди. Ҳозирги замон қиёсий ҳуқуқшунослиги жаҳон ҳуқуқий фикрининг муҳим ва мураккаб ҳодисаларидан биридир.

7-§. Совет қиёсий ҳуқуқшунослигининг ривожланиши

Собиқ СССРдаги қиёсий ҳуқуқшунослик ривожланишида икки босқични ажратиш мумкин. Биринчи босқич қиёсий-ҳуқуқий метод аввало, янги совет социалистик ҳуқуқининг буржуа ҳуқуқидан нафақат мазмунига кўра, балки шаклига кўра ҳам ҳуқуқнинг олий ва сўнгги хили сифатидаги афзаллиги хусусиятларини кўрсатиш учун фойдаланилган 20-йиллардан бошланган. Совет ҳуқуқий тизими марксизм-ленинизм таълимоти назарияси асосида яратилган, бунда қиёсий методнинг ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда, жумладан давлат ва ҳуқуқ масалаларини тадқиқ этишдаги ўрни катта эканлиги кўп марта таъкидланган. Гарчи ўша замоннинг юридик фанида «қиёсий-ҳуқуқий метод назарияси» муаммолари махсус ишлаб чиқилмаган бўлсада, қиёсий-ҳуқуқий методнинг ўзи адабиётда ва юридик фанни ўқитишда анча кенг ўрин эгаллаган.

Шу нарса мутлоқо аёнки, деб таъкидлаган эди 1927 йилда Ф.Н.Вольфсон, замонавий буржуа давлатлари ҳуқуқини ифодаловчи ҳолатлар билан таққослагандагина совет ҳуқуқининг асосий моҳиятини тўлиқ англаш, бу соҳада бизда мавжуд бўлган ютуқларни билиб олиш мумкин. Бу ҳолат қатор ўқув юртларининг юридик факультетлари машғулотлари қаторига янги предмет - қиёсий ҳуқуқшуносликни киритишни тақозо этган. Бу дарслик ўқув дастурларига киритилмаган жойларда махсус тўғарақларда ўрганилган, факультатив курслар мавзусини ташкил этган.

Нафақат барча мавжуд ҳуқуқий тизимларни илмий жиҳатдан англаш ва қиёсий-ҳуқуқий ўрганишга интилиш, балки тобора ривожланиб бораётган халқаро хўжалик айланмаси-

нинг яққол талаблари барча замонавий жумладан, янги ташкил топган давлатларнинг ҳуқуқи билан ҳам танишиш зарурлигини тақозо этган. Совет ҳуқуқий фани ташкил топишнинг дастлабки йилларидаёқ айнан Ғарб ҳуқуқий тизимлари билан қиёслашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тадқиқотлар олиб борилган. Хорижий олимларнинг илмий нўқтаи назаридан анча аҳамиятли ҳисобланган ишлари рус тилида нашр этилган. Совет юристларининг буржуа ва совет ҳуқуқини қиёсий ўрганишга қанчалик эътибор қаратганликларига мазкур мумаммо бўйича ишларнинг рўйхати яққол далил сифатида хизмат қилиши мумкин.

П.И.Стучка, М.М.Агарков, Е.А.Флейшиц, Л.А.Лунц ва бошқа совет цивилистларининг тадқиқотларида Ғарб мамлакатлари, 1917йил тўнтарилишидан илгариги ва Совет Россиясининг фуқаролик қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, Ғарб олимларининг цивилистик қарашларини танқид қилиш ғоялари ўз ифодасини топган. Шунингдек, бутунлай тадқиқотнинг қиёсий-ҳуқуқий қўлланиши асосига қурилган А.Г.Гойхбаргнинг «Қиёсий оилавий ҳуқуқ» асарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Оврупо ва Американинг барча мамлакатларидаги оилавий ҳуқуқ ҳолатини имкон даражасида кўрсатиш ва танқидий ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, муаллиф маълумотларни алоҳида мамлакатлар бўйича эмас, балки оилавий ҳуқуқнинг мувофиқ бўлимлари бўйича жойлаштирган. Тадқиқотнинг яқунловчи қисмида совет оилавий ҳуқуқи капиталистик мамлакатлар оилавий ҳуқуқи, шунингдек, чор Россияси ҳуқуқи билан қиёсланиб баён этилган.

Таниқли юрист олим В.Н.Дурденевскийнинг Ғарб мамлакатлари конституцияларига совет конституцияларининг таъсири юзасидан мулоҳазалари қизиқарлидир: «Буржуазия Оврупоси ва Шарқ шак-шубҳасиз, ўзларининг янги конституцияларида совет мамлакатлари таъсирини ҳеч бўлмаганда қандайдир кўринишда ўз аксини топган ҳолда ва кўриниши ўзгарган шаклда сезмоқдалар... Оврупо бўйлаб социалистик муқаддиманинг ўзига хос боғланиши рўй бермоқда». Конституциявий ҳуқуқда қиёсий ҳуқуқнинг ролини баҳолалар экан у бу метод «юридик принципларни уларнинг барча натижаларини кузатиб боришга имкон беришини, манбалар ва ада-

биётни ёритишини ва ниҳоят, қиёсий ҳуқуқнинг қамраб олувчи конституцияларини беришга уриниб кўришни» ёзади.

Гарчи қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар СССРда қиёсий ҳуқуқшунослик ривожланишининг биринчи босқичида нуқсонлардан холи бўлмаган бўлмаса-да, уларнинг илмий қиёматини ва улар томонидан ҳуқуқий фан ривожига қўшган муайян ҳиссаларини тан олмаслик мумкин эмас.

Илмий қисм методлар ролини етарли баҳолай олмаслик, социалистик ҳуқуқдаги ворисликнинг ҳар қандай кўринишини рад этиш билан боғлиқ бўлган қиёсий-ҳуқуқий методни қўллашдаги таназулга юз тутиш ҳоллари ҳам бўлган.

Совет қиёсий ҳуқуқшунослигининг XX асрнинг 60-йилларида бошланган иккинчи босқичи аввало, тадқиқотлар доирасининг кенгайганлиги, қиёсий ҳуқуқшуносликни замонавий тушунишда унинг «қиёфа»сини белгиловчи методологик муаммоларга диққат-эътиборнинг кучайганлиги билан аҳамият касб этади. Бу шу нарса билан боғлиқки, қарама-қарши ижтимоий-сиёсий ўрганишга социалистик давлатлар, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларини қиёслаш ҳам қўшилган. Социалистик ҳуқуқий тизимлар тажрибадан ўзаро фойдаланиш мақсадларида социалистик ҳамдўстлик фаолияти назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан кенг қиёсий таҳлилни талаб қилганлар.

Совет қиёсий ҳуқуқшунослиги ҳам давлат ва ҳуқуқ асослари, ҳам тармоқ ҳуқуқий фанлар умумий назарияси масалаларини қамраб олган. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг кўплаб муаммоларини ҳал қилишда илмий-амалий ёндашув методини қўллаш сезиларли даражада кучаяган, бинобарин, у айниқса ҳуқуқий-ижодий фаолият учун муҳим бўлган ўзининг илмий, ҳам амалий-тажрибавий натижаларини беришга чақирилган. Марксча-ленинча методологик асос ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларда ўтказиладиган кенг манбавий база; совет юрист олимлари тадқиқотларининг ўта сиёсий ва мафкуравий йўналтирилгани; умумметодологик масалаларга қизиқиш; йирик умумлашма тадқиқотларнинг пайдо бўлиши совет қиёсий ҳуқуқшунослигининг белгиловчи хусусиятлари бўлган.

СССРда қиёсий ҳуқуқшунослик ривожланишига ва унинг ролини назарий англаб етишга С.Л.Зивс, В.П.Казимирчук, А.А.Тилле, В.А.Туманов, Г.В.Швеков, М.М.Файзиев ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Ҳуқуқнинг айрим тармоқ-

лари доираларида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар муаммолари-га кўплаб совет юрист-олимлари ўз ишларини бағишлаганлар.

XX асрнинг 60-йилларда фаол бошланган қиёсий-ҳуқуқий метод назариясини ишлаб чиқиш анча кенг муаммолар доираларида, яъни совет ҳуқуқшунослиги томонидан қўлланаётган методлар тизими доираларида борган. Шу йўл билан қиёсий-ҳуқуқий методни белгиловчи муҳим ва самарали ҳолатлар ифодаланган. Юридик фани методлари тизими бағишланган тадқиқотлари доираларида қиёсий-ҳуқуқий методни В.П.Казимирчук, В.Э.Краснянский, Ю.Я.Баскин, Д.И.Фельдман, В.М.Сўрўх кўриб чиққанлар. Ҳуқуқ шаклининг тизимли таҳлилида қиёсий-ҳуқуқий методнинг аҳамияти ва қиёсий ҳуқуқшуносликнинг айрим умумназарий масалалари С.Л.Зивсинг ишларида тадқиқ этилган. Тармоқ ҳуқуқий фанларида қиёсий методдан фойдаланишнинг турли йўналишлари А.И.Косарев, С.И.Русинова, А.Х.Махненконинг илмий асарларида ёритилган. Совет миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этишнинг методи сифатида қиёсий методнинг ўзига хос аҳамияти тўғрисидаги масалага Л.Д.Долгополовнинг номзодлик диссертацияси бағишланган.

Эришилган натижаларни анча ижобий баҳолаш билан бирга, қиёсий-ҳуқуқий метод назарияси ўз ривожланишида аниқ қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларни умумлаштиришнинг тажрибавий йўли бирмунча кам фойдаланганини алоҳида қайд этмаслик мумкин эмас. Айтиш мумкинки, қиёсий ҳуқуқшунослик методика индуктивдан кўра, кўпроқ дедуктив хусусиятига эгадир.

Уқтириб ўтамизки, қиёсий ҳуқуқшунослик методологияси фақатгина қиёсий-ҳуқуқий метод назариясига қарашли бўлиб қолмайди (гарчи, унда сезиларли ўринни эгалласада).

Қиёсий-ҳуқуқий метод назарияси қандай мавжуд бўлса шундай кўринишда қиёсий ҳуқуқшунослик назариясидан кўра кўпроқ қиёсий қонунчилик назарияси деб аталиши мумкин бўлади. Қиёсий қонунчилик, бу - асосан ҳуқуқ тармоқлари ҳамда ҳуқуқий институтлар даражаларида ва нормаларида аниқ ҳуқуқий муаммолар бўйича норматив манбаларни қиёслашдир. Ҳаммадан аввал СССР иттифоқдош республикалари қонунчилигининг айрим бошланғич методологик муаммоларини қиёсий ўрганиш кўриб чиқилган М.М.Файзиев

тадқиқотларига эътиборни қаратиш жоиз. Бу совет қиёсий ҳуқуқшунослигидаги анча кенг ишлаб чиқилган хусусият бўлган.

Совет Иттифоқида қиёсий ҳуқуқшунослик ривожланиши ва умумий таснифи, шунингдек, В.М.Чхиквадзе, С.Л.Зивс ва А.Ф.Шебанов мақолаларида берилган. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг айрим назарий масалаларини В.А.Козлов тадқиқ этган.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг методологик масалаларини ишлаб чиқишга В.А.Туманов катта ҳисса қўшган. Унинг ишлари назарий янгиликлари билан ажралиб туради ва уларда қатор методологик муаммолар қўйилган. Компаративистика ривожига, шунингдек, В.А.Туманов чет эллик олимлар мақоларидан тузган тўпламлар ҳисса бўлиб қўшилган. Шарқий Оврупо муаллифлари ишларидан иборат «Қиёсий ҳуқуқшунослик» тўплами (М.,1978) Болгария, Венгрия, Польша, Руминия ва Чехословакиядаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар тўғрисида анча тўлиқ маълумотларни беради. Ғарб мамлакатлари олимларининг мақолаларидан иборат тўплам ҳозирги замон Ғарб қиёсий ҳуқуқшунослигининг методологик муаммоларини ифодалайди. Шунингдек, Р.Давид, М.Ансель, Ш.Амеллер сингари таниқли Ғарб олимларининг рус тилида нашр этилган ишларини эслатиб ўтиш жоиз. Совет юристларининг, шунингдек, Франция, Япония, Англия, Олмония ва бошқа айрим мамлакатлар олимлари билан икки томонлама учрашувлари материаллари кўринишида эълон қилинган тўпламларни ҳам келтириш мумкин.

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири - ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини бир-бири билан таққослаб ўрганишдир. Миллий ҳуқуқий тизимларнинг хилма-хиллиги ва улар сонининг ўсиши «жаҳон ҳуқуқий харитаси»ни ҳозирги замон ҳуқуқий ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаш учун қиёсий асосда ўрганиш зарурлигига олиб келади. Типология ҳамда таснифлаш муаммоларининг мураккаблигига ва баҳсталаблигига қарамасдан қатор олимлар бу йўналишда анча самарали излаишларни олиб бордилар.

Совет компаративистларининг буржуа қиёсий ҳуқуқшунослиги қарашлари билан кураш олиб борган тадқиқотларининг изчил мафқуравий йўналишини қайд этиш жоиз.

3-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг қандай тарихий мактабларини биласиз?
2. Қиёсий ҳуқуқшунослик тарихининг фалсафий-тарихий йўналишларини кўрсатиб беринг.
3. Нима учун Рим ҳуқуқи янги ҳуқуқий тизимлар учун асос бўлиб хизмат қилди?
4. Совет қиёсий ҳуқуқшунослигининг салбий ривожланишига нималар сабаб бўлган?
5. Қиёсий ҳуқуқшунослик мактабларини таснифлашга нима асос бўлади?

«Ҳақиқатда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вазифалари ҳуқуқий фан вазифалари каби жуда хилма-хилдир. Уларни тўлиқ таснифлаш мумкин эмас. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ».

Э.Рабель, Немис юристи.

4-мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик функциялари

1-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг илмий функцияси.

2-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўқитиш функцияси.

3-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг амалий функцияси.

4-§. Ҳуқуқни халқаро бир хиллаштириш (унификациялаш).

1-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг илмий функцияси

Ҳозирги замонда ҳуқуқшунос-олимларнинг кўпчилиги ҳуқуқнинг умумий назариясини мустақил ҳуқуқий фан сифатида тадқиқ қилар эканлар, унинг доирасида нисбатан ажралиб турадиган муаммолар гуруҳини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Шу билан бирга, ҳуқуқнинг умумий назарияси тузилишига бу фан предметининг асосий йўналишлари нуқтаи назаридан қаралади. Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқнинг умумий назарияси тузилиши жиҳатидан ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқ социологияси, қиёсий ҳуқуқшунослик, позитив ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ психологияси, ҳуқуқ техникаси ва бошқа илмий йўналишлардан ташкил топади.

Ҳуқуқнинг умумий назарияси бундай мураккаб тузилганлиги ҳуқуқнинг ўзи мураккаб эканлиги билан изоҳланади. Шунинг учун, ҳуқуқ биргина алоҳида олинган нуқтаи назардан эмас, балки турли даражадаги ҳар хил нуқтаи назарлардан тадқиқ қилиниши лозим. Ҳуқуқ тадқиқига кўп нуқтаи назардан ёндашув ҳуқуқнинг фалсафий, ижтимоий ва соф юридик асосдаги таҳлилини ўзида яхлит тарзда бирлаштиришга имкон беради.

Ҳуқуқнинг умумий назарияси тузилишида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўрни ва унинг ҳуқуқнинг умумий назарияси йўналишлари билан ўзаро муносабатлари ҳақида савол туғилади. Ҳуқуқнинг умумий назариясида фалсафий муам-

молар алоҳида ўринга эга, зеро, ҳуқуқ муаммоларини фалсафасиз ҳал этиш асло мумкин эмас.

Ҳуқуқ фалсафаси предметини биз қандай тарзда таърифламайлик, ҳуқуқнинг методологик масалалари унинг ҳозирги маъносида етакчи ўрин эгаллайди. Ҳуқуқ методологияси ҳуқуқий тадқиқотлар методлари муаммоларини мунтазам равишда ўрганиб боради. Бунда қиёсий-ҳуқуқий метод унинг таҳлил этиш объектларидан бири ҳисобланади. Биз бу ўринда ҳуқуқ фалсафаси ва қиёсий ҳуқуқшуносликнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлигининг фақат бир томонини кузатамиз, холос. Ҳуқуқ фалсафаси ва ҳуқуқ методологияси қиёсий-ҳуқуқий методни ҳуқуқ фани методлари тизимида алоҳида илмий метод сифатида тадқиқ қилади. Худди ана шундай йўл билангина қиёсий-ҳуқуқий методнинг билиш учун хизмат қиладиган катта имкониятларини очиб бериш мумкин.

Р.Давид қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ҳуқуқ фалсафаси учун аҳамияти ҳақида шундай деган эди: «Фалсафа ҳар тарафламалиликни талаб этади; фақат ўз миллий ҳуқуқини ўрганишга асосланадиган ҳуқуқ фалсафасининг ожизлиги ва торлиги ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Қиёсий ҳуқуқ, шубҳасиз, бу каби тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беради». Уларнинг орасидаги ўзаро алоқанинг иккинчи нуқтаи назари шундан иборатдир.

Ҳуқуқ социологияси ҳуқуқ фалсафасидан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий тадқиқотларнинг шундай йўналишики, у ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан умумий алоқаларини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳуқуқий социология билан қиёсий ҳуқуқшуносликда ҳуқуқий тадқиқотлар йўналишлари сифатида жуда кўп тўқнаш нуқталар мавжуд. Шунинг учун ҳам улардан юқорида кўрсатилган йўналишлар учун умумий бўлган қатор соҳалар бор. Шу билан бирга, улар ўртасига тенглик белгисини қўйиш ҳам керак эмас. Улар тадқиқ қилинаётган фан соҳасига ёндашуви жиҳатидан ҳам, олинадиган билимлар табиатига кўра ҳам бир-биридан фарқланадилар.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ижтимоий «йўналтирилганлиги» иккита муҳим натижага олиб келади: биринчидан, тадқиқ қилинаётган фан соҳасининг ўзи бирмунча кенгайди, бу эса, ўз навбатида, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг методологик қўлланма сифатидаги турларини кенгайтиришни талаб қила-

ди; иккинчидан, тадқиқ қилинадиган анъанавий фан соҳасига ёндашув ўзгаради: қиёслаш қонунлар билан чекланиб қолмасдан янада илгарилаши, суд амалиётини ёки умумийроқ қилиб айтганда, қонун қўлланадиган барча соҳаларни қамраб олиши керак. Шундан келиб чиқиб, қонун матнида унга ажратиладиган мавҳумликни таҳлил қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки унинг ҳақиқий моҳиятини аниқ белгилаш лозим. Шундай қилиб, қиёсий ҳуқуқшунослик, агар у шаклий қотиб қолган бўлишни истамаса, янгиловчи «ижтимоий руҳга» муҳтожлик сезади. Шу сабабли, ҳуқуқий онг, ҳуқуқ қўлланадиган фаолиятни, ҳуқуқ мутахассисларининг роли, шунингдек, функционал қиёслашни ўрганиш каби қиёслашнинг ижтимоий йўналтирилган турлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳолатда компаративист учун статистика, савол-жавоб, сўров варақаси ва бошқалар каби социологик тадқиқот методларидан фойдаланиш ўта муҳим.

Ҳуқуқ социологияси ҳар қайси мамлакатда амалдаги миллий ҳуқуқ билан алоқадорликда бўлади. Лекин у бу билан чекланиб қолмайди ва чет эл ҳуқуқига мурожаат этиб, ўз тадқиқотлари доирасини кенгайтиради. Ҳуқуқ социологияси миллий чегарадан ташқарига чиқиб, ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаларини кўрсатишга интилганида, у қиёсий ҳуқуқ социологияси сифатида намоён бўлади. Унинг мақсади – турли ҳуқуқий тизимлардаги умумий ва ўзига хос ижтимоий шартшароитларини кўрсатишдир. Бунда ҳуқуқий ривожланишда иқтисодий, ижтимоий, маданий шароитлар, этник тузилиш, жўғрофий омиллар, шунингдек, фалсафий ва диний қарашларнинг ўрнига алоҳида аҳамият берилади.

Ижобий позитив ҳуқуқ назарияси – бу ҳуқуқий тадқиқотларнинг шундай йўналишики, у ўзига хос маҳсус тузилиш қонуниятлари ва ҳуқуқ хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган ва шунга кўра у ҳаракатдаги ҳуқуқ меъёрий манбаларнинг назарий ишланмасида ва тегишли тушунчалар ва тузилмаларни ишлаб чиқишда ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, ҳуқуқ назарияси амалдаги ижобий ҳуқуқнинг умумлашган туркумларида ўз яқунини топади. Уларнинг доирасига қонунлар мажмуасини тузиш, ҳуқуқни ижод қилиш, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни шарҳлаш, ҳуқуқий муносабатлар ҳақидаги масала, ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий таҳлили, ҳуқуқ тузилиши ҳақидаги таълимот ва ҳ.к.лар киради.

С.С.Алексеев тўғри таъкидлаганидек, қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар кенгайтирилгани, ҳуқуқий тизимларнинг хилма-хил тарихий турлари ўрганилгани боис, тобора кенгроқ умумлаштирувчи туркумлар ишлаб чиқилишини, бинобарин ўзига хос ҳуқуқнинг умумий назарияси «қурилиши тугатилишини» кузатиш мумкин. Бунда жуда қизиқарли ва шу билан бирга мустақил ҳуқуқнинг тарихий тури ва ҳуқуқнинг шу тури ичидаги асосий ҳуқуқий оилалар (тизимлар) ўртасидаги боғланиш муаммоси пайдо бўлади. Агар давлатнинг умумий назариясида давлат турлари ва шаклларининг бир-бирлари билан боғлиқлиги анча тўлиқ ишлаб чиқилган бўлса, кўрсатилган муаммоларга нисбатан бундай дейиш мумкин эмас. Ҳуқуқ назарияси асосий ҳуқуқий оилалар таърифини бермайди. Бошқача айтганда, ҳуқуқ назарияси ҳуқуқ турларининг қандайдир батафсил юридик тафсилотларсиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий таърифини беради. Давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарияси бўйича дарсликларда роман-олмон, инглиз-саксон ёки мусулмон ҳуқуқий тизимлари фақат XX асрнинг 90-йилларида кўриб чиқила бошланди. Қиёсий ҳуқуқшунослик асосий ҳуқуқий тизимларга таъриф беради, уларнинг жаҳон ҳуқуқий харитасидаги ўрни ва аҳамиятини белгилайди, турли ҳуқуқий тизимларда умумий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ўрганади - ҳуллас, ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг ўзаро алоқаларини тадқиқ этиб, хорижий ҳуқуқий маълумотлар билан мунтазам иш юритади. Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар маълумотларидан фойдаланиш ҳуқуқ назариясига умумлашмаларнинг анча кенг даражасига кўтарилиш, энг янги хорижий ҳуқуқий маълумотлар билан қуролланиб иш юритиш имконини беради.

Ҳуқуқ тарихи ҳуқуқий ҳодисалар манбаларини, уларнинг генезисини, яъни ҳуқуқнинг замон билан мустаҳкам алоқада ривожланиш босқичларини, ҳуқуқ ривожланишининг эволюцияси ва унинг замонавий ҳолатини, ҳуқуқий ҳодисаларнинг ҳуқуқ ривожланиши жараёнидаги изчиллигини ўрганади. Ҳуқуқ тарихи тор ёки кенг маънога эга бўлиб бир миллий ҳуқуқ ва унинг алоҳида бўлимлари тарихидан халқлар тарихи, умумий ҳуқуқ тарихигача бўлиши мумкин. Бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўлган бир неча миллий ҳуқуқий тизимларни ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Шунга

ва шунга ўхшаш барча ҳолларда ҳуқуқий ҳодисаларга қиёсий ёндашишдан, яъни уларни солиштириш, ягоналикни умумийлик ва алоҳидалик билан боғлиқлиги, ҳуқуқий тизимларнинг тарихий ривожланиши қонуниятларини ўрнатишдан қутилиб бўлмайди. Шу муносабат билан Польшалик профессор Ю. Бардахнинг қиёсий методни кенг қўллаш давлат ва ҳуқуқ тарихини айрим мамлакатлар ҳақидаги фандан, кўп ҳолларда ҳозир ҳам шундай, ҳақиқатан ҳам давлат ва ҳуқуқнинг умумий қонуниятлари ва тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги умумий тарихга айлантириш ҳақидаги нуқтаи назарига қўшилмаслик мумкин эмас.

Қиёсий метод тарихий-ҳуқуқий тадқиқотларда икки шаклда қўлланилади: қадимги даврдаги муайян ҳуқуқий тизимларни, масалан, рим ҳуқуқини, бошқа антик замонларда у ёки бошқа муаммоларни ҳал қилиш учун бир ёки бир неча тадқиқот объектларини қиёслаш (диахрон қиёслаш) шаклида ҳуқуқни тарихий-қиёсий ўрганиш, шунингдек, бутунги кунда ҳуқуқнинг ривожланиши учун ўта муҳим.

Бошқа тарафдан, ҳуқуқ тарихи қиёсий ҳуқуқшунослик учун бой қиёсий-ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади, зеро, ҳуқуқнинг тарихий тараққиётини билмасдан туриб, маълум маънода тарихий шароитлар, ўтмишда ҳуқуқий тизимларнинг бир-биридан олиб ўзлаштириш ва ўзаро таъсир кўрсатиш ҳосили бўлган ҳозирги ҳуқуқий тизимларни тадқиқ қилиш мумкин эмас. Бир сўз билан айтганда, қиёсий ҳуқуқшунослик доимо тарихий манбаларга таянади.

Ҳозирги замонда бир-бирига яқинлашиш жараёнлари ва дунё халқлари халқаро ҳамкорлигининг ривожланиши натижасида халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқларнинг аҳамияти кучаймоқда. Бу халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларнинг методларини мукамаллаштиришни талаб қилади. Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг методологик йўналишларида қиёсий метод муҳим ўринни эгаллайди. Ва аксинча, қиёсий ҳуқуқшунослик учун тадқиқотлар йўналиши сифатида халқаро ҳуқуқ муаммоси ўта аҳамиятлидир.

Қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро оммавий ҳуқуқ томонидан кўплаб илмий-амалий масалаларни ўрганишга туртки бўлади. Қиёсий метод масалан, халқаро моддий ва ҳуқуқий-меъёрий қоидаларни бир шаклга келтиришда, халқаро-ҳуқу-

қий одатларни, халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий принципларини яратишда кенг қўлланилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ мутахассислари шу соҳанинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, қиёсий ҳуқуқшуносликка катта қизиқиш билдирадилар, венгриялик олим Ф.Мадл эса, ҳатто алоҳида «қиёсий халқаро хусусий ҳуқуқ»-ни яратиш ғоясини илгари сурган эди. Ҳақиқатан ҳам, қиёсий ҳуқуқшунослик Халқаро хусусий ҳуқуқ бир-бирига ўхшашдир. Қиёсий ҳуқуқшунослик ҳам, Халқаро хусусий ҳуқуқ ҳам битта миллий ҳуқуқий тизим билан чекланиб қолмаган ва шу маънода, униси ҳам, буниси ҳам, чет эл (хорижий) ҳуқуқига мўлжалланган.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг методикасида қиёсий ҳуқуқшунослик муҳим ўринни эгаллайди, чунки, қарама-қарши қарашлар тўқнашувини ечишнинг барча тизимлари қонунда қатор ҳолатларда чет эл ҳуқуқини қўллашни назарда тутлади. Бунда миллий ҳуқуқ меъёрлари чет эл қонунлари билан солиштирилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлардан кутилган натижалардан бири, бу моддий ҳуқуқий ёки коллизия меъёрларини бир хил меъёрга келтиришдир. Бундай бирхилликлар икки хил метод билан амалга оширилиши мумкин: кўп мамлакатлар томонидан қабул қилинадиган бир хил актни ишлаб чиқиш йўли билан ёки халқаро шартномалар тузиш йўли билан. Бирхиллик амалга оширилгандан кейин, бир хил бўлган ҳуқуқни бир хил тарзда шарҳлаш ва қўллаш муаммоси пайдо бўлади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик тармоқ ҳуқуқ фанлари билан ҳам чамбарчас боғланган. Агар тармоқ ҳуқуқ фанлари қиёсий ҳуқуқшунослик муаммоларини анчагина кенгайтирсалар, кейингиси тармоқ фанларига юқорироқ даражада назарий жиҳатдан умумий хулосалар чиқариш учун манбалар етказиб беради.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий йўналишларидан бири ҳуқуқ фанлари соҳалари доирасида ва даражасида олиб бориладиган тадқиқотлардир. Компаративистик ишларнинг қарийб ярми ҳуқуқ соҳалари муаммоларига бағишланган.

Ҳозирги замонда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар тармоқлар кесимида фуқаролик ҳуқуқи мутахассислари (цивилистлар) ва процессуалистлар томонидан оммавий ва хусусий

хуқуқ деб аталадиган фанлар вакиллари томонидан ҳам кенг миқёсда олиб борилмоқда. Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар объекти фақат хусусий хуқуқни, бир хилдаги хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар (қоидалар) гуруҳи (хуқуқий институтлар) бўлган вақтлар ўтиб кетди; эндиликда оммавий хуқуқ, жумладан, конституциявий хуқуқ қиёсий хуқуқшуносликда мустаҳкам ўрин эгаллади.

Шундай савол туғилади: тармоқ қиёсий тадқиқотлари нисбий мустақилликка эга бўладиларми. бунинг натижасида тармоқ юридик фанлари қаторида тармоқ қиёсий фанлари (масалан, қиёсий фуқаролик хуқуқи; қиёсий конституциявий хуқуқ ва бошқалар) пайдо бўладими? Болгариялик профессор Э.Сталев тармоқ қиёсий тадқиқотларини алоҳида хуқуқ фани сифатида ажратиб қўйиш ўрнига уларни мавжуд хуқуқий фанларга қўшиб юбориш керак, деб ҳисоблайди ва бизнинг фикримизча ҳам бу тўғридир. Қиёсий-хуқуқий тадқиқотларни хуқуқнинг умумий назарияси даражасида ҳам, фанлар соҳалари доираларида ҳам, хуқуқнинг умумий назариясида ҳам, фан соҳаларида ҳам йўналишлардан бири сифатида ҳисоблаш тўғри бўлса керак.

Шундай қилиб, юқоридаги баёнимизда биз икки жиҳатни, яъни қиёсий хуқуқшунослик хуқуқий тадқиқотларнинг бошқа илмий йўналишларига ва умуман қиёсий хуқуқшунослик учун нималар беришларини ажратиб олишга интилдик.

Қиёсий хуқуқшуносликнинг мақоми ва унинг тузилиши ҳақидаги якуний масалани илмий тафаккур ривожланиши йўлининг ўзи ҳал этади. Фақат бир нарсани таъкидлаш жоизки, фандаги ҳар бир синтез, ўз моҳиятига кўра, вақтинчалик хусусиятга эга бўлади, у ўзгармас доимий ҳақиқат эмас, балки маълум тарихий замоннинг билимлари натижасидир. «Қандайдир муаммонинг ҳар бир ечими, бу янги муаммодир», деб ёзган буюк немис гуманисти В.Гётё.

2-§. Қиёсий хуқуқшуносликнинг ўқитиш функцияси

Қиёсий хуқуқшунослик XIX асрда Университетларда хуқуқни ўқитишда муҳим аҳамиятга эга эди. Францияда биринчи марта хуқуқнинг турли соҳалари бўйича қиёсий хуқуқ кафедралари тузилган эди. Лекин, чет эл хуқуқий тизимларидан фақатгина француз андозаси асосида яратилганлари

ўрганилар эди. Шундан кейин ҳамма нарса ўзгарди: кўп мамлакатларда чет эл ҳуқуқий тизимлари ва қиёсий ҳуқуқшунослик ўрганилмоқда. Францияда, хусусан, барча юридик факультетларда ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимларини ўқитиш мажбурийдир. Бельгияда имтиҳонларга қиёсий ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича тегишли тармоқ фани албатта киритилади. Японияда юридик мутахассисларни тайёрлашда чет эл ҳуқуқий тизимларини ўрганиш муҳим ўринни эгаллайди.

Қиёсий ҳуқуқшуносликни ўқитиш халқаро миқёсда ҳам амалга оширилади. Мапхур испан компаративисти Ф. де Сола Канисаревс ташаббуси билан 1958 йилда ташкил этилган халқаро қиёсий ҳуқуқ факультети ўзига хос халқаро ўқув масканидир. Мазкур факультет Оврупо, Америка ва Осиёнинг турли мамлакатларида сессиялар ташкил этди. Халқаро факультетда ўқиш жараёни уч босқичдан ташкил топади. Биринчи босқичда талабаларни (турли мамлакатлардан келган олий маълумотли ёш ҳуқуқшуносларни) миллий ҳуқуқий тизимларнинг асослари билан таништирадilar. Иккинчи босқичда ҳуқуқнинг айрим соҳаларида ва асосан хусусий ҳуқуқнинг (шартномалар, акциядорлар жамиятлари, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва ҳ.к.) бир хилдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ институтлари чуқур ўрганилади. Учинчи босқич бугунги кунда, асосан, талабалар учун иккинчи босқичнинг ихтисослашган замонавий ҳуқуқий муаммолари (масалан, илмий-техника инқилоби ва ҳуқуқ)ни ўрганишга алоҳида эътибор берадиган воситасига айланиб қолди.

Оврупо Иттифоқи ташкил топганидан сўнг турли миллий ва халқаро факультетлар, олий ўқув юртлари ва марказлар «Оврупо ҳуқуқи»ни ўқитишни ташкил қилдилар. Бу ўринда гап унга кирган давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизимларини қиёслаш ҳақида эмас, балки асосан ушбу ҳамжамиятнинг умумлаштирилган ҳуқуқи ҳақида бораёпти.

Ғарбий Оврупо Университетларида қиёсий ҳуқуқшуносликни ўқитиш чекланган, чунки унга етакчи фан сифатида қаралмайди. Чет эл ҳуқуқи ва қиёсий ҳуқуқшунослик кўшимча, умумий ҳуқуқий маданият нуқтаи назаридан қизиқарли ва халқаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган мутахассислар учун фойдали, лекин кўпчилик ҳуқуқшунослар учун унинг кераги йўқ, деб ҳисобланади, чунки улардан фақат ўз

мамлакатида амалда бўлган қонун меъёрларини билиш талаб этилади.

АҚШ, Франция, Буюк Британия, Фарбий Оврупо ва бошқа ҳудудларда жойлашган олий ўқув юртларидаги ва қиёсий ҳуқуқ факультетлари ҳамда кафедралари дастурлари ва ўқув қуроллари билан танишиш шуни кўрсатадики, турли мамлакатларда билимнинг бу соҳаси мазмун нуқтаи назаридан ҳам, бу фан ўқитиладиган ўқув муассасаларининг ташкилий-тузилиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Юқорида қайд этилганидек, турли мамлакатларда илмий дунёқараш анъаналари ва йўналишларига кўра қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вазифалари ва мақсадларини тушунишнинг ўзи ҳам турличадир. Франция ва Германияда қиёсий ҳуқуқшунослик маълум маънода назарий-фалсафий хусусиятга эга. АҚШда бирмунча прагматик, эмпиризмга асосланган хусусиятга эга бўлган мақсадлар илгари сурилади. Кўпчилик мамлакатларда ҳозирги вақтгача қиёсий ҳуқуқшуносликни ўрганиш француз, немис, инглиз ҳуқуқига кириш воситаси сифатида қаралади. Аммо, Францияда қиёсий ҳуқуқшуносликни ажратиб қўйишга интилиш, унинг мутақил хусусиятини шакллантиришга интилиш жуда равшан кўринади. Қиёсий ҳуқуқшунослик Р.Давиднинг машҳур «Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари» китобига мувофиқ равишда тузилган курс даражасига кўтарилган.

«Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари» ўқув курсининг умумий тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин: биринчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик назариясига умумий кириш қисми: унинг предмети, мақсадлари, вазифалари, тарихи; иккинчидан, ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимларини ҳуқуқий доираларда таснифлаш; учинчидан, асосий ҳуқуқий тизимлар: роман-олмон, инглиз-саксон, социалистик, диний-гўнаванвий (мусулмонлар, ҳиндулар, узоқ шарқликлар); тўртинчидан, ҳуқуқни умумлаштириш (унификацияси) муаммолари.

«Артистлар, ёзувчилар ва санъатнинг бошқа турлари вакиллари мунтазам ва табиий йўсинда ўз мамлакатларидан четда нималар рўй бераётганига мурожаат қиладилар. Худди шу нарсани янада катта даражада олимлар бажаради, бинобарин, чинакам фан тил чегараларини ҳам, сиёсий чегараларни ҳам билмайди. Масалан, қайси тиббий ходим хорижий тажрибадан фойдаланишни рад этади? Нима учун юридик фани ўзини битта давлат доираларида чегаралаши керак?»

Марк Ансель, Француз компаративисти

3–§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг амалий функцияси

Қиёсий ҳуқуқшунослик – ҳуқуқий тадқиқотларнинг нисбатан мустақил йўналиши, унинг мақсади, бу чет эл ҳуқуқий тизимлари ва ҳуқуқнинг айрим соҳаларида бир хилдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий институтларни ўз миллий ҳуқуқини ривожлантиришга, унинг олдида турган илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган ҳолда ўрганишдир.

Чет эл ҳуқуқий тизимларининг ривожланиш йўллари ва амалда ишлаб туришини бир тартибга солиб ўрганиш яқин ўтмишимизда катта қийинчиликларга дуч келар эди. Унинг аҳамияти ёки умуман инкор қилинар ёки бутунлай танқидий-ғоявий ёндашувга, ҳуқуқнинг олий тарихий тури, яъни социалистик ҳуқуқнинг буржуа ҳуқуқидан асосий фарқларини аниқлашга, қарама-қарши қиёслаш даражасига тушириб қўйилган эди.

Мамлакатимизда рўй берган чуқур сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар, давлат мустақиллигини қўлга киритилганлиги, халқаро миқёсда муносабатларнинг ривожланиши хорижий ва жаҳон ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш катта аҳамият касб этишига сабаб бўлди. Бундай шароитда, аввало, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг тажрибавий-амалий мақсадлари – чет эл тажрибаси асосида ҳуқуқий ислохотларни самарали амалга ошириш, қонунчиликни кенг миқёсда янгилаш мақсадларида ўрганиш биринчи ўринга чиқди.

Қиёсий ҳуқуқшунослик – миллий ҳуқуқни такомиллаштириш учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган воситадир. Қиёсий ҳуқуқшуносликдан ҳуқуқий тартиботни такомиллаштириш

учун самарали восита сифатида фойдаланилгандагина унинг ҳуқуқий моҳиятини чуқур тушуниш мумкин эканлиги бир неча бор таъкидланган. Ҳақиқатдан ҳам, тарихга назар ташласак қонун чиқарувчилар ўз фаолиятларида у ёки бу даражада бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқий тажрибаларидан фойдаланганлар.

1869 йилда француз қиёсий қонуншунослик Жамятини, шунингдек, қиёсий қонуншунослик кафедраларни тузган кишилар, дастлаб, турли мамлакатларда қабул қилинган янги кодекслари билан француз кодекслари орасида мавжуд бўлган фарқлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва қонун чиқарувчига у ёки бу ўзгартишлар киритишнинг мақсадга мувофиқлигига эътиборни қаратиш учун уларни чуқур ўрганиш билан банд бўлганлар.

Жаҳон компаративистлари яқдиллик билан шуни таъкидлайдиларки, бошқа халқлар томонидан тўпланган тажриба бу миллий қонунчиликни ислоҳ қилишда ундан катта фойда чиқариш мумкин бўлган битмас-туганмас манбадир. Дунёнинг турли мамлакатларидаги қонуншунослар томонидан фойдаланишнинг назарий ва тажрибавий-амалий аҳамияти яқдиллик билан қайд этилган. Шу билан бирга, қанчалик ажабланарли бўлмасин, кўп ишларнинг муаллифлари бу ўринда, одатда, фақат умумий декларациялар билан чекланиб қолганлар. Бошланғич (эмпирик) материални, яъни қонун чиқариш фаолиятини ўзининг тажрибасини кенг миқёсда умумлаштиришга бўлган умумий интилиш йўқ. Шу сабабдан қонун чиқариш сиёсати учун қиёсий ҳуқуқшуносликнинг аҳамияти тўғрисида умумий ва ҳеч ким инкор қила олмайдиган хулосани аниқлаштириб берадиган назарий қоидалар етишмайди.

Бугунги кунда, компаративистика фани қонун чиқарувчи томонидан қиёсий ҳуқуқдан илгариги замонга қараганда бир мунча ўзгача фойдаланилаётгани ҳақидаги масалага яқинлашмоқда. Гап, одатдагидек, қонун чиқарувчига чет элдан олинган тайёр андозалар, намуналар ва шаклларни таклиф қилиш ҳақида эмас, балки хориждаги ҳуқуқий тажрибани ижобий ва салбий жиҳатлардан ўрганиш тўғрисида бормоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги компаративистлар, қонун тайёрлаш ишида қиёсий ҳуқуқдан фойдаланишнинг мақсади асло Р.Салейл, Э.Ламбер ёки А.Леви-Ульман, яъни бир хиллаш-

тиришга уринувчилар ҳаракати тарафдорлари руҳидаги миллий ҳуқуқий тизимларни қандайдир умумий миллий ҳуқуққа мослаштириш эмаслигини тўғри фаҳмлаб олганлар.

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар йирик қонунлар мажмуасини тайёрлашда ва ҳозирги замон ҳуқуқининг турли соҳаларида қонунларни ислоҳ қилишда муҳим ўрин тутадилар. Олмониянинг трестларга қарши қонунлари америкача намуналарга бошланғич ва бирмунча биртарафлама йўналтирилганлиги, турли Оврупо мамлакатларида шунга ўхшаш ҳуқуқий белгилашлар пайдо бўлишига олиб келди. Бу ўринда шу ҳолат айниқса муҳимки, миллий қонун чиқарувчи янги ҳуқуқий ҳужжат яратар экан, чет эл ҳуқуқининг аюсадан бери мавжуд бўлган ва уларни амалиётда қўллаш борасида тажриба тўплаган, яъни ҳаракатдаги қонун-қоидаларга мурожаат этади.

Компаративистик адабиётда қонун чиқарувчининг қиёсий ҳуқуқдан фойдаланишининг аниқ шакллари ва методлари ўрганилади. Барча тегишли ишлар бевосита қонун чиқарувчининг ўзи, аниқроғи, парламент комиссиялари, ҳукумат хизмати, қонун чиқариш билан банд бўлган вазирликлар томонидан бажарилиши қайд этилади. Бироқ, тажриба шуни кўрсатадики, қиёсий-ҳуқуқий маълумотларни қўллаш миқёси қонун тайёрлаш ишига илмий ташкилотлар, Олий ўқув юртлари, айрим олимлар орқали ҳуқуқ фани жалб қилингандagina ошади. Бу жалб қилиш, ўз навбатида, турлича бўлиши мумкин, чунончи: керакли илмий маълумотномалар, хулосалар ва экспертизалар олиш йўли билан; олимларни турли ишчи гуруҳларга (комиссияларга) қўшиш йўли билан; муаллифлари *de lege ferenda* таклифларини киритган, кейин қонун чиқарувчи томонидан қабул қилинган қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлардан фойдаланиш йўли билан.

Австралиялик ҳуқуқшунос олим Л.Серторма қонун чиқарувчи қиёсий-ҳуқуқий маълумотлардан фойдаланиш вақтида дуч келадиган қийинчиликларни ўзига хос тавсифлашга ҳаракат қилган. У бу қийинчиликларни тўрт гуруҳга ажратган: ташкилий, яъни тегишли маълумотларни тўплаш ва қидириш билан, тиллар билан боғлиқ қийинчиликлар; руҳий, яъни шаклланган қонун-қоидалар; прагматик, яъни амалиётга татбиқ этишга тайёр ҳодисаларни ва андозаларни олиш билан боғлиқ қийинчиликлар; ва ниҳоят, билим даражаси, яъни

қонун чиқариш жараёнида қатнашадиган шахсларнинг тайёргарлиги ва малакасининг етарли даражада бўлмаслиги. Бу тавсифга қўшимча равишда машҳур олмон компаративисти У.Дробниг вақт омилини ҳам кўрсатиб ўтади, яъни, агар қонун тез чиқиши керак бўлса, чет эл тажрибаси билан жиддий танишишга ўз-ўзидан вақт етишмаслигидир.

Шубҳасиз, бу омиллар, ҳар бири алоҳида-алоҳида ҳамда турлича бириккан ҳолатларда, ўз таъсирини ўтказиши мумкин, аммо уларнинг ҳаммасини бартараф қилиш мумкин. Эҳтимол, ҳаммасидан кўп «руҳий қийинчиликлар» - «ҳуқуқий автаркия», яъни чет элдан ҳуқуққа оид ҳеч нарса олмасликка қаратилган сиёсат хавфли бўлса керак ва бунинг оқиятида бошқа мамлакат ҳуқуқий тажрибасига менсимасдан қараш натижасида унга бефарқ муносабат пайдо бўлади. Шунга ўхшаш кўрсатмалар инглиз-саксон ҳуқуқий оиласи (доираси) учун, унинг континентал ҳуқуққа нисбатан муносабатига хос эди ва ҳозирда бундай вазият бирмунча ўзгарган бўлсада, анъаналар, афтидан, ўзини билдириб туради.

Компаративистик адабиётда қиёсий ҳуқуқ, айниқса гап қонун чиқаришдаги ислохотлар ва ҳуқуқнинг фуқаролик, жиноят ва жазо, процессуал каби классик соҳаларидаги кодекслар ва қонунлар тўпламига қилинган қўшимчалар ҳақида борганида фойдалидир деган фикр мавжуд. Бу кўп муаллифлар томонидан келтирилган мисоллар билан ҳам тасдиқланади. Айни вақтда қиёсий ҳуқуқ тараққиёт билан, масалан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган янги муаммоларни ҳуқуқий тартибга келтириш, зарурати пайдо бўлганда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қонун ишлаб чиқиш жараёнида қиёсий ҳуқуқдан фойдаланадиган ҳуқуқий тизимлар гуруҳига мурожаат қилинганда, роман-олмон ва инглиз-саксон ҳуқуқий тизимларида сезиларли фарқлар мавжудлиги аён бўлади.

Роман-олмон ҳуқуқий тизим ҳукмрон давлат қонун чиқарувчиси қиёсий маълумотлардан фойдаланаётганида бошқа мамлакатлар ҳуқуқига ҳам, инглиз-саксон манбаларига ҳам, айниқса кўпроқ АҚШ ҳуқуқига мурожаат қилади.

Англо-саксон ҳуқуқий тизимидаги мамлакатларда қонун чиқарувчи асосан бошқа америка мамлакатлари ҳуқуқига мурожаат қилган ҳолда, континентал тизимга нисбатан кам эътибор қаратади. Австралиялик олим Л.Сертома буни ушбу

тизимнинг қоидалари «ўта кескин (радикал) ва мавжуд конституциявий тизимда катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин бўлиб кўриниши, яъни умумий ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган мамлакатларга хос секин-аста, тадрижий ривожланиш (эволюция) тамойилларига зид эканлиги» билан изоҳлайди. Фикримизча, бу изоҳга юқорида гап кетган руҳий нуқтаи назардан қараладиган анъанавий қоидаларни ҳам қўшиш лозим.

Албатта, қонун ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида тадқиқотчининг ўз мамлакати ҳуқуқи ҳам қиёсий таҳлил объекти бўлиши мумкин. Шундай ҳолатлардан бири-бу тарихий қиёсий таҳлил бўлиб, у муаммонинг меъёрий ечими бир неча бор ўзгарган ёки бошқа шаклга айлантирилган ҳолларда айниқса муҳимдир. Ҳуқуқий фаннинг умумий даражаси қанча юқори бўлса, тарихий-ҳуқуқий тажрибага мурожаат этиш, ундан бугунги эҳтиёжлар учун барча зарур нарсаларни олишни билиш шунча самарали бўлади. Бундан фарқли равишда қонунчиликнинг федератив таркиби федерация субъектлари қонунлари илмий-қиёсий таҳлил қилиш учун катта имкониятлар яратибгина қолмай, балки тажрибавий-амалий мақсадлар учун бундай таҳлилни талаб ҳам қилади. Қиёсий ҳуқуқни миллий ҳуқуқни такомиллаштиришда фақат қонун чиқарувчи қўллаши мумкин. Суд ва ҳакамлик суди амалиёти ҳам, гап улар томонидан чет эл қонунининг қўлланилиши ҳақида борганда, қиёсий-ҳуқуқий маълумотлардан, кичикроқ миқёсларда бўлсада, фойдаланади. Бу масала кўпинча техник хусусиятга эга бўлади ва халқаро хусусий ҳуқуқ доираларида ўрганилади.

Ниҳоят, қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқни халқаро миқёсда яқинлаштириш ва уни мослаштириш жараёнида жуда муҳим роль ўйнайди. Швейцариялик ҳуқуқшунос К.Х.Эберт қиёсий ҳуқуқшуносликнинг бош мақсади ҳуқуқни халқаро даражада, яъни халқаро қонунчиликни бир хил қилишдир, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, инсониятнинг келгусида ҳаёти жаҳон ҳамжамиятининг сиёсий ва иқтисодий яқинлашувини ҳуқуқий яқинлашув билан тўлдиришни талаб қилади. Ҳақиқатан ҳам қиёсий ҳуқуқшунослик ҳозирда инсонийлик мезони, Оврупо ҳуқуқий макони каби тушунчалар билан қамраб олинадиган жараёнларда кам аҳамиятга эга бўлмаган роль ўйнашга мойилроқдир. У илмий-техникавий тараққиёт,

бирлашиш жараёнлари, халқаро ҳуқуқнинг мавқеи ошганлиги билан боғлиқ бўлган замонавий ҳуқуқий тизимларнинг янги хусусиятлари ва йўналишлари ҳақида янада чуқурроқ тасаввур олишга имкон беради. Соф ҳуқуқий чегарадан чиққан ҳолда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар чет элдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражалари, ҳуқуқ ва қонунга нисбатан ҳурматни шакллантириш йўллари ҳақида сермазмун маълумотлар беради.

«Ҳуқуқни бирхиллаштиришнинг аҳамияти халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни таъминлашда ўзифодасини топади»

К.Цвайгерт, Х.Кётц, Немис компаративистлари

4-§. Ҳуқуқни халқаро бирхиллаштириш (унификациялаш)

Ҳуқуқни халқаро бирхиллаштириш (унификация) қиёсий ҳуқуқшуносликнинг етакчи муаммоларидан бири. Шу муносабат билан, бирхиллаштиришга қарши бўлган Х.Гаттерижнинг айна чоғда ўзининг машҳур китобида унга учта бобни бағишлагани эътиборга лойиқдир. Баъзи компаративистлар бирхиллаштиришни қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг якуний мақсадига айлантиришга мойилдирлар. Бундай интилиш бирхиллаштириш учун ҳаракат жуда кенг қулоч ёйган XX асрнинг бошида вужудга кела бошлади.

Ҳозирги замон бирхиллаштириш ҳаракати илдиэларини римликларнинг хориэликлар билан ва провинциялар аҳолиси билан муносабатларида қўлланилган бир хилдаги ҳуқуқни яратишга уриниш сифатидаги рим *jus gentium* ида кўриш мумкин. Табиий ҳуқуқ учун ҳаракат XVI-XVIII асрларда, шунингдек, универсалистик йўналишига эга бўлди; *Theatrum legale*, бу 1667 йилда Лейбниц томонидан таърифланган жаҳоннинг бутун қонунчилиги ривожланиш панорамаси бўлиб, бирхиллаштириш гоёлари руҳи билан суғорилган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида дастлабки бирхиллаштириш ишлари амалга оширилди. Уларнинг асосида амалий эҳтиёэлар бўлган савдо-сотиқнинг ривожланиши ва халқаро алоқалар ётар эди. Леон Леви дастлабки бошловчилардан бири бўлиб, у аср ўрталарида Буюк Британия савдо ҳуқуқининг роман тизимларини, 50 та бошқа мамлакат кодекслари ва қо-

нунлари билан қиёслашга уриниб кўрди. Натижада қиёсий тадқиқотлар ва ҳуқуқни бирхиллаштириш ўртасидаги чуқур алоқани биринчи бўлиб кўрсатиб берди.

1865 йилда бўлиб ўтган савдо ҳуқуқи бўйича конгресс денгиз ҳуқуқининг айрим бўлимларини бирхиллаштириш имкониятларини ўрганди. 1877 йилда Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси умумий ҳалокатлар тўғрисидаги Йорк-Антверпен қондасини қабул қилиб, денгиз ҳуқуқи соҳасидаги дастлабки машҳур бирхиллаштиришни амалга оширди. Ушбу хусусий бирхиллаштиришдан сўнг дарҳол айнан шу мақсадни кўзлаган конвенциялар имзоланди: Бернда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги (1886 й.) ва темирийўл юкларини ташиш тўғрисидаги (1890 й.) конвенциялар, Брюсселда денгиз ҳуқуқи бўйича конвенция қабул қилинди.

Биринчи жаҳон уруши олдидан имзоланган Гаага конвенциялари қонунлар коллизияси соҳасини ўз объекти сифатида белгилади. Ушбу ҳаракат давом этиб оддий ва жўнатиладиган векселлар тўғрисидаги ҳамда чек тўғрисидаги 1930 ва 1931 йиллардаги Женева конвенциялари, шунингдек, бир хил қонунлар тўғрисидаги, товарларнинг халқаро савдо-сотиги ва бундай савдо-сотиқларнинг шартномаларини имзолаш тўғрисидаги 1964 йилги иккита Гаага конвенциясининг қабул қилинишига олиб келди. Бир хиллаштириш ҳаракати, шундай қилиб, кенг масалалар доирасини қамраб олади ҳамда узоқ вақтдан буён мавжуддир.

Бирхиллаштиришга сабаб бўлувчи объектив омил биринчидан, халқаро савдо соҳасида аниқ кафолатларни таъминлаш, иккинчидан, қонунларнинг коллизиялари натижасида юзага келадиган қийинчиликлар ва ноаниқликлардан актлар бирхиллиги ёрдамида қутилишга интилиш ҳисобланади. Бу омилларга юристларнинг давлат суверенитети учун зиёнсиз равишда халқаро, давлатлараро қонунчиликни яратишга бўлган ишончини қўшимча қилиш ўринлидир.

Халқаро ҳаракат маълум тўсиқлар ва қийинчиликларга дуч келади. Қаршилик ҳаммадан аввал давлат томонидан шу йўсинда келиб чиқадики, уларнинг ҳар бири ўз суверенитетига қизганчиқлик билан муносабатда бўладилар. Хорижда келиб чиққан ёки халқаро характердаги нормаларга ишончсизлик у ёки бу даражада ижтимоий фикрга хосдир. Буюк Британия ва Америка юристлари кўпчилик ҳолларда роман

олмон ҳуқуқий тизимига хос юридик методлардан фойдаланишга қарши, умумий принципларга қарши ва позитив ҳуқуқнинг ўзга нормалари мослаштирилишига қарши чиқади-лар. Умумий ҳуқуқ мамлакатлари жўнатиладиган векселлар тўғрисидаги 1930 йилги Женева конвенциясига қўшилмади-лар.

Бундай салбий позиция бир хил қонунни қўллаш қийинчиликлари муносабати билан ҳам кучаяди. Швейцариянинг Фуқаролик кодекси Швейцариянинг ўзида қандай қўлланилгани ва у нусха олинган Туркияда қандай қўлланилгани ўртасидаги чуқур тафовут тўғрисида эслатиб ўта-миз.

Судьялар ва юристларга халқаро нормаларни ўз миллий қоидалари ва ички ҳуқуқига бўйсундиришга интилиш хос. Айнан ўша, бир хил матнни халқаро битимлар қатнашчилари бўлган мамлакатларда шарҳлашдаги тафовут шундан келиб чиқади. Нажижада, бир хил қонун унинг қўлланилиши жараёнида турлича талқин қилишга мажбур бўлади. Бир хил қонунни яратиш қийинлашмас мумкин эмас.

Миллий бирхиллаштириш ва халқаро бирхиллаштириш-ни фарқлаш лозим. Миллий бирхиллаштириш мазкур мамлакат доираларидаги бир неча ҳуқуқий нормаларни таққослаш ҳисобланади. Масалан, Бурон 1747 йилда «Франциянинг умумий ҳуқуқи» деб атагани учун Наполеон Кодекси амалиётга айланди. Олмон фуқаролик қонунлар мажмуаси олмон ҳуқуқининг бирхиллаштирилишига олиб келди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин Польша ва Руминияда бирхиллаштириш мазкур мамлакатлар ҳудудларида амалда бўлган турли ҳуқуқий тизимларни қийинлаш асосида рўй берди. Миллий бирхиллаштириш тўғрисидаги масала федератив давлатларда, айтайлик, ҳар бир федерация аъзоси ўз ҳуқуқий тизимига эга бўлган АҚШда алоҳида тарзда намоён бўлди. Қўшма Штатларнинг амалдаги ҳуқуқнинг алоҳида тармоқлари ва институтларини бирхиллаштиришга кўп марта-лаб уринишлари маълум. Рестейтментлар деб аталадиган ва турли штатлар томонидан маълум масалалар бўйича ишлаб чиқилган изчил таққослаш асосидаги қарорлар бир тизимга солинган тўпламлар бундай таклифларнинг амалий якуни ҳисобланади. Шунингдек, бир хил қонунлар – уларни штатлар легислатуралари келгусида қабул қилишлари учун Америка ҳуқуқ институти таклиф қилган моделлар ҳам маълум. Шун-

дай тарзда 1952 йилда ишлаб чиқилган Ягона савдо кодекси кейинчалик деярли барча штатлар томонидан қабул қилинди. Бунга ўхшаш миллий бирхиллаштириш катта ҳажмдаги қиёсий тадқиқотларни кўзда тутди.

Халқаро бирхиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уни мустақил мамлакатлар амалга оширадilar ва у ўз-ўзидан юзага келадиган ёки аксинча, аввалдан режалаштирилган ва хоҳиш билдирилган бўлиши мумкин.

Халқаро бирхиллаштириш амалий эҳтиёжлар туфайли пайдо бўлиб, мазкур соҳада банд бўлган шахсларнинг аниқ ҳаракатлари натижасида амалга оширилади. Ўрта асрлардан айнан шундай бошланиб, Буюк Британияда ўхшаш Merchant Law савдо ҳуқуқи бўлган қитъа Lex Mercatorias яратилди. Ўша пайтлардан бошлабоқ савдо ҳуқуқи ҳар томонламаликка интилди. Ўхшаш шарт-шароитлар ва эҳтиёжлар ўхшаш оқибатларни келтириб чиқара бошлади. Шу сабабли, савдо ҳуқуқи миллий тартибга солиш доирасида имзоланган XIX аср кодификацияси замонидан сўнг халқаро миқёсдаги савдо ҳуқуқини яратишга интилиш пайдо бўлди. Бир хилдаги шартномаларни тарқатиш ва хусусий арбитражга мурожаат қилиш халқаро савдо амалиётининг умумий ва оддий шаклдаги бир хил ҳуқуқини ривожлантиришга ёрдам берди.

Аммо, бирхиллаштириш сўзнинг асл маъносида – бу, албатта, учта асосий метод билан амалга ошириладиган аввалдан белгиланган бирхиллаштиришдир:

1) бир хил қонундан ташкил топган конвенцияларни имзолаш йўли билан (бу классик шакл бўлиб қолди). Бундай конвенция уни имзолаган барча давлатларга миллий қонунчилик нормаларини бир хил қонун нормалари билан мувофиқ бўлиши мажбуриятини юклайди;

2) муайян нормаларни биргаликда ишлаб чиқишда қатнашган мамлакатларнинг миллий ҳуқуқини бир мажмуага тўпловчи ҳуқуқий нормаларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш йўли билан. Аммо, бунда бу мамлакатлар қандайдир асосиз мажбурият билан боғланмаган ва ҳар бир давлат бу бир мажмуага тўплашнинг қачон, қанча ҳажмда ва қандай шаклда рўй беришини ўзи ҳал қилади;

3) турли мамлакатларнинг қонуншуносларига таклиф этиладиган қандайдир расмий ёки хусусий ўхшаш қонун ёки қонун шаклини ташкил қилишни тайёрлаш йўли билан. Қо-

нуншунослар бу қонунни тўлиқ, қисман ёки мослаштирилган кўринишда, бир сўз билан айтганда - қандай зарур деб ҳисобласалар, шундай қабул қилишлари мумкин.

Иштирокчиларнинг қамрови бўйича халқаро бирхиллаштириш икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда фақат икки давлат иштирокчи бўлади масалан, 1929 йилги «Мажбурият ҳуқуқи» бўйича француз-итальян лойиҳасини тайёрлашда бўлгани каби. Иккинчи ҳолатда умумий тарзда қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш асосида ҳаракат қилувчи кўп давлатлар иштирок этадилар. Мисол сифатида ҳаво орқали ташиш тўғрисидаги Варшава конвенцияси ҳамда векселлар тўғрисидаги ва чек тўғрисидаги Женева конвенцияларини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, минтақавий ва ҳар томонлама бирхиллаштиришни фарқлаш жоиз. Минтақавий бирхиллаштириш одатда маълум сиёсий-иқтисодий гуруҳни ташкил этувчи ёки қўшни бир неча мамлакатни қамраб олади. Ҳар томонлама бирхиллаштириш турли мамлакатларни қамраб олади, у турли ижтимоий тузумга мансуб давлатлар учун очиқ. Минтақавий бирхиллаштиришга Шимолий иттифоқ, тегишли Гаага конвенциялари мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро бирхиллаштиришни уларнинг кўзда тутган мақсадларига мувофиқ одатда умумий ёки қисманга ажратадилар. Умумий бирхиллаштириш асосида битимга келган мамлакатлар талаб қилинаётган бирхилликни ҳам ички соҳада, ҳам халқаро соҳада амалга оширган, яъни бирхиллаштириш ўзида талаб қилиши зарур бўлган барча юридик оқибатларни амалга оширган ҳолатларни назарда тутадилар. Мисол сифатида векселлар тўғрисидаги 1930 йилги Женева конвенциясини келтириш мумкин. Қисман бирхиллаштиришда аксинча, бир хил нормалар фақат халқаро муносабатлар соҳасида амал қилади, унда иштирок этувчи мамлакатнинг ички ҳуқуқий тартиби эса бирхиллаштириш конвенциясининг таъсирини ҳис қилмайди. 1929 йилги халқаро ҳаво ташишлари тўғрисидаги Варшава конвенцияси ва 1964 йилги товарлар савдо-сотиғи тўғрисида ягона қонун тўғрисидаги Гаага конвенцияси қабул қилиниши натижасида юзага келган ҳолат шундайдир.

Бирхиллаштиришнинг умумий шартлари минтақавий характердаги ташкилотлар ва битимларнинг ўсиши натижасида соддалашиш хусусиятига эга. Табиийки, бирхиллашти-

ришга интилаётган минтақавий ташкилотларнинг ривожланиши бу йўналишдаги анча жиддий қадам бўлди. Шу муносабат билан бир қанча фикрларни келтириш лозим.

Бирлашишга ва ўзаро ишончга интилиш билан тўлдириладиган худди шундай тил, қарашлар ва анъаналарнинг кўп нуқтаи назарлар яқинлиги Шимолий иттифоқ асосида ётади. XIX аср охирида Дания, Норвегия ва Швеция қонунчиликни яқинлаштиришни мутгасил излай бошладилар; улар бунга векселлар, чеклар ва шу кабилар борасида 1881 йилнинг бошида, кейинчалик эса, денгиз ҳуқуқи борасида ҳам муваффақ бўлдилар. Бу ҳаракат ривожланди ва оқибатда Финляндия ва Исландия Скандинавия мамлакатларига қўшилдилар, шундан сўнг шартнома ҳуқуқи, вакиллик масалалари ва ҳатто эътиборга моликки, оилавий ҳуқуқ (1931 йилги никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича судларнинг ваколати тўғрисида Стокгольм конвенцияси) билан шуғулландилар. Шундан кейин жиноят ҳуқуқи ва айниқса, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати соҳасида, асосийси 1936 йилдан бошлаб умумий «Йиллик нашр» чиқарган шимол мамлакатлари криминалистлари Ассоциацияси шарофати туфайли фаол ҳамкорлик ўрнатилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил этилган Шимолий кенгаш бирхиллаштиришга бўлган бу интилишга янада кўпроқ расмий тус берди. 1960 йилда Жиноят ҳуқуқи шимолий қўмитаси тузилди.

Африка мамлакатларида мустамлакачиликнинг тугатилиши нафақат миллий қонунчиликни яратиш учун туртки бўлиб хизмат қилди, балки имкони борича юқори бирхиллашган ва ҳамоҳанг «африка ҳуқуқи»ни яратишга уринишларни рағбатлантирди. Бу Шимол мамлакатлари билан бўлгани сингари турли хил яқинлик ришталари билан боғланган қўшни давлатларни бирлаштирувчи махсус ҳуқуқий ҳудудга айланди. Мисол сифатида Ўрта Шарқ ҳуқуқий тизимларини маълум даражада бир хил шаклга келтиришга йўналтирилган Араб мамлакатлари лигаси уринишларини ҳам, Лотин Америкасидаги ушбу минтақада бирхиллаштирилиши мумкин бўлган атамашуносликни бирхиллаштириш, институтларни аниқлаш ва саволларни белгилаш бўйича Лотин Америкаси интеграция институти (Америкалараро иқтисодий тараққиёт банки томонидан ташкил этилган) бошчилигидаги ҳаракатни эслатиб ўтиш мумкин. Мазкур институт, шунингдек, ҳуқуқматлар сингари қонунлар таклиф этишга интилмоқда.

Бирхиллаштириш нуқтаи назаридан ҳукуматлараро ва давлатлараро минтақавий ташкилотларнинг мавжудлиги факти яққол устунликлар билан боғлиқ. Уларнинг ташкил этилиши ва тузилиши давлатларнинг ўзлари томонидан белгиланган, улар ягона геосиёсий доираларда бирхиллаштириш йўналишида фаол ишлашга, ўхшаш муаммоларни ўхшаш тарзда ҳал қилишга даъват этилган. Ҳамжамиятлар ҳуқуқий концепцияларнинг бирлигига ёки яқинлигига асосланган, бу бирхиллаштиришнинг чегаралаини олдиндан ўрнатишга имкон беради ва унинг амалга оширилишини осонлаштиради.

М.Ансель ҳуқуқни бирхиллаштириш бўйича қуйидаги таърифларни баён қилди:

биринчидан, бирхиллаштириш қиёсий ҳуқуқнинг бош объекти ва компаративистнинг бош ташвиши бўлмай қолади;

иккинчидан, ҳуқуқ нормаларини бирхиллаштиришга эришиш қийин бўлган айрим масалалар бўйича алоҳида тизимлар ўртасида уйғунлашиш, координация ва бир хил шаклга келтириш бўлиши мумкин;

учинчидан, эски бирхиллаштиришдан янги уйғунлашишга ўтиш пайтида фан ҳуқуқ нормаларидан чекиниши ва ҳуқуқ тизимларига тўлиқ мурожаат қилиши кераклиги яна намоён бўлади.

4-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Қиёсий ҳуқуқшунослик функцияларининг хилма-хиллигини нима билан изоҳлаш мумкин?
2. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг илмий функциялари нима?
3. Ҳуқуқ социологиясини қандай таърифлаш мумкин?
4. Позитив ҳуқуқ назариясини тушунтириб беринг.
5. Нима сабабдан ҳуқуқни унификация қилиш зарур?

«Хуқуқий тизимлар тўғрисидаги таълимотнинг мақсади - қиёсий ҳуқуқшунослик олдида турган кўп сонли саволларга жавоб бериш. Жаҳон ҳуқуқий тизимларини, уларни чекланган сонли йирик гуруҳларга бўлиб таснифлаш мумкинми? Бундай таснифлашнинг мезонлари қандай ва агар бунинг иложи бўлса, унда қандай мезонлар асосида мазкур ҳуқуқий тизимни у ёки бошқа гуруҳга киритиш керак?»

Бундай таснифлаш вазифаси - турли ҳуқуқий тизимларни бир тизимга солиниши натижасида илмий таҳлил учун янада осон бўлишини таъминлаш».

К.Цвайгерт, Х.Кётц, Немис компаративистлари

5-мавзу. Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимининг асосий таснифи

1-§. Дунёнинг ҳуқуқий харитаси-қиёсий ҳуқуқшуносликни асосий ўрганиш предмети.

2-§. Ҳуқуқий тизим-қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий тушунчаси.

3-§. Ҳуқуқий оила-қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўзига хос атамаси.

4-§. Жаҳон ҳуқуқий харитасининг таърифи.

5-§. Ҳуқуқий тизим таснифининг белгилари.

6-§. Ҳуқуқий оилалар тўғрисидаги таълимот.

1-§. Дунёнинг ҳуқуқий харитаси - қиёсий ҳуқуқшуносликни асосий ўрганиш предмети

Мана юз йилдан ошибдики, жаҳон компаративист-олимлари қиёсий ҳуқуқшунослик юридик фаннинг мустақил тармоғи ҳисобланадими ёки у ҳуқуқ фанининг ҳар бир тармоғини тадқиқ қилишда қўлланиладиган махсус қиёсий метод хусусиятига эга эканлиги хусусида баҳслашиб келмоқдалар. Сўнгги вақтда юридик адабиётларда қиёсий ҳуқуқшунослик тўғрисида ҳуқуқий тадқиқотларнинг мустақил илмий йўналиши сифатидаги мавқеига эга эканлиги тобора ишончлироқ асосланмоқда, унинг тарафдорлари сони муттасил ўсиб бормоқда. Компаративистикада қиёсий ҳуқуқшуносликни тушу-

нишга принцип жиҳатдан бундай янги ёндашув у ҳақда илгари билдирилган қиёсий-ҳуқуқий метод сифатидаги тор тушунчаларни анча кенгайтиради. У аниқ қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларни кенгайтириш ва уларни янги, анча юқори даражага кўтариш учун имкониятлар яратади. Бундай ёндашувнинг пайдо бўлиши, авволombор, жаҳон ҳуқуқий харитасида XX асрда рўй берган туб сифат ва сон ўзгаишларини ҳар томонлама идрок этишнинг қатъий зарурлиги билан изоҳланади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик вазифаларига кенг ёндашув унинг предметини ҳам белгилаб беради. Сўз алоҳида ҳуқуқий норма ва институтларни қиёслаш тўғрисида эмас, балки ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини кўриб чиқиш тўғрисида бормоқда. Уларнинг ҳар бири ягона ва айнан ўша масала (масалан, ҳуқуқни қўллашнинг тарихи, асосий тушунчаси ва тузилиши, манбалари)га нисбатан қўлланиладиган мустақил мажмуа сифатида намоён бўлади. Бундай ёндашув турли мазмундаги ўхшаш юридик шаклларни кўрмаслик хавфининг олдини олишга имкон беради.

Айни вақтда, биз қиёсий ҳуқуқшуносликни анча тор (уни фақат метод сифатида) ёки анча кенг (уни ҳуқуқий тадқиқотларнинг мустақил йўналиши сифатида) кўриб чиқишимиздан, қатъи назар, бугунги кунда у аллақачон аниқ бўлди ҳамда юридик фанда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллади.

Умумий маънода тасдиқлаш мумкинки, қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар бош вазифа сифатида жаҳоннинг юридик харитасини ўрганишга, ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг ўзаро муносабатлари ва ўзаро таъсирларини очиб беришга йўналтирилган. Бу ҳуқуқий тизимларни шунчаки таққослаш эмас, балки уларнинг ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш, улардаги умумийликни, ўзига хосликларни ва қайтарилмас жиҳатларни аниқлашдир. Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари микро ва макроқиёслаш даражасида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг бош объекти сифатида намоён бўладилар. Қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқни ўрганишда тор миллий ёндашувларни енгиб ўтишга ёрдам беради, унга анча кенг назар ташлашга имкон яратади. Миллий ҳуқуқий тизимнинг хорижники билан ўзаро муносабати ҳар бир мамлакат ҳуқуқий тизимининг миллий ўзига хос хусусиятларини янада очиқ-ойдин аниқлаш учун шарт-шароит яратади. Турли

ҳуқуқий тизимларни тадқиқ этиш ҳар бир мамлакат миллий ҳуқуқи ривожланишининг йўллари ва ўзига хос хусусиятларини, шу жумладан ўз мамлакатининг юридик фанлар нуқтаи назаридан кенг тушунишга ёрдам беради. Шу тариқа, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг юридик фани ривожини учун аҳамияти нафақат ҳуқуқий фаолият тўғрисида янги назарий билимларни ўзлаштиришдан иборат, балки бу билимлар у ёки бу тарзда миллий ҳуқуқ ривожланишининг йўналишларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг нисбий мустақиллиги қатор объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади. Биринчидан, фан, ва амалиёт соҳаси ҳозирги замон ҳуқуқий харитасини янада кенг ва чуқур ўрганишга эҳтиёж сезади; иккинчидан, хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимларини ўрганишдаги бўш қолган жойларни тўлдириш зарур. Буларнинг барчаси қиёсий ҳуқуқшуносликнинг маълум мустақиллигига ва ихтисослашишига, унинг фаолият соҳаси кенгайишига, янги илмий муаммоларнинг пайдо бўлишига, шунингдек, илмий тадқиқот методларининг такомиллашишига олиб келди.

Субъектив омил деб аталадиган янги фан муаммоларини бир тизимда ишлаб чиқиш, билимларни тарқатиш ва уларнинг вазифаларини тарғиб қилиш билан махсус шуғулланадиган олимлар гуруҳини яъни компаративистларни ҳам ҳисобдан четда қолдирмаслик керак. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг кўп сонли марказлари, институтлари, факультетлари, махсус замоний нашрлари ва бошқалар мавжуд. Ниҳоят, жаҳоннинг ҳуқуқий харитасини қиёсий ўрганишдан иборат мавжуд ўзига хос тадқиқот предмети қиёсий ҳуқуқшуносликни мустақил фан сифатида эътироф этиш учун яна бир далил ҳисобланади. Фан предмети ўз навбатида тадқиқот методларини ва уларни мазкур фанда қўллаш методларини белгилайди. Шунинг учун у унинг методлари ва объектлари тўғрисидаги билимларни чуқурлаштиришни ташкил этувчи такомиллаштиришга боғлиқ равишда муттасил ривожланади. Мувофиқ равишда ривожланаётган фан бўлган қиёсий ҳуқуқшунослик предмети тўғрисида нимани англаш кераклиги тўғрисидаги фикрлар ҳам ўзгаради ва ривожланиб боради.

2-§. Ҳуқуқий тизим – қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий тушунчаси

Келгуси муаммони баён қилишга ўтиш учун, авволонбор, асосий тушунчаларни аниқлаш зарур. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосини «ҳуқуқий тизим» атамаси ташкил этади. Шу муносабат билан, ҳуқуқий тизим тушунчаси остида нимани англаш зарурлиги тўғрисидаги масала вужудга келади. Ундан сўнг аниқланиши лозим бўлган масала бу бугунги кунда қандай асосий ҳуқуқий тизимлар мавжудлиги муаммосидир.

Юрист олимларнинг тадқиқотларида ҳуқуқий тизимнинг жуда хилма-хил таърифлари келтирилган. Турли мамлакатларда ҳуқуқий тизимни ўрганиш борасидаги турли хил ёндашувлар мавжуд: АҚШда прагматик, Францияда қиёсий-ҳуқуқий, Олмонияда – фалсафий ёндашув.

Турли мамлакат олимларининг ҳуқуқий тизимнинг турли таърифларига қандай йўллар билан эришилгани хусусида ҳам тафовутлар бор. Ҳозирги замон юридик адабиётида ҳуқуқий тизимнинг бир хил бўлмаган таърифлари берилади ва уларнинг ҳар бири ўзининг «рационал мағзи»ига эга. Бу, аввало, шу нарса билан изоҳланадики, ҳуқуқий тизим – мураккаб ижтимоий воқелик, унинг кўп қирралигини фақат илмий атамалар мажмуаси ёрдамида аниқлаш мумкин. Қандайдир бир таъриф унинг барча хусусиятлари тавсифини ўзида тугал ифодалаш мумкин эмас. Хусусан «ҳуқуқий тизим» атамаси борасидаги қарашлардаги бирлик ҳам шунга мисол бўла олади.

Мантиқий ва тарихий бирлик принципига мувофиқ ҳуқуқий тизимнинг умумий таърифи ҳуқуқнинг аниқ тарихи ва шакли хилма-хиллигини ифодалаш керак. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий тизимни тушуниш учун «ҳуқуқий тушуниш», «ҳуқуқий ижодкорлик», «ҳуқуқни қўллаш» атамаларидан фойдаланиш зарур. Шунинг учун, ҳуқуқий тизимни тадқиқ этиш биринчидан, қарашлар, ғоялар, тасаввурлар, назариялар мажмуасини, яъни муайян тарихий замондаги ҳуқуқий тушуниш ва тафаккурни; иккинчидан, норматив асослар, (ҳуқуқий манбалар) унинг тузилиши таҳлилини; учинчидан, ҳуқуқни қўллаш яъни амалга ошириш тизимини қамраб олиши керак.

Ҳуқуқий тизим – ривожланувчи бирикма, у ўз ҳолича қотиб қолмайди, балки тарихий жараён давомида мунгазам

ўзгаради ва такомиллашади. Бироқ унинг барча унсурлари ҳам бир хил суръатларда ривожланмайди. Қиёсий ҳуқуқшунослик учун миллий ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий тизимлар гуруҳи, ҳуқуқий тизимлар оиласи, ҳуқуқнинг тарихий типи, жаҳоннинг ҳуқуқий харитаси сингари асосий ва ўзаро боғланган тушунчаларнинг моҳиятини очиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

«Ҳуқуқий тизим» атамаси юридик фанда бир неча маъноларда қўлланилади. Авволomboр, маълум давлатнинг ҳуқуқи тушуниладиган ҳамда атамашуносликда «миллий ҳуқуқий тизим» сифатида ифодаланадиган энг тор тушунча бўлган «ҳуқуқий тизим» атамасига мурожаат қиламиз. Бунда «ҳуқуқий тизим» тушунчасини унинг тор маъносида «ҳуқуқ тизим» тушунчаси билан аралаштириш ярамайди. Бу икки атамани бир маъно англатмайди, улар синоним эмас. Ҳуқуқ тизими институциявий тушунча, у ҳуқуқ тармоқларининг объектив ва субъектив омиллар билан белгиланадиган ўзаро алоқаси, муносабати ва тузилишини очиб беради.

Ҳуқуқий тизим анча кенг тушунчадир. У ҳуқуқни институциявий тузилиши, яъни «ҳуқуқ тизими» билан бир қаторда жамият ҳуқуқий ҳаётининг бошқа бир қанча таркибий қисмларини ҳам ўз ичига олади. Бу таркибий қисмларнинг таҳлили ҳуқуқий ривожланишнинг шундай томонлари ва жиҳатларини кўриш имконини берадики, улар ҳуқуқни фақат битта институциявий жиҳати бўлмиш «ҳуқуқ тизими»ни таҳлил этиш йўли билан очиб берилиши мумкин эмас. «Ҳуқуқий тизим» атамасида «ҳуқуқ тизими» тушунчасидан устун равишда ҳуқуқ тармоғининг ички келишуви билан бир қаторда мустақил ижтимоий таълим сифатидаги ҳуқуқий тизимнинг автономлиги ҳам ифодаланади. Бунда «ҳуқуқий тизим» тушунчаси ҳуқуқнинг иқтисодият билан боғланганини, ҳуқуқнинг ижтимоий алоқалар тизимидаги ўрнини, ҳуқуқий ва ноҳуқуқий ҳамда шу ўринда ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқ тизими сингари ўз мазмунига кўра бошқа кам ҳажмли атамаларни тўғри тушунишда методологик мўлжал бўлиб хизмат қилишини кўрсатувчи «ҳуқуқий устқурма» тушунчаси билан алмаштирмайди. Алоҳида таъкидлаш керакки, барча ҳолларда сўз ўзаро боғланган тушунчалар тўғрисида боради, улардан бири анча тор, бошқаси билан қамраб олинади, бироқ ўзининг мустақил аҳамиятини деярли йўқотмайди.

3-§. Ҳуқуқий оила – қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўзига хос атамаси

Энди ҳуқуқий тизимнинг компаративистика билан анча яқин боғланган иккинчи аҳамиятига мурожаат қиламиз. Бу ерда атамашунослик борасидаги фикрлар жуда хилма-хил. Масалан, Р.Давид «ҳуқуқий тизимлар оиласи» атамасини қўлласа, К.О.Эберт ва М.Рейнстайн – «ҳуқуқий доиралар», И.Сабо – «ҳуқуқий тизимлар шакли», С.С.Алексеев – «тузилма ва умумийлик» атамаларини ишлатадилар. Замонавий компаративистикада «ҳуқуқий оила» атамаси анча кенг тарқалгани учун биз ҳам ундан фойдаланамиз.

«Ҳуқуқий оила» атамаси бу тизимлар нисбий бирлиги тўғрисида гапиришга имкон берадиган ўхшаш юридик белгиларга эга ҳуқуқий тизимлар гуруҳини ифодалаш учун хизмат қилади. «Ҳуқуқий оила» тушунчаси баъзи ҳуқуқий тизимларнинг аниқ қиёсий-ҳуқуқий ва тарихий ривожланиши, яъни ҳуқуқ манбалари, етакчи институтлари ва тармоқлари, ҳуқуқий маданият, аъъаналар ва шунга ўхшашларда уларнинг ўхшашлиги натижаси ҳисобланадиган ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Хорижий ҳуқуқни ўрганишда ва қиёсий методдан фойдаланишда бу тушунча анча ёки кам аҳамиятли тизимлар кирган ҳуқуқнинг маълум типларини ифодаловчи маълум «моделларга» эътиборни мужассам этиш имконини беради.

Шундай қилиб, ҳуқуқий оила деганда, миллий ҳуқуқий тизимнинг тарихий шаклланишида умумий бирлашган, юридик фаннинг тузилиши, ҳуқуқ манбалари, унинг етакчи тармоқлари ва ҳуқуқий институтлари, ҳуқуқий қўлланилиши, юридик тилининг ўзига хос мажмуи тушунилади.

4-§. Жаҳон ҳуқуқий харитасининг таърифи

Ер шарида мавжуд бўлган барча миллий ҳуқуқий тизимлар учун компаративистика адабиётида «жаҳон ҳуқуқий харитаси» (В.А.Туманов), «жаҳон юридик географияси» (В. Кнапп), «ҳуқуқий тизимлар уюшмаси» (Ж.Сталев) ва ҳоказо атамалар қўлланилади. Кўрсатилган атамалар миллий ҳуқуқий тизимларни қамраб олади. Бунда жаҳон ҳуқуқий харитасини миллий ҳуқуқдан устун жаҳон ҳуқуқи сифатида ёки миллий ҳуқуқий тизимларнинг механик йигиндиси сифатида

тушунишга уринишларни рад этиш жоиз. «Жаҳон ҳуқуқий харитаси» тушунчасининг моҳиятини очишда биз инсоният жамияти ривожининг умумий қонунларидан келиб чиқамиз. Бу мураккаб, кўпқиррали, жуда хилма-хил йўналишлардаги қарама-қаршиликларга ва курашларга тўлиқ бўлган жаҳон юридик харитасини ўрганишнинг объектив йўлидир. Тарихийлик принципи алоҳида олинган ҳар бир миллий ҳуқуқий тизимни унинг жаҳон юридик харитасида у ёки бошқа ҳуқуқий оилага мансублигини белгилаб, унинг ўрнини тушунтириш имконини беради. Аниқ ҳуқуқий тизимнинг маълум ҳуқуқий оилага мансублиги, ҳатто аниқ ҳуқуқий материал билан муфассал танишмасдан ҳам унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида қатор хулосалар чиқаришга имкон беради.

Жаҳоннинг ҳозирги замон юридик географиясини белгилашга илмий ёндашиш қандай бўлиши керак? Ҳозирча сўз бу ишнинг биринчи босқичи тўғрисида бормоқда. Бу ерда тадқиқотчи мурожаат қилаётган ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий оилани яхлит идрок этиш ва уни кўра билиш айниқса муҳим ҳисобланади. Фақат бу тизимни ана шундай тўлиқ кўра билгандагина унинг келгуси дифференцияли қиёсий-ҳуқуқий таҳлилини амалга ошириш мумкин. Ҳуқуқий тизимни унинг аниқ-тарихий келиб чиқишида ва у амал қилаётган ижтимоий-иқтисодий шароитни ҳисобга олган ҳолда яхлит кўриш ҳозирги замон қиёсий ҳуқуқшунослигининг муҳим талаби ҳисобланади.

Асосий ҳуқуқий оилалар моҳиятининг асосига, бизнингча, қуйидаги принципни қўйиш мақсадга мувофиқдир: биринчи навбатда ҳар бир ҳуқуқий оила унинг тарихий ривожланиши шароитида кўриб чиқилиши керак, сўнгра унинг замонавий тузилиши (ҳуқуқнинг етакчи тармоқлари ва манбаларига умумий таъриф бериш), ҳуқуқни қўлланилиши (судда ишларни маълум тартибда кўриш) ва юридик фикрлаш-тафаккурлаш методини тавсифлаш керак.

Асосий ҳуқуқий тизимларни илмий тавсифлашда тадқиқотчи уларни моҳиятига етиб саралаш ва даставвал кўриб чиқилаётган ҳуқуқий тизимлар сонини чеклаши керак. Агар кимдир у ёки бошқа ҳуқуқий гуруҳнинг барча ҳуқуқий тизимларини қамраб олишни истаса у эмпирик маълумотлар уммонига осонгина фарқ бўлади. Шунинг учун амалиётда бундай ёндашув қўлланилади. Репрезентив (танлаб олиш) ёнда-

шув пайтида тадқиқотчи, аввало, илк бор ўзига хос қайтарилмас ҳуқуқий қарорлар яратилган шажаравий ёки асосий деб аталадиган ҳуқуқий тизимларни аниқлаб олиши ва шундан кейин рецепция асосида вужудга келган ҳуқуқий тизимларни уларнинг келгуси жўғрофий тарқалиши асосида ўрғаниши зарур.

Асосий ҳуқуқий тизимлар сифатида, қоидага кўра, кенг ва узоқ давом этган ҳуқуқий тажрибага эга бўлган йирик давлатларнинг ҳуқуқий тизимларини кўрсатиш мумкин. Бу тажриба асосий ҳуқуқий тизимга мансуб бўлган кичик ва янги давлатлар томонидан фойдаланилади. Француз фуқаролик ҳуқуқининг Оврупода француз инқилобидан сўнг (масалан, Италия, Бельгия, Люксембург ҳуқуқига) пайдо бўлган давлатлар ҳуқуқига таъсири ана шундай бўлган. Равшанки, асосий ҳуқуқий тизимларнинг ғоявий таъсири ҳуқуқнинг турли тармоқларида бир хил эмас.

Шундай қилиб, ҳар бир ҳуқуқий оилани тавсифлаш бир томондан унинг тарихий ривожланишини ифодалаш, иккинчи томондан эса унинг бугунги кунда мавжуд бўлган ўзига хос хусусиятларига асосланиши керак.

5-§. Ҳуқуқий тизим таснифининг белгилари

Агар XX аср бошида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий масаласи «Қиёсий ҳуқуқ нима: методми ёки фан?» деган савол бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳуқуқий тизимларни таснифлаш муаммоси биринчи ўринга қўйилмоқда. Бошқача сўз билан айтганда, ҳуқуқий оилалар тўғрисидаги таълимот француз компаративисти И.Зайтаниннинг фикрича, «расмий ҳуқуқий тизимларнинг кўп сонли ва хилма-хиллиги лабиринтидаги йўл кўрсатувчи ип» ҳисобланади.

Хорижий компаративистикада ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини қиёсий ўрғаниш масаласи XX асрнинг 30-йиллари оралиғидаёқ америкалик олим Ж.Вигмор томонидан қўйилган эди. Аммо, тадқиқотларнинг бу йўналиши XX асрнинг 60-йилларида кенг ривож топди. Ҳуқуқий тизимларни маълум гуруҳларга таснифлаш муаммоси жаҳон компаративистлари эътиборини анча вақтдан буён жалб этиб келаётган қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Асосий ҳуқуқий тизимларни кенг кўламли таснифлаш йўлидаги изланишларда юрист-компаративистлар ахлоқ, ирқ, география, диндан бошлаб ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий методларгача бўлган хилма-хил мезонларни асос қилиб оладилар. Баъзан тақдим этилаётган таснифларда умуман аниқ асосни илғаб олиш мушкул.

Француз компаративисти Р.Родьернинг фикрига кўра, қиёсий ҳуқуқшуносликда «компаративистлар қанча бўлса, таснифлар ҳам шунча». 1900 йилги Халқаро қиёсий ҳуқуқ конгресси қатнашчилари француз, инглиз-америка, олмон, славян ва мусулмон ҳуқуқий гуруҳларини ажратиб кўрсатганлар. 1919 йилда француз Қиёсий қонуншунослиги жамиятининг 50 йиллик юбилеи вақтида унинг иштирокчилари уч ҳуқуқий гуруҳ, яъни француз, инглиз-америка, мусулмон ҳуқуқий оилалари таснифлари билан чекландилар. XX аср бошида А.Эсмен ҳуқуқий тизимларни уларнинг «тарихий шаклланиши, умумий тузилиши ва ажралиб турадиган белгилари»дан келиб чиқиб қуйидаги гуруҳларга бўлган: лотин (роман) гуруҳи (бу гуруҳга француз, Бельгия, италян, испан, португал, румин ҳуқуқи ва Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқи киритилган); олмон гуруҳи (олмон ҳуқуқи, Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқи, Австралия, венгер ҳуқуқи); инглиз-саксон гуруҳи Буюк Британия, АҚШ ва инглиззабон давлатлар ва мустамлака ҳуқуқи); славян гуруҳи; мусулмон гуруҳи, Рим ҳуқуқи ва каноник ҳуқуқ. Агар А.Эсмен таснифи Армижон, Нольде, Вольф фикрича «сунъий» бўлган бўлса, К.Цвайгерт ва Х.Кётц уни «ўз замони учун гоёта муваффақиятли тизим» сифатида баҳолайдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳуқуқий тизимларни тилшунослик каби маълум гуруҳларга бирлаштириш гоёси юристларни ўзига жалб қилган. Олмон олимлари ҳуқуқий тизимларни юридик гуруҳга асосан ирқий ва тил белгилари асосида бирлаштирганлар. Улар ўз таснифларини никоҳ ва ажралиш институти мисолида олиб борганлар.

Э.Глассон ҳуқуқий тизимларни уларнинг тарихий келиб чиқиши асосида таснифлаган ва ўз замонидаги ҳуқуқий тизимларни уч гуруҳга ажратган. Биринчисини рим ҳуқуқи таъсири ўзининг анча кучли ифодасини топган мамлакатлар ташкил қилганлар, бу Италия, Руминия, Португалия, Греция, Испания Иккинчисини рим ҳуқуқи таъсири унчалик катта

бўлмаган ва ҳуқуқ асосан урф-одатларга ва варвар ҳуқуқига асосланган мамлакатлар, бу Буюк Британия, Скандинавия мамлакатлари, Россия. Учинчи гуруҳга у ўзига рим ва олмон ҳуқуқлари хусусиятларини тенг миқдорда қабул қилган ҳуқуқий тизимларни киритган, бу Франция, Олмония, Швейцария. Бундай таснифлаш ҳеч қандай танқидга дош бера олмайдики, иккинчи гуруҳ рим ҳуқуқи таъсирисиз хусусиятига кўра белгиланади. Унда ҳеч қандай ички бирлик йўқ. Инглиз умумий ҳуқуқи билан рус ҳуқуқи ўртасида қандай алоқа мавжуд? Агар Глассон методига риоя қилинадиган бўлса, унда бу гуруҳга тўлиқ муваффақият билан мусулмон ҳуқуқи, Хитой ва Ҳиндистон ҳуқуқини киритиш мумкин, чунончи уларни рим ҳуқуқи таъсири йўқлиги бирлаштиради.

А. Леви-Ульман учун ҳар бир ҳуқуқий гуруҳдан ҳуқуқ манбаларининг ҳар хил турлари роли ҳуқуқий тизимларнинг таснифлаш мезони бўлиб хизмат қилган: 1) континентал мамлакатлар ҳуқуқий системаси; 2) умумий ҳуқуқ яъни прецедент ҳуқуқи»; 3) ислом ҳуқуқи, у дастлабки икки ҳуқуқий тизимдан фарқли ўлароқ «ўзининг қарийб мутлоқ ҳаракатсизлиги ва диний моҳияти» билан характерланади.

Швейцариялик олим Г.Созер-Холл ирқий белгини ҳуқуқий тизимларга нисбатан ўз таснифи асосига қўйган. Шунга асосан у ҳиндоврупо, семит ва мўғул ҳуқуқий гуруҳларини ажратган, шунингдек, тараққий этмаган халқлар оиласини ҳамда ҳиндоврупо ҳуқуқий оиласини ҳинд, эрон, кельт, юнон-роман, олмон, инглиз-саксон, латиш-славян ҳуқуқига ажратган. Бундай таснифлаш илмий аҳамиятга даъво қилиши мумкинми? Афтидан бўлмаса керак.

Америкалик олим Ж.Вигмор ўзининг уч жилдлик «Жаҳон ҳуқуқий тизими панорамаси» асарида ҳуқуқий тизимларнинг умумий панорамасини беришга жиддий уринишлардан бирини амалга оширди. У илгари мавжуд бўлган ва ўз замондаги ҳуқуқий тизимларни 16 та асосий ҳуқуқий система-ларга бўлган: Миср, Месопотамия, Иудея, Хитой, ҳинд, юнон, рим, япон, мусулмон, кельт, славян, олмон, денгиз, черков, роман, англикан. Бу ерда таснифлаш учун қандайдир аниқ асосни илғаб олиш қийин. Шу билан бирга Ж.Вигмор иши улкан тарихий-ҳуқуқий маълумотларни ўз ичига олган. Муаллиф «иллюстрацион» деб аталган методни кенг равишда қўллаган.

Масалан, ҳар бир асосий ҳуқуқий тизимни кўриб чиқиш чоғида у ҳуқуқнинг тарихий ёдгорликлари, ҳуқуқни қўллаш органлари бинолари, юридик касб вакилларининг бир неча ўнлаб фотосуратларини келтирган. Учинчи томнинг охирида муаллиф замонидаги ҳуқуқий тизимлар берилган.

Замонавий ҳуқуқий тизимларни тўғри тушуниш учун ундан олдин бўлган ҳуқуқий тизимларни билиш зарур, дега-нида Ж.Вигмор жуда ҳақ. Аммо ўз таснифида у ҳуқуқий ти-зимлар таснифининг синхрон ва диахрон йўналишларини аралаштириб юборган.

Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини тадқиқ қилишда, авваломбор, уларнинг таснифи тўғрисидаги масала илгари сурилади. Бизнинг тасаввуримизча, агар жаҳоншумул типология, бу давлат ва ҳуқуқ умумий назариясининг алоҳи-да ҳуқуқи бўлса, тасниф бу қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ало-ҳида ҳуқуқидир. Албатта, бу икки тур бир-бирига қарама-қарши қўйилмаслиги керак. Улар бир-бирлари билан алоқада бўлиши, бир-бирига ёрдам бериши, бир-бирини тўлдириши билан характерланади. Бунда жаҳоншумул типология тас-нифлаш учун методологик асос ролини бажаради. Таснифлаш ҳуқуқий тизимларнинг умумий белгиларини аниқлаштиради ва маълум маънода уларни шакллантиради. Жаҳоншумул типологиянинг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро алоқала-рини ҳисобга олмасдан таснифлаш мумкин эмас ва аксинча. Фақат жаҳоншумул типология ва ҳуқуқий тизимлар таснифи бирлиги жаҳон ҳуқуқий харитаси тўғрисида муфассал тасав-вур ҳосил қилишга имкон беради.

Таснифлаш асосига анча кенг ёки аксинча, анча тор бошланғич географик соҳалар қўйилиши мумкин; у тарихий (диахрон) ёки мантиқий (синхрон) характерга эга бўлиши мумкин; уни ҳуқуқий тизимлар даражасида ҳам, ҳуқуқнинг алоҳида тармоқлари доирасида ҳам амалга ошириш мумкин. Бундай таснифлашнинг турли мезонлар бўйича ва турли мақсадлар билан қурилган принципаал имкониятлари кўп эканлиги маълумдир. Таснифлашнинг турли хил юридик ме-зонларини жалб қилиш ҳуқуқий тизимлар фаолиятининг турли йўналишлари ва томонларини қамраб олиш ва бунинг натижасида ҳуқуқий ривожланишнинг айрим қонуниятлари-ни чуқурроқ очиб беришга имкон туғдиради.

Ҳуқуқий тизимлар таснифининг натижаси тизимли бирлик бўлган ҳуқуқий оила ҳисобланади. Ҳар бир ҳуқуқий оила ўзининг бевосита ўзига хос юридик аниқлаш мажмуига эга. «Ҳуқуқий оила» тушунчаси айрим ҳуқуқий тизимларнинг ўзларининг аниқ-тарихий ривожланишидаги ўхшашликлари натижаси ҳисолабнадиган ўзига хос хусусиятларини ифодалайди: тузилиши, манбалари, етакчи тармоқлари ва ҳуқуқий институтлари, ҳуқуқий маданияти, анъаналари, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, юридик тафаккури ва ҳоказо.

Қайд қилиб ўтилганидак, «ҳуқуқий оила» атамаси ҳуқуқ шаклининг нисбий мустақиллигини, ҳуқуқ мазмунининг техник ва юридик ўзига хос томонларини акс эттиради.

Таснифлаш ҳуқуқий тизимлар даражасида ҳам, ҳуқуқнинг етакчи тармоқлари даражасида ҳам бўлиши мумкин. Таснифлашнинг бу икки кўриниши бир-бирига зид эмас. Бироқ бундай фарқ маълум аҳамиятга эга, бинобарин уларнинг мезонлари ва мақсадларини аралаштириш кўп ҳолларда нотўғри хулосаларга олиб келади. Масалан, юридик адабиётда мавжуд бўлган икки қарама-қарши нуқтаи назар эътироз уйғотади. Улардан бири ҳуқуқий тизимлар даражасида бунинг учун мос келадиган таснифлаш мезонлари йўқлиги асосида таснифлашни рад этишдан иборат. Бошқа бир фикрга кўра, «ҳуқуқни тармоқлар бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқдир». Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий тизимлар даражасида таснифлаш нафақат мумкин, балки ўта зарурдир ҳам, бинобарин бу унинг ҳуқуқни тармоқлар бўйича таснифлашнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини билдирмайди.

Тармоқ таснифининг ўзига хослиги жаҳон ҳуқуқий ҳаритасига анча дифференцияли ёндашув билан белгиланади. Бунда ҳар бир алоҳида ҳолатда бир ёки икки мезон етарли бўлади. Ўзига хос мақсадлардаги ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқ манбалари, ҳуқуқни қўллаш соҳаси ва шу кабилар шундай бўлишлари мумкин. Битта ва айнан ўша ҳуқуқий тизимни ҳуқуқнинг қайси тармоғи (ёки тармоқлари) мезон сифатида олинаётганига қараб турли ҳуқуқий оилаларга киритиш мумкин. Масалан, агар хусусий ҳуқуққа асосланган Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари таснифлаш чоғида айрим тузатишлар билан роман-олмон ҳуқуқий оиласига кирсалар, конституциявий ҳуқуққа асосланган тасниф-

лашда бу мамлакатларнинг кўпчилиги умумий ҳуқуқ оиласидаги Америка гуруҳига мос келадилар. Ёки бошқа бир мисол. Скандинав ҳуқуқи роман-олмон тизимларига мойил, аммо, агар унда хусусий ва оммавий ҳуқуқ ўртасидаги чегара билинар-билинмас эканлигидан келиб чиқиладиган бўлса, у умумий ҳуқуққа яқин бўлади.

Албатта, барча тармоқ таснифланиши у ёки бу даражада ҳуқуқий тизимлар даражасида ҳам таснифлашни ифодаловчи белгиларга эга бўлади. Шундай тасаввур ҳосил бўладики, ҳуқуқий тизимлар даражасидаги таснифлаш бир неча белгилар таркибий бирлиги қўшилган асосда анча мақсадга мувофиқдир, яъни таснифлаш асосига ягона бўлган эмас, балки кўп сонли мезонлар қўшилиши керак. Мезонлар тизимидан фойдаланиш улардан бирида ўралиб қолиш эмас, балки мантиқийлик принципларига мувофиқ ҳуқуқий тизимлар турли таркибий қисмларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради.

Мезонлар тизимини танлашнинг тўғрилиги, аввало мезонлар ҳар қандай мантиқий тўғри таснифлаш олдига қўйиладиган талабларнинг бажарилиши билан белгиланади. Таснифлашда у ёки бошқа ҳуқуқий оиланинг барча ҳуқуқий тизимларига хос бўлган ўзига хос белгиларнинг акс этиши улар ўртасида асосийси ҳисобланади. Бунда шуни алоҳида қайд этиш керакки, таснифлаш мезонлари хилма-хил бўлиши мумкин.

Асосий ҳуқуқий оилаларни ажратиш учун мезонларнинг бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ учта гуруҳи муҳим ҳисобланади: ҳуқуқий тизимлар тарихи; ҳуқуқ манбалари тизими; ҳуқуқий тизим тузилиши; етакчи ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқ тармоқлари. Бу мезонлар у ёки бошқа ҳуқуқий оиланинг сифат белгиларини очиб беришга имкон яратади. Улар нафақат синхрон баён қилиш мезонлари, балки ҳуқуқий оилаларнинг диахрон таҳлили ҳам ҳисобланадилар. Ушбу ўзаро боғланган мезонлардан келиб чиқиб қуйидаги ҳуқуқий оилаларни таснифлаш мумкин: умумий ҳуқуқ оиласи, роман-олмон ҳуқуқ оиласи, скандинав ҳуқуқи оиласи, Лотин Америкаси ҳуқуқи оиласи, постсоциалистик ҳуқуқ, мусулмон ва ҳинд ҳуқуқи, одат ҳуқуқи, узоқ шарқ ҳуқуқи.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини таснифлашда яна бошқа қатор қизиқарли ва баҳсталаб масалалар ҳам бор. Булар – ҳам таснифлаш мезонлари, ҳам асосий ҳуқуқий ои-

лалар рўйхати, ҳам аралаш ҳуқуқий тизимларни аниқлаш, ҳам диний ҳуқуқий тизимлар деб аталадиганларни алоҳида гуруҳга ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала ва бошқалар.

Мазкур дарсликда таклиф қилинган таснифлаш шу тарзда гуруҳлаштирилган ҳуқуқий тизимларнинг асосий тарихий ва ўзига хос юридик хусусиятларини кўрсатиб беради. Аммо, бошқа вариация (жузъий ўзгариш)лар ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб ўйлаймиз, бинобарин, Р.Давид сўзларига кўра «ижтимоий фанлар соҳасида математик аниқликка даъво қилиш мумкин эмас».

«Ҳуқуқий оилалар тўғрисидаги таълимот расмий ҳуқуқий тизимларнинг кўп сонли ва хилма-хиллиги лабиринтида йўл кўрсатувчи юлдуз ҳисобланади».

И.Зайтаи, Француз компаративисти

6-§. Ҳуқуқий оилалар тўғрисидаги таълимот

Ҳозирги замонавий ҳуқуқий тизимларни таснифлаш тўғрисидаги масала илгари бўлганидагидан кўра кўпроқ аҳамият касб этади. Бу ҳақда ҳатто соф сон кўрсаткичлари ҳам далолат беради. XX асрда миллий ҳуқуқий тизимлар сони қарийб уч баравар ошди ва айни вақтда икки юзтага яқинлашмоқда.

Бироқ гап албатта, фақат сон ўзгартиришларида эмас. Ҳуқуқий таснифлашнинг мураккаблиги нафақат миллий ҳуқуқий тизимларнинг сўзсиз хилма-хиллигида, балки шу билан бир қаторда, ижтимоий ва тарихий ривожланишнинг нотекислиги ҳуқуқий ривожланишнинг турли босқичларида бир синхрон кесимда яшаш имкониятини шарт қилиб қўяди.

Юридик компаративистикада ҳуқуқий тизимнинг икки хил тор ва кенг тушунчасини ажратадилар. Тор маънода миллий ҳуқуқни тушунадилар, кенг маънодаги ҳуқуқий тизим деганда эса, ҳуқуқнинг келиб чиқиш манбалари, асосий ҳуқуқий тушунчалар, методлар ва ривожланиш методларини бирлаштирувчи миллий ҳуқуқий тизимларнинг анча ёки кам миқдордаги мажмуи тушунилади. Шу муносабат билан жаҳон компаративистлари, гарчи уларнинг доираларида секта, культ, ва гуруҳларни инкор этмасаларда, масалан, христиан,

ислом, будда каби асос бирлигига асосланган жаҳон динлари билан қиёслашни илгари сурадилар. Айтиб ўтилганидай, иккинчи ҳолатда атамашунослик хилма-хил. Масалан, Р.Давид «хуқуқий тизимлар оиласи» атамасидан К.Цвайгерт, К.Г. Эберт, М.Рейнстайн «хуқуқий доиралар» атамасидан кенг фойдаланадилар. «Хуқуқий оила» атамаси компаративистика адабиётида кенг қўлланилади.

Айнан хуқуқий оилалар тўғрисидаги таълимотга бағишланган ишлар жуда кам. Мавжуд барча хилма-хил ва кўп сонли ёндашув ва нуқтаи назарларда иккинчи жаҳон урушидан кейинги юридик компаративистикада замонавий хуқуқий тизимларни таснифлашнинг албатта, шартли равишда, икки асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин, уларнинг ҳар бири ўз навбатида маълум ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бир неча кўринишлардан иборат. Биринчи йўналиш Р. Давид хуқуқий оилалари моҳиятида анча ёрқин тақдим этилган, иккинчиси - К.Цвайгертнинг «хуқуқий усул»и моҳиятида.

Р.Давид учлик ғоясини илгари сурди, яъни «диний ва анъанавий тизимлар» номли остида сайёранинг бешдан тўрт қисмини қамраб оладиган, уларга қолган юридик жаҳон келиб тақаладиган уч хуқуқий оила (роман-олмон, инглиз-саксон, социалистик)ни ажратди. Унинг таснифлаши асосида икки мезон ётади: мафкуравий (бу ерга Давид дин, фалсафа, иқтисод ва ижтимоий тузилмалар омилини киритади) ва юридик қоидалар мезони, бунда улар бир-биридан ажратилган ҳолда эмас, балки биргаликда фойдаланилиши керак. Француз Университетларида «Ҳозирги замоннинг асосий хуқуқий тизимлари» ўқув курсини ўқитиш шу таснифлашга мувофиқ олиб борилади. 1950 йилда «Қиёсий фуқаролик хуқуқининг элементлар курси» китобида Р.Давид қуйидагиларни ажратиб кўрсатган: Ғарб хуқуқий тизимлари (яъни, инглиз-саксон ва роман-олмон), уларнинг асосида христиан ахлоқи, либерал демократия ва бозор иқтисоди принциплари ётади; социалистик хуқуқий тизимлар, улар социалистик иқтисод ва унга мос келадиган сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий принципларга асосланган; ислом хуқуқий тизими, у диний асосга қурилган; ҳинд хуқуқий тизими, у фалсафий ўзига хосликка эга; ниҳоят, хитой хуқуқий тизими.

Иккинчи йўналишнинг таниқли вакили К.Цвайгерт ҳисобланади. Тасниф мезони сифатида у «хуқуқий метод» ту-

шунчасини илгари сурган. Алоҳида ҳуқуқ тартиблари ва бутун ҳуқуқ тартиблари гуруҳлари ўз маълум методларига эга эканлигидан келиб чиқиб, у қиёсий ҳуқуқшунослик бу ҳуқуқий методларни аниқлашга, уларни ҳуқуқий доираларга гуруҳлашни амалга оширишга ва бу ҳуқуқий доираларда ҳал қилувчи методологик элементлар, методни ифодаловчи омилларга боғлиқ алоҳида ҳуқуқ тартибларини жойлаштиришга интилади. «Ҳуқуқий методлар» тўғрисидаги анча тўлиқ тарздаги таълимот Цвайгертнинг (Г.Кётц билан ҳаммуаллифда ёзилган) «Хусусий ҳуқуқ соҳасида қиёсий ҳуқуқшуносликка кириш» номли китобида баён қилинган. «Ҳуқуқ усули» ҳуқуқий тизимларни таснифлаш учун мезон сифатида, унинг фикрича, бешта омилдан ташкил топади: ҳуқуқий тизимнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси; юридик тафаккурнинг ўзига хослиги; маълум соҳа ҳуқуқий институтлари; ҳуқуқ манбалари табиати ва уларни шарҳлаш турлари; мафкуравий омиллар. Шу асосда Цвайгерт саккизта ҳуқуқий доирани ажратган: роман, олмон, скандинав, инглиз-америка, социалистик, ислом ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқи. Бу таснифлаш янгилик эмас ва 1950 йилда П.Армижон, Б.Нольде в М.Вольф томонидан қиёсий ҳуқуқ уч жилдлигида илгари сурилган таснифлашга асосланади. Цвайгерт таснифини К.Г.Эберт ҳам ёқлаб чиқди.

К.Г. Эберт ҳуқуқий тизимларнинг этнотарихий шаклланиши назариясига «ҳуқуқий тизимларни чеклаш ва тартибга солиш ишчи чизмалари» имкониятларидан бири сифатида мурожаат қилади. Шу назария асосида у К.Цвайгерт каби у ёки бошқа ҳуқуқий тизимнинг «умумий ҳуқуқий методини» белгиловчи 5 асосий гуруҳловчи омилларни ажратиб кўрсатади. У таъкидлайдики, этнотарихий назарияга мувофиқ ҳар бир ҳуқуқий тизим (ҳуқуқий доира) учун у ёки бошқа ҳуқуқий гоа ёки ҳуқуқ тартибининг ҳукмронлиги хос. Айтайлик, роман тизимида у француз Code Civil ҳисобланади, олмонникида – ГГУ 1897й., инглиз-американикида – инглиз Common Law, узоқ шарқникида – ҳуқуқнинг конфуциан назарияси ва ҳоказо. Кейин, алоҳида ҳуқуқий оилаларни кўриб чиқиш чоғида у Цвайгерт таснифига асосланади.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ҳуқуқий оилалар тўғрисида таълимотдаги муваффақиятларини кўрсатиш жоиз. XX асрнинг иккинчи ярмида кўплаб миллий ҳуқуқий тизимларни ўрганиш давомида олинган улкан фактологик материал асо-

сида айрим компаративистлар ҳозирги замонда ҳуқуқнинг жаҳоншумул панорамасини тор шаклда берувчи умумлаштирувчи ишларни яратишга ўтдилар. Албатта, бу панорама мавжуд бўлган ҳуқуқий амалиётга қай даражада мос келиши тўғрисида баҳслашиш мумкин. Аммо шу нарса шубҳасизки, биз ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини бир ёки икки китоб доираларида муфассал кўриб чиқишга уринишлар билан иш юритишга мажбурмиз, бу уринишлар жамланган ва яхши тизимлаштирилган шаклда берилган бой факт манбаларга асосланган. Бундай ишлар қаторига М.Ансель, Р.Давид, А.Тэнк, К.Цвайгерт, Г.Кётц, В.Кнапп, В.Златеску асарларини киритиш мумкин.

5—мавзу бўйича назорат саволлари

1. Дунёнинг ҳуқуқий харитаси нима?
2. Ҳозирги даврда ҳуқуқий тизимларни таснифлаш ва туркумлаштиришнинг юридик мезонлари қандай?
3. Қандай ҳуқуқий оилаларни биласиз?
4. Асосий ҳуқуқий оилаларнинг ички тузилишини биласизми?
5. Юридик компаративистика қайси ҳуқуқий оилаларни ажратади?

«Қиёсий ҳуқуқ халқлар ўртасида бир-бирларини ўзаро тушуниш ва халқаро ҳаётда энг яхши муносабатлар тартибини яратиш учун фойдали».

Рене Давид, Француз компаративисти.

6—мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро ҳуқуқ

1—§. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро оммавий ҳуқуқ.

2—§. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқ.

1—§. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро оммавий ҳуқуқ

Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро оммавий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг соҳалари сифатида бир-бирлари билан кўп умумийликка эга. Биринчиси турли ҳуқуқий тизимларни қиёслайди, иккинчиси эса ҳар бири ўз миллий ҳуқуқий тизимига эга бўлган халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ўртасидаги муносабатларни ўрганади ва тартибга солади. Иккала соҳа ҳам мавжуд миллий ҳуқуқий тизимларга асосланади. Албатта, шу ўхшашлик кўрсатилган фанлар фойдаланадиган методлардаги анча катта тафовутни инкор этмайди. Улар тўғрисида самарали ўзаро ҳамкорлик бўлиши мумкин ва бу ҳамкорлик уларнинг ҳар бирига фойда келтиради.

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар халқаро оммавий ҳуқуққа икки томонлама фойда келтиради. Биринчидан, халқаро ҳуқуқ томонидан фойдаланиладиган методлар, иккинчидан, унинг ички мазмуни ҳам бойитади.

Методларга келганда шуни таъкидлаш керакки, халқаро ҳуқуқ ўз миллий ҳуқуқий тизимига эга бўлган халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий тартиб бўлгани учун бу миллий ҳуқуқий тизимларни ўрганиш унинг учун қизиқиш уйғотмаслиги мумкин эмас.

Биринчи ҳолатда биз қандай органлар давлат томонидан қабул қилинадиган қарорларни шакллантириш жараёнида ушбу органларнинг роли қандай эканлиги бўйича давлат номидан мажбурият олишлари мумкинлигини билиб оламиз. Бошқача айтганда, турли мамлакатларда давлат номидан қа-

рорлар қабул қиладиган, музокаралар олиб боришга, шартномалар имзолашга ва уларни ратификация қилишга ваколатли, халқаро муносабатларда давлат манфаатини ифода-лайдиган, турли-туман халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашадиган органларни билиш керак. Ушбу масалаларни тартибга солиш халқаро ҳуқуқнинг аралашувисиз фақат давлатнинг ички ваколатига киради. Бироқ халқаро ҳуқуқ бу масалаларни инкор эта олмайди.

Масаланинг иккинчи йўналиши, яъни халқаро ҳуқуқнинг турли мамлакатлар миллий ҳуқуқини ҳисобга олиши зарурлиги тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Давлатларга мажбурият юклайдиган нормалар кам ўрнатилади, бинобарин аксарият ҳолларда халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқий тизимлар орқали амалга оширилади. Халқаро ҳуқуқнинг самарадорлигини ошириш мақсадларида нафақат унинг қатор нормаларини қўллаш зиммасига юклатилган ички давлат органлари тўғрисида, балки уларнинг ваколатлари тўғрисида, шунингдек, фаолият тартиби тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлиш керак. Бунга шуни қўшимча қилиш керакки, шартномалар имзоланиши ва давлат вакиллиги билан боғлиқ ички давлат органлари ва тадбирлари тўғрисидаги бизнинг билимларимиз талабларга жавоб беради, лекин, халқаро нормалар миллий ҳуқуқий тизимлар орқали аниқ амалий жараёнга таъсир кўрсатганда улар етарли эмасдир.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг халқаро ҳуқуққа таъсири унинг тасарруфига халқаро-ҳуқуқий актларни таъсири ва натижаларини ўрганишга имкон берадиган таклифларни тақдим этишдан иборат. Вақт ўтиши билан давлатлар халқаро ҳуқуқнинг ягона субъектлари бўлмай қолдилар. Улар билан бир қаторда ҳуқуматлараро ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳам халқаро ҳуқуқ субъектларига айландилар. Қиёсий ҳуқуқшунослик улар билан яхшироқ танишишга катта ёрдам бериши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ фани доираларида халқаро ташкилотлар умумий назариясини яратиш зарур. Буни фақат қиёсий ҳуқуқшунослик методларидан ҳуқуқ тараққиётининг қуроли сифатида фойдаланиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари тўғрисидаги масала пайдо бўлганда халқаро ҳуқуқдан мутахассис бўлган юрист учун айрим давлатлар ҳуқуқий тизимларини ўрганиш ва

қиёслаш мажбурийдир. Бу ерда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ахборот олиш ва бериш функцияси, шунингдек, фалсафий мазмундаги ҳуқуқий нормалар ва институтларнинг моҳиятини англаш функцияси кўзга ташланади.

Сўз миллий ҳуқуқ принципларини халқаро ҳуқуққа мослаштириш тўғрисида эмас, балки миллий ҳуқуқда халқаро ҳуқуқ мақсадларига мос келиши мумкин бўлган умумийликни ифодалаш тўғрисида бормоқда. Ва бу ерда халқаро ҳуқуқ қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий мақсадлари ва вазифаларига яқинлашади.

Халқаро ҳуқуқ доираларида юрисдикция органлари (инсон ҳуқуқлари тўғрисида Оврупо конвенцияси, Оврупо Иттифоқи) билан таъминланган шартнома тизимининг яратилиши ҳуқуқнинг умумий принципларидан фойдаланишнинг ўсишига ва айни вақтда аъзо давлатлар ҳуқуқий тизимларини қиёсий ўрганишнинг кенгайишига ёрдам беради.

Халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби янги тармоқларидаги қиёсий тадқиқотларнинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатишга ҳожат йўқ. Қиёсий тадқиқотлар биринчидан, турли мамлакатларнинг бир-бирларига ўхшаш соҳалари ҳаётида қандай юридик муаммолар пайдо бўлишини, иккинчидан халқаро ҳуқуқ нормаларига «ўтказиш» мумкин бўлган умумий ҳал қилиш йўллари аниқлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ қиёсий ҳуқуқшуносликка ҳам методология мақсадларида ҳам, моддий ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишда мурожаат этади.

Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшуносликнинг бир-бири билан ўзаро ҳамкорлиги масаласи, шунингдек, икки мазмунда кўриб чиқилиши мумкин, яъни техник ва моддий ҳуқуқ мазмунида. Биринчи ҳолда халқаро ҳуқуқ қиёсий ҳуқуқшунослик тасарруфига музокаралар ва умумий қарорлар ишлаб чиқиш техникасини тақдим этади, иккинчи ҳолда – халқаро ҳуқуқ шартномалар тузишнинг шаклий тартибини ҳам белгилаб беради.

Ҳуқуқий нормаларни айрим муаммолар бўйича бирхиллаштириш (унификация) қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг эҳтимол тутилган натижаларидан бири. Бундай бирхиллаштириш ёки кўпгина мамлакатлар томонидан қабул қилинади-

ган бир хил актларни ишлаб чиқиш йўли билан ёки халқаро шартнома тузиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Бирхиллаштириш амалга оширилгандан кейин, асосан юқорида кўрсатилган иккинчи ҳолатда, яъни миллий ҳуқуқ нормаларини бирхиллаштирувчи шартнома тузиш жараёнида ягона матнни бир хил шарҳлаш муаммоси пайдо бўлади. Бу ерда ҳам халқаро ҳуқуқ баҳели ҳолатларни янги музокара-лар ва янги шартномалар йўли билан ёхуд халқаро юрисдикцияга мурожаат қилиш йўли билан албатта изоҳлашни таъминлашга ва шундай техникани тақдим этишга чақиради.

Қиёсий ҳуқуқшунослик қиёсий ўрганиш тўғрисида сўз борганда мунтазам равишда халқаро ҳуқуққа мурожаат қилади. Бошқача айтганда, айрим ҳолларда халқаро ҳуқуқ нормалари роман-олмон ҳуқуқий тизими, инглиз-саксон ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқий оилалар нормалари билан фойдали таққосланиши мумкин. Бу аввало, сўз ҳуқуқ асослари ҳақида, исталган ҳуқуқий тизимнинг асосини ташкил қилувчи тушунчалар тўғрисида боргандаги ҳолатларга тааллуқлидир. Бу жиҳатдан халқаро ҳуқуқ алоҳида ўрин касб этади, бинобарин, у миллий ҳуқуқдан кўра нисбатан кам ривожланган, бироқ тез эволюциялашаётган ва трансформацияга мубтало бўлган тизим ҳисобланади. Айнан шу боис халқаро юристлар халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида, шу ҳуқуқ манбалари жавоб бериши лозим бўлган халқаро ҳуқуқ асослари, унинг мажбурий кучи, қиммати ва мезонлари каби масалаларга доимий мурожаат қилишга мажбурдирлар. Адолат, виждонийлик, олинган мажбуриятларни бажаришнинг мажбурийлиги, жавобгарлик, зарарни қоплаш, санкциялар каби масалалар бўйича халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқий тизимларни таққослаш самарали бўлиши керак.

2-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқ

Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги масалага даҳлдор барча ишларда мазкур мавзунинг илмий-назарий ва амалий долзарблиги қайд этилади. Гап шундаки, Халқаро хусусий ҳуқуқда ҳар қандай муаммони ҳал қилишда «танлашдан олдин таққослаш керак». Шунинг учун, халқаро хусусий ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқнинг муносабати тўғрисидаги масалага даҳлдор адабиёт асосан қиёсий методни қўллашга йўналтирилган эди.

Аммо, бу муаммонинг фақат бир томони. Мавзуни анча кенг тушуниш ҳам мумкин; яъни қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўзаро алоқасини махсус илмий фан объекти сифатида. Сўнггиси анча кенг масалалар доирасини қамраб олади, қатор қизиқарли назарий муаммоларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси икки моҳиятга эга.

Халқаро хусусий ҳуқуқ учун қиёсий методнинг аҳамиятига эътиборни қаратар экан, П.Каленски таъкидлайдики, бу ерда қиёсий ўрганиш фақат у соф механик қиёслаш сифатида эмас, балки борлиқни унинг кенг ўзаро алоқаларида ва ўзаро боғлиқлигида билиш имконини берадиган методлардан бири сифатида қабул қилинганда муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Қонунлар коллизияси (зид келиши)ни ҳал қилишнинг барча методлари қатор ҳолларда хорижий қонунларни қўллашни кўзда тутади. Бунда миллий ҳуқуқ нормалари хорижий ҳуқуқ нормалари билан таққосланади ҳамда «хорижий элементни» ифодаловчи аниқ муаммо қиёсий-ҳуқуқий асосда ўрганилади. Қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро хусусий ҳуқуқ тасарруфига миллий фуқаролик ҳуқуқининг мос келувчи институтларини тўғри қуришга имкон берадиган имкониятларни тақдим этади.

Агар қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўзаро алоқаларининг юқорида кўрсатилган иккинчи моҳиятига мурожаат қилсак, бу ерда аввало уларнинг битта миллий ҳуқуқий тизим доираларида чеклангани ва хорижий (чет эл) ҳуқуқга йўналтирилгани кўзга ташланади. Бироқ, ушбу ўхшашлик билан бир қаторда тадқиқот предметига ёндашувда ҳамда олинадиган билимлар табиатида маълум тафовутлар ҳам мавжуд.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг халқаро хусусий ҳуқуқ учун янада аниқроқ аҳамиятини кўрсатиш учун халқаро хусусий ҳуқуқнинг қонунлар коллизияси ёки квалификацияси сингари классик мавзуларига мурожаат қилиш кифоя. Квалификация муаммоси шунда туғиладики, бир ва ўша тушунчалар турли ҳуқуқий тизимларда бир хил бўлмаган мазмунга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бу тизимларда бир ва айнан ўша муаммо ҳуқуқнинг турли тармоқлари ёки турли ҳуқуқий институтлар томонидан тартибга солиниши мумкин. Квалифи-

кация зиддияти, аниқроғи унинг ҳал этилиши бу вазиятга жавоб бўлиши мумкин. Бунда қиёсий ҳуқуқшунослик биринчидан, кўриб чиқиладиган ҳуқуқий нормалар ва институтларнинг муносабатдорлигини, иккинчидан, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига «ўтказилиши» мумкин бўлган таъсир йўллари аниқлашга чақирилган.

Халқаро хусусий ҳуқуқ мутахассислари қиёсий ҳуқуқшуносликка катта қизиқиш билан қарайдилар. Венгер олими Ф.Мадр эса, ҳатто махсус «қиёсий халқаро хусусий ҳуқуқ» яратиш ғоясини илгари суради. «Қиёсий ҳуқуққа» йўналтирилган халқаро хусусий ҳуқуқ ўз навбатида қиёсий ҳуқуқшунослик соҳасини кенгайтиради, унга «хом ашё», келгуси қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар учун бирламчи материал етказиб беради.

Қиёсий ҳуқуқшунослик маълумотларини қўллаш учун анча қулай шарт-шароитни халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича кодификация актларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёни яратади. Бу ҳолатда Халқаро хусусий ҳуқуқ муаммолари бўйича кенг кўламли қиёсий тадқиқотлар ўтказиш имкониятлари очилади. Бунда қиёсий ҳуқуқшунослик ижобий ва салбий хорижий юридик тажрибани аниқлашга ёрдам беради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларни қўллашнинг мумкин бўлган тармоқларидан бири икки хил тарзда амалга ошириладиган бирхиллаштиришдир: кўп давлатлар томонидан қабул қилинадиган бир хил актни ишлаб чиқиш йўли билан ёки халқаро шартнома имзолаш йўли билан. Бирхиллаштириш амалга оширилгандан кейин бирхиллаштирилган ҳуқуқни бир хил изоҳлаш ва қўллаш муаммоси вужудга келади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги масала барча алоқалари ва мазмун-моҳиятлари билан биргаликда фақат бу фан соҳаларидан биринингларнинг нуқтаи назаридан ҳал қилиниши мумкин эмас. Бу ерда фан соҳалараро ёндашуви талаб этилади.

6–мавзу бўйича назорат саволлари

1. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро оммавий ҳуқуқ қандай умумийликка эга?
2. Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқий тизимга таъсири қандай?
3. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг халқаро оммавий ҳуқуқ билан ўзаро таъсирини таърифлаб беринг?
4. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқ ора-сидаги алоқаларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
5. Қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро ҳуқуқ фани билан боғлиқ қандай илмий тадқиқотларни олиб боради?

7-мавзу. Оврупо ҳуқуқи ва қиёсий ҳуқуқшунослик

- 1-§. Оврупо ҳуқуқининг ташкил топиши.**
- 2-§. Оврупо ҳуқуқининг мазмуни.**
- 3-§. Оврупо Кенгаши ҳуқуқи.**
- 4-§. Оврупо ҳуқуқий макони.**

1-§. Оврупо ҳуқуқининг ташкил топиши

Ҳуқуқ Оврупо тараққиётининг ташкил топишида ва ривожланишида катга ўрин тутган. Оврупо ҳуқуқи тарихи бу Оврупо сингари жаҳон минтақасида тарқалган ҳуқуқий институтлар, нормалар ва ғоялар тарихидир.

«Оврупо, - деб таъкидлайди швед юристи Э.Аннер, - географик жиҳатдан улкан ОвруОсиё ҳудудининг унчалик катга бўлмаган ҳуқуқлигини эгаллайди. Аммо, ернинг ушбу чекланган қисмидаги ҳуқуқ ижодкорлиги қарийб бутун дунёда ҳуқуқий нормалар, уларнинг шакллари ва мазмуни яратилишига сабабчи омил сифатида сезиларли таъсир кўрсатди. Қоидага кўра, бу таъсир ҳар бир мамлакат учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мазкур тараққиёт ривожига жараёнида қонунларни канцелярияларда, суд залларида ва олимларнинг иш кабинетлари ётади».

Оврупо ҳуқуқи тарихи одатда қабул қилинганидай юнон-рим замонидан бошлаб кузатилмайди, балки анча олис вақтдан, кейинчалик кўриниши ўзгарган, такомилланган ва аста-секин замонавий шаклга хос ва қисман давлатчиликкача бўлган ҳуқуқий муомала тажрибасига, аммо ҳаммадан кўра доимий ривожланувчи амалиётга таянадиган сунъий ҳуқуқий тизимга айланган Оврупо ва Овруподан ташқи қабилаларнинг давлатчиликкача бўлган тузилмаларида илк (ибтидоий) ҳуқуқнинг казуистика шакли пайдо бўла бошлаган замондан бошланади.

Ўрта асрларда антик замондан кейинги рим ҳуқуқи, фалсафаси ва грек полислари таълим тизими томонидан тайёрланган Оврупо ҳуқуқ тартибига асос солинган. Юридик қоидалар ривожлангани шарофатидан бу замонда ҳуқуқ қонунчилик орқали бошқариш ва юридик амалиётни назорат қилишнинг анча самарали қуролига айланган.

Ўрта асрларнинг охирида меҳнатни тақсимлаш ва ҳамкорликдаги ишни аввалгидан кўра анча самарали ташкил этиш учун шарт-шароит яратилган; шундай қилиб, жамоат тартиби соҳасида Янги даврга келиб табиий-илмий ва техник тараққиётга кўмаклашиш учун замин яратилган.

Оврупо ҳуқуқи (янги юридик ҳолат) XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. «Оврупо ҳуқуқи» тушунчаси барча Оврупо ташкилотлари, Оврупо Кенгаши (1949й.), Шимолий атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО), Ғарбий Оврупо иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР), Оврупода Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) ва бошқаларни ҳам қамраб олади. Оврупо ҳуқуқида учта Оврупо ҳамжамияти ҳуқуқи марказий ўринни эгаллайди. Булар Оврупо кўмир ва пўлат бирлашмаси (1951й.), Оврупо иқтисодий ҳамжамияти (1957й.) ва Атом энергияси бўйича Оврупо ҳамжамияти (Овруатом) (1957й.). Оврупо ҳуқуқи ривожланишида 1997 йилда жиддий ислоҳ қилинган учта Оврупо ҳамжамиятининг Оврупо Иттифоқига (ЕС) киритилиши ҳам муҳим босқич бўлди.

Оврупо ҳуқуқи деганда 1951 йилги Париж, 1957 йилги Рим, 1965 йилги Брюссель, шунингдек, 1992 йилги Маастрихт, 1997 йилги Амстердам шартномаларидан келиб чиқадиган ва Оврупо Иттифоқининг юридик ва сиёсий эволюцияси шарофатидан тобора аниқ тузилмага айланиб бораётган ҳуқуқ тушунилади. Сўз Оврупо Иттифоқининг барча мамлакатларида қўлланиладиган, бир вақтнинг ўзида миллий ҳуқуқдан устун бўлган ҳуқуқ ва ички ҳуқуқ белгиларига эга бўлган мутлоқо махсус ҳуқуқ тўғрисида бормоқда. У классик халқаро ҳуқуқдан фарқ қилиб, Оврупо Иттифоқи аъзолари бўлган мамлакатлар ҳуқуқи билан интеграциялашган мухтор халқаро ҳуқуқий тизимни ташкил этади, натижада ушбу ҳуқуқ мазкур давлатларнинг сиёсий раҳбарлари ва суд органлари томонидан бевосита қўлланилади. Баъзан Оврупо ҳуқуқи моҳиятига кўра федерал ҳуқуқ сифатида ҳам баҳоланади.

Оврупо ҳуқуқи нормалари бойиши ва ривожланиши бир кун ҳам тўхтаб қолмайдиган катта ҳажмдаги ҳуқуқий мажмуадир. Оврупо ҳуқуқи маълум юридик нормаларнинг жамланмаси сифатида ўзининг асосий ва иккиламчи бўлинмаларига, ўзининг характерли белгиларига, ўзининг мутахассисларига эга бўлган махсус юридик фан соҳасига айланди.

2-§. Оврупо ҳуқуқининг мазмуни

Оврупо ҳуқуқи институционал ҳуқуқ ва моддий (субсга-ционал) ҳуқуқ деб аталадиган икки катта қисми ўз ичига олади.

Институционал Оврупо ҳуқуқи деганда сўз асосан сиёсий, маъмурий ва юридик ташкилотлар муаммолари ҳақида боради. Бу, биринчидан, Оврупо Иттифоқининг турли органлари ва институтларининг мақоми, функциялари ва ваколатлари нормаларидир. Бундай органларга аввало ҳамжамиятнинг сиёсий органлари киради: Оврупо парламенти, Оврупо Иттифоқи ва Оврупо комиссияси. Уларга, шунингдек, сиёсий ва маъмурий характердаги консультатив муассасалар, шунингдек, суд ва назорат инстанциялари, айнан биринчи инстанция Суди, Суд палатаси ва Ҳисоб Палатаси ҳам тегишли.

Иккинчидан, институционал ҳуқуқ Оврупо ҳамжамияти доираларидаги ҳуқуқ манбалари ва юридик актлар: шартномалар ва битимлар, регламентлар, директива ва қарорларга оид нормаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, уларга ҳамжамият ҳуқуқий тизими билан ҳамжамият аъзолари бўлган мамлакатлар ички ҳуқуқий тизимларининг бирга қўшилишини тартибга солувчи нормалар киради.

Оврупо моддий ҳуқуқи эса Оврупо ҳуқуқининг туб нормаларини, яъни Оврупо шартномалари қўлланилиши тармоғига кирувчи турли соҳалардаги шахс ва гуруҳларнинг муомаласи ва фаолиятини тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, сўз Оврупо Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудудидаги шахслар, товарлар, хизматлар ва сармоялар эркин ҳаракат қиладиган ягона ички бозорни шакллантиришга қаратилган иқтисодий ҳуқуқни ташкил қилувчи нормалар тўплами тўғрисида бормоқда.

Умуман, кўриб чиқилаётган Оврупо моддий ҳуқуқи: биринчидан, Оврупо Иттифоқи иқтисодий ҳаётининг турли иштирокчиларига нисбатан амал қиладиган иқтисодий эркин тартибни белгиловчи нормаларни: жисмоний шахслар ва мулкнинг эркин ҳаракат қилишини аниқ ташкил қилиш, Оврупо Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро тенг-лик принципларини бузиш, соғлом рақобат принципларига зид ҳаракат турларига бўлган таъқиқ ва бошқаларни; иккинчидан, Оврупо Иттифоқига аъзо мамлакатларда умумий

иқтисодий чоралар ва ҳаракатлар принциплари ва нормаларини амалга оширишни ўрнатади.

Оврупо моддий ҳуқуқи Оврупо Иттифоқида амал қилувчи Оврупо Иттифоқи ваколатига мансуб ва Оврупо Иттифоқи мамлакатларининг ички ҳуқуқига интеграциялашган турли юридик фан соҳаларига дахлдор нормаларни ўрганиш билан алоқадор. Шу йўл билан секин-аста Оврупо ҳуқуқининг ихтисослашган бўлимлари шаклланди: Оврупо савдо ҳуқуқи, Оврупо солиқ ҳуқуқи, Оврупо ижтимоий ҳуқуқи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, транспорт ҳуқуқи ва бошқалар.

Оврупо моддий ҳуқуқи келгуси ягона Оврупонинг предметли ва амалий, ҳар куни қўлланиладиган, бироқ баъзида қийин ва узоқ мuddат ишлаб чиқиладиган ҳуқуқидир.

3-§. Оврупо Кенгаши ҳуқуқи

Оврупо Кенгаши 1949 йилда ўнта Фарбий Оврупо давлатлари томонидан таъсис этилган эди. Ҳозирги вақтда мазкур ташкилотга Оврупо мамлакатларининг 45 таси аъзодир.

Оврупо Кенгашининг асосий мақсади эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқларини таъминлаб бериш ва қонун устуворлигига асосланган ягона Оврупо ҳамжамиятини яратишдир. Оврупо Кенгашининг фаолияти сиёсатни уйғунлаштириш ва унга аъзо давлатларда умумий нормаларни қабул қилиш, шунингдек, ягона ҳуқуқ қўллаш амалиётини ишлаб чиқишга йўналтирилган. Шу мақсадда ўз билим ва тажрибаларини қўшиши мумкин бўлган турли даражалардаги парламентарий (депутат)ларни, вазирларни, ҳукумат экспертларини, маҳаллий ва минтақавий ҳокимият органлари, юридик ассоциациялар ва халқаро ноҳукумат ташкилотларининг вакилларини бирлаштиради.

Оврупо Кенгашининг вазифалар куйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш ҳамда уларнинг ҳимояси учун самарали бўлган назорат тизимларини яратиш;

иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши ҳамда инсон шаънининг поймол этилишига бўлган янги хавфхатарларни аниқлаш;

учинчидан, жамоатчилик эътиборини инсон ҳуқуқларининг аҳамиятига қаратиш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқларини мактабларда, олий ўқув муассасаларида ва профессионал гуруҳлар (юрислар, полиция ходимлари, пенитенциар муассасалар ходимлари ва ҳоказо) ўртасида ўрганишни рағбатлантириш.

Оврупо Кенгаши фаолияти кенг масалалар доирасини камраб олади, улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Инсон ҳуқуқлари: 1950 йилги Инсон ҳуқуқлари Оврупо конвенциясида кўзда тутилган кафолатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, унда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар мазмунини такомиллаштириш, суд процедураларини тезлаштириш

2. Жиноятчиликка қарши кураш: ушбу соҳада халқаро юридик ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини такомиллаштириш.

3. Оммавий ахборот ва алоқа воситалари: сўз ва ахборот олиш эркинлигини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни татбиқ этиш соҳасини кенгайтириш.

4. Ижтимоий масалалар: Оврупода кўпроқ ижтимоий адолатга эришишга ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилишга йўналтирилган етакчи ҳолатларни белгилаш.

5. Соғлиқни сақлаш: тиббий-санитар хизмат кўрсатиш учун умумий нормаларни қабул қилиш.

6. Атроф-муҳит: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ва ижтимоий ахборот кампанияларини ташкил этиш.

7. Маҳаллий ва минтақавий бошқарув: демократик жараёнларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ташкил этиш.

8. Ҳуқуқий масалалар: миллий қонунчиликни халқаро нормалар ва андозаларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги замонга мослаб қайта ишлаш ва уйғунлаштириш.

Оврупо Кенгашини Оврупо Иттифоқидан ва унинг органи бўлган Оврупо советидан фарқлаш керак. Страсбургда жойлашган Оврупо Кенгаши Оврупода сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, инсоний кадрятларнинг ҳимояси билан шуғулланади. Унинг

Парламент Ассамблеяси миллий парламентларга аъзо бўлган депутатлардан иборат. Иқтисодий ва сиёсий интеграцияга (бирлашув)га эришиш Оврупо Иттифоқининг бош мақсади ҳисобланади. У ўзининг таркиби, шунингдек, Оврупо Кенгашига ҳам аъзо бўлган 15 та давлатга эга. Оврупо Иттифоқининг Ассамблеяси Европа парламенти ҳисобланади.

120 дан зиёд Оврупо конвенциялари Оврупо Кенгашига аъзо давлатлар қонунчилиги учун ҳуқуқий пойдеворни ташкил этади. Уларда тартибга солинадиган масалалар, қаторига жумладан, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги масалалар доираси кенг ва кўп қирралидир, масалан, зўравонлик жиноятлари қурбонлари ҳуқуқини ҳимоя қилиш, қийноққа ва инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол этувчи муносабатларни олдини олиш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига, ҳуқуққа зид фаолиятдан даромад олишга қарши кураш ва бошқалар киради.

Вазирлар Қўмитаси, шунингдек, миллий ҳукуматлар учун ҳуқуқнинг юридик сиёсати ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таклифлардан иборат тавсиялар ишлаб чиқади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва асосий эркинликлар тўғрисидаги Конвенция (1950 й.) Оврупо Кенгашининг ўз олдига турган мақсадлари, вазифаларини амалга оширишга кўмаклашуви концептуал ва кенг қамровли ҳуқуқий акт ҳисобланади, у давлатларга инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини (кимки бу давлатлар юрисдикцияси остида турса ва инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш механизмига эга бўлса) кафолатлаш мажбуриятини юклайди. Конвенция қоидалари бузилган ҳолатда давлат ёки алоҳида шахс шикоят билан Инсон ҳуқуқлари бўйича инсон ҳуқуқлари бўйича Оврупо судига мурожаат қилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича Оврупо суди ўзининг бутун фаолияти замонида, яъни 1954 йилдан бошлаб қарийб 30000 ортиқ яқка тартибдаги шикоятларни кўриб чиқди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Оврупо суди 1959 йилда асос солингандан буён қарийб 630 та ҳукм чиқарди. Сўнгги бир неча йил давомида Страсбургдаги инсон ҳуқуқларини бўйича Оврупо судига тушаётган ишлар сонининг мунтазам кўпаяётгани кузатилмоқда.

Оврупо суди амалий ҳаракатлари натижасида Конвенциянинг тегишли нормалари ўзининг ривожини топди, бу эса ўз навбатида кўп ҳолларда миллий қонунчилик ва суд амалиётидаги ижобий ўзгаришларга олиб келди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадларида мазкур Конвенция кафолатланадиган ҳуқуқларни кенгайтириш ва мавжуд процедураларни такомиллаштириш йўналишидаги протоколлар билан мунтазам тўлдирилади ва ўзгариб боради.

Оврупо конвенциясининг ўзига хос хусусияти шу ҳисобланадигани, Конвенция матни бўйича ҳеч қандай тухмат қилишга йўл қўйилмайди. Бу Конвенция барча турдаги озодликдан маҳрум этиш жойларига исталган вақтда боришга ваколатли мустақил ва холис экспертлардан иборат Кўмитага асос солди. Кўмита бундай ташрифлар натижалари бўйича тегишли давлатга маъфий маъруза тайёрлайди. Агар Конвенцияга қатнашувчи давлат Кўмитанинг тавсияларини эътиборга олмаса, у ҳолда Кўмита бу ҳақда очиқ баёнот билан чиқиши мумкин.

Ушбу ва бошқа Оврупо конвенциялари миллий қонунчиликни бирхиллаштириш, суд жараёнини соддалаштириш ва тезлаштириш йўли билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва адлия органлари иш самарадорлигини ошириш каби мақсадларга эга.

Оврупо Кенгашининг халқаро-ҳуқуқий нормалари ва Оврупо Кенгашига аъзо давлатлар миллий ҳуқуқи нормалари ўзаро алоқада ва ўзаро боғлиқ. Бундай ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро муносабатлари шуни билан характерланадигани, Оврупо Кенгаши ҳуқуқи ва миллий ҳуқуқ бир-бирини тўлдирадилар ва ўзаро бойитадилар. Миллий ҳуқуқ Оврупо Кенгаши конвенцияларининг асосий манбаи ҳисобланади. Уларда миллий ҳуқуқий тизимлар ва давлатлар томонидан эришилган ҳамда демократия, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси тўғрисидаги жаҳон тараққиётининг бутун ривожини давомида ишлаб чиқилган умуминсоний тасаввурлардан келиб чиқиб давлатлар томонидан амалиётда синовдан ўтиб тасдиқланган афзалликлар мустаҳкамланган. Оврупо Кенгашига аъзо давлатларнинг қонунчилиги ҳам юридик мажбуриятлар, ҳам Оврупо Кенгашининг тавсия берувчи актлари ҳисобига қурилади.

Миллий ҳуқуқ тизимлари ва Оврупо Кенгаши ҳуқуқ тизимининг ўзаро алоқаси, шунингдек, аввал миллий ҳуқуқий тизимларда амалга киритиладиган ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Оврупо судида ниҳоясига етиши мумкин бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари процедуралари орқали намоён бўлади. Шикоятларни асослаш ва уларни Оврупо ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизмларида кўриб чиқишининг қонунийлиги фақат Оврупо Кенгаши ҳуқуқи томонидан белгиланади.

4-§. Оврупо ҳуқуқий макони

Оврупо ҳуқуқий макони нуқтаи назарига келиш йўли осон бўлмади: бу тушунчанинг ўзидан кўра ҳам унинг замирида ётган турли давлатларнинг ўзаро муносабатлари, «совуқ уруш» оқибатларини тугатиш, давлатлараро муносабатларни сиёсатдан ҳоли қилиш каби мураккаб муаммолар қийин кўринган эди.

Янги сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур юзага келганлигини фақат Оврупо ҳуқуқий макони нуқтаи назари пайдо бўлганлиги билан боғлаш ярамайди. Бизни қуршаб турган ягона ва бир-бирига боғлиқ бўлган жаҳонга инсон орқали, унинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда қарашнинг илдизлари бутун жаҳон, хусусан Оврупо маданий тараққиётининг бошларига бориб тарқалади.

Албатта, Оврупо ҳуқуқий макони маъносини бугунги кунда тушунишни аниқ манбалари ҳам бор. Оврупо ҳуқуқий маконининг ҳозирги тушунчаси инсон ҳуқуқлари муаммоси асосида юзага келган. Агар XX асрнинг ўрталаригача инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳамма нарса фақат ҳар бир давлатнинг ички ваколатидир, деб таъкидлаб келинган бўлса, энди инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва ҳурмат билан қараш даражасини белгилаши мумкинлиги ҳам ҳамма жойда тан олинмоқда.

«Оврупо ҳуқуқий макони»га ҳамоханг равишда умумоврупо жараёни ҳуқуқий нуқтаи назар сифатида Хельсинкида 1975 йилда Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши (ОХХК)да туғилди. Оврупо ҳуқуқий макони ғояси, француз профессори М. Лесажнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари соҳасида Оврупода Фарб-Шарқ муносабатларининг учинчи босқичига йўл очиб берди.

Агар биринчи босқич Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилиниши билан бошланган бўлса, иккинчи босқич Хельсинкидаги Яқунловчи ҳужжат билан бошланган. Уни имзоланган давлатлар, ғояларнинг хилма-хиллигини эътироф этган ҳолда, биринчидан, ҳар бири ўз ҳудудида амалга оширадиган мажбуриятларни қабул қилишга; иккинчидан, ўз мамлакатада инсон ҳуқуқларига риоя қилинаётгани ёки риоя қилинмаётгани ҳақида халқаро ҳамжамият олдида ҳисоб беришга рози бўлдилар. Учинчи ҳозирги босқич эса барча Овруро давлатларида бир хил шарҳланадиган умумий ҳаракат дастурини мантиқан аниқлашга қаратилган.

«Овруро ҳуқуқий макони» тушунчаси Овруро давлатларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида ва ўзаро муносабатларда улар ҳамкорлигининг турли ҳуқуқий шаклларида эришилган барча ижобий ўзгаришларни ўз ичига олади. Шу билан бирга Овруро ҳуқуқий макони уларни нафақат халқаро ҳуқуқ ёрдамида, балки Овруро миллий ҳуқуқий тизимларини мутаносиб равишда ривожланиши йўли билан ҳам янада такомиллаштиришни кўзда тутлади.

Овруро ҳуқуқий макони давлатдан юқори турадиган қандайдир Овруро ҳуқуқи пайдо бўлишини билдирмайди. Гап Овруродаги миллий давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг турли шаклларини ишлаб чиқиш, уларнинг қонунчилик меъёрларини яқинлаштириш, аниқ умумҳуқуқий муаммоларнинг замонавий ечимларини қидириб топиш ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатлар фақат инсон ҳуқуқлари муаммолари билан чекланиб қолмайди, балки унинг доирасидан анча четга чиқади. Ҳозирги даврда турли Овруро мамлакатлари қонунчилигини яқинлаштириш пишиб етилган ва зарурат ҳисобланадиган ҳуқуқий тартибга солиш соҳалари мавжуд. Бу хиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, технологияларни бериш, эркин тадбиркорлик ҳудудлари ва бошқаларни тартибга солиш муаммоларидир.

Ягона ҳуқуқий макон сифатидаги Овруро ғояси узоқ келажакка мўлжалланган. Ижтимоий-сиёсий қурилишда, ҳуқуқий тизимларда ва маданий-тарихий анъаналарда сақланиб қолаётган фарқлар Овруроода хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги ҳамкорлиги имкониятларини чеклаб қўймоқда. Аммо шу билан бир вақтда умумоврупо жараёнининг келгу-

сидаги ривож и умумврупо ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқишни ва қонунлар мажмуасини тузишни, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳаётнинг турли жабҳаларида Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар орасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи шартномалар, битимлар конвенциялар, турли умумврупо ташкилий тузилмалар инфратузилмасининг ўсиб кетишини назарда тутди. Оврупо ҳуқуқий маконининг қиёсий ҳуқуқшунослик учун аҳамияти худди шу жиҳатлари билан белгиланади.

Давлатлар, яъни Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо субъектлар ўзаро муносабатларининг барча соҳалари амалда ҳуқуқий тартибга солиш объектлари эканлигини назарда тутган ҳолда «Оврупо ҳуқуқий макони» тушунчасини инсонийлик ўлчовлари тўғрисидаги Конвенция доирасидагина эмас, балки Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг барча мажмуасига нисбатан ҳам қўллаш ўринли бўлади.

Ягона Оврупо ҳуқуқий макони Оврупо мамлакатлари ва умумврупо жараёнида қатнашадиган АҚШ ва Канада миллий ҳуқуқий тизимларини бирлаштирадиган ва «умумврупо уйи»нинг ҳуқуқий асосларини таъминлайдиган минтақавий ҳуқуқий тизимдир. «Оврупо ҳуқуқий макони» тушунчаси илгари, хусусан Хельсинкидаги Яқунловчи ҳужжат (акт) қабул қилиниши (давлатларнинг ўзаро алоқаларини фақат ҳуқуқий асосда ташкил этиш, халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва давлат ички қонунчилигида унинг принциплари ва меъёрларини тан олиш ва ҳ.к.) муносабати билан пайдо бўлган давлатлар бир-бирларини ўзаро тушунишга ва ҳамкорликка йўналтирилган барча ҳуқуқий кўрсатмаларни ўз ичига олади. Лекин бу тушунча анча кенгроқ ва янги ҳолатни, аниқроғи, умумврупо ҳуқуқий умумийлиги зарур бўлган дастлабки шартшароитларни ҳисобга олиши зарур, буларсиз «Оврупо - бизнинг умумий уйимиз» деган шиор маънога эга эмас. Бу устмиллий хусусиятга эга бўлган умумий ҳуқуқ эмас, балки умумврупо жараёнлари доирасида давлатларнинг сермазмун ўзаро алоқаларини таъминлаб берадиган ҳуқуқий тусдаги энг зарур кўринишларини (минимумни) излаш ва яратишдир. Бу ерда бизни конвергенция (яқинлашиш) айбашлари мумкин. Лекин, биринчидан, бу бутунлай конвергенция эмас, иккинчидан эса, бундан қўрқиш керак эмас. Агар илгарилари, дав-

латлар ҳамкорлиги ва яқинлашуви тўғрисида гапирилганда асосий эътибор халқаро ҳуқуққа ва уни ривожлантиришга қаратилган бўлса, эндиликда бунга ҳуқуқий давлатчилик томон йўналтирилган миллий ҳуқуқий тараққиётни ҳам қўшиш лозим.

«Оврупо ҳуқуқий макони» нуқтаи назари Оврупо давлатларида қонун устуворлиги, қонунчилик омиллари асосида фаолият кўрсатадиган, уларда давлат ва фуқаро орасидаги ҳуқуқий муносабатлар кафолатланган, ҳуқуқий барқарорлик ва шахс хавфсизлиги таъминланган ҳуқуқий давлатлар мавжуд бўлиши лозимлигини фараз қилади. Оврупо ҳуқуқий макони шаклланишининг ҳозирги босқич турли давлатларнинг ҳуқуқий меъёрларини тўла равишда бир хил бўлишини эмас, балки фақат яқинлашишини кўзда тутаяди. Ҳатто турли давлатларнинг ҳуқуқий меъёрларида яқинлашув содир бўлган соҳалар (экология)да ҳам янада мукамал ҳуқуқий методлар яратилишига эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Оврупо давлатлари ҳуқуқини яқинлаштиришни таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий маконнинг тушунчавий методини ишлаб чиқиш талаб этилади. Шу билан бирга илгариги совуқ муносабатлардан ҳамкорлик қилишга ўтишни таъминлайдиган тузилма ва тартиблар аниқланиши зарур. Юрист олимлар Оврупо ҳуқуқий маконининг бир неча таҳлилий даражаларини ажратадилар: ҳуқуқий оила, ҳуқуқий давлат, халқаро ташкилотлар доираларида ҳамкорлик қилиш, халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Оврупо ҳуқуқий макони асосларини яратишнинг асосий йўналишлари, бизнинг назаримизда қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

биринчидан, халқаро ҳуқуқ ва унинг тараққий этиши;
иккинчидан, шунга мутаносиб равишда миллий қонунчилик, суд амалиёти ва ҳуқуқларнинг ривожланиши;
учинчидан, ҳуқуқий тизимларни, яъни чет эл қонунлари, бошқа давлатларнинг парламентар, маъмурий ва суд тузилишлари орасидаги умумийлик ва бартараф этиладиган фарқларни аниқлаш воситаси сифатида уларни қиёсий ўрганиш.

«Оврупо ҳуқуқий макони» бежиз «Оврупо иқтисодий макони»ни белгилаган эмас. Ҳуқуқий тизимлар иқтисодий тизимларга нисбатан бир-бирига яқинроқ бўлади. Бу ерда ҳу-

қуқий шаклнинг нисбатан мустақиллиги, катта ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлиги яққол кўриниб турибди.

Оврупо ҳуқуқий маконига қараб ҳаракат қилиш ОХХҚ давлатлари қонунлари ва ҳуқуқий меъёрларининг, аввало давлатлар ва халқлар орасидаги ҳамкорлик ва ўзаро алмашувлар ривожланишини тартибга солиб турувчи ёки қандайдир бошқа ҳолатлар воситасида улар билан боғланган меъёрларнинг аста-секин яқинлашадиган ва ўзаро мослашадиган узоқ давом этадиган жараёндр.

Оврупо ҳуқуқий макони нуқтаи назарини амалга оширишнинг умумий ўлчамлари ва аниқ йўлларини белгилаб олишда Оврупо Кенгаши ва Оврупо ҳамжамиятлари доирасидаги ҳуқуқий интеграцияга эришиш борасидаги мавжуд ҳуқуқий тажрибани диққат билан ўрганиш фойдали бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда қандайдир меъёрларни, агар улар мавжуд бўлса, «ишлаётган» ва ўзларини тажрибада оқлаган бўлсалар, янгидан ўйлаб топиш зарурати ўз-ўзидан тушиб қолиши турган гап. Хельсинки жараёни доирасида давлатларнинг ички қонунчилигини уйғунлаштириш бўйича инсон ҳуқуқлар, гуманитар ҳамкорлик соҳасида умумоврупо шакллари билан мувофиқлаштирилган маълум андозалар аллақачон шаклланган ва бу йўлнинг афзаллиги исботланган.

Давлатларга халқаро нормаларни зўрлаб тиқиштирмасдан, ички норма ва институтларни халқаро нормаларга алмаштирмасдан, ҳуқуқий тизимларнинг ўзига хос хусусиятларига шикаст етказмасдан (улар ўрталарида тафовутлар сақланаётган, жумладан инглиз-саксон ва роман-олмон ҳуқуқий оилалари ўртасида) ҳар бир у давлат ўз қонунчилигида ундан пастга тушиши керак бўлмаган демократиявийликнинг ҳуқуқий андозаларини белгилайди. Умумий Оврупо ҳуқуқий макони гоёси амалда аллақачон бошланган ушбу жараёнга анча изчил ва маълум мақсадга йўналтирилган хусусият беришга қодирдир.

Қиёсий ҳуқуқшунослик Оврупо ҳуқуқий макони доираларида учта муаммони ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Биринчидан, ҳуқуқий давлатлар, аввало, Оврупо мамлакатлари тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиш йўли билан керакли мезонларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий давлатни оддий давлатдан фарқлаш имконини берувчи юридик андозаларни ўрнатиш.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида умумоврупо андозаларини такомиллаштириш.

Хельсинки жараёни давомида айрим ҳуқуқлар эмас, балки инсоннинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлари биринчи навбатда кўриб чиқилиши зарур.

Венада қабул қилинган «ЕХХТ инсонийлик ўлчови» ҳужжатининг якунловчи бўлимида инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлар ҳамкорлигини ривожлантиришга имкон яратадиган иш тартиблари яратилган. У Вена иш тартиблари деб аталади. Сўз шу ҳақда бормоқдаки, давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга риоя қилиниши ва инсонлар ўртасидаги алоқалар ҳамда инсонпарварлик хусусиятига эга бошқа муаммоларга доир ахборот алмашадилар. Вена шартномаси асосида ЕХХТнинг инсонийлик ўлчовлари бўйича Конференциясининг учта учрашувини ўтказишга қарор қилинди: улардан биринчиси 1989 йил май-июнь ойларида Парижда ўтди, иккинчиси 1990 йил июнда Копенгагенда, учинчиси эса 1991 йил кузда Москвада бўлиб ўтди.

Ниҳоят, учинчи муаммо инсонийлик ўлчовларига доир масалаларда ҳамкорликни такомиллаштиришдир. Бизнинг фикримизча, бундай назорат иш тартиблари келгусида инсон ҳуқуқий ҳимоясининг ўз хусусиятига кўра миллий воситаларни алмаштирмайдиган, бироқ маълум даражада уларни назорат қилувчи ҳамда аниқ ишга жалб қилувчи қўшимча халқаро восита сифатида янада катта роль ўйнайди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва асосий эркинликлар бўйича 1950 йилги Оврупо конвенциясига мувофиқ, Оврупо Кенгаши аъзолари бўлган 45та давлат ўзларининг юрисдикциялари чегараларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга риоя қилишга мажбурдирлар. Бу Конвенция инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимларини алмаштириш учун эмас, балки, авваломбор, Конвенция талабларининг ички давлат ҳуқуқий нормаларига қўшилиб кетилишида намоён бўладиган миллий ҳуқуқий тизимларда ўрнатилган нормаларга халқаро кафолатларни таъминлашни амалга оширишга йўналтирилган. Аммо, имплементация жараёни турли давлатларда турлича амалга оширилган. Баъзи мамлакатларда ички қонунчилик юқоридаги Конвенция талаблари билан мос ҳолатга келтириш мақсадида ўзгартирилди, бошқа давлатларда Конвенция нормалари миллий қонунчиликка киритил-

ди, натижада ҳар бир фуқаро бу халқаро шартнома талабларига асосланиб шикоят ва даъволарни миллий суд ёки маъмурий органга бевосита мурожаат этиш имкониятига эга бўлди. Конвенция амал қиладиган ҳудудларда миллий ҳуқуқ унга зид бўлмаслиги керак.

Ягона Оврупо ҳуқуқий маконинг моҳиятини ишлаб чиқиш муносабати билан навбатдаги долзарб тадқиқот йўналишларини кўрсатиш мумкин:

биринчидан, Оврупо асосий ҳуқуқий тизимлари бўлмиш, роман-олмон ҳуқуқий оиласи, умумий ҳуқуқ оиласи, скандинав ҳуқуқий оиласи, пост социалистик ҳуқуқ оиласининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш йўналишларини қиёсий ўрганиш;

иккинчидан, Оврупо ҳуқуқий маконининг асосий қисми сифатида ҳуқуқий давлатнинг Оврупога хос йўналишларини ишлаб чиқиш, унинг асосий ўзига хос хусусиятлари, характерли белгилари ва мезонларини ажратиб кўрсатиш (масалан, ҳуқуқий барқарорлик, сиёсий либерализм, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат, ташқи алоқаларда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид солишдан воз кечиш, юзага келадиган баҳсларни ҳуқуқий асосда ҳал қилиш йўллари ва бошқалар);

учинчидан, Оврупо халқаро ташкилотлари ҳуқуқий фаолияти ва уларнинг Оврупо ҳуқуқий макони тизимларини яратишдаги ролини тадқиқ этиш;

тўртинчидан, Оврупо ҳудудда жойлашган халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ҳамкорликни Оврупо ҳуқуқий макони даражаларидан бири сифатида тадқиқ этиш;

бешинчидан, умумоврупо жараёнининг ҳуқуқий жиҳатларини унинг барқарор ташкилий-ҳуқуқий асослари бўлган Оврупода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг сиёсий институтлари, доимий органлари ва муассасалари фаолиятини ўрганиш.

Оврупо ҳуқуқий маконининг келгуси ривож, фикримизча, умумоврупо ва миллий даражада рўй беради. Умумоврупо даражасида ягона ҳуқуқий макон ғояларининг аниқ мазмун-моҳият билан тўлдирилиши аёнки, ҳам янги сиёсий-ҳуқуқий тузилмаларни шакллантиришни, ҳам мавжуд минтақавий ташкилотларга ва халқаро-ҳуқуқий битимларга умумоврупо

хусусиятларини беришни кўзда тутати, миллий даражада эса ички қонунчиликни халқаро, шу жумладан умумврупо нормалари ва мажбуриятлари билан мос ҳолга келтириш. Бу Оврүпода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг улар ўртасидаги ўзаро алоқалар, иқтисодий муносабатлар, инсонпарварлик соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига ҳалақит берадиган ҳуқуқий нормалардаги мавжуд номувофиқликларга барҳам беришга имкон яратади.

Иқтисодий ҳамкорлик йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда Оврүпо давлатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда қуйидагилар диққатга сазовордир: қўшма корхоналар фаолияти учун бир хил тарздаги ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш; хорижий сармоялар, капитал киритувчининг ҳуқуқий мақоми, қўшма корхоналарга улуш сифатида хорижий сармоядорларга тақдим этиладиган технологияларни бериш ва уларни муҳофаза қилиш, эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини тартибга солувчи битимларни ишлаб чиқиш; ҳиссадорлик ҳуқуқини ишлаб чиқиш.

Ягона ҳуқуқий макон гоёси, шунингдек, экология хавфсизлиги Оврүпо минтақавий тизимининг ҳуқуқий асосини яратишни кўзда тутати. Бундай тизимни яратиш бўйича умумврупо андозалари тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни, унинг асосий қисмлари учун миллатлараро назорат қисмларини ҳамда унинг андозалари кетма-кет бузилгани учун санкциялар киритишни мисол сифатида келтириш мумкин. Оврүпо ҳуқуқий маконининг моҳияти ички жараёнларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, келгуси демократлаштириш учун қўшимча рағбатлантирувчи омиллар яратади. Орқага қайтадиган бу алоқа миллий қонунчиликни халқаро мажбуриятлар, шу жумладан, Вена шартномалари билан мувофиқ ҳолга келтириш бўйича ишларда намоён бўлади. Шу муносабат билан қиёсий ҳуқуқшунослик ҳам аллақачон рўёбга чиқарилган ишларни, ҳам ички қонунчиликда энди ифодаланиши лозим бўлганларни қайд этувчи ўзига хос жанр вазифасини ўтайдиган иш тартиби бўлишга чақирилган.

7—мавзу бўйича назорат саволлари

1. Оврупо ҳуқуқининг вужудга келиши шарт-шароитларини тушунтириб беринг.
2. XX асрда компаративистика Оврупо ҳуқуқига қандай таъсир кўрсатди?
3. Оврупо ҳуқуқининг мазмунини ёритиб беринг.
4. Оврупо ҳуқуқий маконида қандай ҳуқуқий оилалар бор?
5. Оврупо ҳуқуқий ривожланиш истиқболлари қандай бўлиши мумкин?

«Хорижий ҳуқуқни билишнинг нафақат илмий, академик қизиқишгина эмас, балки амалий эҳтиёж ҳам талаб этади. Одамлар, товарлар ва сармоялар ҳаракати мамлакатлар чегарасидан ташқарига чиқиб бормоқда.

Барча соҳаларда халқаро муносабатлар муҳимлиги йил сайин ўсиб бормоқда. Башарти миллий чекланганлик доирасида ва ўз куч-қудратига маҳдиё бўлишнинг асири бўлиб қолинадиган бўлса, ушбу муносабатлар учун ҳуқуқий асос тайёрлаш вазифаси бажарилмай қолади. Халқаро ҳамкорликни, мавжуд бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурияти, бизнинг хорижий ҳуқуқий тизимларга ниҳоятда диққат-эътибор беришимизни тақозо этади».

Рене Давид, Француз компаративисти

«Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий жиҳатларидан бири – бу ҳозирги дунё ҳуқуқий харитасини атрофлича ўрганишдир.

В.А.Туманов, Қиёсий ҳуқуқ Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси

МАХСУС ҚИСМ:

ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

«Роман-олмон ҳуқуқий тизимлари оиласи Оврүпода пайдо бўлган. У Оврүпо Университетларининг саъй-ҳаракатлари натижасида шаклланган. Ушбу Университетлар XII асрдан бошлаб император Юстинианнинг кодекси негизида ҳозирги замон шароитларига мослаштирилган ҳамда ҳамма учун умумий бўлган ҳуқуқшунослик фанини ишлаб чиққанлар ва ривожлантирдилар».

Рене Давид, Француз компаративисти

БИРИНЧИ БЎЛИМ.

РОМАН-ОЛМОН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

«1804 йилги фуқаролик кодекси француз фуқаролик ҳуқуқининг пойдевори бўлибгина қолмасдан, балки бутун роман ҳуқуқий оиласининг хусусий ҳуқуқини кодекслаштириш учун классик намуна бўлиб ҳам хизмат қилди.»

К.Цвайгерт, Х.Кётц, Немис компаративистлари

8-мавзу. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи

1-§. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи тушунчаси, шаклланиши ва унинг ёйилиши.

2-§. Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг тузиамаси.

3-§. Роман-олмон ҳуқуқининг манбалари.

4-§. Франция ва Олмония ҳуқуқий гуруҳи.

1-§. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи тушунчаси, шаклланиши ва унинг ёйилиши

Роман-олмон ҳуқуқий оиласига Рим, каноник ва маҳаллий ҳуқуқий анъаналар асосида Европа қитъасида шаклланган ҳуқуқий тизимлар тегишлидир.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласи – бу Рим ҳуқуқий меросидан фойдаланган ҳолда ташкил этилган ва тузилманинг умумийлиги, ҳуқуқ манбалари ҳамда юридик тушунчаларнинг ўхшашлиги билан бирлашган ҳуқуқий тизимлар мажмуидир.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласи бой ва сермазмун юридик тарихга эгадир. У XII-XVI асрларда Юстинианнинг Кодекси негизида кўпчилик Европа мамлакатлари учун умумий бўлган ҳуқуқшунослик фанини яратган Италия, Франция ва Олмония Университетларида Рим ҳуқуқини ўрганиш асосида шаклланган. «Рим ҳуқуқи рецепцияси» деб ном олган жараён юз берган¹. Дастлаб ушбу рецепция назария (доктрина) шаклида намоён бўлган, яъни Рим ҳуқуқи бевосита қўлланил-

¹ Рецепция (лотинча-тушунча) – бу Рим ҳуқуқи ижтимоий-ҳуқуқий ривожланишининг юқорикор даражасида янги муносабатларни тартибга солиш учун яроқли бўлган меъерий, ғоявий-назарий мазмуни амал қилишини тиклаш (танлаш, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва ўзлаштириб олиш)дир

маган, унинг тушунчалари, анча ривожланган тизими, ички мантиги ва юридик техникаси ўрганилган. Чиндан ҳам Рим ҳуқуқи инсоният ҳуқуқий маданиятининг сўнмас бойлигидир.

«Роман-олмон атамаси лотин ва олмон мамлакатлари Университетларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларига хизмат маъносида танланган. Инглиз тилида сўзлашадиган миллатлар юридик адабиётида ишлатиладиган «қитъа ҳуқуқи», айниқса «фуқаролик ҳуқуқи» (Civil Law) қаттиқ танқидга учрайди.

Роман-олмон оиласининг шаклланиши. Р.Давид роман-олмон ҳуқуқий оиласи ўзининг тарихий ривожланишида давлат ҳокимияти фаолиятининг маҳсули бўлмасдан (унинг Буюк Британия умумий ҳуқуқи шаклланишидан фарқи шунда), балки сиёсатдан мустақил бўлган маданият маҳсули бўлганлигини таъкидлайди. Агар бу рецепция дастлабки, доктрина босқичига нисбатан қайсидир даражада тўғри бўлса, иккинчи босқич ҳақида бундай деб бўлмайди.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг шаклланиши ҳуқуқнинг иқтисодий ва сиёсат билан алоқаларининг умумий қонуниятига бўйсунган эди ва ўрта асрлар жамиятидаги товар-пул муносабатлари бўлмиш мулкчилик муносабатлари, айирбошлаш, дастлабки жамғариш, ноиқтисодий мажбурлашдан иқтисодий мажбурлашга ўтиш ва ҳоказоларнинг мураккаб жараёнини ҳисобга олмасдан тушуниш мумкин эмас.

Натурал хўжалик ҳукмронлик қилган, бозор учун ишлаб чиқариш ва савдо-сотик кенг ёйилмаган ўрта асрлар Европасида Рим ҳуқуқига эҳтиёж бўлмаган. Бироқ, дастлаб Италияда, кейинроқ эса бошқа мамлакатларда савдо ва саноат хусусий мулкни ривожлантиргандан кейин, пухта ишлаб чиқилган Рим хусусий ҳуқуқи ўша заҳоти тикланган ва обрў-эътибор қозонган.

Рим ҳуқуқи хусусий мулк ҳукмронлик қиладиган жамиятнинг ҳаётий шароитлари ва мажораларининг классик ифодаланишидир. Ушбу ҳолат Рим ҳуқуқининг ўрта асрлар Европасида ривожланаётган товар-пул муносабатларига асосланиши имконини берган. Рим ҳуқуқи оддий товар ишлаб чиқаришнинг тугалланган ҳуқуқидир, бинобарин – капитализмгача бўлган ҳуқуқдир; ушбу ҳуқуқ, бироқ, янги замон ҳуқуқий муносабатларининг катта қисмини қамраб олган. Шундай

экан, у шаҳарлар пайдо бўлиши замонида шаҳарликлар маҳаллий одат ҳуқуқидан топмаган улар учун айна зарур бўлган ҳуқуқдир.

Рим ҳуқуқининг рецепцияси ўрта асрлардаёқ Европа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг ҳуқуқий доктринаси ва юридик техникасини муайян ўхшашлик касб этишига олиб келган. Католик динининг ҳуқуқи Каноник ҳуқуқнинг таъсири мана шу тарзда намоён бўлган.

Буржуа инқилоблари ҳуқуқнинг ижтимоий табиатини ўзгартирган, ўрта асрлар ҳуқуқий институтларини бекор қилган, қонунни роман-олмон ҳуқуқининг асосий манбаига айлантирган. Қонун ягона миллий ҳуқуқий тизимни яратиш, феодал ўзбошимчалikka қарши қонунийликни таъминлаш учун энг мақбул восита сифатида қабул қилинган. Ҳуқуқ – қўпол кучнинг муқобили, ҳуқуқнинг қўлланилиши эса барчанинг барчага қарши урушидир. Ҳуқуқий маданият тарихнинг ҳамма даврларида пайдо бўладиган низоларни тинч йўл билан ҳал этишга ёрдам бериб келган.

Роман-олмон ҳуқуқининг асосий манбаи сифатида қонуннинг муҳим аҳамиятини белгилаб берган ҳолат ҳуқуқни кодекслаштириш имконияти ва зарурлигини келтириб чиқарган. Ҳуқуқ кодекс тузиш йўли билан тизимга айлантирилади, унга бамисоли муайян принциплар сингдирилганидек таассурот қолдиради.

Кодекс тузиш ҳуқуққа аниқлик бахш этган, унинг амалда қўлланилишини анча енгиллаштирган, Европада шакллланган ҳуқуқий норма ва умуман ҳуқуқни тушунишнинг манتيқий тугалланиши бўлган. Кодекс тузиш яхлит ҳодиса сифатида роман-олмон ҳуқуқий оиласи шаклланишини яқунлаган. Француз кодексларининг аҳамияти айниқса салмоқли бўлган. 1804йилги Наполеон кодекси номи билан машҳур бўлган фуқаролик кодекси (Code Civil) Европа қитъасининг кўпчилики давлатларида ва ундан ташқарида роман-олмон ҳуқуқи қарор топишига катта таъсир кўрсатган. Рим ҳуқуқининг Олмонияда рецепция қилиниши 1900 йилги Олмония фуқаролик мажмуи (Burgerliches Gesetzbuch)дек йирик қонунчилик ёдгорлигида ўз аксини топган. Унинг асосини Рим ҳуқуқи ютуқларини ўзлаштириб олган немис ҳуқуқи ташкил этган. Рим ҳуқуқи Олмония фуқаролик ҳуқуқига ҳам таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб, роман-олмон ҳуқуқий оиласи дастлаб Фарбий Оврупода шаклланган. Унинг номидан ҳам кўриниб турганидек, Франция ва Олмония ҳуқуқий тафаккури ва қонунчилиги ушбу тизимнинг яратилишига энг кўп ҳисса қўшган. Наполеон кодекси ва Олмония фуқаролик мажмуида роман-олмон ҳуқуқий оиласи сермазмун равишда баён этилган.

Болония ва Италия университетларининг профессорлари, Испания ва Португалия кодекс тузувчилари, голландиялик олимлар Б.Спиноза, Г.Гроций, Италиялик Ч.Беккария ва бошқа кўплаб олимларнинг асарлари орқали амалдаги ҳуқуқ роман-олмон ҳуқуқи асосида шаклланган.

Европа давлатлари ҳуқуқи назариясига тегишли доктринанинг муҳим аҳамияти ва унинг ривожланиши юқоридаги университетларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Университетларнинг профессорлари Рим ҳуқуқини талқин қилишда унчалик ваколатли ҳисобланмаган судьяларга қисман замонавийлаштирилган Рим ҳуқуқини тақдим этишган. Судьялар Рим ҳуқуқи ривожлантирилиши натижаларининг ғоявий-назарий, юридик-техник ютуқларини, фуқаролик ҳуқуқи тузилмаси ва унинг бир қатор институтлари ишлаб чиқирилишини қабул қилишган.

Кейинчалик Европа давлатлари ўз ҳуқуқий тизимларини Америка, Осиё ва Африкадаги мустамлакаларига олиб ўтишган. Айрим давлатлар роман-олмон ҳуқуқидан тушунчалар, институтлар ва ҳатто бутун-бутун соҳа тушунчаларини ихтиёрий қабул қилишган.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг дунёга ёйилиши. Ҳозирги вақтда роман-олмон ҳуқуқий оиласи Фарбий Европа қитъаси мамлакатларининг, Марказий ва Жанубий Америкадаги кўпчилик давлатларнинг (Испания, Португалия ва Франциянинг мустамлакалари) ҳуқуқини, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Таиланд ва Осиёнинг бошқа айрим мамлакатлари ҳуқуқини қамраб олади. Африкадаги кўпчилик давлатларнинг, шунингдек, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари роман-олмон ҳуқуқига яқиндир. Африка-Осиё минтақасида роман-олмон ҳуқуқи мусулмон ҳуқуқи ва маҳаллий одат ҳуқуқи билан ҳамкорликда амал қилади.

Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари алоҳида мавқега эга. Кўпчилик тадқиқотчилар ушбу давлатлар-

даги мавжуд ҳуқуқ манбалари тизимидан келиб чиқиб, Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқини ҳам роман-олмон ҳуқуқий оиласига тегишли деб ҳисоблашади. Айрим ҳуқуқшунослар Скандинавия ҳуқуқини роман-олмон ҳуқуқидан ҳам, умумий ҳуқуқдан ҳам фарқланадиган ўзига хос ҳуқуқий оила деб ҳисоблашади. Демак, ҳозирги дунёда умумий ҳуқуққа қараганда роман-олмон ҳуқуқий оиласи таъсирлироқ ва кенгроқ ёйилган ҳисобланади. Буни Британиялик ва Америкалик муаллифлар ҳам эътироф этишади.

2-§. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи тузилиши

Оммавий ва хусусий ҳуқуқ, барча мамлакатларда роман-олмон ҳуқуқий оиласига асосланиб юридик фан ҳуқуқий нормаларни айна бир гуруҳга бирлаштиради. Гап ҳуқуқ дуализми, яъни унинг хусусий ва оммавий ҳуқуққа бўлиниши, шунингдек, ҳуқуқий материянинг ҳуқуқ соҳалари билан чегараланиши ҳақида бормоқда. Ушбу мамлакатлар ҳуқуқининг ички таркиби ҳам умуман олганда ягона схема билан қамраб олиниши мумкин.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг барча мамлакатларида ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиш одат бўлган. Бундай бўлиш энг умумий кўринишга эга бўлиб, асосан назарий бўлиш ҳисобланади, бироқ шунга қарамай роман-олмон ҳуқуқи тузилмасининг муҳим асосини ташкил этади. Умумий маънода оммавий ҳуқуққа давлат органлари мақомини ва фаолияти тартибини ҳамда шахснинг давлат билан муносабатларини белгилаб берувчи соҳалар ва институтларни, хусусий ҳуқуққа эса – хусусий шахсларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи соҳалар ва муассасаларни киритиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, роман-олмон ҳуқуқий оиласининг хусусиятлари хусусий ҳуқуқ соҳасида тўлиқроқ даражада намоён бўлади. Оммавий ҳуқуқ соҳасида унинг хусусиятлари биров сустроқ кўринади. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи амал қиладиган мамлакатларда хусусий (фуқаролик) ҳуқуқ асосий ҳуқуқий тизим ҳисобланади. Шу сабабли Буюк Британия ва АҚШ ҳуқуқшунослари роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатларини кўпинча фуқаролик ҳуқуқи (Civil Law) мамлакатлари деб ҳам аташади.

Оммавий ҳуқуқни хусусий ҳуқуқдан фарклантирувчи жиҳатлардан бири шундаки, хусусий ҳуқуқнинг катта қисми

кодекслаштирилган. Оммавий ҳуқуқ эса асосан кодекслаштирилмаган конституциявий ва бошқа қонунлардан иборатдир.

Франция ҳуқуқий тизими. Францияда қуйидагилар оммавий ҳуқуқ соҳалари ҳисобланади:

1) давлатнинг шакли ва тузилмасига, давлатнинг ташкил этилиши, унинг олий органлари ва парламентига, ижро этувчи ҳокимиятига ҳамда фуқароларнинг давлат бошқарувида қатнашишларига тегишли масалаларни тартибга солувчи конституциявий ҳуқуқ;

2) соф сиёсий ва суд масалаларини ҳал этмайдиган давлат органлари ташкил этилишини тартибга солувчи нормаларни ҳамда давлат органлари ўз ҳуқуқларини амалга оширадиган ва қуйи турувчи органларга мажбуриятлар юклайдиган шарт-шароитларни ўз ичига оловчи маъмурий ҳуқуқ;

3) давлат харажатлари ва даромадларини тартибга солувчи молия ҳуқуқи (солиқ солиш, қарз, пул тўғрисидаги қонунлар);

4) халқаро оммавий ҳуқуқ.

Хусусий ҳуқуқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) Фуқаролик ҳуқуқи;

2) Денгиз ҳуқуқини ўз ичига оловчи савдо ҳуқуқи;

3) Фуқаролик -процессуал ҳуқуқи;

4) Жиноят ҳуқуқи.

Гарчи ўз табиатига кўра жиноят ҳуқуқи оммавий ҳуқуққа тегишли бўлса ҳам, уни анъанага кўра хусусий ҳуқуққа киритишади, чунки унинг кўпчилик қоидалари хусусий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган. Ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуқ нормалари моҳиятан мустаҳкам қўшилиб кетадиган махсус соҳалари ҳам мавжуд. Қуйидагилар уларнинг энг муҳимлари ҳисобланади:

1) Меҳнат ҳуқуқи;

2) Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи;

3) Саноат мулкчилиги тўғрисидаги қонунлар ва муаллифлик ҳуқуқи;

4) Ҳаво ҳуқуқи;

5) Ўрмон ҳуқуқи;

6) Кон ҳуқуқи;

7) Суғурта ҳуқуқи;

8) Транспорт ҳуқуқи;

9) Халқаро хусусий ҳуқуқ.

Халқаро хусусий ҳуқуқ чет элликларнинг мақомини белгилаб беради, фуқаролик ишларидаги ҳуқуқлар қарама-қаршиликлари (коллизиялари) ва юрисдикциясини кўриб чиқади. Гарчи у анъанага кўра хусусий ҳуқуқнинг таркибий қисми ҳисобланса ҳам, у томонидан кўриб чиқиладиган айрим масалалар, масалан, миллатни аниқлаш, мазмунан оммавий ҳуқуққа тегишли қиёсий-ҳуқуқнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи ва жиноят ҳуқуқи санкцияловчи ҳуқуқ сифатида ажралиб туради, чунки улар хусусий ҳуқуқ нормаларининг ҳаётга жорий этилишини таъминлайди. Ушбу анъанавий нуқтаи назар айрим олимлар томонидан инкор қилинади, улар муайян соҳаларни, масалан савдо, денгиз, қишлоқ хўжалиги, ҳаво, меҳнат ҳуқуқини, ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунларни ва санкцияловчи ҳуқуқ деб аталадиган ҳуқуқни (жиноят ҳуқуқи ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқи) алоҳида «аралаш ҳуқуқлар» гуруҳига киритишади. Бошқа нуқтаи назар ҳам мавжуд. Унга кўра процессуал ҳуқуқ хусусий ҳуқуққа қараганда кўпроқ оммавий ҳуқуқ билан боғлиқдир.

Олмония ҳуқуқий тизими. Олмонияда хусусий ва оммавий ҳуқуқни бир-биридан ажратиш Франциядагига қараганда бирмунча сустроқ. Бу, хусусан, умумий, маъмурий ва конституциявий одил судловнинг Франциядагига қараганда бошқача ташкил этилишида ўз аксини топади. Бироқ бу тизимлар умумий хусусиятларига кўра бир-бири билан ўхшашдир.

Немис юридик адабиётида қуйидагиларни оммавий ҳуқуқ соҳалари, деб аташ қабул қилинган:

1. Конституциявий ҳуқуқ;
2. Маъмурий ҳуқуқ;
3. Солиқ ҳуқуқи;
4. Жиноят ҳуқуқи;
5. Жиноят-процессуал ҳуқуқи;
6. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи;
7. Черков-процессуал ҳуқуқи;
8. Халқаро оммавий ҳуқуқ.

Давлат органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ ҳам давлат ҳуқуқи, деб аталади.

Хусусий ҳуқуқ фуқаролик кодексида ва ёрдамчи қонунларда мавжуд бўлган фуқаролик ҳуқуқига ҳамда хусусий ҳуқуқнинг махсус қисмига ажралади. Савдо ҳуқуқи, кампаниялар тўғрисидаги қонунлар, айланма ҳужжатлар ҳақидаги қонунлар, муаллифлик ҳуқуқи, рақобат тўғрисидаги қонунлар (патентлар), савдо белгилари ва моделлар, халқаро хусусий ҳуқуқ ҳам шу қисмга киради. Меҳнат ҳуқуқи баъзан хусусий ҳуқуқнинг таркибий қисми ҳисобланади, бироқ кўпчилик ҳолларда уни на хусусий, на оммавий ҳуқуққа мувофиқ келмайдиган *Sui generis* соҳасига киритишади.

Кўпчилик Европа мамлакатларида ҳуқуқ соҳаларини таснифлаш Олмониядаги таснифлашни эслатади (Швейцария, Испания, Австрия). Италия ва Бельгия Франция тажрибасига амал қилади. Нидерландияда ҳам шундай. Бироқ ушбу мамлакатда ўзига хос хусусият мавжуд: фуқаролик-процессуал ҳуқуқи ва тўлашга қодир бўлмаган қарздорлар тўғрисидаги қонунлар хусусий ҳуқуқнинг субстантив қисмидан фарқ қилган ҳолда хусусий ҳуқуқнинг расмий қисмини ташкил этади, унга фуқаролик ва савдо ҳуқуқи ҳам киради.

Роман-олмон ҳуқуқини оммавийлаштириш. Давлат органларининг кучайиб бораётган маъмурий-ҳуқуқий фаоллиги илгари фақат хусусий ҳуқуқ шуғулланидиган муносабатларга ҳам таъсир қилди. Ҳумладан, агар муносабатлар соҳасида маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш ерни зоналаштириш, мажбурий сервитутлар, маблағларни инвестиция қилишни чеклаш, маҳсулотга квота белгилаш ва ҳоказолар орқали мулкдан фойдаланишга (ёки узоқ муддатли ижарага) анча таъсир кўрсатди. Давлатнинг илгари хусусий ҳуқуқ соҳаси бўлган шартномалар соҳасига кириб бориши юз берди. Давлат органларининг кўрсатмасига кўра мажбурий шартномалар тузиш пайдо бўлди. Оддий шартнома шартлари ҳам айрим ҳолларда нархлар ва квоталарни белгилашда бўлганидек, маъмурий ҳужжатлар билан белгиланиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида оммавий ҳуқуқнинг хусусий ҳуқуқ соҳасига кириб бориши, давлат мажбуриятлари доирасининг кенгайиши, айниқса ижтимоий ва коммунал хизматлар соҳасида тескари тенденцияни ҳам келтириб чиқарди. Оммавий-ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни бажаришда хусусий ҳуқуқ воқиталари қўлланилишини ҳам юзага келтирди. Оммавий кор-

порациялар ва давлатга қарашли бўлган бошқа саноат-савдо тузилмаларининг фаолияти бундан тўлиқ далолат беради.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг миллий ҳуқуқий тизимлари. Роман-олмон оиласи барча мамлакатларнинг ҳуқуқи учун умумий бўлган ҳуқуқ манбалари ва ҳуқуқ тузилмасига бошқа айрим жиҳатларни, энг аввало умумий бўлган тушунчаларни, яъни ҳар бир ҳуқуқий тизим қўллайдиган асосий тушунчалар ва категорияларни, у ёки бу даражада умумий бўлган ҳуқуқий принципларни, шу жумладан суд фаолияти методларини белгилайдиган принципларни қўшиш керак.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласи тузилмаси учун: *биринчидан*, ҳуқуқ нормаларининг инглиз-америка ҳуқуқига нисбатан абстракцияланиши даражаси юқорироқ эканлиги; *иккинчидан*, ҳуқуқий атамалар, ҳуқуқшуносларнинг иш методлари, уларнинг касб тайёргарлиги тизими ўхшашлиги; *учинчидан*, моддий ҳуқуқнинг процессуал ҳуқуқдан устунлик қилиши; *тўртинчидан*, ҳуқуқнинг асосий соҳаларида катта кодекслар яратиш одат тусига кирганлиги.

Шунга эътиборни қаратиш зарурки, барча роман-олмон ҳуқуқий тизимлари учун умумий бўлган таърифлар уларнинг ҳар бирининг ўзига хослигини истисно қилмайди, балки аксинча тақозо этади.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатларида мавжуд миллий ҳуқуқий тизимлардаги жиддий тафовутлар, айниқса маъмурий ҳуқуқда сезиларлидир. Бу ҳуқуқ бошқарув ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари тузилмасига хос яқин алоқадорлик билан изоҳланади. Маъмурий ҳуқуқ қитъа ҳуқуқининг бошқа кўплаб соҳаларига қараганда жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва тадрижий ҳаракатига кўпроқ боғлиқ бўлади. Ниҳоят, ҳуқуқнинг ушбу соҳаси қамраб оладиган муносабатларнинг жуда кенг кўламини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Тарихан жамоат ҳуқуқ - тартиботини таъминлашга даъват этилган «сиёсий ҳуқуқ» сифатида пайдо бўлган ҳуқуқ соҳаси кейинчалик ўз доирасига давлат бошқарувининг деярли барча соҳаларини қаратиб олди. Айниқса ҳозирги шароитларда маъмурий ҳуқуқнинг аҳамияти ўсди.

3-§. Роман-олмон ҳуқуқининг манбалари

«Менинг ҳақиқий шухратим 40та жангда зафар қозонганлигимда эмас.

Ватерлоо ушбу ғалабалар ҳақидаги барча хотираларни йўқ қилди. Бироқ менинг фуқаролик кодексим ҳеч бир ҳолда хотирадан ўчмайди, у абадий яшайди».

Наполеон Бонапарт, Франция императори

«Мен фуқаролик ҳуқуқи ахлоққа шунчалик теран кириб борган ҳамда бутун миллатнинг маънавий ҳаёти, туйғулар олами ва адабиётнинг ажралмас қисмига айланган бошқа бундай мамлакатни тасаввур қила олмайман».

Франциялик ҳуқуқшунос,
Сорель Наполеон Кодекси тўғрисида.

«Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи – бу энг аввало «мукамал юридик арифмометр», «мутлақ аниқликдаги заргарона юридик ишдир».

Айзел ва А.Шварц, Немис ҳуқуқшунослари.

«Ҳозиргача ҳеч қандай қонун ҳужжатига бунчалик биринчи даражали ақл-заковат қудрати сингдирилмаганлигига қатъий ишонаман. Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи жаҳонда энг яхши кодекс ҳисобланади».

Мейтланд, Инглиз ҳуқуқшуноси.

Қонун. Роман-олмон ҳуқуқий оиласида ҳуқуқнинг турли манбаларига бир хил аҳамият берилади. Ушбу оиланинг ҳуқуқ манбалари тизимида қонун асосий ўринда туради.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг барча мамлакатларида мавжуд қонун нормалар олий юридик кучга эга деб тан олинади. Уларнинг нуфузи кўпчилик давлатлар томонидан одатдаги қонунларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати ўрнатилганлигида намоён бўлади. Конституциялар турли давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатларини чегаралайди ва ушбу ваколатларга мувофиқ ҳуқуқнинг турли манбаларини табақалаштиради.

Европа юридик доктринаси ва қонунчилик амалиёти оддий қонуннинг уч хилини фарқлайди: кодекслар, махсус қонунлар (жорий қонунчилик) ва қонунларнинг йиғма матнлари.

Урф-одатлар. Роман-олмон ҳуқуқига таалуқли манбалар тизимида урф-одатларнинг мавқеи ўзига хосдир. Урф-одатлар *secundum lege* (қонунга қўшимча) бўлибгина қолмасдан, балки *praetor lege* (қонундан бошқа) бўлиши ҳам мумкин. Урф-одатлар *contra lege* (қонунга зид) ҳолатни эгаллаган вазиятлар ҳам мавжуд (масалан, Италияда кемалар қатнови замонида денгиз урф-одатлари фуқаролик кодекси нормаларидан устунлик қилган эди). Бироқ, бугунги кунда айрим ҳолларни истисно қилганда урф-одатлар ҳуқуқнинг мустақил манбаи сифатида ўз хусусиятини йўқотган.

Суд амалиёти. Роман-олмон ҳуқуқи сифатида суд амалиёти тўғрисидаги масала бўйича назарияда турлича нуқтаи назар мавжуд. Бироқ шунга қарамай, суд амалиётини ёрдамчи манбаларга киритиш мумкинлиги тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин. Бу биринчи навбатда «кассация прецеденти» га тегишлидир. Кассация суди – бу олий босқич, поғонадир. Шу сабабли, ўхшашликка ёки умумий принципларга асосланган «оддий» суд қарори ҳам кассация босқичидан ўтиб, бошқа шунга ўхшаш ишларни ҳал этишда судлар томонидан ҳақиқий прецедент сифатида қабул қилиниши мумкин.

Доктрина. Роман-олмон ҳуқуқий тизимида ушбу ҳуқуқий оиланинг асосий принципларини ишлаб чиққан таълимот алоҳида ўрин тутади. Таълимот қонунлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Ундан ҳуқуқни қўллаш фаолиятида (қонунларни талқин қилишда) фойдаланилади.

Шундай қилиб, роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатлари ҳуқуқи ҳуқуқ манбалари иерархик тизимида ягона тизимни ифодалайди.

Ҳуқуқни кодекслаштириш. Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг энг характерли умумий белгиларидан бири ҳуқуқнинг кодекс тусига эга эканлиги, кодексларнинг ўзи эса ҳуқуқ манбалари орасида алоҳида ўринни эгаллашидан келиб чиқиб, ушбу ўзига хос хусусиятларни кодекслар мисолида, аниқроғи фуқаролик кодекслари мисолида кўриб чиқамиз.

Фуқаролик кодекслари. Яқиндан кўздан кечирганда роман-олмон оиласига мансуб мамлакатларда фуқаролик кодекслари бир-биридан жиддий фарқ қилади. Муҳим тафовут-

лардан бири Умумий қисмнинг бор ёки йўқлиги билан белгиланади. Олмониянинг 1896 йилги фуқаролик қонунлари мажмуида умумий қисм мавжуд бўлиб, унда фуқаролик ҳуқуқи институтларининг барчасига нисбатан қўлланиладиган қоидалар бор. Франциянинг классик Фуқаролик кодексига Умумий қисм амалда йўқ, у ерда умуман қонунларнинг эълон қилинганлиги, амал қилиши ва қўлланилиши тўғрисида қисқача Кириш маълумотлари бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқига қараганда кенгроқдир. Унинг нормалари кўпроқ конституциявий тусга эга. Олмония фуқаролик қонунлари мажмуида бундай нормалар йўқ.

1. 1804 йилги Франция Фуқаролик кодекси уч китобдан иборат.

I. Шахслар тўғрисида.

II. Мол-мулк ва мулкнинг турли ўзгаришлари тўғрисида.

III. Мулк олинадиган турли усуллар тўғрисида.

Биринчи китоб оила ҳуқуқини ўз ичига олади. Бельгия, Люксембург Фуқаролик кодекслари, баъзи истиснолар билан Испания Фуқаролик кодекси Франция моделига ўхшашдир.

2. 1896 йилги Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи беш китобдан иборат:

I. Умумий қисм.

II. Мажбурий ҳуқуқ.

III. Ашёвий ҳуқуқ.

IV. Оила ҳуқуқи.

V. Мерос ҳуқуқи.

Олмония фуқаролик қонунлари мажмуининг таркибий тузилиши классик пандект² тизимини тавсифлайди. Нормаларининг амал қилиши қолган барча бўлимларга ҳам жорий этиладиган Умумий қисмнинг ажратилиши унинг асосий фазилати ҳисобланади. Ушбу тизим римлик ҳуқуқшунос Гаянинг «Институциялар» баёни тизимига асосланувчи Рим ҳуқуқи учун анъанавий бўлган тизимдан фарқ қилади. Франция Фуқаролик кодекси ҳам асосан мана шу «Институциялар»га асосланади. Пандект тизими Олмония хусусий ҳуқуқига хос тизимга айланди.

² «Пандект» (барча жиҳатини қамраб олувчи) атамаси римлик юристлар ижодининг хилма-хиллигини ўз ичига олувчи Юстиниан кодексларининг таркибий қисми «Дигест»ни англатиш учун синоним бўлган урта асрлардаги эквивалент ҳисобланади. Кейинчалик Рим хусусий ҳуқуқининг бутун тизимини пандект деб, пандектли деб эса Рим ҳуқуқи негизда ишлаб чиқилган немис хусусий ҳуқуқини атай бошлашган

Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи, француз кодексига қараганда мавҳумроқдир. Қонунлар мажмуи учун умуман олганда мангиқий изчиллик, умумий қоидалардан хусусий қоидаларга ўтиш хосдир. Бироқ Наполеон кодексидан фарқ қилган ҳолда Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи ҳаддан ташқари мукамал тилда ёзилган ва натижада қийин ўзлаштирилади. Греция, Португалия ва Япония Фуқаролик кодекслари Олмония Фуқаролик қонунлари мажмуи модели бўйича тузилган.

Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи хусусий ҳуқуқни кодекслаштириш ва қонунчилик техникаси намунаси ҳамда Олмония ҳуқуқий тизимининг ўзаги ҳисобланади.

3. Фуқаролик ҳуқуқини Швейцарияда кодекслаштирилиши Швейцария Фуқаролик кодекси (1907 йил) ва Швейцария мажбурият қонуни (1911-1936 йиллар) шаклида амалга оширилди. Бу ерда Фуқаролик кодекси тўртта китобдан иборат:

I. Ҳуқуқ субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар).

II. Оила ҳуқуқи

III. Мерос ҳуқуқи.

IV. Мулк ҳуқуқи.

Уларни муқаддима бошлаб беради. Мажбуриятлар тўғрисидаги қонун Кодекснинг бешинчи китоби ҳисобланади, бироқ автоном тузилмага эга. У беш қисмдан иборат.

I. Мажбуриятлар ҳақидаги умумий қоидалар.

II. Мажбуриятларнинг айрим турлари.

III. Савдо ширкатлари.

IV. Савдога оид рўйхатдан ўтказиш, фирмага эгалик қилиш ҳуқуқи, савдо ҳисобчилиги.

V. Қимматли қоғозлар.

Кодексда Умумий қисм йўқ. Умумий тусдаги қоидалар асосан Мажбурият юқловчи қонуннинг I-китобида жамланган. Методига кўра ҳар иккала ҳужжат унчалик мавҳум эмас, Олмония Фуқаролик кодекси сингари тизимли оддий тилда ёзилган.

4. 1811 йилги Австрия Фуқаролик кодекси роман-олмон ҳуқуқий оиласининг энг биринчи кодексларидан биридир. У анча катта ҳажмда ташкил этилганлиги билан фарқланиб туради. Муқаддима ва уч қисмга бўлинган. Муқаддимада фуқаролик ҳуқуқи фанига таъриф, талқин қилиш қоидалари, одат ҳуқуқи билан нисбати, мақомий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий нор-

малар берилган. Биринчи қисмда «шахслар ҳуқуқи» ва оила ҳуқуқи баён қилинган. Иккинчи қисм ашёвий ҳуқуққа бағишланган. Учинчи қисмда «шахслар ҳуқуқи» учун умумий бўлган қоидалар ва ашёвий ҳуқуқ тўпланган. Улар аралаш тусга эга.

Франция Фуқаролик кодекси билан деярли айни бир вақтда, бироқ муносабатлари қарор топишига ҳали узоқ вақт бор бўлган, ҳокимият тепасида эса феодал-монархик доиралар турган мамлакатда ташкил этилган 1811 йилги Австрия фуқаролик қонунлари мажмуи ўша замон учун илғор ҳисобланган айрим қоидалар (масалан, табиий ҳуқуқнинг эътироф этилиши), эски одатдаги ҳуқуқ билан чатишиб кетган ўзга хос хусусиятларга эга эди. Ушбу кодексни ҳозирги замон жамияти эҳтиёжларига мослаштириш учун кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ва чуқур ислоҳотларни амалга оширишга тўғри келди. Бироқ у ҳозиргача амал қилади.

1942 йилги Италия Фуқаролик кодекси. Италия Фуқаролик кодекси ўз эътибори билан роман-олмон ҳуқуқий оиласидаги энг охириги фуқаролик кодексларидан биридир. У Олмония кодексига қараганда Франция кодексига яқинроқдир. Бундан ташқари, унга Швейцария мажбурият тўғрисидаги қонуни жиддий таъсир кўрсатган. Италия Фуқаролик кодекси олти китобга бўлинган:

I. Шахслар ва оила тўғрисида.

II. Мерос тўғрисида.

III. Ашёвий ҳуқуқ.

IV. Мажбурият ҳуқуқи.

Бешинчи китоб «Меҳнат» деб номланган. Агар бошқа кодексларда меҳнат муносабатлари қараб чиқилган тақдирда ҳам, бу фақат ёллашнинг умумий муносабатларига тегишлидир. Италия кодекси эса касбий фаолиятни ва меҳнат шартномаларининг ҳар хил шаклларини тартибга солади, айни вақтда ширкат ҳуқуқи деб аташ қабул қилинган, савдо ҳуқуқидан кўра меҳнат ҳуқуқига тегишли деб ҳисобланадиган қоидаларнинг ушбу китобга киртилиши унчалик мантқиқли эмас. Кодекснинг олтинчи китоби ҳуқуқларни муҳофаза қилишга, шу жумладан ерни рўйхатдан ўтказишга ва бошқа мулкий битишувлар, гаров, даъво муддатига тегишли қоидаларга бағишланган.

Савдо кодекслари. Фуқаролик ва савдо ҳуқуқи нисбати ва тегишлича фуқаролик ва савдо кодекслари нисбати миллий ҳуқуқий тизимлар томонидан турлича ҳал этилади.

Кўпгина роман-олмон ҳуқуқий оиласига кирувчи мамлакатларда алоҳида савдо кодекси мавжуд. Булар Франция (1807 йил), Бельгия (1807 йил), Люксембург (1807 йил), Испания (1829 йил, 1885 йилда қайта ишланган), Португалия (1833 йил, 1888 йилда қайта ишланган), Голландия (1838 йил), Австрия (1862 йил), Лихтенштейн (1865 йил), Олмония (1897 йил), Туркия (1956 йил) мамлакатларидир.

Шу билан бирга истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, Швейцария алоҳида савдо кодекси ғоясини инкор қилган ва тегишли қоидалар Мажбурият тўғрисидаги қонунда жамланган. Италия илгари амал қилган Савдо кодексини (1882 йил) 1942 йилдаги янги Фуқаролик кодексига алмаштирган. Голландияда ҳам яқинда бўлиб ўтган кодекс тузиш жараёнида алоҳида савдо комплекси мақбул эмаслиги ҳақидаги хулосага келинган.

Савдо кодексларининг ўзига хос хусусиятлари. Роман-олмон ҳуқуқий оиласига кирувчи мамлакатлар савдо кодексларининг мазмунини батафсил қараб чиқишга интильмасдан тегишли таркибий тафовутларни изоҳловчи айрим мисоллар келтирамиз. Масалан, Франция, Австрия ва Олмония Савдо кодексларида суғурта тартибга солинмайди, бироқ Бельгия, Голландия, Испания, Португалия ва Туркия кодексларида у ўз аксини топган.

Олмония савдо кодексига Бельгия ва Голландия кодексларида мавжуд бўлмаган савдо олди-сотдиси тўғрисидаги қоида ўзининг батафсил ифодасини топган. Банкротлик Франция, Бельгия, Испания кодексларида акс этирилган, Голландия, Олмония, Австрия ва Туркияда эса савдо қилувчини ночор деб эътироф этиш махсус қонун билан тартибга солинади. Бундан ташқари, Франция ҳуқуқида ночорлик тушунчаси фақат савдо қилувчиларга, Олмония ҳуқуқида эса савдо ҳуқуқининг барча субъектларига нисбатан қўлланилади. Айрим мамлакатларда (Франция ва Бельгияда, Швейцариянинг айрим кантонларида) савдо ишлари бўйича махсус судлар иш кўради, бошқа мамлакатларда эса бундай ажратиш умуман мавжуд эмас ёки оддий судларда савдо бўлимлари мавжуд. Голландия, Олмония ва Туркия кодексларидан

фарқ қилган ҳолда Франция ва Бельгия кодекслари савдо операциялари ўтказилишини тартибга солади.

Олмония ва Швейцарияда саноат мулки патентлар, саноат намуналари, савдо белгилари муаллифлик ҳуқуқи билан биргалликда фуқаролик ҳуқуқига киритилган. Францияда эса муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик кодекси билан тартибга солинмаса ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бир қисми ҳисобланади, патент ва товар белгилари савдо ҳуқуқи соҳасига кирувчи саноат мулкига тегишлидир. Фирром рақобат ва трестларга қарши қонунлар Олмония ва Франция ҳуқуқида амалиётда савдо ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқ қонунлар сифатида қабул қилинган.

Шундай қилиб, роман-олмон ҳуқуқий оиласининг кўпчилик мамлакатларида савдо ҳуқуқи ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида қабул қилинган. Боз устига кодекслаштиришнинг бир хилдаги тизими ушбу мамлакатларда ҳам (масалан, Италия, Швейцарияда) юридик адабиётда ва ўқув курсларида савдо ҳуқуқига ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида қаралади.

Меҳнат ҳуқуқи. Роман-олмон оиласига мансуб мамлакатлар миллий ҳуқуқий тизимларида умумий ва хусусийнинг нисбатини фуқаролик қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқи нисбати мисолида кўриш мумкин.

Ғарб жамияти ривожланишининг дастлабки босқичларида меҳнат муносабатлари фуқаролик кодексларининг бир неча моддалари билан (шахсий ёллаш шартномаси) юзаки тартибга солинган ва бу «хўжайинларча ҳукмронлик қилиш» учун анча кенг йўл очган. Иш берувчи ёлланма ишчи меҳнатининг муддати ва шартларини амалда ўзи билганича белгилаган. Бироқ кўпчилик роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатларида меҳнат ҳуқуқи кодекслаштирилмаган, у турли масалаларга тегишли кўплаб қонунлар, декретлар ва таърифлардан иборатдир.

Францияда меҳнат қонунчилигини меҳнат кодексида иборат қилиб қўйишга уриниб кўрилган, лекин бунга қисман муваффақ бўлинган, чунки ҳозир бу ерда бугунги кунда ҳар хил қонун ҳужжатларининг тўплами меҳнат кодекси деб аталади. Шу билан бирга Францияда меҳнат шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий қоидалардан чиқарилган, Фуқаролик кодексининг тегишли нормалари эса ўз кучини йўқотган.

Фуқаролик кодексларининг ёлланма меҳнат ҳақидаги нормалари ҳозиргача амалий аҳамиятга эга бўлган Олмония ва Нидерландияда вазият бошқача. Кўриб чиққанимиздек, бу Италия учун ҳам хосдир.

Хўжалик ҳуқуқи. Турли мамлакатларда Фуқаролик ҳуқуқи билан биргаликда хўжалик ҳуқуқининг мавжуд бўлиши масаласи ҳам турлича ҳал этилади.

Францияда хўжалик ҳуқуқи ғояси иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатнинг иқтисодий фаолиятга кириб келиши натижасида туғилган.

Халқ хўжалигида давлат сектори салмогининг ошиши, национализация қилинган корхоналар ташкил этиш ва уларнинг фаолияти хусусиятлари, узоқ муддатли иқтисодий режалар қабул қилиниши хусусий ва оммавий ҳуқуқни гуруҳлаштиришга ва синтезлашга, уларнинг иқтисодий жиҳатларини бирлаштиришга қодир бўлган ҳуқуқнинг янги соҳасига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган. Бироқ ҳозирги вақтгача бу йўналишда жуда оз иш қилинган.

Олмонияда хўжалик ҳуқуқи ғояси биринчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган. У ўзининг замонавий вариантыда ишлаб чиқариш, савдо ва кредит-пул муносабатлари масалаларида давлатнинг бошқарув фаолиятининг бир қанча жиҳатларини қамраб олади ва ушбу жиҳатдан маъмурий ҳуқуққа яқиндир. Бироқ бунда ҳам маъмурий ҳуқуқнинг умумий принциплари кодекслаштиришдан четда қолган. У 1960 йилги маъмурий – суд тартиботи тўғрисидаги федерал қонуни, асосан маъмурий судларда ишларни кўриб чиқиш қоидаларини қамраб олади.

Маъмурий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ деярли ҳамма мамлакатларда кодекслаштирилмаган. Ҳатто классик кодекслаштириш мамлакати бўлган Францияда ҳам маъмурий ҳуқуқ ҳеч қачон зарур даражада кодекслаштирилмаган. Ушбу ўринда Наполеон кодексларини ёдга тушурувчи ҳеч нарса йўқ, мавжуд кодексларнинг кўплаб бўлимлари суд амалиёти томонидан яратилган маъмурий ҳуқуқ томонидан бошқариладиган муносабатлар сони ўсиб бораётганлигига қарамай уларнинг чекланган қисмини қамраб олувчи қонун ҳужжатлари ва тартибга солувчи матнларнинг бир жойга тўпланишини ифодалайди.

Роман-олмон оиласининг бошқа мамлакатларида ҳам маъмурий ҳуқуқ манбаларининг ҳолати тахминан шунга ўхшаш. Табиийки, қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг кўплиги айрим мамлакатлар ўртасида ушбу масаладаги тафовутлар ва фарқлар сонини кўпайтиради. Шунинг учун ҳуқуқ манбаи сифатида суд амалиётининг аҳамияти қанча салмоқли бўлса, ҳуқуқий тафовутлар ҳам шунчалик катта бўлади дейиш мумкин, чунки суд амалиёти барқарор кодекслаштиришга қараганда ўзгараётган шароитларнинг таъсирига кўпроқ чалинади.

Маъмурий ҳуқуқнинг умумий принциплари кодекслаштирилмаган тақдирда хусусий ҳуқуқ соҳасидагига қараганда суд қарорлари муҳимроқ роль ўйнайди. Судларнинг роли кўпроқ яратувчиликка мойил бўлади, чунки улар умумий принципларни ишлаб чиқади ва кўпинча хусусий ҳуқуқ институтларига мувозий равишдаги, лекин улардан фарқ қилувчи ҳуқуқий институтлар концепциясини яратади. Францияда маъмурий ҳуқуқ аста секинлик билан пайдо бўлган ва унинг асосий хусусиятлари Давлат кенгаши бошчилик қиладиган маъмурий адлия судлари тизими томонидан ишлаб чиқилган. Француз муаллифларининг фикрича Давлат кенгашининг суд ижодиёти бугунги кунда маъмурий ҳуқуқнинг бутун соҳасини қамраб олади.

Маъмурий адлия. Маъмурий ҳуқуқ манбаи сифатида суд амалиётининг роли роман-олмон ҳуқуқий оиласининг бошқа мамлакатлари Австрия, Бельгия, Италия ва Швейцарияда ҳам салмоқлидир. Ушбу барча давлатларда, шунингдек, Олмонияда маъмурий-адлиянинг маъмурий-ҳуқуқий тусдаги барча низоларни кўриб чиқиши мумкин бўлган махсус суд тизимлари мавжуддир.

Олмония маъмурий адлияси. Олмонияда ваколатларни ажратиш хусусий ва ҳуқуқий-оммавий ишлар тафовутига асосланган. Алоҳида қайд этилган ҳоллардан ташқари, хусусий ҳуқуқ соҳасидаги низолар оддий судлар томонидан, оммавий-ҳуқуқий низолар эса маъмурий судлар томонидан, агар улар конституциявий тусда бўлса конституциявий судлар томонидан кўриб чиқилади. 1950 йилги суд тузилиши тўғрисидаги қонуннинг 13-параграфига мувофиқ оддий судларга қонун билан маъмурий судлар ихтиёрига берилган иш-

лардан ташқари барча фуқаролик-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ваколати берилган.

Ҳозирги вақтда Олмонияда умумий маъмурий судлар уч даражада ташкил этилган: биринчи инстанция маъмурий судлар, ерларнинг олий маъмурий судлари ва олий босқич сифатида федератив маъмурий суд. Судлар маъмурий органлардан мустақилдирлар. Уларнинг юридикцияси федерал қонунга кўра бошқа суд шуғулланиши керак бўлганлардан ташқари ноконституциявий тусдаги барча оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишга ваколатли эканлиги ҳақидаги умумий қоидага асосланган. Агар маъмурий суд ишни кўриб чиқишга ўзини ваколатли эмас деб ҳисобласа, оддий судлар уларни кўриб чиқишга қабул қилиши керак. Иш умумий суддан маъмурий судга узатилганда ҳам ўша қоидалар амал қилади.

Франция маъмурий адлияси. Наполеон томонидан яратилган Франция маъмурий адлияси анча маълум бўлиб, юқори нуфузга эгадир. Давлат органлари томонидан бошқарув ҳужжатлари чиқарилиши муносабати билан фуқаролар ва давлат органлари ўртасида пайдо бўлувчи низоларни ҳал этиш ўз фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Давлат кенгаши Франция маъмурий адлияси тизимидаги олий инстанциядир. Унинг функциясига, бир томондан, ҳудудий-маъмурий органларнинг қарорларига апелляцияларни кўриб чиқиш, иккинчи томондан, биринчи ва охириги босқич сифатида аниқ бир ишларни кўриб чиқиш ваколати киради.

Ҳар хил суд тизимларининг параллел мавжуд бўлиши уларнинг юрисдикциясини чегаралаш муаммосини келтириб чиқаради. Шу муносабат билан пайдо бўлувчи низоларни ҳал этиш учун махсус бўлган Низолар бўйича суд фаолият кўрсатади. Унинг таркибига Кассация суди ва Давлат кенгашидан тенг миқдордаги судьялар киради. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда низо ҳал этувчи овозга эга бўлган адлия вазири томонидан ҳал этилади. Бироқ амалда бу жуда кам содир бўлади.

4-§. Франция ва Олмония ҳуқуқий гуруҳи.

«Албатта, роман (яъни, француз – А.С.) ва Олмония ҳуқуқий оиласи ўртасида улар билан умумий ҳуқуқ ўртасида бўлганга қараганда анча кўп умумийлик мавжуд».

К.Цвайгерт, Х.Кётц, Немис
компаративистлари

Икки қўшни мамлакат бўлган Франция ва Олмониянинг ҳуқуқ манбалари тизимини қиёсий жиҳатдан кўриб чиқамиз. Француз ҳуқуқи бир томондан, Олмония ҳуқуқи иккинчи томондан роман-олмон ҳуқуқий оиласини ташкил этиб, уни ичида икки ҳуқуқий гуруҳ: Бельгия, Люксембург, Голландия, Италия, Португалия, Испания, Олмония Австрия, Швейцария ва бошқа баъзи бир мамлакатлар кирувчи роман гуруҳи ажратиладиган шаклга асос бўлиб хизмат қилганлигини эслатиб ўтамиз.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласи ичида француз ҳуқуқи кучли акс эттирилган рим (роман) ҳуқуқи Олмония ҳуқуқий гуруҳидан ажралиб туради.

Француз ҳуқуқи. Франция ҳуқуқ ривожланишнинг сермазмун йўлини босиб ўтган. Унинг ҳозирги замон ҳуқуқ манбалари асосида юқорида батафсил сўз юритилган Наполеон замони кодекслари ётади. Кўплаб тузатишлар киритилганлигига қарамай, ушбу кодекслар эскирганлиги эътироф этилган. Мамлакат ўз ҳуқуқий ривожланишининг замонавий босқичига (уни XX асрнинг ўртасидан бошланди дейиш мумкин) анъанавий кодекслаштириш ташқарисида ётувчи кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар билан кирди.

Франция ҳуқуқий ҳужжатларини тартибга солишнинг асосий йўналиши ҳам қонунга тенглаштирилган ҳужжатлари, ҳам қонун ҳужжатларини ўз ичига олувчи тармоқ тўпламлари кодексларини ишлаб чиқиш бўлди. Уларнинг айримлари ҳуқуқнинг икки ёки бир нечта соҳаларига тегишли бўлган, бироқ саноат, хўжалик ёки маданиятнинг аниқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи комплекс чора-тадбирларни қамраб олади. XX-асрнинг 50-йилларидан бошлаб шунга ўхшаш ўнлаб кодекслар қабул қилинди. Улар ўз ҳуқуқий табиатига кўра амалдаги ҳуқуқни жамлаштирувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Француз юрист-ҳуқуқшунослари ушбу кодекс-

ларни Наполеон кодекслаштиришидан фарқловчи икки жиҳатини қайд этишади. Биринчидан, ушбу кодекслар ҳуқуқнинг у ёки бу соҳаси нормалари жамини «қайта англаш» мақсадини кўзламайди, балки қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва иш тартиб (регламент)ларини мантиқан қайта гуруҳлаштиришга қаратилгандир.

Бундай янгича кодекслаштириш шакли аъъанавий тушунишда қонун ва кодексларнинг устунлиги принципини сусайтирди. Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасида ваколатларни «классик» тақсимлашни ўзгартириб юборган 1958 йилги Конституция қонунга берилган яна бир зарба бўлди. Конституция парламент ваколатига кирувчи масалалар доирасини санаб ўтади, айна вақтда унинг қонун чиқарувчи фаолиятини чеклади. Ва аксинча, Ҳукуматнинг ваколатлари жиддий равишда кенгайди, ҳуқуқ манбалари тизимида унинг ҳужжатлари салмоғи ва аҳамияти мунтазам равишда ўсиб борди.

Давлатнинг асосий қонунда тартибга солувчи ҳужжатлар тизими белгиланмаган, бироқ амалиётда ижроия ҳокимиятнинг тегишли ички иерархиясига мос келувчи қуйидаги ҳужжатлар мавжуд: ордонанслар, декретлар, қарорлар, кўрсатмалар, йўриқномалар, билдиришномалар. Ордонансларнинг аҳамияти муҳимдир, улар мисолида қонун билан тартибга солинувчи ҳужжатларнинг ҳуқуқий кучи ўртасидаги тафовут йўқолиб бориши тенденцияси айниқса ёрқин намоён бўлади.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари ҳам француз ҳуқуқий тизимида ҳуқуқнинг мустақил манбаи сифатида эътироф этилади. Умумий принципларнинг роли қонунчилик тузилмасида жиддий нуқсонлар мавжуд бўлган тақдирда айниқса муҳимдир. Бу маъмурий ҳуқуқ соҳасида айниқса очиқ кўринади. Маъмурий судлар ва Давлат кенгаши маъмурий қонунчилик кодекслаштирилмаганлиги сабабли, ҳуқуқнинг умумий принципларига кўпроқ ҳавола қилади.

Француз юридик адабиётида ҳуқуқ манбалари икки асосий гуруҳга бўлинади: бирламчи (асосий) ва иккиламчи (ёрдамчи) гуруҳлар. Биринчи гуруҳга давлат меъёрий ҳужжатлари киради. Ҳуқуқнинг иккиламчи (ёрдамчи) манбаларига биринчи навбатда суд амалиёти киритилади.

Суд амалиёти француз ҳуқуқи ривожланишида муҳим роль ўйнади, замонавий қонунчилик амалиёти эса яқка тартибдаги ва умумий нормалар кўринишида ҳуқуқ ижодкорлиги учун унга кенг йўл очади. Суд амалиёти қонунни шунчаки талқин қилувчи ва ўз қонунларини унификация қилувчи (бирхиллаштирувчи)дан (ҳокимиятни тақсимлаш назарияси суд амалиётига айнан шундай роль ажратади) бугунги кунда француз ҳуқуқи манбаига (гарчи француз муаллифларнинг фикрича қўшимча бўлса ҳам), «қонун доирасидаги манба»га айланди. Судья, гарчи у мавжуд амалиётда ўрнатилган қоидаларга амал қилишда эркин бўлса ҳам, барибир олдинги суд қарорларининг кучли таъсири остида бўлади.

Олмония ҳуқуқи. Олмонияда ҳам, Францияда бўлганидек, кодекслар амалдаги ҳуқуқнинг негизи ва асоси ҳисобланади. Франциядаги сингари, улар қадимий бўлиб, бир неча марта ўзгартирилган. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин ундан фашизм замонида киритилган қисмлар чиқариб ташланди. Бироқ урушдан олдинги замонга, шу жумладан Веймар республикаси замонига таққосланганда Олмония ҳуқуқидаги ўзгартиришларнинг анчагина қисми, кодекслар орқали эмас, балки жамият ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солувчи махсус қонунлар ёрдамида киритилган.

Франциядагидан фарқ қилган ҳолда ГФРнинг 1949 йилги Асосий қонуни ижроия ҳокимиятнинг автоном тартибга солувчи ҳокимиятини тан олмайди ва декретлар-қонунлар амалиётини тақиқлайди. Олмонияда ҳукумат ҳужжатлари ва бошқа қонунга тенглаштирилган ҳужжатлар гарчи амалиётда истиснолар учраб турса ҳам фақат қонунларни ижро этиш доирасида чиқарилиши мумкин. Олмонияда Францияда кенг тарқалган «янги типдаги» жамланган кодекслар йўқ.

Урф-одатларнинг ўрни Олмония хусусий ҳуқуқида таҳминан Франциядагидек. У кодекслаштириш билан қамраб олинмаган тор муҳитдагина ҳаракат қилади.

Хусусий ҳуқуққа келганда, бунда унинг роли Франциядагига қараганда камроқ, бу, биринчидан, давлат ҳуқуқи амал қилиши соҳасида анча кенгроқ конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш, иккинчидан, Олмониянинг давлат тузилмалари Францияда бўлганидек унчалик салмоқли тарихга эга эмаслиги билан изоҳланади. Францияда конституциявий ҳуқуқ-

нинг тарихан шаклланган оддий соҳасида давлат тузилмалари роли анча аҳамиятлидир.

Франциядаги сингари Олмонияда ҳам суд амалиёти ҳуқуқ манбаига айланади. Бирор-бир ҳуқуқий муаммо шунга ўхшаш бир қанча ишларни ҳал этишда бир маънода ифодаланган ва ушбу қарор юқори суд босқичининг обрўси билан тасдиқланган. Бироқ ҳар иккала мамлакатда вазиятнинг у ёки бу даражада мос келиши тўғрисида фақат умумий суд тизимига татбиқан гапириш мумкин.

Маъмурий ҳуқуққа келганда эса, шуни таъкидлаш лозимки, модомики у Олмонияда Франциядагига қараганда қонунчилик тартибида кенгроқ ишлаб чиқилган экан, тегишлича ушбу соҳада суд амалиётининг роли ҳам унчалик муҳим эмас. Конституциявий суд Олмониянинг давлат тузилмаларида муҳим ўрин тутиши муносабати билан айниқса катта тафовутлар маълум бўлиб қолади. Конституциявий суднинг қарорлари қонун билан тенг турувчи ҳуқуқ манбаидир. Конституциявий суднинг қонунларни талқин қилиши барча органлар, шу жумладан суд учун ҳам мажбурийдир. Агар ишни кўриб чиқишда оддий судда қўлланилиши керак бўлган нормаларнинг конституциявийлиги юзасидан шубҳа пайдо бўлса, у ишни кўришни тўхтатиб қўяди ва Конституциявий судга сўров билан мурожаат қилади, сўнгра ишни Конституциявий суднинг ҳулосасига мувофиқ ҳал этади.

Францияда эса бундай эмас. Ушбу мамлакатдаги Конституциявий кенгаш чекланган ваколатга эга. Унга ҳали кучга кирмаган қонун лойиҳаларининг конституциявийлиги устидан дастлабки назоратни амалга ошириш ҳуқуқи берилган ва бинобарин, у Олмония сингари амалга киритилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қўлланилишига, бу билан эса суд амалиётига таъсир кўрсата олмайди.

Олмониядаги ҳуқуқ манбалари тизими (бунда ҳам француз тизимидан яна бир фарқ мавжуд) мамлакат давлат қурилишининг федерал хусусиятини акс эттиради. Олмония таркибидаги ҳар бир ер ўз қонунчилигига эга. Бу ҳуқуқ манбалари тизимини мураккаблаштирувчи омилдир.

Федерал ҳуқуқ ер ҳуқуқига нисбатан устунликка эга (Олмониянинг 1949 йилга Асосий қонунининг 31-моддаси). Бироқ, бир томондан, ерлар (ҳудудлар) бундесрат орқали федерал меъёрлар ижодкорлигида қатнашади, иккинчи томондан,

федерациянинг қонун чиқарувчи ваколати муайян доиралар билан чекланган. Масалан, Асосий қонунга кўра федерациянинг мутлоқ ёки биргаликда ҳаракат қилувчи қонун чиқарувчи ваколатига киритилмаган масалалар ернинг (ҳудуд) ваколатида қолади (Олмония Конституциясининг 70-74-моддалари). Умуман олганда, федерал қонун ва маълум олинган ҳудуднинг қонуни фарқ қилган тақдирда федерал қонун устунлик қиладиган қоида амал қилади.

Олмониянинг 1949 йилги Конституциясидаги 25-моддага мувофиқ «халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари федерация ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар қонундан устунлик қилади ва федерал ҳудуд аҳолиси учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни бевосита тугдиради». Халқаро ҳуқуқнинг таъсири Олмония ҳуқуқида Франциядагига қараганда анча пухта акс этирилган. Халқаро ҳуқуқ Францияда ҳам тан олинади, бироқ Конституция томонидан анча юмшоқ шаклда ифодаланган. Конституцияда (55-модда) халқаро ҳуқуқ нормалари ҳақида эмас, балки «зарур даражада ратификация қилинган ёки маъқулланган шартномалар ёки битимлар» ҳақида сўз юритилади. Шундай қилиб, турли мамлакатлар ҳуқуқларининг бир хилдаги йирик ҳуқуқий тизимга (ёки оилага) мансублиги миллий ҳуқуқий тизимлар ўртасида жиддий фарқ бўлишини истисно этмайди.

Пировардида роман-олмон ҳуқуқий оиласи доирасида бутун дунёда кенг ёйилган ва эътироф этилган бир қанча юридик конструкциялар ва концепциялар ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш зарур. Қуйидагилар ўшалар сирасига киради:

1. Ҳуқуқий давлат принципларининг тан олиниши ва қонунчилик билан мустаҳкамланиши.

2. Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципининг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида амалга оширилиши.

3. Конституциявий одил судловнинг таъминланиши, яъни конституциявий назорат тизимининг барпо этилиши.

4. Маъмурий адлия таъсис этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш.

5. Сиёсий ва юридик плюрализмни ровжлантириш учун кафолатлар яратиш.

6. Маҳаллий ва ўзини-ўзини бошқариш органларининг ривожлантирилишини таъминлаш.

Ушбу принциплар жаҳон ҳуқуқий тафаккури ва юридик амалиётининг ўзгармас қадриятларига айланди.

8-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Нима учун биз хорижий ҳуқуқий тизимларга катта эътибор беришимиз лозим?
2. Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг вужудга келишида қандай шарт-шароитлар бўлган?
3. Роман-олмон ҳуқуқий тизимининг қандай манбаларини биласиз?
4. Роман-олмон ҳуқуқий оиласида умумий ўзига хосликларни таърифлаб беринг.
5. Франция ва Олмония ҳуқуқий тизимларидаги фарқлар қандай?

«Кенг маънода Шимолий Европа ҳуқуқи учун, шубҳасиз Шимолий Европа мамлакатлари: Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Исландия ва албатта, Болтиқ мамлакатларининг умумий тарихий тақдири асос бўлиб хизмат қилади. Жўрофий жойлашнинг ўзига хослиги, турмуш тарзининг ўхшашлиги, Европанинг шимолий мамлакатлари ўртасидаги мустақкам иқтисодий, маданий ва сиёсий алоқалар умумий ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданият шаклланишига кўмаклашди».

Ю.А.Тихомиров, Қиёсий ҳуқуқ Халқаро академиясининг мухбир аъзоси

«Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқи Европа қитъаси ҳуқуқи ривожланишида қанчалик кўп иштирок этса, иккинчи томондан у ўзининг ўзига хос минтақавий хусусиятини шунчалик кўп сақлаб қолди ва бу уни роман-олмон ҳуқуқи доирасида алоҳида шимолий ҳуқуқий оиллага киритиш учун асос бўлади».

К.Цвайгерт, Х.Кётц,
Немис компаративистлари

9-мавзу. Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари

1-§. Жаҳоннинг ҳуқуқий харитасида Скандинавия ҳуқуқининг ўрни.

2-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг тарихий ривожланиши.

3-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларини бир хиллаштириш ва уйғунлаштириш.

4-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг хусусиятлари.

5-§. Скандинавия ҳуқуқининг манбалари.

1-§. Жаҳоннинг ҳуқуқий харитасида Скандинавия ҳуқуқининг ўрни

Турли хил даражадаги хусусиятлар билан роман-олмон оиласига тегишли деб ҳисобланиши мумкин бўлган кўплаб миллий ҳуқуқий тизимлар бир қанча сабабларга кўра (мустамлакачилик сиёсати, рецепция, мафкуравий таъсир ва

бошқалар) Европа ташқарисида қолиб кетди. Шу муносабат билан Лотин Америкаси ҳуқуқини, Япониянинг ҳуқуқий тизимини, шунингдек, гарчи роман-олмон оиласига бевосита кирмаса ҳам, бироқ унга яқин бўлган Скандинавия ҳуқуқини ҳам кўриб ўтамиз.

Шимолий Европа³ мамлакатлари бўлган Швеция, Норвегия, Дания, Исландия, Финляндия жўғрофий жиҳатдан Лотин Америкаси ёки Японияга қараганда роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатларига яқин бўлишига қарамай, уларнинг ҳуқуқини мазкур оилага тегишли деб топишда кўплаб мураккабликлар пайдо бўлади, айрим Европалик муаллифлар Скандинавия ҳуқуқининг ўзига хослиги ва автономлигини таъкидланган ҳолда уларнинг ушбу оилага тегишлилигини умуман рад этадилар.

Скандинавия ҳуқуқининг асосий ҳуқуқий оилалар орасидаги ўрнини белгилаш компаратив адабиётдаги анча эски ва жуда жонли мунозара мавзуси ҳисобланади.

Кўпинча ҳуқуқшунос олимлар Скандинавия ҳуқуқини роман-олмон ҳуқуқий оиласининг ўзига хос махсус тури ёки қитъа ҳуқуқий тизимининг алоҳида соҳаси деб ҳисоблашади. Гап шундаки, Шимолий Европа мамлакатлари ҳуқуқи роман-олмон ҳуқуқий оиласининг юридик конструкциялари ва тушунчаларидан кенг фойдаланади.

Скандинавия ҳуқуқи қонуннинг устуворлиги принципларига амал қилади. Скандинавия мамлакатларида ҳуқуқ нормаси инглиз-америка ҳуқуқига қараганда абстрактроқ хусусиятга эга. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимининг ушбу хусусиятлари Шимолий Европа мамлакатлари ҳуқуқини роман-олмон оиласига тегишли деб ҳисоблашда ҳал қилувчи далил сифатида фойдаланилади.

Кўплаб компаративистлар Скандинавия ҳуқуқининг «оралиқ» мавқеи тарафини олишади. Жумладан швед ҳуқуқшуноси Мальмстрём уни роман-олмон ҳуқуқий оиласи билан умумий ҳуқуқ ўртасига «жойлаштиради». Бошқа бир ҳуқуқшунос олим Ф.Шмидт ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган ҳолда континентал Европа ҳуқуқи Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига нисбатан догматикроқ, инглиз-америка ҳуқуқи эса прагматик деган фикрни илгари суради.

³ Гарчи Дания ва Исландия жўғрофий жиҳатдан Скандинавия ярим оролига кирмаса ҳам «шимолий» ва «Скандинавия» атамалари синонимлар сифатида қўлланилади

Яна бошқа бир хил ҳуқуқшунослар Шимолий Европа мамлакатлари ҳуқуқини Фарбий ҳуқуқнинг «учинчи тизими» сира-сига киритишади. Юзинг нординг ҳуқуқи умумий ҳуқуққа қараганда роман-олмон ҳуқуқий оиласига яқинроқ эканлигини таъкидлайди. Ниҳоят, айрим ҳуқуқшунос олимлар Скандинавия ҳуқуқини таснифлашга доир низолар мутлоқо фойдасиздир деб ҳисоблашади.

Чиндан ҳам, бундай хулосага келишга асос бўлувчи айрим ҳолатлар мавжуд. Рим ҳуқуқи Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари ривожланишида Франция ва Олмониядагига қараганда, шубҳасиз, камроқ роль ўйнади. Шимолий давлатларда Франциянинг фуқаролик кодекси ёки Олмония фуқаролик қонунлари мажмуига ўхшаш кодекслар йўқ. Суд амалиёти ушбу мамлакатларда континентал Европа мамлакатларидагига қараганда анча муҳимроқ аҳамиятга эга.

Скандинавия ҳуқуқини умумий ҳуқуқнинг инглиз-америка тизимига киритиш ҳам мумкин эмас. Шимолий мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг тарихий ривожланиши инглиз ҳуқуқидан мутлоқо мустақил равишда юз берган. Боз устига, Скандинавия ҳуқуқи умумий ҳуқуқнинг прецедент, тафовут техникаси, процессуал ҳуқуқнинг алоҳида аҳамияти каби характерли белгиларига эга эмас.

Шу билан бирга умумий ҳуқуқнинг ҳуқуқий оиласи ва роман-олмон ҳуқуқий оиласининг Скандинавия ҳуқуқига маълум таъсирини таъкидламаслик ҳам мумкин эмас. Тарихда у бир хилда бўлмаган ва ҳуқуқнинг турли соҳаларига, энг аввало фуқаролик ҳуқуқига нисбатан турлича намоён бўлган.

2-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг тарихий ривожланиши

Скандинавия мамлакатларида ҳуқуқнинг шаклланиши ўзига хос йўл билан Европа қитъасида амал қилган омиллардан мустақил тарзда юз берган. Шимолий мамлакатларнинг тарихий ривожланиши учун бошқарув иерархиясининг нисбатан ривожланганлиги, эркин деҳқонларнинг мавжудлиги, черков қавми доирасида аҳоли турли табақалари манфаатларини ҳисобга олишнинг демократик шакллари характерли бўлган, бу вужудга келувчи ижтимоий низоларни ҳал этишнинг мурасали воситаларига, иқтисодий ривожланишнинг

патриархал жамият шарт-шароитларига доимий равишда мослашишига олиб келган. Бинобарин, Скандинавия мамлакатларида марказлашган давлат ва мамлакат миқёсида бирхиллаштирилган ҳуқуқ эрта пайдо бўлган.

XII асрдан бошлаб Швецияда қонунчиликнинг жамланиши амалга оширилган. XIV аср ўртасида иккита қонун чиқарилган. Улардан бири қишлоқ жойлардаги, иккинчиси шаҳарлардаги муносабатларни тартибга солган. Ушбу ҳужжатлар Швецияда 400 йил давомида амал қилиб, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг янги шароитларига мослашиши жараёнида судлар муҳим роль ўйнаган.

XVII асрда Швеция суд амалиёти Европа мамлакатларида рецепция қилинган Рим ҳуқуқининг кўплаб конструкция ва принципларини қабул қилган. Бунинг оқибатида ушбу рим унсурлари швед ҳуқуқининг, швед юридик адабиётининг ажралмас қисмига айланган, рим ҳуқуқи рецепцияси Скандинавия мамлакатларига сезиларли таъсир қилганлигини ҳам унутмаслик керак. Англияга қараганда континентал Европа юридик фани билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилганлигининг асосий оқибати бўлган.

Шимолий ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро мустаҳкам алоқаси Скандинавия мамлакатлари ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тарихан мавжуд бўлганлигини билан изоҳланади. Тўғри, Дания, Норвегия ва Швеция қиролликларининг бирлашиши вақтинчалик тусга эга бўлган. У Кальмар унияси сифатида расмийлаштирилган ва 1397 йилдан 1523 йилгача ҳукм сурган. Бироқ Швеция, Франция, Дания, Норвегия билан Исландия ўртасидаги алоқалар анча мустаҳкам бўлган ва ундан кейин ҳам сақланиб қолган.

XII-XIII асрларда Финляндия Швеция томонидан босиб олинган ва 1809 йилгача Швеция империяси таркибига кирган. Ўша йили Швеция Россия билан бўлган муваффақиятсиз урушдан кейин Финляндияни Россияга беришга мажбур бўлган. Россия давлати Финляндияга мустақил Буюк князлик сифатида анчагина мухторият берган, чор маъмурияти унинг ҳуқуқий тизимига жуда кам аралашган. Шундай қилиб, 1917 йилда октябрь тўнтарилишидан кейин Финляндия Россиядан ажралиб чиқиб, 1918 йилда ўз мустақиллигини эълон қилган пайтда унинг Швеция билан ҳуқуқий алоқаларига жиддий равишда путур етмаган.

Дания, Норвегия ва Исландия XIV аср охиридан бошлаб тўрт асрдан ортиқ вақт давомида Дания қироллик оиласининг марказлашган бошқаруви остида бўлган, шундай экан Дания ҳуқуқи мазмунан Норвегия ва Исландияда ҳам амал қилган. 1814 йилда Дания Норвегия ҳудудини Швецияга беришга мажбур бўлган, бироқ Норвегия Швеция империяси таркибида анчагина мустақилликни қўлга киритишга муваффақ бўлган ва 1906 йилда тинч йўл билан тўлиқ мухторият олган. 1918 йида Исландия ҳам мустақил давлат деб эълон қилинган.

Эски олмон ҳуқуқи Скандинавия ҳуқуқининг умумий тарихий асоси бўлиб хизмат қилган. Бироқ ҳар бир шимолий мамлакат, албатта, ўз маҳаллий хусусиятларига эга бўлган. XII асрдан бошлаб эски олмон ҳуқуқи нормаларига қўплаб ер ҳақидаги қонунлар, кейинроқ эса шаҳар қонунлари киритилган. Марказий ҳокимиятнинг дастлабки ҳужжатларидан бошлаб ҳуқуқни бирлаштириш ва бирхиллаштириш жараёни амалга оширилган. Швецияда XIV асрда айрим жойлар ҳуқуқини ягона ер ҳуқуқига, халқларнинг ҳуқуқларини эса ягона шаҳар ҳуқуқига бирлаштиришга муваффақ бўлинган.

XVII-XVIII асрлар давомида икки қонун ҳужжати, икки тўплам Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларини шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси бўлган. Улардан биринчиси 1683 йилда Данияда қабул қилинган қирол Христиан V Кодекси («Danske lov») 1687 йилда унинг амал қилиши «Норвег ҳуқуқи» номи остида Норвегияга ҳам жорий қилинган, иккинчиси эса 1734 йилги Швеция давлати қонунлари тўплами («Sveriges rikes log») эди.

Дания Кодекси қуйидаги бўлимлардан иборат: 1. Судда ишларни кўриб чиқиш тўғрисида. 2. Черков тўғрисида. 3. Дунёвий табақалар, савдо ва оила ҳуқуқи. 4. Денгиз ҳуқуқи тўғрисида. 5. Ашёвий ҳуқуқ ва мерос ҳуқуқи тўғрисида. 6. Жиноят ҳуқуқи тўғрисида.

1734 йилги Швеция кодексига тўққизта бўлим бор эди: 1. Никоҳ тўғрисида. 2. Ота-оналар ва болалар тўғрисида. 3. Мерос тўғрисида. 4. Кўчмас мулк тўғрисида. 5. Қурилиш тўғрисида. 6. Савдо тўғрисида. 7. Жиноятлар тўғрисида. 8. Суд қарорларини ижро этиш тўғрисида. 9. Судда ишларни кўриб чиқиш ва суд тузилиши тўғрисида.

Тўпламда 1300 параграф мавжуд эди. Дания кодекси сингари у оддий, тушунарли, халқ тилида ёзилган бўлиб тўлиқроқ ва аниқроқ тартибга солиш мақсадида XVIII асрда табиий ҳуқуқ тарафдорлари томонидан Европа қитъасида жорий этилган назарий умумлашмалар ва панд-насихат тушунчаларидан воз кечилган. Таъкидлаш зарурки, 1734 йилги швед Кодексига Рим ҳуқуқининг таъсири унча сезиларли бўлмаган. Кодекс муаллифлари эски швед ер ва шаҳар ҳуқуқи анъаналарига чуқурроқ мурожаат қилишган. Бу унинг методи, тузилмаси, тили ва унда умумлаштирувчи нормалар йўқлигидан кўриниб турибди.

Ушбу тўплам Скандинавия ҳуқуқининг ҳар иккала тармоғи Дания ва Швеция ҳуқуқининг кейинги ривожланишининг асосини ташкил этган. Ушбу ривожланиш, албатта, континентал Европадан ажралган ҳолда юз бермаган. Бироқ муайян босқичларда ҳуқуқнинг шакланган тизимига бўлган қонунчилик ислохотлари ўтказишга қаратилган уринишлар бўлган (XIX асрнинг биринчи ярмида Франция Фуқаролик кодексига ўхшаш умумий қонун қабул қилиш лойиҳалари муҳокама қилинган), афсуски, муваффақият қозонмаган.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳатто улар қабул қилинган пайтда ҳам кодекслар сифатида баҳолаш қийин эди. Уларни амалдаги қонунчилик тўпламлари сифатида таърифлаш тўғрироқ бўлар эди, чунки ушбу қонун ҳужжатларининг айрим қисмлари бир-бири билан тўлиқ боғланмагандир. Айниқса уларни ҳозир кодекс деб тан олиш мумкин эмас. Чунки улар амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларининг жуда оз қисмини ўз ичига олади. Агар 1734 йилги Швеция қонуни амалий ролни, яъни позитив швед ҳуқуқининг бирлаштирувчи омили ролини бажарса, Христиан V Кодекси расман амал қилишда давом этса ҳам «музей экспонати»га айланган.

Ҳозирги кунга қадар амал қилиб келаётган 1734 йилги қонун унга қабул қилиш пайтида киритилган қоидаларни амалда ўз ичига олмайди. Бир қанча бўлимлар тўлиқ қайта ишланди. Масалан, 1920 йилда никоҳ тўғрисида янги бўлим, 1948 йилда суд муҳокамаси ҳақида яъни бўлим қабул қилинди, 1959 йилда эса «Мерос тўғрисида»ги қисмнинг эски бўлими қайта ишланиши натижасида қонунга шу номдаги бўлим киритилган, бундан олдинроқ 1949 йилда ушбу бўлимдан бунгача бўлмаган ота-оналар тўғрисидаги бўлим ажратиб олин-

ган; 1970 йилда кўчмас мулк тўғрисидаги бўлим тўлиқ янги-ланган. Қолган бўлимларда эски нормалар жуда оз миқдорда сақлаб қолган. Илгари амал қилган кўпчилик қоидалар нормалари тегишли соҳалардаги муносабатларни тартибга солишнинг ядросини ташкил этувчи алоҳида қонунлар билан ал-маштирилган.

Ҳозирги вақтда 1734 йилги қонун тизимига сиғмайдиган қонунчилик швед ҳуқуқининг кўплаб соҳаларини қамраб олади: меҳнат ва акциядорлик ҳуқуқи, саноат мулкани муҳофа-за қилиш ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунчилик, атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчилик, маъмурий ҳуқуқнинг кўплаб бўлимлари, бошқача сўзлар билан айтган-да, ҳуқуқий тартибга солишнинг устун даражада XIX аср ўр-таларидан бошлаб мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ри-вожланиши давомида намоён бўлган барча соҳаларини қам-раб олади. Гарчи 1734 йилги қонун доирасидан ташқарига чиқувчи қонунчилик кўрсатмалари сони ушбу ҳужжатга му-вофиқ швед қонунчилигининг тизимга солинган қисмидан ан-ча ортиқ бўлса ҳам швед давлати қонунининг амалий аҳами-яти ҳали катта эди.

Асосан тарихий ёдгорлик сифатида сақланиб қолган Дания кодекси ҳақида бундай деб бўлмайди. Кодекслашти-рилган қонунчилик мамлакатнинг амалдаги ҳуқуқининг катта қисмини ташкил этмайди. Швецияда суд амалиётининг роли ҳам унча паст эмас. Бу ҳолат Скандинавия ҳуқуқини қандай-дир даражада умумий ҳуқуққа яқинлаштириб, роман-олмон ҳуқуқий оиласидан фарқлантиради.

1734 йилги Швеция кодексининг ва 1683-1687 йилларда қабул қилинган Дания-Норвегия кодексининг бир неча аср амал қилиши охириги йилларда тобора сийрак қўлланилиб, охир-оқибат ривожланувчи прецедент амалиёти оғирлиги ос-тида аста-секин умуман мавжуд бўлмай қилишига олиб кел-моқда. Ҳуқуқий ривожланишнинг ушбу хусусияти, шунинг-дек, 1804 йилги Франция фуқаролик кодексига ва Олмония фуқаролик қонунлари мажмуига ҳам тегишлидир.

3-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларини бирхиллаштириш ва уйғунлаштириш

Скандинавия мамлакатларининг тарихий ва маданий жиҳатдан умумийлиги, ўзаро савдонинг ривожланиши ва транспорт алоқаларининг яхшиланишига, тилларнинг ўхшашлигига ва қонунчилик соҳасида ҳам улар ўртасида мустаҳкам ҳамкорликка олиб келган.

Скандинавия ҳуқуқи ўзида нафақат ҳуқуқ ривожланишининг тарихий йўллари ўхшашлиги билангина эмас, балки қонунчилик хусусиятларига ва ҳуқуқ манбаларига кўра ягона тизимни ифодалайди. Бунда Скандинавия мамлакатлари қонунчилик соҳасида мустаҳкам ҳамкорлик қилиш ва XIX аср охирида бошланган ушбу жараён қатнашчиси бўлган давлатларнинг барчасида тенг амал қилувчи бирхиллаштирилган ҳужжатлар сони кўпайишига олиб келган ушбу жараён алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шимолий мамлакатларнинг юридик ҳамкорлиги Скандинавия ҳуқуқшунослари ўз ҳуқуқларини янада бирхиллаштиришга кўмаклашишни мақсад қилиб қўйган ўз қурултойига тўпланган 1872 йилдан бошланган. Ўша пайтдан бошлаб бу никоҳ-оила, шартнома, деликт ҳуқуқи, компаниялар ва интеллектуал мулкка тегишли ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқ ижодкорлигининг характерли белгисига айланган. Бироқ оммавий ҳуқуқ соҳасида, жинойт ҳуқуқи ва процессида, солиқ ҳуқуқида, кўчмас мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқида, яъни турли миллий анъаналар катта салмоққа эга бўлган соҳаларда бундай кооперация анча кучсиз ифодаланган.

1980 йили уч мамлакатда Швеция, Дания ва Новергияда бир вақтнинг ўзида айланма ҳужжатлар тўғрисидаги ягона қонун кучга кирган. Кейинги йилларда савдо ҳуқуқини (савдо белгилари, савдо реестрлари, фирмалар тўғрисидаги қонунлар, чеклар тўғрисидаги қонун) ва денгиз ҳуқуқини бирхиллаштиришга асосий эътибор берилган.

XIX аср охирида янада мукамалроқ бирхиллаштириш режалари пайдо бўлган. 1899 йилда Даниялик профессор Ларсен пировард натижада ягона фуқаролик кодексини вужудга келтириш учун хусусий ҳуқуқни бирхиллаштиришни таклиф қилган. Гарчи Скандинавия давлатлари ҳукуматлари ушбу таклифга рози бўлган бўлсалар ҳам ягона фуқаролик

кодекси лойиҳасини яратиб кечиктирилган, устуворлик эса мулк ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқининг айрим муассасаларини бирхиллаштиришга берилган. Кўчар мулкни сотиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси мана шу саъй-ҳаракатлар натижаси бўлди. Швеция ва Данияда у 1906 йилдан бошлаб, Норвегияда 1907 йилдан, Исландияда 1922 йилдан кучга кирди. Шартномалар ва мулк ҳуқуқи ҳамда мажбурият ҳуқуқи билан боғлиқ бошқа операциялар тўғрисидаги қонун Скандинавия мамлакатлари ҳамкорлигининг яна бир муҳим юридик натижаси бўлди. Швеция, Дания ва Норвегияда у 1915 йилдан 1918 йилгача бўлган замонда, Финляндияда эса 1921 йилда кучга кирган. Юқорида эслатиб ўтилган ва айрим бошқа қонунлар асосида Скандинавия мамлакатларида моҳият эътибори билан ягона шартнома ҳуқуқи шаклланди.

Гарчи оила ҳуқуқи соҳасида Скандинавия мамлакатлари қонунчилиги ўртасидаги фарқ мажбурият ҳуқуқига нисбатан кучлироқ ифодаланган бўлса ҳам Скандинавия давлатлари ушбу соҳада фаол ҳамкорлик қила бошлаганлар. Шуни қайд этиш зарурки, континентал Европада ислоҳотлар иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтказилган кўплаб масалалар Скандинавия ҳуқуқида анча олдин ҳал этилган. Бу ерда эрақ ва аёлларнинг тенглигини, никоҳни бекор қилиш учун бош асос сифатида айбдорлик принциpidан воз кечишни, никоҳдан ташқари туғилган болалар ҳуқуқларини тенглаштиришни эслатиб ўтиш етарлидир.

Скандинавия мамлакатларида ҳуқуқнинг бирлигига бўлмасам ҳам уни уйғунлаштиришнинг юксак даражасига эришиш учун айниқса қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлган. Уларнинг тарихий ривожланиши ва тиллари жуда яқин, маданий алоқалари жуда қалин, улар ўртасида жиддий сиёсий фарқлар бўлмаган, жўғрофий ўринлари ва ривожланишнинг иқтисодий даражаси тахминан бир хилда эди. Бу ҳолатларнинг барчаси, шунингдек, ушбу мамлакатларда ҳуқуқ тарихан мувозий йўллар билан ривожланганлиги юридик ҳамкорликни анча енгиллаштирган. Ҳозирги вақтда Скандинавия тажрибаси умумевропа даражасида тегишли ҳамкорлик учун намунавий модель сифатида қабул қилинмоқда.

Ушбу мамлакатлар ҳуқуқининг бирхиллаштирилиши ва уйғунлаштирилиши уларнинг миллий қонун ҳужжатлари мутлоқо бир хил экинлигини англамайди. Скандинавия ҳу-

қуқи ижобий ҳуқуқ тизими эмас, балки юридик концепциядир. Скандинавия ҳуқуқшунослари Уппсал ҳуқуқ мактаби бундай концепцияга асос бўлган деб ҳисоблашади. Аксель Хегерстрём ва унинг издошлари Скандинавия ҳуқуқий реализми деб аталадиган йўналишни бошлаб берувчилар ҳисобланади.

Ю.А.Тихомиров хорижий ҳуқуқшуносларга мўлжалланган «Дания ҳуқуқига кириш» китоби мисолида Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг умумийлигини жуда яхши кўрсатиб берган. Ушбу китоб беш қисмдан иборат. Биринчи қисм ҳуқуқий тизимнинг тарихи, манбалари, юридик ташкилотларга, ҳуқуқий маълумотларга ва ҳуқуқшунос касбига бағишланган. Иккинчи қисм хусусий ҳуқуқ соҳалари ва институтлари бўлмиш оила, мажбурият, тижорат, ҳаво ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ, мулк ҳуқуқи, суғурта ва юридик шахсларга бағишланган. Учинчи қисм оила ҳуқуқи, конституциявий, маъмурий, жиноят-суд, солиқ, иқтисодий (режалаштириш воситалари ва бошқалар) ҳуқуқларни ўз ичига олади. Тўртинчи қисм меҳнат ҳуқуқига, ва ниҳоят бешинчи қисм ҳуқуқ фалсафасига бағишланган.

Ҳозирги вақтда Скандинавия мамлакатларининг Оврупо Кенгаши, Оврупо иттифоқи, Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоғи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти каби Оврупо тузилмаларига аъзо эканлиги ҳам уларнинг ҳуқуқий тизимларига яқинлаштирувчи таъсир кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари роман-олмон ҳуқуқий оиласига яқин бўлса ҳам уларнинг ўзига хос муҳим хусусиятлари мавжудлигига амин бўлдик.

4-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг хусусиятлари

Скандинавия мамлакатларида ҳуқуқий тизимларни одатда икки гуруҳга бўлиш қабул қилинган. Биринчиси Дания, Норвегия ва Исландияни ўз ичига олади. Уларнинг ҳуқуқлари мазмунига кўра тарихан XVII асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган Дания ва Норвегия ҳуқуқини компиляция қилишга ўхшаш асосда ривожланган. Иккинчи гуруҳга Швеция ва Финляндия киради. Финляндияда 1743 йилда Швеция

давлати қонунчилиги жорий этилган. 1808-1809 йиллардаги рус-швед урушига хотима ясаган Фридрихсгам сулҳ шартномасига мувофиқ Швеция Финляндияни бой берган. Лекин шунга қарамай ушбу мамлакатда швед ҳуқуқи таъсири ҳозирги вақтга қадар салмоқчилигиича қолмоқда.

Ҳар иккала гуруҳга таалуқли ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро бир-бирига таъсири яққол кўриниб туради. Бу қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

биричидан, узоқ вақт давом этган тарихий алоқалар ва ушбу давлатларнинг этник яқинлиги;

иккинчидан, ушбу мамлакатларнинг барчасида континентал Овруро мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари ривожланишига жиддий равишда таъсир кўрсатган Рим ҳуқуқи рецепциясининг деярли йўқлиги;

учинчидан, роман-олмон ҳуқуқий оиласида бўлганидек ҳуқуқнинг айрим соҳаларини тизимлаштирувчи кодексларнинг мавжуд эмаслиги;

тўртинчидан, 100 йилдан ортиқ давом этаётган Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқини бирхиллаштириш жараёни.

Скандинавия мамлакатларининг замонавий ҳуқуқий тизимлари таҳлили Скандинавия ва роман-олмон ҳуқуқининг бирмунча умумий томонларини кўрсатади. У энг аввало ҳуқуқий тартибга солиш манбаларининг ўхшашлигида намоён бўлади. Скандинавия мамлакатларида қонун ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади, судьялар эса аниқ бир низони ҳал этишар экан расман ҳуқуқий нормалар ярата олмайдилар. Ушбу масалада Скандинавия ҳуқуқи ва умумий ҳуқуқ тизимлари ўртасида жиддий фарқ намоён бўлади.

Шу билан бирга Скандинавия мамлакатларида суднинг роли анъанавий равишда анча салмоқли эканлигини эътироф этиш зарур. Бу ерда судьяларнинг функцияси ҳеч қачон фақат қонунчилик нормаларини қўллашдан иборат бўлиб қолмаган. Скандинавия мамлакатларида судья қонунлар ва шартномалардаги қоидаларни талқин қилишда катта эркинликка эгадир.

Швецияда қуйи босқич судлари амалда барча ҳолларда юқори турувчи суд органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларга, биринчи навбатда Олий суд қарорларига амалдаги ҳуқуқнинг нуфузли талқин қилиниши сифатида сўзсиз амал қилади.

Кейинги йилларда суд амалиётининг роли сезиларли даражада ўсди. Швецияда 1971 йилдаги қонунга мувофиқ Олий суд ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг муайян йўналишларини белгилаш нуктаи назаридан қизиқиш уйғотувчи ишларни кўриб чиқади. Шундай қилиб, Олий суд қарорларининг бутун суд тизими учун мажбурийлиги эътироф этилади. Қонунларга аниқланмаган нормалар киритилиши амалиёти тобора кўпроқ ёйилиши пировард натижада судьяларнинг дискрецион ваколатлари кенгайишига олиб келади. Швецияда қонунларга белгиланмаган нормаларнинг киритилиши «умумий қайдлар» ёки умумий писандалар деган ном олди. Швед ҳуқуқшуносларининг ўзлари «умумий писандлар» қонунчилик техникасининг ривожланишини «қонунчилик ҳоқимияти ваколатларини суд органларига берилишининг бир тури» сифатида баҳолайдилар. Кўрсатиб ўтилган принцип роман-олмон оиласининг барча мамлакатларида манбалар тизими эволюциясида аниқ намоён бўлади.

Скандинавия ҳуқуқи роман-олмон ҳуқуқининг умумий юридик концепциясидан фойдаланади. Ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизими континентал Европада қабул қилинган олий юридик маълумот тизимига ўхшаш бўлиб, буларнинг барчаси Рим, сўнгра француз ва олмон ҳуқуқининг таъсири натижа-сидир.

XIX асрнинг биринчи ўн йилликларида француз ҳуқуқий тизими Шимолий Европа мамлакатлари ҳуқуқига кучли таъсир кўрсатган. 1826 йилда Швецияда ҳатто Наполеон Кодекси намунаси бўйича тузилган фуқаролик кодекси лойиҳаси тайёрланган. Лекин у амал қиладиган ҳужжатга айланмаган. XIX аср охири ва XX аср бошида ҳуқуқни замонавийлаштириш эҳтиёжи Скандинавия ҳуқуқшуносларини Олмония тажрибасига мурожаат қилишга мажбур қилган. Амалда барча швед профессорлари ушбу замонда Олмонияда касб тайёргарлиги олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Бироқ пандектлар тарафдорларининг назарий қарашлари Скандинавия ҳуқуқшунослари томонидан қабул қилинмаган. Скандинавия мамлакатлари фуқаролик ҳуқуқини Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи намунаси бўйича кодекслаштиришдан бош тортишди, чунки Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи Скандинавия ҳуқуқшунослари ҳуқуққа анъанавий ёндашишларига ёт бўлган кўплаб тушунчалар мавжуд бўлган. Тезда ушбу мамлакатларда социологик йўналиш устунлик қилди, асосан

француз ҳуқуқшунослари томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий функциялар назарияси қўллаб-қувватланган.

Скандинавия ҳуқуқининг бир қанча характерли хусусиятлари уни роман-олмон оиласидан фарқлаб туради. Биринчидан, ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуққа, шунингдек, соҳаларга бўлиш Скандинавия ҳуқуқи учун хос эмас. Бу жиҳатдан у умумий ҳуқуқ оиласига ўхшашдир. Иккинчидан, Скандинавия ҳуқуқи кодекслаштирилмаган. Расман ушбу мамлакатларда дастлаб бутун норматив материални қамраб олган қонунлар амал қилишда давом этмоқда, бироқ юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра уларни роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатларидаги кодекслаштиришга ўхшатиш мумкин эмас. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг айрим жиҳатлари роман-олмон ҳуқуқий оиласига қараганда умумий ҳуқуқ тизимига яқинроқ. Жумладан, қонун чиқарувчи Скандинавия мамлакатларида узоқ вақт умумлаштириш юксак даражада бўлган нормалардан фойдаланишдан қочади. Фуқаролик жараёни ва жинойт ҳуқуқи бу мамлакатларда айни бир хил қоидалар билан тартибга солинади.

Скандинавия ҳуқуқини ва умумий ҳуқуқни ҳуқуққа, ҳуқуқий тушунчалар ва конструкцияларга бўлган бир хил ёндашув бирлаштиради. Ушбу кейинги ҳолат иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳуқуқий реализм мактабининг Америка концепцияси Скандинавия мамлакатларида машҳур бўлишининг муваффақиятини муайян даражада изоҳлайди. Америка ҳуқуқининг ўсиб бораётган таъсири кейинги вақтларда айрим юридик конструкциялар, Америка ҳуқуқидан тушунчалар, масалан деликт жавобгарлик, суғурта соҳасидаги тушунчалар ўзлаштирилишида намоён бўлмоқда. Скандинавия университетларида ҳуқуқий фанларни ўқитиш методлари ҳам ҳуқуқий маълумотнинг Америка тизимини тобора кучлироқ эслатмоқда.

5-§. Скандинавия ҳуқуқининг манбалари

Айнан Швеция ҳуқуқида умуман Скандинавия ҳуқуқига хос бўлган хусусиятлар тўлиқроқ намоён бўлади. Биринчидан, айнан Швеция бирхиллаштирилган қонун ҳужжатлари яратиш ишининг ташаббускори бўлган. Иккинчидан, Швеция ҳамма вақт қонун ҳужжатларининг ушбу бирхиллигини ўзида жорий этган биринчи мамлакатдир. Учинчидан, бундай ҳужжатларнинг мазмуни Швеция қонунчилигига асосланади.

Шундай қилиб, Скандинавия ҳуқуқи манбалари шаклланишига Швециянинг таъсири каттадир. Масалан, товарлар сотиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси Дания, Норвегия ва Финляндиянинг ана шундай қонунларини алмаштириш учун Швеция ҳукумати ташаббусига кўра тайёрланган эди.

Қонун Швеция ҳуқуқининг асосий манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда Швеция қонунчилиги ўзида кўпчилиги тизимлаштирилмаган батафсил ишлаб чиқилган нормалар жамини ифодалашига қарамай, Швециянинг кўпчилик ҳуқуқшунослари ушбу мамлакат ҳуқуқида қонуннинг устувор бўлишини талаб қилишади.

Масалан, О.Мальстрём ҳуқуқ манбаларини қонунларга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга, ҳуқуқни талқин қилувчи ҳужжатларга, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига ажратади. У қонунни ҳуқуқнинг муайян ҳуқуқий тартиботга тегишли бўлган ёзиб қўйилган нормаси сифатида белгилайди.

Швециядалик қонун чиқарувчи орган ҳеч қачон ҳуқуқнинг ҳар бир соҳасига қўлланса бўладиган муайян ҳуқуқий принципларни ишлаб чиқишга интилмаган. Бу умумий тусдаги нормалар сонининг унча кўп эмаслигига олиб келган.

Ҳозирги вақтда Швеция қонунчилигида бунинг акси бўлган йўналиш вужудга келиб, аниқ ҳаётий вазиятни тартибга солишга қаратилган махсус ҳуқуқий нормалардан «дудмол» нормалар деб аталган нормаларга ўтиш юз бермоқда. Бунинг мазмуни муайян кўрсатмалар билан қамраб олинган ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда суд органларига ёки бошқа давлат органларига кенг эркинлик берилиши назарда тутилишига олиб келди.

Ушбу ҳолларда дискрецион ваколатлар амалда чекланмагандир, чунки улар тегишли ҳуқуқий нормалар «оқилоналик», «адолат», «виждонан ҳуқуқий амалиёт» каби категорияларга ҳавола қилади.

Дастлабки материалларнинг ҳаддан ортиқ катта аҳамиятга эга бўлиши қонун нормаларининг ноаниқлиги ва тушунарли эмаслиги билан изоҳланади. Ҳуқуқшунос олимлар бунда умумий ҳуқуқни ривожлантиришнинг ҳолисона тенденциясини кўришмоқда.

Швеция қонунчилиги тўлиқ кодекслаштирилмаган. Қонунларни расмий нашрда эълон қилиш пайтида тартиб рақами қўйилиши уни тизимлаштиришнинг ягона расмий методи ҳисобланади. Қонунчилик жараёнининг узил-кесил натижалари қонунлар ва қарорлар 1824 йилда асос солинган расмий бюл-

летень бўлмиш «Швеция қонунчилиги тўплами»да эълон қилинади. Қонун матнларидан иқтибос келтиришда бюллетень чиққан йил ва унинг рақамига ҳавола қилинади.

Швед ҳуқуқидаги урф-одат ўзида амал қилишини ижтимоий амалиётда сақлаб келаётган «ҳуқуқнинг ёзилмаган нормаси»ни ифодалайди. Швецияда урф-одатларни қўллаш соҳаси анча чекланган, чунки қонун устуворлиги сабабли, урф-одатга иккинчи даражали рол ажратилмоқда.

Бу ижтимоий муносабатларнинг кўпчилик қисми қонунчилик йўли билан тартибга солиниши билан боғлиқдир. Бироқ савдо, денгизда сузиш каби соҳаларда урф-одат ҳамон катта аҳамиятга эга, айрим ҳолларда эса (улар сони жуда оз) урф-одат ҳатто қонундан устулик қилади. Масалан, кўчар мулкни сотиш ва айирбошлаш тўғрисидаги қонунда, агар шартномада тарафлар томонидан ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса ёки савдо урф-одатидан ўзгача ҳол келиб чиқмаса, ушбу қонун нормалари қўлланиши кераклиги кўрсатилган.

Маълум бир Швеция шаҳрида, портида ёки вилоятида амал қилувчи урф-одатлар ва расм-русумлар маҳаллий савдо палаталари томонидан умумлаштирилади ва эълон қилинади, бу уларни қўллаш имкониятини сезиларли даражада енгиллаштиради.

Суд амалиёти Швеция ҳуқуқининг яна бир манбаи ҳисобланади. Судьялар асосан норма ижодкорлиги билан шуғулланишади.

Швеция ҳуқуқий доктринасида Олий суд инстанцияларининг қарори ўзида аниқ бир ишнинг ечимидан бошқа нарса эмаслиги ҳақидаги ғояда ёрқин ифодаланган. Биринчи босқич судлари муайян ишларни ҳал этишнинг шаклланган амалиётини унчалик хоҳламай ўзгартиришади. Улар амалда барча ҳолларда шунга ўхшаш ишлар бўйича юқори турувчи суд босқичлари томонидан қабул қилинган қарорларга амал қилишади.

Биринчи босқич Швеция судлари бошқа мамлакатларда ўзга давлат муассасалари томонидан тартибга солинадиган ҳар хил ҳуқуқий ва маъмурий хатти-ҳаракатларни содир этишади. Масалан, ер участкалари сотиш ва уларни гаровга қўйиш битимларини, васиятномаларни рўйхатдан ўтказишди ҳамда вафот этган шахснинг мол-мулкани албатта рўйхатга олишади, вояга етмаганнинг мол-мулкани бошқариш ва унга васийлик қилиш устидан назорат қиладилар.

Швецияда олтита апелляция суди (ҳудудий белгисига кўра) бор, охирги босқич сифатида эса Швеция Олий суди мавжуд. Махсус судлар деб аталадиган судлар ҳам фаолият кўрсатади. Масалан, Олий маъмурий суд, Меҳнат низолари бўйича суд.

Сўнгги ўн йилликларда кузатилаётган суд амалиёти аҳамиятининг ошиши шубҳасиз қонунчилик ижтимоий ривожланишнинг тадрижий ўсишга тезликда ва муносиб равишда жавоб бера олмаслиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, қонун чиқарувчи орган қонунларда «умумий қоидалар»дан кенг фойдаланиш йўли билан онгли равишда суд органларига ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш имконини беради.

Бироқ швед ҳуқуқшунослари судларга фақат ҳуқуқни талқин қилиш ролини, яна ҳам кам даражада прецедент яратиш ҳуқуқини беришади.

Швецияда прецедент тушунчаси Англия ҳуқуқида бўлганидек кўринишда эмас. Лекин шунга қарамай 1971 йилги ислохотга мувофиқ Швеция Олий судига билвосита ҳуқуқ ижодкорлиги функцияси берилди. Олий суд босқичига ҳуқуқни қўллаш фаолиятида аниқ йўналишларни белгилаш нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотувчи ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилди.

Суд амалиёти томонидан яратилган ҳуқуқий норма қонун нормаси сингари нуфузга эга эмас. У унчалик мустақкам эмас, уни исгалган пайтда бир четга суриб қўйиш ёки янги иш кўрилиши муносабати билан бекор қилиш мумкин. Суд амалиёти томонидан яратилган норма ҳар бир судья уни қанчалик яхши деб ҳисоблайдиган даражадагина мавжуддир ва қўлланилади.

Швед ҳуқуқий доктринаси муайян даражада прецедент қоидаси жорий этилишига мойил дейиш мумкин, бироқ қонунчилик йўли билан қабул қилинган ҳуқуқий нормалар, уларни талқин қилиш ҳозирча аниқлаштириш жараёнини босиб ўтмоқда.

Ҳуқуқнинг тегишли табиатига, унинг мазкур ҳуқуқ тизимида эгаллаган мавқеига, динамик ривожланишини таъминлайдиган, айни вақтда мақсадга мувофиқ ва амалиётда қулай бўлган хоссаларига кўп даражада мувофиқ келувчи меъерий юридик ҳужжатлар салмоғининг тобора ўсиб бориши ҳуқуқ манбалари ривожланишидаги устунлик қилувчи йўналиш-

лардан биридир. Швед ҳуқуқи манбалари динамикаси мана шундан далолат беради.

Ю.А.Тихомиров тўғри қайд этганидек, болтиқ бўйи давлатлари Скандинавия ҳуқуқи таъсири соҳасига тобора фаолроқ жалб қилинмоқда. Иқтисодий ва сиёсий соҳаларда интеграция жараёнлари ўсмоқда. Умумий давлатлараро тузилмалар пайдо бўлмоқда. Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий ёрдами тобора сезиларли бўлмоқда ва бу Болтиқ бўйи давлатларининг миллий қонунчилигида ўз ифодасини топмоқда.

9—мавзу бўйича назорат саволлари

1. Скандинавиядаги ҳуқуқий тизимларни қандай асосларга кўра мустақил ҳуқуқий оилага ажратиш мумкин?
2. Скандинавияда ҳуқуқий ривожланишнинг ўзига хос жиҳатларини биласизми?
3. Скандинавия қонунчилигини унификация қилиш сабаблари нимада?
4. Скандинавия ҳуқуқининг қандай манбаларини биласиз?
5. Скандинавия ҳуқуқий тизимлари қандай сабабларга кўра уйғунлаштирилмоқда?

«Мазкур ҳуқуқий оила барқарор умумийлик белгиларига тахминан сўнгги юз йиллик доирасида эга бўлди.

...Лотин Америкаси ҳуқуқи илдиэларида асл халқларвар қарашлар ва урф-одатлар кўриниб турибди, улар ҳуқуқий жараёнларга ўз «нурини» таратиб туришади.

...Лотин Америкаси ҳуқуқида ҳуқуқий қарашлар ва нормаларнинг чатишиб кетиши жуда ғалатидир ва бу унинг «бир маромдаги» прогнозини қийинлаштиради».

Ю.А.Тихомиров, Қиёсий ҳуқуқ Халқаро Академиясининг мухбир аъзоси

10–мавзу. Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари

1–§. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг шаклланиши.

2–§. Лотин Америкаси ҳуқуқининг кодификацияси ва унинг манбалари.

3–§. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос хусусиятлари.

1–§. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг шаклланиши

Марказий ва Жанубий Америка ҳудудининг Европа давлатларининг мустамлакасига айланиши роман-олмон ҳуқуқининг ёйилишига олиб келган. XVI ва XX асрларда қабул қилинган кодекслаштириш француз, испан, португал ва итальян кодексларининг бу ҳудудга бўлган ҳуқуқий экспансиясига кўмаклашган.

Лотин Америкаси давлатлари тарихий тақдирининг умумийлиги, ижтимоий-иқтисодий тузум ва сиёсий тузилманинг ўхшашлиги уларнинг кўпчилигида ўхшаш ҳуқуқий институтларни вужудга келтирган. Улардаги ҳуқуқий тизимларнинг ўхшашлиги мана шу билан изоҳланади. Бу ҳолат Лотин Америкаси ҳуқуқи тўғрисида гапириш имконини беради. Албатта, бу Лотин Америкаси бир қанча мамлакатлари ҳуқуқининг умумий шаклдан жиддий равишда четга чиқишларини (маса-

лан, Куба) истисно этмайди. Лекин шунга қарамай, бундай шаклнинг мавжуд бўлиши тўлиқ равишда ўзини оқлайди.

Фарблик кўпчилик компаративистлар Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқини роман-олмон ҳуқуқий оиласи сирасига киритишади. Бироқ Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқини ажратиб кўрсатиш талаби ҳам билдирилмоқда. Р. Давид Лотин Америкаси ҳуқуқи гарчи ўз тузилмаси ва умумий белгиларга кўра роман-олмон ҳуқуқий оиласига тегишли бўлса ҳам алоҳида хусусиятларига кўра ушбу оила доирасида алоҳида гуруҳ сифатида таснифлашга лойиқдир, деб ҳисоблайди.

Роман-олмон тизимига яқинлик энг аввало Лотин Америкаси ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра кодекслаштирилган ҳуқуқ эканлигида ифодаланади. Боз устига кодекслар Европа намуналари бўйича тузилган. Ўхшашликнинг бошқа белгилари ҳуқуқнинг тахминан ўхшаш тизими, ҳуқуқий норманинг абстракт хусусияти мана шундан келиб чиқади.

Давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейинги замонда юз берган кодекслаштириш миллий ҳуқуқий тизимлар шаклланишига олиб келган. Агар инқилоблардан кейин Европа мамлакатларида ўтказилган қонунчиликни кодекслаштириш ўзида ушбу инқилобларни ўзига хос якунини ифодалаган бўлса, Лотин Америкаси мамлакатларида қонунчиликни кодекслаштириш, бир томондан, мустамлакачиликкача ва мустамлакачилик ҳуқуқи элементлари муросасини акс эттирган, иккинчи томондан, пировард натижада Лотин Америкаси қитъасида янги муносабатлар мустаҳкамланиши ва ривожланишига кўмаклашган восита бўлган».

Лотин Америкаси мамлакатлари кодекслаштиришнинг айнан Европа моделини қабул қилишга муайян даражада мустамлакачилик ҳуқуқи, яъни Америка қитъасига босқинчилар томонидан келтирилган испан ва португал ҳуқуқи ҳамда ўз тарихий ривожланишига кўра яқин бўлган француз ҳуқуқи хусусиятига кўра тайёрланган. Ёш мустақил Лотин Америкаси давлатларида ягона миллий фуқаролик кодексларига эҳтиёж пайдо бўлганда француз ҳуқуқига эътибор тушган. Испания ҳуқуқи собиқ метрополия ҳуқуқи сифатида рад этилган. Бундан ташқари, у кодекслаштирилмаган эди ва варақлари эски испан оддий ҳуқуқи қўлланганлиги сабабли, бўлинган ва ҳар хил турда бўлган.

Уйғониш замонининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари миллий мустақилликни қўлга киритган Америка қитъаси инқилобий кучларига кўрсатган улкан таъсир француз моделини қабул қилишнинг мафкуравий асоси бўлган. Умуман олганда Лотин Америкаси мамлакатлари фуқаролик кодекси гарчи турлича даражада бўлсада Наполеон кодекси белгиларини ўзида сақлаб қолган.

2-§. Лотин Америкаси ҳуқуқининг кодификацияси ва унинг манбалари

Лотин Америкаси мамлакатларида кодекслаштириш давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин бошланган ва катта ривожланиш босқичини босиб ўтган. Америка қитъасидаги вазиятнинг кўплаб хусусиятлари унда ўз аксини топган. Бошқа мамлакатларда тўпланган тажриба ҳам тўлиқ ҳисобга олинган.

Чилининг 1855 йилги Фуқаролик кодекси Венесуэлалик ҳуқуқшунос Андрес Белло томонидан тайёрланган. У француз манбалари ва анъанавий Рим ҳуқуқи институтларини муваффақиятли равишда яқдил қилиб бирлаштирган. У, шунингдек, испан ҳуқуқи категорияларидан фойдаланган. Жумладан «Етти китоб» қоидалари ва Савиньян ғояларидан фойдаланган.

Чили фуқаролик кодекси тузилмаси Франция Фуқаролик кодекси тузилмасига нисбатан такомиллашган бўлиб, тили ҳам ифодали бўлган. Чили Фуқаролик кодекси ундан кейин пайдо бўлган Эквадор (1860 йил) ва Колумбия (1873 йил) фуқаролик кодекслари ва кўплаб бошқа Марказий Америка давлатлари фуқаролик кодексларига намуна бўлиб хизмат қилган. У, шунингдек, Лотин Америкасининг давлатлари бўлмиш Венесуэла (1862 йил) ва Уругвай (1868 йил) фуқаролик кодексларига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Аргентинанинг 1869 йилги Фуқаролик кодексини яратувчи Кордова шахри университети профессори Долмасио Велес Сарсфильд кодексни мана шу иккита ҳужжат асосида тузганлигини кўрсатади. Уругвайда ҳам шундай бўлган. Парагвай Аргентина моделини рецепция қилган, Колумбия ва Эквадор эса бир мунча замонавийлаштирган ҳолда Чилининг Фуқаролик кодексини рецепция қилган. Фуқаролик ҳуқу-

қидан кейин ҳуқуқнинг бошқа асосий соҳаларини кодекслаштириш бошланган. Жумладан, савдо кодекслари қабул қилинган. Валес Сарсфильд 1859 йилда Аргентина Савдо кодекси қабул қилинишига кўмаклашган. У ўз ишида асосан Наполеон кодексига таянган. Бироқ у ягона манба бўлмаган. XX асрда француз ҳуқуқи таъсири, айниқса савдо ҳуқуқи соҳасида камайган. Масалан, Лотин Америкада қонун чиқарувчи орган бошқа манбаларга, айниқса италян, немис ва Швейцария ҳуқуқига тез-тез мурожаат қила бошлаган, айрим ҳолларда эса, масалан, ишончли мулк институти ҳақида сўз борганда инглиз-америка ҳуқуқига мурожаат қила бошлаган.

Бразилиянинг дастлабки фуқаролик кодекси мукамал тайёргарлик кўрилганидан сўнг 1916 йилда қабул қилинди. Айниқса Гексейра де Фрейтас ва Бевилакнинг лойиҳаларини қайд этиб ўтиш зарур. Унга Франция фуқаролик кодексидан ташқари Португалия ва Италия фуқаролик кодекслари, шунингдек, Олмония Фуқаролик қонунлари мажмуи, Швейцария Фуқаролик кодекси намуна бўлган. Бразилия Фуқаролик кодексининг тузилиши, айниқса унинг «Умумий қисми» Олмония таъсири катта бўлганлигидан далолат беради.

Жўрғофий жиҳатдан АҚШга яқин бўлган мамлакатлар ҳам Европа континентал ҳуқуқи моделларига интиланлиги характерлидир. Мисол тариқасида Мексикани кўрсатиш мумкин. Ушбу мамлакатда давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин шаклланган ҳуқуқий тизим роман-олмон ҳуқуқий оиласига хос бўлган ҳуқуқий ғоялар ва юридик техникани қабул қилган. Мексикада роман ананалари, шунингдек, унинг дастлабки кодекслари ва XIX асрда қабул қилинган кўплаб қонунлари француз ва испан ҳуқуқи таъсирига учраганлигида ҳам намоён бўлган.

Бир қанча мамлакатларда XIX асрда қабул қилинган айрим кодекслар янгиларига алмаштирилган ёки жиддий равишда замонавийлаштирилган (1917 йилда конституция қабул қилингандан кейин Мексикада бўлгани сингари) бошқа мамлакатлардаги кодекслаштириш эса ўз кучида қолган.

Бундаги вазият Франция ва Олмониядагига ўхшашдир. Эски кодекслар нафақат қонунчилик кўринишидаги, балки қонунга тенглаштирилган катта миқдордаги меъёрий манбаларни ўз ичига олиши маълум бўлиб қолган.

Лотин Америкасида ҳавола этилган қонунчиликнинг, яъни ҳукумат ҳужжатларининг роли анча салмоқлидир. Бу биринчидан, президентлик бошқаруви, иккинчидан, ҳарбийларнинг узоқ вақт ҳукмронлик қилиши билан боғлиқдир.

Ҳуқуқ манбаи сифатида урф-одатнинг роли Лотин Америкаси ҳар хил мамлакатларида турличадир. Масалан, Аргентинада унинг таъсири кўпроқ, Уругвайда аксинча камроқдир. Бироқ умуман олганда урф-одат субсидиар (қўшимча) манбаидир. Европа қитъасида қонунда кўрсатилган ҳоллардагина ундан фойдаланилади.

Гарчи Лотин Америкаси мамлакатлари суд тизимининг тузилиши ва фаолият юргизишини АҚШдан ўзлаштириб олган бўлса ҳам кўпчилик Лотин Америкаси мамлакатларининг суд амалиёти АҚШдан фарқ қилган ҳолда ҳуқуқ манбаи сифатида қаралмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур.

3-§. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос хусусиятлари

Хусусий ҳуқуқ соҳасида Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга амалда Франция фуқаролик кодексини тўлиқ қабул қилган ва уни таржима қилиш билан кифояланганларни киритиш мумкин. Бунга Гаити (1825 йил), Боливия (1830-1875 йиллар), Доминикан Республикаси (1845-1884 йиллар) ва айрим изоҳлар билан Мексика (1870-1884, 1928-1932 йиллар) фуқаролик кодексларини киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳни Аргентина фуқаролик кодекси сингари Франция фуқаролик кодексидан анча ўзлаштириб олганлигига қарамай, ўзида Жанубий Америка қонунчилигининг анча мустақил ва ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи Чили Фуқаролик кодекси (1855 йил) ташкил этади.

Лотин Америкаси ҳуқуқи нимаси билан роман-олмон ҳуқуқидан фарқланади? Бу ҳуқуқ аввало оммавий ҳуқуқ соҳасига тегишлидир. Агар, Лотин Америкаси мамлакатлари давлат мустақиллигини қўлга киритиб, хусусий ҳуқуқ манбаини излаб Европага назар тапланган бўлсалар, улар конституциявий намунани АҚШдан олишган. Ушбу мамлакатларнинг конституциялари америкача давлат бошқарув шакли бўлган президентлик республикасини ва бошқа конституциявий ин-

ститутларни ўзлаштириб олганлар. Лотин Америкасининг ёш давлатлари учун бундан бошқа йўл йўқ эди. АҚШ Конституцияси ўша замонда ягона бўлиб амал қилаётган Конституция бўлган. Америка конституциявий намунасининг қабул қилиниши Лотин Америкаси ҳуқуқи дуализми, унда Европа ва Америка моделлари қўшилиши ҳақида гапиришга асос берган. Лотин Америкаси мамлакатлари конституцияларининг алоҳида эътибори қонунларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати институтига қаратилиши, унинг суд конституциявий назорати Америка модели билмайдиган тартиботлар (масалан, испан ҳуқуқидан ўзлаштирилган) билан тўлдирилиши мана шундай қўшилиш билан боғлиқдир.

Лотин Америкасида жойлашган Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Мексика федерациялари ҳуқуқларини таърифлаганда федерация билан унинг аъзолари ўртасида ваколатлар чегараланганлигини ҳисобга олиш зарур. Асосий ваколат федерацияга тегишлидир.

Ҳуқуқшунос олимлар Лотин Америкаси мамлакатларининг сиёсий тизимини ўрганишда кўп жиҳатдан юридик шаклларни ижтимоий воқелик билан бир хил деб қарамаслик зарурлигини таъкидлашади. Барча мамлакатлар учун умумий бўлган ушбу қоида Лотин Америкаси мамлакатлари учун айниқса эътиборли эканлиги аёндыр. Чунки ушбу мамлакатлар ҳаётида ҳарбий режимлар ва фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ даврилар кўп ўринни эгаллайди.

Лотин Америкаси бугунги кунда хорижий сиёсий-ҳуқуқий моделларга пассив эргашишдан халос бўлаётганга ўхшайди. Келиб чиқишига кўра маҳаллий, яъни миллий тусдаги давлат-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий институтларни таъсис этиш ва уларни ривожлантириш тенденцияси кучаймоқда. Конституциялар матнлари аниқ бўлмоқда, ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳамда жаҳонда, шу жумладан Лотин Америкасидаги сиёсий вазият мунтазам ҳисобга олинмоқда.

Лотин Америкаси мамлакатларининг минтақавий ва айна вақтда ўзаро ҳуқуқий таъсири кучаймоқда. Бразилия Лотин Америкаси Ҳамдўстлигини тузиш мақсадида минтақавий интеграцияга интиломоқда.

10-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Лотин Америкаси мамлакатларида ҳуқуқий тизимлар қайси ҳуқуқ асосида шакллантирилди?
2. Ҳуқуқ рецепцияси Лотин Америкасидаги ҳуқуқий тизимлар ривожланишида қандай аҳамиятга эга бўлган?
3. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Континентал ва Англосаксон ҳуқуқий тизимлари қандай асосларга кўра бир-бирига яқинлашади?
5. Лотин Америкасида минтақавий ҳуқуқий ҳамкорликни кучайиш сабаблари нималардан иборат?

«Ҳозирги замон япон ҳуқуқини қайси ҳуқуқий оилага киритиш мумкин? Бир томондан, Япониянинг шиддатли иқтисодий ривожланиши уни Узоқ Шарқ ҳуқуқий оиласига эмас, балки Европа манбаларига асосланган ҳуқуқий оилага кирувчи ҳуқуқий тизимга тегишли деб тахмин қилишга асос бўлади.

Иккинчи томондан, континентал Европа намунаси бўйича бичилган кўплаб япон кодекслари ушбу мамлакатнинг ҳуқуқий воқеалиги шароитида ўлик ҳарфлигича қолди. Бироқ бугунги Японияда статут ҳуқуққа анъанавий менсимаслик билан қараш ва низоларни суд орқали ҳал этишнинг барча шакллари рад этиш аста-секин сусаяётганидек таассурот туғилади. Бу эса япон ҳуқуқининг Узоқ Шарқ ҳуқуқий оиласига тегишлилиги тобора кўпроқ шубҳа уйғотишини англади».

К.Цвайгерт, Х.Кётц, Немис
компаративистлари

11-мавзу. Япониянинг ҳуқуқий тизими

1-§. Япония ҳуқуқий тизимининг қарор топиши. Япон ҳуқуқини вестернизациялаш.

2-§. Япон ҳуқуқининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ривожланиши. Америка ҳуқуқининг таъсири.

3-§. Японларнинг ҳуқуқни тушунишининг ўзига хос хусусиятлари. «Жонли ҳуқуқ».

1-§. Япония ҳуқуқий тизимининг қарор топиши.

Япон ҳуқуқини вестернизациялаш

Япониянинг замонавий ҳуқуқи қиёсий ҳуқуқшунослик учун қизиқарли объектдир. Унда низоларни суддан ташқари ҳал этишнинг ҳозир ҳам яшаб келаётган анъаналари янги кодекслар ва процессуал нормалар билан қўшилиб кетган. Япония кодекслари ва процессуал нормалари дастлаб француз ва немис ҳуқуқи намунаси, иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка ҳуқуқи намунаси бўйича яратилган.

Току гава династиясининг сёғунлари (ҳарбий ҳукмдорлари) бир неча асрлар давомида мамлакатни имкони борича ташқи дунёдан тўлиқ ажратиб қўйишга интилишган, бирорта

ҳам япон миллатига мансуб одам мамлакатни тарк эта олмас, аҳён-аҳёнда бўлмаса ҳеч бир ажнабий мамлакатга кира олмаган. Вазият XIV асрнинг иккинчи ярмида ўзгара бошлаган ва бу жараён Мэйдзи инқилоби («маърифатли бошқарув») билан яқунланган. Япониянинг капиталистик йўлдан ривожланиши ҳуқуқни ҳам замонавийлаштиришни тақозо этган. Япония асосан Европа ҳуқуқини рецепция қилиш йўлидан борган.

Ҳуқуқнинг роман-олмон модели Япония томонидан XIX аср охирида рецепция қилинган. Юз йиллар давомида япон давлати онгли равишда бутун дунёдан яққаланиш сиёсатини ўтказиб келган. Япония мафкура, дин, маданиятда Хитойнинг кучли таъсирига дучор бўлган: V асрда Японияга хитой ёзуви, сўнгра буддизм кириб келган. VII-VIII асрлардаги япон ҳукмдорлари хитой маданий-маънавий ҳаётининг тарафдорлари бўлган. Улар хитой адабиёти ва санъати билан яхши танишиб, будда динини қабул қилишган ва натижада давлат-ҳуқуқий ҳаётни хитой намунаси бўйича қайта ташкил этишган. Илк япон қонунлари Тан династияси қонунларига жуда ўхшаш бўлган. Току Гава династиясининг ҳукмронлиги даврида (1603-1868 йй.) кенг ёйилган конфуцийлик иерархик тузилма билан биргаликда япон жамияти учун энг мақбул ижтимоий фалсафа бўлган. Мамлакатда, шунингдек, умуман янги суд тизими ташкил этилган, фукаролик низолари худди Хитойдаги сингари устун даражада суддан ташқари ярашиш тартиблари ёрдамида ҳал этилган.

Шу билан бирга ўрта асрлар япон ҳуқуқи японларнинг миллий хусусияти билан боғлиқ ўзига хосликни сақлаб қолган. Япон ҳукмдорларининг то 1853йилгача 250 йил мобайнида мамлакатда амалга оширилган ажратиб қўйиш сиёсати бу жиҳатдан муайян таъсир кўрсатган.

Япон жамиятини тубдан қайта қуриш Мэйдзи инқилоби замонидан бошланган. 1868йилдан бошлаб мамлакатнинг ҳарбий ҳукмдорлари бўлмиш сёгунлар ҳокимияти тугатилган, императорлик ҳуқумати тузилган ва қисқа вақтда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ислохотлар туркуми амалга оширилган. Ислохотлар давомида япон аслзодалари бўлган самурайларнинг имтиёзлари бекор қилинган, тўрт табақа (самурайлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва савдогарлар)нинг ҳуқуқий тенглиги эълон қилинган, деҳқонларнинг ерга бўлган

мулк ҳуқуқи тан олинган. Ҳукумат бозор муносабатларини ривожлантириш учун сезиларли саъй-ҳаракатлар қилган. Бу шу жумладан Фарб мамлакатларининг саноат, таълим, савдо соҳасидаги ютуқларига эришиш йўли билан амалга оширилган. Бироқ ўз йўналиши ва моҳиятига кўра оврупача бўлган ушбу ўзгартиришлар изчил давом эттирилмаган. Бу ўрта асрларнинг бир қанча институтлари тикланиши билан бирга олиб борилган.

Маҳаллий япон ҳуқуқи янги вазифаларни ҳал этишга мутлоқ мосланмаган эди. Шунинг учун мамлакатнинг ҳуқуқий тизимини тўлиқ замонавийлаштиришга қарор қилинган. Фарбий Европа ҳуқуқий тизимларини рецепция қилиш ҳуқуқни тезлик билан қайта қуришнинг ягона методи бўлган. XIX асрнинг 80-йилларидан XX аср бошигача бўлган замонда Япония ҳукумати Франция ва Олмония кодекслари намунаси бўйича тузилган бир қанча муҳим қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиб амалга киритган.

Франция ҳуқуқшуноси Г.Буассонад раҳбарлиги остида амалга оширилган французча кодекслаштириш асосида бир қанча кодекслар, жумладан жиноят (1890 й.), савдо (1890 й.) кодекслари лойиҳалари ишлаб чиқилган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари япон жамятининг ҳукмрон доираларига жуда ҳам демократик бўлиб туюлган. Улар ушбу қонун лойиҳаларини қаттиқ танқид қилишди. Улар фуқаролик кодекси чиқарилди ва императорга содиқлик ва фарзандлик бурчи тугатилди деб ҳисоблашган. Мана шу сабабга кўра фуқаролик ва жиноят кодекслари лойиҳалари қонунларга айланмаган, жиноят-процессуал кодекси (у 1880 йилда жиноят тартиботи тўғрисидаги қонун номини олди) ва Савдо кодекси (1893 йилда ва 1898 йилда қисмларга ажратилган ҳолда амалга киритилган) жуда қисқа умр кўрган.

Кайзер Олмониясининг кучли императорлик ҳокимиятига эга бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланган, помещик-юнкерларнинг имтиёзлари сақланиб қолган маҳаллий ҳуқуқи Япония ҳукуматининг ҳуқуқий идеали эди. Япония ҳуқуқида рецепция жараёни Франция ҳуқуқидан немис ҳуқуқига кўчган. XX асрнинг биринчи чораги охирида Олмониянинг таъсири асосий ўринда турган ва II-жаҳон урушида Япония таслим бўлгунича шундайлигича қолган. Бошқача

сўзлар билан айтганда, Япония ҳуқуқида немис ҳуқуқшунослик фанининг аниқ акс этганлигини кўриш мумкин эди.

Япониянинг 1889 йилги биринчи Конституцияси (Мэйдзи Конституцияси) Пруссиянинг 1850 йилги Конституцияси намунаси асосида тузилган эди. Олмония модели 1898 йилги Фуқаролик кодексига, 1899 йилги Савдо кодексига, 1907 йилги Жиноят кодексига, 1890 йилги Фуқаролик-процессуал кодексига асос бўлган. Жиноят процессига келганда эса шуни таъкидлаш зарурки, ҳуқуқнинг ушбу соҳасида ҳам (тўғри, бошқа соҳалардагича қараганда бирмунча кичикроқ) Олмония таъсири устунлик қилган. 1922 йилда Олмония Жиноят-процессуал кодекси намунаси бўйича ишлаб чиқилган янги Жиноят-процессуал кодекс қабул қилинган.

Шундай қилиб, жуда қисқа муддатда Японияда илгари амал қилган ҳуқуқ тизимига деярли ўхшамайдиган янги ҳуқуқ яратилган. Албатта, Япония томонидан роман-олмон ҳуқуқининг қабул қилиниши жараёнини Овруро қонунчилигининг оддий механик рецепцияси сифатида тушунмаслик керак. Конституциявий, оила, мерос ҳуқуқи соҳасида мавжуд ҳуқуқий институтлар, император ва оила тушунчалари ўзига хос Японча хусусиятларга эга эди.

Япониянинг 1898 йилги Фуқаролик кодекси беш бўлимдан, умумий қисмдан ва ашёвий, мажбурият, оила ҳамда мерос ҳуқуқига бағишланган бўлимлардан иборат эди. Япония Фуқаролик кодекси бугунги кунда ҳам амал қилади, бироқ унга бир неча марта махсус қонунлар билан тўлдиришлар киритилган. Япониянинг 1899 йилги Савдо кодекси тўрт бўлимдан иборат. Уларда савдо битишувлари ва денгиз савдоси билан боғлиқ масалалар батафсил тартибга солинади. Савдо кодексига тартибот (процедура) қоидалари йўқ ва махсус савдо судлари кўзда тутилмаган. У фуқаролик кодексига қараганда катта ўзгаришларга учради. Савдо муносабатлари соҳасида Савдо кодексининг таркибий қисмига айланмаган бир қанча қонунлар, масалан, қимматли қозғалар тўғрисидаги қонун чиқарилган. 1889 йилги Конституция императорга жуда кенг ваколатлар берган. У вазирлар, судьялар, парламентнинг юқори палатаси бўлган пэрлар палатаси аъзоларини тайинлаш ҳуқуқига бўлган. Мамлакатнинг давлат дини деб эълон қилинган синтоизм императорга «инсон қиёфасидаги худо» деб таъриф берар эди.

1989 йилги Фуқаролик кодекси оила ва мерос ҳуқуқига тегишли бўлимларда оила бошлигининг мутлоқ мавқеини мустақкамлаган. Оила аъзолари унинг розилигисиз никоҳдан ўта олмаганлар. Оила бошлиғи вафот этгач унинг ҳуқуқлари ҳамда барча мол-мулки катта ўғилга ўтган. Хотини ва оиланинг бошқа барча аъзолари меросдан маҳрум қилинган. Хотин киши ҳуқуқий лаёқатли ҳисобланмас, унинг мол-мулкини эри бошқарган эди. Никоҳдан ўтилгандан бошлаб аёл киши эрининг оила аъзосига айланган. Лекин шунга қарамай Япония ҳуқуқ институтлари «вестернизациялашган» япон ҳуқуқининг унча ҳам салмоқли бўлмаган қисми ҳисобланган.

Қабул қилинган кодексларда турли Ғарбий Европа ҳуқуқий тизимлари элементлари бирга қўшилган эди. Масалан, Фуқаролик ва Савдо кодексларида Олмония хусусий ҳуқуқининг ғоялари ва концепцияси устунлик қилса ҳам ҳуқуқий тизимда француз, баъзан инглиз ҳуқуқидан олинган тушунчалар ва институтлар учрар эди. 1922 йилги ишониб топширилган мулк тўғрисидаги қонун, 1923 йилги қасамёд этувчилар тўғрисидаги қонун каби ҳужжатлар инглиз-саксон ҳуқуқи таъсири остида яратилган эди.

Француз профессори Г. Буассонад томонидан тайёрланган Фуқаролик кодекси ва немис профессори Роспернинг Савдо кодекси парламентда кучли қаршиликка учраган. Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасини тайёрлаш қайтадан уч япон профессоридан иборат комиссияга топширилган. Комиссия томонидан 1896-1898 йилларда яратилган лойиҳа ўзида француз ҳуқуқи, Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи ва Япония одат ҳуқуқи таъсирини акс эттирган. Муаллифлар Япония одат ҳуқуқи нормаларини оила ва мерос ҳуқуқига киритишган. Умуман олганда эса Олмония таъсири устунлик қилган. Ушбу ҳаракатлар натижасида Япония Фуқаролик кодекси 1989 йилда кучга кирган, кейинги йили эса Савдо кодекси амалга киритилган. Япониянинг Фуқаролик ва Савдо кодекслари чиқарилгандан кейин уларга кўпинча ўзгартиришлар киритилган, шу билан бирга ушбу кодексларга киритилмайдиган қўшимча қонунлар чиқариш амалиёти анча кенг ёйилган. Улар орасида энг муҳимлари бу 1899 йилда чиқарилган лицензиялар тўғрисидаги, савдо белгилари тўғрисидаги ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳамда 1921 йилда

чиқарилган ер ижараси ва уй-жой ижараси тўғрисидаги қонунлардир.

Фуқаролик процесси масалалари 1890 йилда қабул қилинган Фуқаролик-процессуал кодекси билан тартибга солинган. Ушбу ҳужжатлар орқали Япония тарихида биринчи марта, бунгача феодаллар томонидан мажбурлаш методи билан ҳал этиладиган низоларни кўриб чиқишнинг суд тартиботи жорий этилган. 1926 йилда Австрия қонунчилиги намунаси бўйича тайёрланган ва ишни муҳокама қилиш давомида суднинг фаол ролини кучайтиришни назарда тутувчи янги Япония фуқаролик-процессуал кодекси кучга киритилган.

Японияда Мэйдзи инқилобидан кейин шаклланган ҳуқуқий тизим ўзида роман-олмон ҳуқуқий оиласи хусусиятларини ифодалар эди. Табиий савол туғилади: ушбу қонунчилик «ҳаётдаги ҳуқуқ»қа айландими ёки «китоблардаги ҳуқуқ»лигича қолдими? Ушбу саволга жавоб беришдан олдин иккинчи жаҳон урушидан кейин япон ҳуқуқига Америка ҳуқуқи кучли таъсир этганлигини айтиш жоиз. Япониянинг 1946 йилги Конституцияси, шунингдек, 1948 йилги жиноят-процессуал кодекси шундан далолат беради. Фуқаролик-процессуал кодекси ҳам мусобақалаш иш принципини кенгайтириш томонга қаратилди. Америка таъсири иқтисодиёт соҳасидаги қонунчиликда (компаниялар тўғридаги қонун, трестларга қарши қонунчилик) ҳам намоён бўлди.

2-§. Япон ҳуқуқининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ривожланиши. Америка ҳуқуқининг таъсири

Иккинчи жаҳон уруши ўтиб 1946 йилги Конституция қабул қилингандан кейин фуқаролик, оила, меҳнат ва жиноят ҳуқуқи қайта кўриб чиқилди ва янгиланди.

1946 йилги Япония Конституцияси халқ суверенитети принципини эълон қилди, император сиёсий ҳокимиятдан маҳрум бўлди, у «давлатнинг ва халқ бирлигининг рамзи» деб тан олинди, парламент «давлат ҳокимиятининг олий органи ва «давлатнинг ягона қонун чиқарувчи органи» деб эълон қилинди. Конституция, шунингдек, шахснинг асосий демократик ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлади. Асосий қонуннинг 9-моддасида халқаро низоларни ҳал этиш воситаси сифатида урушлардан, ҳарбий куч билан таҳдид қилиш ва уни қўллашдан воз кечиш баён қилинди.

Япониянинг 1946 йилги Конституциясида Америка ҳуқуқий қарашларига мувофиқ суд ҳокимиятининг роли кучайтирилган ва фуқароларнинг бевосита судда ҳимоя қилиниши керак бўлган асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари рўйхати мавжуддир. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари бузилмаслиги (11-модда), шахсни ҳурмат қилиш (13-модда), қонун олдида барчанинг тенглиги (14-модда), тафаккур, виждон, динга эътиқод қилиш, йиғилишлар, бирлашмалар, сўз, матбуот эркинлиги ва фикр билдиришнинг бошқа методлари эркинлиги ҳамда фикр билдиришнинг бошқа методлари эркинлиги тўғрисидаги қоидалар Конституцияда мустаҳкамланган (19-23-моддалар).

Конституцияда эълон қилинган фуқароларнинг одил судлов соҳасидаги ҳуқуқлари: тегишли ҳуқуқий тартиботсиз жазо қўлланилишининг тақиқланиши (31-модда), ҳар қандай айбловни судда муҳокама қилиш ҳуқуқи (32-модда), ғайриқонуний қамоққа олишни тақиқлаш (33-модда), ҳимоя қилиш ҳуқуқи (34-модда), ғайриқонуний тинтув қилишнинг тақиқланиши (35-модда), калтаклаш ва қаттиқ жазо беришнинг тақиқланиши (36-модда), жиноят иши бўйича ҳар бир айбланувчининг унинг ишининг холис суд томонидан тез ва очиқ муҳокама қилинишига, агар бунга зарурият бўлса текин юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқи (37-модда) ва бошқалар муҳим аҳамиятга эгадир.

1946йилги Конституция асосида Фуқаролик кодекси матнига ҳам муҳим ўзгаришлар киритилди. 1947 йилда патриархал оила институти бекор қилинди, аёл ва эркак оилавий, мулкий, шу жумладан мерос муносабатларининг тенг ҳуқуқли қатнашчилари деб эътироф этилди. 1945 йилги Қонун касба уюшмалари ташкил этишни ва улар фаолиятининг эркинлигини тан олди, 1947 йилги меҳнат стандартлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ иш куни ва иш ҳафтаси қанча вақт давом этишига чеклашлар белгиланди, ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътиллар жорий қилинди ва ҳоказо. Аграр ислоҳот тўғрисидаги қонунлар билан помешчик ер эгалиги тугатилди ва ер унга ишлов берувчи деҳқонларнинг мулки деб тан олинди. Ниҳоят, 1947 йилдаги хусусий монополияларни чеклаш ва хусусий савдо амалиётини таъминлаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ Япониянинг йирик сақловчи компаниялари бўлган дзайбацулар тарқатилди.

Япониянинг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубияти ва етти йил давомида унинг ҳудудида Америка қўшинларининг сақлаб турилиши япон ҳуқуқида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бу инглиз-америка ҳуқуқий оиласи (устун даражада унинг Америка вариантининг) япон ҳуқуқи ривожланишига катта таъсир кўрсатишига кўмаклашди ва айниқса конституциявий, савдо ҳамда савдо-процессуал ҳуқуқда сезиларли намоён бўлди.

1946 йилги Япония Конституцияси лойиҳаси матни Америка оккупация қўшинлари штаби ҳуқуқшунослари томонидан тузилган эди. Табиийки, улар намуна сифатида АҚШ Конституциясидан фойдаланганлар. Масалан, Америка моделига мувофиқ Япония Конституциясида конституциявий назорат институти назарда тутилди. Конституциявий назорат, яъни ҳар қандай қонун ҳужжатлари ёки маъмурий актларни Конституцияга мувофиқлиги юзасидан текшириш фақат Олий суд томонидан эмас, балки қуйи судлар томонидан ҳам амалга оширилиши назарда тутилди. Қуйи судларнинг айримлари ҳатто ҳуқумат қарорларини ҳам ғайриконституциявий деб эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин эди.

Монополиялар тўғрисидаги қонун Америка трестларга қарши ҳужжатларининг нусхаси эди. Урушдан кейинги Япониянинг акциядорлик қонунчилигига Америка ҳуқуқининг таъсири сўзсиздир. Жиноят процесси соҳасида Америка ҳуқуқий тизимининг таъсири салмоқли эди. 1948 йилги Япония Жиноят-процессуал кодекси Америка ҳуқуқий концепциялари таъсирида мусобақалашиб принциплари қўлланилишини анча кенгайтди, ишларни дастлабки кўриб чиқиш институти бекор қилди ва ҳоказо. Ушбу замонда суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун (1947 йил), Прокуратура тўғрисидаги қонун (1947 йил), Адвокатура тўғрисидаги қонун (1949 йил) қабул қилинди. Ушбу қонуларнинг барчаси уларга бир неча марта ўзгартиришлар киритилган бўлса ҳам амал қилиб келмоқда. Шу билан бирга АҚШ ҳуқуқининг япон ҳуқуқий тизимига ушбу таъсири барибир япон ҳуқуқини инглиз-америка ҳуқуқи оиласига тўлиқ «жалб қилиш»имконини бермади. Америка ҳуқуқининг таъсири умуман олганда анча чекланган ва етарлича даражада эмас эди.

Гап шундаки, япон ҳуқуқи асосий тармоқларининг кўпчилиги институтлари: фуқоролик, савдо, фуқоролик-процессуал ва жиноят ҳуқуқи ҳамон роман-олмон ҳуқуқий оиласи анъаналарига таянар эди. Япон ҳуқуқшуноси Цунэо Инаконинг бу борадаги хулосаларига қўшилиш керак. У бундай дейди: «Ҳозирги замон япон ҳуқуқида роман-олмон тизими ҳукмрон мавқега эга».

Япон ҳуқуқининг роман-олмон оиласи мамлакатлари ҳуқуқи билан умумийлиги ижобий (позитив) ҳуқуқ мазмунидагина эмас, балки манбалар тизимида намоён бўлади. Япония ҳуқуқи умумий ҳуқуқдан фарқ қилган ҳолда статут ҳуқуқий тизим ҳисобланади. Японияда ҳуқуқнинг асосий ва етакчи манбаи қонунчиликдир. Ушбу ҳолат Япония ва Америка ҳуқуқлари бир-бирига янада яқинлашишига тўсиқ бўлиб хизмат қилади, ушбу яқинлашиш чегараларини белгилаб беради. Японияда, роман-олмон оиласининг бошқа мамлакатларда бўлганидек суд амалиёти ўзгариши, унинг аҳамияти ошиши ва ҳуқуқнинг амалдаги манбаига айланиши кузатилмоқда. Бироқ суд қарорлари барибир статут ҳуқуқни аниқлаштириш, талқин қилиш воситаси ролини бажармоқда.

Агар ҳуқуқ тўғрисида норматив тасаввур нуқтаи назарда қолинадиган бўлса, мамлакатнинг амалдаги ҳуқуқий тизимида ўз келиб чиқишига кўра соф япон ҳуқуқини топиш мушкул бўлади. Улар унча кўп эмас. Булар Европа ҳуқуқ тизимига оз миқдорда қўшилган қўшимчалардир. Рецепция қилинган роман-олмон ҳуқуқи мана 100 йилдирки, қадимий маданият, анъаналар ва урф-одатларга эга бўлган мамлакат шарт-шароитларида самарали ривожланаётганлигини унутмаслик керак.

Ҳуқуқнинг бир қатор тармоқларида (масалан, агроф муҳитни муҳофаза қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида) Япония хорижий ҳуқуққа мурожаат қилмасдан ўзига хос ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқмоқда, бу билан пайдо бўлаётган муаммоларни қонунчилик йўли билан ҳал этишда бошқа давлатларга намуна бўлмоқда. Шу муносабат билан атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчилик интенсив ривожлантирилаётганлиги ўзига диққатни тортади. Қўланса ҳиднинг олдини олиш (1971 йил), ишлатилган мойлар етказган зарарнинг ўрнини қоплаш (1975 йил), тебранишни тартибга солиш (1976 йил), атмосфера ҳавоси ифлосла-

нишининг олдини олиш ва шовқинни чеклаш (1968 йил), атроф-муҳитнинг одамларнинг соғлиги учун хавfli равишда ифлослантирилиши билан боғлиқ жиноятлар учун жазолаш (1970 йил) тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Уларда ишлаб чиқариш фаолиятининг тегишли қоидаларини бузган ходимни озодликдан маҳрум этиш ва одамлар соғлигига зарар етказган юридик шахсга жазо бериш назарда тутилган. Японияда чиқитқилардан самарали тарзда фойдаланиш ва шахарларда озодаликни сақлашга айниқса катта эътибор берилди. Умуман олганда, олдинги кодекслаштириш тизими сақлаб қолинди. Фарбий Европа манбалар тизимига ўхшаш манбалар тизимини ташкил этувчи кўплаб қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тўлдирилган олтига кодекс (уларга Конституциявий ўзгартиришлар киритилди) унинг ўзагини ташкил этади. Прецедент япон ҳуқуқи манбаига айланмади.

3-§. Японларнинг ҳуқуқни тушунишининг ўзига хос хусусиятлари. «Жонли ҳуқуқ»

Агар Лотин Америкаси ҳуқуқига ўтмишнинг анъанавий нормалари ва институтларининг (Испания ва Португалия ҳукмронлиги замонида сиқиб чиқарилган) бирор-бир таъсири мавжуд бўлмаган Оврупа ва Америка намуналари бирга қўшилган дуализм хос бўлса, Япония ҳуқуқий тизимига бошқача хусусиятларга эга бўлган дуализм тегишли, яъни ўтмишда шаклланган анъанавий нормалар ва XIX аср охирида рецепция қилинган роман-олмон ҳуқуқий моделларнинг бирга қўшилиши ва мувозий амал қилиши аён бўлади.

Бизгача етиб келган қадимий япон қонунлари кўп жиҳатдан Хитойнинг Тан династияси қонунларини эслатади. Японияда ҳуқуқ концепциясининг ўзи Хитой ҳуқуқи таъсири остида шаклланган. Ушбу концепция марказида «рицу», яъни жиноят қонуни турар эди. Тизимнинг ўзи эса «рицуре» номи олмаган ва унинг қаттиқлиги ҳуқуққа нисбатан салбий муносабат шаклланишига олиб келган. Ушбу анъана япониялик онгида бугун ҳам яшамоқда, «ҳуқуқ» сўзи кўпинча турма билан бир хилда тушунилади.

Японларнинг яшаш тарзи синтоизм, буддизм ва конфуцийлик диний тасаввурлари таъсири остида шаклланган. Бу япон жамиятидаги ҳуқуқий хулқ-атворнинг анъанавий нормалари «гири» деб аталади. Гири Япониялик тадқиқотчилар

томонидан турлича талқин этилади. Баъзан гири муайян ша-роитларда инсоний ўзаро муносабатлар ҳақидаги қатъий кўр-сатмаларга асосланган ор-номус ёки бурч сифатида талқин қилинади. Бу муайян шахс ёки муайян гуруҳ олдидаги бурч-дир, бундай ахлоқий мажбуриятнинг бажарилмаслиги мана шу шахс ёки гуруҳнинг норозилигига ёки кўнгли совишига олиб келади.

Ушбу ахлоқий қоидалар Япония ҳуқуқни амалга оши-риш механизмида жиддий ақс этади. Айтайлик, шартномавий муносабатлар соҳасида контракт одатда тарафлар ўзаро му-носабатларнинг айрим муҳим жиҳатларинигина белгилайди, контракт амал қилиши, уни бажариш босқичида пайдо бўли-ши мумкин бўлган барча аниқ муаммолар гиридан, яъни та-ниш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қоидаларидан келиб чиқиб ҳал этилади. Япон цивилистлари Сакаэ Вача-кума ва Тору Аринузуми битишув тушунчасининг моҳияти-ни очар эканлар «кутилаётган натижа маълум даражада ҳу-қуқий нормалар туфайли эмас, балки урф-одат ва ахлоқ ор-қали эришилади» деб таърифлайдилар. Битишув қатнашчи-си ушбу воситалар ёрдамида кутилган натижаларга эришма-са, унга суд қарори орқали эришиш мумкин. Гирининг амал қилиши ҳаммага ҳам ёйилавермайди, балки доимий равишда ўзаро муомала қиладиган шахслар доираси билан чекланади.

Шаклланган анъанага мувофиқ суд муҳокамаси ашёлар-нинг ҳолатига мутлоқо мос келмайди. Судга мурожаат қилиш даъвогарнинг фикрича, унинг оппоненти тинч йўл билан аҳд-лашиш мумкин бўлмаган рисоладаги одам эмаслигини кўрса-тади. Суд муҳокамаси уларни яраштириши зарур бўлади.

Японларга суд муҳокамаси ашёларнинг табиий ҳолатига мутлоқо мувофиқ эмасдек туюлди. Агар бир тараф ишни албатта ютиб чиқиши иккинчи томон ютқазishi керак бўлган зиддиятнинг мантиқий принципларини ҳамма вақт қиёсий-тарихий таҳлил қилиш мурасали йўлни изловчи японларни қониқтирмайди. Япониялик суд муҳокамасидан кўра яраши-шни маъқул кўради. Ҳатто судда кўриб чиқиладиган низо-ларнинг кўпчилиги ҳам ярашиш билан тугалланади.

Японлар қоидалар ёрдамида тартибга солинадиган бир маромдаги ижтимоий ҳаётни афзал кўришади. Бу уларнинг характерида ҳуқуқий нормаларга қараганда кўпроқ даражада мос келади. Мана шу мақсадда барча ижтимоий муносабат-

лар оилавий муносабатларга ўхшаб кетади ва улар оилага тегишли қоидалар билан тартибга солиниши керак. Бироқ ижтимоий муносабатларнинг турли-туманлиги туфайли ушбу қоидалар гарчи ягона руҳга эга бўлса ҳам доимий равишда ўзгариб туради. Бундай қоидалар қонунчилик тусига эга бўлмайди, чунки уларда ҳуқуқнинг асосий жиҳатлари мавжуд эмас. Ушбу қоидаларга риоя қилиш ҳамма вақт рақобатнинг ҳис-туйғусини қондиришга интилишни уйғотади. Албатта, актни бажаришнинг ўзи ушбу қонуннинг таркибий унсурларидан бири ҳисобланади, бироқ бу етарли эмас. Бажарувчининг ички кайфияти биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Қоидаларнинг анъанавий тизими бўлган гирига конфуцийлик катта таъсир кўрсатди. Гирига ҳуқуқий норма, айниқса қонунчилик нормаси сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Лекин шунга қарамай, улар ҳуқуқий муносабатларга жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, қонун бўйича ўзига тегишли қарзни қарздордан талаб қилувчи кредиторига кўра инсон эмас. Қарздорнинг аҳволидан одоб доирасида воқиф бўлувчи, унинг ташвишларига ҳамдард бўлган кредитор кўпроқ, ҳурматга сазовор. Илиқ муносабатга мушарраф бўлган қарздор бундай хайрихоҳликни оқлаш учун қўлидан келган ишни қилишга интилади. Агар шартнома бузилса, тарафлар юридик механизмни ишга тушириб юборишдан олдин «дўстона йўллар»ни синаб кўришлари керак. Шартномаларда тарафлар ўртасида шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда ушбу низоларни улар муҳокама қилишлари тўғрисидаги писанда қилиниши бежиз эмас. Кўпчилик япон муаллифларининг фикрича, гарчи гири ҳуқуқ соҳасида ўз таъсирини сақлаб қолганига қарамай, бундай таъсирни салмоқли деб бўлмайди, ушбу таъсир мунтазам равишда пасайиб бормоқда ва уни XX аср арафасидагига қиёслаш мумкин эмас. Гирининг оилавий ҳуқуқ соҳасидаги таъсири шубҳасиздир. Оила ҳуқуқи соҳасидаги масалалар судга мурожаат қилинмай асосан ички муҳокамалар ёрдамида ҳал этилди. Ажралишлар ўзаро розилик билан ҳал этилишига япон ҳуқуқи томонидан руҳсат берилган ва ажралишлар умумий сонининг қарийб 90 фоизи ўзаро розилик билан ҳал этилади. Мол-мулкни бўлиш алимент тўлаш ёки болаларга васийликни тайинлаш ҳам мана шу тарзда ҳал

этилади, чунки ушбу масалаларни танланган воситачилар ёки эр-хотиннинг дўстлари ҳал этишади. Қўшнилар, ижара шартномаси қатнашчилари ўртасидаги низолар ҳам асосан тинч йўл билан ҳал этилади.

Японларнинг ҳуқуқий онгини тушунишда айрим муаллифлар, айниқса хорижий муаллифлар ноаниқликка йўл қўйишади. Масалан, Р.Давид японларнинг кундалик ҳаётида ҳуқуқ эмас, балки гирининг манъавий-ахлоқий нормалари анъанавий мажмуини белгиловчи аҳамиётга эгадир, дейди. Россиялик муаллифлар А.А.Тилле ва А.Овчинников ҳам мана шундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватлашади.

Чиндан ҳам Японияда жисмоний шахслар ёки ташкилотлар ўртасидаги шартномавий муносабатларда гири нормалари муайян ўринни эгаллайди, бироқ ушбу нормалар шартнома муносабатларининг барча жиҳатларини қамраб ололмайди. Масалан, А.А.Тилле Японияда қўлланиладиган иш кучини умрбод ёллаш тизимини ҳам гири нормаларининг амал қилиши соҳасига киритади. Бироқ аслида бундай эмас. Ушбу тизим урушдан кейинги замонда, айниқса Японияда иқтисодий ўсиш суръатлари юксак бўлган XX асрнинг 60-йилларида ривожланди. Бу энг аввало хусусий компаниялар иш кучини ўз маблағлари ҳисобига касбга тайёрлар экан ишчи ва хизматчиларнинг ўз корхонасида ишлаб қолиши учун ҳар хил чоралар қўллаши билан боғлиқдир. Шундай қилиб, ишчиларнинг ўрта мактабни тамомлангандан пенсияга чиққунча қадар бир корхонада ишлаши уларнинг ёки тадбиркорларнинг гири нормаларига боғлиқлиги билан эмас, балки оддий моддий омиллар билан изоҳланади.

Фуқароларнинг можароли вазиятларни судни четлаб ҳал этишга интилиши японлар ҳуқуқий онги ёки ҳулқ-атворининг хусусияти деб кўрсатилади. Чиндан ҳам бунда биз гирининг айрим нормаларига дуч келамиз, бироқ асосий сабаб суд муҳокамасининг узоқ вақт чўзилиши ва катта харажатларни талаб қилиши билан боғлиқ суд тартиботининг мураккаблигидан иборатдир. Лекин шунга қарамай, статистика япон фуқароларининг суд органларига мурожаатлари, хусусан инсоннинг асосий ҳуқуқлари (яшаш, сўз эркинлиги, бирлашиш ҳуқуқи ва бошқалар) бўлиши билан боғлиқ даъволар сони ошганлигидан далолат беради.

Ҳозирги япон ҳуқуқи суд тартиботи билан биргаликда низолашувчиларга Фуқаролик-процессуал кодексда мустаҳ-

камланган (136-модда) махсус ярашиш тартиботини танлаш имконини беради. Ушбу тартиботга мувофиқ ваколатни суд тарафлардан бирининг аризасига кўра икки ва ундан кўп мутахассис бўлмаганлардан иборат таркибда кўп ҳолларда тажрибали судья раис этиб тайинланадиган махсус ҳакамлик қўмитаси ташкил этади. Ушбу қўмита низолашувчи томонларни чақириб, уларни эшитади, сўнгра уларнинг тинч йўл билан ярашишга мойиллик билдиришларига интилади. Бундай уриниш муваффақиятсиз тугаган тақдирда даъво суд тартибида берилиши мумкин. Амалиётда келишув тартиботлари катта аҳамиятга эга. Судлар кўп ҳолларда ишни кўришни тўхтатиш ва уни ҳакамлик қўмитасига бериш имкониятидан фойдаланишади. Даъводан воз кечишлар сони ҳар йили ишлар умумий сонининг 50фоизини ташкил этади. Албатта, японларнинг низоларни дўстона ҳал этишга мойиллигини ортиқча баҳоламаслик керак. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Японияда кейинги йилларда жамоавий суд жараёнлари, айниқса атроф муҳитни муҳофаза қилишга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати учун жавобгарликка тегишли жараёнлар сони созиларли даражада ошди.

Р.Давид япон ҳуқуқининг келажаги тўғрисида гапириб «хатто агар япон институтлари тўлиқ вестернизация қилинса ва юридик техника замонавийлаштирилса ҳам, ҳуқуқнинг қўлланилиши бари бир ушбу мамлакат маданияти соҳасида анъанавий принципларнинг яшовчанлиги ва амал қилишини ҳис қилади».

11—мавзу бўйича назорат саволлари

1. Япония ҳуқуқий тизимининг қарор топишида ҳуқуқий рецепциянинг ўрни қандай бўлган?
2. Иккинчи жаҳон уруши якунлари Япония ҳуқуқий тизимига қандай таъсир кўрсатган?
3. Япония ҳуқуқий тизими миллий анъана ва урф-одатларни қай даражада қабул қилган?
4. XX асрнинг ўрталарида Япония ҳуқуқий тизимига америка ҳуқуқи таъсирини кучайиб бориши сабабларини кўрсатиб беринг.
5. Ҳозирги даврда Япония ҳуқуқий тизимининг ўзига хос томонлари қандай?

«Социалистик сўзи ундан ҳар хил партиялар фойдаланиши маъносида бир хил мазмунга эга эмас. Бу «социалистик мамлакатлар» иборасига ва тегишлича «социалистик ҳуқуқий тизимлар» иборасига ҳам тааллуқлидир.. Бизнинг диққат-эътиборимизда Совет Иттифоқи ҳуқуқи ҳамда коммунистик гояларга асосланган Европа мамлакатлари ҳуқуқидир. Ушбу мамлакатлар ҳуқуқий тизимлар билан Совет ҳуқуқи ўртасида анчагина фарқлар мавжуд ва монолит ўхшашлик ва мафкура тўғрисидаги афсонани йўққа чиқариш учун ушбу ҳолатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу фарқлар шундайки, улар ҳатто социалистик ҳуқуқий оиланинг бирлигини ҳам шубҳа остига қўйиши мумкин. Бироқ кўплаб ўхшашликлар мавжудлиги, шунингдек, умумий принципларга асосланганлиги шубҳасиздир ва ушбу ҳолат ҳар хил тизимларни бир оиллага бирлаштириш учун асос бўлади».

Рене Давид, Француз компаративисти

ИККИНЧИ БЎЛИМ. СОЦИАЛИСТИК ҲУҚУҚ ОИЛАСИ

Социалистик ҳуқуқ тип сифатида бутунги кунда мавжуд эмас, лекин шунга қарамай тарихий жиҳатдан у кам бўлмаган аҳамиятга эгадир».

В.А.Туманов, Қиёсий ҳуқуқ Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси

«Буларнинг барчаси бизни энг аввало социалистик ҳуқуққа жуда муҳтасар тавсиф беришга мажбур қилади. Бу унинг эволюцияси эҳтимол тутилган йўллари баҳолаш имконини беради».

Ю.А.Тихомиров, Қиёсий ҳуқуқ Халқаро академиясининг муҳбир аъзоси

12-мавзу. Социалистик ҳуқуқ ҳуқуқнинг алоҳида тарихий тури сифатида

1-§. Социалистик ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ўзига хос хусусиятлари.

2-§. Совет ҳуқуқий тизими.

3-§. Оврупо социалистик ҳуқуқий тизимлари.

4-§. Осие социалистик давлатлари ҳуқуқий тизимлари

5-§. Кубанинг ҳуқуқий тизими.

6-§. Социалистик ҳуқуқнинг истиқболи борми?

1-§. Социалистик ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ўзига хос хусусиятлари

Бутун XX аср давомида бошқа ҳуқуқий оилалар билан биргаликда яна бир ҳуқуқий оила ривожланиб борди. Гап ўзи тўғрисида ҳар хил фикрларни уйғотган ҳуқуқнинг социалистик типи ҳақида бормоқда. Социалистик ҳуқуқнинг кўплаб принциплари ва қоидаларини танқидий баҳолаш ёки унинг роман-олмон ҳуқуқий оиласи билан бир мунча ўхшашлигини (тузилиши, тушунчалар бўйича) эътироф этиш таниқли компаративистларга мазкур тизимни қиёсий ўрганиши керак бўлган реаллик сифатида эътироф этишга ҳалақит бермади. Р.Давид томонидан социалистик ҳуқуққа ҳуқуқий оилаларнинг бири сифатида берилган таъриф эътиборлидир.

Ю.А.Тихомиров ҳақли қайд этганидек, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар тарқаб кетгандан кейин социалистик ҳуқуқ бутунлай йўқолиб кетди деганлар ҳам бўлди. СССРнинг барҳам топиши мазкур тизимни тарихий ёдгорликдан бошқа нарса эмас деб ҳисобланди ҳам. Бир қанча ҳуқуқшунос олимлар уни танқидий жиҳатдан баҳолашар экан, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудига хорижий ҳуқуқнинг, биринчи навбатда роман-олмон ҳуқуқий оиласининг принциплари, институтлари ва нормалари татбиқ этилиши тўғрисида сўз юритдилар. Бошқалар эса ўтмиш ва ҳозирги замон ўртасида узвийлик мавжуд деб ҳисоблайдилар ва янги ҳуқуқий оилани, хусусан славян ҳуқуқий оиласини шакллантиришга чақирадилар. Шуни қайд этиш керакки, социалистик ҳуқуқнинг бир қанча нормалари амалда Россияда эътироф этилган ва улар Конституцияга мувофиқ бўлган тақдирда ўз кучини сақлаб қолди. Бир қанча мамлакатларда, масалан Куба, Хитой, Шимолий Кореяда социалистик конституциялар ва қонунлар ҳозиргача амал қилмоқда.

Социалистик турмуш тарзи, тарихий ва миллий анъаналарига кўра бир-биридан кескин фарқ қилувчи, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши турли хил даражада бўлган мамлакатларда пайдо бўлди ва қурилди. Дунёда мавжуд бўлган

социалистик давлатлар ҳудуди, аҳолисининг сони, тарихи, ҳуқуқий ривожланишига кўра бошқа давлатлардан жиддий фарқ қилар эди. Ушбу давлатлардаги аҳолининг тарихи, уларнинг диний эътиқоди ва миллий анъаналари ҳам турлича эди.

Социалистик давлатлар ўртасида иқтисодиёт, маданият, ҳуқуқ, социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этиш йўллари ва методларида катта тафовутлар мавжуд эди. Ушбу тафовутлар социалистик ҳуқуқ тизимларининг турлича бўлганлигидан далолат беради. Социалистик ҳуқуқ тизимлари ўртасидаги фарқ асосан уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, социализм қурилишининг турли босқичларига мансуб эканликлари ва социалистик ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ эди.

Совет юридик фанида ҳуқуқнинг социалистик типи таърихан ҳуқуқ ривожланишининг энг юқори ва охириги босқичи сифатида қарор топди. У ўзида ҳуқуқнинг эксплуататорлик турлари мантиқан рад этилишини ва уларнинг тескарисини акс эттирар эди. Социалистик ҳуқуқ тизимлари тарихда биринчи марта мулкчиликнинг жамоа шакли, иқтисодиётга давлатнинг раҳбарлик қилиши, халқ хўжалигининг режали юритилиши каби ҳодисалар учун андоза бўлувчи ҳуқуқий шакллари ишлаб чиқди.

Социалистик ҳуқуқий тизимда унинг ижтимоий мақсадлари ва синфий хусусияти акс этирилиб, ишчилар синфи ва бутун меҳнаткаш аҳолининг манфаатларини ифодалаш ва мустаҳкамлаш воситаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Ҳуқуқий тизим эришилиши мўлжалланган мақсадларга йўналтирилган мақсадлар ҳамда уларга эришиш воситалари қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларда шакллантирилди.

Марксизм-ленинизм социалистик ҳуқуқий тизимнинг ғоявий асосини ташкил этар эди. К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин социалистик ҳуқуқнинг асосий тавсифини ишлаб чиққанлар. Улар қуйидагилардан иборат эди: унинг жамият ижтимоий-иқтисодий тузуми билан шартланганлиги; ҳуқуқнинг синфийлиги; иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синф иродасининг қонун даражасига етказилганлиги, унинг сиёсий ҳокимият қуроли эканлиги; ҳуқуқнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ривожланишига муҳим даражада акс таъсир кўрсатиш қобилияти. Улар социалистик жамиятда

хуқуқ зарурлигининг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий шарт-шароитларини асослаб бердилар. Улар буржуа хуқуқини кескин танқид қилиб, унинг инқилобий йўл билан бекор қилинишини ҳамда пролетар инқилоби давомида умуман ҳар қандай хуқуқни тугатишга чақирмадилар. В.И.Ленин бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «...хаёлпарастликка берилмаган ҳолда капитализмни ағдариб ташлаб одамлар жамиятда хуқуқнинг ҳеч бир нормаларисиз ишлашга ўрганадилар деб ўйламаслик керак, бунинг устига бундай ўзгартиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари хуқуқий тизим капитализмнинг бирданига бекор қилинишига олиб келмайди». Социалистик хуқуқ тизими фақат социалистик инқилоб натижасида пайдо бўлади. Социалистик инқилоб эса тинч ёки нотинч шаклда амалга оширилишидан қатъи назар давлат ҳокимиятининг ишчилар синфи бошчилигида меҳнаткашлар томонидан албатта инқилобий тусда олинишини ифодалайди.

Социалистик инқилоб хусусий мулкнинг фақат айрим шаклларигагина эмас, балки бутун хусусий мулкка қарши курашиб жамият ҳаётининг иқтисодий асосларини ўзгартириб юборди. Иқтисодий муносабатлардаги бундай чуқур тўнтаришга мана шундай чуқур хуқуқий тўнтариш мос келар эди. Сўз давлат ҳокимиятининг эски органлари ва эски хуқуқ-тартибот тизими мавжуд бўлишини кўриқловчи ва мустаҳкамловчи барча қонунларнинг бекор қилиниши ва ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши ҳақида бормоқда. Хуқуқий ҳаётдаги ушбу тўнтариш эски хуқуқни шунчаки инкор қилиш йўлидан бормади, балки социалистик қурилиш мақсадлари йўлида айрим эски хуқуқий шаклларни ўз ичига олган хуқуқнинг олий тарихий типига ўтиш сифатида қаралди.

Эски хуқуқнинг бузилиши эксплуататорлик давлат машинаси бузиб ташланишининг таркибий қисми, натижаси ва оқибати ҳисобланади. Сиёсий муассасаларнинг бузиб ташланиши хуқуқий муассасалар бузилишидан олдин юз берди ва кўп даражада уларнинг бузилишини белгилаб берди.

Социалистик хуқуқ тизими ўз-ўзидан эмас, балки инқилобий партиянинг таъсири остида пайдо бўлди. Социалистик хуқуқ тизимининг қарор топишида марксча ва ленинча партиянинг раҳбарлик ва йўналтирувчилик аҳамияти асосий шартлардан бири бўлди.

Социалистик ҳуқуқ тизимининг пайдо бўлиши шакллари (йўллари) синфий кучларнинг аниқ нисбатига, эксплуататорларнинг қаршилик кўрсатиш даражасига, демократик ҳуқуқий анъаналарга ва у ёки бу мамлакатнинг бошқа ўзига хос миллий хусусиятларига кўра турли-туман эди.

Социалистик ҳуқуқ тизимларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида улар учун умумий аҳамиятга эга бўлган пайдо бўлиш методлари ҳам аниқланди: биринчидан, янги ҳуқуқий манбалар яратиш орқали; иккинчидан, эски ҳуқуқий манбалардан фойдаланиш воситаси ёрдамида уларга янги мазмун берилди.

Биринчи социалистик ҳуқуқ тизими бўлган совет ҳуқуқи хорижий социалистик ҳуқуқ тизимларининг қарор топишига жиддий таъсир кўрсатди. Ушбу ҳуқуқий тизим юридик нормалар ва институтларнинг аниқ намуналарини таклиф этди, натижада улар бошқа социалистик мамлакатларда шунга ўхшаш нормалар ва институтлар ташкил этиш учун тўлиқ қабул қилинди ёки андоза бўлиб хизмат қилди. Совет ҳуқуқи тажрибасининг бундай таъсири барча социалистик давлатларда биринчи конституциявий қонунларни ишлаб чиқиш ва яратишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Хорижий ҳуқуқ тизимлари социалистик ҳуқуқнинг умумий принципларини амалга оширишнинг турли шаклларини акс эттирувчи ҳуқуқнинг социалистик типи эди. Улар умумий белгилар билан биргаликда уларни бир-биридан фарқловчи аниқ ва ўзига хос миллий хусусиятларга ҳам эга эди.

Европа, Осиё ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларида социалистик инқилобларнинг ғалаба қозониши жаҳон социалистик тизими барпо этилишига олиб келди. Унинг ривожланиши социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш билан бирга кечди. Социалистик ҳуқуқ фақат бир социалистик жамият ичидаги муносабатларнигина тартибга солиб қолмай, балки социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солди, натижада у халқаро воқеликка айланди.

Совет ҳуқуқий тизимининг қарор топиши Петроградда 1917 йил февраль ойида бўлиб ўтган инқилоб ғалабасидан кейин бошланди ва давлат мулки иқтисодиётда тўла устунлик қилган, большевисик мафкура эса жамиятнинг маънавий ҳаётида, шунингдек, унинг ҳуқуқий онгида ҳукмронлик қилган

XX асрнинг 30-йиллари иккинчи ярмида тугалланди. Принципиал жиҳатдан янги ҳуқуқ тизими расмийлаштирилишининг бундай юқори суръатларини Иккинчи француз инқилоби ва Наполеоннинг урушлари Европа қитъасида янги ҳуқуқ институтларини жуда тезликда қарор топтирганлигига қиёлаш ёки тенглаштириш мумкин.

Совет ҳуқуқи замонавий дунё ҳуқуқий тизимларидан бири бўлган социалистик ҳуқуқ оиласига тегишли эди ва унинг биринчи ҳамда классик намунаси бўлди. Социалистик лагерга кирувчи кўпчилик мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари илгари роман-олмон ҳуқуқий оиласига кирар эди, шу сабабли улар ушбу ҳуқуқий оила билан ташқи ўхшашликни сақлаб қолдилар. Масалан, ҳар иккала ҳуқуқий оилада-роман-олмон ва социалистик ҳуқуқий оилаларда ҳуқуқ нормалари ҳамма вақт хулқ-атворнинг умумий қоидаси сифатида тушунилар эди. Уларда шунингдек, олдинги ҳуқуқий атамалар ҳамда ҳуқуқни соҳаларга бўлишнинг эски, социализмгача бўлган тартиби сақланиб қолди. Лекин шунга қарамай, социалистик ҳуқуқ тизимининг хусусиятлари шунчалик фарқланар эдики, улар роман-олмон ҳуқуқий оиласидан ажралиб чиқди ва дастлаб РСФСР-СССРда, сўнгра Шарқий Европа мамлакатларида (1945-1950 йиллар) ва Кубада (1960-йиллар) мустақил ҳуқуқий оила сифатида шаклланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин социалистик ҳуқуқий оиланинг Шарқий Осиё гуруҳи вужудга келди: бу социалистик ҳуқуқнинг Европа-Америка гуруҳига нисбатан унинг ўзига хослиги ва алоҳида мавқеини белгилаб берган ўрта асрлар Хитой ҳуқуқи асосида ривожланувчи ХХР, Шимолий Корея ва Вьетнам ҳуқуқи вужудга келди.

2-§. Совет ҳуқуқий тизими

Совет юридик фанида ҳуқуқ манбалари тизимида СССР да қонуннинг устуворлиги принципи мавжуд, дейилар эди. Аслида эса ҳуқуқий актлар иерархияси бошқача эди.

1. Ҳуқуқ нормалари тизимининг энг юқорисида ВКП(б) – КПСС Марказий Қўмитасидан ёки уларнинг бўлинмалари бўлган Сиёсий бюро (Президиум), Ташкилий бюро, Котибият, бўлимлардан чиқувчи қоидалар турар эди. Шаклланган сиёсий расм-русумга кўра ушбу нормалар бошқа ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатлардан устунликка эга эди.

Инглиз-саксон ва роман-олмон ҳуқуқий оилалари мамлакатлари қонунчиликнинг демократик шаклларига ярим аср, ҳатто икки-уч аср мобайнида ўтган бир шароитда СССР ялпи сайлов ҳуқуқига (шу жумладан, хотин-қизлар учун) деярли бир зумда 1917 йилги воқеалар давомида эга бўлди. Бироқ, аҳоли асосий оммасининг ҳуқуқий онги реал халқ ҳокимиятига мутлоқо тайёрланмаган бўлиб чиқди. Инқилобий сакраш тўғрисидаги гоё чинакам ҳуқуқий муносабатлар билан тўқнашгандан кейин чилпарчин бўлди. КПСС, бундай шароитда, олдинги шиорлардан ва дастурий қўрсатмалардан воз кечишни истамай, вазиятдан келиб чиқиб инқилобгача бўлган аристократиянинг функциясини бажара бошлади (албатта, унинг маданияти, анъаналари, таълимисиз ва мутлоқо бошқача мафкуравий негизда).

Гарчи «пролетар аристократия»нинг ҳуқуқ ижодкорлиги вазифаси тарихан белгиланган бўлса ҳам, ушбу вазифани амалга ошириш ҳар қандай сиёсий элитага хос бўлган шиддат билан амалга оширилди. Марказий қўмитадан бошлаб партия қўмиталари «бевосита давлат» муассасаларига мўлжалланган қарорлар чиқарди. Аслида эса расмий юриспруденция нуктаи назаридан улар ушбу муассасалардаги ўз партиясининг аъзоларигагина мурожаат қилишлари мумкин эди.

Партия қўмиталари маъмуриятчилиги роли келтириб чиқарилиши социалистик тузум афзалликлари тўғрисидаги тарғиботга зид эди. Шу сабабли, XX асрнинг 30-йиллари ўртасидан бошлаб ВКП(б) – КПСС ва СССР Министрлар Совети (ХКС)нинг қўшма қарорларини чиқариш амалиёти кенг ёйилди. У партия қўмиталарининг давлат норматив ижодкорлигининг эркинлаштирилиши шаклига айланди. Партиявий нуктаи назарга кўра ҳар қандай бундай қўшма қарор партия қўмиталари ва оддий коммунистлар учун директива ролини ўйнар эди. Уни тасдиқлашда Ҳукуматнинг иштирок этиши эса ҳужжатга совет Конституциясида ёзиб қўйилган доирада умуммажбурий бўлган ҳуқуқий хусусият бахш этар эди. Амалиётда қўшма партия-давлат қарорларига ҳуқуқни қўллаш органлари томонидан кўпинча қонундан устун турувчи ҳужжатлар сифатида қаралар эди, бу эса қонун устуворлиги принципининг қўпол равишда бузилишига олиб келар эди.

2. Идоравий қонун ижодкорлиги қонунга анчагина рақобат кўрсатар эди. Қонуннинг обрў-эътибори паймол қилиниши ҳолларини «кўздан яшириш» учун «юқорилар» «қонунчилик» тушунчасини кенгроқ талқин эта бошладилар.

Жуда кўплаб кўрсатмалар, қоидалар, тартиботлар, йўриқномалар корхона, цех раҳбарининг, мактаб директорининг, умуман ҳар қандай мутахассиснинг ҳар бир қадамини таъқиб қилар ёки бир андоза ичига солар эди. XX асрнинг 70-йиллари охири -80-йиллари бошида фақат халқ хўжалигини бошқариш соҳасида 200 000 га яқин ҳар хил буйруқлар, йўриқномалар ва бошқа қонунга тенглаштирилган ҳужжатлар тўпланиб қолди. Бундай кўрсатмаларнинг сон-саногии йўқ эди, улар бир-бирига ҳамда қонунга зид эди. Идораларнинг раҳбарлари қонун ҳужжатларига вето қўйишнинг ўзига хос ҳуқуқини ўзлаштириб олгандилар: ҳатто СССР қонунлари ҳам мазкур идора тизимида вазир томонидан тегишли буйруқ чиқарилгандан кейин амал қилиш тартибини ўрнатдилар.

3. Шундай қилиб, қонунлар реал ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ манбалари пирамидасидаги юқори қаватдан сиқиб чиқарилганди. Қонун ҳужжатларининг ўзи кам чиқарилганлиги ҳам бунга кўмаклашди: 1936 йилги Конституция эълон қилингандан бошлаб 1988 йилда совет парламенти ўзгартирилгунгача ярим аср ичида СССР Олий Совети ҳаммаси бўлиб 81та қонун қабул қилди. Агар унга халқ хўжалиги режалари, мамлакат бюджети ҳамда СССР Олий Кенгаши Президиуми фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўшилса, рақам икки баравар ошади.

Фарбий Европа парламентлари ҳар йили бир неча юзлаб қонунларни тайёрласа, СССР Олий Совети фаолият кўрсатган барча йиллар ичида мана шунча қонун тайёрлаган.

Давлат аппаратининг совет (партиявий эмас) қисмида аҳоли томонидан эмас, балки Олий Совет, аслида унинг Президиуми томонидан тайинланган шахсларнинг тор доираси асосий қонун чиқарувчи ҳисобланар эди. 1936 йилги СССР Конституцияси билан Олий Совет Президиумига дастлаб парламент сессияларида чиқарилган қонунларни талқин қилиш роли ажратилан эди. Бироқ, таркибига кўра унча кўп бўлмаган ҳамда ҳамма вақт давлат органининг «қўл остида» бўлган Олий Совет Президиуми олий партия поғоналарида маъқулланган қарорларни маъқуллаш учун қулай воситага айланган.

СССР ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритувчи фармонлар СССР Олий Совети Президиуми, шунингдек, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари Президиумлари орқали амалга ошириларди.

Ўтган асрнинг 40-йиллари охирида «фармонлар» орқали қонун ижодкорлиги амалиёти Конституцияга тузатиш киритиш орқали эркинлаштирилди. Натижادا, қонун нормаларининг кўпчилик қисми Олий Совет Президиумининг фармонлари билан кириталар эди, улар кейинчалик СССР Олий Совети томонидан тасдиқланар эди. Қоидага кўра, сессия ушбу фармонларни амалда ҳатто йўлига бўлса ҳам муҳокама қилиб ўтирмай, шунчаки такрорлар эди. 1938-1985 йиллар ичида Олий Совет ўз Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида 120 та қонун қабул қилди. Одатда, битта ҳужжат билан бутун бир фармонлар туркуми тасдиқланар эди.

Қонунлар сонининг озлиги вужудга келган шароитда идоравий ва партиявий қонун ижодкорлиги учун кенг йўл очар эди. Шу сабабли, аксарият қонунлар ва фармонларнинг сифати жуда паст эди.

4. СССРда қонун ҳужжатлари ушбу қонунларда мустаҳкамланган нормаларни амалга ошириш механизми йўқлиги нуқсонига эга эди. Брежнев замони қонунларининг кўпчилик қисми, айниқса атроф-муҳит муҳофазаси, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, халқ таълими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тегишли қонунлар абстракт шакллантирилган бўлиб, уларнинг бузилганлиги учун реал санкциялар кўзда тутилмаган эди.

СССР фуқаролари муҳим конституциявий ҳуқуқлардан фойдалана олмас эдилар. чунки сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, митинг ёки намоёишлар ўтказиш эркинлиги ва бошқалар амалга оширилишини тартибга солувчи қонунлар узок йиллар қабул қилинмади. Деярли ўн икки йил (1977-1989 йиллар) мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ва умумхалқ овоз бериши (референдум) тўғрисидаги қонунлар қабул қилинмади. Шу сабабли, кўплаб конституциявий нормалар қоғозда қолиб кетди.

5. Совет қонунчилигининг етарлича тизимлаштирилмаганлиги, шунингдек, фуқаролар, муассасалар ва ташкилот-

ларнинг меъерий материаллари билан танишишнинг мушкуллиги ушбу қонунчиликнинг яна бир салбий белгиси эди.

Бундай вазият сталинизмнинг юриспруденцияда қолдирган изининг салбий оқибати эди: ўтган асрнинг 30 ва 50-йилларида энг оммавий ҳужжатлар бўлиши керак бўлган меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси ёки ўртоқлик судлари тўғрисидаги низом ҳам маҳфийлаштирилган эди. Умумиттифоқ меъерий ҳуқуқий ҳужжатларининг катта қисми кенг жамоатчиликка эълон қилинмас, балки маъмурий йўллар билан ярим яширин тартибда тарқатилар эди.

Партиявий ва идоравий қонунчиликнинг ҳукмронлик қилиши кодекслаштириш ишларини қийинлаштирар эди. Бу жиҳатдан кодекслаштириш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган янги иқтисодий сиёсат тажрибаси муваффақиятли эди. 1922-1923 йиллардаги бир ярим йиллик қонун ижодкорлиги фаолияти ичида еттига кодекс тайёрланган. Булар Жиноят кодекси, Меҳнат тўғрисидаги кодекс, Ер, Фуқаролик, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал ва Ўрмон кодексларидир. Тез орада Никоҳ, Оила ва Васийлик тўғрисидаги янги қонунлар кодекси ҳамда суд тузилиши тўғрисидаги низом қабул қилинди. 1927 йилда эса «РСФСР қонунларининг мунтазам тўплами» дунё юзини кўрганди.

СССР ташкил топиши муносабати билан бундай ишлар иттифоқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилган: СССР ва иттифоқдош республикаларнинг суд тузилиши асослари, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунчилиги асослари, Ердан фойдаланиш ва ер тузилишининг умумий асослари, Ҳаво, Божхона кодекслари ҳамда яна бир қанча муҳим кодекслаштирилган ҳужжатлар қабул қилинган. 1927 йилда олти жилддан иборат норасмий тусдаги «СССР амалдаги қонунларининг мунтазам тўплами» яратилди.

М.М.Сперанскийнинг тажрибасини такрорлаш ва СССР ҳамда иттифоқдош республикалар қонунларини ташкил этиш имконияти пайдо бўлганидек эди. Бироқ, Сталин бошчилигидаги раҳбарият томонидан 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида ижтимоий муносабатларнинг кескин ўзгартирилиши қонунчиликни комплекс тизимлаштириш тўғрисидаги масалани кун тартибидан олиб ташлади. Кейинги ярим аср давомида СССРда қонунчилик бутунлай тизимлаштирилмади ва кодекслаштирилмади. 50-йиллар ўртасига келиб фақат иттифоқ

ҳужжатлари (қонунчилик ва ҳукумат ҳужжатлари) 400 000 тагача тўпланиб қолди. Улар фақат ўз сони билан эмас, балки ҳуқуқий сифати билан ижтимоий ҳаётда тўлиқ бош бошдоқликка олиб келди.

50-йилларнинг иккинчи ярмида кодекслаштириш тикланди. У иттифоқ даражасида бошланди ва СССР ва иттифоқдош республикалар янги қонунчилиги асослари қабул қилинишига олиб келди. Жиноят (1958 й.), Фуқаролик (1961 й.), Ер ҳамда никоҳ ва оила (1968 й.), ахлоқ тузатиш-меҳнат (1969 й.), меҳнат (1970 й.) ва бошқа кодекслар қабул қилинди. Ушбу асосларнинг амалга киритилиши ва улар орқасидан тезликда тегишли республика кодексларининг ишлаб чиқилиши тўпланиб қолган меъёрий-ҳуқуқий материални тизимлаштириш имконинигина бериб қолмай, балки уни жиддий равишда қайта кўриб ўзгартиришга ҳам олиб келди. Фуқаролик қонунчилиги давлатлаштирилган халқ хўжалиги реалликларига мувофиқлаштирилди (унгача хусусий мулкчилик муносабатларини тартибга солган янги иқтисодий сиёсат фуқаролик кодексларининг мутлоқо фойдасиз бўлиб қолган нормалари сақланиб қолди).

Совет ҳуқуқи тарихининг мана шу учинчи кодекслаштирилиши (1918-1919 йй.; 1922-1930 йй.; 1958-1970 йй.) негизида 70-йиллар ўртасида СССР ва иттифоқдош республикалар Қонунлар мажмуини чиқариш дастурини амалга ошириш ишлари бошланди.

1985 йилда ўн жилдлик СССР қонунлари тўпламини чиқариш тугалланди. Қонунлар мажмуига ҳаммаси бўлиб 1367 та меъёрий ҳужжат киритилди. Ушбу мажмуа мазмунига кўра барқарор бўлмаганли боисидан (уларни тегишли равишда янгилаб туришга муваффақ бўлинмади) турғунлик замонининг ўлик ёдгорлигига айланди. Шундай қилиб, совет ҳуқуқини тўлиқ кодекслаштиришга, ҳатто амалда қонун ролини бажарган партиявий ва идоровий нормаларни ҳисобга олмаган ҳолда расмий қонунчиликни кодекслаштиришга муваффақ бўлинмади.

6. Суд амалиёти ва расм-русумлари совет ҳуқуқи манбалари тизимида алоҳида ўринда турар эди. Совет ҳуқуқшунослари роман-олмон ҳуқуқий оиласи анъаналари изидан бориб, одат ва суд-ижодкорлигининг истисно тариқасида ва қонуннинг расман устуворлиги сақланиб қолиши шарти билан

мавжуд бўлишига йўл қўйдилар. Масалан, денгиз ҳуқуқида (денгизда юк ташишларда порт урф-одатлари) ва ер ҳуқуқида (ер ишларини ҳал этишнинг маҳаллий қоидалари) бунга йўл қўйилар эди. Гарчи махфийроқ равишда бўлса ҳам прецедент ҳуқуқи анча кенг қўлланилди. СССР ва иттифоқдош республикалар Олий Судлари суд амалиётини таҳлил қилардилар ва унинг асосида, шунингдек, аниқ ишлар кўриб чиқишда қуйи турувчи судлар учун мажбурий кучга эга бўлган ва кўпинча қонунчилик нормаларига жиддий равишда тузатиш киритган қарорлар чиқарардилар. Мисол учун, Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексининг маъмуриятга ходимни прогул учун, яъни узрли сабабсиз иш жойида уч соат бўлмаганлиги учун ишдан бўшатиш имконини берувчи моддаси айнан суд талқини билан аниқлаштирилганди. Суд қонунда кўрсатилган прогул вақти, агар ходим ишдан кечикиш, ўзбошимчалик билан ишдан чалғиш, иш жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш оқибатида кун давомида иш жойида камида уч соат бўлмаслиги жамлаб ҳисоблаш мумкинлигини тушунтирганди. 20-йилларда суд ҳокимияти, шунингдек, СССРда конституциявий назоратни ҳам амалга оширганди.

1923 йилда қабул қилинган СССР Олий Суди тўғрисидаги Низомга мувофиқ СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиумининг⁴ талаби билан иттифоқдош республикалар Марказий Ижроия Қўмиталари ва Халқ Комиссарлари Кенгашлари ҳамда СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг у ёки бу қарорининг СССР Конституцияси нуқтаи назаридан қонунийлиги тўғрисида хулосалар бериш унинг вазифасига кирар эди. Иттифоқдош республикаларнинг марказий органлари таклифига қўра ёки ўз ташаббуси билан Олий Суд сўнгра, СССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва унинг Президиуми қарорларидан ташқари, марказий органлар ва СССР Халқ комиссарликларининг қарорлари ва фармойишлари амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги тавсияномалар билан кириши мумкин эди. Шундай қилиб, СССР Олий Судининг Конституция ижро этилиши устидан назорат қилиш соҳасидаги функциясини умуман олганда назорат қилувчи ва конституциявий деб тавсифлаш мумкин. Барча низоли

⁴ СССР Марказий Ижроия Қўмитаси 1924-1936 йилларда Федерациянинг икки палатали парламентни ҳисобланган. СССР Советларининг Съезди томонидан сайланган

масалаларни СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг ўзи узил-кесил ҳал этар эди.

Прокуратура бевосита СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиумига СССР Олий Суди ва унинг ҳайъатлари қарорларига протест билан чиқиш ҳуқуқига эга эди.

Конституциявий назоратни амалга оширишда Олий Суд ва прокуратуранинг роли анча муҳим эди. Иттифоқдош ва республика органларининг жуда кўп меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, конституциявийлик бузилганлигини аниқлаш, Конституцияни қўллаш юзасидан низоли масалалар бўйича хулосалар тайёрлашга оид жорий ишлар айнан унинг зиммасига юкланар эди. Бу иш ҳақида куйидаги маълумотлардан тасаввур ҳосил қилиш мумкин: 1924йилда СССР Олий Судига уларни конституциявийлик нуқтаи назаридан текшириш учун 277та меъёрий ҳужжат, 1928 йилда 6272 та меъёрий ҳужжат тушган.

Совет судлови мавжуд бўлишининг дастлабки қирқ йили ичида унда жараённинг уч асосий шакли ифодаланади. Булар мусобақалашувчи (фуқаролик-ҳуқуқий ишларни кўриб чиқишда), инквизицион (Махсус кенгашлар, «учликлар» ва «иккиликлар» томонидан қўлланилган) ва аралаш (умумий жиноят ишлари судларида) шакллардан иборат эди.

1958-1960 йиллардаги жиноят, жиноят-процессуал қонунчилик инквизицион суд ишлари юритишнинг ҳуқуқий легал асосини тугатди, бироқ аралаш жараёни демократик мусобақалашуш билан алмаштирмади. 1958йилги СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят ишларини юритиш асослари ва 1960 йилги РСФСР Жиноят процессуал кодекси юқорида санаб ўтилган судлов принципларининг кўпчилиги амал қилишини эълон қилди; биринчи марта жамоатчиликнинг судлов ишларини юритишда иштирокини мустаҳкамлади; айбланувчининг ҳуқуқларини ва уларни амалга ошириш юзасидан мансабдор шахсларнинг мажбуриятларини аниқ шакллантирди; шахсни гумонланувчи деб ҳисоблаш учун асосларни ва унинг ҳуқуқларини белгилади; ҳимоячи (адвокат) фаолияти учун процессуал чегараларни кенгайтди. Тўғри, буларнинг барчаси илгариги ҳуқуқсиз вазиятга нисбатан илғор қадам эди, лекин барибир демократик одил судловнинг жаҳон стандартларига жавоб бермас

эди. На айбсизлик презумпцияси, на жараённинг тортишувчанлиги эълон қилинмади.

Судлар адлиянинг бутун тизими сингари мамлакатга партиявий раҳбарлик қилиш буйруқбозлик тизимининг муҳим элементини ташкил этар эди. Одил судлов органлари айниқса инсонни қудратли давлат машинасидан ҳимоя қилиш тўғрисида сўз борганда инсон ҳуқуқларининг кафолати бўлиши мумкин эди. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниши назарияда ҳам, амалиётда ҳам инкор қилинар эди.

Судлар адлия тизимининг марказида турган ҳолда судлов органи сифатида эмас, балки жазолаш, қатагон қилиш органи ролини бажарар эди, чунки қонун чиқарувчи адлия органлари олдига жиноятчиликка қарши курашнинг умумий вазифасини қўяр эди.

Сталин замонида илдиз отган анъанага кўра процессуал қонунчилик фуқароларнинг ҳуқуқларини назар-писанд қилмас эди. Судлар ҳуқуқни бузишларга қарши кураш тўғрисидаги юқоридан берилган кўрсатмаларга бўйсуниб, оқлаш ҳукмларидан деярли воз кечган эди. Судларнинг дастлабки тергов сифатига етарлича талабчанлик кўрсатмаслиги терговчиларнинг турли методлар билан тергов остидагиларни айбига иқдор қилишга олиб келар эди.

Судлар ва барча бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалда маҳаллий ҳокимиятга бўйсунар эди. Улар моддий жиҳатдан маҳаллий Кенгаш ижроия қўмитасига қарам эди; иш фаолиятида мустақилликка интилган судьялар уй-жой олишни узоқ кутишлари, иситишда, озик-овқат таъминотида, фарзандларини болалар боғчасига жойлаштиришда ва ҳоказоларда қийинчиликларга дуч келишлари мумкин эди. Бундан ташқари маъмурлар судьянинг лавозимидан чақириб олинишини ташкил этишга ёки яқин орада бўладиган судьялар сайловида бўйсунмас судьянинг номзодини кўрсатмасликни ташкил этишга қурби етар эди. Юридик олий ўқув юртларида ўрганилмаган, бироқ реал ҳаётда анча сезиларли бўлган «телефон ҳуқуқи» мана шундай йўл билан шаклланган эди.

Судьяларнинг ҳаммаси амалда «хукмрон» бўлган коммунистик партия аъзолари эди. Партиявий жавобгарлик инсти-

тути суднинг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий норма емирилишининг яна бир қуролига айланган.

Совет ҳокимияти ҳукм сурган бутун замон мобайнида суд жамият ҳуқуқий тизимида ўзига ажратилган ўринни эгалламади, бу ҳуқуқий нигилизм (ҳуқуқни инкор этиш ёки ҳуқуққа беписандлик) анъаналари, шунингдек, партиявий элитанинг (оқсуяклар) судловни ўзининг индивидуал хоҳиши билан алмаштиришга бўлган интилиши билан боғлиқ эди. Судловга камситувчи муносабатда бўлиш ўзбошимчаликка йўл очади, ҳуқуқнинг ва жамиятнинг незизларини емиради. Натижада, 80-йилларга келиб совет ҳуқуқий тизими сурункали танглик ҳолатига келиб қолди. Ушбу ҳолат жойларда энг мақбул бошқарув қарорлари қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқ ижодкорлигининг ўзини оқламаган марказлаштириливи; мамлакат ва айрим корхоналар хўжалик ривожланиши янги эҳтиёжларининг ҳуқуқий нормалар билан мувофиқлаштирилмаганлиги; қонунлар билан уларни амалиётда рўёбга чиқариш ўртасидаги узилиш оқибатида келиб чиққан эди.

Ушбу салбий омилларнинг таъсирини ялпи ва комплекс ҳуқуқий ислоҳот ёрдамида бартараф этиш мумкин эди. Бироқ Собик СССР раҳбарлари уни амалга оширишга муваффақ бўлмадилар, 80-йиллар охири-90-йиллар бошида эса ҳуқуқни советлаштиришдан чиқариш, социалистик ҳуқуқ тизимини демонтаж қилиш йўлидан бордилар. Тўғрисиини айтганда бунга ўқув етмади. Қайта ўзгартириш жараёни назорат остидан чиқиб кетди, ва 1991 йилдаги инқилобий воқеалар давомида совет ҳуқуқий тизими Совет Иттифоқининг собик республикалари қонунчилигида ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгида сақланиб қолган тарқоқ элементларга бўлиниб кетди.

3-§. Оврупо социалистик ҳуқуқий тизимлари

Ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида ҳуқуқнинг вазифаси турлича шаклланган анъанавий-қадриятли йўналишлар туфайли ҳамма вақт ва ҳамма жойда бир хилда қабул қилинмаган, муайян шароитларда эса, ҳатто зиддиятли равишда қабул қилинган. Агар Европа социалистик мамлакатларида ҳуқуқ анча тез ривожланган бўлса, Осиёнинг социалистик мамлакатларида ҳуқуққа анча кам эътибор берилган, бу ўз навбатида ушбу мамлакатлар

хуқуқий амалиётининг бутун ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган.

Шунингдек, расмий ҳуқуқий мафкура билан биргаликда аҳолининг ҳуқуққа, қонунийлик ва одил судловга бўлган қарашлари ва ҳис-туйғуларининг ўзига хос тизими ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Ушбу муносабат асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган, омма онгида чуқур илдиз отган, ҳуқуққа муносабат анъаналари, қонунни ҳурмат қилиш кўникмалари шаклланишига фаол кўмаклашган.

Европа социалистик мамлакатларида социалистик инқилобларгача омма ижтимоий онгида ҳуқуққа инсоният жамиятининг биринчи асоси сифатидаги ижтимоий фикрнинг узоқ вақт ҳукмронлигига асосланган кучли ҳуқуқий анъаналар мавжуд эди. Ушбу анъаналар, бир томондан, марксчаленинча ҳуқуқий мафкура руҳида ҳуқуқий тарбиялашни қийинлаштирувчи кайфиятлар ёйилишига хизмат қилган, иккинчи томондан, ижобий мазмунга эга бўлган, чунки оммада ҳуқуқий маданиятнинг муайян элементлари мавжуд бўлган янги ҳуқуқнинг ривожланишини енгиллаштирган.

Тарихда юридик анъана ҳамма вақт икки томонлама кўринишда намоён бўлади: биринчи кўринишда у ҳуқуқдаги умуммаданий қадриятларни мерос қилиб олади ва келажакка элтади, ўтмиш замонлар ҳуқуқи ёки одил судлови орқали ўзлаштириб олинган ғояларни келажак замонларга етказди: иккинчи кўринишида эса, янги ҳуқуқий муносабатлар ва янги ҳуқуқий институтлар қарор топишига тўсқинлик қилади ёки давлат ҳокимиятини турли келишувларга мажбур этади. Ижтимоий-иқтисодий тузилма қанчалик қадимий ва оддий бўлса ҳуқуқий анъана шунчалик узоқ вақт сақланиб қолади. Осиё мамлакатларида капитализмгача бўлган тузилмаларга хос партикуляризм анъанавийликни, шу жумладан ҳуқуқий анъанавийликни барқарор ғоявий-психологик омилга айлантирган. Европа социалистик давлатларининг социалистик инқилобгача бўлган ҳуқуқий тизимлари роман-олмон ҳуқуқий оиласига тегишли бўлган.

Ушбу кенг тарқалган фикр, бизнинг фикримизча, жуда ҳам аниқ эмас, чунки ҳамма Европа мамлакатлари ва айниқса Осиё социалистик мамлакатлари ҳуқуқнинг континентал тизимига кирмаган. Масалан, Венгрияда суд қарорларига асосланган одат ҳуқуқ ҳуқуқнинг кўплаб соҳаларида устун-

лик қилган эди ва эски венгр ҳуқуқий тизими бу жиҳатдан аралаш тизим деб ҳисобланган. Албанияда биринчи жаҳон урушига қадар Leka Dukadjch қонунида Мажалла (Усмонли салтанатининг Фуқаролик кодеси)да жамланган одат ҳуқуқ амал қилган. Биринчи жаҳон урушидан кейин, албан ҳуқуқи Италия ҳуқуқи таъсири остига тушиб қолган. Жумладан, 1928 йилда Фуқаролик кодекси, 1932 йилда Савдо кодекси чиқарилган. Социализмгача бўлган Югославия учун ҳам «аралаш» ҳуқуқ хос бўлган. Сербия ва Македонияда 1844 йилги Фуқаролик кодекси амал қилган, Воеводинада одат венгр ҳуқуқи, Хорватия ва Словенияда Австрия Фуқаролик кодекси, Черногорияда 1898 йилги Богишеч кодекси қўлланилган. Мусулмон ҳуқуқи ҳам амал қилган. У Югославиянинг бутун ҳудудида мусулмон аҳолининг оила-никоҳ ва мерос муносабатларини тартибга солган. Польша ҳудудининг айрим қисмларида француз, рус, немис, Австрия ҳуқуқи амал қилган. Бир сўз билан айтганда социалистик инқилобгача барча социалистик давлатларда ягона ҳуқуқий тизим мавжуд бўлмаган ва уларнинг ривожланишида сезиларли тафовутлар бўлган. Ушбу асосий тавсифдан ташқари, уларнинг ҳуқуқини тарихий нуқтаи назардан икки гуруҳга бўлиш мумкин. Агар ушбу мамлакатларнинг Рим билан боғлиқ бўлган бир гуруҳи доимий равишда ўзаро яқин муносабатларда бўлган Фарбий Европа таъсири остида бўлса, иккинчи гуруҳ, аксинча, кўп асрлар давомида узоқ вақт турк ҳукмронлиги остида қолган ҳолда бошқа Фарб мамлакатларидан ажратиб қўйилган эди.

Биринчи гуруҳ мамлакатлари - Венгрия, Польша, Чехословакия, Хорватия, Словения ҳуқуқи деярли Олмония, Австрия ва Франциядаги каби ривожланган. Ушбу мамлакатларда кучли илдиз отган ҳуқуқий анъана мавжуд бўлган: ҳуқуққа жамиятнинг фундаментал негизларидан бири сифатида қаралган, юридик касб билан шуғулланувчи шахслар катта ҳурматга сазовор бўлган.

Иккинчи гуруҳ мамлакатлари - Албания, Болгария, Руминия, Сербияда ҳуқуқ тарихан бошқача ривожланган. Россия сингари ушбу мамлакатлар узоқ вақт Фарбий Европанинг эмас, балки Византиянинг таъсири остида бўлган. Болқон мамлакатларида турк босқини асрлар давомида ҳуқуқнинг эволюциясини издан чиқарган. XIX аср охири-XX аср бошида мустақиллик қўлга киритилгандан кейин Болқон

мамлакатлари Марказий ва Ғарбий Европа тажрибасидан фойдаланганлар.

Социалистик инқилобдан кейин шаклланган ҳуқуқий анъаналар янги тузумга хизмат қилишга бўйсундирилган. Социалистик ҳуқуқ тизими барпо этилган. Агар ислоҳот санат ва транспортни национализация (миллийлаштириш) қилиш, сиёсий партияларни тарқатиш, аксилинқилобий кучларга қарши кураш борасидаги ва энг муҳими давлатнинг органлари қурилиши тўғрисидаги янги қонунлар қабул қилинган.

Болгарияда эски қонунчиликнинг амал қилиши бирданга тўлиқ бекор қилинган. Болгария Халқ Йиғилишининг «1944 йил 9 сентябрча чиқарилган барча қонунларни бекор қилиш тўғрисида» 1951 йил 9 ноябрдаги қонунда шу пайтга қадар чиқарилган барча қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Конституцияга ва 1944 йил 9 сентябрдан кейин Болгарияда ўрнатилган социалистик қонунчиликка зид қонунлар сифатида бекор қилинган ва ҳақиқий эмас деб ҳисоблана бошланган.

Бошқа мамлакатларда эски қонунчиликдан тўлиқ ёки қисман фойдаланилган, бироқ у янги вазифаларга мос бўлган даражада қўлланилган. Масалан, Руминияда урушдан олдинги кўпчилик меъёрий ҳужжатлар амал қилишда давом этган. 1864 йилги Фуқаролик кодекси, 1887 йилги Савдо кодекси, 1924 йилги Кооператив фармон, 1924 йилги Суд қонуни, 1906 йилги Патент қонуни улардан энг муҳимлари эди. Нацистлар қонунчилиги бекор қилинган.

ГДРда янги қонунлар чиқарилмаган масалалар бўйича 1975 йилгача Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи (1896 йил) ва Олмония Савдо қонунлари мажмуи (1897 йил) нормалари қўлланилган. Бунда улар республиканинг социалистик ҳуқуқ-тартиботи манфаатларига зид бўлмаслиги шарт эди. Айрим мамлакатларда товар ишлаб чиқариши билан боғлиқ илгариги хусусий ҳуқуқнинг айрим нормалари қўлланибгина қолмасдан, балки бошқа эски нормалар, масалан, жиноят ва маъмурий ҳуқуқ нормалари қўлланилган.

Эски ҳуқуқ нормаларини бекор қилиш кўпинча қонунчилик йўли билан эмас, балки давлат органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлиқ жараёнда (аниқ ишлар бўйича қарорлар қабул қилиш ёрдамида, масалан, Венг-

рияда Олий суднинг муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлари (ёрдамида) амалга оширилганлигини таъкидлаш зарур. Социалистик ҳуқуқ шаклланишининг дастлабки босқичида Европа мамлакатларида суд органларининг нормалар чиқариш фаолияти жуда фаол бўлган.

Европа социалистик мамлакатларида СССРдан фарқ қилган ҳолда суд амалиёти соҳасида узвийлик сақлаб қолинган. Польша суд амалиёти 1990 йилларга қадар иккинчи жаҳон урушидан олдинги суд амалиётига ҳавола қилишда давом этган.

Шундай қилиб, Европа социалистик мамлакатларида ҳуқуқий тизим қарор топишининг дастлабки босқичида анча узоқ вақт ҳуқуқ соҳасида ўзига хос «икки ҳокимиятчилик» мавжуд бўлган. Бундай аҳвол икки сабабга кўра зарур эди: биринчидан, янги ҳуқуқий тизим туғилиши вақтида катта ҳуқуқий бўшлиқ ҳосил бўлмаслиги керак эди; иккинчидан, социалистик ҳуқуқ бой ҳуқуқий анъаналарга эга бўлган демократик элементлардан фойдалана олиши лозим эди.

Социалистик ҳуқуқ тизимларининг ривожланиши кўп жиҳатдан инқилобий тўнтариш қандай юз берганлигига боғлиқ эди. Европадаги социалистик мамлакатларда капитализмдан социализмга ўтиш нисбатан тинч шароитларида, фуқаролар урушисиз амалга оширилган, бу социалистик ҳуқуқ тизимлари шаклланишига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатган.

Янги тузумга нисбатан тинч ўтиш вақтида эски қонунларни қайтадан кўриб чиқиш зарурияти бўлмаган ва амалда аста-секинлик билан амалга оширилган. Кодекслаштириш жараёни ҳам анча сустръатларда борган. Айрим Европа мамлакатлари дастлаб бирор-бир кодекснинг Умумий қисмини яратишган ва ушбу йўл билан қонуний тартибда янги асосий принципларни мустаҳкамлаган; унга мувофиқ ҳали кучда бўлган Махсус қисми қўллаш керак бўлган (масалан, Польшада Фуқаролик кодексининг янги Умумий қисми, Венгрияда эса Жиноят кодекси яратилган); бошқалар зарур материалнинг фақат айрим асосий қисмларини кодекслаштирганлар ва махсус қонунларда, қоидага кўра, у ёки бу кодекс Махсус қисмининг айрим бобларини ташкил этувчи масалаларнигина тартибга солганлар.

Европа социалистик ҳуқуқ тизимлари улар таркибининг бирлиги билан тавсифланар эди. Ҳуқуқий тизимнинг яхлит-

лиги, унинг тузилиши ва ички бўлиниши қўплаб омиллар билан белгиланар эди. Ҳуқуқ ижодкорлигининг ривожланиши, ҳуқуқ манбалари ва, табиийки, ҳуқуқий чақириқлар ва ғоялар, шу жумладан, ҳуқуқ тизими тўғрисидаги илмий тасаввурлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тарихий ривожланиш натижасида социалистик ҳуқуқ тизимларида янги соҳалар пайдо бўлган. Уларнинг баъзилари айрим мамлакатларда ҳуқуқий ривожланишнинг биринчи босқичида, бошқа мамлакатларда эса анча кеч пайдо бўлган. Ҳуқуқни соҳаларга бўлишда совет ҳуқуқи барча хорижий социалистик ҳуқуқ тизимлари учун асос бўлган. Лекин шунга қарамай турли социалистик давлатларда ҳуқуқ тизими қурилишида, айниқса ҳуқуқ соҳаси бўлимларида айрим тафовутлар мавжуд эди.

Фуқаролик кодекслари барча социалистик мамлакатларда мавжуд эмас эди. Руминияда 1864 йилги Фуқаролик кодекси қоидалари тўлиқ қўлланилмас эди, янги қонунлар тартибга солинган оилавий ва шахсий муносабатларга тегишли қисмлар бундан мустасно.

Айрим мамлакатларда (Болгария, Албания) Фуқаролик ҳуқуқини кодекслаштириш бир неча қонунлар қабул қилиш кўринишида амалга оширилган. Болгарияда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бир қанча қонунлар билан тартибга солинган. Улар орасида 1949 йилги мерос тўғрисидаги қонун, 1950 йилги мажбуриятлар ва битимлар тўғрисидаги қонун, 1973 йилги фуқароларнинг мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонун энг муҳим қонунлар эди. 1973 йилги фуқароларнинг мулк ҳуқуқи тўғрисидаги қонун иморатга ажратиладиган ҳудудга ёки иморатга нисбатан прогрессив кўчмас мулк солиғини белгиланган ҳолда бир шахсга кўчмас мулкнинг энг кўп миқдорини белгилаб берган. Белгиланган энг кўп миқдордан ортиқ бўлган тақдирда қонун кўчмас моддий бойликларга мулк ҳуқуқини беришнинг ягона тартибини аниқлаб берган.

Албанияда ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар 1955 йилги мулкчилик тўғрисидаги қонун, 1954 йилги давлат корхоналари тўғрисидаги қонун сингари алоҳида қонунлар билангина тартибга солинган. 1965 йилги Оила тўғрисидаги қонунлар мажмуи яққою-ягона албан кодекси бўлган.

Социалистик фуқаролик ҳуқуқи учун биринчидан, мулкӣ муносабатларни тартибга солишнинг бирхиллиги (масалан, савдо муносабатлари роман-олмон ҳуқуқида бўлган сингарӣ алоҳида ажратилмаган эди), иккинчидан эса меҳнат ва оила ҳуқуқи каби муस्ताқил соҳаларнинг ажратилиши билан характерланар эди.

Польшада фуқаролик ҳуқуқининг бирлиги принципига зид равишда 1934 йилги Савдо кодексининг, айнан савдо жамиятларига тегишли қисми амал қилган. Ушбу кодекс анча узоқ вақт қўлланилган.

Чехословакияда учта кодекс қабул қилинганди: 1964 йилги Фуқаролик кодекси, ушбу кодекс хизматлар соҳасида социалистик ташкилотларнинг фуқаролар билан муносабатларини ҳамда фуқаролар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни тартибга солар эди; 1964 йилги Хўжалик кодекси, ушбу кодекс социалистик ташкилотлар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни, шунингдек, хўжалик бошқарувининг айрим масалаларини тартибга солар эди; 1963 йилги Халқаро савдо кодекси, ушбу кодекс ташқи савдо соҳасидаги шартномаларни тартибга солар эди.

ЧССР миллий ҳуқуқнинг хорижий давлатлар ҳуқуқ-тартиботига нисбатан муносабатини тартибга солувчи халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунни қабул қилган жаҳондаги дастлабки давлатлардан бири эди. 1948 йилда Халқаро ва вилоятлараро хусусий ҳуқуқ ҳамда хусусий ҳуқуқ соҳасида ажнабийларнинг ҳуқуқӣ мавқеи тўғрисидаги қонун қабул қилинган. 1963 йилда ушбу қонун халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги янги қонун ва процессуал ҳуқуқ билан алмаштирилган. Давлат социалистик мулкчилиги Югославиядан ташқари барча социалистик мамлакатларда қабул қилинган. Югославияда ижтимоий мулк 1974 йилги Конституцияга мувофиқ меҳнаткашларнинг уюшган бирлашмаси бевосита юриши учун берилган ва давлатнинг ўзи бутун бўлинмас фонднинг ягона эгаси бўлган. Давлат корхоналари ва ташкилотлари эса уларга бириктириб қўйилган ва улар ўз фаолияти жараёнида эгалик қилган мулкка бўлган муайян ҳуқуққа эга эди. Европанинг барча социалистик мамлакатлари қишлоқ хўжалигидаги социалистик ўзгартиришларни кооператив ишлаб чиқариш орқали амалга оширганлар. Бинобарин, барча

мамлакатлар учун социалистик кооператив ҳуқуқни ҳуқуқнинг муस्ताқил соҳасига ажратиш хос бўлган.

ЧССРнинг федератив тизими учун умумдавлат актларининг устунлиги характерли эди. Бу Чехословакия федерациясининг вужудга келиши хусусиятлари билан белгиланган. Ушбу мамлакатнинг ҳуқуқий тизимида унитар давлат шароитларида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар амал қилган. Чехословакия федерацияси тўғрисидаги конституциявий қонун мазкур конституциявий қонун кучга кирган кундан амалда бўлган барча қонунлар ва бошқа ҳуқуқий кўрсатмалар кучда қолишини аниқ белгилаган. Чехословакия федерацияси мавжуд бўлган замон ичидаги мавжуд тахминан 480 қонундан атиги бешдан бир қисми нашр этилган. Шундай қилиб, ЧССРнинг федератив ҳуқуқий тизими унитар давлат шароитларида шаклланган ва унинг бирлигини белгилаб берувчи муҳим хусусиятларни сақлаб қолган.

Чехословакия федерацияси тўғрисидаги конституциявий қонун асосида барча ҳуқуқий тизим давлат тузилишининг федератив шаклига мувофиқ ҳолга келтирилган, суд ва прокуратура тизимида федератив тузилиш жорий этилган. Кодекслаштириш ишлари мана шу мақсадда амалга оширилган. 1973 йилда Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Фуқаролик-процессуал кодекси ва бошқалар янги таҳрирда нашр этилган.

ЧССР ва ЮФСРда федерация ва унинг субъектлари қонунлари нисбати тўғрисидаги масала бир хилда ҳал этилмаган. ЧССРда СССРда бўлгани сингари «классик» қоида қўлланилган, яъни умумиттифоқ қонуннинг мутлоқ устунлиги эътироф этилган. Югославияда қонунлар коллизияси юз берган тақдирда Конституциявий суднинг қароригача социалистик республика ёки ўлка қонуни қўлланилган. Шу билан бирга ушбу қоида бутун республика учун хос эмас эди. Масалан, Сербияда республика ва автоном ўлка қонуни коллизияси юз берган тақдирда сўзсиз умумиттифоқ қонуни қўлланилган. Амалиётда тез-тез учраб турадиган ҳар хил республикалар ва ўлкалар қонунчилиги қоидалари ўртасидаги зидлик 1979 йилги қонунчилик коллизиялари ҳамда шахс ва оиланинг мақомига нисбатан ваколатлар ҳамда мерос тўғрисидаги қонун қабул қилинишига олиб келган.

4-§. Осиё социалистик давлатлари ҳуқуқий тизимлари

Осиё социалистик давлатлари ва Оврупо социалистик давлатлари ҳуқуқий тизимлари ўртасида муҳим аҳамиятга эга бўлган жиддий фарқлар мавжуд бўлган. Ушбу тафовутлар Осиё мамлакатлари социалистик типдаги давлат бўлишидан олдин босиб ўтган ривожланишнинг тарихий йўли ўзига хослигидан келиб чиққан.

Ушбу давлатларнинг ривожланишида уч замонни ажратиб кўрсатиш мумкин: ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва қарор топиши замони (XIX асргача); мустамлакачилик замони; Осиё мамлакатлари социалистик ҳуқуқ тизимларининг қарор топиши, шаклланиши ва ривожланиши замони.

Кўриб чиқилаётган мамлакатлар ўзида алоҳида тарихий-этнографик соҳани ифодалайдилар. Уларнинг халқлари келиб чиқишининг яқинлиги ва тарихий тақдирлари умумийлиги билан боғлиқдир. Улар икки қадимий буюк маданият бўлган хитой ва ҳинд маданиятининг таъсирига дуч келишган эди.

Ушбу мамлакатларнинг биринчи мустамлакачиликкача бўлган замонида ҳуқуқ манбалари орасида одат ҳуқуқ марказий ўринни эгаллар эди. Давлат, шунингдек, ўзига фойдали бўлганларига ижозат бериб, расм-русумларга таъсир кўрсатган. Урф-одатлар ва одат ҳуқуқнинг ҳукмронлиги Осиё мамлакатлари давлат-ҳуқуқ тузимининг алоҳида хусусиятини ташкил этган. Урф-одатлар мавжудлиги ҳуқуқдаги партикуляризмни яратган. Масалан, Вьетнам ҳуқуқий ҳаётининг характерли белгиси кўплаб ижтимоий муносабатлар, айниқса марказлаштирилган давлат манфаатларига бевосита дахл қилмайдиган муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидан ташқарида эканлигидан иборат бўлган. Ушбу муносабатларга қишлоқ жамоаларининг аъъаналари ва урф-одатлари кучли таъсир кўрсатган: «қишлоқ доирасида қиролнинг иродаси жамоанинг урф-одатига жой бўшатиб берган», «давлатнинг ўз ҳуқуқи бўлган, жамоанинг эса ўз қоидалари бўлган». Шу билан бирга ёзиб қўйилган қонунлар ҳам кўплаб учрар турган. Келиб чиқиши ҳиндча (Камбоджа) ва хитойча (Хитой, Вьетнам, Корея) бўлган қонунлар мавжуд бўлган. Осиё давлатлари ҳуқуқи тарихининг ушбу замони ҳуқуқнинг бир нечта кодекслаштирилишини бошидан кечирган, масалан, 1291 йилги Чингизхоннинг ясоғи (туркча, муғулча-жасақ-қонун,

қарор, тақик, жазо) муғул ҳуқуқининг биринчи қонунчилик ёдгорлиги ҳисобланган. Унда муғул жамиятидаги урф-одатлар кодекслаштирилган эди. Унда давлат, маъмурий (солиқлар, мажбуриятлар), жиноят, фуқаролик ҳуқуқи нормалари мавжуд бўлган. Чингизхоннинг «буюк ясоғи» босиб олинган мамлакатларни бошқаришга асос бўлиб хизмат қилган.

«И цааз» (Буюк қонунлар мажмуи) ёки 1640 йилги мўғул-ойрат қонунлари мўғул ҳуқуқининг иккинчи кодекслаштирилиши бўлган. Ундан кейин 1709 йилдаги Халха Жирум майдонга келган. Улар мўғул жамиятида шаклланган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаганлар ва қонун мақомини олган чўл ҳуқуқини акс эттирганлар. Кейинги йилларда Мўғулистонда Манчжурия маъмурлари томонидан чиқарилган қонунлар аста-секинлик билан жорий этилган. Жумладан, 1815 йилги Ташқи алоқалар Хитой палатаси қонунлар мажмуи жорий этилган.

Вьетнам давлати ўзининг деярли минг йиллик тарихида қонунчиликни тўрт марта йирик кодекслаштирган (102, 1244, 1483, 1815 йиллар). Хонч Дук кодекси ва Гиа-Лонга кодекси деб аталган биринчи вьетнам ҳуқуқий матнлари келиб чиқишига кўра хитой кодекслари эканлигини кўрсатади, бироқ уларда ҳуқуқнинг ўзига хос маҳаллий элементлари акс эттирилган. Ушбу ҳуқуқий матнлар асосини қонунчилик эмас, балки ахлоқий кўрсатмалар ташкил этадиган бадийий ва махсус тартибни баён этган. Охириги кодекслаштириш натижаси бўлган Зялонг қонуни ўзида соҳалар бўйича қатъий хусусиятни ифодалаган. Француз мустамлакачилари XX асрнинг 30-йиллари охирига қадар ундан бирор-бир ўзгаришсиз фойдаланганлар.

Камбоджанинг ҳуқуқий тизими ҳинд намунасига асосланган эди. «Ява», «Жая Паттра», «Явалар ва Баллар», солиқлар ва ер тўғрисидаги хартия ҳамда қонунлар дафтари каби мустамлакачиликкача бўлган Камбоджа ҳуқуқий матнларининг кўп қисми ҳинд матнларидан кўчириб олинганлигини исботлайди. Бироқ, XIV асрдан бошлаб маҳаллий элементлар устунлиги ошиб бориши анъанаси кузатилган.

Ўрта асрлар кхмер ҳуқуқи асосан тасодифий ҳуқуқ эди ва ҳатто подшонинг фармонлари ҳам кейинги ҳукмдорлар учун мажбурий кучга эга эмас эди. Суд ишларини юргизишда, шунингдек, ҳинд дхармашастраларидан ҳам фойдала-

нилган. Камбоджа суд амалиёти ниҳоятда қаттиқ чоралар қўллаган. Ўзганинг мулкини ўзлаштириб олиш ёки унга зиён етказиш қонунни жиддий бузишлардан бири ҳисобланган. «Илоҳий суд» кенг ёйилган. Тергов ва суд тартиботи ниҳоятда секин борган ва тўрачилик устун бўлган. Оила ҳуқуқида аёлларга ўз табақасидан паст эркакларга турмушга чиқишни тақиқловчи гипергамия қонидаси мавжуд эканлигини пайқаш мумкин. Кхмерларнинг одат ҳуқуқига кўра оиладаги ҳукмронлик ва унга бошчилик қилиш эркакларга тегишли бўлган. Эркаклар аёллар ва болаларни сотиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Қоидага кўра, оила моногам хусусиятга эга эди.

Шундай қилиб, Осиё мамлакатлари ҳуқуқининг асосий белгилари ва юридик анъаналарининг кўпчилиги уларнинг Хитой ва Ҳиндистон билан кўп асрлик мустақкам маданий алоқаларига қарамай, анча ўзига хос бўлган ва ҳамма вақт ўзининг ўзлигини, фавқулодда ўзига хослигини сақлаб қолган. Ушбу мамлакатлар Хитой ҳуқуқи таъсирига учраши билан биргаликда ўзлари ҳам Хитойга муайян таъсир кўрсатганлар. Масалан, Чингизхоннинг Мўғулистонда ишлаб чиқилган, асосан Хитой ҳуқуқий нормаларига кўра тузилган «Ёсоғ»и, айна вақтда ўзида мўғул ҳуқуқининг муайян таъсирига ҳам учраган эди. Масалан, кўчманчиларга хос типик жиноят, яъни мол ўғирлаганлик учун Юань қонунчилигида эски Хитой методларидан бўлмиш «тан жазоси»дан ташқари айбдор ўғирланган молнинг ўн баравари миқдорида жарима ҳам тўлаши зарур эди. Молни ўғирлаган бундай жаримани тўлай олмаса, унинг барча мол-мулки мусодара қилинар, унинг ўзи, хотини, бола-чақаси ва барча қуллари турмага ташланар эди. Бундай ҳолларда ўғирланган молнинг ўн баравари миқдоридаги жарима ва қамоқ жазоси хотини, болалари ва ҳоказолар учун жазолашнинг типик мўғул шаклини ифодалар эди.

Ҳуқуқ соҳасидаги ўзаро таъсир кўп жиҳатдан турли тарихий замонларда Хитой ҳуқуқи Осиёнинг бошқа халқлари ҳуқуқий тизимлари ривожланишига жиддий таъсир кўрсатганлиги билан белгиланган.

Франция мустамлакачилигининг иккинчи замонида кўриб чиқиладиган мамлакатларнинг бир қанчаси Франция истибодоти остига тушиб қолган. Франция ҳуқуқининг Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ҳуқуқий тизимларига таъсири даражаси, энг аввало мустамлакачилик қарамлиги шаклига

боғлиқ бўлган. Мана шу нуқтаи назардан улар Франция суверенитети остидаги мамлакатларга (Кохин-Хина, Лаос) ва Франция протекторати остидаги мамлакатларга (Камбоджа, Аннам, Тонкин) бўлинган. Шу билан бирга у ёки бу гуруҳ мамлакатлар ўртасидаги фарқ асосан суд тузилишига, аҳолининг мақомига ва ер қонунчилигига тегишли эканлигини қайд этиш лозим. Франция мустамлакачилик маъмурияти Лаос, Камбоджа, Тонкин ҳуқуқини кодекслаштиришга интиланган, Аннамда эса 1930 йилга қадар ҳуқуқий маъмурият ва ҳуқуқнинг ўзига хос шакллари сақланиб қолган.

Конфуцийликнинг кўп асрлик таъсири, сўнгра мустамлакачиларнинг ҳукмронлиги натижасида Осиё мамлакатларида улар аҳолисининг турли табақалари онгида умуман олганда ҳуқуққа нисбатан салбий муносабатда бўлиш кенг илдиз отган. Ҳуқуққа Ғарбдан фарқ қилган ҳолда ижтимоий тузум таянчи сифатида эмас, балки асосан жазолаш ва қўрқитиш қуроли сифатида қаралган.

Европада барча миллий муносабатлар асосан мулкчилик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган ва унинг асосини мулкий муносабатлар ташкил этадиган хусусий ҳуқуқ тез ривожланган. Осиёда ҳуқуқ асосан оммавий ҳуқуқни ривожланиши шаклида борган ва биринчи навбатда қаттиқ мажбуриятли, қатъий жиноий жавобгарлик мавжуд бўлган маъмурий тартибга солишдан иборат бўлган.

Конфуций таълимотига кўра ҳуқуқ эмас, балки ахлоқ ижтимоий ҳаётнинг биринчи асоси ҳисобланади, жамиятда қонунлар эмас, балки одамлар бошқариш билан шуғулланиши керак. Ушбу моделга кўра ҳуқуқ фақат жазолаш воситасидир, бинобарин, хоҳиш билдирилмайдиган ёвузликдир.

Конфуцийликдан фарқ қилган ҳолда легизм қонунга биринчи даражали аҳамият берган. Қонун давлат бошқарувининг муҳим қуроли деб эълон қилинган, бироқ бунда жиноят учун жазолаш қонуни назарда тутилган. Шундай қилиб, Осиё жамияти ҳаётида конфуцийлик ва легизм таъсири остида «юридик негативизм» мустаҳкам илдиз отган.

Осиё социалистик давлатлари ҳуқуқий нормаларининг қарор топиши тарихий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш хусусиятлари билан белгиланган бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга эди.

Осиё социалистик мамлакатларида Европадан фарқ қилган ҳолда эски қонунчилик бирданига бекор қилинган. Маса-лан, ХХРда социалистик инқилоб галабаси натижасида инқилобгача бўлган барча қонунлар бекор қилинган. Жумладан, Гоминдан «олти китоби»⁵ни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. КХДРда эски ҳуқуқнинг амал қилишини бекор қилиш Кореяда Япония мустамлакаси сифатида илгари япон ҳуқуқи амал қилганлиги муносабати билан жадаллашган.

Вьетнамда 1945 йил 10 октябрдаги декрет билан эски қонунларнинг амал қилиши бекор қилинган, улардан истисно тариқасида ва фақат мустақиллик ва демократия принципига зид бўлмаган тақдирда улардан фойдаланишга рухсат берилган.

Осиё социалистик давлатлари ривожланишининг биринчи босқичида янги тузумга ва янги давлат ташкилотига асос солган конституциявий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар яратилган. Шу билан бирга ушбу давлатларда (МХРдан ташқари) урф-одатлар анча кенг қўлланилган. Бу ижтимоий муносабатлар қонун билан тўлиқ тартибга солинмаганлиги ва ушбу мамлакатлар ҳуқуқи ривожланишининг тарихий хусусиятлари билан изоҳланган. Майда миллатлар кўп жойлашган туманларда урф-одатлар айниқса кенг қўлланилган.

Осиё социалистик давлатлари ҳуқуқий тизимларининг кўплаб муҳим қоидалари ва тушунчалари яратилишида суд амалиётининг ва умуман ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқ муҳофазаси фаолиятининг роли катта бўлган. Улар кейинчалик қонун ҳужжатларини кодекслаштиришга асос қилиб олинган. Қонунчилик кодекслаштирилмаган бир шароитда суд инстанцияларининг раҳбарий тушунтиришлари катта аҳамиятга эга бўлган.

Кейинчалик социалистик мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари ривожланиши давомида Осиёда муҳим тафовутлар пайдо бўлган. Мўғулистон Халқ Республикасида ҳуқуқий тизим Европа социалистик мамлакатлари ҳуқуқий тизими моделига яқин бўлган.

Вьетнам Социалистик Республикасида ҳуқуқнинг ривожланишига Сайгон билан бўлган узоқ йиллик уруш таъсир кўрсатган. Вьетнам ҳуқуқий тизимининг ривожланиш хусу-

⁵ «Олти китоб» - «олти китоб жами» Конституция, Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси, Савдо кодекси, Процессуал кодекс ва суд тузилиши тўғрисидаги қонунлардан ташкил топган

сияти, Кореяда бўлгани сингари, шунингдек, ушбу мамлакатлар иккига ажралиб кетган бир шароитда юз берганлиги билан ажралиб турган. ВСРнинг икки қисми бирлашгандан кейин (1975) ягона ҳуқуқий тизим барпо этиш учун шарт-шароит вужудга келган.

Осиё социалистик мамлакатларида қонунчиликни такомиллаштириш муаммоси ўта долзарб масалага айланган. Бир қанча мамлакатларда (КХДР, ВСР, КХР) янги конституциялар қабул қилинган. МХРда амалдаги конституцияга муҳим ўзгартиришлар киритилган. Осиё социалистик давлатлари қонунчилигини такомиллаштириш жараёни асосан кодекслаштириш орқали амалга оширилган.

Шуни таъкидлаш зарурки, қонунчиликни такомиллаштириш шакли сифатида кодекслаштириш Осиё социалистик давлатларида бошланғич босқичда турар эди. Тўғри, ушбу мамлакатларда янги конституциялар қабул қилингандан кейин кодекслаштириш жараёни анча режали йўлдан борган. Ушбу принцип ВСРнинг охириги Конституцияси мисолида кўриш мумкин. У мамлакат қонунчилигини такомиллаштиришга кучли таъсир кўрсатган. 1981-1985-йиллар замонида 43та меъёрий ҳужжат, шу жумладан Жиноят кодекси, меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси, ердан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги фармон, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги кўпгина қонунлар қабул қилинган.

5-§. Кубанинг ҳуқуқий тизими

Куба инқилоби натижасида Америка қитъасида пайдо бўлган ҳуқуқий тизим ўзининг классик моҳиятига кўра социалистик ҳуқуқнинг турларидан бири бўлди. Эски ҳуқуқ – тартиботни бузиш ХХ асрнинг 50-60 йилларидаги партизанлар уруши давридаёқ бошланган эди: маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан бошлаб, социалистик инқилоб галабасидан кейин марказий органларда амалга оширилган. Жазолаш аппарати бекор қилинган. Янги одил судлов инқилоб давомидаёқ шакллана бошланган. Инқилобий трибуналлар, инқилоб ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмиталари, халқ милицияси, ёш қўзғолончилар ташкилотлари барпо этилган.

Ҳарбий трибуналлар билан биргаликда умумий адлия судлари тузилган. Ташкилий жиҳатдан умумий адлия инқилобдан кейин жуда кам ўзгарган. Куба инқилоби хусусиятларидан бири бу, айрим давлат муассасаларини ташкил этишдаги узвийлик бўлган. Куба инқилоби олдинги социалистик инқилоблардан фарқ қилган ҳолда Россиядаги Советлар ёки Чехословакия ва Польшадаги миллий қўмиталар сингари жойлардаги давлат ҳокимиятининг асоси бўлиши мумкин бўлган олдиндан яратилган сиёсий ташкилотларга эга эмас эди.

Куба Республикасида эски ҳуқуқ расман бекор қилинмаган эди. Шу сабабли, инқилобдан кейин амал қилган ҳуқуқ ўзида эски ва янги меъёрий ҳужжатларнинг ўта мураккаб аралашмасини ифодалар эди. Куба мустақиллик қўлга киритилгунгача узоқ вақт давомида (салкам тўрт аср) Испаниянинг мустамлакаси бўлиб келган ва унинг ҳуқуқи устун даражада испан ҳуқуқига асосланган. Куба ҳудудида 1889 йилги Фуқаролик кодекси, 1885 йилги Савдо кодекси ва бошқалар амал қилиб, 1938 йилги Ижтимоий ҳимоя кодексидан, 1882 йилги Жиноят-процессуал кодексдан, 1896 йилги Ҳарбий процессуал кодексдан ва бошқалардан кенг фойдаланилган.

Янги ҳуқуқий нормалар яратилгандан кейин эски ҳуқуқнинг айрим нормалари (барчаси эмас) бекор қилинган. Мисол учун, эслатиб ўтилган Ижтимоий ҳимоя кодексига 1965 йилга келиб 150тадан ортиқ жиддий тузатиш ва ўзгартиришлар киритилган. Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг бундай йўлини новелизация деб аташ мумкин, Кубалик ҳуқуқшуносларнинг фикрича, ушбу сайи-ҳаракатлар пировард натижада янги, социалистик кодекслар яратилишига олиб келиши керак эди.

Узоқ вақт давомида Кубада ҳуқуқни кодекслаштириш амалга оширилган. 1973 йилда Жиноят кодексининг Умумий қисми (1973 йил 25 июндаги қонун), Ижтимоий ҳимоя кодекси (1936 йил 4 апрель, 1974 йил 5 январдаги ва 1978 йилда 27 январдаги ўзгартиришлар билан), 1977 йилги суд тизимини ташкил этиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган. 1974 йилда фуқаролик, маъмурий ва меҳнат жараёни тўғрисидаги қонунлар, 1972 йилда эса жиноят процесси тўғрисидаги қонун қабул қилинган. 1975 йил 14 февралдаги қонун Оила кодекси-

ни кучга киритган ва ниҳоят, 1975 йилда қайта кўриб чиқилган Фуқаролик кодекси қабул қилинган. У эски Кодекснинг аграр ва шаҳар ислохотлари, национализация қилиш тўғрисидаги қонунлар ва янги Оила кодекси билан ўзгартирилмаган қисмларини тўлдирган.

Референдумдан тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш билан маъқулланган биринчи Куба Конституцияси янги қонунчилик яратилиши жараёнининг натижаси бўлган. Асосий қонун конституциявий тартибга солиш чегараларини кенгайтиришнинг умумий принципини акс эттириб, ўз кўрсатмалари билан Куба жамияти ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олган.

Конституция жамиятнинг сиёсий асоси сифатида ишчилар синфининг деҳқонлар ҳамда шаҳар ва қишлоқлар меҳнаткашлари бошқа табақаларининг ишчилар синфи ва унинг илғор отряди бўлган Куба Коммунистик партияси раҳбарлиги остидаги мустаҳкам иттифоқига таянувчи меҳнаткаш халқ ҳокимиятини эълон қилган. Мамлакатнинг Асосий қонунида ишлаб чиқариш воситаларига, ижтимоий мулкчиликка, инсоннинг инсон томонидан эскплуатация қилинишини тугатишга асосланган хўжалик юритишнинг социалистик тизими мустаҳкамланган.

Мамлакат қонунчилигининг бундан кейинги ривожланиши Куба ҳуқуқий тизимининг олий бўғини сифатида Конституциянинг кўрсатмаларига мувофиқ юз берган.

1976-1981 йиллар замонида Миллий Ассамблея 33та қонун қабул қилган, улардан 10таси иқтисодиётга, 10таси маъмурий ҳуқуққа тегишлидир. Бир қанча янги қонунлар ижтимоий таъминотга, маданият масалаларига бағишланган.

Давлат ҳуқуқий қурилиши соҳасида 1982 йилги халқ ҳокимияти Миллий Ассамблеясининг янги Регламенти, музофотлар халқ ҳокимияти Ассамблеялари учун Регламент нормалари ва муниципал халқ ҳокимияти Ассамблеялари учун алоҳида 1982 йилги сайлов қонуни, 1984 йилги давлат нотариати тўғрисидаги қонун каби бир қанча янги қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Марказий давлат маъмуриятини ташкил этиш тўғрисидаги қонун (1976 йил) ўрнига 1983 йилда Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, давлат қўмиталари ва муассасаларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи декрет-қонун чиқарилган.

Кооперативларни демократик бошқариш, уларнинг хўжалик фаолияти масалалари 1982 йилги қишлоқ хўжалиги кооперативлари тўғрисидаги қонун билан тартибга солинган. Шу йили ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари тўғрисидаги қонун тасдиқланган. Ижтимоий қурилиш соҳасида 1983 йилги Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун, 1984 йилда Меҳнат кодекси қабул қилинган, 1982 йилда уй-жойни тақсимлаш тартибини, уй-жой фондиди бошқаришни, унинг сақланиши ва таъминланишини белгиловчи Уй-жой тўғрисидаги умумий қонун кучга кирган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун муҳим қизиқиш уйғотилади.

6-§. Социалистик ҳуқуқнинг истиқболи борми?

СССР ва социалистик тузум парчалангандан кейин ҳуқуқий бўшлиқ ҳосил бўлди. Бунда ҳуқуқ қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланар эди:

1) социалистик ҳуқуқ узоқ вақт ишчилар ва деҳқонларнинг, меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодаловчи синфий ва ҳуқуқий деб ҳисобланди;

2) ҳуқуққа давлат ҳокимияти қуроли сифатида қаралди;

3) ҳуқуқда давлатнинг устунлик қилувчи манфаатлари таъминланар эди ва бундан давлат мулкини устун равишда ҳимоя қилиш келиб чиқар эди;

4) инсон ҳуқуқи устуворлиги эътироф этилмади;

5) қонун ҳуқуқий тизимда биринчи даражали мавқени эгалламади, унда партиявий-маъмурий қарорлар устунлик қилди;

6) юридик ва жисмоний шахларнинг ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш тўлиқ даражада таъминланмади.

Чуқур иқтисодий ва сиёсий ўзгартиришлар йўли, бозор иқтисоди томон ҳаракат қилиш, сиёсий тизимда демократия ва плюрализм томон тугтилган йўл социалистик ҳуқуқнинг роман – олмон ҳуқуқий оиласи билан нафақат ташқи шаклига кўра, балки мазмунига кўра яқинлашиши учун кенг имкониятлар очди. Бу ҳуқуқ соҳасида – мулкчилик шакллари кўп хиллигини эътироф этишда ва хусусий мулкка, эркин тадбиркорликка муҳим аҳамият берилишида, савдо ҳуқуқининг илгари мавжуд бўлмаган бир қанча институтлари, шунингдек, оммавий ҳуқуқ соҳасида янги институтлар пайдо

бўлишида ўз аксини топди, ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий белгилари бўлган ҳокимият ваколатларини бўлиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари институтининг биринчи даражали роли, суд - конституциявий назорати ва бошқалар аста-секин қарор топди.

Социалистик мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари қандай йўллар билан ривожланмоқда? У роман-олмон ҳуқуқий оиласига сингиб кетадими? Социализмдан кейинги умумий ҳуқуқий макон қандай бўлади? Ушбу саволлар ҳолис жавобларни талаб қилади, чунки бундай жавобларсиз ушбу мамлакатларнинг ҳуқуқий ривожланиши стихияли йўлдан боради ва турли хил ташқи таъсирга тез дучор бўлади.

Юридик фанда социализмдан кейинги ҳуқуқни ривожланишининг бир қанча йўналишлари муҳокама қилинмоқда.

Биринчи йўналиш, бу анъанавий ҳуқуқий оилалар, энг аввало континентал ҳуқуққа «қайтиши». Чиндан ҳам, кўплаб ҳуқуқий ғоялар ва принциплар умумий бўлиб қолмоқда ҳамда Россия, Чехия, Польша ва бошқа мамлакатларда қабул қилинмоқда, қонун ҳужжатларидан «нусха» кўчирилмоқда. Бу билан, тарихий ва ҳуқуқий илдизлардан четга чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқий қарашларини мунтазам равишда назар-писанд қилмишликка ҳамма вақт ҳам имкон бўлмапти.

Иккинчи йўналиш ҳуқуқшунос олимлар томонидан таклиф этилди. Улар Россия ҳуқуқий мафқураси ва қонун ижодкорлигининг устунлиги таъсири остидаги умумий славян ҳуқуқининг шаклланишини мумкин деб ҳисоблайдилар. Халқларнинг маданий-тарихий, диний-ахлоқий ва маънавий-психологик умумийлиги ушбу жараён учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқни тушунишнинг, ҳуқуқ манбаларининг умумийлиги, айрим анъанавий жамоа тузилмалари ҳамда ҳуқуқий муомала шакллари, умумий юридик тил анъаналари, қонунчиликнинг тузилиши, меъёрий матнларнинг сақлаб қолиниши бундай истиқбол тўғрисида ўйлашга ундайди. Славян халқлари ва давлатларининг интеграцияси кучайиши мазкур таъмоийл ривожланишига қўмаклашади.

Учинчи йўналиш социализмдан кейинги маконда иккита ёки учта ҳуқуқий оиланинг: Скандинавия ҳуқуқий оиласига ёндашувчи Болтиқбуғи ҳуқуқий оиласи, Осиё-мусулмон ҳуқуқ оиласи билан бирга қўшилган славян ҳуқуқи оиласи,

роман-олмон ҳуқуқий оиласига ёндашувчи Марказий Европа ҳуқуқий оиласи аста-секин шаклланиши. Ўзаро таъсир кучли бўлган бир шароитда ҳар хил ҳуқуқий оилаларни қаттиқ тизимлаштириш қийин бўлади, бироқ уларнинг дунё қараш билан боғлиқ манбалари ва ҳуқуқий ворислик намоён бўлиши оз ёки кўп даражада ифодаланиш мумкин бўлади.

Янги тенденциялар туфайли социалистик ҳуқуқнинг роман-олмон ҳуқуқий оиласига анъанавий яқинлиги қараб чиқиладиган икки моделнинг яқинлашишига кўмаклашувчи муҳим омилга айланди. Уни халқаро-ҳуқуқий шаклларда бирхиллаштириш - бу, гарчи миллий ҳуқуқий тизимлар яқинлашишининг энг машҳур методи бўлса ҳам ягона метод эмас. Умумий ҳуқуқий макон шаклланиши учун улар умумий белгиларининг кенгайиши, ҳуқуқий нормалар ўхшашлиги ва тегишли суд амалиёти кучайиши ушбу тизимлар яқинлашишида кам аҳамиятга эга бўлмайди.

Роман-олмон ва социалистик ҳуқуқий оилаларнинг яқинлашиш жараёнида, биринчидан вужудга келган мафкуравий қолипларни биргаликда енгиб ўтишга кўмаклашишга, иккинчидан, кўриб чиқиладиган ҳуқуқий тизимлар ривожланишининг эҳтимол тутилган йўналишларини назарий таҳлил қилиш ва асослашга даъват этилган юридик фан муҳим рол ўйнайди. Бунда айниқса қиёсий ҳуқуқшунослик жуда катта ўрин тутади.

12—мавзу бўйича назорат саволлари

1. Социалистик ҳуқуқнинг вужудга келиш сабаблари?
2. Совет ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Социалистик ҳуқуқий тизимининг қандай манбаларини биласиз?
4. Оврупода вужудга келган социалистик мамалакатлар ҳуқуқий тизимларининг қандай ўзига хос томонлари мавжуд?
5. Социалистик ҳуқуқнинг истиқболи борми?

«Инсониятнинг деярли тўртдан уч қисми бизнинг кунларимизда ҳуқуқий тизимлари умумий ҳуқуқнинг таъсирига у ёки бу даражада учраган мамлакатларда яшамоқда».

«Ҳозир маълум бўлишича, «умумий ҳуқуқ» атамаси бир хил тушунилмайди. Кўпинча ушбу атама остида умуман олганда инглиз-америка ҳуқуқий оиласи тушунилади. Бундан ташқари, кўпинча ушбу атамани Рим ҳуқуқи ва яқин ҳуқуқий тизимларнинг кучли таъсирида бўлган Европа қитъаси мамлакатларининг ҳуқуқий изи-мига қарама-қарши қўйишади».

К.Цвайгерт, А.Кётц, Немис
компаративистлари.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ ҲУҚУҚ ҲУҚУҚИЙ ОИЛАСИ

«Инглиз судьяси ўтмишнинг қули ва келажакнинг эзувчисидир, у ўз ўтмишдошларининг қарори билан боғлиқ ва унга меросхўр бўлган судьялар авлодларини боғлайди».

«Инглиз ҳуқуқи ҳақиқатдан ҳам умумий ҳуқуқ оиласида устунлик мавқеига эга. Нафақат тарихан умумий ҳуқуқ шаклланган Буюк Британияда эмас, балки бир қанча масалаларда ундан четга чиқиши мумкин бўлган, бироқ умуман олганда эътиборга олинмаган ҳурмат қилинадиган кўплаб бошқа мамлакатларда инглиз ҳуқуқи модели бўлишда давом этмоқда».

Рене Давид, Француз компаративисти

13-мавзу. Англиянинг ҳуқуқий тизими

- 1-§. Инглиз умумий ҳуқуқининг шаклланиши.**
- 2-§. Англия прецедент ҳуқуқи.**
- 3-§. Англия умумий ҳуқуқининг тузилмаси, манбалари ва асосий гуруҳлари.**
- 4-§. Англия умумий ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.**
- 5-§. Шотландиянинг ҳуқуқий тизими.**

1-§. Инглиз умумий ҳуқуқининг шаклланиши

Умумий ҳуқуқ (Common Law) – бу ўзида унинг тарихини ташувчи тизимдир, бу тарих эса XVIII асргача инглиз тарихи эди. У ривожланишда уч йўлни босиб ўтди, яъни умумий ҳуқуқнинг шаклланиши, уни адолат ҳуқуқи билан тўлдириш (Eduity Law) ва статутларни талқин қилиш (Statute Law).

Инглиз ҳуқуқи ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Англияни норманнлар босиб олгандан кейин (1066 йил) одил судловни амлга оширишда асосий рол Лондонда жойлашган қироллик судига юклатилган. Хусусий шахслар, қоидага қўра бевосита қироллик судига мурожаат қила олмаганлар. Улар қиролдан, амалда эса канцлердан (ҳукумат бошлиғи) низонинг қироллик судида кўриб чиқиш учун кўчирилиши имконини берувчи буйруқ берилишини илтимос қилишлари керак бўлган. Дастлаб бундай буйруқлар истисно ҳолларда чиқарилган. Бироқ аста-секин бундай буйруқлар чиқариладиган низолар рўйхати кенгайиб борган. Қироллик судлари фаолияти давомида ушбу судлар кейинчалик амал қиладиган ечимлар шакллана борган. Прецедент ҳуқуқи вужудга келиб, бир марта шакллантирилган суд қарори кейинчалик қолган барча судьялар учун мажбурий тусга айланган. Англия умумий ҳуқуқи прецедент ҳуқуқининг ёки судьялар томонидан яратиладиган ҳуқуқнинг классик тизимига айланган.

Асосий қийинчилик қироллик судига мурожаат қилиш имкониятига бориб тақалар экан, «ҳуқуқдан олдин суд ҳимояси» формуласи пайдо бўлган, у ҳанузгача инглиз ҳуқуқининг характерли хусусиятларини белгилаб келади.

XIII аср охирига келиб статут ҳуқуқининг роли ошган. Шу муносабат билан судьяларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги бирмунча пасайган. Бунга ҳуқуқдаги ўзгартиришлар қирол ва парламентнинг розилигисиз юз бермаслиги керак, деган принцип сабаб бўлган. Айни вақтда судьяларнинг статутларни талқин қилиш ҳуқуқи белгиланган.

XIV-XV асрларда Англия ўрта асрлар жамятида юз берган катта ижтимоий ўзгаришлар муносабати билан (товарпул муносабатларининг ривожланиши, шаҳарларнинг ўсиши, натурал хўжаликнинг тушкунликка учраши) шаклланган прецедентларнинг ёпиқ тизими доирасидан чиқиш зарурияти

пайдо бўлган. Бу ролни қироллик канцлери ўз зиммасига олган. У қиролга мурожаат қилинган низоларни муайян тартибда ҳал эта бошлаган. Шундай қилиб, умумий ҳуқуқ билан биргаликда «адолат ҳуқуқи» шаклланган. У умумий ҳуқуқ сингари прецедент ҳуқуқ ҳисобланади, бироқ прецедентлар ушбу ўринда бошқача йўл билан яратилган бўлиб, умумий ҳуқуқдагидан фарқли равишда ўзгача муносабатларни қамраб олади.

1873 йилгача Англияда мана шу негизда суд ишларини юритиш дуализми мавжуд бўлган: умумий ҳуқуқ меъёрларини қўлловчи судлардан ташқари лорд-канцлер суди мавжуд бўлган. Кейинчалик ушбу тизимлар қўшилиб кетган.

Континентал Европа ҳуқуқшунослари ҳуқуқни олдиндан белгиланган қоидалари сифатида қараган бир пайтда ҳар бир инглиз учун ҳуқуқ - бу суд муҳокамаси бир қарорга келадиган нарсадир. Европада ҳуқуқшунослар энг аввало мазкур вазият қандай қонун билан қандай тартибга солингани билан қизиқадилар.

Англияда эса эътибор тўғри суд қарорига келиш учун вазият қай тартибда кўриб чиқилишига қаратилади. Франция, Олмония, Италия ва роман-олмон ҳуқуқий оиласининг бошқа мамлакатларида одил судлов ҳамма вақт университетнинг ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган судьялар томонидан амалга оширилган. Англияда ҳатто Олий суд судьялари (XIX асргача) ҳам университет юридик таълимига эга бўлишлари шарт эмас эди: улар узок вақт адвокат бўлиб ишлаб, касбни эгаллаб олар эдилар.

Ҳозирги кунлардагина университет дипломига эга бўлиш адвокат ёки судья бўлиш учун муҳим шартга айланди; юрист-ҳуқуқшунос касби билан шуғулланиш имконини берувчи касбий имтиҳонлар юридик дипломнинг эквиваленти сифатида қаралаши мумкин; бироқ ҳозиргача ҳам инглизлар учун судда ишнинг виждонли одамлар томонидан муҳокама қилиниши асосий ўринда туради; умумий ахлоқнинг бир қисмини ташкил этувчи суд ишларини юритишнинг асосий принципларига риоя қилиш, уларнинг фикрича, «яхши суд қилиш» учун етарлидир.

2-§. Англия прецедент ҳуқуқи

Прецедент ҳуқуқининг айрим белгиларини кўриб чиқамиз, чунки у Англия умумий ҳуқуқий оиласида марказий ўринда туради. Энг аввало суд ишни кўриб чиқар экан, бундай иш аввал кўриб чиқилган-чиқилмаганлигини аниқлаши, бунга ижобий жавоб олинган тақдирда илгари қабул қилинган қарорга амал қилиниши қоидаси мавжуддир. Бошқача сўзлар билан айтганда, бир марта чиқарилган қарор кейинчалик кўриладиган барча шундай ишлар учун мажбурий норма ҳисобланади. Ушбу умумий қоида аниқлаштирилиши зарур албатта, чунки прецедентлар мажбурийлиги даражаси мазкур ишни кўриб чиқувчи суднинг суд иерархиясидаги ўрнига ҳамда ҳал қилувчи қарори прецедент шаклида бўлиши мумкин бўлган судга боғлиқ бўлади.

Суд прецеденти инглиз ҳуқуқининг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Англияда қарийб 800 минг суд прецеденти мавжуд ва улар сони ҳар йили 20 мингтага ошади. Бу мамлакатнинг ички ва Европа ҳуқуқи бўйича 300 та тўпламни ташкил этади. Суд тизимининг бугунги ташкил этилиши қуйидагича кўринишга эга. Олий босқич бўлган лордлар палатасининг қарори барча судлар учун мажбурийдир.

Икки бўлимдан иборат бўлган (фуқаролик ва жиноят) апелляция суди Лордлар палатаси ва ўз прецедентларига риоя қилиши шарт, унинг қарорлари эса барча қуйи судлар учун мажбурийдир. Юқори суд (унинг барча бўлимлари) ҳар иккала юқори турувчи босқичлар прецедентлари билан боғлангандир, унинг қарорлари барча қуйи босқичлар учун мажбурийдир, шунингдек, қатъий мажбурий бўлмаган ҳолда ишлар унинг бўлимларида кўриб чиқилишига таъсир кўрса тади. Округ ва магистрат судлари барча юқори турувчи босқичлар прецедентларига риоя қилишга мажбурдирлар, уларнинг ўз қарорлари эса прецедент яратмайди. 1971 йилда ўта оғир жиноятларни кўриб чиқиш учун ташкил этилган Тахт судлари қарорлари ҳам прецедент ҳисобланмайди.

Прецедент қоидасига Англияда анъанавий равишда қаттиқ қоидалар сифатида қараб келинди. АҚШдан фарқ қилган ҳолда Англиянинг суд инстанцияси ўзи томонидан илгари яратилган прецедентдан воз кеча олмади, ушбу прецедент юқори турувчи босқич ёки парламент хужжати билан ўзгартирилиши мумкин эди. Ҳатто Олий суд босқичи Лордлар па-

латаси XX асрнинг 60-йиллари ўртасигача ўзининг олдинги қарорлари билан боғлиқ бўлиб қолган, деб ҳисобланар эди, бу охир-оқибатда боши берк вазиятни келтириб чиқарди. 1966 йилда Лордлар палатаси ушбу принципдан воз кечди.

Прецедент қоидаси судьяни бўғиб қўяди деган тасаввур ҳам алдамчидир. Мадомики, ҳар хил ишлар ҳолатларининг тўлиқ мос келиши унчалик кўп учраб турмас экан, ҳолат ўхшаш ёки йўқлигини эътироф этиш судьянининг хоҳишига боғлиқдир, у ёки бу прецедент нормасининг қўлланилиши ҳам унга тегишли. Судья бир қарашда мос келмайдиганидек бўлиб туюлган ҳолатдан ҳам ўхшашлик топиши мумкин. Ниҳоят, у вазиятнинг ҳеч бир ўхшашлигини топмаслиги ҳам мумкин. Ушбу ҳолда агар, масала статут ҳуқуқ нормалари билан тартибга солилмаган бўлса, судья ҳуқуқий нормани ўзи яратди, бу билан бамисоли қонун чиқарувчига айланди.

Прецедент ҳуқуқи доирасида суд имкониятлари айтиб ўтилганлиги билан чекланиб қолмайди. Суд қарорининг анъанавий тузилмаси ҳам бунга кўмаклашади. У, қоидага кўра, кенг бўлиб, исботлар таҳлилини, низоли фактлар бўйича судьяларнинг фикрини, суд қарор ёки ажрим чиқаришида амал қилган сабабларни ва ниҳоят, ҳуқуқий хулосаларни ўз ичига олади. Остин замонидан бошлаб «Ratio decidendi» (айнан - қарорнинг асоси) - қарор асос қилиб олинган ҳуқуқий қоидага тегишли суд қарори қисмигина прецедент ҳисобланади. Фақат «Ratio decidendi» мажбурий тусга эгадир; суд қарорининг қолган қисми *Obiter dictum* (йўл-йўлакай айтилган) деб аталади ва мажбурий деб қаралиши мумкин эмас. Бироқ фарқлар ва методлар тўғрисидаги масала мунозаралидир ҳамда қарор кўп жиҳатдан судьянинг хоҳишига боғлиқ бўлади.

3-§. Англия умумий ҳуқуқининг тузилиши, манбалари ва асосий гуруҳлари

Амалга киритилган қонун ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланган роман-олмон ҳуқуқий оиласидан фарқ қилган ҳолда инглиз-саксон ҳуқуқий оиласи мамлакатларида судьялар томонидан қабул қилинган ва суд прецедентларида ифодаланган норма ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Умумий ҳуқуқ оиласи, Рим ҳуқуқи сингари «*ibi jus ibi remedium*» принципи бўйича ривожланган (қаерда ҳимоя

бўлса ўша ерда ҳуқуқ бор), шу сабабли, кодекслаштиришга қаратилган барча уринишларга (И.Бентам ва бошқалар) қарамай, «адолат ҳуқуқи» қоидалари билан тўлдирилган ва такомиллаштирилган Англия умумий ҳуқуқи ўз асосига кўра судьялар томонидан яратилган прецедент ҳуқуқи ҳисобланади. Бу ўз навбатида статут (қонунчилик) ҳуқуқи ролининг ўсишини истисно этмайди.

Шундай қилиб Англия ҳуқуқи гўёки уч хил тузилишга эга бўлди: умумий ҳуқуқ, ушбу асосий манбани тўдирувчи ва унга тузатиш киритувчи адолат ҳуқуқи, ҳамда келиб чиқишига парламент сабаб бўлган ёзиб қўйилган ҳуқуқ статут ҳуқуқидир. Албатта, бу анча соддалаштирилган тасвирдир.

Англия ҳуқуқи аниқ ҳолатларни кўриб чиқиш жараёнида судьялар томонидан ишлаб чиқиладиган суд ҳуқуқи сифатида қолмоқда. Судьялар қонун чиқарувчидан фарқ қилган ҳолда келажакда юз бериши мумкин бўлган ҳолатни олдиндан кўрган ҳолда умумий тусдаги қарорлар яратмайдилар. У одил судлов айнан шу пайтда нимани талаб қилиши билан шуғулланади: унинг асосий иши суд низосини ҳал эттиш. Прецедент қоидаларини ҳисобга олган ҳолда бундай ёндашув умумий ҳуқуқ нормаларини анча мослашувчан ва камроқ мавҳум мавқеига айлантиради, бироқ айни вақтда камроқ аниқлик вужудга келади. Англияда умумий ҳуқуқ ва прецедент қоидаси туфайли ҳуқуқ ва қонун тафовути қитъадаги (Европада) ҳуқуқ ва қонун фарқига қараганда бирмунча бошқача ва айни вақтда анча ёрқинроқ ифодаланган тусга эгадир.

Инглиз-саксон ҳуқуқий оиласида ҳуқуқ тузилмаси (ҳуқуқ тармоқлари ва институтларига бўлиш), ҳуқуқ концепциясининг ўзи, ҳуқуқ манбалари тизими, ҳуқуқий тил романолмон ҳуқуқий оиласига қараганда мутлоқо бошқачадир. Инглиз ҳуқуқида ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиш мавжуд эмас.

Инглиз ҳуқуқи тармоқлари роман-олмон ҳуқуқий оиласи каби аниқ ифодаланган эмас ҳамда уларни таснифлаш муаммоалрига анча кам вақт ажратилади. Ҳуқуқни тармоқларга кескин кўриниб турадиган бўлишининг йўқлиги асосан иккита омил билан изоҳланади. Биринчидан, барча судлар умумий юрисдикцияга эгадир, яъни турли тоифадаги ишларни текширишлари мумкин: булар оммавий ва хусусий ҳуқуқий, фуқаролик, савдо, жинойт ишларидир. Бўлинган юрис-

дикция ҳуқуқ тармоқлари чегараланишига олиб келади, бир-хиллаштирилган юрисдикция эса, афтидан, тескари йўналишда амал қилади. Иккинчидан, мадомики, Англияда Европа типигаги тармоқ кодекслари йўқ экан, инглиз ҳуқуқшуносига ҳуқуқ бир хил бўлиб туюлади. Инглиз доктринаси ҳуқуқнинг соҳаларга бўлинишлари тўғрисидаги мунозарани тан олмайди.

Қонун чиқарувчи орган бўлган парламентнинг кўп асрлик фаолияти давомида у томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг умумий сони қарийб элликта катта жилдни (уч мингдан ортиқ ҳужжатни) ташкил этади. Қонун муайян тuzилмани, нормаларни баён қилиш хусусиятини тақозо этган суд амалиёти талаблари таъсири остида шаклланди. Қонунчилик техникасининг казуистик методи мана шундан келиб чиқади. Қонунлар сонининг ошиши вазиятни кескинлаштирди. У бирикиш, яъни бир масала бўйича қонунчилик қоидаларининг ягона ҳужжатга бирлаштирилиши йўли билан ҳал этилади.

Буюк Британияда роман-олмон ҳуқуқий тизимидан фарқли равишда ижро этувчи органлар азалдан «қонунни бажариш юзасидан» ҳужжатлар қабул қилиш ваколатидан махрум этилган эди. Ижро этувчи органга бундай ҳужжатни чиқариш учун Statutory power нинг тегишли ваколатлари берилган бўлиши керак эди. Бундай ваколат эса парламент томонидан бериларди. Шу сабабли, ижро этувчи органларнинг норма ижодкорлиги ваколат берилган (ҳавола этилган) ижодкорлик деб аталади. Қонун ва суд амалиёти нисбати муаммоси ҳеч бир мамлакатда Англиядаги каби ўзига хос хусусият касб этмаган эди.

Биринчи қарашда ушбу муаммо жуда оддий ҳал этилади: қонун прецедентни бекор қиладиган қоидага амал қилади, қонун ва прецедент ўртасида коллизия (қарама-қаршилик) келиб чиққан тақдирда устуңлик қонунга берилади. Бироқ воқелик анча мураккаб, чунки қонунни суд ишларида талқин қилишнинг, унга мувофиқ ҳуқуқни қўлловчи орган нафақат қонун матнининг ўзи билан, балки бундан олдинги суд қарорларида унга берилган талқин қилиш билан боғлиқ бўлган ва талқин қилиш қоидалари деб аталадиган қоиданинг роли каттадир. Парламент ҳужжатларининг ўзи суд прецедентларига айланадиган суднинг талқин қилишини талаб қилиши маъ-

носида қонунчилик ҳуқуқ манбаи сифатида анча ноқулай ҳолатдир. Шу сабабли, парламент қонунчилигига прецедентдан юқори турувчи ҳуқуқ манбаи сифатида қараш ушбу муаммони соддалаштириш бўлур эди.

Шундай қилиб, Англия судига статут ҳуқуқига нисбатан ўз билганича муносабатда бўлиш масаласида кенг имкониятлар берилган. Агар статут ҳуқуқининг қонунчилик қисмидан унинг қонунга тенглаштирилган қисмига мурожаат қиладиган бўлсак, бундай имкониятлар янада ошади. Ваколат берилган қонунчиликка келганда эса, у суд ҳужжати «*ultra vires*» деб эътироф этиб, расман бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бошқа ижроия ҳужжатларга нисбатан суд турли асосларга кўра, «*ultra vires*» доктринасига мурожаат қилмасдан ҳам уларни бекор қилиши мумкин.

Инглиз-америка ҳуқуқий оиласида инглиз гуруҳини ва келиб чиқиши билан у билан боғлиқ бўлган АҚШ ҳуқуқини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Инглиз ҳуқуқига Англия билан биргаликда Шимолий Ирландия, Канада (Квебекдан ташқари), Австралия, Янги Зеландия, шунингдек, Британия империясининг собиқ мустамлакалари ҳуқуқи (ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ давлат Миллатлар (Британия) Ҳамдўстлиги аъзолари ҳисобланади) киради.

Маълумки, Англия йирик мустамлакачилик империяси бўлган ва инглиз умумий ҳуқуқи жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига ёйилган. Натижада бугунги кунда жаҳон аҳолисининг деярли учдан бир қисми кўп даражада инглиз ҳуқуқи нормалари қоидалари бўйича яшамокда.

Иккинчи гуруҳни ўз манбаини инглиз умумий ҳуқуқидан олган, ҳозирги вақтда тамомила мустақил ҳисобланган АҚШ ҳуқуқи ташкил этади.

4-§. Англия умумий ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари

Умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласининг ўзига хос хусусиятлари роман-олмон оиласи барча тизимлари ҳуқуқига қараганда бошқачадир. Улар ўртасидаги фарқлар масаласи етарли равишда ишлаб чиқилганлиги туфайли, ўқувчиларни мазкур муаммо бўйича адабиётлар билан танишиб чиқишга ҳаво-

ла қиламиз. Биз эса умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласи хусусиятларини қисқача тавсифлашга уринамиз.

Умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласининг энг характерли хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир.

Биринчидан, Англия умумий ҳуқуқи роман-олмон ҳуқуқидан фарқ қилган ҳолда университетларда, ҳуқуқшунос олимлар томонидан доктринал тарзда эмас, балки ҳуқуқшунос амалиётчилар томонидан ривожлантирилган. Ҳуқуқий кўламнинг бирмунча стихиялиги, тузилишида рационал асослар ва қатъий мантиқнинг йўқлиги мана шу кўринишлар билан боғлиқдир. Умумий ҳуқуқ оиласи мамлакатлари фуқаролик ҳуқуқига бош асос бўлган Рим ҳуқуқини умуман қабул қилишмаган. Шундай экан, умумий ҳуқуқ оиласи мамлакатларида ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуқларга бўлиш мавжуд эмас. Бироқ, тарихан шаклланган умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқи мавжудки, бу ҳолат судларда ишларни кўриб чиқишда ўз аксини топган.

Англия ҳуқуқи учун гарчи классик ҳуқуқ соҳалари барқарор ривожланган бўлса ҳам, қатъий соҳавий таснифлаш хос эмас. Анча салмоқли ҳуқуқий институтлар, аксинча, инглиз-америка умумий ҳуқуқи учун юридик жараённинг ривожланганлиги билан характерлидир, ҳуқуқнинг моддий соҳалари унинг асосида ривожланади. Бу умумий ҳуқуқнинг роман-олмон ҳуқуқий оиласидан фарқланишининг бир туридир. Низоларни кўриб чиқиш тартиби судьялар учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мамлакатларда қасамёд этувчи суднинг мавжудлиги ҳам процессуал ҳуқуқнинг тезлиҳ билан ривожланишига кўмаклашган, чунки судья фақат ҳуқуқ масалаларини ҳал этган, факт масалалари эса қасамёд қилувчи судлар томонидан ҳал этилган.

Иккинчидан, умумий ҳуқуқ нормалари қироллик судлари томонидан аниқ ишларни кўриб чиқишда туғилар эди, шу сабабли, улар камроқ абстракт бўлиб келажак учун умумий қоидалар белгилашга эмас, балки аниқ низоларни ҳал этишга қаратилган эди. Шундай қилиб, умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласи учун кодекслаштириш хос эмас. Ҳатто мазкур оиланинг айрим мамлакатларида кодекслар мавжуд бўлса ҳам, улар роман-олмон ҳуқуқий оиласига кирувчи роман-олмон ҳуқуқи мамлакатлари кодексларидан жиддий равишда фарқ қилади.

Учинчидан, англиз-америка ҳуқуқий оиласи мамлакатларида суд прецеденти гуллаб яшнаган. Ҳуқуқ нормалари судьялар томонидан аниқ ишлар бўйича қарорлар чиқаришда яратилган. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатлари судьяларидан фарқ қилган ҳолда умумий ҳуқуқ мамлакатлари судьялари аниқ бир ишни амалдаги нормалар қоидаларига эмас, балки мавжуд ўхшаш суд прецедентларига «ўлчаб кўради».

Инглиз давлат арбоби Б.Дизраэлининг (собик бош вазир) «Прецедент принципни абадийлаштиради» деган афоризми машҳурдир. Илгари қабул қилинган суд қарорларини ўрғаниш ва таҳлил қилиш кейинги қарорларни асослашда улардан фойдаланиш имконини беради.

Тўртинчидан, суд прецеденти билан шаклланган суд амалиёти ўртасида тенглик белгиси қўйиш мумкин эмас. Прецедент суд амалиётидан, яъни аниқ ишларни кўриб чиқишнинг йигма натижаларидан фарқ қилган ҳолда фақат олий суд босқичигина қабул қилишга ҳақли бўлган алоҳида чиқарилган суд қарори билан яратилади. Масалан, Англияда Лордлар Палатаси қарори барча судлар учун, Апелляция суди қарори мазкур ва қўйи турувчи судлар учун мажбурийдир. Прецедентлардаги мавжуд нормалар икки томонлама: меъёрий ҳужжатларда бўлмаган қоидаларни шакллантириш ҳамда амалдаги ҳуқуқ моддаларини талқин қилиш ва тушунтириш ролини бажариши мумкин. Суд ҳуқуқ нормаларини талқин қилиб, уларни ўзгартириши мумкин.

Бешинчидан, суд прецеденти суд амалиётининг самарадорлигини, олдиндан билиш мумкинлигини ва бирхиллигини таъминловчи феномендир. Самарадорлик илгари кўриб чиқилган шунга ўхшаш ишлар асосида қарор чиқариш тезлигида ифодаланади. Олдиндан билиш хусусияти эса икки томонлама намоён бўлади: мавжуд прецедентларни билиш ёки судда кўриб чиқиладиган ишлар сонини қисқартириш (чунки ишнинг натижаси аниқ) ёки олдинги прецедентларга мувофиқ ишнинг ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш. Бирхиллик прецедент асосида айни бир хил ишларга бир хилда ёндашишни англатади.

Ф.М.Решетников адолатли равишда қайд этганидек, прецедентга берилган бундай баҳо билан баҳслашиш ҳам мумкин, чунки ҳуқуқнинг прецедент нормаси аниқ суд ишининг

барча жараёнларини назарда тута олмайди, бинобарин ҳар бир иш ўзига хос бўлиб умумий ҳуқуқ ёки моделдан ҳамда қонунчилик ва прецедент қоидаларидан фарқ қилади. Бироқ ҳуқуқ ёки қонундаги нуқсонларни тартибга солишга қодир бўлган прецедентнинг аҳамиятини ҳам рад этмаслик керак.

Олтинчидан, қонунчилик умумий ҳуқуқнинг инглиз-америка ҳуқуқий оиласи мамлакатлари ҳуқуқий тизимида аста-секин илгаридагига қараганда муҳим ўринни эгаллай бошлади. Қонуннинг роли ўсди, халқаро Европа ҳуқуқининг таъсири сезиларли бўла бошлади. Инглиз ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашга ёндашувлари ва ҳуқуқий концепциялари ўзгарди. Қонунчилик тез ривожланганлигига қарамай кейинги ярим асрда қонун нормаси умумий ҳуқуқ судда қўлланилгандан кейин реал мазмунга эга бўлиши принципи сақланиб қолмоқда. Шу сабабли, прецедент Англия ҳуқуқида бош ролни ўйнашни давом этмоқда. Суд прецеденти мавжудлиги қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятларни суд ҳокимияти билан бирга амалда бир қаторга қўймоқда. Уларнинг ҳар бири ҳуқуқ манбалари бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эгадир.

Еттинчидан, судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнини замонавий равишда ҳуқуқий тартибга солиш, гарчи қонун даражасида мустақкамланган бўлса ҳам, судьялар томонидан ишлаб чиқилди. Масалан, Англияда одил судловни амалга ошириш тўғрисидаги қонунлар бунинг учун махсус ташкил этилган қўмиталар томонидан ишлаб чиқилади. Қўмиталарга бошқа субъектлар билан биргаликда судьялар ҳам киради. Ушбу қоидалар лорд-канцлер томонидан тасдиқланади ва лойиҳалар Парламентнинг эътирозига учрамаса, албатта кучга киради. АҚШнинг Олий суди федерал судларга ҳудудий ва апелляция судлари учун мажбурий бўлган суд ишларини юритиш қоидалари тўғрисида кўрсатма беришга ваколатлидир. Ушбу ҳужжатлар Конгресс эътироз билдирмаса АҚШ Олий суди маъқуллангандан кейин кучга киради.

Саккизинчидан, суд амалиёти ва қонунчиликнинг замонавий нисбати юридик фан ролини ҳам ўзгартиради. Илмий тадқиқотлар мавжуд прецедентларни батафсил таҳлил қилиш асосига қурилади. Бу амалда уларни судьялар суд амалиётида бажариши лозим шарҳларга айлантиради. Кўплаб

илмий ишлар аллақачон ёзилган бўлишига қарамай судларда улардан тез-тез иқтибослар келтирилади. Суд прецедентларининг алоҳида ўрни ҳуқуқий тусдаги ўқув адабиётлари мазмунига ҳам таъсир кўрсатди, суд ишлари умумлаштириладиган ҳамда уларнинг танқидий таҳлили бериладиган китоблар нашр этилишига олиб келди (case books).

Тўққизинчидан, умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласи мамлакатлари учун кодекслаштириш хос эмас. Ҳатто кодекслар бўлган тақдирда ҳам, улар роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатлари кодексларидан бошқача хусусиятга эгалар. Масалан, АҚШнинг кўпчилик штатларида фуқаролик ва фуқаролик-процессуал кодекслари мавжуд, бироқ улар ўзида ҳуқуқнинг жамланиши натижасини ифодалайди. Бу уларни Европа кодексларидан ажратиб туради.

Ўнинчидан, умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласида қасамёд қилувчи суд институти мавжуддир. Гарчи қасамёд қилувчи судлар кейинчалик роман-олмон ҳуқуқи томонидан қабул қилинган бўлса ҳам, мазкур институт, масалан, Англия ва АҚШ ҳуқуқида ўчмас из қолдирди. Масалан, ишларни кўриб чиқишни адвокатлар ва судда қатнашувчи томонлар вакилларининг ўзларини артистдек тутишлари билан фарқ қилувчи жараён моҳиятининг ўзи иш бўйича версиялар (тахмин)нинг ҳақлигига қасамёд қилувчи судларнинг ишонтириш заруриятидан келиб чиқади. Англия ва АҚШда процессуал ҳуқуқнинг ривожланиши унинг Европада ривожланишидан олдин юз бериши керак эди, чунки қасамёд қилувчи судлар катта тажрибага эга бўлмаганлиги боисидан ҳуқуқий низони ҳал этишда уларга муҳим ваколатлар берилган. Мана шу сабабга кўра ўзига хос ҳуқуқий институтлар, масалан, ўзгалар сўзларидан кўрсатма (hearsay) ва бундай кўрсатмаларга судда йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги қоидалардан истиснолар пайдо бўлади. Ўн биринчидан, Англияда кўп асрлик барқарорлиги ва ялпи умумий эътироф этилиши билан ажралиб турувчи эски урф-одатларнинг аҳамияти ҳам сақланиб қолмоқда. Масалан, ҳуқуқий ҳужжатларда ёзиб қўйилган қоида мавжуд бўлмаган тақдирда монархия давлати конституциявий ҳужжатларида урф-одатлар амал қилади, вазирларга қиролича (қирол)нинг хизматкорлари сифатида қаралади, нафақалар, пенсиялар ва бошқалар қирол ёки қиролича номидан берилади. Шундай қилиб, Англия умумий ҳуқуқида унинг замонавий дунё ҳуқуқий харитасидаги ўрнини белгилаб берувчи кўплаб ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

5-§. Шотландиянинг ҳуқуқий тизими

«Шотландия алоҳида ўринда туради. Унинг ҳуқуқий тизими аралаш тизимга киради. Шотландия таъсири доимо сезилиб турган, бироқ ҳамма вақт ҳам жиддий натижаларга эга бўлавермаган Англияга жўгрофий жиҳатдан яқинда жойлашган».

Ю.Богдановская, Россиялик ҳуқуқшунос

Шотландия ҳуқуқий тизими Англия ҳуқуқий тизими сингари узоқ вақт давом этган тарихий эволюция жараёнида шаклланган. Бироқ Шотландия ва Англиянинг давлат сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган тарихий омиллардаги тафовут уларнинг ҳуқуқий тизимлари бир-биридан фарқ қилишига олиб келган.

Шотландия Англиянинг таъсирига учрамаслиги мумкин эмас эди. Шотландия қироллари ўз ҳокимиятлари марказлашувига кўмаклашган муассасаларни анча эрта қабул қилганлар. Масалан, Шотландияда Англиядагига ўхшаш кўчма судьялар (шерифлар ва юстициарлар), қасамёд қилувчи судлар, сўнгра эса ягона марказий қироллик судлари пайдо бўлган. Англия билан «мустақиллик учун уруш» (1298-1326 йиллар)дан кейин бошланган француз ҳуқуқий йўналиши Шотландия ҳуқуқшунослари роман-каноник ҳуқуқига мурожаат қилишларида ифодаланган.

Рим ҳуқуқидан сертификатлар, деликтлар, кўчмас мулк тўғрисидаги нормалар ўзлаштирилган. Каноник судларда қўлланиладиган каноник ҳуқуқ никоҳ-оила, мерос, шартнома муносабатларини тартибга солган. Шотланд ҳуқуқининг ривожланиши Англия умумий ҳуқуқи билан параллел (мувозий) эмас, балки аста-секин ундан ажралган ҳолда юз берган.

XV асргача Шотландияда ўзининг университетлари бўлмаган, шу сабабли бўлғуси ҳуқуқшунослар Франция, Олмония, Нидерландия университетларига борганлар. Улар бу ерда асосан ўша замонларда Шотландиянинг умумий ҳуқуқи ролини ўйнаган Рим ҳуқуқини ўрганганлар. Фуқаролик ҳуқуқининг институтлардаги, ҳуқуқий атамалардаги, ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуқларига таъсири ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. XIII-XI асрларда шотланд ҳуқуқшунослари

континентал ҳуқуқий тажрибани, энг аввало француз ва голланд тажрибасини ўзлаштиришда давом этганлар.

1707 йилда Англия билан бирлашиш умумий ҳуқуқ анъаналари мустаҳкамланишига кўмаклашган, бу эса ўз навбатида Англия умумий ҳуқуқи таъсири кучайишига олиб келган. Шотланд судлари Англия прецедент тизимини тўлиқ қабул қилганлар. Шотландия ҳуқуқи ҳеч қачон кодекслаштирилмаган, балки аввал бошданоқ шерифлар ва юстициарларнинг суд қарорлари асосида шаклланган. Ҳуқуқ нормаларини талқин қилишнинг шотландча методи инглиз-саксон ҳуқуқига эмас, балки роман-олмон ҳуқуқий оиласига яқиндир.

Шотландияда, роман-олмон ҳуқуқий оиласида бўлгани сингари аниқ ҳуқуқий масалалар умумий принципдан чиқариб олинади. Айни вақтда инглиз-саксон ҳуқуқий оиласи мамлакатларида эса, аксинча, судьялар умумий принципни аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб шакллантирадилар.

Англия ва Шотландия ҳуқуқи тарихий ривожланишининг уч асосий омилини қайд этиш мумкин: *биринчидан*, Англиядан фарқ қилган ҳолда Шотландияда умумий ҳуқуққа мувозий кўринишдаги адолат ҳуқуқи нормалари тизими фуқаролик ҳуқуқи дуализми бўлмаган; *иккинчидан*, Шотландияда Англияда бўлганидек даъво буйруқлари ривожланмаган; *учинчидан*, Шотландия оммавий айблаш ғояси давлат таъқибининг пухта ташкил этилган хизматининг аниқ шаклига қўшилиб кетган.

Бироқ, Англия ҳуқуқи институтлари ва нормалари билан мос келмайдиган барча нарса Рим ёки роман-олмон ҳуқуқий оиласи роман-олмон ҳуқуқидан қабул қилинган деб ҳисобламаслик керак. Шотланд ҳуқуқий тизими Англия ҳуқуқий тизимидан фарқ қилган роман-олмон ҳуқуқий тизимидан ҳам тўлиқ нусха кўчирмайди. Икки томонлама таъсирга қарамай умумий ҳуқуқ мустақил тарихий ривожланиш натижасида шаклланган ўз миллий хусусиятлари ва урф-одатларини сақлаб қолган. Шотландия судлари тизими ва суд жараёни айнан мана шундай йўл билан шаклланган. Бу эса Шотландия ҳуқуқий тизимининг анча мустақил эканлиги тўғрисида гапириш учун асос бўлади. Шотландия ҳуқуқшунослари Шотландия ҳуқуқи манбаларини Англия юриспруденцияси тизими ва атамаларидан фойдаланган ҳолда таснифлайдилар: преце-

дентлар, юридик трактатлар ва қонунчилик. Биринчи икки манба баъзан Шотландия умумий ҳуқуқи деб ҳам аталади.

Прецедент доктринаси Шотландия Англияга зўрлаб қўшилгандан кейин шакллана бошланган. XIX асрга келиб прецедент принципи шотланд судларида узил-кесил қарор топган. Умумий ҳуқуқ амалда, гарчи ўз хусусиятларига эга бўлса ҳам, амалда мазмунига кўра инглиз прецедентидан фарқ қилмаган. Лордлар палатасининг фуқаролик ишлари бўйича шотланд апелляцияларини кўриб чиқиш ҳуқуқи ўрнатилгандан бошлаб, унинг қарорлари Шотландия судлари учун мажбурий тусга эга бўлган. Бироқ, Лордлар палатасининг Англия судлари томонидан кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича қарорлари Шотландияда мажбурий ҳисобланмаган. Бунда икки минтақада бир хил бўлган нормалар тегишли прецедентлар алоҳида ишонтирувчи кучга эга бўлади.

Шотландия ва Англиянинг бошқа судлари қарорлари, гарчи «ишонтирувчи» прецедентлар (ўзаро) тоифасига кирса ҳам, айниқса ушбу прецедентлар бирхиллик талаб этилган соҳаларда (масалан, солиқ ҳуқуқида) Бирлашган Қироллик статутларини талқин қилса ҳам, бир-бири учун мажбурий эмас. Суд ҳисоботлари (прецедентлар) «Сессия ишлари»нинг йиллик туркумлари чиқарила бошланган XIX аср ўрталаридан бошлабгина мунтазам эълон қилина бошланган. Бундан ташқари, шотланд апелляциялари бўйича Лордлар палатаси қарорларини «Бутун инглиз суд ҳисоботлари» туркумида учратиш мумкин. Шотландия қонунчилиги Шотландия парламенти томонидан 1707 йилгача қабул қилинган қонунлардан, Буюк Британия парламенти томонидан 1707 йилдан 1800 йилгача қабул қилинган қонунлардан ва Шимолий Ирландия бирлашиши натижасида Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги ташкил топиши натижасида 1801 йилдан кейин нашр этилган қонунлардан иборатдир.

Шотландия парламентининг 1707 йилгача нашр этилган ҳужжатлари принцип жиҳатидан ҳозирги вақтгача амал қилмоқда, вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади, бекор қилинади ва қайта нашр қилинади. 1948 йилдан Шотландиянинг жорий қонунчилигини ҳар йили эълон қилиш бошланган, бу иш ҳозирги вақтда ҳам даъвом эттирилмоқда. Сессия ва Олий мақом суд (Шотландиянинг олий судлари) томонидан чиқариладиган фуқаролик ва жиноят ишларини юритиш қои-

далари ҳам мана шу тўпламга киритилади. Ушбу қоидалар парламентарнинг тарихан шаклланган ўз суд ваколатларини бериш ҳуқуқига асосан қонунга тенглаштирилади. Амалда улар ваколат берилган қонунчилик ҳужжатлари сирасига киради. Ваколат берилган қонунчиликнинг қолган бошқа барча ҳужжатлари ҳар йили нашр этиладиган жилдлар, ўзгартириш ва қўшимчалардан иборат қўшимча жилдлар сифатида «Қонунга тенглаштирилган ҳужжатлар» умумий тўпламида эълон қилинади.

Буюк Британия Европа Ҳамжамиятига киргандан кейин инглиз ҳуқуқшунослари каби шотланд ҳуқуқшунослари ҳам Европа ҳамжамияти органлари томонидан чиқариладиган ҳужжатларни ҳуқуқ манбаи сифатида эътироф эта бошладилар. И.Ю.Богдановская адолатли равишда қайд этганидек, Шотландияда прецедент принципи амал қилади ҳамда прецедентлик ҳуқуқи яратилади. Лордлар палатаси прецедентлари таъсири остида амал қилувчи прецедентлик ҳуқуқи, шунингдек, Англия парламенти томонидан қўлланиладиган қонунлари Шотландия учун Англия ҳуқуқининг таъсири юз берадиган амалга ошадиган йўллардан бири ҳисобланади. Натижада ўзаги роман-олмон ҳуқуқига бориб тақаладиган Шотландия ҳуқуқий тизими ҳозирги вақтда тобора кўпроқ Англия умумий ҳуқуқи томонга қараб ривожланмоқда. Мана шунинг учун ҳам биз Шотландия ҳуқуқини компаративистик адабиётда кенг ёйилганидек «Аралаш ҳуқуқий тизимлар» бўлимида эмас, балки умумий ҳуқуқнинг ҳуқуқий оиласига башишланган бобга киритиб, тадқиқ этдик.

13-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Инглиз умумий ҳуқуқининг шаклланиш тарихи қандай даврларга бўлинади?
2. Нима учун инглиз умумий ҳуқуқи жаҳонга кенг тарқалган?
3. Англосаксон ҳуқуқий оиласининг ҳуқуқ манбалари ва тизимини биласизми?
4. Статут ҳуқуқининг аҳамиятини ўсиб боришига нима нар сабаб бўлди?
5. Англия умумий ҳуқуқининг ўзига хос томонларини тавсифлаб беринг.

«Билмаслик – Америка ҳуқуқи шаклланишининг асосий омилдир».

Р.Паунд, Америка ҳуқуқшуноси.

«Америка ҳуқуқи асосан бир манбадан-инглиз ҳуқуқидан келиб чиқади. Ҳеч қандай бошқа ҳуқуқ тизими АҚШда қарор топиш учун реал имконга эга эмас эди, шунингдек, инглиз тилидан бошқа ҳеч бир тил ҳам бундай имкониятга эга эмас эди».

Л.Фридман, Америка ҳуқуқшуноси.

«Бизнинг замонамизда ҳеч ким ҳар қандай мамлакатнинг қонунчилиги, шунингдек, умуман олганда унинг ҳуқуқий тизими бамисоли ойнадек унинг тарихининг асосий босқичларини, унинг реал ижтимоий турмушини, унинг ғоявий қадриятлари ва анъаналарини акс эттирганидек, аниқ, равшан ҳақиқатни шубҳа остида қолдирмайди. АҚШнинг конституциявий қонун ҳужжатлари бунинг ишончли тасдиғидир. Буларда у ёки бу кўринишда Америка давлат институтлари, сиёсий демократия ва ҳуқуқий маданият ривожланишининг икки юз йилдан ортиқ тажрибаси ўз аксини топди».

О.А.Жидков, Россиялик ҳуқуқшунос

14–мавзу. АҚШ ҳуқуқий тизими

1–§. Америка ҳуқуқининг шаклланиши.

2–§. АҚШ ҳуқуқий тизими тушунчаси ва унинг асосий категориялари.

3–§. Америка ҳуқуқининг манбалари.

4–§. Замонавий Америка ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.

5–§. Америка ҳуқуқи ривожланишининг замонавий тенденциялари.

1–§. Америка ҳуқуқининг шаклланиши

АҚШ ҳудудида макон топган Англиядан кўчиб келган мухожирлар ўзлари билан инглиз ҳуқуқини ҳам олиб келганлар. 1607 йилдан бошлаб (биринчи мустамлака тузилган сана) у ягона амал қилувчи ҳуқуқ ҳисобланган; сиқиб чиқа-

рилган маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва анъаналари цивилизацияга ёт ва душман анъана сифатида инкор этилган.

Айрим Америка ҳуқуқшунос олимлари АҚШ ҳуқуқи 1800 йилдан бошлаб шакллана бошлаган, деб ҳисоблайдилар. К.Левелиннинг «Умумий ҳуқуқ анъаналари» асарида Америка ҳуқуқи ривожланишининг уч замони кўрсатиб ўтилган: биринчи замон – 1800 йилдан бошлаб фуқаролар уришигача, иккинчи замон – фуқаролар урушидан биринчи жаҳон урушигача, учинчи замон биринчи жаҳон урушидан ҳозирги вақтгача. И.Ю.Богдановская Америка ҳуқуқи ривожланишининг уч босқичини ажратиб кўрсатади. Биринчи босқич – мустамлакачилик замонида прецедентлик ҳуқуқи қарор топиши босқичи. Иккинчи босқич мустақиллик қўлга киритилгандан бошланиб 1830 йилгача давом этган. Учинчи босқич – 1830-1860 йилларни ўз ичига олади ва прецедентлик ҳуқуқидаги бир қанча ўзгаришлар билан тавсифланади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳозирги вақтга қадар тўртинчи босқич давом этмоқда.

Инглиз ҳуқуқи мустамлакаларда маълум бир ўзгаришларга учраган. Бу мустамлакалардаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва тартиблар ўрта асрлар табақаланишидан озод эканлиги, метрополиядаги вазиятдан жиддий фарқ қилиши билан изоҳланар эди. Мустамлакаларда шаклланаётган янги муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи марказлаштирилган суд ҳокимияти мавжуд бўлмаган бир шароитда уларни вужудга келишига кўмаклашган.

Инглиз ҳуқуқи «унинг нормалари мустамлака шароитларига мувофиқ келган даражада» деган қоида асосида билан қўлланилган («Кальвин иши» деб аталган принцип).

Америка инқилоби ўзининг «Англияча ўтмиши» билан орани очиқ қилувчи мустақил миллий Америка ҳуқуқи ғоясини биринчи ўринга олиб чиққан. 1787 йилги федерал Конституциясини ва АҚШ таркибига кирувчи штатлар конституцияларини қабул қилиниши ушбу йўлдаги биринчи ва муҳим қадам бўлган. Англия ҳуқуқидан тўлиқ воз кечиш, шу билан бирга прецедент принциpidан ва умумий ҳуқуқнинг бошқа характели белгиларидан воз кечиш амалга оширила бошланган. Бир қанча штатларда жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик ва фуқаролик-процессуал кодекслари қабул қилинган,

Мустақиллик декларацияси қабул қилингунгача чиқарилган Англия суд қарорларига ҳавола қилиш тақиқланган.

Бироқ Америка ҳуқуқининг роман-олмон оиласига ўтиши юз бермаган. Илгари Франция ва Испания мустамлакалари бўлган айрим штатларгина (Луизиана, Калифорния) роман намунасидаги кодексларни сақлаб қолганлар, бироқ улар кейинчалик умумий ҳуқуқ томонидан аста-секин «ютиб» юборилган. Умуман олганда, АҚШда Англия тизимига ўхшаш дуалистик тизим, яъни қонунчилик билан ўзаро ҳамкорликдаги прецедентлик ҳуқуқи шаклланган.

Машҳур француз компаративисти Р.Давид адолатли равишда ёзганидек, Англия ва АҚШда ҳуқуқ ҳамда уни ролининг бир хил умумий тенденцияси мавжуд; ҳар иккала мамлакатда ҳуқуқнинг умуман олганда бир хилда бўлиниши мавжуд, бир хил тушунчалардан ва ҳуқуқ нормаларининг бир хилда талқин қилинишидан фойдаланилади. «Умумий ҳуқуқ», «адолат ҳуқуқи», «ишончли бошқариладиган мулк» категориялари Англия ҳуқуқшунослари учун ҳам, Америка ҳуқуқшунослари учун ҳам тушунарли ва табиийдир. Улар учун ҳам, булар учун ҳам ҳуқуқ - бу фақат суд амалиёти ҳуқуқидир. Қонун чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган нормалар амалда Америка ҳуқуқий тизимига улар судлар томонидан қайта-қайта қўлланилгандан ва талқин қилингандан кейин, нормаларнинг ўзига эмас, балки уларни қўллаган суд қарорларига ҳавола қилиш мумкин бўлгандан кейин киритилади. АҚШ ҳуқуқи, демак, умуман олганда умумий ҳуқуқ оиласига ўхшаш тузилмага эгадир. Чўққурроқ тадқиқ этилса Америка ва Англия ҳуқуқи тўғрисидаги кўплаб таркибий фарқлар маълум бўлади, уларнинг кўпчилиги ҳақиқатдан ҳам жиддий бўлиб, уларни ҳисобдан чиқариб ташлаш мумкин эмас.

АҚШнинг федерал тузилиши билан боғлиқ ана шундай фарқлардан бири жиддий тафовут ҳисобланади. АҚШ таркибига кирувчи штатлар жуда кенг ваколатларга эга. Улар ўз штатлари доирасида ҳудудий қонунчиликни ва ўз прецедент ҳуқуқи тизимини яратадилар. Шу муносабат билан АҚШда 51та ҳуқуқ тизими, яъни штатларда 50 та ва битта федерал ҳуқуқ тизими мавжуд, дейиш мумкин.

Ҳар бир штатнинг суди ўз юрисдикциясини бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширади ва шу сабабли, бир

штат судида қабул қилинган қарорга бошқа штатлар судлари амал қилиши шарт эмас. Суд амалиёти бирхиллигига интилиш тенденцияси қанча кучли бўлмасин, шунга қарамай ҳар хил штатлар судлари айна бир хил ишлар бўйича бир-бирига ўхшамайдиган, баъзан эса тўғридан-тўғри зид қарорлар қабул қилиши ҳоллари учраб туради. Бу штатлар судлари (улар ишларнинг кўпчилигини кўриб чиқади) ҳамда турли хил категориядаги ишларни кўриб чиқувчи федерал судлар қарорлари ўртасидаги фарқни чуқурлаштирувчи бир-бирига зид қарашларни келтириб чиқаради.

Ҳар йили АҚШда 300 жилддан ортиқ суд амалиёти материаллари эълон қилинади, замонавий компьютер техникасидан кенг фойдаланилаётганлигига қарамай, прецедентларни излаш осон иш эмас.

АҚШ Олий судининг қарорлари бир қанча нашрларда эълон қилинади: «US Law Week», «United States Reports» ва бошқалар. 1882 йилдан бошлаб «West Publishing Co.» компанияси «Supreme Court Reporter» сериясини, «Lawyer & Cooperative Publishing Co.» компанияси эса – «Lawyer & Annotated» сериясини чоп этади. Охирида тилга олинган компания тўрт сериядан иборат «American Law Reports» нашрида барча қарорлар эмас, балки улардан амалий аҳамиятга эга бўлганларигина эълон қилинади.

Бошқа федерал судлар ва штатларнинг судлари қарорлари учун бошқа ҳисоботлар мавжуддир. Ҳисоботларнинг миллий тизими нашрини (National Reporter System) ажратиб кўрсатиш мумкин, шунингдек, икки ҳуқуқий энциклопедик нашр бўлган «Corpus Juris Secundum» ва «American Jurisprudence Second»нинг тегишли бўлимларида жойлашган зарур қарорлар матнини топиш мумкин.

Штатлар қонунчилиги мамлакат ҳуқуқида янада кўпроқ фарқлар ва тафовутларни келтириб чиқаради. Қонунчилик кўп жиҳатдан ҳар хил штатларда турличадир. Масалан, бир хил штатларда эр-хотин мол-мулкнинг умумийлиги, бошқа штатларда ушбу мол-мулкнинг алоҳидалиги режими белгиланган; ажралиш асослари, айна бир хил қилмиш учун жиний жазо чоралари турличадир ва ҳоказо. Буларнинг барчаси АҚШ ҳуқуқ тизимини Англия ҳуқуқ тизимига нисбатан мураккаблаштиради.

Америка ҳуқуқининг Англия ҳуқуқидан яна бир фарқи — прецедент қондасининг эркинроқ, бирмунча бошқача талқин этилишидир (бунда «*stare decisis*»). Штатларнинг олий суд поғоналари ва АҚШ Олий суди ҳеч қачон ўз прецедентлари билан боғланмаган. Жойнинг аниқ шароитларига ва вақтга боғлиқ равишда ўзгариб бораётган шароитларга ҳуқуқнинг мослашиши жараёнларида уларнинг катта эркинликка эга эканлиги мана шундан келиб чиқади.

Масалан, АҚШ Олий суди *Hertsv. Woodman* ишида (1910й.) *stare decisis* қондасида гарчи у қарорлар қабул қилишда бирхиллик ўрнатилишига ва доимийликка эришишга қаратилган бўлса ҳам қаттиқ эмаслигини белгилаган. Олдинги қарорларга амал қилиш ёки улардан четга чиқиш масаласи суднинг ваколатида қолдирилган.

Прецедент билан бундай эркин муомалада бўлиш Америка судларининг қонунларнинг конституциявийлиги устидан назоратни таъминлаш ваколати юзасидан (бу Англия судига хос эмас) алоҳида аҳамият касб этади. Штатнинг Олий суди ёки АҚШ Олий суди шундай қилиб прецедентдан конституциявий назорат ҳуқуқи Америка конституциявий тизимида суд ҳокимиятининг алоҳида ролини таъкидлайди.

Р.Кросснинг фикрига кўра, айнан юрисдикцияга кўра биридан ажратилган алоҳида штатларнинг шаклланган кўпчилиги ва Америка Судларининг муҳим конституциявий масалаларини кўриб чиқишга нисбатан тез-тез мурожаат қилиши Америка ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Қонунчиликка суд таъсир кўрсатишининг катта имкониятлари АҚШ тизимида қонунчилик Англиядаги статут ҳуқуққа қараганда каттароқ салмоққа ва кўпроқ аҳамиятга эга эканлигини инкор қилмайди. Бу энг аввало ёзиб қўйилган Конституция мавжудлиги, аниқроқ айтганда конституцияларнинг бутун бир тизими борлиги билан боғлиқдир. Юқорида таъкидланганидек, штатларга анча кенг қонунчилик ваколати берилган ва улар бундан фаол фойдаланадилар. Қонунчиликнинг салмоғи Америка штатлари даражасида катталиги билан ажралиб туради.

Америка федерациясининг ривожланишини тавсифловчи марказлаштириш федерал қонунчилик ҳажмининг анча кўпайишига, шунингдек, ижроия ҳокимият юқори бўғинлари:

президент, федерал хизматлар ва бошқаларнинг ҳуқуқий-норматив ижодкорлиги ўсишига олиб келди.

АҚШнинг статут ҳуқуқида Англия ҳуқуқига маълум бўлмаган кўплаб кодекслар учрайди. Бир қанча штатларда фуқаролик кодекслари, 25 штатда фуқаролик-процессуал, барча штатларда – жиноят, айрим штатларда жиноят-процессуал кодекслар амал қилади. Эътиборга лойиқ томони шундаки, келиб чиқиши французча бўлган штатлардан ташқари юқорида тилга олиб ўтилган барча штатларда кодекслар Европа кодексларини эслатмайди. Кодексларда роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатларида бўлганидек янги ҳуқуқни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш учун асос эмас, балки у ёки бу даражада муваффақиятли бўлган жамлаш мевасини кўриш мумкин. Қонун чиқарувчилар амалиёт томонидан яратилган ҳаракатдаги нормаларни кодексда жамлаш тўғрисида ҳулоса чиқарадилар.

Қонунлар ва кодексларнинг биржиллигини яратиш АҚШда кодекслаштиришнинг асосий шаклига айланиб борди. Ундан мақсад бу жуда зарур бўлган умумий ҳуқуқ мамлакатларида эҳтимол тутилган бирликни ўрнатишдир. Бундай қонунлар ва кодекслар лойиҳасини барча штатлар вакиллари умуммиллий комиссияси Америка ҳуқуқ институти ва Америка адвокатлар уюшмаси билан биргаликда тайёрлайди. Лойиҳа қонунга айланиши учун, штатлар томонидан қонун сифатида қабул қилиниши керак. Конференция биринчи марта 1892 йилда Америка адвокатлар уюшмасининг ташаббуси билан чақирилган; у ўзининг бутунги номини 1912 йилда, яъни барча штатлар унга аъзо бўлгандан кейин олган ва сермазмун фаолият олиб бориб, 1962 йилда 68 та бир хил қонунларни ва 18 та намунавий қонунларни қабул қилишга тавсия этган.

Расман 1962 йилда маъқулланган Биржиллаштирилган савдо кодекси бундай кодекслар ичида биринчиси ва энг машҳури ҳисобланади. Биржиллаштирилган савдо кодекси тўққизта асосий бўлимдан иборат бўлиб, улар қуйидаги изчилликда жойлашган:

- 1) умумий қоидалар;
- 2) сотиш;
- 3) савдо қоғозлари;
- 4) банк депозитлари ва инкассация операциялари;

- 5) аккредетивлар;
- 6) комплекс муассаса;
- 7) омборхонага доир гувоҳликлар, коносаментлар ва бошқа товар-фармойиш берувчи ҳужжатлар;
- 8) инвестиция қимматли қоғозлари;
- 9) битишувларни таъминлаш.

У бутун савдо ҳуқуқини қамраб олмайди, бироқ унга кирган бўлимлар анча батафсил тартибга солинган, айниқса товарларни сотиш, айланма ҳужжатлар ва битишувларни таъминлаш тўғрисидаги нормалар етарлича батафсил тартибга солинган. Нима учун биринчи навбатда савдо ҳуқуқининг Бирхиллаштирилган кодекслаштирилишига мурожаат қилинганлигини тушуниш қийин эмас. Тадбиркор, мамлакат ишбилармонлари дунёси манфаатлари ҳам хусусий ҳуқуқни, ҳам Кодекс мазмунини бирхиллаштиришнинг асосий йўналишини белгилаб берди. Кодекс ҳозирги вақтда Луизиана штатидан бошқа барча штатларда қабул қилинган.

Қонунлар ва кодексларнинг бирхиллигини прецедентлик ҳуқуқи, энг аввало кўп жилдли нашр «Restatement of the Law» («Прецедентлар мажмуи»)ни тез-тез тизимлаштирилиши билан аралаштириб юбормаслик керак. Америка ҳуқуқ институти тайёрлайдиган ушбу нашр нуфузли ҳисобланади ва суд қарорларида, шу жумладан АҚШ Олий судида унга ҳавола қилинади. «Restatement of the Law» нашри 95-98 фоиз ҳолларда турли штатлар судларининг қарорлари бир-бирига мос келишидан гувоҳлик беради. «Restatement of the Law»ни 19 жилди босилиб чиқди. Улар шартномавий ҳуқуққа, вакилликка (agency), қонунлар коллизиясига, фуқаролик-ҳуқуқий деликтларга (torts), мулкка (property), таъминлашга (security), квази шартномаларига (restitution), талқин қилишга, суд қарорларига бағишланган.

Англияда бўлгани сингари АҚШда ҳам давлат ҳокимияти механизми фаолият кўрсатиш соҳасида одат ҳуқуқнинг аҳамияти каттадир. АҚШнинг Конституцияси эскирган. У давлат ташкилотининг кўплаб муҳим томонларини ёритмайди ва ушбу нуқсон нафақат жорий қонунчилик билан балки шаклланган, қарор топган анъаналарни эътироф этиш ёрдамида ҳам тартибга солинади. Хусусий ҳуқуқ соҳасида урф-одатнинг роли анча кам. Бунда у савдо урф-одатлари кўринишида намоён бўлади. Савдо урф-одатлари шаклланган ама-

лиёт ёки амалий муносабатлар тартиби сифатида белгилади ва мана шу кўринишда нафақат тегишли ижтимоий муносабатлар ривожланишига, балки шу муносабат билан пайдо бўлувчи низоларни ҳал этишга меъёрий таъсир кўрсатади.

Англиядан ўзлаштириб олинган ҳуқуқ тизимини америкалаштириш жараёни – бу унинг Америка давлати жорий эҳтиёжларига мослашиши мумкин бўлган хусусиятларни унга бахш этиш жараёни эканлигини қайд этиш лозим. «Мослашувчан ҳуқуқ ижодкорлиги» томон тутилган йўналиш, ҳуқуқий нормаларни яратиш ва қайта кўриб чиқиш юзасидан судларга чекланмаган ваколатлар бериш, Америка федерализми шароитларида ҳуқуқий қарор топган дуализм – буларнинг барчаси АҚШда ҳуқуқ вақт ўтиши давомида, бир томондан эскирган, иккинчи томондан замонавий нормалар конгломератига (мажмуаси) айланишига олиб келди.

Шундай қилиб, АҚШ ҳуқуқий тизими Буюк Британиянинг юридик анъаналари таъсири остида шаклланган ва тарихан Англия умумий ҳуқуқидан келиб чиққан (Common Law). Ривожланиш жараёнида ўзлаштириб олинган Англия ҳуқуқ институтлари жиддий ўзгартиришларга учраган. Америка ҳуқуқини Англия ҳуқуқидан фарқловчи янги ҳуқуқий институтлар пайдо бўлган. Натижада унинг ўзига хослиги давлатнинг федерал тузилиши, ёзиб қўйилган Конституциялар мавжудлиги (АҚШ Конституцияси ва штатлар Конституциялари), шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг бир қанча хусусиятлари билан белгиланадиган янги ҳуқуқ тизими шаклланган.

2–§. АҚШ ҳуқуқий тизими тушунчаси ва унинг асосий категориялари

Ҳуқуқий атамалар айрим ҳолларда икки ҳуқуқий тизимнинг фарқларидан далолат беради, баъзан эса, ушбу фарқларни яширади. Айни бир хил концепция турли атамаларда ифодаланиши мумкин, шу билан бирга айни бир хил атаманинг ўзи Англия ва Америкада ҳар хил маънони англатиши мумкин. Хорижий ҳуқуқшунос бунини билиши ва Америка ҳуқуқининг у ёки бу масалаларини ўрганишда Англия ҳуқуқ луғатидан фойдаланмаслиги керак.

Америка ҳуқуқшунослик адабиётида ҳуқуқ тизими тушунчасини аниқлашда ягона фикр йўқ. Таърифлар кўплигига

қарамай, уларни алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Агар баъзи ҳуқуқшунос олимлар амалда ҳуқуқий тизим тушунчасини ҳуқуқ билан тенглаштирсалар, бошқалари ушбу тушунчани анча кенг талқин қиладилар.

Айрим мисолларни келтирамиз. Мартин П.Голдинг агар қуйидаги шартларга риоя қилинса жамиятда ҳуқуқий тизим мавжуд бўлади деган фикрни билдиради:

биринчидан, жамиятда қонунлар мавжуд бўлади;

иккинчидан, жамиятда қонунларни яратадиган ва ўзгартирадиган муассасалар мавжуд бўлади;

учинчидан, жамиятда қонунлар тузилишини аниқлайдиган муассасалар мавжуддир;

тўртинчидан, жамиятда қонунлар қўлланилишини таъминловчи ва индивидлар ўртасидаги низоларни ҳал этувчи муассасалар мавжуддир.

Муаллиф ҳуқуқий тизим тушунчаси билан амалда ҳуқуқни, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқ қўлланилишини қамраб олади. Ушбу тизимнинг охири туркуми ўз тузилмасига эга.

Ж.Тернер томонидан ҳуқуқий тизимнинг янада аниқ таърифи келтирилади. Барча ҳуқуқий тизимлар, - деб ёзади у, тўрт базавий элементдан иборатдир:

биринчидан, ҳуқуқ тизимлари;

иккинчидан, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни;

учинчидан, низоларни ҳал этиш жараёни ёки судлар;

тўртинчидан, ҳуқуқни амалга оширувчи муассасалар.

Ж.Тернер ушбу таркибий гуруҳларни ягона тизимга боғлаб, улар алоқасини таҳлил қилар экан, ҳуқуқий тизим тушунчаси ўзида ижтимоий воқеликнинг бошқа элементлари билан мустақкам алоқада бўлган мураккаб ва доимий равишда ўзгарувчан динамик тузилмани ифодалайди, деб ҳисоблайди. Айни вақтда жамоат назоратининг анъанавий шакллари иқтисодиёт, сиёсат, дин каби асосий институтлар билан зидликка киришади, ҳуқуқий тизимнинг таркибий ривожланиши ушбу табақалаштириш орқали интегратив муаммоларга бамисоли «жавоб» бўлади. Тегишли шарт-шароитларда ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши Америка жамиятидаги ривожланишни жадаллаштирувчи институционал муносабатларни яратиши мумкин.

Профессор Лауренс М.Фридман томонидан ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос таърифи таклиф этилади. У ҳуқуқий тизим тушунчасига одатдаги ҳуқуқ нормаларини ҳамда уларга ҳаёт бахш этадиган тузилмалар, институтлар жараёнларини киритади. АҚШ ҳуқуқий тизимини тадқиқ этишда тузилма тўғрисидаги масала пайдо бўлади, чунки ушбу категория юқоридаги тушунчанинг статистик «кесимини» таҳлил қилиш имконини яратади.

Америка ҳуқуқий адабиётида ушбу муаммо бўйича ҳам яқдиллик йўқ. Масалан, Британия қомуси нашриёти томонидан тайёрланган Америка ҳуқуқига бағишланган тадқиқотда ҳуқуқ тизимига 17 элемент киритилган. Улар: умумий ҳуқуқ, қонунчилик, Конституция, ҳуқуқнинг федерал тизими, Олий суд, маъмурий ҳуқуқ, солиқ, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари, аёлларнинг ҳуқуқий мақоми, корпорациялар ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, қарз ҳуқуқи ва кредитлаш, мулкчилик ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи, вазият ҳуқуқи, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий касб, ҳуқуқий ёрдам.

Ушбу 17 таркибий элемент беш блокка бирлашган. Биринчи блок умумий ҳуқуқни, судларни ва уларнинг қонунчилик билан боғлиқлигини қамраб олади. Иккинчи блок фақат федерал ҳуқуққа тегишлидир. Учинчи блок ҳуқуқни тадбиркорлик билан алоқасида қўриб чиқади. Тўртинчи блок ҳуқуқ билан хусусий шахслар ўртасидаги алоқани тавсифлайди. Бешинчи блок қасамёд қилувчи маслаҳатчилар лавозимига номзодларга, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнига ҳамда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашга бағишланган.

Америкалик ҳуқуқшунос Д.Кафлиннинг монографиясида ҳуқуқий тизимни янада кенгроқ талқин қилиш учрайди. У амалда ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизимни бир нарса деб, унинг тузилмасига 24та элементни киритади. Улар орасида ҳуқуқшунослик касби, сулҳ тизими, суд-процессуал ҳуқуқи, контрактлар, шахсга ва мулкка зарар етказиш, диффамация, эҳтиётсизлик, мерос қолдириш ҳуқуқи, меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиш, савдо муомаласи соҳасидаги ҳужжатлар, меҳнат ва бошқарув, корпорация, ширкат, никоҳ, ажрალიш, мулкни тақсимлаш, бекор қилиш, кўчмас мулк ҳуқуқи, қарз ва кредит муассасаси, жиноят ҳуқуқи, олди-сотди ҳуқуқи, патентлар, муаллифлик ҳуқуқи ва савдо маркалари, хари-

дорни ҳимоя қилиш, ҳуқуқ тизимлари, Олий суд тушунчалари мавжуд.

Д.Кафлин бошқа Америкалик муаллифлар асарларидан фарқ қилган ҳолда умуман олганда умумий ҳуқуққа ва хусусан АҚШ аъналарига хос бўлган институтларни ҳуқуқий тизимга тўлиқроқ олиб киради. АҚШнинг ҳуқуқий тизими тузилмаси умумий ҳуқуқнинг анъанавий институтларига йўналтирилганлигини фақат мана шу билан изоҳлаш мумкин. Тушунча сифатида ҳуқуқнинг соҳалари эса, улар роман-олмон ҳуқуқининг таъсири натижасида умумий ҳуқуқда пайдо бўлди, ушбу масалага муаллиф ўз тадқиқотининг озгина қисмини ажратади.

АҚШ ҳуқуқий тизимининг юқорида келтирилган тафсилотида ҳуқуқий воқелик ҳодисаларини ҳуқуқий онгнинг умумий ҳуқуқ мамлакатлари учун характерли бўлган, бошқа ҳуқуқий оилалар мамлакатлари олимлари ва амалиётчиларининг юридик тафаккуридан тубдан фарқ қилувчи таҳлилга ёндашишнинг ушбу мамлакат учун ўзига хос бўлган ёндашуви яққол кўринади.

Профессор Л.Фридмэн томонидан таклиф қилинган ҳуқуқий тизимни ўрганишга ёндашиш қизиқдир. Жумладан, у тузилма, моҳият ва маданият бунга тегишли деб ҳисоблайди. У тузилмага скелетни, унинг ноаниқ узоқ муддат мавжуд бўладиган ва барча тушунчага умуман шакл бағишлайдиган ички қисмини киритади. Л.Фридмэннинг нуқтаи назарига кўра ҳуқуқий тизим ичида одамларнинг хулқ-атворини белгилаб берувчи ҳуқуқнинг амалдаги нормалари кўринишида ҳаракат қиладиган моҳият ҳуқуқий тизимнинг бошқа бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Ва ниҳоят, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий тизимнинг охириги элементиدير. Ҳуқуқий маданият деганда одамларнинг ҳуқуққа ва ҳуқуқий тизимга муносабатини, яъни, унинг қадриятларини, ғоялари, умид ва ишончларини тушуниш керак. Бошқача сўзлар билан айтганда, бу ҳуқуқий тизимга тегишли бўлган умумий маданиятнинг бир қисмиدير.

Ҳуқуқни ташкил этувчи уч асосий элемент – тузилма, моҳият ва маданиятдан ҳеч бири бошқалардан ажралган ҳолда аҳамиятга эга бўлмайди. Федерализм реал мавжуд бўлган таркибий фактдир. У шунингдек, моҳиятан штатлар ва умуман давлатнинг ҳокимият ваколатлари тўғрисидаги қоидаларини яратади. Улар ўз навбатида ҳуқуқий маданиятга таъсир

кўрсатади. Айни вақтда айнан ҳуқуқий маданият (одамлар ўйлайдиган ва ишонадиган) федерализмни ҳуқуқий жиҳатдан жонли қисми билан, тузилмани мазмун билан тўлдиради. Бироқ, ҳуқуқий маданиятнинг ўзи ҳам ўзгармас эмас. У жамият билан биргаликда ўзгаради.

«Common Law» атамаси ўз келиб чиқишига кўра Англия ҳуқуқининг статут ҳуқуққа (Statute Law) зид бўлган қисмини қамраб олади ҳамда маҳаллий ҳуқуққа қарама-қарши ўлароқ бутун мамлакат учун умумий эди. Ушбу тушунча ханузгача қонунчилик ёйилишидан олдинги замонда қадимги Англия ҳуқуқига татбиқан маънода фойдаланилиши мумкин.

АҚШда «умумий ҳуқуқ» (Common Law) тушунчасидан уч вариантда фойдаланилиш мумкин.

Биринчидан, мазкур тушунча билан қонун чиқарувчи органларга зид равишда судлар томонидан яратиладиган ҳуқуқ тушунилади. Шу муносабат билан яна бир қанча атамалар ишлатилади: «суд амалиёти» (Case Law) айнан шу маънода қўлланилади; «норма белгиловчи қарорлар ҳуқуқи» (Decisional Law), судлар, бошқа органлар, масалан, маъмурий трибуналар билан биргаликда яратиладиган ҳуқуқий нормаларни қамраб оладилар; «статут ҳуқуқи» (Statute Law) қонун чиқарувчи органларнинг норматив ҳужжатларига нисбатан қўлланилади; «қонунчилик» (legislation) ҳуқуқнинг Конституция, шартномалар, маъмурий қоидалар сингари манбаларини қамраб олган ҳолда кенг маънода ишлатилади ва амалда статут ҳуқуқининг синонимидир.

Иккинчидан, «умумий ҳуқуқ» тушунчасининг аҳамияти адолат судларига зид равишда умумий ҳуқуқ судлари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ нормалари мажмуига тегишлидир.

Учинчидан, ушбу ҳуқуқнинг аҳамияти Қўшма Штатларга тарихан Рим ҳуқуқий анъаналаридан келиб чиқувчи роман-олмон ҳуқуқи (Civil Law) мамлакатларига зид равишда умумий ҳуқуқ мамлакати сифатида таъсир этади.

Илгари айтиб ўтилганлар билан биргаликда, Америка ҳуқуқида АҚШ ҳуқуқий тизимини таҳлил қилишда тушунтиришни талаб қиладиган яна бир қанча атамалар ва тушунчалар мавжуд. Уларга фуқаролик ҳуқуқи (Civil Law), оммавий ҳуқуқ (Public Law), хусусий ҳуқуқ (Private Law), жонли ҳуқуқ (Living Law) тегишлидир.

«Фуқаролик ҳуқуқи» (Civil Law) тушунчаси АҚШда унинг қисмларини белгилаш учун фойдаланилади; ушбу тушунча билан жиноят ҳуқуқига зид равишда ҳуқуқий нормаларнинг жами қамраб олинади (Criminal Law), яъни «civil» атамаси «criminal» атамасига зиддир ва ўз келиб чиқишига кўра фуқаролик кодекси билан боғланмаган. Америка фуқаролик ҳуқуқи хусусий шахслар ҳуқуқларини белгилаш, ўзгартириш ёки қондиришни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олади.

АҚШнинг юридик адабиётида «хусусий ҳуқуқ» ва «оммавий ҳуқуқ» атамалари кўп учрайди. Ушбу категориялар анъанавий эмас ва роман-олмон ҳуқуқий тизими атамаларидан ўзлаштириб олинмаган. Бу фақат шаклга нисбатан эмас, балки мазмунга ҳам тегишлидир. Жумладан, Америка ҳуқуқида «хусусий ҳуқуқ» тушунчаси олтига институтни қамраб олади: контрактлар (Contracts), ҳуқуқни бузишдан келиб чиқувчи мажбуриятлар (Torts), мулк (Property), оила ҳуқуқи (Family Law), савдо ҳуқуқи (Commercial Law) ва бизнес корхоналари.

Хусусий ҳуқуққа зид равишда оммавий ҳуқуқ конституциявий ҳуқуқни (Constitutional Law), маъмурий ҳуқуқни (Administrative Law), меҳнат муносабатларини тартибга солишни (Trade Regulation), меҳнат ҳуқуқини (Labor Law), жиноят ҳуқуқини (Criminal Law) бирлаштиради.

Америка ҳуқуқининг айрим назарийчилари «жонли ҳуқуқ» (Living Law) тушунчасини ишлатишади. Ушбу тушунча остида шунчаки мавжуд бўлган ҳуқуқий нормалар эмас, балки ҳозир амал қилувчи ҳуқуқий нормалар мажмуаси тушунилади. Масалан, Л.Фридмэн уни қуйидагича тарзда белгилайди: «жонли ҳуқуқ-бу ҳуқуқий тизимда яшайдиган ҳуқуқдир».

3-§. Америка ҳуқуқининг манбалари

Америка Қўшма Штатлари ҳуқуқи манбаларининг эволюцияси ва уларнинг ўзаро муносабатлари АҚШ ҳуқуқий тизими фаолият кўрсатиши моҳиятини тушунишдаги туб масалалардан биридир. Ҳуқуқ манбаларига суд прецеденти, қонунчилик, ижро этувчи ҳокимиятнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, урф-одатлар ва адолат ҳуқуқи тегишлидир.

Суд прецеденти. Англия ҳуқуқий тизими ўз илдизлари билан умумий (прецедент) ҳуқуқнинг Англия тизимига бориб тақалади. Суд прецедентига (Stare Decisis) риоя қилиш принципи унинг асосий принципи ҳисобланади, унинг моҳияти судлар ишларини кўриб чиқишда худди шундай ишлар бўйича илгари суд қарорлари билан белгиланганига амал қилишга мажбур эканлигидан иборатдир.

Қўшма Штатларда прецедентга амал қилиш принципи ўз хусусиятларига эга. Жумладан, суд амалиёти ушбу принципнинг мувофиқ қўлланилиши, мамлакат ривожланишининг ҳар бир тарихий босқичида унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига мослашиши билан тавсифланади.

Прецедентлик ҳуқуқи АҚШнинг конституциявий ривожланишида муайян давомийлик яратди. У Конституцияни ривожлантириш имконини беради, чунки Конституция соҳасида судьялар ўзларини олдинги қарорлари билан боғлашга унча интилмайдилар. Агар Конституция – ҳуқуқий тизимнинг маркази деган фикр тўғри бўлса, унинг асосини эса суд прецедентлари ташкил этади, бундан суд прецеденти АҚШ ҳуқуқий тизимининг асосидир, деган хулоса чиқариш мумкин.

АҚШ Олий суди фаолияти энг аввало Конституцияни талқин қилиш атрофига жамланади. АҚШ Олий суди уни талқин қилиб кўплаб тушунчаларни ишлаб чиқди: «полиция ҳокимияти», «федерация ва штатларнинг ваколатларини тақсимлаш» ва бошқалар.

Қонунчилик. Қонунчилик органлари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий нормаларни қамраб олувчи статут ҳуқуқи Америка ҳуқуқининг муҳим манбаи ва таркибий қисми ҳисобланади. Америка давлати мавжуд бўлишининг бутун тарихи давомида АҚШ Конгресси ва штатларнинг қонунчилик органлари жамият ҳаётининг турли жиҳатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар яратишда фаол иштирок этади. Суд прецедентлари билан яратиладиган нормалар мажмуи буни сезиларли даражада тўлдирди.

АҚШ Конституцияси федерал қонунлар орасида марказий ўринда туради. Бу бошқалардек қонун эмас, қонун одатда умумий ҳуқуқ мамлакатларида ҳуқуққа фақат айрим ўзгартириш ва аниқликлар киритишга қодир бўлган умумий ҳуқуққа хос бир ҳужжат сифатида қаралади. АҚШ Конституциясига ушбу нуқтаи назардан қараб бўлмайди. У Асосий

Қонундир ва айтиш мумкинки, умумий ҳуқуқнинг ўзи 1787 йилда ҳукмронлик қилган табиий ҳуқуқ мактаби ғояларига мувофиқ ундан куч олади.

АҚШ Конституцияси фуқароларни ва ҳокимият легитимлигини бирлаштирувчи ижтимоий шартнома ифодасидир. У жамиятнинг негизларини белгилаб берувчи Асосий Қонун сифатида суд амалиёти ҳуқуқини тўлдиришга ва аниқлаштиришга қаратилган ҳамда айрим хусусий нормаларни шакллантирувчи бошқа қонунлар даражасида тушунмаслик керак. Умумий ҳуқуқ роман типига қонунлардек ҳукмронлик қилувчи, низоларни кўриб чиқишни бевосита мақсад ҳисобламайдиган, балки маъмуриятни ташкил этиш ва унинг ҳуқуқатвори тўғрисидаги умумий тусдаги нормаларни белгилайдиган АҚШ Конституциясидир.

Конституция бу мамлакатнинг олий қонундир. У олий юридик кучга эга. Ҳеч бир инсон, ҳокимиятнинг ҳеч бир бўғини – на Президент, на Конгресс, на чорраҳадаги полициячи – Конституцияни инкор қилиш ҳуқуқига эга эмас; унинг матни ва қоидалари ҳамма учун мажбурийдир. Судлар Конституцияни амалга оширувчилари ҳисобланади, шунинг учун ушбу ҳужжатни кучга эга эмас деб эълон қилиш мақсадида ғайриконституциявий хатти-ҳаракатларни текшириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бироқ қонунларни талқин қилиш ва уларни қўллаш амалиёти умумий ҳуқуқ нормалари билан белгиланар эди. Яъни суд прецедентининг устунлиги Америка ҳуқуқий тизимининг асос бўлувчи принципларидан бири эди ва шундай бўлиб қолади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги замонда қонун ижодкорлигининг роли ва кўлами анча ўсди. АҚШ Конгресси ва штатлар қонунчилик органларининг норматив ҳужжатлари сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг жуда кенг доирасини қамраб ола бошлади.

Қонунчиликни тизимлаштириш ва кодекслаштириш ҳам штатларда, ҳам федерал даражада ўтказилди. Федерал қонунларни чиқаришнинг уч расмий нашри мавжуд. Қонунларнинг матн фақат улардан иккитасида тўлиқ эълон қилинади. Биринчи нашр вақти-вақти билан тўплам кўринишида нашр этилади. Унда АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган қонунлар матнлари, Қўшма Штатлар томонидан ратификация (тасдиқланган) қилинган халқаро битимлар ва шартномалар,

шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органларининг айрим энг муҳим норматив ҳужжатлари хронологик тартибда эълон қилинади. Иккинчи нашрда қонунларнинг рисола шаклига келтирилмаган нусхалари мавжуд бўлиб, улар АҚШ Конгрессида қабул қилиниши давомида тартиб рақами қўйилиб эълон қилинади. Ва ниҳоят, АҚШ Қонунлари тўплами (United States Code Annotated) федерал қонунчилик ҳужжатларининг учинчи нашри ҳисобланади. Унда айтилиши билан бир хил норматив ҳужжат қоидалари ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига боғлиқ равишда ҳар хил боблар ва бўлимларда тўлиқ баён қилинади.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг маъмурий норма ижодкорлиги ўзида Америка ҳуқуқининг учинчи манбаи ва аҳамиятига кўра доимий ўсиб борувчи салоҳиятини ифодалайди. Ижро этувчи органларга қонунчилик органлари томонидан бериладиган ваколатлар бошқарувнинг федерал аппарати фаолиятининг бундай йўналиши учун асос ҳисобланади. Амалиётда қонунларни аниқлаштириш ва деталлаштириш мақсадида қўлланиладиган маъмурий ҳужжатлар (буйруқлар, қоидалар, кўрсатмалар, йўриқномалар) кўп ҳолларда уларнинг ўрнини босади. Ушбу янги ҳуқуқ (administrative law) олдинги адолат ҳуқуқи сингари ярим маъмурий – ярим суд хусусиятига эгадир, бироқ у анъанавий судлар фаолияти остида фаолият кўрсатувчи органлар томонидан ишлаб чиқилади ва қўлланилади.

Урф-одатлар. Юқорида келтирилган манбалар билан биргаликда Америка ҳуқуқининг тўртинчи манбаи – урф-одатлар (Custom) ҳисобланади. Унинг аҳамияти иккинчи даражали ва уни Америка ҳуқуқининг асосий манбалари билан қиёслаб бўлмайди. Америка ҳуқуқи одат ҳуқуқи ҳисобланмайди. Гарчи бундай фикр кўплаб европалик ҳуқуқшуносларда улар муқобилликка амал қилганлиги: ҳуқуқ кодексларга асосланган бўлиши, ёхуд ёзилмаган, яъни оддий бўлиши мумкинлиги учун пайдо бўлган бўлса ҳам Америка ҳуқуқи ҳеч қачон оддий ҳуқуқ бўлмаган: бу ҳуқуқ суд амалиётидир.

Шу билан бирга, урф-одатлар Америка ҳуқуқий тизими қарор топиши ва эволюциясида катта ўрин тутган. Ҳозир ҳам давлат ҳокимияти институтлари фаолият кўрсатиши соҳасида унинг аҳамияти сезиларлидир. Уларнинг кўплари преце-

дентлик ёки статут ҳуқуқ негизида эмас, балки сиёсий ама-лиёт анъаналарига кўра шаклланди ва мавжуддир. Масалан, АҚШ Конгресси палаталарининг доимий кўмиталари фао-лияти, кабинет, сиёсий партиялар хатти-ҳаракатлари қонун-лар ёки Конституция билан эмас балки урф-одатлар билан тартибга солинади.

Адолат ҳуқуқи. Адолат ҳуқуқининг (Law of Equity) бир қанча институтлари Америка ҳуқуқи манбалари орасида муайян ўринга эгадир. Англияда икки маъноли талқиндан қочиш маъносида адолатни тушунишда Европа қитъасида кенг тарқалган «equity» тушунчаси ишлатилади. Ушбу ҳолат-да «justice», «fairness», «good conscience» тушунчалари ишла-тилади. У Буюк Британияда умумий ҳуқуқ билан бирга пайдо бўлган ва мавжуддир ҳамда унга ўзига хос қўшимча сифа-тида қабул қилинган.

1875 йилгача адолат ҳуқуқи умумий ҳуқуқдан бешта фундаментал жиҳатлари билан ажралиб турган. Унинг кан-целярия суди томонидан яратилган нормалари Вестминстер-лик судлари томонидан ташкил этилган умумий ҳуқуқ нор-маларига қараганда бошқача тарихий келиб чиқишга эга бўл-ган. Адолат ҳуқуқи нормаларини фақат канцлер қўллаши мумкин бўлган, умумий ҳуқуқ судлари уни қўллаши мумкин бўлмаган. Адолат ҳуқуқи тартиботи умумий ҳуқуқдан фарқ қилган ҳолда ҳеч қачон қасамёд қилувчи суд лавозимини билмаган. Канцелярия судида умумий ҳуқуқ билмаган ечим-ларни сўраш мумкин бўлган. Ниҳоят, канцлер томонидан бериладиган буйруқ ишларни кўриб чиқиш якунида таҳқир-ловчи тусга эга бўлган.

1873-1875 йиллардаги суд ислоҳотларидан кейин умумий ҳуқуқ билан адолат ҳуқуқи ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши Англия ҳуқуқининг муайян рационализация-лашуви имконини берган йўлдан борган. Бироқ ушбу жараён анъанавий доиралардан ташқарига чиқмади ва, жумладан, адолат ҳуқуқи ҳамда умумий ҳуқуқ сингари ҳуқуқшунослар онгида мустакамланиб қолган категориялардан воз кечишга олиб келмаган.

Умумий ҳуқуқ нормалари у ёки бу низони ҳал қила олмаган ҳолларда томонлар адолат судларига мурожаат қи-лишга мажбур бўлганлар. Адолат судлари ўз қарорларини буйруқлар кўринишида расмийлаштирган. Америка ҳуқуқий

тизимининг ривожланиши ва такомиллашуви хусусиятлари адолат ҳуқуқи аста-секин ўзининг мустақил аҳамиятини йўқотишига олиб келган. Бироқ Америка судлари фаолияти амалиётида бирор-бир ҳаракатни тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи суд буйруқлари мустаҳкам кириб борган.

АҚШда канолик ҳуқуқни қўлловчи махсус судлар йўқлиги туфайли адолат судлари ўз фаолияти соҳасига Англия черков юрисдикциясига тегишли масалаларни ҳам киритган. Америкаликларнинг фикрига кўра, адолат судлари ваколатлари ҳуқуқ масаласини ҳал этиш учун қандайдир восита бермайдиган ҳолларда зарурдир. Масалан, эр ёки хотин бир киши сифатида қаралганлиги туфайли ҳуқуқ уларга бир-бирига даъво қўзғаш имконини бермас эди. Шу сабабли, адолат ҳуқуқи концепцияси Америкада Англиялик ҳуқуқшуносларни ҳайратлантирадиган тусда ёйилган. Жумладан, никоҳни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги иш тегишли қонун дунёга келмагунча айнан мана шу тарзда кўриб чиқилган.

4-§. Замонавий Америка ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари

Америка ҳуқуқи мустақил ривожланишнинг 250 йилликдан ортиқ йўлини босиб ўтди ва шу сабабли, гарчи ундан келиб чиққан ва ўша ҳуқуқий тизимга тегишли бўлса ҳам, Англия ҳуқуқидан жиддий фарқ қилади. Шу билан бирга, Америка ҳуқуқи бошқа миллий ҳуқуқий тизимлар таъсирига ҳам учради. Америка ҳуқуқи хусусиятларининг батафсил ишлаб чиқилганлигига асосланиб, биз фақат унинг қуйидаги характерли белгиларини кўрсатиб ўтамиз.

Биринчидан, федерация ва штатларнинг ҳуқуқий тизимлари баб-баравар ва айни чоғда ўзаро ҳамкорликда амал қиладиган икки даражали ҳуқуқий ривожланиш. Федерация қўламида ҳуқуқни бирхиллаштириш методлари ҳам ўзига хосдир. АҚШнинг федератив тузилиши кун тартибига мамлакат ҳуқуқий тизимининг бирлиги тўғрисидаги масалани қўяди.

Иккинчидан, федерал Конституция қоидаларининг ус-тунлиги. Унинг салмоғи амалда ушбу қоидаларнинг Олий Суд томонидан талқин қилиниши билан белгиланади. АҚШ Конс-

титущияси мавжудлиги одил судлов ташкил этилишига ўзгартиришлар киритиш масаласида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам суд органларининг эркинлигини чеклайди.

Учинчидан, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш ажратиш принципини амалга ошириш қонунларнинг конституциявийлиги устидан суд назоратини жорий этиш билан тўлдирилади. Унда АҚШ Олий Суди ҳуқуқни қўллаш органидан кўра қонун чиқарувчи органни эслатади. Бу айниқса у ярададиган норма кўриб чиқилаётган ишга эмас, балки келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган ишга жорий этилишига тегишлидир.

Тўртинчидан, суд амалиёти устуворлик ролининг сақлаб қолиниши соҳа қонунчилигининг жадал ривожланиши билан қўшиб олиб борилади. Бироқ, унинг кодекслаштирилиши, роман-олмон ҳуқуқидан фарқ қилган ҳолда кўпроқ ҳужжатлар ва нормаларни жамлаш кўринишида юз беради. Қонунлар тўпламлари амал қилувчи ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўпламлари ва қонунлар мажмуи тури сифатида хизмат қилади. Бешинчидан, Англия ва АҚШнинг ҳуқуқий атамаларида анчагина фарқлар кузатилади.

Олтинчидан, Америка прецеденти Англия прецедентига қараганда ҳаракатчандир. Масалан, АҚШ Олий Суди ва штатларнинг олий судлари ўз прецедентлари билан боғланмаган. Илгари қабул қилинган қарорларга ўзгартириш киритишга ёки прецедентдан воз кечишга расмий тақиқлар йўқ. Суд аниқ бир ишни кўриб чиқишда асосий ҳолатлар тегишли қўлланиладиган прецедент фактларини қайта баҳолайди.

5-§. Америка ҳуқуқи ривожланишининг замонавий тенденциялари

Америка ҳуқуқи манбалари ўртасидаги нисбатни таҳлил этиб, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив ҳужжатлари салмоғи ўсганлигига эътиборни қаратиш зарур. Америка ҳуқуқи бўйича айрим ҳуқуқшунос олимлар ушбу фактга асосланиб АҚШ ҳуқуқий тартибга солиш механизмида суд прецедентининг аҳамияти тушиб кетганлиги тўғрисидаги масалани кўтариб чиқмоқдалар. Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, АҚШнинг замонавий ҳуқуқида юз бераётган жараёнлар анча чуқур бўлиб, уларга бир томонлама баҳо бермаслик керак.

Америка судлари ўз қарорларида суд прецедентларига эмас, балки қонунларга ҳавола қилиши факти суд прецедентларининг роли тушиб кетганлигидан эмас, балки умуман АҚШ ҳуқуқий тизими такомиллашганлигидан далолат беради. Илгари судларнинг нуқтаи назарига тушмаган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар доирасининг доимий равишда мураккаблашуви ва кенгайиши уларни ижтимоий муносабатлар тўлиқроқ тартибга солинган қонунларга мурожаат қилишга мажбур этади. Бироқ судлар кейинчалик ҳам қонунга, ҳам суд прецедентига ёки фақат суд прецедентига ҳавола қилишлари мумкин. Шунингдек, олдинроқ бўлгани сингари қонун унга судлар таянган тақдирдагина амал қилувчи қонунга айланади. Акс ҳолда унинг нормалари ўлик бўлади.

Шундай қилиб, асосий воситаларидан бири суд прецеденти ҳисобланган АҚШ ҳуқуқий тартибга солиш механизми моҳиятдан жуда секинлик билан ўзгармоқда. Бу табиий ҳодисадир. Чунки у уч юз йилдан ортиқ тарихга эга ва яна кўп-лаб йиллар гуллаб яшнади. Асрлар давомида шаклланган ва доимий равишда замонавийлаштирилган ҳамда такомиллаштирилган юридик механизмларни эса тубдан ўзгартириш амалда мумкин эмас.

Ҳозирда ҳам АҚШ ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш давом этмоқда. XXI аср бошидаги ижтимоий ривожланиш Америка жамияти олдига муҳим муаммоларнинг бутун бир мажмуини қўймоқда. Улар орасида ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш муаммоси ҳам бор. Бир қанча ҳуқуқшунос муаллифлар умуман умумий ҳуқуқ ва хусусан АҚШ ҳуқуқи архаик, улкан, мослашувчан бўлмаган ва замонавий Америка жамияти ҳодисаси эҳтиёжларига мослашмаган деб ҳисоблашади. Бизнинг нуқтаи-назаримизга кўра бундай тезис билан келишиб бўлмайди.

Ҳақиқатдан ҳам, Америка ҳуқуқи ўз норматив материалига кўра оддий эмас, у жуда катта ҳажмда. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, фан-техника тараққиёти имкониятлари ва компьютерлаштириш Америка ҳуқуқшуносларига жуда кўп миқдордаги ҳуқуқий нормаларни билиш ва уларни бошқа ҳуқуқий тизимлар ҳуқуқшуносларидан кам бўлмаган даража тезкорлик билан қўллаш имкониятини беради.

Демак, АҚШ ҳуқуқий тизими ўзида объектив воқеликнинг мураккаб, комплекс, динамик ҳодисасини ифодалайди. У замонавий Америка жамиятига хос бўлган барча жараёнлар билан мустаҳкам ўзаро алоқадир. Уни тўғри баҳолаш ва

ривожлантириш тенденцияларини башорат қилиш ушбу мамлакат тарихини, хусусан Америка Конституцияси ва Америка штатлари конституцияларининг тарихий эволюцияси хусусиятларини, шунингдек, замонавий Америка жамиятининг ички қарама-қаршиликлари ва ҳуқуқий муаммолари бутун хилма-хиллигини теран билишни тақозо этади.

14-мавзу бўйича назорат саволлари

1. АҚШ ҳуқуқий тизимининг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?
2. Америка ҳуқуқининг асосий манбалари қандай тавсифланади?
3. Америка ҳуқуқий тизимининг тарихий ривожланиш даврларини биласизми?
4. Америкада қонунчиликни кодификациялаш ва тизимлаштириш қандай усуллар ёрдамида амалга оширилади?
5. Замонавий Америка ҳуқуқининг ривожланиш тенденцияларини тавсифлай оласизми?

«Умумий ҳуқуқ оиласи унинг асоси бўлган инглиз ҳуқуқидан ташқари бирмунча истиснолар билан барча инглиззабон мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларини ўз ичига олади. Умумий ҳуқуқнинг таъсири Англия билан сиёсий алоқаларга эга бўлган барча мамлакатларда бўлмаса ҳам жуда кўпчилик мамлакатларда (яъни Британия Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар) катта эди. Ушбу мамлакатлар бир қанча соҳаларда ўзларининг анъаналари, муассасалари ва концепцияларини сақлаб қолган бўлишлари мумкин, бироқ Англия таъсири, бир томондан, таъмурий ва суд органлари, суд процесси ва исбот қилиш тизими, иккинчи томондан уларда Англия ҳуқуқи модели бўйича қурилганлиги ва тартибга солиниши туфайли ушбу мамлакатлар ҳуқуқшунослари тафаккурида чуқур из қолдирган».

Рене Давид, Француз компаративисти

«Умумий ҳуқуқ оиласига турли қитъаларда жойлашган, иқтисодий ривожланиши даражаси, маданияти ва анъаналари бўйича бир-биридан фарқ қилувчи мамлакатлар катта гуруҳининг ҳуқуқий тизимлар киради. Америкада бу Канада ва Кариб денгизи ҳавзасидаги бир қанча давлатлардир. Австралия ва Океанияда - Австралия иттифоқи, Янги Зеландия ва бир қанча орол давлатлардир. Африкада - Нигерия, Гана, Кения, Уганда, Танзания, Замбия ва бошқалар. Европада - Ирландия. Уларнинг барчасини улар ўз вақтида Англияга муайян даражада қарам бўлганлиги, бу Англия ҳуқуқининг, шу жумладан умумий ҳуқуқнинг тўғридан-тўғри таъсирига олиб келганлиги ва прецедент принципининг ўзини ўзлаштириш, суд амалиётини ҳуқуқ манбаи сифатида эътироф этиш юз берганлиги бирлаштиради».

И.Ю.Богдановская, Россиялик ҳуқуқшунос.

15 – мавзу. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари

1-§. Англия умумий ҳуқуқининг жўғрофий кенгайиши.

2-§. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари миллий-ҳуқуқий тизимларини таснифлаш.

**3-§. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг пре-
цедентлик ҳуқуқи ва умумий ҳуқуқий мероси.**

**4-§. Канада, Австралия ва Янги Зеландия ҳуқуқий
тизимларининг хусусиятлари.**

– Англия ҳуқуқи ва маҳаллий одат ҳуқуқининг ўзаро
нисбати;

– ҳуқуқ манбалари;

– суд тизими.

1-§. Англия умумий ҳуқуқининг жўғрофий кенгайиши

Англия умумий ҳуқуқи Англия мустамлакачилик сиё-
сати натижасида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига кенг
ёйилган. Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг камида тўрт-
дан бир қисми – бу Британия Ҳамдўстлигига кирувчи мам-
лакатларнинг ҳуқуқий тизимларини ташкил этади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳозирги замонда мавжуд
ҳуқуқий тизимлар бўлган умумий ҳуқуқ, мусулмон ҳуқуқи,
роман-олмон ҳуқуқи ва бошқаларни ифодалайди. Ҳуқуқий
алоқаларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги Англия
умумий ҳуқуқининг Ҳамдўстлик мамлакатларининг миллий
ҳуқуқий тизимлари ривожланишига кўрсатган таъсири билан
белгиланади. Кўпчилик миллий ҳуқуқий тизимлар хилма-хил
эканлигига қарамай Англия умумий ҳуқуқини ўз таркибига у
ёки бу вариантда киритадилар. Айни мана шу ҳолат Ҳам-
дўстликда миллий ҳуқуқий тизимлар ўхшашлигини келтириб
чиқаради.

Мустамлакачилик замонида Англия умумий ҳуқуқи ке-
йинчалик Британия Ҳамдўстлигининг мустақил аъзоларига
айланган Британия доминионлари ва қарам ҳудудларда ил-
диз отган. Англия ҳуқуқи гарчи анча тафовутлар билан бўл-
сада, Британиянинг барча мустамлакаларида амал қилган.
Бир қолишга солинган маҳаллий ҳуқуқий тизим мавжуд бўл-
маган жойда Англия ҳуқуқи амал қилувчи ягона ҳуқуқий ти-
зимга айланган. Бу гуруҳга биринчи навбатда кўчманчилик
тоифасига кирувчи мустамлакаларга, яъни метрополиядан
(Англиядан) кўчиб келганлар томонидан эгалланган ҳамда
Британия тожи томонидан аннексия қилинган ҳудудларга те-
гишлидир. Уларга Канада, Австралия, Янги Зеландия, Кариб
денгизи ҳавзаси ҳудуди кирган. Англиялик муҳожирлар ўз

шахсий ҳуқуқи сифатида Англия ҳуқуқини ўзлари билан олиб келадиган умумий принцип мана шундай амал қилган.

Мустамлакаларнинг иккинчи гуруҳига босиб олиш ёки цессия йўли билан эгалланган ва Британия тожига бўйсиндирилган ҳудудлар кирган. Агар тегишли мустамлакада ҳуқуқий тизим мавжуд бўлса, фақат инглиз ҳуқуқи қўлланилган. Бунгача маҳаллий аҳоли жойлашган ва ўз ҳуқуқи амал қилган мустамлакаларда бунгача мавжуд бўлган ҳуқуқ амал қилишда давом этган, Британия тожи томонидан ўзгартирилган ҳоллар бундан мустаснодир. Англияга бу ерда мутлоқ ҳокимият тегишли бўлмаган. Англия ҳуқуқи, шунингдек, ўз мустамлакаларида яшовчи инглизларга нисбатан ҳам қўлланилган (масалан, никоҳлар Англия ҳуқуқи бўйича қайд этилган). Мустамлакага Англия умумий ҳуқуқининг жорий этилиш ишларида суд амалиёти кўмаклашган. Умумий ҳуқуқ алоҳида ишларни кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинган суд қарорлари орқали амалиётга ёйилган. Бунда Англия прецеденти ҳамма вақт андоза (эталон) бўлган. Англия олий судлари ўз қарорларида инглиз ҳуқуқи ҳукмронлик қилган барча ҳудудлардаги судлар ушбу ҳуқуқни имкони борича метрополия судлари талқинига яқин шарҳлаш жуда муҳим эканлиги ҳақида сўзлаганлар.

Доминионлар ва қарам ҳудудларда Англия умумий ҳуқуқи ёйилишига Махфий кенгаш қарорлари ҳам анча таъсир кўрсатган. Унинг юрисдикцияси империянинг барча қисмларига ёйилган ва умумий ҳуқуқ суд ишларини кўриб чиқишда охириги инстанция ҳисобланган.

Умумий ҳуқуқ ҳуқуқнинг турли тармоқлари амал қилишини белгилаб берган. Британия Ҳамдўстлигининг деярли барча инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларида маҳаллий легислатуралар ёки Кенгаш буйруқлари билан қабул қилинадиган рецепция тўғрисидаги статутлар мавжуд бўлган. Уларда умумий қоида мавжуд бўлиб, унга мувофиқ Англиянинг мавжуд бўлган қонунлари мустамлакада албатта кучга эга бўлган. Қонун деганда бунда статутлар (парламентнинг ҳужжатлари), умумий ҳуқуқ, адолат ҳуқуқи тушунилган.

Ҳуқуқнинг кўпгина соҳаларини кодекслаштириш ҳам Англия ҳуқуқнинг доминионлар ва қарам мамлакатларга кўчирилиши методи бўлиб хизмат қилган. Миллий мустақиллик эълон қилинганлиги муносабати билан Конституция тўғ-

рисидаги Кенгашда қабул қилинадиган буйруқлар континуи-тет принципини мустаҳкамлаган. Одатда буйруқда унга муво-фиқ мавжуд ҳуқуқ ушбу буйруқ амалга киритилгандан кейин ҳам кучда қолишда давом этиши ҳақидаги қоида мавжуд бўлган. Кенгашдаги буйруқлар «мавжуд ҳуқуқ» атамаси ости-да нима тушинилишини изоҳлаган, мустақил давлат ташкил топишидан анча илгари пайдо бўлган соҳаларда (жиноят, фуқаролик) олдинги ҳуқуқнинг таъсири кучли бўлган.

Англия умумий ҳуқуқининг амалдаги миллий ҳуқуқий тизимнинг муҳим элементларидан бирига айланишининг тарихий илдизлари ва механизми мана шундан иборатдир. Албатта, Англия умумий ҳуқуқи нормалари миллий легислатуралар томонидан янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ёхуд умумий ҳуқуқ нормаларини статут ҳуқуқ норма-лари билан алмаштиришга олиб келувчи ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим соҳаларини кодекслаштириш оқибатида за-монавийлаштирилганлиги тушунилади. Бироқ шунга қарамай умумий ҳуқуқ ва суд прецеденти асосий манбалардан бири сифатида миллий ҳуқуқий тизимнинг бир қисми бўлиб қол-ган.

2-§. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари миллий ҳуқуқий тизимларини таснифлаш

Ҳозирги вақтда Ҳамдўстлик мамлакатларида умумий ҳуқуқ ёки Англия умумий ҳуқуқи амал қилади. Ҳамдўст-ликка кирувчи Англия умумий ҳуқуқидан кўра бошқа ҳуқуқ тизимлари амал қилувчи ва миллий ҳуқуқий тизимнинг бир қисми сифатида умумий ҳуқуқ тизими умуман маълум бўл-маган давлатларни санаш осонроқ. Мальта мана шундай дав-латлардандир. Ушбу давлатда статутга асосланган ҳуқуқ мавжуд бўлишининг ягона шакли ҳисобланади. Зимбабве, Свазиленд, Лесото, Ботсвана, Шри-Ланканинг ҳуқуқий ти-зимлари асосини роман-олмон ҳуқуқи ташкил этади. Умумий ҳуқуқ мавжуд бўлмаган мамлакатларга Бангладеш, Мальдив ороллари ҳам киради (уларда ҳуқуқий тизим асосини му-сулмон ҳуқуқи ташкил этади).

Британия Ҳамдўстлигининг қолган мамлакатларида Анг-лия умумий ҳуқуқи миллий ҳуқуқнинг элементларидан бири-ни ташкил этади. Уларнинг айримларида Англия умумий ҳуқуқи мамлакат ҳуқуқий тизимининг асосини ташкил этади

(Антигуа ва Барбуда, Багам ороллари, Барбадос, Белиз, Гренада, Доминикан Республикаси, Нигерия, Сент-Винсент, Вануату, Тринидад ва Тобаго, Ямайка).

Британия Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатларида Англия умумий ҳуқуқи ҳуқуқнинг айрим тармоқларида ва муайян ҳуқуқий тартибга солиш соҳаларида қонун ҳужжатлари ёки кодекслар билан тўлдирилган. Австралия штатларининг ҳуқуқий тизими Англия умумий ҳуқуқига асосланган, айрим татларда умумий ҳуқуқнинг нормалари кодекслаштирилган (жиноят ҳуқуқи соҳасида).

Умумий ҳуқуқ амал қиладиган Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг кейинги гуруҳига Англия умумий ҳуқуқини миллий ҳуқуқий тизимнинг элементларидан бири сифатида қабул қиладиган, бироқ унинг амал қилишини махсус қоидалар билан шартлайдиган ҳамда умумий ҳуқуқ амал қиладиган мамлакатларни киритиш мумкин. Масалан, Тонгода Англия ҳуқуқи тегишли нормалар бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Фарбий Самоанинг ҳуқуқий тизими миллий ҳуқуқнинг амалдаги манбаларига Англия умумий ҳуқуқи ва адолат ҳуқуқининг принциплари ва нормаларини, агар улар Конституцияга, парламент ҳужжатларига ва одат ҳуқуқига зид бўлмаса, ёхуд мамлакат шароитларига уларни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда амал қилувчи манбалар сифатида киритилади. Бу ерда 1961 йил 1 январгача Англияда амал қилган умумий қўлланиладиган Бирлашган Қироллик Парламенти ҳужжатлари ҳам миллий ҳуқуқ манбалари ҳисобланади.

Папуа-Янги Гвинеянинг 1975 йилги Конституцияси ҳуқуқ манбалари тизимини мустаҳкамлайди. Ҳуқуқ манбаларига Конституция асосида қабул қилинган органик қонунлар, парламент ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан биргаликда асос бўлган (ёки умумий) ҳуқуқ ҳам тегишлидир. Асос бўлувчи ҳуқуқ урф-одатларни, шунингдек, Англиянинг умумий ҳуқуқи ва адолат ҳуқуқи принципи ва нормаларини улар мамлакат Конституциясига, унинг статутлари, урф-одатлари ва шарт-шароитларига мос бўлган даражада ўз ичига олади.

Англия умумий ҳуқуқи қўлланилишининг вариантларидан бири Британия Ҳамдўстлигининг умумий ҳуқуқ нормалари одатдаги ҳуқуқ билан биргаликда қўлланиладиган мамлакатларида мавжуддир. Кирибатида фуқаролик ва жиноий

юрисдикция Англияда 1961 йил 1 январгача амал қилган умумий қўлланиладиган Англия статутлари принципларига ҳамда Англия умумий принципларига ва адолатлилик доктриналарига мувофиқ амалга оширилади. Маҳаллий урф-одат судлар томонидан ажралишларга ва рўйхатдан ўтказилган шартномалардан келиб чиқувчи низоларга нисбатан қўлланилади. Тувалуда Англия ҳуқуқи нормалари (статутлар, умумий ҳуқуқ, ҳуқуқнинг айрим соҳаларида адолат ҳуқуқи) нормалари билан биргаликда одат ҳуқуқ нормалари амал қилади. Бу қоида ердан фойдаланиш, фарзандликка олиш, шахсий ҳуқуқ масалаларига тегишлидир.

1964 йилги Малави мустақиллиги тўғрисидаги буйруқ мамлакатда 1902 йил 11 августгача Англияда амал қилган умумий қўлланиладиган статутлар, шунингдек, Англия умумий ҳуқуқи принциплари ва адолат ҳуқуқи доктринаси қўлланилишини белгилаган. Шу билан биргаликда анъанавий судлар томонидан одат ҳуқуқи қўлланилади. У эса ўз навбатида умумий ҳуқуқ принциплари ва адолат ҳуқуқи доктринаси қўлланилишини белгилаган. Шу билан биргаликда анъанавий судлар томонидан одат ҳуқуқ қўлланилади. Ундан умумий ҳуқуқ иш ҳолатларига мувофиқ келган тақдирда бошқа судлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Сьерра-Леонеда ҳам аҳвол худди шундай. Мамлакатнинг ҳуқуқий тизимини умумий ҳуқуқ, адолат ҳуқуқи доктринаси, Англияда 1881 йил 1 январгача амал қилган умумий қўлланилишдаги статутлар ҳамда қоидага кўра мамлакатда яшовчи турли жамоаларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқ нормалари ташкил этади. Угандада Конститутция, ҳуқуматнинг ҳужжатлари ва декретлари, Англия статутлари, Англия умумий ҳуқуқи ва адолат ҳуқуқ доктринаси ҳамда мамлакатнинг одат ҳуқуқи ҳуқуқ манбалари деб эълон қилинади. Наурунинг ҳуқуқий тизими ўзига хосдир. Мамлакатда Англияда муайян санада кучга эга бўлган умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқи принциплари ва нормалари, Австралия ва Папуанинг айрим статутлари, Квисленда муайян санада амал қилувчи Англия ҳужжатлари, статутлари ва қонунларининг бир қисми ҳамда маҳаллий аҳолининг урф-одатлари қўлланилади. Британия Ҳамдўстлигининг аралаш ҳуқуқий тизимлар мавжуд бўлган мамлакатлари алоҳида гуруҳни ташкил этади.

3-§. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг прецедентлик ҳуқуқи ва умумий ҳуқуқий мероси

Англия умумий ҳуқуқи Британия Ҳамдўстлиги ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланган. Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари ўхшашлиги юридик тафаккур, ҳуқуқий доктрина, суд амалиётининг яқинлигини келтириб чиқарган.

Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг суд амалиётида қиёсий прецедентлик ҳуқуқи кенг ёйилган. «Ҳамдўстлик ҳуқуқи бюллетени» журнали ноширлари ҳуқуқшунослар ўз мамлакати ва Англиянинг прецедентлик ҳуқуқини билиш билан чекланган вақтлар ўтмишда қолиб кетди, деб ёзадилар. Англия суд ишлари Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари судларида ва ҳуқуқшунос олимларнинг асарларида кенг иқтибос олинади. Бироқ Англия судлари ҳам Ҳамдўстлик мамлакатларининг прецедентлик ҳуқуқига таянади. Ушбу амалиёт ўзаровийлик касб этади.

Папуа-Янги Гвинея Конституцияси ишончли кучига кўра миллий суд тизими доирасидан ташқарида бўлган судлар ва трибуналларнинг қарорлари ёки фикрларига мурожаат қилиш учун тўсиқлар мавжуд эмаслигини белгилаб судлар томонидан бошқа мамлакатларнинг прецедентидан фойдаланиш мумкинлигини махсус қайд этади.

Хорижий прецедентлардан Ҳиндистон Олий суди амалиётида кенг фойдаланилади. Малайзиянинг Олий суди ҳам Ҳиндистоннинг Олий суди қарорларига катта аҳамият беради. Канада ва Австралия судлари ўз қарорларида Англиянинг олий судлари амалиётига таянади.

Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг суд амалиётида прецедентлардан ўзаро фойдаланиш барча учун Ҳамдўстликнинг умумий ҳуқуқи шаклланаётганлигини англатмайди. Агар бу миллий қонунчиликда махсус қайд этилмаган бўлса хорижий прецедентлар мамлакат ҳудудида мажбурий кучга эга бўлмайди. 1963 йилда Австралиянинг Олий суди Англияда жиноят ишлари учун раҳбарий аҳамиятга эга бўлган прецедент Австралия учун мажбурий деб талқин қилиниши керак эмаслигини махсус белгилаган.

Мустақиллик йилларида Британия Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатларида ўз ҳажмига кўра катта бўлган

прецедентлик ҳуқуқи шаклланди, Англия прецедентлари бу мамлакатларда хорижий прецедентлар ролини ўйнайди ва мажбурий кучга эга эмас. Улар ишонтирувчи ҳаракат (Persuasive authority) прецеденти кучига эгадир. Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари судлари қарорларига ҳам худди шу ҳол тегишлидир, яъни уларга кўпинча бошқа мамлакатлар судларида ишонтирувчи ҳаракат прецеденти берилади.

Британия Ҳамдўстлигида умумий ҳуқуқ бирор-бир миллий ҳуқуқий тизимни яратмасдан шу билан бирга «умумий ҳуқуқий мерос» (Common Legal Heritage) сифатида баҳоланади. Кейинги вақтларда «Ҳамдўстликнинг ҳуқуқий мероси»га бўлган қизиқиш ошаётганлиги кузатилмоқда. Шу муносабат билан Ҳамдўстликда «Ҳамдўстлик суд ҳисоботлари»нинг янги туркуми нашр этила бошланди. 1985 йилда учта жилд нашр этилди («Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ бўйича ҳисоботлар», «Жиноят ҳуқуқи бўйича ҳисоботлар», «Савдо ҳуқуқи бўйича ҳисоботлар»).

Аниқ масалалар бўйича қонунчилик ишлаб чиқилиши юзасидан мутахассислар тайёрланиши умумий ҳуқуқий меросининг қўллаб-қувватланишига кўмаклашади. 1984 йилда Малавида Англия намунаси бўйича моделлаштирилган компаниялар тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Компаниялар тўғрисидаги шунга ўхшаш қонун 1986 йилда Вануатуда қабул қилинди. Қонун лойиҳалари айни бир хил мутахассислар томонидан тайёрланди. Мазмунига кўра Англиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунларига ўхшаш қонунлар Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларида ҳам (Австралия, Гана, Канада, Кариб ҳавзаси мамлакатлари) амал қилади. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларида адлия вазирлари ва адлия соҳасидаги бошқарув билан боғлиқ мансабдор шахсларнинг кўп сонли конференциялари ва учрашувлари ҳам ушбу йўналишга хизмат қилади. 1964 йилдан бошлаб Лондонда Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳукуматларининг ҳуқуқий маслаҳатчиларини ўқитиш учун йиллик курслар ўтказилади. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик адлия вазирлари, бош судьялар, прокурорлар лавозимига тайинландилар. Машғулотлар халқаро оммавий ҳуқуқ, қонун лойиҳалари тайёрлаш техникаси, халқаро савдо ва хўжалик ҳуқуқи каби фанлар бўйича олиб борилади.

Ҳамдўстлик доирасида ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг учта дастури амалга оширилади (жиноят ишлари, жиноятчиларни ва ҳукм этилган ҳуқуқбузарларни қайтариб бериш). Котибиятнинг юридик бўлими Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун қонун ҳужжатлари моделларини ва бошқа материалларни ишлаб чиқади. Бироқ ушбу фаолият жиноятчиликка қарши курашнинг кенгроқ мақсадларини ҳам кўзлайди. Гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилишни ва уларни суиистеъмол қилишни тугатиш юзасидан қонунчилик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилади. Ушбу иш фақат Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларгагина эмас, балки умуман жаҳон ҳамжамиятига тегишлидир. Умумий ҳуқуқ Британия Ҳамдўстлигининг замоннинг глобал м. имоларини ҳал этишда тобора фаол рол ўйнашга интилиш билан боғлиқдир.

4-§. 1 Канада, Австралия ва Янги Зеландия ҳуқуқий тизимлари хусусиятлари: Англия ҳуқуқи ва маҳаллий одат ҳуқуқининг ўзаро нисбати

Англия умумий ҳуқуқи бошқа мамлакатларга ёйилганлиги ҳам умумий ҳуқуқ оиласи хусусиятларидан биридир. Англия юридик тафаккурининг ўзига хослиги, ҳуқуқий масалаларга ёндашиш, судлар томонидан ҳуқуқ яратилишининг тарихий жараёни билан белгиланган мамлакатларнинг бутун бир гуруҳи шаклланган.

Англия умумий ҳуқуқининг ёйилиши жараёни Бирлашган Қиролликнинг ўз мустамлакалари билан муносабатларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб турлича бўлган. Агар Қўшма Штатларнинг мустақилликни қўлга киритиши мамлакат ҳуқуқи ривожланишининг ўзига хослигида ифодаланган бўлса, Канада, Австралия ва Янги Зеландия анча узоқ вақт Англия ҳуқуқининг ушбу мамлакатлар ҳудудидаги тўғридан-тўғри таъсирига дуч келганлар. Уларда прецедент принципини шунчаки ўзлаштириб олишгина эмас, балки Англия умумий ҳуқуқининг ўзи кўп жиҳатдан миллий ҳуқуқий тизимларда илдиз отган.

Ушбу мамлакатлар бир қанча ҳуқуқ соҳаларини ривожлантиришда эски инглиз қонунларини, жумладан аёнанавий фуқаролик ҳуқуқи соҳалардаги қонунларни замонавийлаш-

тириш йўлидан бормоқда. Масалан, олди-сотди шартномаси Канада, Австралия ва Янги Зеландияда 1893 йилги товарлар сотиш тўғрисидаги инглиз қонунига асосланади. Ушбу муносабатларнинг бундан кейинги ривожланиши анча хусусийроқ масалаларни тартибга солувчи алоҳида ҳужжатларни қабул қилиш йўлидан борди. Австралияда мураккаблик шундан иборат эдики, Конституцияга мувофиқ федерал парламент олди-сотди муносабатларини тартибга солиш ваколатига эга эмас, бироқ корпорациялар фаолиятини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиши мумкин. 1974 йилги савдо амалиёти тўғрисидаги Австралия қонуни корпорация сотувчи бўлган муносабатларга тегишли эканлиги мана шундан келиб чиқади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Англия ҳуқуқининг собиқ ҳудудий ҳаракатлари дастлаб статут ҳуқуқ билан (1865 йилги мустамлакачилик қонунларининг ҳақиқийлиги тўғрисидаги қонун) чекланади, сўнгра эса унинг амал қилиши 1931 йилги Вестминстерлик статуту билан аниқланади.

Канаданинг 1982 йилги Конституцияси (2-модда) Конституция қабул қилингандан кейин Англия ҳужжатлари Канадага ёйилмаслигини ва унинг ички ҳуқуқининг бир қисми эканлигини тўғридан-тўғри кўрсатади.

Умумий ҳуқуқ оиласига кирувчи мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг умумий ўзаро таъсири замонавий умумий ҳуқуқ оиласининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу «ишончли прецедент» принципи кенг қарор топиши билан боғлиқдир. Бир суд иерархиясида тасдиқланган суд қарори мажбурий прецедент, яъни ҳуқуқ манбаи бўлиши бошқа суд иерархияси суди (жу жумладан бошқа мамлакат) ишончли бўлиб туюлиши мумкинлиги, суд у асосида ўз қарорини қабул қилиши ва шундай қилиб хорижий прецедент суд мамлакати ҳуқуқининг манбаига айланиши мумкинлигини қайд этади.

Масалан, Австралиянинг янги Жанубий Уэльс апелляция суди томонидан белгиланган прецедент Виктория штати Олий суди учун ишончли бўлиши мумкин. Австралиянинг Олий суди томонидан белгиланган прецедент Канаданинг Олий суди учун ишончли бўлиши мумкин ва ҳақозо. Инглиз-саксон ҳуқуқий оиласининг ҳуқуқий тизимларида прецедентларнинг бундай «кўчиб» юриши етарлича асосли қарор топди. Масалан, Янги Зеландия прецедентлик ҳуқуқининг эллик фоизи

Шимолий Қиролликдан, ўн фоизи Австралиядан, қолган қисми (аниқ маълумотлар йўқ) Канададан келиб чиқади. Австралида прецедентлик ҳуқуқининг учдан бир қисми Англия прецедентларининг ишончилигидан, бир фоизига яқини Янги Зеландия прецедентларидан келиб чиқади. Ҳатто Буюк Британиянинг ўзи прецедентларни Австралия, Канада ва Янги Зеландиядан (умуман бир фоизга яқин) олади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари анча ўхшашроқ, бу жиҳатдан инглиз-саксон ҳуқуқ оиласида у Америка ҳуқуқига зид туради. Лекин шунга қарамай ҳамма вақт Америка ҳуқуқининг Канада, Австралия ва Янги Зеландияга рақобатлашувчи таъсири кузатилади (айниқса бу биринчи жаҳон урушидан кейин кучайди). Бу биринчи навбатда Канадага тегишлидир. Иккинчи томондан Канада ва Австралиянинг Америка ҳуқуқига қизиқиши бир қанча муаммоларнинг ўхшашлигидан (умумий ҳуқуқда ёзиб қўйилган Конституциянинг амал қилиши, Федерация ва унинг субъектлари ҳуқуқининг ўзаро алоқаси) келиб чиқади.

Инглиз-саксон ҳуқуқий оиласи аънаналарида ҳуқуқ тармоқлари ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг муайян сони мавжуд бўлган тақдирда шаклланади. Замонавий умумий ҳуқуқда аънавий тармоқлар (фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, жиноят ҳуқуқи ва поцесси, конституциявий ҳуқуқ) билан биргаликда болалар ҳуқуқи, темир йўл ҳуқуқи, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқи, шаҳарларни режалаштиришни тартибга солиш ҳуқуқи билан тўлдирилади. Кўплаб тармоқлар янада ривожлантирилди. Мисол учун савдонинг янги шакллари ривожланиши муносабати билан олди-сотди шартномаси янги мазмун билан тўлдирилди. Деликт ҳуқуқидан ажралган ҳолда ижтимоий суғурта ҳуқуқи ривожланди. Меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи каби тармоқлар ҳуқуқий ва ижтимоий тизимларнинг ўзаро ҳамкорлигини ёрқин намоён қилди.

Ҳозирги замонда туб аҳолининг (Австралия аборигенлари, Янги Зеландия маорилари, Канада ҳиндулари) ҳуқуқлари муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Бу ерда сўз туб аҳолининг аҳолини ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида эмас (бундай қонунлар ҳар уччала мамлакатда мавжуддир – ҳиндулар тўғрисидаги Канада қонуни, 1962 йилги маорилар тинчлиги тўғрисидаги Янги Зеландия қонуни ва бошқалар), балки

миллий ҳуқуқий тизимларнинг туб аҳоли одат ҳуқуқи билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида бормоқда. Мустамлакачилар ўзлари билан босқинчилик кучи билан қарор топган ҳуқуқни олиб келганликларига қарамай, туб аҳолининг ижтимоий нормалари ва урф-одатларини бутунлай йўқотиб юбориш мумкин эмас эди. Муаммо шундан иборатки, аборигенларнинг ижтимоий адолат тўғрисидаги тасаввурлари, уларнинг диний эътиқодлари уларга алоҳида ёндашишни белгилаб беради. Бироқ, қоидага кўра, ушбу мамлакатларга олиб келинган ҳуқуқ бутун аҳоли учун мажбурий ҳисобланади.

Янги Зеландияда 1852 йилда қабул қилинган конституциявий ҳужжат билан (71-модда) қироличага маори урф-одатларига қонун кучини берувчи ҳужжатларни чиқариш ваколати берилди, шунингдек, урф-одатлар Англия қонунига зид бўлиши асосида ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Бироқ ушбу қоида гарчи бекор қилинмаган бўлса ҳам ҳеч қачон қўлланилмади. 1861 йилги ер тўғрисидаги Қонун билан маори қабиласига мансуб аҳолининг ердан фойдаланиш ишлари тўғрисидаги қонуни бўйича махсус суд ташкил этилди, 1894 йилда эса маори апелляция суди жорий этилди. Ишларни кўриб чиқишда маориларнинг одат ҳуқуқини умумий ҳуқуқ нормаларига кўчириш юз берди, бу судьяларнинг фикрича, одамларнинг жамоа коммунизми давлатидан мулкка алоҳида эгаллик қилиш мумкин бўлган давлатга ўтишларига кўмаклашди.

Австралияда XIX аср охирида барча аҳоли (оқлар ва қора танлилар) учун ягона ҳуқуқий тизим шаклланди.

Одат ҳуқуқни эътироф этиш фактини бир хилда баҳолаб бўлмайди; у анъанавий равишда умумий ҳуқуққа йўналтирилган ҳуқуқни қўллаш органлари фаолиятини қайта кўриб чиқишга олиб келади. XIX асрнинг 70-йиллари охирида Австралиянинг бир қанча штатларида аборигенларнинг умумий ҳуқуқини эътироф этиш масаласи бўйича комиссиялар ташкил этилди. Ушбу масалани муҳокама қилишда суд фаолиятига, аборигенлар учун махсус судлар ташкил этишга (Ши-молий ҳудуд), аборигенлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш учун судларни танлаш (Ғарбий Австралия)га катта эътибор берилди. Квислендда аборигенлар ва Торресова бўғози оролларида яшовчилар учун суд фаолият кўрсатади.

Агар туб аҳолининг одат ҳуқуқи амал қилиш муаммоси уччала мамлакатнинг миллий ҳуқуқий тизимларида мавжуд бўлса, Канада ва Австралия ҳуқуқи ривожланиши хусусиятлари ушбу мамлакатларда уларнинг федератив тузилиши туфайли федерал даражада ва федерация субъектлари даражасида бир қанча ҳуқуқий тизимлар амал қилиши билан мураккаблашади. Боз устига Канадада тарихий сабабларга кўра ўнга провинцияда умумий ҳуқуқ амал қилади, Квебек провинциясида эса роман-олмон фуқаролик ҳуқуқи ва умумий жиноят ҳуқуқи амал қилади. Чунки, ушбу провинцияга Франциянинг таъсири катта бўлган.

Австралиянинг ҳар бир штатида ва Канада провинцияларида ўз Конституцияси, қонунчилик, ижроия ва суд органлари фаолият кўрсатади. Уларнинг ваколатлари Конституция ва бошқа нормалар билан белгиланган. Австралия Конституцияси бўйича умумий ҳуқуқнинг «агар штат ҳуқуқи Иттифоқ ҳуқуқи билан мос келмаса, иттифоқ ҳуқуқи устунлик кучига эга; штатнинг ҳуқуқи иттифоқнинг ҳуқуқи билан мувофиқ келган даражада ҳақиқийдир» (109-модда) эканлигини белгилаб берувчи ягона умумий ҳуқуқ мустаҳкамланган. Мувофиқ эмаслик тушунчасини тарихан янги мазмун билан тўлдирилдиганлиги ҳамда 109-модда федерал ҳокимиятни мустаҳкамлашнинг яна бир ҳуқуқий шакли бўлишига қаратилган умумий тенденция кузатилади. Суд муҳокамасида ҳокимиятнинг икки даражаси учун умумий деб ҳисобланган қоидалар номувофиқлик принципини талқин қилишда фақат федерал ҳокимиятники сифатида тасдиқланар эди.

Федерал ҳуқуқ устунлиги принципи Канадада АҚШдаги каби конституциявий равишда мустаҳкамланган. Бироқ суд амалиёти доминион ҳуқуқи ва маҳаллий ҳуқуқ ўртасида тафовут бўлган тақдирда биринчиси устунлик қилишини белгилади. «Федерал умумий ҳуқуқ мавжудми?» деган саволга қатъий равишда салбий жавоб бериладиган АҚШдан фарқ қилган ҳолда Канада ва Австралияда бундай қатъий инкор этиш мавжуд эмас. Федерал умумий ҳуқуқни эътироф этишнинг асоси бўлган Конституция бўйича федерал тартибга соладиганлар рўйхатига кирувчи, бироқ федерал парламент улар бўйича тегишли қонун қабул қилмаган масалалар бўйича прецедентларнинг амал қилишидир. Бундан ташқари,

маҳаллий қонунга ёки прецедентга ҳавола қилиш орқали инкорпорация уларни федерал ҳуқуқ даражасига кўтаради.

У ёки бу даражадаги ҳуқуқий тизим чегаралари тўғрисидаги масала одатда суд тартибида ҳал этилади (баъзан тўғридан-тўғри вилоят (штат)нинг федерациясига даъволари шаклида). Бошқа бир йўналиш бутун федерацияда ҳуқуқнинг бирхиллиги белгиланишидир. Бундай муаммони тегишли қонун моделини ишлаб чиқувчи ҳуқуқий комиссиялар ҳал этади. Мураккаблик ваколатлар ажратилганлиги туфайли кўплаб тармоқлар вилоятлар (штатлар) даражасида ривожланишидадир. Масалан, Австралияда олди-сотди. Канадада никоҳга кириш вилоят ҳуқуқи билан, ажралиш-федерал ҳуқуқ билан тартибга солинади. Ҳар бир вилоятда ўзининг меҳнат ҳуқуқи амал қилади. Ушбу мамлакатларда амал қилувчи фуқаролик ҳуқуқи бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Англия ҳуқуқи таъсири ва тигиз тарихий ривожланиш ушбу мамлакатлардаги кўплаб ҳуқуқий қоидаларнинг ўхшашлигини келтириб чиқарди. Шу билан бирга манбалардан бошлаб ҳуқуқий тизимлар тавсифига тегишли хусусиятлар ҳам мавжуд.

Ҳуқуқ манбалари

Прецедент устунлик қилган ҳолда нисбатан тинч ва чекланган шароитда ёзиб қўйилган ёки ёзиб қўйилмаган қоидалар инглиз-саксон ҳуқуқий оиласи ҳуқуқи учун анъанавий ҳисобланади. Қонун ва прецедент нисбати муаммоси умумий ҳуқуқ мамлакатларида энг мунозарали масалалардан биридир.

Конституция – миллий ҳуқуқий тизимда алоҳида ўринда туувчи ҳужжатдир Австралия (АҚШдаги каби)да энг эски Конституциялардан бири бўлган (1900 йилги) Конституция амал қилади. Бирлашган Қиролликда бўлгани каби Янги Зеландияда ёзиб қўйилган Конституция мавжуд эмас, фақат Англия ва Янги Зеландия парламентларининг бир қанча ҳужжатлари мавжуд. Канадада эса Конституция ўзига ҳослиги билан ажралиб туради, чунки у ўзида бир ҳужжатни эмас, балки 1867 йилдан то 1982 йилгача қабул қилинган бир қанча қонунларни ифодалайди.

Канада ва Австралия Конституцияларининг ўзига ҳослиги уларнинг миллий давлат органлари томонидан ишлаб

чиқилганлигига қарамай Англия парламенти томонидан узил-кесил қабул қилинганлигида ва унинг ҳужжатлари таркибига киришидадир.

Австралия Конституцияси тўққиз моддадан иборат бўлиб, Австралия Конституцияси тўғрисидаги ҳужжатнинг таркибига киради. Дастлабки саккиз моддада ҳужжатга, тожга ва Иттифоққа тегишли айрим умумий қоидалар мавжуд, Конституциянинг ўзи эса тўққизинчи моддададир. 1867 йилги Британия Шимолий Америкаси тўғрисидаги ҳужжат (1867 йилги Конституциявий ҳужжат), шунингдек, Канада Конституциясининг ташкил этилиши бундан кейинги қабул қилинган ҳужжатлар ҳам Англия парламенти шаклида мавжуддир. 1982 йилги Конституциявий ҳужжат тўрт моддадан иборат Канада тўғрисидаги ҳужжатга А илова (француз тилида) ва Б илова (инглиз тилида)дадир.

Янги Зеландияда ёзиб қўйилган Конституция йўқ. Бу кўп жиҳатдан умумий ҳуқуқ ҳуқуқий тизимларнинг ўзига хослиги, энг аввало судларнинг ёзиб қўйилган нормага умумий муносабати оқибатидир. Англия судлари томонидан ҳужжатнинг муайян тузилмасини, нормаларни баён қилиш хусусиятини талаб қилувчи императив тусдаги тизим ишлаб чиқилган эди. Суд қонуннинг ҳар бир сўзи билан боғланган деган қоида қонунларни етарлича аниқ бўлишига олиб келди, ҳар ҳолда уларда қўлланиладиган тушунчаларнинг қўллаб тарифлари мавжуд эди. Акс ҳолда суд уларни прецедентлик ҳуқуқи кўрсатмаларидан келиб чиқиб талқин қилинган. Қонунни суд томонидан ўқиш ўз навбатида прецедентга айланган. Прецедент ёзиб қўйилган ҳуқуққа таъсир кўрсатди ва унинг ривожланишини белгилаб берган.

Ушбу мамлакатлар Конституциялари учун биринчи авлод Конституцияларига хос белгилар характерлидир. Улар қоидага кўра, давлат органларининг ваколатларини ҳамда федерация ва унинг субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлари принципларини белгилаш билан чекланадилар. Бу жиҳатдан Канада ўзига хос ўринга эга, чунки 1982 йилги конституциявий ҳужжат ўзининг биринчи бўлимида Ҳуқуқ ва эркинликлар хартиясини ифода этган. Ушбу хартия энг аввало суд тартибига қўллаш ва ривожлантиришга мўлжалланган умумий ҳуқуқ руҳида яратилган эди.

Умумий ҳуқуқ оиласида Конституция алоҳида ўринда туради. Конституциянинг устунлиги ғояси бу ҳнда прецедентнинг ҳукмронлигини белгиловчи ҳуқуқий фаълият билан тўқнашди. Ҳамдўстлик мамлакатлари Конституциялари нафақат ички ҳуқуқ учун, балки уларнинг сиёсий мустақиллигини ифодалаш учун ҳам муҳим рол ўйнади.

Ёзиб қўйилган конституциялар амал қилувчи Австралия ва Канадада уларнинг парламент ҳужжатларига нисбатан устунлиги конституциявий назорат институтининг ривожлантирилиши билан мустаҳкамланди.

Конституция ва конституциявий назорат муаммоси парламент суверенитети тўғрисидаги Англия доктринаси билан боғлиқдир, шу сабабли, Ҳамдўстлик мамлакатлари уни ўзларида фаол қўллашга интиланлар. Парламент суверенитети принципи (ёки қонунчиликнинг устунлиги) биринчи бўлиб Буюк Британияда қарор топган. Унинг моҳияти қўйидагилардан иборат: биринчидан, парламент – ҳуқуқий суверен, яъни қонунларни фақат у қабул қилиши, ўзгартириши, ёки тўлдириши мумкин; иккинчидан, парламент қайси масалани маъқул деса ўша масала бўйича қонунлар қабул қилиш мумкин; учинчидан, ҳеч бир орган парламент ҳужжатларининг ҳақиқийлигини шубҳа остига қўйа олмайди. Ушбу принципдан келиб чиқадиган энг муҳим ҳулоса шуки, у прецедентлик ҳуқуқида қонун мавжуд бўлишини асослади, бу эса ўз навбатида Буюк Британия учун жуда муҳимдир. Бу унинг доминионлари учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Гарчи доминионларда прецедентлик ҳуқуқидан олдин статут ҳуқуқ мавжуд бўлмаган бўлса ҳам, улар биргаликда ривожланган. Ушбу принцип энг «соф» кўринишда Янги Зеландияда ўз аксини топган. Ушбу мамлакатда парламент ҳеч бир чеклашсиз исталган қонунларни ўз хоҳишига кўра қабул қилиши мумкин эди.

Канада ва Австралияда парламент суверенитетини эътироф этиш, биринчидан, давлат қурилишининг федерал хусусиятига кўра ушбу мамлакатларда битта эмас, балки бир нечта (федерал даражадаги, вилоятлар ва штатларнинг қонунчилик органлари) парламентлар амал қилиши; иккинчидан, парламентнинг қонунчилик ваколати Конституцияда белгиланганлиги, бинобарин, парламент ҳокимияти суверен, яъни чексиз эмаслиги; учинчидан, конституциявий назорат

институти амал қилиши натижасида парламент ҳужжатлари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши мумкинлиги туфайли мураккаблашган эди. Лекин шунга қарамай ушбу мамлакатларда ҳам парламент устунлиги принципини қарор топтиришга уринишлар бўлган.

Агар Австралия Конституцияси Америка модели изидан бориб федерал парламент учун у қонунлар қабул қилиши мумкин бўлган масалаларнинг муайян рўйхатини белгиласа, штатларга кичик ҳажмдаги ваколатларни қолдирса, 1867 йилги Канада конституциявий ҳужжати расман марказлаштирилган давлат тузумини ўрнатган. У федерал парламентнинг қонун чиқаришига доир масалалар рўйхатини ҳамда вилоятлар легислатурасини белгиллаган, бунда федерал парламент вилоятларнинг мутлоқ қонун чиқарувчилик рўйхатига кирмайдиган барча масалалар бўйича қонунлар қабул қилиш ваколатини ўрнатган. Канада федерациянинг мутлоқ қонунчилик ваколатларининг 29-бандини, вилоятлар легислатурасининг 16-бандини; Австралия – 39; АҚШ – 18-бандини белгилади. Австралия Конституцияси (51-модда) штатлар парламентларининг қонунчилик ваколатларини федерал парламентга беришга йўл қўяди; Канадада Конституция ҳам, кейинчалик суд амалиёти ҳам бундай қондан белгиламади.

Қонунчилик овозаси соф миқдорий хусусиятга эга, у қонуннинг юридик кучини ошишига дахлдор эмас. Австралиянинг Виктория штатида 1857 йилдан бошлаб парламент ҳужжатларига тартиб рақамлари бериш одат тусига кирди, шу сабабли, уларнинг сони ўсганлигини осон аниқлаш мумкин. Дастлабки эллик йилда 2074 ҳужжат қабул қилинди, кейинги эллик йилда улар сони қарийб икки барабар ортди ҳаммаси 6103 га, яъни 4029 тага. Сўнгра йигирма йил ичида дастлабки эллик йилда қабул қилинган ҳажмга тенг қонунлар сони қабул қилинди (2865). Ҳар йили қабул қилинадиган ҳужжатлар сони 40тадан 143тага ўсди.

Қонунлар сони кўпайиши натижасида уларни тизимлаштириш муаммоси келиб чиқди. Ҳамдўстликнинг бош давлатидан фарқ қилган ҳолда (у ҳанузгача биронта ҳам кодексни билмайди) ушбу мамлакатларда кодекслаштириш жараёни янги ҳолга эришди. Барча мамлакатларда жиноят кодекслари амал қилади, процессуал нормалар кодекслаштирилган. Янги Зеландияда шунингдек, савдо ва ер нормалари кодекслаш-

тирилган. Умумий ҳуқуқда кодекслаштириш ўзида прецедентлик ва статут ҳуқуқи нормаларининг ягона ҳужжатда бирлаштирилишини ифодалайди, ҳар бир кодекснинг реал амал қилиши эса прецедент ҳуқуқи билан белгиланади.

Умумий ҳуқуқда қонуннинг хусусиятлари уни қўллаш амалиёти билан мустақкам алоқада деб қараш зарурияти билан белгиланади. Ҳужжат нимани англатишини аниқлашда айнан судья ҳакам ҳисобланади. Бунда судья қонунга асосланиши лозим, талқин қилиш методлари кам аҳамиятга эга эмас. Суд талқини Буюк Британияда унинг ўзига хослигини («қаттиқ прецедент» ва парламент устунлиги принципининг амал қилиши) ҳисобга олган ҳолда тарихан ишлаб чиқилган ҳуқуқий конструкцияни ифодалаган. У табиийки, бошқа мамлакатларга ҳам кўчирилган эди.

Умумий ҳуқуқ оиласи мамлакатларида ёзиб қўйилган ҳуқуқнинг ўсиши фақат қонунлар ҳисобига эмас, балки ижро этувчи органларнинг ҳужжатлари ҳисобига (ҳавола этилган қонунчилик) ҳам юз берган. Бугунги кунда, гарчи XX аср бошидаёқ унинг умумий ҳуқуқ мамлакатларида мавжуд бўлиши қонунийлиги шубҳа остига олинган бўлса ҳам ҳуқуқнинг эътироф этилган манбаидир. Роман-олмон ҳуқуқий оиласидан фарқ қилган ҳолда умумий ҳуқуқ оиласи мамлакатлари ижроия органлари «қонунни бажариш юзасидан ҳужжатлар» чиқариш ваколатига эга эмас. Ижро этувчи орган ҳужжат қабул қилиш учун тегишли қонунчилик ваколатларига эга бўлиши керак, буни парламент қонун орқали амалга оширади. Қонун ижро этувчи ва қонун ижодкорлигининг асоси сифатида амал қилади.

Статут ҳуқуқи аҳамияти ошганлигига қарамай прецедент ҳуқуқи барибир инглиз-саксон ҳуқуқий оиласи барча ҳуқуқий тизимларининг ўзига хослигини белгилаб беради.

Прецедент доктринасининг асосий қоидаларига кўра Австралия, Канада ва Янги Зеландияда Англия ва Америкадагига ўхшаш прецедент тавсифи қабул қилинган. Уни ҳуқуқ манбаи сифатида эътироф этиш шубҳа туғдирмайди. Прецедент принципи Бирлашган Қиролликдан ўзлаштириб олинибгина қолмай, балки унинг назорати остида ривожланган.

Суд прецеденти исталган суд томонидан ва исталган иш бўйича яратилмайди. Одатда, инглиз-саксон ҳуқуқи мамлакатларида айрим судларнинг қарорлари прецедент эканлиги

аниқ белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан судлар қуйи ва юқори судларга бўлинади. Фақат юқори судлар прецедент ҳуқуқига ҳисса қўшадилар. Австралия, Канада ва Янги Зеландияда суд иерархиясига берилаётган эътибор мана шундан келиб чиқади. Кўплаб мамлакатлар Буюк Британиядан прецедент принципини ўзлаштириб олиб, айникса Англия суд тизимидан кўп нарсалар олганлар.

Суд тизими

Янги Зеландияда суд тизими энг барқарордир. У XIX аср охирида шаклланган ва ўшандан буён катта ўзгаришларга учрамаган. Судларнинг фаолияти статутлар билан биргаликда тартибга солинади. Мамлакатда уч бўгинли тизим амал қилади. Улар магистрат судлари (1947 йилги магистрат судлари тўғрисидаги қонун), қўйи судлар; апелляция суди (1957 йилги суд ишларини юритиш тўғрисидаги ҳужжатга қўшимчалар тўғрисидаги қонун); Олий суд (1908 йилги суд тузилиши тўғрисидаги қонун).

Канада ва Австралиянинг суд тизимлари ушбу мамлакатларнинг федератив тузилишидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб анча мураккабдир. АҚШда дуалистик тизим мана шундай шароитларда фаолият юритади. Канаданинг суд тизими федерацияларга қараганда унитар давлатлар суд тизимларига яқиндир. Австралияда судларнинг уч бўгинли тизими штатлар даражасида анъанавий бўлиб қолади (магистрат, округ судлари ва юқори судлар). Судларнинг федерал тизими билан боғлиқ масала ҳам мураккабдир. Австралиянинг Олий суди мамлакатнинг Олий суд органи ҳисобланади ва у биринчи инстанция бўйича штатлар ўртасидаги ва турли штатлар фуқаролари ўртасидаги ишларни, шунингдек, федерал судлар ва штатларнинг Юқори судлари қарорлари апелляциясини кўриб чиқади.

Барча мамлакатларда қасамёд этувчи судлар тўғрисидаги қонунлар амал қилади. Ушбу қонунлар ўз лавозимга сайланиш мумкин бўлган шахслар доирасини (муайян жисмоний нуқсонлари (кар-соқов, кўзи ожизлик) ақлсизлик, бир қанча лавозимларни эгаллаб турганлар (парламент аъзолари ва бошқалар) ҳамда сайловлар тартибини белгилаб беради. Ушбу мамлакатларда ҳакам институти ҳозирги вақтда амал қилмайди.

Инсонни айбдор деб топиш учун 12 гувоҳ етарли бўлган вақтлар (кейинчалик далиллар асосида ишни адолатли кўриб чиқиши мумкин бўлган оддий 12 киши) инглиз-саксон урф-одати ўтмишда қолиб кетди. Амалда 12та қасамёд қилган судьядан иборат «катта ҳакамлик» мажлис қилмайди. Янги Зеландияда у 1961 йилги жинойтлар тўғрисидаги қонун билан тақиқланган эди. «Катта ҳакам» фақат Канада ва Австралия да жинойт ишларини кўриб чиқади, у ҳам бўлса алоҳида хавфли жинойтлар бўлса. Бир қанча жинойтлар бўйича судланувчи қасамёд қилувчи судларни ўзи танлаши мумкин. Кўпчилик жинойт ишлари ҳакамлар мажлис қилмайдиган магистрат судларида кўриб чиқилади (90 фоизга яқини). Уларда ишлар махсус юридик маълумот талаб қилинмайдиган судлар томонидан кўриб чиқилади. Фақат Янги Зеландияда 1947 йилги магистрат судлари тўғрисидаги қонун бўйича ушбу судларнинг судьялари камида етти йиллик стажга эга бўлган барристер ёки солистер бўлишлари керак.

Фуқаролик ишлари тўртта ёки олтита қасамёд қилувчи судьялардан иборат «кичик ҳакам» доирасида кўриб чиқилади. Канадада бундай амалиёт кузатилмайди. Ишнинг қасамёд қилувчи судлар томонидан кўриб чиқилишини томонлар талаб этиши мумкин, бироқ талаб рад этилиши ҳам мумкин. Бир қанча қонун бузарликлар бўйича қасамёд қилувчи судларнинг ҳозир бўлинишини қонун талаб қилади, бироқ томонларнинг ахдлашувига кўра ишни уларсиз ҳам кўриб чиқиш мумкин. Қасамёд қилувчи судлар вердикти ёки кўпчилик овоз билан (Канадада, Альберта, Онтарио, Квебек, Янги Зеландия) ёки бир овоздан киритилади.

Қасамёд қилувчи судлар институтини ислоҳ қилиш икки жиҳати билан изоҳланади: биринчидан, қасамёд қилувчи судлар институтини одил судловнинг демократияси рамзи сифатида сақлаб қолиш истаги ва жамиятда ҳукмронлик қилувчи ғоялар барометри; иккинчидан, қасамёд қилувчи судларнинг ишни яхши билмасликлари, ушбу функцияни бажарувчи одамларнинг ортиқча ишга жалб қилиниши муносабати билан ушбу институтнинг бекор қилиниши.

Қасамёд қилувчи судларга зид равишда умумий судьялар роли кучайтирилади. Уларнинг ҳуқуқий мавқеида Англия ҳуқуқий излари салмоқлидир (Судьялар ҳозирча «ўзларини яхши тутган» пайтда уларнинг мустақиллиги ва алмаштирилмаслиги биринчи марта 1701 йилда қабул қилинган тахтни мерос қилиб қолдириш тўғрисидаги Англия қонуни билан

муस्ताҳкамланган эди). Судьялар парламентнинг тақдимномасига кўра генерал-губернатор томонидан тайинланади.

Канада, Австралия ва Янги Зеландия замонавий адлиясининг яна бир хусусияти, бу умумий судларга зид равишда ихтисослаштирилган судлар ва маъмурий трибуналлар сонининг ўсишидир. Ушбу органлар турлича номларга эга (судлар, комиссиялар, кенгашлар, трибуналлар). Ихтисослаштирилган судларнинг қарорлари прецедент ҳуқуқининг манбаи бўлиши мумкин; маъмурий трибуналлар қарорлари эса ҳеч қачон бундай манба бўла олмайди.

Энг кўп ёйилган ихтисослаштирилган судлар – оила судлари, вояга етмаганлар ишини кўриб чиқувчи судлардир.

Умумий ҳуқуқ мамлакатлари учун янги ҳодиса сифатида маъмурий адлия Ҳамдўстлик мамлакатларида умумий судларнинг ҳукмронлигини таъминловчи «ҳуқуқнинг ҳукмронлиги» принципига зид равишда қарор топди. Маъмурий адлия органлари тузилмаси, фаолияти тартиби жуда хилма-хилдир. Бу яна бир марта тузилманинг шаклланиш босқичида эканлигидан далолат беради. Янги Зеландияда Олий суднинг маъмурий бўлими ташкил этилган. Австралияда – маъмурий апелляция бўйича трибунал-чекланган юрисдикцияларга эга, бироқ вазирлар, давлат идоралари ва бошқаларнинг қарорларини қайта кўриб чиқишда кенг имкониятларга эга бўлган органдир. Канадада апелляция Федерал суд томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий адлия ҳуқуқни қўллашнинг муҳим, бироқ мутлоқ бўлмаган шакли ҳисобланади. Умумий ҳуқуқ мамлакатларида ҳуқуқнинг давлат органлари, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқаролар томонидан қўлланилишини қамраб олувчи «enforcement» атамаси мавжуд. Ҳар уччала мамлакатда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Уларда, жумладан, моддий аҳволдан келиб чиқиб, тегишли суммани тўлай олмайдиган шахслар учун ушбу сумма камайтирилиши ёки шахсга текин ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Ишнинг умумий судда кўриб чиқилишининг қиммат эканлиги унга фуқароларнинг муурожаат қилишидаги тўсиқлардан биридир. Чеклашга қарамай бундай қонунлар шубҳасиз катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Янги Зеландияда 1969 йилги қонун билан ҳуқуқий ёрдам вазирлиги бошчилигидаги органларнинг бутун бир тизими белгиланди. Австралияда федерация ва штатлар даражасида бутун мамлакат бўйлаб ишларни мувофиқлашти-

ришга даъват этилган ҳуқуқий ёрдам бўйича федерал комиссия ташкил этилган. Канадада бундай марказлаштириш йўқ. У ерда ҳамма нарса вилоятлар даражасида ҳал этилади, шу сабабли, ҳуқуқий вазият хилма-хилдир. Кўриб чиқиладиган мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларида Англия ҳуқуқидан ўтган ва замонавий, миллий ривожланишга жавоб бермайдиган ҳуқуқий институтларнинг қайта туғилиши юз бермоқда. Тарихан бир қанча ҳуқуқий институтларнинг узоқ вақт умумий ривожланиши улар ягона оқимда ривожланишда давом этишига олиб келади. Ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга ёндашишнинг умумийлиги прецедент ҳуқуқидан ҳам тақозо этилади. Умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласининг ўзига хос белгиларидан бири мана шу умумийликдир.

15-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Қандай сабабларга кўра Англия умумий ҳуқуқи – Британия Ҳамдўстлиги ҳуқуқий тизимларининг негизи ҳисобланади?
2. Британия Ҳамдўстлиги ҳуқуқий тизимларининг таснифланиши асосларини биласизми?
3. Британия Ҳамдўстлиги давлатларининг умумий ҳуқуқий меросини нималар ташкил этади?
4. Доминион бўлган давлатлардаги ҳуқуқий тизимларнинг фаолияти қандай методлар ёрдамида амалга оширилади?
5. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳуқуқ манбалари сирасига нималар киради?

«Маънавий маданият ва ижтимоий психологияга тегишли омилларни аниқлаштирмасдан туриб диний ҳуқуқ нормаларининг ҳаётийлиги ва юқори барқарорлигини баҳолаш мумкин эмас эди. Улар ўз таъсир кучига кўра Европадан келиб чиққан ҳуқуқий муассасаларга ён бермади, балки кўпинча улардан устунлик қилди».

Мурат Супатаев, Россиялик ҳуқуқшунос

«Ушбу тизимларни баён қилишда биз кўрсатмоқчи бўлган асосий нарса бу тафаккурнинг Ғарбча намунаси ҳозирги дунёда ҳукмронлик қилмаслиги ва у мутлақ ҳам эмаслигидир».

Рене Давид, Француз компаративисти.

ТҶРТИНЧИ БЎЛИМ. ДИНИЙ ВА АНЪАНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ ОИЛАЛАР

«Ислом ҳуқуқи жаҳон ҳуқуқий маданиятининг бир қисми, замонамизнинг мустақил ҳуқуқий тизимларидан биридир».

Леонид Сюкинийнен, россиялик ҳуқуқшунос.

16-мавзу. Ислом ҳуқуқий оиласи

1-§. Ислом ҳуқуқининг шаклланиши ва унинг дунёга ёйилиши.

2-§. Исломдаги асосий ҳуқуқий мазҳаблар ва уларнинг манбалари.

3-§. Ислом ҳуқуқининг етакчи соҳалари. Замонавий ислом ҳуқуқи.

1-§. Ислом ҳуқуқининг шаклланиши ва унинг дунёга ёйилиши

Фикҳ илмининг таркибий қисмини ташкил этувчи ислом ҳуқуқи VII-X асрлар мобайнида энг аввало шу диннинг муқаддас манбаси ҳисобланмиш Қуръони карим ундан сўнг Пайгамбар *суннати* (кўрсатган йўли), саҳобалар *ижмоси* (бир овоздан тасдиқлаган ҳукмлари), уламолар *қиёси* каби манбалар асосида шаклланди. Чунончи, фикҳ илми икки қисмга бўлинади: инсон ва Аллоҳ орасидаги муносабатлардан иборат *ибодот* ва инсон

билан инсон орасидаги муносабатлардан иборат *муомалот*. Исломда ҳуқуқий масалалар *муомалот* қисмига тегишлидир.

Исломда инсонлар орасидаги ҳуқуқ Аллоҳ томонидан белгиланади. Мавжуд қонун-қоидалар Муҳаммад пайгамбарга Қуръон оятлари шаклида нозил этилиб, инсонларга етказилган. Аммо ислом ҳуқуқининг шаклланишида Қуръон оятларининг Пайгамбар, саҳобалар, уламолар томонидан талқин этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Ислом ҳуқуқшунослари бўлган фақиҳларнинг меҳнатлари асрлар давомида мана шу улкан масъулиятли ишга сарфланган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари янги ҳуқуқни яратишга эмас, балки Аллоҳ томонидан берилган ҳуқуқни амалда фойдаланишга мослаштиришга йўналтирилган.

Ислом ҳуқуқини белгиловчи фикҳ соҳаси фақатгина Аллоҳнинг инсонларга қўйган ўзаро ҳуқуқий қонун-қоидаларини акс эттириш билан чекланиб қолмай, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Масалан, мусулмон киши ўқиши керак бўлган намозлар, закот, рўза, ҳаж каби ибодатларнинг қонун-қоидаларини белгилаш фикҳ илми соҳасига киради. Ушбу қоидаларга риоя қилиниши ҳуқуқ-тартибот органлари эмас, балки Аллоҳ томонидан назорат қилинишига асосланади. Шу маънода ислом ҳуқуқи ижтимоий-меъёрий тартибга солишнинг ўзига хос тизими сифатида тушунилади. У ҳуқуқий нормаларни, ноҳуқуқий тартибга солишларни, биринчи навбатда диний ва ахлоқий йўлга солишларни, шунингдек, урф-одатларни ҳам ўз ичига олади.

Давлатни ўрганиш ислом ҳуқуқшунослик фанининг бир қисми ҳисобланмайди. Фикҳнинг асосий функцияси мусулмон давлати қонунчилиги билан унинг бирламчи манбалари ўртасидаги узвий алоқаларни сақлаб қолишдан иборатдир. Ислом ҳуқуқшунослик фани билан дунёвий ҳуқуқшунослик фани ўртасидаги тафовут ислом ҳуқуқий тизими Қуръонга асосланиши ва ҳуқуқни инсон ақли ва ижтимоий шарт-шароитлар маҳсули эмас, балки Худонинг кўрсатмалари меваси сифатида қарашдан иборатдир.

Гарчи, ислом уч жаҳон динларидан энг ёши бўлса ҳам жуда кенг тарқалган. У нафақат муайян мафкура, диний, ахлоқий таълимот бўлибгина қолмай, балки ўзига хос маданият ҳамдир. Ислом дини Аллоҳга ибодат қилиш масалаларини баён қилиш билан бирга мусулмонларнинг кундалик хатти-ҳаракатини тартибга солишга, уларнинг турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Муҳаммад пайгамбар вафотидан кейин ислом Шимолий

Африка, Испаниягача кириб борган. Шарқда у Эрон чегарасидан ўтиб, Ҳиндистонгача етган. XV асрда Усмоний султонлари Византия империясига кириб, Константинополни эгалладилар (1453 йил) ва Жануби-Шарқий Европада ислом ҳукмронлигини ўрнатдилар. Ислом Осиёда эътироф этилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин айрим араб мамлакатлари (бошқа мамлакатлар ҳам) расман ислом давлатлари деб аташди. Эроннинг 1979 йилги Конституцияси «Ислом республикаси» атамасини қабул қилган. Ҳиндистон Республикасида аҳолининг ўн фоизидан ортиғи, яъни тахминан 100 млн. одам ислом динига эътиқод қилади. Малайзия ва Индонезиянинг хитой миллатига мансуб бўлмаган кўпчилик аҳолиси асосан мусулмонлардир. Африкада миссионерлар ва савдогарлар ислом учун Нил дарёси водийсини ва ҳозирги Судан худудини эгаллаганлар. Ислом бу ердан савдо йўллари орқали Саҳрои Кабирга ёйилган. Натижада нафақат Шимолий Нигерия аҳолиси, балки илгари Франция Фарбий Африкасига кировчи кўпчилик давлатлар асосан ислом динига эътиқод қила бошлади. Ислом шунингдек, Африканинг Шарқий қирғоғида ҳам кенг ёйилган: Сомали асосан мусулмонлар яшайдиган мамлакат, Танзания ва Кенияда анча кўп сонли мусулмон аҳоли истиқомат қилади. Шундай қилиб ҳозирги вақтда ислом дини у ёки бу даражада кўплаб мамлакатларда – Африканинг шимоли-ғарбида Марокашдан бошлаб Океаниядаги Фиджигача амал қилади. Турли ҳисоб-китобларга кўра жаҳонда 1 млрд. 200 млн. исломга эътиқод қилувчи инсонлар бор, яъни ер шари аҳолисининг бешдан бир қисми исломга эътиқод қилади. Бироқ, ислом ҳуқуқининг макон бўйлаб ёйилиши мусулмон аҳолиси яшайдиган мамлакатларнинг географик чегаралари билан мос келмайди. Исломга дин сифатида эътиқод қилувчи, бироқ ислом ҳуқуқини қабул қилмаган миллатлар ва этник гуруҳлар ҳам мавжуд.

Ислом ҳуқуқшунослик фанининг асосини казуистик метод ташкил этади. У «*илм ал-фуру*» ёки «*масоил*» деб аталади.

Барча ислом ҳуқуқий мактабларининг, сунний ва шиа оқимларининг асосий манбаи сифатида Мадина ва Ироқ мактаби ғоялари қабул қилинган эди. Ушбу қадимий мактаблар ўзлари назорат қилиб турган худудда илдиз отган одат ҳуқуқидан фойдаланганлар ва уни ислом дини эҳтиёжларига мослаштирганлар.

Тарихий сабабларга кўра бугунги кунда жаҳонда тўртта суннийликнинг – ҳанафий, моликий, шофий, ҳанбалий ва учта шиалик-

нинг – жаъфарий, исмоилий, зайдий мазҳаблари бор. Ҳар бир мазҳабнинг ўз ҳуқуқий методологияси ва концепцияси мавжуд, уларнинг ҳар бири ўзларини ислом ҳуқуқининг мустақил тизими деб ҳисоблайдилар.

Ислом ҳуқуқи тизимга қатъийлик бағишлайдиган постулатларга асосланади. Мусулмон ҳуқуқшунослари барча тасодифий ёки ноаниқ нарсаларни коралашади. Ушбу ҳуқуқшунослар томонидан шакллантирилган ҳуқуқий нормалар ўз тузилмасига кўра ҳамма вақт ташқи омилга асосланган бўлади. Индивиднинг ғоялари ва ниятлари ҳеч қачон инобатга олинмайди. Барча психологик унсурлар онгли равишда кўриб чиқишдан ташқарида деб ҳисобланади.

Исломда фикҳнинг *Қуръон*, *суннат* каби манбалари асосида ёзилган уламоларнинг асарлари ҳуқуқ бўйича қўлланма ҳисобланади. Ислом ҳуқуқи хусусий уламолар томонидан ишлаб чиқилиб, ривожлантирилди. Давлат эмас, балки ҳуқуқий фан – фикҳ қонун чиқарувчи ролини ўйнайди: дарсликлар қонун кучига эгадир. Ишни кўриб чиқишда қози кўпинча бевосита Қуръон ва суннатга мурожаат қилмайди, балки обрў-эътибори, нуфузи барча мусулмонлар томонидан эътироф қилинган муаллиф ҳулосаларига суянади.

Х: Ислом ҳуқуқи муайян нормаларнинг жами сифатида ислом пайдо бўлгандан кейинги икки аср давомида шаклланган. Кейинги асрлар амалда исломга янгилик киритилмаган. Ушбу турғунлик инсон саъй-ҳаракатларининг тўхтатилишига – «*ижтиҳод* эшикларининг ёпилиши»га боғлиқ деб ҳисобланади. Бирок шиа мазҳаблари бундай «ёпиқлик»ни ҳеч қачон тан олмаганлар. Шу сабабли, шиалар ҳуқуқи ҳамма вақт сунний мазҳабидаги ҳуқуққа қараганда анча мослашувчандир. Умуман олганда, XIX асргача ислом ҳуқуқий онги эволюцияси асосан диний-ҳуқуқий шарҳларда ва фатво тўпламларида ўз аксини топган. Улар ҳеч қачон тўғридан-тўғри шариатнинг анъанавий қоидалари ва принципларини рад этмаган ва уларнинг матнини ўзгартирмаган ҳолда янгича талқин қила бошлаганлар.

2-§. Исломдаги асосий ҳуқуқий мазҳаблар ва уларнинг манбалари

Ислом ҳуқуқи Муҳаммад пайғамбарга Аллоҳ томонидан нозил қилинган Қуръонга асосланади. Қуръон асосан диний, ахлоқий масалаларга тегишли ва ниҳоятда умумий тусга эга бўлган қоидалар мажмуидир. Масалан, Қуръон мусулмонларни ожизларга ва ночор-

ларга меҳрибон бўлиш, тадбиркорлик билан виждонан шуғулланиш, қозиларга пора таклиф қилмаслик, сўдхурлик қилмаслик ҳамда эҳтиросли ўйинларга берилмасликка буюради. Бироқ унда ўшбу кўрсатмалар бузилгани учун қандай ҳуқуқий жазолар берилиши тўлиқ кўрсатилмаган ва юриш-туриш қоидалари кўп даражада тоат-ибодат, рўза, ҳаж таомилларига тегишлидир. Муҳаммад пайғамбар қозилик қилганда кўпинча одат ҳуқуқи қоидаларидан фойдаланган, у етарли бўлмаганда ёки ўшбу ҳаракат мақсадларга зид бўлганидагина унга ваҳий нозил бўлган ва унинг асосида қарор қабул қилган. Масалан, исломда арабларнинг одат ҳуқуқида марҳумнинг эркак жинсидаги қариндошларигина мерос ҳуқуқига эгаллиги қоидаси инкор этилган ва бу қоида ўзгартирилган. Унга кўра вафот этганнинг қизлари, бевалари ва опа-сингиллари эркак жинсидаги меросхўрлар билан биргаликда мерос олишнинг муайян ҳуқуқлари эътироф этилган. Бу билан қабиланинг анъанавий ташкилотидан оила жамиятнинг асосий ячейкаси ҳисобланган янги шаклга ўтиш учун қулай шароит яратилган.

Қуръондан кейинги ўринда ҳадислар (Муҳаммад пайғамбарнинг айтганлари, қилганлари ва эътироф этганлари)да мужассам бўлган *суннат* ислом ҳуқуқи манбаи ҳисобланади. Суннат пайғамбар вафот этгандан кейин дастлабки ўн йилликда Қуръонни талқин қилиш жараёнида пайдо бўлган. Қуръон ва суннатдаги юридик нормалар мусулмон ҳуқуқшунос олимлари томонидан илоҳий манба деб қабул қилинади ва ислом ҳуқуқининг бошқа манбалари асосида шакллантирилган юриш-туриш қоидаларидан фарқ қилган ҳолда ўзгармас деб ҳисобланади.

Умавийлар ҳукмронлиги замонида (662-750) Араб халифалигидаги яшовчи халқларда, шу жумладан арабларда феодал муносабатлар мустаҳкамланишига олиб келган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берган. Янги ижтимоий тузилмалар пайдо бўлиши билан халифаликнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида ислом ҳуқуқини такомиллаштириш, эски ҳуқуқий тасаввурлар ва институтларни трансформация қилиш, янги ҳуқуқий нормалар яратиш зарурияти пайдо бўлган. Бир вақтнинг ўзида бундай нормалар исломнинг қонун-қоидалари қайсидир даражада исломлаштирилган халқларнинг ҳуқуқий анъаналари билан қўшилиши натижасида шаклланди. Худди шу пайтда кўп сонли суннийлик ва шиалик мазҳаблари пайдо бўлган ва улар ислом ҳуқуқининг кейинги эволюциясига катта таъсир кўрсатган.

Араб халифалигига 750 йилдан бошлаб ҳукмронлик қилган Аббосийлар давлати ислом ҳуқуқининг таъсирини кучайтиришга ҳар то-

монлама кўмаклашган, бу ерда атокли фақиҳ ҳуқуқшуносларнинг обрў-эътибори эътироф этилиб, уларнинг кўпчилигини Олий суд инстанциясига даъват қилганлар. Улкан араб халифалигида илоҳий каломни ўрганиш бўйича бир неча марказлар вужудга келган. Куфа мактаби унинг дастлабки асосчиларидан бири Абу Ҳанифа номига, Мадина мактаби эса унинг асосчиси Молик ибн Анас номига нисбат берилган. Вақт ўтиши билан ушбу мазҳаблар ўртасидаги фарқлар катталаша борган. Муҳаммад пайғамбар ўз ҳадисларидан бирида бундай деган эди: «Умматим орасидаги фикрлар хилма-хиллиги – Аллоҳ муруввати белгисидир».

Х аср охирига келиб яна иккита ҳуқуқий мазҳаб майдонга келган. Улар ҳозиргача катта аҳамиятга эгадир. Улардан бири машҳур олим Имом аш-Шофиъий шарафига *шофиъий*, Иккинчиси, ўз асосчиси Ибн Ҳанбал номи билан *ҳанбалий* мазҳаби деб аталади.

Замонлар ўтиши билан ушбу тўрт мазҳаб мусулмон оламининг турли жойларида устунлик қила бошлади. Моликий, ханафий мазҳаби Яқин ва Ўрта Шарқда (айниқса Миср, Ливан ва Афғонистонда) ва Ҳинд водийсида, Шимолий, Ғарбий ва Марказий Африкада, шофиъий мазҳаби Шарқий Африка, Малайзия ва Индонезияда, ҳанбалий мазҳаби Саудия Арабистонида устунлик мавқеига эга бўлди. Ушбу мазҳабларнинг ҳар бири бошқа мазҳабларнинг қонунийлигини тан олади. (Ислом ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти ҳам шундадир).

Лекин шунга қарамай ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқий мактабларнинг нуктаи назарича, ислом ҳуқуқи хусусий фикрлар сон-саноксизлиги туфайли парчаланиб кетади деган хавфни туғдирган. Бунинг олдини олиш учун аш-Шофиъий тўрт илдиз – ислом ҳуқуқи манбалари тўғрисидаги таълимотни яратган. Натижада ҳуқуқшунослар ҳуқуқий баҳолашнинг қатъий умумий асосига эга бўлганлар. Қуръон ислом ҳуқуқининг энг биринчи манбаи ҳисобланади.

Иккинчи манба Қуръон қоидаларини талқин қилиш ва тушунтиришда жуда муҳим бўлган Пайғамбарнинг ҳаёт фаолияти тўғрисидаги ривоятлардан ибораг суннадир.

Учинчи манба – *қиёс*, яъни Қуръон, сунна ёки *ижмо*да белгиланган қоидаларнинг янги ўхшаш ҳолларда қўлланилиши. Ислом ҳуқуқий таълимотининг янада ривожланиши давомида ушбу схемага фақат битта ўзгартириш киритилган. Ижмо ғояси ўзгартирилган ва унинг амалий аҳамияти жиддий равишда оширилган: барча ёки ҳатто битта мазҳаб ҳуқуқшунослари томонидан бир марта қабул қилинган тақлиф қонда ҳисобланади. Ушбу принцип тарихий жиҳатдан қадим-

ги Римнинг *communis opinio prudentium* («мутахассис олимларнинг ягона фикри») билан умумийликка эга.

Тўрт манбадан ҳуқуқшунос факихларнинг келишилган хулосаси муҳим аҳамиятга эгадир, чунки пировард натижада айнан у шунга ўхшашдан фойдаланган ҳолда ёки фойдаланмасдан Қуръон ёки ҳадисдан қандайдир адолатли қонун қоидасини ажратиб олишни белгилаб берган. Ислом ҳуқуқида ушбу манбаларнинг пайдо бўлиши юридик жиҳатдан Қуръон ҳуқуқий нормаларининг ягона манбаи эмаслиги, ҳадислар эса кўпинча кўринишда бир-бирига зид бўлган ҳамда оддий мусулмонлар у ёқда турсин, ҳатто қозилар ҳам мустақил тушуниб олишлари қийин бўлган жуда кўплаб кичик ҳадисларни ифодалаши билан изоҳланар эди. Барча ислом мазҳаблари усул (илдизлар) – «ислом ҳуқуқи манбалари» тўғрисидаги таълимотни қабул қилганларидан кейин мусулмон ҳуқуқшуносларининг яратувчилик фаолияти анча сусая бошлаган. Илгари амал қилган шубҳали масалаларни нисбатан эркин шаклда ҳал этиш эндиликда нотўғри деб ҳисобланган; айрим ислом мазҳабларида мўътабар ҳисобланадиган ислом ҳуқуқи бўйича китоблардаги тушунтириш ва талкинлар билан чекланиш лозим бўлган. Шундай қилиб, ислом ҳуқуқий тафаккури аста-секин догмативлаша (ўзгармас ақидага айлана) бошлаган. Бу ҳуқуқнинг айрим тармоқларини шариятдан ташқари ривожланишига кўмаклашган. Халифа давлат бошлиғи сифатида маъмурий низоларни ушбу соҳаларда ихтисослашувчи қозиларнинг кўриб чиқишига бериши ва уларга фойдаланиши лозим бўлган қоидаларни кўрсатиши вақолати ҳамон сўзсиз тан олинган. Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва сиёсий мулоҳазалар бўйича ер низолари махсус судларда кўриб чиқилган. Ушбу судларда одат судлардаги каби далиллар, асосан гувоҳларнинг далилларини олишнинг жуда кўплаб тартиботлари мавжуд бўлмаган. Шундай қилиб, гарчи назарий жиҳатдан ислом ҳуқуқи инсон ҳаётини бутунлай ёки тўлиқ тартибга солади деб ҳисобланса ҳам, унинг амалий аҳамияти мазмунан хусусий ҳуқуқ соҳаси билан чекланган эди.

Ислом дини ақидаларининг қатъийлиги ва ислом ҳуқуқий фанининг амалда ҳаракатсизлиги судларни кўплаб бошқача «чора» ёки «йўл» топишга, «*ҳийла-и шаръий*» қилишга мажбур қилган. Масалан, Қуръон сўдхурликни тақиқлаган ҳолда, фоиз эвазига қарз беришга йўл қўймаган. Ушбу тақиқни чеклаб ўтиш учун «икки томонлама сотиш» тизими ихтиро қилинган: қарз берувчи у ёки бу буюмни қарз олувчига «сотар» ва у эса ўша заҳоти бошқа қарз олувчига оширилган

қарз фоизи билан (у қарз муддати тугагандан кейин тўлаңар эди) «қайта сотар эди». Бундай «ҳуқуқий ҳийлалар» (*ҳийал*) мусулмон судларида қарор топган урф-одатларни бузмаслиги ва шу билан бирга шариат қоидаларига риоя қилиш имконини берад эди.

у-ань
XIX аср бошигача мусулмон олами халқларининг ижтимоий-иқтисодий мавқеи жуда секинлик билан ўзгарган ва қоидаларнинг ўзгармаслигига қарамай шариат уларнинг эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берган. Бирок, Усмонийлар салтанати таназулга учраши муносабати билан Яқин Шарқда Европа давлатларининг сиёсий таъсири кучайган. Мусулмон давлатлари раҳбарлари ташқи олам билан алоқа қилгандан кейин Европа давлатлари билан сиёсий ва иқтисодий рақобатга чидаш бериш учун давлат ҳамда ҳуқуқ тизимини замонавийлаштириш зарурати кучайган.

Табиийки, мусулмон давлати ва ҳуқуқидаги ислохотлар тўғрисидаги барча тақлифлар анъанавий ислом ақида­сига зид эди. Исло­м ақида­сига кўра илоҳий кўрсатмалар ўзгармас бўлиб, улар қонунчилик доирасига сиғмас эди. Лекин шунга қарамай қонунчилик ислохотлари жараёнлари бошланиб кетган ва илгари ислом ҳуқуқи тартибга солган муносабатлар соҳасига келиб чиқиши Европага хос бўлган меъёрий манбалар суқилиб кирган. XIX аср ўртасида бошланган ушбу жараён энг аввало анъанавий ислом ҳуқуқи­га кўра низо унча кескин бўлмаган соҳаларда: савдо ҳуқуқи ва жараёнига, денгиз ҳуқуқи­га таъсир қилган. Бирок Усмонийлар империяси ҳукмдорлари янада узокқа борганлар. 1850 моддадан иборат Мажалла (1869-1876 йиллар) қонуни қабул қилинган. Бу мазҳаб хулосалари асосида мулкчилик ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи соҳаларида мусулмон-ҳуқуқий нормалари мажмуини яратишга қаратилган уриниш эди.-Оила ва мерос ҳуқуқи кодекслаштирилмаган. Бундай қадам кўйишга мулкка ва мажбуриятларга тегишли низо­ларни кўриб чиқишга эндигина ваколат олган дунёвий судлар қонунларининг ўрта асрлар мажмуига таяна олмасликлари заруриятдан келиб чиққанлиги сабаб бўлган. Янгилик шундан иборат эдики, шариат қоидалари биринчи марта Европа методида параграфлар шаклига киритилган ва давлатнинг рухсати билан амалга оширилган.

Мажалла Туркияда XX асрнинг 20-йиллари ўртасигача Мустафо Камол Отатурк инқилобигача даврда қўлланилган, бир қанча араб мамлакатларида эса XX аср ўртасигача амалда бўлган. Ҳозирги вақтда у деярли ҳеч қаерда ишлатилмайди, бирок барибир ислом ҳуқуқининг нуфузли манбаларидан бири ҳисобланади.

Мустамлакачи маъмурлар бевосита назорат қиладиган ҳудудларда ислом ҳуқуқи бошқа йўлдан ривожланган. У ерда ҳамон мусулмонлар ўртасидаги низолар ислом ҳуқуқи нормалари асосида ҳал этилиши керак деб ҳисобланган. Бироқ Британия Ҳиндистонида, масалан, қарорни туғилишига ёки маълумотига кўра Британиялик бўлган судьялар чиқарар, низолардаги охириги инстанция Лондондаги Махфий кенгаш судьялари ҳисобланган. Шундай қилиб, давр ўтиши билан ислом ҳуқуқи умумий ҳуқуқдан шунча кўп нарса олганки, ҳатто «инглиз-Муҳаммад ҳуқуқи» тўғрисида сўз юритиш имкони вужудга келган. Бу судьялар шариат қоидаларини нотўлиқ, тушунарсиз, эскирган ёки «адолат, тенглик ва соф виждон»га мувофиқ келмайди деб ҳисоблаган ҳолларида улар ўзларига таниш принципларга ёки Англия умумий ҳуқуқи концепцияларига мурожаат қилишлари билан изоҳланган.

Франция кўли остидаги Жазоирда диний судлар оила ва мерос ҳуқуқи соҳасидаги ишларни тергов қилиш ваколатини сақлаб қолганлар, бироқ ҳатто бу ерда ҳам Француз судьялари томонидан бутланган апелляция судларининг таъсири остида моликий мазҳабининг соф ислом ҳуқуқи аста-секин Жазоир мусулмонлари ҳуқуқига айланган. Марокаш ва Тунисда ҳам тахминан шундай ҳолат мавжуд бўлган.

1876 йилдан бошлаб Мисрда роман, қисман француз намунаси бўйича тузилган фуқаролик кодекси амал қила бошлаган. Ўша замонда Миср умумий кўринишда француз Савдо кодексини қабул қилган. Илгари мусулмон оламига маълум бўлмаган савдо ҳуқуқи соҳаси шу тарика пайдо бўлган. Дастлаб ушбу кодексларга аралаш судлар амал қилган. Аралаш судларда мисрликлар билан бошқа мамлакат фуқаролари ўртасидаги даъволар кўриб чиқилган. 1883 йилда дастлабки вариантларга қарийб ўхшаш бўлган ушбу кодекслар унча катта бўлмаган таҳрир билан мисрликлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишда фойдаланила бошланган. Иордания ва Кувайтда ҳамда Арабистон ярим оролидаги айрим бошқа мамлакатлардан ташқари бошқа давлатларда ҳам роман-олмон намунасидаги фуқаролик кодекслари қабул қилинган.

Ушбу кодексларнинг, агар бир нечта тўлдиришлар ва парчалардан иборат ҳуқуқий тушунчаларини ҳисобга олмаганда, мулкчилик ва мажбурият нормаларига ҳеч бир ўхшаш томони йўқ эди. Бироқ кодекслар сўзнинг кенг маъносида на оила ҳуқуқи, на шахсий мақом масалаларига дахл қилмас эди.

Кейинроқ, XX асрда, ислохотлар оила ва мерос ҳуқуқига ҳам таъсир қилган. 1917 йилда охириги султонлардан бири ҳукмронлиги замонда оила ҳуқуқи тўғрисидаги усмонийлар Қонуни қабул қилинди. Миср ва Судан XX асрнинг 20-30-йилларида шунга ўхшаш қонунлар чиқариб, унинг изидан борганлар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мерос қолдириш ва оила муносабатларини тартибга солувчи қонунлар деярли барча араб давлатларида қабул қилинган ёки таклиф этилган. Иордания бундай қонунни 1976 йилда, Сурия 1953 йилда, Тунис 1956 йилда, Марокаш 1958 йилда ва Ироқ 1959 йилда қабул қилган.

Ушбу қонунлар бир қанча янгиликларни назарда тутади: биринчидан, аёлларга ажралишга муайян ҳуқуқлар беради; иккинчидан, ота-оналар ва васийларнинг вояга етмаганларни жойлаштириш имкониятларини чеклайди; учинчидан, полигамияни чеклайди, эрнинг хотин билан ажралиши шартларини бир томонлама тартибда белгилайди. Кўрсатиб ўтилган мамлакатларнинг ҳеч бирида ушбу ислохотлар оила ҳуқуқининг асоси сифатида шариятдан воз кечилишини ва унинг қандайдир янги бир нарса билан алмаштирилишини талаб қилади деб ҳисобламаган. Фақат Туркия бундай қатъий қадамни қўйиш зарур деб ҳисоблаган: 1926 йилда ўзлаштирилган Швейцария Фуқаролик кодекси оила ва мерос ҳуқуқида анъанавий мусулмонча тасаввурлар билан алоқани кескин узишга олиб келган, бироқ аҳоли уни катта қийинчилик билан қабул қилган, ҳамда қонун чиқарувчи ва суд амалиёти томонидан жиддий равишда қайта ишлаб чиқилган.

Қонунчилик янгиликларини мусулмонлар кўз ўнгиде оқлаш учун ҳуқуқнинг янги манбалари шарият принциплари билан уйғун эканлигини исботлашга тўғри келган. Аста-секин эски моддий нормалар сақланиб қолган бир шароитда процессуал нормалар ўзгаришига олиб келган йўл топилган. Масалан, Мисрда Қуръонда рухсат берилганидек вояга етмаганларни никоҳи тақиқланмаган, бироқ янги процессуал қонунга мувофиқ судлар оилавий ишлар бўйича никоҳ томонлар муайян ёшга тўлганларидан кейин рўйхатдан ўтказилади деган, қарор чиқаришлари мумкин бўлган.

Яна бир бошқа принцип каттароқ амалий аҳамиятга эга бўлган: агар ислом ҳуқуқий мактабларининг нуқтаи назари бир-биридан фарқ қилса, қонун чиқарувчи расмий ҳуқуқдан келиб чиқиб судьяларга қайси нуқтаи назарни қўллаш тўғрисида кўрсатма бериш ваколатига эга бўлган. Мана шу туфайли ҳатто Мажаллада қонун чиқарувчи ҳамма вақт ҳам ҳанафий мазҳаби тарафдорлари орасида устунлик қилувчи нуқтаи назарни танлай олмас, баъзан озчиликнинг нуқтаи назарига

устушлик берган. 1917йилги оила ҳукуки тўғрисидаги Усмон қонуни бу жиҳатдан янада илгарилаб кетган, чунки у баъзан бошқа ҳуқуқий мактабларда устушлик қилувчи нуктаи назарни қабул қилган. Аста-секин қонун ҳужжатини асослаш учун ислом ҳуқуқи тарихидан маълум бўлган у ёки бу ҳуқуқшунос факихнинг тегишли фикрига ҳавола қилиш етарли бўлиб қолган. Баъзан ҳатто битта кўрсатма учун асосий шарт-шароит битта муаллифдан, иккинчи даражали шарт-шароит бошқа муаллифдан, ҳулоса эса учинчи муаллифдан олинган.

Европа намунаси типидagi ҳуқуқ манбаларининг кириб келиши кўп даражада илгари барча манбалари билан биргаликда ислом ҳуқуқи ҳукмронлик қилган барча ислом мамлакатларини қамраб олган ва орқага қайтмайдиган жараён бўлиб чиққан. Ушбу мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари ислом ҳуқуқининг аҳамияти, амал қилиш соҳаси ва салмоғи камайганлиги жиҳатдан жиддий ўзгаришларга учраган, ҳуқуқнинг ўзи эса ҳеч бўлмаганда ташқи шаклига кўра Европа кодекслаштирилишидан тажриба олган. Бироқ ҳар иккала тенденцияни йигирманчи асрнинг охири чорагида кўплаб мусулмон давлатларининг сиёсий ҳаётини тавсифлайдиган ислом фаоллашуви тўлқини негизида ортиқча баҳоламаслик зарур. Бундай фаоллашув Ғарб ҳуқуқий моделларини рад этиш, ислом ҳуқуқининг барча нормалари ва принциплари тўлиқ тиклаш талаблари билан бирга кечган.

3-§. Ислам ҳуқуқининг етакчи соҳалари.

Замонавий ислом ҳуқуқи

Ислам ҳуқуқшунос олимлари асарларида ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиш мавжуд эмас. Боблар ортидан ҳеч бир мантиқий чеклашсиз боблар келаверади, уларни ёки хусусий ҳуқуққа, ёки жиноят ҳуқуқига тегишли деб ҳисоблаш мумкин. Жиноят ҳуқуқи, суд ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг асосий соҳалари сирасига киради. Ислам жиноят ҳуқуқи энг аввало қатъий белгиланган (*ҳудуд*) ва таҳқирловчи (*таъзир*) жазолари ўртасидаги фарққа асосланган эди. Қатъий белгиланган жазо чораларига фақат олтига жиноят: қотиллик, хиёнат, хиёнатда сохта айблаш, ўғирлик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, босқинчилик ва исён кирар эди. Санаб ўтилган жазолардан ташқари қози ўз билганича қонуннинг исталган бошқача бузилиши учун жазо белгилаши мумкин эди. Бинобарин, унга катта эркинлик берилар ҳамда ислом ҳуқуқининг бир қанча нормалари айнан мана шу йўл билан яратилган эди.

Ёндашувларнинг кўплигидан қочишга интилиб усмонийлар халифалиги XV-XVI асрлардаёқ жиноят-ҳуқуқий кўрсатмалар шакли (Танзимот)га эга бўлган «қонуннома» остидаги қонунларни эълон қилган. 1840 йилда усмонийлар салтанатида 1810 йилда француз Жиноят кодекси таъсири остида тузилган Жиноят кодекси қабул қилинган. Кейинчалик мусулмон мамлакатларининг кўпчилиги ана шундай йўл тутганлар. XX аср ўрталарига келиб Арабистон ярим ороли мамлакатларидан ташқари классик мусулмон жиноят ҳуқуқи ҳеч бир жойда тўлиқ ҳажмда амал қилмайди деган тасаввур шаклланган.

Бироқ ривожланиш кўрсаткичи «эгри-бугри» бўлиб чиққан. Исломнинг фаоллашуви билан биргаликда ислом ҳуқуқининг исломлаштирилиши жараёни юз берган. 1979 йилда қабул қилинган ва 1989 йилда қайта кўрилган Эрон Ислом Республикаси Конституцияси бутун қонунчилик, шу жумладан жиноят қонунчилигини шариатга мувофиқ келиши кераклигини, судлар эса жиноятчиликка қарши курашда шариатда белгиланган жазо чораларини қўллашлари шартлиги эълон қилинган. Масалан, Эрон Конституциясининг иккинчи моддасида бундай дейилади: Ислом Республикаси бу динга асосланган бошқарув тизимидир: 1) у ягона Худога, у томонидан белгиланган шариат қонунларига сосланади, инсон худонинг иродасига бўйсунishi керак; 2) қонунларни талқин этишда илоҳий кашфиётлар асос бўлувчи роль ўйнаши керак; 3) инсоннинг Худони таниши йўлидаги такомиллашувида қиёмат кунининг конструктив роли.

57-модда. Бошқарув имом назорати остида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти томонидан амалга оширилиши белгиланади.

1981 йил апрел ойида қасос тўғрисидаги қонун кучга кирган. Унинг 199та моддасида анъанавий мусулмон жиноят ҳуқуқи қоидалари такрорланади (ўлим жазосининг кенг қўлланиши, дарра билан жазолаш, тошбўрон қилиш, Талион принципи (жонга-жон, қонга-қон) бўйича жазолаш). Жиноят ҳуқуқини исломлаштириш жараёни бошқа мамлакатларга ҳам ёйилган (Покистон, Судан, Мавритания). Арабистон ярим ороли мамлакатларида шариатнинг жиноятга тааллуқли нормалари фаол қўлланила бошланган.

Мусулмон суди ўзининг ички тузилишида соддалик билан ажралиб туради. Якка ҳукм чиқарадиган судья барча тоифадаги ишларни кўриб чиқади. Судлар иерархияси мавжуд эмас.

Ҳозирги вақтда айрим мусулмон мамлакатлари (масалан, Миср) мусулмон судларидан тўлиқ воз кечган. Бироқ кўпчилик араб мам-

лакатларида улар ҳуқуқнинг ижтимоий амал қилиш механизмида муҳим роль ўйнашда давом этмоқда. Баъзи жойларда (масалан, Суданда) мусулмон судлари тизими ҳатто кўп босқичли тусга эга (бир неча инстанциялар). айрим мамлакатларда оқилона талқин қилишга мувофиқ бўлган мусулмон судларининг параллел (мувозий) тизимлари мавжуддир. Масалан, Ироқ ва Ливанда суннийликка тегишли жаффарат судлари бунга мисол бўла олади.

Айрим давлатларда мусулмон судлари ўз ваколатларига кўра устун даражада шахсий мақомга хос ишларни кўриб чиқишга йўналтирилган, бошқа мамлакатлар (Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфази мамлакатларида) уларнинг ваколатлари кенгроқ бўлиб, фуқаролик ва жиноят ишларини ҳам кўриб чиқади. Одатда судьяларга нисбатан уларнинг диний-ҳуқуқий тайёргарлиги жиҳатидан юксак малака талаблари кўйилади.

Араб мамлакатларида оила қонунчилиги ислом ҳуқуқи нормалари ва принциплари мустаҳкамланишига йўналтирилган. Юқорида оила ва мерос ҳуқуқини ғарблаштириш йўналишида бир мунча ислоҳ қилиш ишлари тўғрисида гапирилди. Бироқ ушбу ўринда ривожланиш мураккаб ва зиддиятли кечган, исломлаштириш тенденцияси яна ўзини намоён қилган. Бу нафақат оила ҳуқуқига, балки шахсий мақомга тегишли масалаларнинг бутун комплексига тегишлидир. Бир қанча мамлакатларда қабул қилинган шахсий мақом тўғрисидаги қонунлар ва кодекслар (Иордания -1976 йил, Сирия - 1953 йил, Тунис - 1956 йил, Мароккаш -1957 йил, Ироқ - 1959 йил)да ислом ҳуқуқининг асосий кўрсатмалари ҳозирги замонавий жамиятнинг бир қанча талабларини ҳисобга олган ҳолда сақланиб қолади.

Ислом ҳуқуқи бўйича таниқли россиялик мутахассис А.Сюкиянен шариатнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, ислом ҳуқуқининг ўз табиатини очиб берувчи ва уни бошқа ҳуқуқий тизимлардан фарқловчи асосий хусусияти унда сакрал ва дунёвий, диний ва ўз ҳуқуқий асосларининг ҳамкорлигининг мавжудлигидир, бу унинг келиб чиқиши ўзи а ҳослигида ва тарихий эволюциясида, манбалари ва тузилмасида, амал қилиш механизми ва мусулмон ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқни тушунишларида, ушбу ҳуқуқнинг давлат ҳамда позитив (дунёвий) қонунчилик билан нисбатида намоён бўлади.

Ислом ҳуқуқининг яна бир фарқланувчи белгиси унинг ниҳоятда хилма-хиллиги, диний ва миллий шаклларнинг турли-туманлиги, маҳаллий анъаналар ва урф-одатлар билан мустаҳкам ўзаро алоқадорлиги (кўпинча, исломгача бўлган ва шариатнинг қатъий қоидаларига мос келмайдиган анъаналар ва урф-одатлар билан), унда деталлаштирилган яқка тартибдаги қарорларнинг умумий принциплар билан чатишиб кетганлигида, шунингдек, барқарорлик ва доимийликнинг вақтга кўра ўзгаришга лаёқатлилигидадир.

Ҳуқуқий ривожланишнинг жаҳон тенденциялари таъсири мусулмон дунёсида ҳам намоён бўлади. Табиийки, ушбу намоён бўлиш тенг даражада анъанавий мусулмон принциплари ва нормалари мезонлари турли хил ислом мамлакатларида бир хил эмас.

Ҳозирги дунёда ислом ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий оилалар билан бирга мавжуддир ва улар билан ўзаро алоқададир. Хорижий ҳуқуқий таъсирга кўп марталаб дуч келган ислом ҳуқуқи миллионлаб одамларга таъсир кўрсатувчи мустақил ҳуқуқий оила сифатида сақланиб келмоқда.

16-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Ислом ҳуқуқи қандай тарихий тараққиётнинг босқичларини босиб ўтди?
2. Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари қайсилар?
4. Ислом ҳуқуқининг асосий институтлари ва тармоқлари қандай?
5. Шарқда ҳуқуқий тизимлар шаклланишига ислом ҳуқуқи қандай таъсир кўрсатади?

«Нормалари амал қилишнинг шахсий хусусиятига эга бўлган замонавий анъанавий ҳинд ҳуқуқида қадимий ҳуқуқ манбалари «руҳи» яшамокда, олдинга қўйилган мақсадга тўсиксиз эришиш учун зарур бўлган бир қанча сохта ёндашувлар мавжуддир».

Д.Деррет, Буюк Британиялик
ҳиндшунос юрист.

«Ҳинд ҳуқуқи – ҳуқуқнинг ўзига хос тизимидир, у қадимда бошқа ҳуқуқий тизимларга боғиқ бўлмаган ҳолда ривожланган, бу қадимий ҳинд жамиятида ҳуқуқий маданиятнинг нисбатан юқори даражада бўлганлигидан далолат беради».

Н.А.Крашенникова, Россиялик ҳуқуқшунос.

17–Мавзу. Ҳинд ҳуқуқи

1–§. Классик ҳинд ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.

2–§. Англия умумий ҳуқуқининг ҳинд ҳуқуқига таъсири.

3–§. Замонавий ҳинд ҳуқуқи.

1–§. Классик ҳинд ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги вақтда ҳинд ҳуқуқи тахминан бир миллиардга яқин бўлган ҳиндларга нисбатан ёйилган. Уларнинг аксарият кўпчилиги Ҳиндистон Республикасида яшайди. Қолган ҳиндларнинг катта қисми Покистон, Бирма, Сингапур ва Малайзияда, шунингдек, Африканинг Шарқий қирғоғидаги мамлакатлар бўлган Танзания, Уганда ва Кенияда истиқомат қиладди. Ҳинд ҳуқуқи миллий ҳудуд чегараларидан чиқиб, бутун дунёга тарқалган. Ҳинд ҳуқуқи Ҳиндистондан чиққан барча кишиларга ёйилади, деб ҳисоблаш ҳам мумкин.

Классик ҳинд ҳуқуқи ўзининг чуқур диний-ахлоқий манбалари билан ажралиб туради. Индуизм насиҳат ва ахлоқий таълимотларнинг жамиятнинг турли табақалари – ҳар хил «каста»лар учун бирламчи ролини тан олади. Диний китоблар одамларга муҳим йўл бошловчи бўлиб хизмат қиладди ва хулқ-атворида адолат, виждон тўғрисида тасаввурлар ҳосил бўлишига кўмаклашади. Касталарнинг урф-одатлари ва қарорлари низоларни ҳал этишга хизмат қиладди. Инсонни бутун бир яхлитлиликнинг бир қисми сифатида «ичкаридан»

эшитиш оқибатида ҳуқуқий нормалар, суд низолари ва прецедентлар узоқ вақт сезиларли даражадаги рольни ўйнамади.

Бошқа динлардан фарқ қилган ҳолда индуизм ўз издошларидан яккаю-ягона битта диний таълимотга содоқатни талаб қилмайди. Ҳинд у ёки бу Худога, бир вақтнинг ўзида бир неча худоларга эътиқод қилиши ёки атеист бўлиши мумкин. Гарчи индуизмга аниқ шакллантирилган теологик доктрина етишмаса ҳам, у барибир у ёки бу даражада кўпчилик ҳиндлар эътироф этадиган диний-фалсафий тартибдаги муайян асосий эътиқодларни илгари суради. Тарихий эволюция жараёнида ушбу эътиқодлардан буддизм, жайнизм ва сикхизм каби бир нечта диний таълимотлар ажралиб чиқган, уларни мустақил динлар ёки индуизмдаги секталар, деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Бироқ Ҳиндистоннинг замонавий қонунчилигига кўра ҳинд ҳуқуқи қоидалари буддистларга, сикхларга ва бошқа динларга эътиқод қилувчиларга ҳам ёйилиши мумкин.

Индуизм асосини руҳнинг қайта шаклланиши ва карма тўғрисидаги таълимот ташкил этади. Ушбу таълимотларга мувофиқ инсоннинг ерда содир этадиган барча яхши ва ёмон ишлари тугаган ҳаётнинг маънавий сифати билан белгиланади ва унинг кейинги мавжуд бўлиши куртагини ташкил этади. Агар инсон ушбу ҳаётда қийинчиликларга дуч келса ва жамиятда қуйи мавқеини эгалласа, у бу билан ўз руҳининг илгариги кўринишда содир этилган гуноҳларини ювади. Агар инсон хайрли ниятлар билан яшаса ва унинг хулқ-атвори софлик нурлари билан чулганган бўлса, у янада қулайроқ шароитларда, эҳтимолки олий каста аъзоси сифатида қайтадан туғилишга умид қилиши мумкин. У, шунингдек, унинг руҳи дунёнинг абадий ташвишлари ва ўлимдан озод бўлишига ҳамда олий маънавий борлиқ кўринишида илоҳий табиатнинг бир қисмига айланишига умид қилиши мумкин. Ушбу таълимот ҳинд жамияти каста тузилмасининг асосий (тўғрироғи уни оқловчи) таълимоти ҳисобланади. Бу индуизмнинг диний, фалсафий ва ижтимоий тизимидир.

Каста – бу ўзига хос машғулотлар ва касблар орқали бирлашган кишилар гуруҳидир. Улар ўзаро муомалада ўз хулқини тартибга солувчи қоидалар мажмуига буйсунадилар ва энг муҳими, бошқа касталар аъзоларига нисбатан ҳам шундай муносабатда бўладилар. Минглаб касталар ва кичик касталар мавжуддир. Анъанавий равишда тўртта катта каста

ажралиб туради: брахманлар (дастлаб рухонийлар), кшатрилар (ҳарбийлар), вайшьялар (савдогарлар) ва шудра (хизматчилар ва ҳунармандлар). Хизматдаги ютуқларга, бойликка ва сиёсий ҳокимиятга қарамай бир кастадан бошқасига ўтиш мумкин эмас. Касталар уларнинг ҳар бири ўз «софлигига» эга эканлиги тўғрисидаги гоё билан мустаҳкамланадиган иерархияни ташкил этади. Ушбу «софлик» айрим буюмлар билан алоқада бўлиш, паст касталар аъзолари билан муомалада бўлиш туфайли булганмаслиги керак.

Узоқ вақт давомида ушбу қоидаларни бузилиши судларда эътироф этиладиган ҳуқуқий оқибатларга олиб келди. Масалан, ҳинд судлари турли касталар аъзолари ўртасидаги аралаш никоҳ қачон ҳақиқий эканлиги ва бундай никоҳлардан туғилган болаларнинг ҳуқуқий мавқеи қандай эканлигини белгилаб берувчи қоидаларнинг мураккаб тизимидан фойдаландилар. Бундай амалиёт 1949 йилда ҳинд никоҳларининг ҳақиқийлиги тўғрисидаги қонун қабул қилингунгача сақланиб қолган. Ушбу қонунда бундай дейилади: «томонлар ҳар хил динларга эътиқод қилганлиги ёки турли касталар, кичик касталар ёки секталарга кирганлиги асосида ҳиндлар ўртасидаги никоҳ келажақда ёки ўтмишда ҳақиқий деб эътироф этилмайди».

1950 йилги Ҳиндистон Конституциясининг қоидалари асосида ҳозирги вақтда кастага тегишлилик тўғрисидаги тушунча бузилганлиги учун жавобгарликка тортишни тартибга солувчи барча қоидалар бекор қилинган. Бироқ кўпчилик ҳиндлар, айниқса қишлоқ жойларида, бугунги кунда ҳам ўзини тутишнинг анъанавий қоидаларига амал қиладилар. Ҳанузгача турли касталар аъзолари ўртасидаги никоҳлар камдан-кам ҳолларда тузилади. Айниқса бу аёл киши олий кастага тегишли бўлганда кескин намоён бўлади. Гарчи 1956 йилда беваларнинг иккинчи никоҳи ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши, ундан туғилган болалар эса ғайриқонуний деб ҳисобланиши ҳақидаги эски қоида бекор қилинган бўлса ҳам бевалар камдан-кам ҳолларда иккинчи марта турмушга чиқадилар (бундай қонуният олий касталарда кўпроқ кузатилади).

Умуман олганда бугунги кунда ҳам замонавий сиёсий-ҳуқуқий тузилмага эга бўлган мамлакатда каста тизими чуқур ўзгаришларга учрамоқда. Классик ҳинд ҳуқуқининг асосий хусусияти унинг дин билан мустаҳкам бирикиб кети-

шидадир. Ҳинд ҳуқуқи нисбий мустақилликка эга эмас ва ўз моҳиятига кўра индуизмнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Классик ҳинд ҳуқуқ тизими жаҳонда энг қадимий тизимлардан биридир. Эрамизгача бўлган II минг йилликда ва ундан ҳам илгари яратилган ведаларда (ҳинд диний қўшиқлари, дуолари, мадҳиялари тўпламларида) қадимий матнлар мавжуддир. Уларнинг айримларини хулқ-атвор қоидалари сифатида талқин қилиш мумкин. Бироқ ҳиндлар ведаларни илоҳий кашфиёт ва ўзларининг динлари ва ҳуқуқларининг манбаи деб ҳисобласалар ҳам уларнинг ҳинд аҳолиси маънавий ҳаётига амалий таъсири жуда кам эди.

Ҳинд адабиётининг энг қадимий асарлари (уларнинг айримларини ҳуқуқий маълумотнома деб аташ мумкин) «смрити» деб номланади, бу санскритдан амалга оширилган таржимани кекса оқимлар ва олимларнинг «инъом» қилинган дошишмандлигини англатади. Уларнинг ёшини аниқлаш жуда қийин, чунки тарихий воқеаларнинг эски хронологик тартиби ҳинд диний эътиқодига мос келмайди. Ушбу эътиқодга кўра жаҳон жараёнининг боши ҳам охири ҳам йўқ. Шу сабабли, смритилар эрамизгача бўлган 800 ва 300 йиллар оралиғида яратилган деб тахмин қилиш мумкин. Уларнинг энг қадимийлари инсон ҳаётининг муҳим воқеаларига ҳамроҳлик қилиши керак бўлган афсунгарлик ва диний расм-русумлар тўғрисидаги қисқа иборалардан иборатдир. Смритиларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши ортодоксал нуқтаи назарга зид келиб, турли замонларда ҳар хил муаллифлар томонидан ёзиб олинганлиги билан изоҳланади.

Сўнгра, дхармасутралар – ҳуқуқ масалалари бўйича дастлабки китоблар пайдо бўлган. Ушбу китобларда ҳар хил касталарнинг аъзолари ҳудого, подшога, ўз аждодларига, қариндошларига, қўни-қўшниларига ва ҳайвонларга нисбатан ўзларини қандай тугишлари кераклиги батафсил тушунтирилади. Бироқ ушбу қоидаларда дин, ахлоқ ва ҳуқуқ талаблари ўртасида аниқ фарқлар кўрсатилмайди.

Классик ҳинд ҳуқуқининг бундан кейинги ривожланиши дхармашастлар билан боғлиқдир. Улар машҳур олимларники деб ҳисобланадиган дхарма қоидаларининг кенг тўпламидан иборатдир. Дхармашастлар, – деб ёзади О.А.Жидков, – ёзилмаган ҳуқуқий урф-одатлар, давлат кўрсатмалари (қонунлар) билан эмас, балки давлат ҳокимияти ружсат берган диний-

ҳуқуқий кўрсатмалар тўпламлари билан алмашадиган ҳуқуқ шакллари ривожланишининг ўзига хос босқичини ифодалайди. Бундай китоблардан Ману дхармашастраларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Агар қадимги Римда етарлича етук ҳуқуқий конструкциялар пайдо бўлиши, яъни ҳуқуқнинг ривожланиши диний шакллардан озод бўлиши билан биргаликда кечган бўлса, қадимги Ҳиндистонда ҳуқуқий институтлар ва нормаларнинг шаклланиши, мусулмон ҳуқуқида бўлгани сингари, диний қобикда амалга оширилди. Ҳинд ҳуқуқининг эволюцияси учун секуляризация жараёни эмас, балки Н.А.Крашенникова тўғри ёзганидек, диний шакллар билан алоқа хусусияти ўзгарганлиги, ҳуқуқий ва диний шакллар нисбатидаги ўзгариш характерли эди. Давлат ҳокимияти ҳуқуқий ва диний шакллар ўртасидаги боғловчи бўғим бўлиб майдонга чиқади.

Мусулмон оламида бўлганидек, XI–XII асрларда ҳинд ҳуқуқининг асосий мактаблари аста секин шакллана бошлади. Ушбу ҳуқуқ уч муҳим масалага яъни мерос ҳуқуқи, ажралмаган оила айрим аъзоларининг мол-мулкининг ҳуқуқий тартиби ва оилавий мулкни бўлишга нисбатан турлича ёндашувни талаб этар эди.

Ҳинд ҳуқуқида иккита асосий мактаб мавжуд: булар Митакшара ва Дайябхата мактабларидир. Бу мактаблар ўзларининг кичик мактаблари ва шохобчалари билан биргаликда, мусулмонларнинг маънавияти каби ҳар бири алоҳида жўғрофий туманларда ҳукмронлик қилади. Бироқ индивидларнинг шахсий мақоми улар орқасидан боради ва ўзлари яшаётган жойга боғлиқ бўлади. Дайябхата мактаби Бенгалия ва Ассамда, Митакшара мактаби бутун Ҳиндистон ва Покистонда устунлик қилади. Ҳинд ҳуқуқи ҳамма вақт муайян минтақада, кастада, уруғ-аймоқда ёки оилада азалдан амал қилингандагина урф-одатлар ҳуқуқ манбаи сифатида қаралишини эътироф этади.

2–§. Англия умумий ҳуқуқининг ҳинд ҳуқуқига таъсири

Британия муштамлакачилигидан олдинги замонда классик ҳинд ҳуқуқи на дунёвий ҳукмдорлар томонидан белгиланадиган расмий нормативларга, на суд қарорларига асосланган. Моҳиятига кўра улар олимларнинг асарларига, смрити-

ларга, шарҳларга ҳамда уларнинг тўпламларига таянар эди. Ҳиндистоннинг ўша замондаги ҳуқуқшунослари ҳуқуқий эътироф этилиши керак бўлган урф-одатларни аниқлашда шубҳасиз муҳим роль ўйнайдилар.

Табиийки, классик ҳинд ҳуқуқи Англия мустамлакачилиги замонида жиддий ўзгаришларга учради. Инглизлар Ҳиндистонда бу ерда ўзига хос ҳуқуқий маданият яратилган пайтда пайдо бўлдилар. Бошқа кўп ҳолларда бўлгани сингари ташкил этилган инглиз судлари Ҳиндистон аҳолиси амал қилган нормаларни рад этмаган. Ҳинд, мусулмон ва инглиз умумий ҳуқуқининг қўшилиши Ҳиндистонда диний судларнинг алоҳида тизими мавжуд эмаслигига олиб келди. Барча низолар умумий ҳуқуқ судлари томонидан ҳал этилган.

Мулк ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи соҳасида анъанавий нормалар жуда тезликда Англия умумий ҳуқуқи нормаларини алмаштирган. Оила ва мерос ҳуқуқи соҳасидаги вазият бошқача бўлган. Бунда меросга, никоҳга, кастага ҳамда бошқа урф-одатлар ёки институтларга тегишли барча оғирликлар ҳинд ҳуқуқи нормаларига мувофиқ ҳал этилган. Британия судларининг улар илгари умуман билмаган нормаларни қўллаши осон эмас бўлмаган. Шу сабабли, судларга пандитларни – маълумотли ҳиндларни бириктириб қўйишган. Судлар улардан у ёки бу масала бўйича ахборот олишлари мумкин бўлган. Бундай амалиётдан 1864 йилда воз кечилган. Бу замонга келиб судьялар анча тажрибага эга бўлганлар, ҳуқуқ масалалари бўйича китоблар сони кўпайган ва энг асосийси, суд прецедентлари тўпланган. Бироқ, Англия умумий ҳуқуқига хос бўлган прецедент қондаси суд қарорини мажбурий, деб ҳисобламайдиган анъанавий ҳинд ҳуқуқидан анча йироқдир. Ҳиндистонда прецедент ҳуқуқи ҳинд ва мусулмон ҳуқуқи нормалари билан мураккаб бўлган ўзаро ҳамкорликка киришган.

Инглизларнинг мустамлакачилик бошқаруви замонида юз берган ҳинд ҳуқуқидаги ўзгаришларга батафсил тўхталиб ўтмасдан фақат умумий шаклда унинг институтлари ва нормалари замонавийлаштирилганлигини ва ҳатто янги ечимлар билан алмаштирилганлигини кўрсатиб ўтамиз. Инглиз-ҳинд ҳуқуқига ўхшаш ўзига хос ҳуқуқ шаклланди.

Англия ҳуқуқининг таъсирига қарамай ҳинд ҳуқуқини тўлиқ сиқиб чиқариш юз бермади ва унинг бир қанча анъана-

вий нормалари ва институтлари амал қилишда давом этди. Бу энг аввало муносабатлар соҳасининг қуйидагиларини қамраб олувчи шахсий мақомни тартибга солишга тегишлидир: никоҳда ва никоҳдан ташқари туғилган болалар; вояга етмаслик ва васийлик; фарзандликка олиш; никоҳ ва ажралиш; оилавий мулкни бўлиш; мерос қолдириш; диний қурбонликлар; дамбупат; бенами; бўлинмас мулк. Дамбупат – қарздорларни ҳимоя қилишга қаратилган соф ҳинд ҳуқуқий нормасидир (қадимда «двайгунлар» номи билан маълум бўлган). Бенамилар деганда бир киши мулк эгасининг фақат ишончли шахси ҳисобланган ва бундай фаолият натижасида даромад ёки фойда олувчи бошқа шахс (бенамилар) номидан мол-мулкни харид қиладиган ёки берадиган битишув тушунилади.

Қадимда шаклланган ҳамда икки минг йиллик мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтган ҳинд ҳуқуқи ҳозирги вақтгача ўзининг тартибга солувчи (гарчи чекланган доираларда бўлса ҳам) аҳамиятини сақлаб қолган ва ҳозирда ҳинд жамияти ҳуқуқий тизимининг муҳим компонентларидан бирига айланган. Ҳинд ҳуқуқи «яшовчанлигининг» асосий сабаби, унинг анъанавий ҳинд ижтимоий институтлари (биринчи навбатда жамоа ва варна-каста тузилмалари билан) билан мустақам алоқадилгида, турли-туман ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларга мослашиш лаёқатида, фавқулодда барқарорлигидадир.

3-§. Замоनावий ҳинд ҳуқуқи

Миллий мустақиллик учун кураш давомида ҳинд ҳуқуқини тўлиқ кодекслаштириш режаси муҳокама қилинган. 1947 йилда давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин тезда Ҳиндистон ҳукумати парламентга кўриб чиқиш учун Ҳинд кодекси лойиҳасини тақдим этган. У оила ва мерос ҳуқуқини қамраб олиши керак эди. Бироқ, консерватив кучларнинг қаршилиги натижасида лойиҳа кун тартибидан олиб ташланган ва ҳукумат алоҳида қонун лойиҳалари тайёрлаш йўлидан борган. Бундай тактика ўзини оқлаган. Биринчи бўлиб, 1955 йилда ҳиндларнинг никоҳ ҳуқуқини бирхиллаштирган ва уни замоनावий дунёқарашга мослаштирган никоҳ тўғрисидаги қонун кучга кирган.

Дхармашастрларнинг анъанавий таълимотига кўра никоҳ – бу эр-хотиннинг бузилмас иттифоқига асос солишни

англатувчи сирли бир нарсадир. Шу сабабли, гарчи Ҳиндистоннинг кўплаб вилоятларидан бу ҳатто қуйи касталарда оддий урф-одат билан ҳал этилса ҳам ортодоксал индуслар ажралишга йўл қўйиб бўлмайдиган бир нарса сифатида қараганлар. Никоҳнинг бекор қилиниши принцип жиҳатидан олганда тақиқланар эди, бироқ муайян шароитларда эр иккинчи хотин олиши мумкин эди, агар биринчиси хотинлик мажбуриятларини бажармаса. Бироқ полигамия ҳеч қачон ҳиндлар орасида ёйилмаган. Никоҳ, одатда бўлажак эр-хотин ота-онасининг хоҳиши билан тузилган. Бундай ҳолат бугунги кунда ҳам кўп жиҳатдан сақланиб қолган. Дхармашастрлар қондаси бўйича никоҳга кириш учун на бўлажак эр-хотиннинг розилиги, на муайян ёшга етиш талаб қилинган. Шу билан бирга ҳинд ҳуқуқи никоҳда жуда кўплаб тўсиқлар қўйилган: турли касталар аъзолари ва ҳатто жуда узоқ қариндошлар ўртасидаги никоҳлар тақиқланган. Ушбу қоидаларга бугунги кунда ҳам Ҳиндистоннинг қишлоқ туманларида риоя қилинади. Бу жиҳатдан никоҳ тўғрисидаги қонун қариндошлик даражаси бўйича ҳар хил касталар ўртасидаги никоҳни тақиқлашни бекор қилувчи ижтимоий воқеликдан бир мунча илгарилаб кетди.

1956 йилда яна тўртта қонун амалга кирган: вояга етмаганлар ва васийлик тўғрисидаги қонун, меросхўрлик тўғрисидаги қонун, фарзандликка олиш ва оила аъзоларини боқиш учун маблағ тўлаш тўғрисидаги қонун. Шундай қилиб, ҳозирги вақтга келиб, ҳинд ҳуқуқини кодекслаштириш бўйича катта иш қилинган, судьялар эса энг аввало қонунларга ва прецедентларга амал қиладилар.

Кейинчалик ҳинд ҳуқуқий институтлари янада ўзгартирилди, натижада урф-одатларнинг амал қилиш соҳаси кескин қисқарди. Етимларни фарзандликка олишга руҳсат берилди. Фарзандликка олинган бола мерос ҳуқуқларида қонуний туғилган болалар билан тўлиқ тенглаштирилди. Полигамия тақиқланди, суд бўйича ажралиш қонунлаштирилди, мерос ҳуқуқи аёлларнинг мерос ҳуқуқларини кенгайтириш томонга ислоҳ қилинди, натижада аёллар ва эркакларнинг ўртасидаги юридик тафовутлар камайди.

Ҳинд ҳуқуқи бўйича ҳуқуқий маълумотномалар, одатда каста масаласини ёритмайди, чунки у шахсий ҳуқуққа тегишли эмас. Мамлакатда каста институтлари ва каста мух-

торияти тўғрисида гапириш қабул қилинган. Улар Конституциянинг 26-моддасида сақланиб қолган: «Ҳар қандай диний оқим ёки секта, агар улар жамоат тартибини, ахлоқни ва соғлиқни сақлашни бузмаса: а) диний ёки хайрия мақсадларида идораларга асос солиши ва уларни сақлаши; б) дин масалаларида раҳбарликни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир».

Шундай қилиб, маълум бир каста диний кўрсатмаларни бузган ўз аъзоларига жазо бериши мумкин. Агар тафовут диний тусга эга бўлса, диний кўрсатмани бузувчилар бўйсунниши рад этганлиги учун диндан жудо қилиниши мумкин. Бинобарин, касталар диннинг итоат этиш, овқатланиш, никоҳ ва бошқа масалаларида ички тартиб қоидаларни қўллаб-қувватлашлари мумкин. Суд каста қоидаларни қайта кўриб чиқишга ваколатли эмас, у фақат уларга риоя қилиниши ва тўғри қўлланилиши устидан назорат қилади. Суд, агар у миллий олий судловга зид бўлса, каста қарорини бекор қилиши мумкин.

Демак, замонавий ҳинд ҳуқуқи деганда, Бирма, Малайзия, Сингапурда ҳозир ҳам амал қилувчи қонунлар ва урф-одатлар билан мазмунан ўзгартирилган ҳиндларнинг шахсий ҳуқуқи ҳам тушунилади. Ҳинд ҳуқуқи юқорида кўрсатиб ўтилган мамлакатларда Шарқий Африкада ва қонунчилик билан ўзгартирилган Кения ва Угандада бевосита ва билвосита қўлланилади.

Замонавий ҳинд ҳуқуқидан қуйидаги масалаларни кўриб чиқишда бевосита фойдаланилади:

биринчидан, оила ҳуқуқи – болаларнинг қонунийлиги, васийлик, фарзандликка олиш, никоҳ, уч ва ундан ортиқ авлоддан иборат оила ҳамда мулкнинг бўлиниши, вафот этганнинг мулкни, шу жумладан кўчмас мулкнинг унинг ҳаёт бўлган қариндошлари томонидан мерос қилиб олиниши;

иккинчидан, оилавий ижтимоий масалалар – диний ва хайрия инъомлари;

учинчидан, соф ижтимоий тусдаги масалалар – Дамбупат, харид қилишда устунлик ҳуқуқи, қасамёд, Бенами операцияси (унча кўп бўлмаган даражада) ва мулкни васият ёки бошқа ҳужжат орқали бериш;

тўртинчидан, каста ҳуқуқи ва диндан чиқариш. Ҳинд ғоялари давлат ер эгаллиги концепциясида ҳам сақланиб қолди.

17—мавзу бўйича назорат саволлари

1. Ҳинд ҳуқуқининг диний ўзақлари нималардан иборат?
2. Англия умумий ҳуқуқининг ҳинд ҳуқуқига таъсири қандай?
3. Ҳинд ҳуқуқи манбаларини биласизми?
4. Ҳинд ҳуқуқининг амал қилиш механизми нималардан иборат?
5. Ҳозирда Ҳиндистон ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятларини биласизми?

«Агар халқ қонунлар ёрдамида бошқарилса, бир хил норма эса жазолаш ёрдамида қўллаб-қувватланса, халқ уни бузмасликка интилади ва унда уят ҳисси мавжуд бўлади. Агар халқни раҳмдиллар бошқарса, норманинг бирхиллиги урф-одатлар билан қўллаб-қувватланса, у ҳолда халқ уят туйғусига эга бўлади ва бу билан яхшироқ бўлади».

Конфуций, Қадимги Хитой донишманди.

«Қадимги Шарқ ҳуқуқий оиласи қанча абадий бўлса, шунча ўзига хосдир. Унинг кўп асрлик мавжуд бўлиши кўп жиҳатдан хорижий ҳуқуқдан узоқ вақт ажратилган ҳолдаги ўз тарихий иддизлари билан изоҳланади. Чуқур ахлоқий-диний манбалар шунчалик барқарор бўлиб чиқдики, ҳатто Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳуқуқий оиласини «европалаштириш» ва «америкалаштириш» ҳам унинг табиатини тубдан ўзгартириб юбора олмади. Ички ахлоқий қадриятлар ва анъанавий ўз-ўзини бошқариш ҳамон ҳуқуқий нормаларнинг гўёки ичида, қобиғида амал қилади».

Ю.А.Тихомиров, Халқаро қиёсий ҳуқуқ
Академиясининг мухбир аъзоси.

18-мавзу. Узоқ Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари

1-§. Узоқ Шарқ ҳуқуқининг умумий тавсифи.

2-§. Ҳуқуқни ёқадимги хитойча тушуниш – Узоқ Шарқ ҳуқуқининг асоси.

3-§. Узоқ Шарқ ҳуқуқий концепцияси.

4-§. Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқий тизими.

1-§. Узоқ Шарқ ҳуқуқининг умумий тавсифи

Асосини у ёки бу ҳуқуқий тизим ташкил этиши ёки қайси ҳуқуқий оилага мансуб деб белгилаш мумкин бўлган асосий мезонларга, шунингдек, ҳуқуқни ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим ижтимоий воситаси сифатида идрок қилиш катта аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан Узоқ

Шарқ мамлакатлари ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий оилалардан тубдан фарқ қилади.

Узоқ Шарқ деб аталувчи минтақага кўплаб мамлакатлар киради ва уларнинг ҳар бирида ўзига хос цивилизациялар ривожланган. Ушбу цивилизациялар бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатган, бироқ ривожланишнинг бутун тарихида алоқалар етарли бўлмаганлиги сабабли, у Ғарбий Европада пайдо бўлганидек маданий бирликка бориб етмаган. Хитой ва Ҳинд цивилизациялари бошқа Узоқ Шарқ цивилизацияларига аиниқса жиддий таъсир кўрсатган. Шу сабабли, Хитой ва Япон ҳуқуқи баёни ҳуқуқнинг умумий Узоқ Шарқ концепцияси айрим муҳим ва характерли элементларини аниқлаш имконини беради.

Ҳуқуқий тизимни бир-биридан фарқ қилувчи белгиларига кўра ҳуқуқий тизимларнинг у ёки бу оилага тегишли деб ҳисоблашади. Ушбу хусусиятлардан бири, ушбу тизим ижтимоий ҳаётни тартибга солишнинг воситаси сифатида ҳуқуққа бериладиган аҳамият билан белгиланади. Бу жиҳатдан Узоқ Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари юқорида кўриб чиқилган ҳуқуқий оилалар ва гуруҳлардан тубдан фарқ қилади.

Барча Ғарбий ҳуқуқий тизимларнинг ўхшашлиги бу улар роман-олмон ҳуқуқий оиласига ёки умумий ҳуқуққа тегишлилигидан қатъий назар ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари ахлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан эмас, балки устун даражада объектив ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган яқдилликдадир. Қонун ва суд қарори умумий ҳолатда барча шахсларга муайян ҳуқуқлар, масалан, шартномани ижро этиш ҳуқуқи, зарарларнинг компенсациясини олиш (ундириб олиш), алимент тўлаш каби ҳуқуқларни белгилаб, уларга эга бўлиш шартларини белгилайди. Агар бирор шахснинг ҳуқуқи бошқа шахслар томонидан бузилса ёки шубҳа остига қўйилса, бундай шахс фақат ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлибгина қолмасдан, балки айнан шундай қилишга мажбурдир. Айнан шу мақсадда суд муҳокамаси механизмидан фойдаланилади. Суд муҳокамаси давомида судья аниқ бир ишни кўриб чиқади. У қонун нормаларига амал қилган ҳолда узил-кесил бўлган мажбурий қарор чиқаради.

Ушбу метод бирдан-бир усул эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига

бир кўз югуртириш кифоя: айрим жамиятларда ҳуқуқий низолар ишни судда кўриб чиқувчи методлардан фарқ қилувчи йўллар билан ҳал этилади. Бундай анъана Хитойда давом этмоқда, Корея ва Ҳиндихитойда катта таъсирга эга, Гонконг, Индонезия ва Малайзияда яшовчилар учун катта аҳамиятга эга, у япон ҳуқуқига ҳам таъсир кўрсатади. Гарчи Япония оролларда жойлашганлиги сабабли, ҳеч қачон Хитой ҳукмронлиги таъсирига тушмаган бўлса ҳам, Хитой маданияти VI-VII асрлардан бошлаб Японияга ва бу орқали унинг ҳуқуқига катта таъсир кўрсатган.

2-§. Ҳуқуқни қадимги хитойча тушуниш – Узоқ Шарқ ҳуқуқининг асоси

Хитойнинг кўп асрлик тарихи кўплаб фалсафий ғояларни шакллантирган. Улардан фақат учтаси – даосизм, конфуцийлик ва легизм Хитой ҳуқуқига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Улар кейинчалик Узоқ Шарқ ҳуқуқининг асосини ташкил этганлар.

Даосизм таълимотига кўра Оламда дао (йўл) принципи ҳукмронлик қилади. Қандайдир ўзидан иборат нарса мавжуд бўлади. У осмон ва ердан олдин туғилган. У хотиржам ва қуп-қуруқ, ҳеч нарсага боғлиқ эмас ва ўзгармасдир. У – оламнинг онаси, бироқ мен унинг номидан иш юритмайман. Шу сабабли, уни дао деб аташади ва яхшироқ сўз бўлмаганлиги учун «буюк» деб белгилашади. Агар инсон ушбу улуг йўлдан борса, ҳамма нарса яхши бўлади, натижада Даосизм тарғиб қилинади.

Конфуцийлик қилмишсизлик принципини рад этади ва даосизмга бутунлай зиддир. Конфуций таълимоти анча фаолроқ. Унинг таълимотига кўра инсон олами табиат оламидан кескин фарқ қилади. Табиат оламида абадий иерархия ҳукмронлик қилади. Инсон дунёси унинг намунаси бўйича қурилиши керак. Ушбу жисмоний оламни бошқарувчи табиат қонунларини Конфуций тарафдорлари дао (илоҳий йўл) ёки тиан дао деб атайдилар. Улар бевосита инсон дунёсини бошқармайдилар. Шу сабабли, табиат қонунларини иммитация қиладиган қоидалар, урф-одатларни ишлаб чиқиш зарур. Ҳар иккала олам мувозий мавжуддир, бироқ ҳеч қачон бир-бирига ўхшатилмайдди, гарчи ўзаро ҳамкорлик қилса ҳам. Табиат олами – инсон олами интилиши керак бўлган идеалдир. Би-

роқ инсон ҳеч қачон унга тўлиқ мос бўлишга эриша олмайди. Даочилар бўйича дао ўзида бутун Оламнинг ҳаётини ташувчи илҳом ва сирлиликни сақлайди, конфуциячилар учун эса бу асосий шахсиз принцип халос. Конфуциячилар – рационалистлар ва прагматиклардир.

Шундай қилиб, Узоқ Шарқ анъанасига биноан, ижтимоий муносабатлар табиий тартибнинг бир қисми ҳисобланади. Конфуцийлик таълимотидан топиш мумкин бўлган ушбу фикр нима учун Узоқ Шарқда ҳуқуққа ва низоларни судда ҳал этишга бунчалик кам аҳамият берилишини тушунишга ёрдам беради.

Конфуцийлик 1911 йилги инқилобгача Хитой империясининг давлат мафқураси асосини ташкил этган. У инсон ва Худо, осмон ва ер, барча жонли ва жонсиз нарсалар уйғун тартибга солинган ва ягона Оламнинг узвий таркибий қисмлари ҳисобланади, шу сабабли, инсоннинг энг муҳим мақсади – унинг фикрлари, туйғулари ва хатти-ҳаракатлари коинот билан идеал уйғунликда бўлишга интилишдир; жумладан одамлар ўзларини шундай тутишлари керакки, улар ўртасидаги мавжуд табиий тенглик бузилмасин. «Тўғри» хулқ атвор қондаси «Ли» деб аталган ва уларнинг моҳияти инсоннинг ижтимоий мавқеига, унинг оиладаги, уруғ-аймоқдаги, қўшнилари орасидаги, расмий иерархиядаги ва давлатдаги мавқега боғлиқ бўлган.

Шундай қилиб, «Ли» ёки тўғри хулқ-атвор ҳар бир вазият учун, ёш ва кекса, зодагон ва шаҳарлик учун пухта белгиланган; у қариндошлар, дўстлар ва бегоналар ўртасидаги, ота ва ўғил, ака-укалар, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларни белгилаб берган. Конфуцийликка мувофиқ идеал инсон – бу оламнинг табиий тартибини англайдиган, ушбу хулқ-атвор қоидалари зарурлигини ва уларнинг мақсадли вазифасини эътироф этадиган, уларни виждонан бажарадиган ва бу билан уйғунликни сақлаб қолиш учун камтарлик ва хотиржамлик билан ўз манфаатларини қурбон қиладиган кишилар.

Афтидан, конфуцийлик ҳуқуқ нормаларига ёки уларнинг судларда мажбурий ижро этилишига хайрихоҳлик билдирмаган. Чунки, ҳар қандай ҳуқуқ ҳаётдаги муносабатларни тизимлаштириш ва шакллантиришнинг оддий ва тартибга солинган тизимини назарда тутаяди, у томонларнинг ижтимоий мавқеи билан боғлиқ барча кўп қиррали омилларни ҳисобга

олмайди. Конфуцийлик суд қарори воситасида юридик ҳуқуқлар ўрнатилишини тобора камроқ маъқуллай бошлаган.

Конфуцийликнинг ахлоқий таълимотига кўра кимдир унга нисбатан «Ли» қоидаларини назар писанд қилмаган деб ҳисоблаган фуқоро келиб чиққан келишмовчиликларни ошкор қилмасдан, ўз ҳуқуқларини тикиштирмасдан ёки судга мурожаат қилмасдан хотиржам муҳокама қилиши орқали низони ҳис-ҳаяжонсиз ҳал қилишга интилиши керак, виждонли одам низода ўзини босса ва вақтинчалик адолатсизликка кўнса, жамият ва Худо олдида ўз мақсадига эришади. Судга мурожаат қилиб ёки фуқорони кўпчиликнинг кўз ўнгида қилмиши учун шарманда қилишга интилиб жамоат хотиржамлигини бузганни камтарлик ва мурасага боришга тайёргарликдек асосий фазилатлардан маҳрум бўлган кўпол ва тарбиясиз одам деб ҳисоблашар эди.

«Ли»чилар конфуцийчилардан фарқ қилган ҳолда барча муҳим ижтимоий масалаларга бутунлай зид нуқтаи назарда турар эдилар. Агар Конфуций ва унинг мактаби инсоннинг виждонлилигига, уни тарбиялаш билан ишонтириш ва ҳукмдорларнинг намунаси билан тарбиялаш мумкинлигига ишонсалар, «Ли»чилар инсон ўз моҳиятига кўра эгоист, фақат ўз гаразли мақсадларига эришишга интилади ва шу сабабли, қонунчиликка мувофиқ қаттиқ жазоланиши керак, деб ишонишар эди. Агар Конфуций иерархик ташкил этилган жамиятда ижтимоий мавқенинг тафовути оламдаги олий уйғунликнинг намунаси сифатида қаралиши керак ва шу сабабли сўзсиз риоя қилиниши керак деб таълим берса, «Ли»чилар қонун олдида барча одамлар бир хил деб ҳисоблашар ҳамда фалсафий таълимот орқали эришиш мумкин бўлмаган тўғри ижтимоий хулқ-атвор давлат томонидан мажбурлаш чоралари кўринишида қаттиқ жазолаш орқали сингдириш керак деб ҳисоблашар эди. «Ли»чилар инсоннинг ижтимоий ҳаёти позитив ҳуқуқ томонидан қатъий тартибга солиниши керак, деб ҳисоблашар эди. Конфуцийчилар нуқтаи назарига кўра инсоният (улар уни иерархия призмаси орқали қабул қиладилар) маросим қоидаларига буйсунишлари керак ва аксинча, «Ли»чилар ижтимоий қоидалар барча нарсага нисбатан тенг даражада қўлланилади.

Кўплаб «Ли»чилар позитив ҳуқуққа оғирлик ва чоралар сифатида қарашган. Ушбу сифатда ҳуқуқий нормалар стан-

дарт бўйича ва барқарор бўлиши керак. Энг машҳур «Ли»чи Хан Фацзи бундай деган эди: «Гарчи энг яхши дурадгор кўзи билан аниқ ўлчаса ҳам, у барибир ўлчаш учун чизгичдан фойдаланади. Донишманд бирданига ақлли қарорга келиши мумкин, бироқ у ҳамма вақт кексаларнинг фикрини сўрайди. Агар чизгич аниқ бўлса, гўлани бир текис аралаш мумкин: агар юза ясси бўлса, ерни текислаш мумкин; агар яхши ўлчов бирлиги бўлса ҳажмни аниқ ўлчаш мумкин. Агар монарх қонунга амал қилиб мамлакатни бошқаришни истаса, ушбу қонунни эълон қилиш ва ижро этиш кифоя. Чизгич эгилган буюмларни ўлчаш учун эгилмаганидек, қонун унволи шахсларга нисбатан марҳаматли бўлмайди. Қонун донишмандлар учун истисно қилмайди, жасоратли одамлар унга қарши қутула олмайдилар. Буйсунувчиларнинг самимийлиги унутилмайди».

«Ли»чилар қонунни барча билиши керак деб ҳисоблашади. Хан Фейцзи бундай дейди: «Қонун ёзилиши, маъмурларнинг ҳисоботларида сақланиши ва бажаралиши керак, шу сабабли, уни халққа эълон қилишдан яхши нарса йўқ...» Қонунлар аниқ мазмунга эга бўлиши ва ҳар бир кишига етказилиши керак. «Ли»чилар оламнинг ўзбошимчалик билан ўз-ўзидан тартибга солиниши концепциясини қабул қилишмайди. Бинобарин, даосизм улар учун бегонадир. «Ли»чилар яхши ташкил этилган дунё қуриш ғамини чекадилар. Шу маънода уларнинг ғоялари конфуцийлик ғояларидан унчалик фарқ қилмайди. Бироқ амалда легизм билан конфуцийлик ўртасида катта фарқ мавжуд.

Хан династияси замонида конфуцийлик расмий давлат мафкурасига айланган. Конфуцийликни ўрганувчи мутахассислар ушбу таълимотни бутун мамлакатга ёйганлар ва конфуцийлик кейинги икки минг йиллик ичида Хитой жамияти ва давлатининг маънавий ва фалсафий асоси, деб эътироф этилган. Конфуцийлик классикларининг асарларини мактабда ўқиш муҳим роль ўйнаган, давлат имтиҳонларида эса хизмат пиллапояларидан кўтарилиш учун ҳар бир номзоддан Конфуций ва унинг шогирдларининг таълимотини чуқур билиш талаб қилинган. Вақт ўтиши билан маъмурий вазифаларни бажариш учун вилоятларга юбориладиган император хизматидаги мансабдор шахслар саводли, юқори

маълумотли кишилар конфуцийлик доктринасини бутун мамлакатга ёйганлар.

Конфуцийликнинг қарор топиши Хитой давлати ёзиб қўйилган ҳуқуқий нормалардан фойдаланишдан воз кечганлигини ёки «Ли»нинг ёзилмаган хулқ-атвор қоидаларини бажариш натижасида ижтимоий ҳаёт қоида бузишлардан тўлиқ тозаланганлигини аниқлатмайди. Конфуцийлик издошлари вужудга келган шароитларда одамларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш учун гарчи улар «Ли» каби фазилатларга ва қадриятларга эга бўлмасалар ҳам давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ талаб қилинишини эътироф этганлар.

Хитой давлати ягона империяга бирлашгунга қадар кодекслар мавжуд бўлган, Цин ва Хан династиялари ҳукмронлик қилган замонда улар кетма-кет тузилган. Қадимий кодекслар йўқ бўлиб кетган, фақат айрим боблар ва алоҳида парчалар сақланиб қолган, холос. Бизгача етиб келган энг қадимий кодекс Тан династияси кодекси VII асрга тегишлидир. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу кодексларнинг кўпчилигида жиноят ва маъмурий ҳуқуқ нормалари мавжуддир. Оила ва мерос ҳуқуқи масалалари фақат жиноят ёки маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар билан, масалан, солиқ солиш принципларини аниқлаш масалаларида қўзғатилган.

Ушбу кодекслар савдо ҳуқуқига деярли эътибор бермаган. Бу эса конфуцийлик доктринаси принципларини акс эттирган. Унга мувофиқ қонунчилик фаолияти – зарур ёвузлик ва ёмонлик бўлиб, коинотга тегишли жуда жиддий бузилиш учун давлат жазо тайинлаган ҳолларда ёки давлат маъмуриятини ташкил этиш масаласи қўндаланг бўлиб турганда унга мурожаат қилинган. Ҳатто жиноят ҳуқуқида конфуцийлик таъсирини исбот қилиш йўллари мавжуд бўлган. Масалан, унда қотиллик, сўз билан ҳақорат қилиш ва жисмоний зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш батафсил тасвирланганлигини кузатиш мумкин. Улар жиноятчининг ниятини ва жиноятнинг ташқи ҳолатларинигина эмас, балки жиноятчи ва жабрланувчининг ижтимоий мавқеини ҳам ҳисобга олган. Боз устига ҳукмнинг қаттиқлиги кўп жиҳатдан, ота ўғилга, эр хотинга ёки хўжайин ўз қулига жароҳат етказган-етказмаганлигига боғлиқ бўлган. Бу ерда эр хотин биланми ёки хотин эр билан ёмон муносабатда бўлганлиги катта аҳамиятга эга бўлган. Агар катта ўғил кичик ўғилни урган бўлса, жазо бе-

рилмаган; башарти кичик ўғил катта ўғилни урса, у ўттиз ой қаторга ишларига ва бамбук новдалари билан тўққиз марта урилиши ҳукмига учраши мумкин бўлган.

Қадимги Хитойда қонунчиликнинг катта қисми жиноят ва маъмурий ҳуқуққа тегишли бўлиб, ҳуқуқий амалиёт эса асосан жиноят ҳуқуқи билан тартибга солинса, хусусий ҳуқуқ қандай можароларни ҳал этган? Ушбу соҳада конфуцийлик таълимотига тўлиқ мувофиқ ҳолда низоларни суддан ташқари ҳал этишнинг хилма-хил шакллари ишлаб чиқилган. Оила ичида қийинчиликларни ҳал этиш учун оила бошлиқлари, яқин қариндошлар, ҳатто бегона кишилар сулҳ ўрнатувчилар бўлишлари мумкин бўлган. Уларни ҳар иккала томон ёшининг улуглиги, минтақада юксак мансабда эканлиги ёки бошқа сабаблар бўйича ҳурмат қилар, хуллас ҳар иккала томон улар таклиф этадиган сулҳни қабул қилган. Муроасага келиш йўлини излаш учун ушбу сулҳ ўрнатувчилар «Ли» хулқ-атвор нормаларидан олинган қоидалардан, минтақада расм бўлган амалиётдан, шунингдек, ўз ҳаётий тажрибаси ва дунёни билишидан фойдаланган.

Агар томонлар ҳуқуқий муроаса қоидасини қабул қилишмаса, у ҳолда муҳокама сулҳ ўрнатувчи бирор битимга эришмагунча давом этган. Муроасага келтириш учун ўртада турган одамнинг кучли ижтимоий ва ахлоқий таъсири кўзга ташланган. Агар томонлар никоҳ ришталари билан боғланмаган бўлса, бироқ яқин қариндошлар гуруҳига тегишли бўлса, бир қишлоқда яшашса ёки бир савдо гильдияси аъзолари бўлишса ҳам мана шундай тартибот қўлланилган. Сулҳ ўрнатувчи шахслар сифатида уруғ оқсоқоллари, маҳаллий обрўли кишилар ёки гильдия оқсоқоллари жалб этилган.

Томонлар ҳамма вақт вилоят ёки минтақанинг бош шаҳридаги давлат судларига мурожаат қилиши мумкин бўлган. Бу ерда ишлар амалдорлар томонидан кўриб чиқилган. Бироқ одатда томонлар жойининг ўзида ишларни ҳал қилишга интилишган. Улар бунга жамоатчиликнинг ҳукмидан қочиш учун мажбур бўлишган. Ҳурматли воситачи таклиф қилган муроасани рад этган, ишни судда кўриб чиқишга олиб чиққан ҳар бир киши унинг ўзи бир қисми ҳисобланган яқдил жамоа унинг ҳулқини қаттиқ қоралашини англаб етиши керак бўлган. Бунинг устига суд муҳокамаси жуда узоқ давом этар ва

қимматга тушар эди, суд ходимларини эса сотиб олиш мумкин бўлган. Улар бунинг устига суллоҳ ҳам бўлганлар.

Императорлар замонидаги Хитойнинг давлат судларида хусусий ҳуқуқ соҳасидан унча кўп бўлмаган ишлар муҳокама қилинишининг сабаби шундай бўлган. Бу вазият Хитой императорларини бутунлай қаноатлантирган. Чунки кўпчилик ҳолларда можаролар томонларнинг ижтимоий мавқеини ҳисобга олган ҳолда анъанавий хулқ-атвор қоидалари бўйича маҳаллий жамоалар доирасида «ўз-ўзидан тартибга солинар» эди. Давлат маъмурияти эса фуқаролик ҳуқуқи соҳасида суд ишларини юритишдан ва қонунчилик фаолиятидан кўп даражада озод бўлган.

3-§. Узоқ Шарқ ҳуқуқий концепцияси

Хитойда «фа» сўзи тахминан Европадаги «ҳуқуқ» сўзига мувофиқ келади, бироқ қадимда «фа» маъносида «ксен» сўзи қўлланилган. Замонавий тилда ушбу икки сўз турлича маънога эга: «фа» «ксен»га қараганда кенгроқ маънода ишлатилади, «ксен» сўзи ҳозир тор маънога эга ва «жазо» деб таржима қилинади. «ксен» ва «фа» сўзларининг нисбий синонимлиги қизиқарлидир. У хитойликлар жинойт ҳуқуқи деганда барча ҳуқуқларни тушунишларини англатади. Субъектив ҳуқуқ сингари тушунча хитойликларга узоқ вақт тушунарсиз бўлган: Хитойча «цюанъли» (субъектив ҳуқуқ) ўз вақтида Япониядан ўзлаштириб олинган хорижий сўз бўлган. Уларнинг тасаввурига кўра, жамият ҳар бир аъзосининг субъектив ҳуқуқларини уйғун ҳолга келтириш йўли билан ижтимоий хотиржамликка эришиб бўлмайди. Улар жамият ҳар бири ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган индивидларнинг саъй-ҳаракатлари асосида қурилмайди; у уни ташкил этувчи индивидларнинг аралашувисиз азалдан мавжуддир, ва у агар индивидлардан бири уни бузмаса ҳамма вақт рисоладагидек бўлади. Дао туфайли жамият аъзолари уйғучун ҳолда мавжуд бўлишади, шунингдек, соғлом инсоний тана аъзолари ҳам уйғучун ҳолда мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, жамият аъзолари ўртасидаги низо тана касалликни енгиб ўтишидан далолат беради. Саломатликни, яъни ижтимоий хотиржамликни тиклаш учун касалликни даволаш керак бўлади; ўз-ўзича можаро бартараф этилиши керак бўлган ёмонлик ҳисобланади. Бу жиҳатдан энг самарали

восита бўлган жиноят ҳуқуқининг аҳамияти мана шундан келиб чиқади.

Бундай схема доирасида манфаатлар тўқнашишининг манбаи сифатида субъектив ҳуқуқ мутлоқо ножоиздир. Конфуций бундай деган эди: «Мен низоли масала бўйича қарор чиқарар эканман, мен ўзимни ҳар қандай бошқадек тута олмайман. Мен низоли масалаларнинг олдини олишни маъқул кўраман».

Ҳатто «Ли»чилар учун ҳам «фа» фақат жазо ва мукофотни англатади. Субъектив ҳуқуқ ғояси индивидларнинг қонун олдидаги тенглигининг қизгин тарафдори бўлган позитив ҳуқуқнинг ушбу тарафдорларига ҳам номаълумдир. Бундай нуқтаи назар умуман олганда осиеча тафаккур учун хосдир. «Ли»чилар жазолаш ва тақдирлашга нисбатан бераётган аҳамият яхши бошқарувни таъминлашга йўналтирилгандир. Табиийки, ҳуқуқ анъанасини эъзозловчи Конфуцийчилар жазо уни бекор қилишга олиб келади, деган таълимотни яратганлар.

Юқорида қайд қилинганидек, даставвал «ксен» сўзи «фа» сўзига синоним бўлган. «ксен» кўпина бир сўз «Ли» билан ифодаланади. Ушбу сўз ҳуқуқий атама сифатида жиноят ҳуқуқини англатади, сўзнинг кенг маъносида у «ҳуқуқ» деб таржима қилинади. Мусиқада эса «ҳуқуқ» сўзи гаммани, яъни гармонияни, уйғунликни англатади. Сўзнинг ушбу маъноси этимология нуқтаи назаридан илгари пайдо бўлган эди. Шу сабабли, кўпчилик ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга тартиб ва уйғунлик бағишлайди деб ўйлашади. Конфуцийчилар мусиқани анъаналар билан биргаликда турмушда яхши инсон бўлиш учун ўрганилиши керак бўлган муҳим воситаси деб қарашлари бежиз эмас. Кўплаб Конфуцийчилар ҳуқуққа нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатмаганликларига ҳайрон бўлишади. Эҳтимол, жиноят ҳуқуқи Хитойда ҳамма вақт мусикий уйғунлик ҳақида фикр юритиш учун жуда қаттиқ жазо эди.

Хитойликларнинг барча кўп қиррали хусусий тушунчалари асосланган дунё тўғрисидаги умумий тасаввур уларни ҳуқуқни кўролмасликка мажбур қилади. Уларнинг тасаввурларида жамиятдаги тинч ҳаёт ҳуқуқ билан эмас, балки ахлоқ билан кафолатланади. Ҳатто ҳуқуқ уни бартараф қилиши мумкин бўлса ҳам ижтимоий ёмонлик пайдо бўлишини кутиш ақлсизликдир; ҳар бир киши ўзини табиий тартибни бузмайдиган ҳолда тутиши керак. Конфуцийчилар тушунчасида

анъаналар бундай ёмонликка йўл қўймаслик учун мўлжалланган. Ҳуқуқнинг ёрдамига камроқ мурожаат қилиш зарур бўлган пайтларда айнан улар биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Конфуций бундай деган эди: «Агар одамлар ҳуқуқий нормалар билан бошқарилса ва жазо билан интизомли бўлиб қолишса, улар уялмасдан унисини ҳам, бунисини четлаб ўтиш йўлини ахтаришади. Агар улар яхшилик билан бошқарилса ва анъаналар билан интизомли бўлса, у ҳолда улар уятни билишади ва ўзларини адолатли тутишади». Турли сабаблар билан «Ли»чилар ҳам, даочилар ҳам ижтимоий хотиржамликка эришиш учун анъаналардан фойдаланишга қарши чиқишади. Даочилар ҳуқуқ ва анъаналарга қаршидирлар. «Ли»чилар ҳеч бўлмаганда утопик жамият пайдо бўлгунга қадар позитив ҳуқуқ ҳукмронлигини қўллаб-қувватлашади. Бироқ, ҳатто улар учун ҳам ҳуқуқ ўз-ўзидан эзгулик ҳисобланмайди. Уларнинг тушунчасида ҳуқуқ - бу сўзсиз ёмонликдир.

Ижтимоий хотиржамлик тўғрисидаги Хитой концепциясига мувофиқ индивидлар ўртасидаги можаролар улар даога риюя қилганликлари учун пайдо бўлади. Шу сабабли, можароларни тинчитиш рақиблардан қай бири қонунга кўра иш кўрганлигини аниқлашдан иборат эмас. Асосийси - уларни у ёки бу вазиятларда улардан нима талаб қилинишини тушуниш учун дао руҳида тутишга мажбур қилишдадир. Ҳар бир томон ўзи ҳақ эканлигини исботлашга уринмаслиги керак, балки ўз нуқтаи назари даога мувофиқ ё мувофиқ эмаслиги тўғрисида бош қотириши керак. Масала кимнинг далиллари яхшироқ эканлигида эмас, балки ҳар иккала томон улар томонидан бузилган хотиржамлик тикланишида уларнинг бурчи нимадан иборат эканлигини тушунишдан иборатдир.

Шу сабабли, бир томоннинг далиллари қабул қилиниши ва иккинчи томоннинг далиллари инкор қилиниши асосида низони ҳал этишни назарда тутадиган ҳуқуқ ҳимоясининг процессуал техникаси мақбул эмаслиги ҳақида гапириш мумкин. Тўғри қарор даъволашаётганлар онгида даосизм ғоясини уйғотишдан иборатдир. Ўшанда улар даога мувофиқ ҳаракат қилиш зарурлигига ишонч ҳосил қилишади. Даъволашаётганларни ўз мажбуриятларини бажаришга судья эмас, балки уларни дао йўлига солиб юборишга аралашинишида ўзининг маънавий обрўсидан фойдаланадиган донишманд кўндириши зарур. Дао буюрадиган мажбуриятлар аниқ вазиятларда

хулқ-атворни белгилаб берадиган шаклланган қоидалар ба-жарилишини назарда тутати. Шу сабабли, сулҳ Хитойда қадимги замонлардан бошлаб ҳозирги замонгача ижтимоий ҳотиржамликка эришишнинг анча кенг ёйилган методи бўлганлиги мутлоқо табиийдир.

Узоқ Шарқ ҳуқуқ концепцияси одатда тарбиявий хусусиятга эгадир. Ҳатто «Ли»чилар позитив ҳуқуқни одамлар қилмиш содир этмасликлари учун амал қилишлари керак бўлган уларни ўқитиш воситаси сифатида қараганлар.

Фақат XIX аср охирига бориб аста-секин ўзгаришлар юз бера бошлаган. Тахминан 1850 йилдан бошлаб Хитой Буюк Британия, Франция, Олмония, Россия ва Япония билан кўплаб «тенг бўлмаган шартномалар»ни имзолаган. Хитойликлар ўз портлари ва савдо марказларини очишган, хорижликларга эксхудоудийлик ва алоҳида юрисдикция беришган. 1899 йилда буюк давлатлар бутун Хитойни аннексия қилиб олишни мўлжаллаб битим тузишган. Унга кўра Хитой ҳудуди улар ўртасида ўзаро таъсир доираларига бўлиб олинган. Хитой империалистик даъволар қурбони бўлмаслик учун давлатда туб ички ислоҳотлар талаб қилинган.

1911 йилда манчжурлар династияси тахтдан воз кечган. Шундан кейин шошма-шошарлик билан Конституция қабул қилинган ва Хитой давлати республика деб эълон қилинган. 1926-1928 йилларда нисбий барқарорлик юзага келган. Бу замонда гоминьдан партияси ва унинг армияси Чан Кайши бошчилигида Хитойни озод қилишга ва мамлакатда тинчликни таъминлашга муваффақ бўлган. Ушбу замондан бутун хусусий ҳуқуқни ҳайрон қиларлик даражада тезлик билан кодекслаштириш ишлари амалга оширила бошланган. Япония намунаси бўйича кодекслар устун даражада Олмония ва Швейцария ҳуқуқи асосида тузилган. Бироқ йирик шаҳарлар ташқарисида ушбу янги кодекслар ташқи безакдан бошқа нарса эмас эди.

4-§. Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқий тизими

XXРнинг замонавий ҳуқуқий тизими мамлакатда «хитойча» социализм қуришнинг ўзига хос умумий концепцияси оқимида ривожланмоқда. Унинг Хитой жамияти ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда яратилиши, халқнинг ҳуқуқий онгига мувофиқ келувчи анъанавий норматив тартибга солишдан фойдаланиш Хитой раҳбариятининг мамла-

катнинг ҳуқуқий тизимига миллий шакл беришга қаратилган йўлининг моҳиятини очиб беради.

Хитойнинг социалистик ривожланиш йиллари жамиятнинг турли моделларини амалда синаб кўриш шиори остида ўтди. Хитой ҳуқуқи ривожланишида учта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич (1949-1957 йиллар) – социалистик Хитой ҳуқуқи қарор топиши босқичи. Вақтинча қабул қилинган конституциявий ҳужжатлар давлатнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Шу билан бирга XX асрнинг 50-йилларида Хитойда яхлит ҳуқуқий тизим йўқ эди. Ҳуқуқ тизими шаклланишига ўша пайтдаги жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ва мамлакатга раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик методлари сезиларли таъсир кўрсатди.

Иккинчи босқич (1957-1976 йиллар) – «маданий инқилоб» замони-ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қонунчиликнинг ролини пасайтиришга олиб келган ҳуқуқий нигилизм ривожланиши билан ажралиб туради. Ушбу босқич учун вакиллик органларининг ролини пасайтириш, сўнгра эса тўхтатиш, қонунчиликка риоя қилишдан амалда воз кечиш хос эди. «Маданий инқилоб» замонида моҳият эътибори билан давлатнинг шаклланаётган ҳуқуқий асослари емирилди.

Хитойнинг ҳуқуқий ривожланишидаги учинчи босқичнинг фарқланувчи хусусиятларидан бири (ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб) қонунчилик фаолиятини кенг олдиришди. 1982 йилда Хитой Конституциясининг қабул қилиниши ушбу йўлдаги муҳим қадам бўлди. ХХР Конституцияси деярли тўлиқ Хитойнинг 1954 йилдаги биринчи Конституцияси билан ҳамоханг эди. Фаол олиб борилган иқтисодий ислохотлар – кўп укладли иқтисодиётнинг тикланиши, фуқаролик муомаласининг жонланиши, корхоналар мустақиллигининг оширилиши, хорижий инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши қўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратди. Масалан, фақат ташқи иқтисодий масалалар бўйича 50дан ортиқ турли ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари, Фуқаролик-процессуал кодекси, хорижий фирмалар сармоясига асосланган корхоналар тўғрисидаги қонун, хўжалик шартномаси тўғрисидаги қонун, қўшма корхоналар тўғрисидаги ҳар хил ҳужжатлар қабул қилинди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тўлиқ янгиланди. Хитой жиноят қонунчилигининг ўзига хослиги айбсизлик презумпцияси

принципининг рад қилинишида, профессионал адвокатлар ва айбланувчиларнинг бошқа ҳимоячилари учун тенг бўлмаган процессуал ҳолатга йўл қўйилиши, жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асосларнинг аниқ кўрсатмаслиги, намойиш-корона оммавий суд жараёнлари амалиётининг сақланиб қолиши ва бошқалардан иборатдир. Ишларни кўриб чиқишнинг суддан ташқари шакллари, бир томондан ушбу соҳада анъаналар сақланиб қолганлиги, иккинчи томондан ҳуқуқшунос кадрлар ниҳоятда етишмаслиги билан боғлиқдир.

Биринчи босқич халқ судлари томонидан ишларни кўриб чиқишда халқ маслаҳатчилари қатнашишининг мажбурий эмаслиги ҳуқуқшунос кадрлар етишмаслиги билан изоҳланади. ХХРнинг замонавий ҳуқуқи – бу мазмунига кўра мураккаб ҳуқуқдир. Унда ҳолисона тарзда эркинлик кўлами, биринчидан, жамият олдидаги маънавий жавобгарлик билан қўллаб-қувватланадиган халқ онгида чуқур томир отган ўзини муносиб тутиш тизими орқали ифодаланди, иккинчидан, давлат мажбурлаши орқали қўллаб-қувватланадиган умумий мажбурий расмий-белгиланган нормалар тизими орқали ифодаланди.

18-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Узоқ Шарқ ҳуқуқи қандай умумийликка эга?
2. Қадимги Хитой ҳуқуқи Узоқ Шарқ ҳуқуқий тизимларига қандай таъсир кўрсатган?
3. Хитой ҳуқуқий концепцияси нима учун Фарб ҳуқуқий концепциясидан фарқ қилади?
4. Хитой социалистик ҳуқуқи қандай шаклланган?
5. Хитой Халқ Республикаси ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятлари қандай?

«Африка тафаккур тарзи оламни ўзига хос кўришни таклиф қилади ва у бир қанча юридик оқибатларга олиб келади».

Норбер Рулан, Француз ҳуқуқ антропологи.

«Бугунги кунда барча Африка мамлакатлари аслида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳал этилиши мумкин бўлганга ўхшаш муаммоларни ҳал этишлари керак. Кимгаки ушбу нуқтаи назар белгилловчи аҳамиятга эга бўлса, қайд этиб ўтилган тафовутларга қарамай, у Африка ҳуқуқий оиласи мавжуддир дейиш мумкин».

Кеба М. Байе, Сенегал ҳуқуқшуноси.

«Ҳаҳон ҳамжамиятининг ривожланиши аста-секин мутлоқо янги ҳуқуқий оила пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган Африка давлатларининг ҳуқуқий тизимини «Африка ҳуқуқий оиласи мактаби»га бирлаштириш зарурияти пайдо бўлмадими деган қонуний савол туғилади. Ҳар қандай ҳолда Африка ҳуқуқ-тартиботи алла-қачондан бери ҳуқуқнинг қиёсий-ҳуқуқий муаммоларини, этнологияси ва социологиясини тадқиқ этишнинг қийин, айни пайтда мароқли соҳаси эканлиги шубҳасиздир».

К.Цвайгерт, Х.Кётц, Немис компаративистлари.

19-мавзу. Африка ҳуқуқий оиласи

1-§. Африка ҳуқуқий оиласининг шаклланиши.

2-§. Африка анъанавий одат ҳуқуқи.

3-§. Асосий ҳуқуқий оилаларнинг Африка анъанавий одат ҳуқуқига таъсири.

4-§. Африка мамлакатларининг замонавий ҳуқуқий тизимлари.

1-§. Африка ҳуқуқий оиласининг шаклланиши

Африка ҳуқуқий оиласи жуда улкан қитъадаги ҳуқуқий жараёнларни қамраб олади. Мустамақлачилик тизими парчаланиши натижасида миллий мустақилликни қўлга киритган Африка давлатлари тарихий ривожланиши хусусиятлари на-

тижасида у XXI аср бошига келиб ижтимоий муносабатларнинг нисбатан кенг соҳасида ҳали амалда бўлган эски, диний ҳуқуқ (мусулмон, ҳинд), одат ҳуқуқ элементлари билан ча-тишиб кетган. Ҳозирги вақтга қадар Африка қитъасининг кўпчилики аҳолиси одат ҳуқуқ нормаларига амал қилади. Одат ҳуқуқининг ролига тўғри баҳо бериш Африканинг ҳуқуқий харитасида юз бераётган жараёнларни, Африка давлатлари миллий ҳуқуқининг характерли белгилари ва ривожланиш тенденцияларини билиб олишга ёрдам беради.

Африка одат ҳуқуқини тадқиқ этиш қиёсий ҳуқуқшу-нослик учун алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки икки томонла-ма турдаги: замонавий маданий халқларнинг ёзиб қўйилган ҳуқуқи ёки ўтмишда сўнган цивилизацияларнинг ҳуқуқий ёдгорликлари томонидан бериладиган қонунчилик ҳамда юридик этнографиядан ўзлаштириб олинган одат ҳуқуқи ма-териалини қайта ишлашга асосланади.

«Одат ҳуқуқи» атамасидан қўпинча Африка халқларида мустамлакачиликкача мавжуд бўлган анъанавий ҳуқуқни англатиш учун фойдаланилади. «Қабила қонунчилиги»нинг унча кўп бўлмаган намуналарини истисно қилганда анъана-вий ҳуқуқ ўзида устун даражада авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга бериладиган ёзиб қўйилмаган қоидалар мажуини ифо-далар эди. Буюк Британиялик ҳуқуқшунос А.Эллот Африка одат ҳуқуқи юридик асарларни билмаган эди деб қайд қила-ди. Юридик матнлар, ҳуқуқ масалалари бўйича қўлёзмалар, қоғозга ёзилган даъво аризалари, судга чақирув қоғози, суд қарорларини бажаришга ордерлар, мол-мулкни бериш тўғри-сидаги ёзма ҳужжатлар, ҳуқуқшунос олимлари шарҳлари-нинг барчаси бўлмаган эди. На парламент матнларини синч-ковлик билан танқидий таҳлил қилиш, на журналларда олимларнинг у ёки бу моддаларнинг аҳамияти ёки суд қаро-рининг амал қилиш доираси, вакиллик ёки айблаш шакли тўғрисидаги процедура мунозаралари бўлмаган эди.

Анъанавий ҳуқуқда ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар ўзаро ажралмас алоқада бўлади, шу сабабли, низоларни ҳал этиш-да муросага келиш гоёсига амал қилинади.

Африка халқлари ўртасида катта фарқларни, уларнинг урф-одатлари ва одат ҳуқуқининг хилма-хиллигини қайд этиш зарур. Ҳатто қўшни географик туманларда яшовчи қабила бу жиҳатдан бир-биридан жиддий фарқ қилиши

мумкин. Африканинг бир замонавий давлати доирасида келиб чиқиши мутлоқо ҳар хил бўлган этник ва лингвистик (масалан, Кенияда нилотлар, нилохамиталар, хамиталар ва бантулар яшайди) элатлар яшаши мумкин. Бу барча хилма-хилликларга Африка халқларининг қариндош-уруғчилиги ва оилавий турмуш тарзидаги катта тафовутлар қўшилади.

Африка ҳуқуқий оиласи мамлакатлари ўз ривожланишида уч босқични босиб ўтган:

Биринчи босқич – анъанавий Африка ҳуқуқи ривожланиши босқичи.

Иккинчи босқич – одат ҳуқуқининг мустахлакачилик замонидаги ривожланиши ва асосий ҳуқуқий оилаларнинг унга таъсири.

Учинчи босқич – мустақил ривожланиш босқичи, яъни Африка мамлакатларининг ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари тараққиёти босқичи.

2-§. Африка анъанавий одат ҳуқуқи

Африка қитъасида ҳуқуқ ривожланишининг биринчи босқичи анъанавий ҳуқуқ шаклланиши билан боғлиқдир. Шу муносабат билан шундай савол туғилади: ягона Африка одат ҳуқуқи ҳақида умуман сўз юритиш мумкинми? Бу ҳақда турли-туман нуқтаи назарлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, Африка одат ҳуқуқини қандайдир ягона тизим сифатида қараш учун етарлича асослар мавжуд. Биз бу ўринда айрим умумий принциплар, тартиботлар, кўрсатмаларни, айрим ҳолларда эса Африка халқлари одат ҳуқуқининг кўпчилик қисми учун хос бўлган батафсил ишлаб чиқилган қоидаларни назарда тутмоқдамиз.

Африка одат ҳуқуқи индивидлар ҳуқуқи эмас, балки гуруҳлар ва ҳамжамиятлар ҳуқуқи ҳисобланади. Ушбу характерли белги одат ҳуқуқининг деярли ҳар бир соҳасида намоён бўлади. Никоҳ ҳуқуқида никоҳ шартномаси ўзида икки индивиднинг иттифоқидан кўра балки икки оилавий гуруҳнинг келишувини ифодалар эди, фақат оилаларнинг розилиги билан ажралиш мумкин эди. Ерга мулкчилик ҳуқуқи ижтимоий гуруҳга тегишли эди. Мерос ҳуқуқида ҳам, одатда, мол-мулк индивидларга эмас, балки оилаларга ёки гуруҳларга ўтар эди. Зарарни қоплашда ҳам тўлов бир шахс томонидан бошқа оила ёки уруғга тўланар эди. Ва ниҳоят, Африка

ка жамиятида даъволашув ҳам асосан тўда ва гуруҳлар ўртасида келиб чиқар эди.

Африка жамоаларида судларнинг икки асосий тури ёки низоларни ҳал этишнинг икки тизими амал қилар эди. Баъзан улар бир жамоада бир вақтнинг ўзида амал қилар эди. Уларни юридик расмиятчиликларга риоя қилинадиган ҳакамлик ёки суд деб таснифлаш мумкин. Доҳийлар бўлмаган ёки бирор-бир даражада марказлашган сиёсий ҳокимият мавжуд бўлмаган жамиятда (масалан, ҳозирги Кения ҳудудида) низолар асосан ҳакамлик ва маҳаллий жамоа ичидаги музокара-лар ёрдамида ҳал этилар эди. Агар никоҳ, болаларга васийлик белгилаш, мерос, ерга эгалик ва шунга ўхшаш ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан можоралар келиб чиқса, уларни ҳал этишда, одатда, оқсоқоллар, оила ва қариндошлар гуруҳи (масалан, уруғ)нинг обрўли аъзолари қатнашар эди. Бир жамоа ичида кўшнилари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда ҳакамлик ёки музокараларни турли хил расмий ва норасмий бошлиқлар (масалан, оиланинг катта ёшли аъзолари, асосий меросхўрларнинг бошлиқлари ва бошқалар) ўтказишар эди.

Юридик расмиятчиликларга риоя қилувчи иккинчи типдаги судлар марказлашган ҳокимият мавжуд жамиятларда амал қилар эди. Одатда ушбу судлар сиёсий иерархияга мувофиқ иерархияни ҳосил қилар ва апелляциялар қўйи судлардан (масалан, майда доҳийлар судларидан) юқори судларга (масалан, йирик доҳийлар судларига) юборилар эди. Масалан, Бутан қироллигида XIX аср ўртасида одил судловни амалга оширишнинг фавқулодда мураккаб тизими амал қилар эди: кўп сонли судлар пирамидасимон тузилма сифатида ташкил этилган бўлиб, апелляциялар халқа бўйича юборилар эди: кичик доҳийлар – катта доҳийлар – вазир (катиккиро) – кабака. Сукума қабиласида судлов ҳокимияти турли даражадаги доҳийларнинг ҳар хил судларидан иборат эди, бироқ апелляция юборилмас эди. Судлар гувоҳларни чақириш, жарималар белгилаш, жазолаш тўғрисида қарор қабул қилиш, ўз қарорлари бажарилишини кузатиб бориш ваколатларига эга эди.

Бироқ можораларни ҳал этиш методларидан қатъи назар инглиз ҳуқуқшуноси А.Эллотнинг сўзлари билан Африкада суд қарорлари сулҳ тушунчаси ёки уйғунликни тиклаш асо-

сида қабул қилинар эди деб айтиш мумкин. Суд ёки ҳакамликнинг вазифаси фактларни қидириб топиш, ҳуқуқий нормаларни шакллантириш ва мана шу фактларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий нормаларни қўллашдангина иборат бўлмай, балки бош кўтарган ёмонликни бартараф этиш ва тинчи йўқолган жамоада уйғунликни тиклашдан иборат эди. Уйғунлик эса низога тортилган барча тарафлар адолат тантана қилганлигига ишонч ҳосил қилгандагина тантана қилиши мумкин. Шикоятчи суд тегишли ҳуқуқий нормаларга, шу жумладан етказилган зарар учун зарур товонни назарда тутувчи нормаларга амал қилганлигига ишонч ҳосил қилишни истар эди. Бироқ айбдорни ҳам унинг хулқ-атвори нормаларни бузганлигига ва суд адолатли қарор қабул қилганлигига ишонтириш зарур.

Анъанавий ҳуқуқдаги гайритабiiйликнинг ролини ҳам таъкидлаш зарур. Суд процедураларида ушбу омил асосан ҳақиқатни аниқлаш учун қасам ичишга мажбур қилишда ва «илоҳий суд» синовидан ўтказишда намоён бўлар эди.

Анъанавий ҳуқуқда жиноят ва фуқаролик ҳуқуқини бузилиши ўртасида тафовут мавжуд эдими?

Африка умумий ҳуқуқи бўйича Англиялик мутахассис Ж.Котран қуйидаги умумий қоидаларни илгари суради. Африканинг кўпчилик жамоаларида умумий жиноят ва фуқаролик ҳуқуқини бузилиши фарқланар эди, бундай фарққа асос қилиб умумий жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар олинар эди. Масалан, «А» жамоасида қотиллик қаттиқ жазоланади, «В» жамоасида эса товон тўлаш етарлича чора ҳисобланади. Одат ҳуқуқидаги кўплаб ҳуқуқбузарликлар ҳам жиноят, ҳам жинoий жазолашни ва товон тўлашни кўзда тутуди деб баҳоланиши мумкин. Айни бир хил қилмишнинг ўзи одат ҳуқуқида вазиятга қараб, яъни йўналганлиги (масалан, доҳийнинг хотини томонидан бевафолик қилиниши жинояти, бошқанинг хотини томонидан бевафолик қилиниши фуқаро ҳуқуқини бузиш), ҳуқуқбузарнинг нияти (масалан, қасддан одам ўлдириш жиноят, эҳтиётсизликдан одам ўлдириш жиноят эмас деб), қилмишнинг такрорланиши (биринчиси – ножўя ҳаракат), (иккинчиси – жиноят) ҳисобга олинган ҳолда жиноят ёки ножўя ҳаракат сифатида талқин қилиниши мумкин.

Одат ҳуқуқининг яна бир жиҳати алоҳида эътиборга лойиқдир, яъни одамлар гуруҳи ёки жамоанинг жавобгарлиги. У икки томонлама намоён бўлади: оила ёки қариндошлар гуруҳи айрим аъзоларининг қилмиши учун оила ёки қариндошлар гуруҳининг жавобгарлиги (бировнинг айбини ювиш); индивид томонидан содир этилган жиноят унинг гуруҳ аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғланади. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, индивидуализм ва ундан келиб чиқувчи замонавий ҳуқуқнинг асосий тушунчаси – «субъектив ҳуқуқ» одат ҳуқуқ аънавалари билан бирига зид эканлигини таъкидлаш зарур. Одат ҳуқуқи индивид ҳуқуқига риоя этилишини таъминлабгина қолмай, балки унинг одамлар гуруҳи билан муносабатларини тартибга солади.

Анъанавий ҳуқуқ институтлари орасида оила, ер эгаллиги, мерос алоҳида ўрин тутлади. Одат ҳуқуқига кўра никоҳ – бу фақат икки индивиднинг иттифоқигина эмас, балки икки оилавий гуруҳнинг келишишидир. Улар никоҳнинг ҳар бир босқичида сезиларли роль ўйнайди: куёв ва келинни танлашади; қалинни келишишади ҳамда тўлашади; эр ва хотин ўртасидаги келишмовчиликларни тинчитишади; ажралиш ҳам уларнинг иштирокисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Одат ҳуқуқи ҳамма жойда полигамияни, яъни эркакларнинг бир нечта хотин олиш ҳуқуқини тан олар эди, шунингдек, урф-одатга асосланган никоҳ аёл кишини сотиб олиш зарур эканлигини тасдиқлашга даъват қилувчи «келин учун тўлов»ни белгилар эди.

Кенг тарқалган фикрга зид равишда никоҳни бекор қилиш одат ҳуқуқида камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди, ажралишга руҳсат олиш жуда қийин эди. Оила эр-хотин ўртасида тузилган иттифоқ давом этишидан ниҳоятда манфаатдор эди, бунинг устига никоҳни бекор қилиш шубҳасиз қалиннинг қайтарилишини аниқлар эди. Ажралиш уруғ оқсоқоллари иштирокида оилалар ўртасидаги келишувлар асосида амалга оширилар эди.

Анъанавий жамоаларда ерга бўлган ҳуқуққа индивид эмас, балки гуруҳ эга эди, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Гарчи индивид ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, пировард натижада у жамоага ёки гуруҳга тегишли бўлар эди. Ер тақсимлаш, ундан фойдаланиш, ниҳоят ерни олиб қўйиш

уруғ, оила каби ижтимоий гуруҳларнинг ҳукмдорлари (дохийлари) назорати остида юз берар эди.

Анъанавий жамиятда мерос ҳуқуқи вафот этганнинг нафақат мол-мулки, балки ҳуқуқ ва мажбуриятларини бутун бир комплекси меросхўрларга ўтишини назарда тутди. Мерос қолдиришнинг жуда турли-туман тартиблари мавжуддир. У қуйидаги турларни ўз ичига олиши мумкин: 1) патрилиней ёки матрилиней; 2) ўз-ўзидан (меросхўр аниқ) ёки танлаб аниқланади (меросхўр ўлиmidан кейин танланади); 3) универсал (фақат битта меросхўр) ёки қўшма (бир нечта меросхўр).

Икки омилни қайд этиш зарур. Биринчидан, қолдирилган мероснинг турига қараб мерос характери ўзгариши мумкин. Масалан, оилавий мулк, ўз маблағларига сотиб олинган ўз мол-мулки ҳамда ер, кўчмас ва кўчар мулк – буларнинг барчаси турли одамлар томонидан турлича мерос қилиб қолдирилиши мумкин. Иккинчидан, агар ўлган одамнинг бир нечта хотини бўлса, мерос қолдириш одатда «уйлар» тизими бўйича амалга оширилар эди. Бунда ўлган одамнинг мол-мулки ҳар бир «уйдаги» болалар сони ҳисобга олинмасдан «уйлар» ўртасида («уй» - хотини ва болалари) тақсимланар эди.

3-§. Асосий ҳуқуқий оилаларнинг Африка анъанавий одат ҳуқуқига таъсири

«Ривожланиш даражаси ва йўналишига кўра жуда хилма-хил бўлган Африка мамлакатларидаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг бутун тажрибаси тарихий ривожланиш давомида жамланган ва маданий анъаналар ўтадиган хулқ-атвор намуналари, йўналишлар ва қадриятларнинг жуда катта мослашиш имкониятларидан ва барқарорлигидан далолат беради».

Мурат Супатаев, Россиялик ҳуқуқшунос.

Анъанавий умумий ҳуқуқ ривожланишининг иккинчи босқичи XIX асрда Африканинг мустамлакага айлантирилиши билан боғлиқ эди. Мустамлакачилик қитъанинг юридик ҳаётига жиддий ўзгаришлар олиб кирган. Мустамлакачи давлатлар ҳуқуқининг босими ва таъсири устун кучга айланган.

Деярли бутун Африка Оврупо давлатлари томонидан мустамлакага айлантирилган. XIX асрда Буюк Британиялик,

Франциялик Португалиялик, Олмониялик ва Бельгиялик мустамлакачилар асосан Африка мамлакатларида метрополияда амал қилган ҳуқуқни ва ўз суд тизимини жорий қилишга интилишган. Ҳар бир мустамлакачи давлат ўзининг ҳуқуқий моделини зўрлаб жорий этган: француз ҳуқуқи Франция Африкасида ва Мадагаскарда, Бельгия ҳуқуқи Конгода, Португалия ҳуқуқи Ангола ва Мозамбикда, умумий ҳуқуқ Британия мустамлакаларида, кейинчалик Англия умумий ҳуқуқи таъсири остида ўзгартирилган роман-олмон ҳуқуқи Жанубий Африкада жорий этилган. Либерия умумий ҳуқуқни ҳамда Англия ва АҚШнинг айрим ҳуқуқий урф-одатларини ўзлаштириб олган.

Прецедент принципи Африканинг бир қанча мамлакатларида қабул қилинган. Ганадан ташқари ҳеч қаерда у қонунчилик билан мустаҳкамланмаган. Гананинг 1960 йилги Конституцияси (42.4-модда) Олий суд ҳуқуқ масалалари бўйича принцип жиҳатидан ўзининг олдинги қарорларига амал қилишини ва Юқори суд Олий суд қарорларига риоя қилишга мажбур эканлигини белгилайди.

И.Ю.Богдановская қайд этганидек, умумий ҳуқуқ қўлланиладиган Африка мамлакатларида прецедентлик ҳуқуқини бир қанча хусусиятлар фарқлаб туради. Уларда миллий прецедентлик ҳуқуқи ўсиши юз бермоқда. Айрим ҳуқуқ-шунос олимлар ушбу мамлакатлар прецедентлик ҳуқуқи Англия умумий ҳуқуқидан фарқ қилади, баъзан эса унга зид деб ҳисоблайди. Шу билан бирга уларда Англия прецедентларидан фаол ўзлаштириб олишлар давом этди.

Қайд этиш лозимки, мустамлакачилар одат ҳуқуқи ва Африка суд ишларини юритишнинг ўз манфаатларига зид бўлмаган қисмини сақлаб қолиш сиёсатини юргизганлар. Шундай қилиб, мустамлакачилик бошқаруви натижасида ҳуқуқнинг дуалистик тизими пайдо бўлган. У метрополия томонидан жорий этилган ҳуқуқни ва одат ҳуқуқини ўз ичига олган. Биринчиси устун даражада маъмурий ҳуқуқни ва савдо ҳуқуқи ва жинойт ҳуқуқини қамраб олган. Инглиз ҳуқуқшуноси А.Аллот одат ҳуқуқи умумий ҳуқуқ судларида қўлланилган деб ҳисоблайди, чунки бу ҳолат бошқарувни енгиллаштиради ва тартибни сақлашга кўмаклашган. Анъанавий соҳалар – ер эгаллиги, оила ва мерос ҳуқуқи (ҳаётлигида мулк-

ни бўлиб олиш, айрим фуқаролик мажбуриятлари) одат ҳуқуқи амал қилиши соҳасида қолган.

Судларнинг дуализми анча сезиларли намоён бўлган. Бир томондан, метрополия ҳуқуқига ва мустамлакачилик қонунчилигига амал қилган Европа судлари билан бирга мустамлака судлари ишларни кўрган, иккинчи томондан, маҳаллий судлар ташкил этилган. Британия мустамлакачилик маъмурияти имкони борича ушбу судларни сақлаб қолишга интилган. Уларда ишларни кўриб чиқиш билан ағъанавий маҳаллий оқсоқоллар шуғулланган; ушбу судлар юрисдикцияси фақат африкаликларга ёйилган. Бундай судларда қарорлар уларнинг юрисдикцияси остига тушувчи ҳудудда амал қилувчи одат ҳуқуқига мувофиқ қабул қилинган. Маҳаллий судлар фаолияти устидан назоратни маъмурий амалдорлар амалга оширган, суд аъзоларини тайинлаш ва алмаштириш ҳам уларга тегишли бўлган.

Мустамлакачилик замонида одат ҳуқуқида юз берган тўртта энг муҳим ўзгаришни қайд қилиш мумкин:

1) дастлаб қабила кўрсатмаларига асосан, бироқ вақт ўтиши билан Европа суди тузилиши намунаси бўйича қайта қурилган суд тизимини аста-секин жорий қилган ҳолда тартибга солишнинг ағъанавий методларидан қайтиш;

2) маҳаллий судларда одат ҳуқуқи нормалари бўйича ишларни кўрувчи судьялар томонидан Европа нормаларининг қабул қилиниши;

3) гарчи одат ҳуқуқини бекор қилмаса ҳам, бироқ африкаликларга ўз ҳуқуқий муносабатларини Европа ҳуқуқи асосида тартибга солиш имконини берувчи қонунларни жорий қилиш;

4) варварлик деб тан олинган айрим урф-одатларни, масалан қулчилик ва майиб қилишни тўғридан-тўғри тақиқлаш.

4-§. Африка мамлакатларининг замонавий ҳуқуқий тизимлари

Африка ҳуқуқи ривожланишининг учинчи босқичи Африка давлатлари томонидан миллий мустақиллик қўлга киритилиши билан бошланади. Бир томондан, бошқа ҳуқуқий оилалардан олинган принциплар, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар деярли ўзгаришсиз қолди. Турмуш тарзининг

барқарорлиги ушбу соҳада ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Иккинчи томондан, Африка давлатлари миллий ҳуқуқий тизими жадал равишда ривожланди.

Ҳозирги вақтга келиб, барча Африка қабилалари умумий ҳуқуқини бирхиллаштириш ишлари амалда тугалланди. Бошқа мамлакатларда ягона кодекслаштириш, қонунчилик ва одат нормаларини ислоҳ қилиш амалга оширилди. Уларни ҳуқуқнинг айрим соҳаларига, масалан жиноят ҳуқуқига нисбатан қўллашга муваффақ бўлинди.

Мустамлакачилик замонидagi Британия мустамлакаларида (Сьерра-Леонедан ташқари) Англия умумий ҳуқуқига асосланган жиноят кодекси амал қилди. Шу билан бирга маҳаллий судлар шаклланган урф-одатларга амал қилган ҳолда жиноят ишларини кўрар эдилар. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин айрим мамлакатлар урф-одатга асосланган таркибларни жиноят кодексига киритишди. Кўпчилик мамлакатлар урф-одатга асосланган жиноят ҳуқуқини бекор қилиб, янада содалаштириш йўлидан боришди ва жиноят кодексини қандай ҳаракатларни жиний ҳаракат деб аниқлайдиган ва улар учун жазо тури ва миқдорини белгилайдиган Жиноят кодексини ягона амал қиувчи ҳужжат деб эълон қилишди. Шундай қилиб, жиний одат ҳуқуқи бу ерда ўз амал қилишини тўхтатгандек бўлди.

Никоҳ-оила ва мерос ҳуқуқи соҳасида ислохотлар ўтказиш анча мураккаб бўлди. Гарчи уринишлар бўлса ҳам ушбу соҳаларда қонунчилик ва одат ҳуқуқи дуализми енгиб ўтилмади. 1962 йилда Ганада никоҳ, ажралиш ва мерос тўғрисидаги қонун лойиҳаси эълон қилинди. Бироқ ушбу қонун лойиҳаси тақдири муваффақиятсиз кечди. Уч марта уни ҳаётга татбиқ этиш бефойда бўлди.

Кенияда олдинга қўйилган вазифани амалга ошириш учун иккита комиссия таъсис этилди. Биттаси никоҳни тузиш ва бекор қилиш масалалари билан, бошқаси мерос масалалари билан шуғулланди. Комиссиялар 1968 йил сентябрида якуний ҳисобот тақдим этдилар. Уларда ҳар хил ва турлича қўлланиладиган никоҳ ва мерос ҳуқуқи нормалари одат ҳуқуқи, қонунчилик, инглиз прецедентларини, ислом ва ҳинд ҳуқуқи нормаларини ирқий ва қабилавий тегишлилиги, динга эътиқод қилишидан қатъи назар барча кенияликларга нисбатан

қўлланиладиган битта кодекс билан алмаштириш мақсади ҳисобланган тавсиялар (қонун лойиҳалари) рўйхати бор эди.

Айтиб ўтилган анъанавий Африка ҳуқуқи ўзининг кўплаб дастлабки белгиларини йўқотмоқда, айрим ҳолларда эса йўқотиб бўлди ҳам. У кўп жиҳатдан тизимлаштириш ва кодекслаштириш объектига айланди.

Гарчи одат ҳуқуқига хос ҳакамлик ҳамон амалиётда учраб турган бўлса ҳам, айрим мамлакатларда у билвосита эътироф этилса ҳам, замонавий судлар амал қиладиган ҳуқуқ ва суд процедуралари тўғрисидаги ғоянинг сўзсиз таъсирига учрайди. Умуман олганда у ишларни кўриб чиқишнинг майда-чуйда қоидалари билан таъминланган расмийлаштирилган суд тизимига кўп жиҳатдан ўрин бўшатиб берди.

Миллий мустақиллик шароитларида ҳуқуқни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, бир томондан, мустамлакачилик қолдиқларини енгиб ўтиш, иккинчи томондан миллий қонунчиликнинг амал қилишини қамраб оладиган ижтимоий муносабатлар доираси кенгайтирилганлиги сайин ҳуқуқий урф-одатларнинг тартибга солувчи аҳамияти чекланиши билан характерланади.

Қонунчилик фаолияти жараёнида одат ҳуқуқи элементлари ҳисобга олиш имкониятларига келганда эса шуни айтиш керакки, бу ҳолда В.Н.Денисов тўғри ёзганидек, озод бўлган давлатлар томонидан одат ҳуқуқидан фойдаланиш чекланган тусга эга бўлмаслиги мумкин эмас. Одат ҳуқуқининг замонавийлаштирилган кўринишда қонунчилик билан мустаҳкамланган қисми тропик Африка халқларининг тарихий ривожланиши хусусиятларини акс эттириб, ягона ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмига айланадиган қисмигина сақланиб қоладиганга ўхшайди. Қадимдан жамоа деҳқонлари томонидан жамоани ўз манфаатларига бўйсундиришга интилган феодалуруғ оқсоқолларига қарши курашда жамоа манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланилган урф-одатларнинг сақланиб қолиши ва қонунга айланиши бунда айниқса муҳимдир. Африка мустақил давлатларининг ҳуқуқий қурилиши тажрибаси дастлабки пайтларда миллий қонунчиликда одат ҳуқуқининг тарихан шаклланган нормалари билан «узвийлик» сақланиб қолишини кўрсатади. Одат ҳуқуқи нормаларининг Африка мамлакатларида ҳуқуқий тартибга солиш доирасидан чиқарилиши жараёни ўз хусусиятига кўра жуда мурак-

каб ва узоқ жараёндин. Умуман олганда М.А.Супатаев адолатли қайд этганидек, ёш давлатларда одат ҳуқуқи ривожланишининг асосий тенденцияси ҳуқуқий урф-одатнинг тартибга солувчи аҳамиятини чеклаш ва миллий қонунчиликнинг амал қилиши билан қамраб олинандиган ижтимоий муносабатлар доирасининг кенгайиши билан ажралиб туради.

Ю.А.Тихомиров ҳақли ёзганидек, Африка ҳуқуқий оиласи ривожланишининг замонавий босқичи «ҳуқуқий кўп қатламлилиқ» билан тавсифланади, бироқ оригинал юридик конструкциялар ва ҳуқуқий тартибга солиш методлари аниқ, тенденциялари билан фарқланандиган Африка давлатлараро бирлашмалари ва институтлари нормалари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари таъсири кучли сезилмоқда.

19–мавзу бўйича назорат саволлари

1. Нима учун Африкада биринчи бўлиб одат ҳуқуқи шаклланган?
2. Африка ҳуқуқий оиласининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
3. Африка одат ҳуқуқига асосий ҳуқуқий оилалар қандай таъсир кўрсатган?
4. Африка мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари қандай умумийликка эга?
5. Африка давлатларининг замонавий ҳуқуқий тизимларини хусусиятлари қандай?

«Бирор-бир ҳуқуқий оилага тегишли деб ҳисоблаш қийин бўлган гибрид (яъни аралаш – А.С.) ҳуқуқий тизимларни улардаги мазкур пайтда муайян метод билан яқинлаштирувчи жиҳатларни аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганиш керак...

...Албатта, «гибрид» ҳуқуқий тизимлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бир ёқламаликдан қочиб зарур. Компаративист кўпинча тадқиқот натижасида у томонидан ўрганилаётган ҳуқуқ-тартибот нормасининг бир қисми бир «Она ҳуқуқ» таъсирига учраганлигини аниқлайди. Ушбу ҳолда уни фақат битта ҳуқуқий оилага тегишли деб ҳисобламаслик керак. Сўз, масалан, фақат оила ҳуқуқи, мерос ёки савдо ҳуқуқи ҳақида боргандагина бунга йўл қўйиш мумкин. Бошқа бундай ҳолларда ҳуқуқ-тартибот ривожланиши тенденцияси унинг қандайдир битта ҳуқуқий оила билан яқинлашишидан далолат беради».

К.Цвайгерт, Х.Кётц, Немис компаративистлари.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ВА АРАЛАШ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАР

«Ҳуқуқий тизимларнинг ташқи таъсирсиз яқинлашуви роман элементларини умумий ҳуқуққа хос элементлар билан чоғиштирувчи аралаш тизимлар пайдо бўлишига олиб келди...

Бундай аралаш тизимлар улар қандай қилиб ва қай даражада дастлаб амал қилган ҳуқуқ белгиларини сақлаб қолди деган саволга жавоб беришни махсус ўрганишни талаб қилади».

Марк Ансель, Француз компаративисти

20–мавзу. Аралаш ҳуқуқий тизимлар

- 1–§. Аралаш ҳуқуқий тизимлар тушунчаси.**
- 2–§. Луизиана ва Квебекнинг ҳуқуқий тизимлари.**
- 3–§. Исроил ҳуқуқий тизими.**
- 4–§. ЖАР ҳуқуқий тизими.**
- 5–§. Бошқа аралаш ҳуқуқий тизимлар.**

1-§. Аралаш ҳуқуқий тизимлар тушунчаси

Ҳозирги дунёда ҳар бир давлат ўз миллий ҳуқуқий тизимига эга. Бир давлатда рақобатлашувчи турли ҳуқуқий тизимлар ҳукмронлик қилган ҳоллар ҳам учраб туради. Нодавлат жамоалари – каноник ҳуқуқ, мусулмон ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқи, иудаизм ҳуқуқи тарафдорлари ҳам ўз ҳуқуқларига эга. Буларнинг барчаси аралаш ҳуқуқий тизимлар пайдо бўлиши ва ривожланишининг шарт-шароитлари ҳисобланади.

Аралаш ҳуқуқий тизимлар федератив давлатлардагина эмас, балки унитар давлатларда ҳам учраб туради. Аралаш ҳуқуқий тизимларнинг юридик плюралиزمи сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин. Бу сиёсий тарих воқеалари (аннексия, мустамлакага айлантириш, ҳудудни бериш) ҳамда бошқа ҳуқуқий тизимлар билан атайлаб яқинлашиш (қонунчиликнинг ўзлаштирилиши, ҳуқуқнинг рецепция қилиниши) оқибатида бўлиши мумкин.

Ҳар хил ҳуқуқий оилаларнинг юридик анъаналарига асосланадиган ҳуқуқий тизимлар мавжуд. Уларнинг хусусияти И.Ю.Богдановскаянинг фикрича, аралаш ҳуқуқий тизимларда айнан роман-олмон (француз ёки роман-голланд) ёки мусулмон ёхуд ҳинд ҳуқуқи билан бирга қўшилиб мавжуд бўлувчи прецедентлик ҳуқуқи таркибий қисм эканлигидадир. Бундай аҳвол ушбу мамлакатлар ҳуқуқий тизимининг тарихий ривожланиши хусусиятлари натижаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, аралаш ҳуқуқий тизимларнинг хусусияти улар роман-олмон ҳуқуқий оиласи элементларини умумий ҳуқуқ оиласи элементлари, шунингдек, анъанавий ва диний ҳуқуқий тизимлар элементлари билан бирга қўшганлигидадир. Масалан, кўплаб мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари мана шундайдир.

2-§. Луизиана ва Квебекнинг ҳуқуқий тизимлари

АҚШнинг Луизиана штати билан Канаданинг Квебек провинцияси ҳуқуқида француз ҳуқуқи ҳам фаолият кўрсатади. Бундай «қўшничилик», Англия ва Франциянинг океан ортидаги ерларга эгалик қилиш учун олиб боран курашида мазкур ҳудудлар гоҳ у, гоҳ бу томон ҳукмронлиги остига тушиб қолганлиги натижаси ҳисобланади.

Квебек Англиянинг масалан ишониладиган мулк институти сингари ўзига хос Англия институтларини қабул қилган бўлса ҳам хусусий ҳуқуқнинг роман тизимини умуман олганда сақлаб қолган. Канадада бундай вазият 1763 йилда Париж шартномаси асосида Франция уни Англияга бергандан кейин пайдо бўлган. Бироқ илгари амал қилган француз хусусий ҳуқуқи кучда қолган. Оммавий ҳуқуқ, процессуал ҳуқуқ ва жиноят ҳуқуқи Англия модели бўйича қайта ташкил этилган.

Бироқ бугунги кунда ҳам Квебек ҳудудида Франция намунасидаги Фуқаролик кодекси амал қилади. Гарчи қизиқ бўлиб туюлсада юқорида келтирилган қоидага мувофиқ 1866 йилда, қабул қилинган ушбу Фуқаролик кодекси Наполеоннинг 1804 йилги Фуқаролик кодекси модели бўйича эмас, балки 1763 йилгача амал қилган француз модели бўйича XVIII асрда таниқли француз ҳуқуқшуноси Потье баён қилган кўринишда вужудга келган. Бироқ у қалбакичилик тўғрисидаги Англия Қонунининг айрим қоидаларини қабул қилган (Квебек Фуқаролик кодексининг 1235-моддаси). Судьялар мазкур моддани қўллашда Англия прецедентлик ҳуқуқи тушунчаларидан келиб чиқиб, унинг мазмунини талқин қилган ҳолда айнан Англия суд амалиётига мурожаат қиладилар.

Ҳақиқатдан ҳам, Канаданинг ҳуқуқий тизими Англия ҳуқуқий тизимига асосланган. Тўғри, у замонавийлаштирилган. Фуқаролик ҳуқуқи маҳаллий ҳудудларнинг қонунчилик йиғилишлари томонидан ўзгартирилган. Жиноят ҳуқуқига келганда эса мамлакатнинг бутун ҳудудида Канаданинг Жиноят кодекси амал қилади. Биринчи кодекслаштириш 1892 йилда амалга оширилган, у Кодекснинг 1878 йилги Англия лойиҳасига ва бошқа Англия статутларига асосланган.

Ҳатто ҳуқуқий тизими асосини француз фуқаролик ҳуқуқи ташкил этадиган Квебек умумий ҳуқуқи таъсирга учраган. Квебек Англия умумий ҳуқуқи қўлланиладиган қолган барча Шимолий Америка мустамлакаларидан фарқ қилган ҳолда аввал бошданоқ алоҳида мавқени сақлаб қолган. 1774 йилги Квебек далолатномаси Квебекда Англия жиноят ҳуқуқининг амал қилишини жорий қилган, бироқ фуқаролик ҳуқуқи қўлланилишини назарда тутган. 1791 йилдан бошлаб мулкий низоларда, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқари тўғрисидаги низоларда Англия ҳуқуқи амалга киритилган. Квебекнинг 1866 йилги Фуқаролик кодекси ва 1867 йилги Фуқаро-

лик-процессуал кодекси француз кодексларига асосланган. Шундай қилиб, Квебекнинг ҳуқуқий тизими ўзида инглиз умумий ҳуқуқи билан француз фуқаролик ҳуқуқининг қандайдир қоришмасини ифодалайди.

1803йилда Наполеон томонидан АҚШга берилган Американинг Луизиана штатига келганда эса ушбу штатда 1808 йилда француз кодексидан жуда аниқ нусха олган Фуқаролик кодекси қабул қилинган. Луизиананинг ҳуқуқи Европа қитъаси таъсири остида кодекслаштирилган ҳуқуқ соҳаси бўлиб қолган. Луизианада роман қонунчилик техникасидан фойдаланилган. У ерда фуқаролик, жиноят, процессуал кодекслар бор.

Луизиананинг 1870 йилги Фуқаролик кодекси француз кодексидан фарқ қилади. Унда прецедентлик ҳуқуқи таъсири сезилади. Ушбу кодекс етарлича батафсил ёзилган чунки, у тез-тез ўзгартирилган ва тўлдирилган. 1966 йилга келиб, унинг 180 моддасида 281 тузатиш киритилган ва 228 янги модда қабул қилинган. Луизиана судлари Фуқаролик кодекси моддаларини қўллашда Англия умумий ҳуқуқига тез-тез муурожаат қилишади (масалан, эҳтиётсизлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда).

Шундай қилиб, Луизиана Англия умумий ҳуқуқининг принциплари, методлари ва методига янада кўпроқ бўйсунган ва суднинг қўллаши учун мўлжалланган.

3-§. Исроил ҳуқуқий тизими

Исроилнинг ҳуқуқий тизими ўзида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг чинакам лабораториясини ифодалайди. Унинг у ёки бу ҳуқуқий оиллага тегишлигига нисбатан компаративистлар орасида яқдиллик йўқ. Жумладан, айрим ҳуқуқшунос олимлар Исроилни теократик давлат деб ҳисоблаб, уни диний ҳуқуқий оиллага мансуб дейишади. Бошқа муаллифлар у ерда Усманийлар салтанати ҳуқуқи таъсири устунлик қилади дейишади. Ниҳоят, бир қанча компаративистлар Исроилда амалда бўлган ҳуқуқий тизимни умумий ҳуқуқ оиласига киритишади.

Бизнинг фикримизча, Исроилнинг ҳуқуқий оиласи ўзида типик аралаш ҳуқуқий тизимни мужассамлаштирган. Унда турли юридик аънаналар ва ҳуқуқий таъсирлар элементлари ўз ифодасини топган, чунки Исроилнинг ҳозирги ҳудудида

кўп асрлар давомида хилма-хил ҳуқуқий тизимлар алмашган ва ушбу жараён Исроил ҳуқуқи ривожланишида сезиларли из қолдирган.

Исроил ҳуқуқий тизимининг қарор топиши ва ривожланиши гарчи ушбу жараёнларнинг ўз хусусиятлари бўлса ҳам исталган ҳуқуқий тизимнинг қарор топиши ва ривожланишига хос умумий қонунлар бўйича юз берган.

Қадимги яҳудий ҳуқуқи умуман олганда ҳар қандай диний ҳуқуқ сингари шахсий асосларга йўналиш олиб шакллانган. Қадимги яҳудий ҳуқуқи умуман дастлабки ҳуқуқий шакллардан биридир. Яҳудий халқининг қадимий ҳуқуқи жаҳон ҳуқуқий тарихида алоҳида ўрин тутати. О.А.Омельченко тўғри қайд этганидек, Библияда ёзилган, Исроил тарихининг давлат шаклланишига ва давлат шакллангандан кейинги тарихида ривожланган умумий қонунлар ва аниқ қондалар насронийлик қадриятлари орқали кейинроқ амалда бутун жаҳонга ёйилган ва илдизи Европага бориб тақаладиган барча ҳуқуқий тизимларда қайта вужудга келган. Гарчи ҳуқуқий тартибга солиш даражасига кўра қадимги яҳудий ҳуқуқи Бобил ва ҳатто Миср ҳуқуқи даражасида бўлмаса ҳам у илк давлатчилик қарор топиши замонининг талаблари ва воқелигини акс эттирган. Иудаизмнинг Исроил халқининг худони танлаш ғоясига содиқлигини, ижтимоий хулқ-атворни анча шартли муқаддас аҳд идеали тўғрисидаги диний кўрсатмалар ҳуқуқнинг мазмунига айниқса катта таъсир кўрсатган.

Қадимги яҳудий давлатининг (Иудея ва Самария) қулаши билан яҳудий ҳуқуқи ўз фаолиятини тўхтатиб қолмаган. У бутун дунёга тарқатиб юборилган яҳудий жамоаларида сақланиб қолган. Қадимий ҳуқуққа мурожаат қилиш шунчалик устун даражада бўлган. Жамоа бошлиқлари ва раввинлар миллий анъаналар ва ўз ҳуқуқий маданиятини сақлаб қолишга интилганлар.

Ҳуқуқни қўллашни оилавий, кўпроқ даражада жамоа қадриятларига ва асосларга йўналиш олиши оқибат-натияжада қадимий яҳудий ҳуқуқини миллий қобикқа ўраб қўйган. Бу унга узоқ умрни ва ҳатто расмий доктринаси иудаизмга салбий муносабатда бўлган мамлакатларда ҳам ўз муҳитида қўлланишни таъминлаган. Бироқ ҳуқуқнинг ушбу хусусиятлари билан унинг унча кўп ёйилмаганлиги ҳам боғлиқдир.

Библия ва уни талқин қилиш билан боғлиқ ҳолда улкан адабий таъсир бундан мустаснодир.

Қадимги яҳудий ҳуқуқи Исроил ҳудудида мана бир неча минг йилликлардан буён амал қилмоқда. У мусулмон ҳуқуқи мусулмонларга нисбатан бўлганидек шахснинг ҳуқуқий мақоми масалаларида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Шундай қилиб, диний ҳуқуқ (иудейлик ва мусулмон) Исроилнинг замонавий оила ҳуқуқида аҳамиятлидир. Масалан, Исроил Олий судининг таниқли судьяси Менахем Элон қадимий яҳудий ҳуқуқидан 1980 йилгача иқтибослар келтириб, ҳавола қилган.

Тарихан, Исроил ҳуқуқий тизимининг қарор топишига Усманийлар салтанати ҳуқуқи ва Англия умумий ҳуқуқи ўз таъсирини кўрсатган.

Турк ҳуқуқи роман-олмон ҳуқуқий тизими билан мустаҳкам боғлиқдир. У 1869-1876 йилларда қабул қилинган Мажаллага асосланар эди. Мажалла Усманийлар салтанатида биринчи кодекслаштирилган мусулмон Фуқаролик ҳуқуқи эди. Мажалла ўзида мусулмон нормаларини Европа намунаси бўйича баён қилишни ифодалар ва 1926 йилда Швейцария қонуни асосида ишлаб чиқилган бошқа Фуқаролик кодекси билан алмаштирилган. Умуман олганда XIX асрдан бошлаб турк ҳуқуқи француз ҳуқуқининг катта таъсири остида бўлган. Жиноят, савдо ва денгиз ҳуқуқлари француз модели асосида шакллантирилган. Бу вақтга келиб Наполеон кодекси таржима қилинган ва турк ҳуқуқшуносларига маълум бўлган. Судьялар ҳам француз ҳуқуқидан, ҳам мусулмон ҳуқуқидан келиб чиқиб иш юритишган.

Мажалла Исроил ҳудудида 1880 йилгача амал қилган. 1869 йилда унинг моддаларидан тахминан 900 таси ҳали кучда бўлган. Шу билан бирга бундай узоқ вақт амалда бўлиш Англия умумий ҳуқуқининг аста-секин Исроилнинг чинакам фалсафий ҳуқуқига айланишига халақит бермаган.

Биринчи жаҳон уруши замонида Исроил Англиянинг мандатдаги ҳудуди бўлиб қолган. Англиянинг таъсири Исроилда умумий ҳуқуқ аъъаналари ривожланишида ифодаланган. Исроил ҳуқуқининг жиддий равишда «инглизлашуви» юз берган. Усманийлар салтанати қонунлари, айниқса уларнинг француз моделига асосланганлари иккинчи ўринга суриб қўйилган. Жиноят ҳуқуқи, компаниялар ҳуқуқи, банкротлик

масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқ, бир қанча фуқаролик-ҳуқуқий институтлар, жиноят ва фуқаролик ишларини кўриш жараёни ўзгартирилган. Бироқ, қайд этиб ўтилганидек, мажбурият ҳуқуқи Мажалла томонидан тартибга солиниши давом этган.

Англиядан намуна олиниб, суд тизими қайта ташкил этилган ва Англияникига ўхшаш Олий суд тузилган. Мандат замонида кўпчилик лавозимларни инглизлар эгаллашган (уларнинг ўринбосарлари яҳудий ва араб судьялари бўлган). Низоли масалаларда Мажалла прецедент принципи, яъни *stare decisis* инглиз ҳуқуқи таъсири остида сўнгги навбатда қўлланилган.

Мандат замонида судьялар ўз амалиётида Англия умумий ҳуқуқига ҳавола қилар эдилар. Буюк Британиянинг амалдаги ҳуқуқи, масалан, 1926 йилги Тижорат жамиятлари тўғрисидаги статут таъсири остида ташкил этилган мандат остидаги қарорлар билан бўлганидек, кўриб чиқиладиган суд талқинлари Фаластиннинг ҳуқуқий тизимини Англия метрополиясидаги мавжуд ҳуқуқий тизимга яқинлаштирган. Ушбу ҳодиса судьялар Англия умумий ҳуқуқига умумийроқ кўринишда ҳавола қилганда йирикроқ қўламдаги воқеа бўлар эди. Ниҳоят, мандат остидаги ҳужжатлар матнининг ўзи кўпинча Буюк Британия қонунчилигига ҳавола қилар эди. Масалан, атамалар ва тушунчалар 1936 йилги жиноят қонунининг 4-моддасини талқин қилар эди.

Шундай қилиб, Кенгаш тўғрисидаги Фаластин тартибининг 46-моддаси (*Palestine Order in Council*) асосида ҳуқуқда нуқсонлар мавжуд бўлган тақдирда судьялар турк ҳуқуқи нормаларини ёки умумий ҳуқуқ нормаларини ҳамда адолат ҳуқуқи нормаларини (уларни Фаластинда қўллаш мумкинлиги шарти билан) қўллашлари керак эди. Бинобарин, Англия ҳуқуқининг бутун-бутун соҳалари мандат остидаги ҳуқуққа, сўнгра ҳуқуқий тизимга (Исроил ҳуқуқий тизимига, ҳеч бўлмаганда оригинал Исроил ҳуқуқи билан алмаштирилмагунча) киритилган. Бир мисол келтирамиз. Шартномалар тўғрисидаги масалада турк ҳуқуқи қоидалари етарли эмас эди. Шу сабабли, Англия шартномавий ҳуқуқи яхлит тарзда «импорт қилинган».

Исроил Англиянинг мандат ҳудуди бўлган замонда унинг ҳуқуқий тизимида кодекслаштирилган ҳуқуқдан прецедент-

лик ҳуқуқига ўтиш тенденцияси юз берган. Суд амалиёти ҳуқуқ манбаи сифатида қарор топган. Шу сабабли, гарчи у қонунчилик билан мустаҳкамланмаган бўлса ҳам прецедент принципи эътироф этилган. Ушбу замонда Англия умумий ҳуқуқи анъаналари таъсири остида тарбияланган ҳуқуқшунослар авлоди етишиб чиққанлиги муҳим жиҳат бўлди.

1948 йилда Исроил давлат мустақиллигини қўлга киритди ва мамлакатда 1914 йил 14 майгача амал қилган ҳуқуқ янги ҳуқуқий қоидаларга зид бўлмаган даражада амал қилишда давом этиши қонунчилик билан мустаҳкамланди. Исроилнинг ҳуқуқий тизими учун турк ҳуқуқининг қисман сақлаб қолиниши, Англия мандати остидаги ҳуқуқининг амал қилиши ва уларнинг аста-секин Исроилнинг миллий ҳуқуқи билан алмаштирилиши жараёни бошланди. Исроил ҳуқуқи яна узоқ вақт давомида Англия ҳуқуқ фалсафаси таъсири остида бўлиб келди.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин Исроил ҳуқуқий тизими ривожланишида янги босқич бошланди. Ҳуқуқшунослар ҳуқуқий тизимни бирданига тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилмади. Мунозара миллий ҳуқуқнинг ўрнини аниқлаш муносабати билан олиб борилди.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Англия ҳуқуқига ҳос барча нарсага салбий муносабатда бўлиш замони бошланди. Жумладан, суверен давлат хорижий ҳуқуқий тизимнинг обрў-эътиборига ва бошқа мамлакатлар судьялари томонидан ташкил этилган суд ҳуқуқи қоидаларига бўйсунитиши мумкин эмаслиги қайд этилди. Қонунлар иврит тилида чиқарила бошланди.

Англия суд амалиёти Исроилда эндиликда мажбурий тусга эга эмас эди. Шу билан бирга Англия суд амалиётига ҳавола қилиш давом этди. Бироқ у эндиликда олдинги аҳамиятга эга эмас эди. Исроил Олий суди Америка суд амалиётига кўпроқ ҳавола қилар эди. Баъзан ўхшаш масалалар юзасидан Канада, Австралия, Олмония, Франция суд амалиётига ҳавола қилиш учраб туради. Француз ҳуқуқининг таъсирини Исроил маъмурий ҳуқуқида кузатиш мумкин. АҚШ ҳуқуқининг кучли таъсири айниқса конституциявий ҳуқуқда кузатилди.

Исроил миллий ҳуқуқий тизими қарор топишининг дастлабки босқичида қонунчиликни ўзгартирган ҳолда мандат ос-

ти ҳуқуқи қабул қилинишига асосланилди. Ҳуқуқ манбалари тизимига қуйидагилар киради:

1. Қонун, яъни турк ҳуқуқининг айрим матнлари, мандат остидаги қарорлар, муваққат Давлат кенгаши қарорлари ва Кнессет-парламент (Исроилда ёзиб қўйилган конституция йўқ) томонидан қабул қилинган қонунлар;

2. Англия умумий ҳуқуқи ва адолат ҳуқуқи;

3. Суд амалиёти, яъни 1948 йилгача бўлган Англия ва Фаластин суд амалиёти ва 1948 йилдан кейинги ягона Исроил суд амалиёти.

Шундай қилиб, Исроил прецедентлик ҳуқуқи, инглиз-америка ва роман-олмон ҳуқуқи асосида Исроил миллий ҳуқуқий тизими аста-секин қарор топа бошлади.

Роман-олмон ҳуқуқий анъаналари Исроилда қонунчилик ривожланиши билан биргаликда мустаҳкамланди. Шартнома-лар, ер, мажбурият муносабатлари, мулк тўғрисидаги қонун-лар Усмонийлар ҳуқуқи ва Англия ҳуқуқи ўртасидаги қара-ма-қаршиликларни ҳал қилишга ва ҳуқуқда бирлик, аниқлик ўрнатишга интилди. Шунингдек, жиноят ҳуқуқи ва жараёни нормалари ўзгаришларга учради. 1972 йилда қонунни Англия ҳуқуқи асосида ёки инглизча талқин қилиш қоидаларига му-вофиқ талқин қилишни тақиқловчи Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун роман-олмон ҳуқуқи билан яқинлашиш учун қўйилган муҳим қадам бўлди.

Исроилнинг замонавий ҳуқуқий тизими ривожланишига диний нормалар ҳам муайян таъсир кўрсатмоқда. Идиш тили ҳуқуқ ижодкорлигида инглиз тилини алмаштирди. 1922-1948 йиллар замонида қабул қилинган кўплаб инглиз матнлари идишга таржима қилинди.

Исроилнинг ўз прецедентлик ҳуқуқи ҳам ривожланди. Прецедент принципи қонунчилик йўли билан мустаҳкамланди. Қуйи турувчи судлар юқори турувчи судларнинг қарор-ларига амал қилади. Фақат Олий суднинг қарорлари мажбу-рий ҳисобланади. Олий суднинг ўзи ўзининг олдинги қарор-ларига боғланиб қолмаган.

Исроилнинг замонавий ҳуқуқий тизимида суд амалиёти ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади. Масалан, 1984 йилдаги суд ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида бундай дейилади:

«(а) Олий суд томонидан яратилган барча прецедентлар барча қўйи судлар учун мажбурийдир».

(в) Олий суд томонидан белгиланган доктрина (кўрсатма) барча судлар учун мажбурийдир. Олий суднинг ўзи бундан мустанасно». Суд амалиёти кодекслаштирилган ҳужжатлар билан биргаликда Исроил ҳуқуқи манбалари ҳисобланади. Шу билан биргаликда қонунларни талқин қилишда роман-олмон ҳуқуқи учун характерли бўлган методлар ва методлар бири-биридан фарқ қилади.

Суд амалиёти Англия умумий ҳуқуқи белгиларини сақлаб қолди. Суд тизимининг дуализми мавжуд эмас.

Исроил суд тизимига қўйидагилар киради: унча катта бўлмаган ҳуқуқ бузилишларни кўриб чиқувчи жаҳон судлари (улар 25та), жиноятларни кўриб чиқувчи округ судлари (улар тўртта). Қасамёд қилувчи суд тизими Исроилда мутлоқо йўқ ҳамда бош прокурор (атторней) муҳим роль ўйнайди.

4-§. Жанубий Африка Республикаси ҳуқуқий тизими

Жанубий Африка Республикаси аралаш ҳуқуқий тизимга эга. ЖАРда Африканинг одат ҳуқуқи, роман-олмон ҳуқуқи ва Англия умумий ҳуқуқи нормалари биргаликда амал қилади.

Жанубий Африкани мустамлакага айлантириш 1652 йилда голландлар томонидан бошланган. Улар Кап мустамлакасига асос солишган. Бу замонда метрополия ҳуқуқи, аниқроқ айтганда эски голланд оддий ҳуқуқи билан биргаликда Нидерландия Республикасининг энг таъсир кўрсатувчи вилоятларидан бири Голландия вилояти ҳуқуқи амал қилар эди. Рим ҳуқуқи унга глоссаторлар томонидан берилган шарҳлар шаклида рецепция қилинган эди. Ушбу рим-голланд ҳуқуқи ҳатто ушбу ҳудуд Британия тожининг мулки деб эълон қилингандан кейин (яъни 1806 йилда) ҳам кучда қолган.

Голландияда ўша замонда Наполеон томонидан босиб олингандан кейин рим-голланд ҳуқуқи бекор қилиниб 1809 йилда Франция Фуқаролик кодекси ва 1838 йилда француз фуқаролик ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган миллий Фуқаролик кодекси билан алмаштирилганлиги эътиборлидир.

Рим-голланд ҳуқуқи француз намунасига йўналтирилган миллий фуқаролик кодекси кучга киргунга қадар Голландия мустамлакачилик империяси томонидан ажратиб олинган ва Англия қўл остига ўтган минтақаларда сақланиб қолганлиги

билан қизикарлидир. Жанубий Африкадан ташқари бундай минтақаларга яна 1799 йилдан бошлаб Шри-Ланка (Цейлон) ва 1803 йилдан бошлаб Гвиана киради.

Британия мустамлакачилик бошқаруви замонида фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи, далиллар ҳуқуқи Англия умумий ҳуқуқи намунаси бўйича қайта тузилган. Инглиз тили судда ишларни қўришнинг ягона тили бўлиб қолган. Жанубий Африка билан Буюк Британия ўртасида иқтисодий алоқалар ривожланиши натижасида қимматли қоғозлар муомаласи, банкротлик, денгиз савдоси, суғурта ва савдо ширкатларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи кўплаб инглиз қонунлари Жанубий Африкада амалда ўзгаришсиз рецепция қилинган.

1910 йилда Жанубий Африка Иттифоқи ташкил топгандан кейин Англия ҳуқуқи таъсири жараёни тўхтаган. Шундан бери Жанубий Африка судларининг голландиялик ҳуқуқшунослар Гуго Гроций (1583-1645), Арнольд Ванний (1588-1657), Иоганн Вёт (1647-1713), Корнилий ван Бинкерсхек (1673-1743), Дионисий Вандер Кессель (1738-1816) асарларига ва улар учун манба бўлиб хизмат қилган ҳуқуқий нормаларга эътибори кучайиши тенденцияси кузатилган.

Англия умумий ҳуқуқига келганда эса у ҳамон илгаридек конституциявий, маъмурий, савдо ва процессуал ҳуқуқда устунлик қилган. Англия ҳуқуқи аъъаналарини, шунингдек, суд ишларини юритиш, судьяларнинг мавқеи, прецедентлар алоқадорлиги принципи ҳамда ҳуқуқшунослар фаолияти белгилаб берар эди. Бироқ оила, мерос ва ашёвий ҳуқуқда Англия ҳуқуқи таъсири унча кўп эмас эди. Ушбу соҳаларда Рим ҳуқуқи сезиларли роль ўйнар эди. Масалан, чекланган ашёвий ҳуқуқлар тушунчасидан ва эгалик қилиш тушунчасидан фарқ қилувчи бирлик, мулк тушунчалари Англия ҳуқуқига маълум эмас.

Англия-Америка ҳуқуқининг ишончли мулк институти ҳам Жанубий Африкада қабул қилинмади. Судлар Англия умумий ҳуқуқини Рим ҳуқуқи тушунчалари ёрдамида қўллашга муваффақ бўлдилар. Масалан, ишончли мулк фигура-си оғзаки топшириқ (*inter vivos*) – учинчи шахс фойдасига вербал шартнома (*stipulatio alteri*), ижтимоий-хайрия мақсадларида таъсис этиладиган ишончли мулк хайрия эҳтиёжлари учун инъом қилиш (*donatio ad pias causas*) сифатида қўлланилди.

Умумий шартномавий ҳуқуқ ва деликт ҳуқуқида Англия ҳуқуқининг таъсири кучлироқ. Шу билан бирга деликт ҳуқу-

қи ҳам, шартномавий ҳуқуқ ҳам Рим ҳуқуқининг тушунча ҳуқуқини сақлаб қолди ҳамда айрим масалаларни ҳал этишда кўпинча дигестлар ва эски голланд ҳуқуқшунослари матнларидан фойдаланди. Аслини олганда бундай ёндашув Франция ва Олмония учун ҳам характерлидир. Ушбу мамлакатларда ҳозир пайдо бўлувчи муаммоларни кўриб чиқишда Рим ҳуқуқининг ёрдамига мурожаат қилишади.

Жанубий Африка судларининг қарорларида Рим ҳуқуқининг тадрижий ривожланиши Юстиниан, глоссаторлар, Вёта ва Винная орқали классик Рим ҳуқуқшуносларидан бошлаб ҳозирги замонгача Европа қитъасидагига қараганда узвийлик роман-олмон ҳуқуқий оиласининг фуқаролик кодекслари миссиялари воситачилиги туфайли узиб қўйилмаган бўлса ҳам ҳар ҳолда ҳуқуқшунослар назаридан тушиб қолди.

XXI аср бошида «Замонавий Жанубий Африка ҳуқуқи қайси ҳуқуқий оилага – роман-олмон ҳуқуқий оиласигами ёки инглиз-америка ҳуқуқий оиласига тегишлими?» деган саволга бир хилда жавоб бериб бўлмайди. Агар Жанубий Африка ҳуқуқи тушунчалари ва тузилмаси ҳақида гапириладиган бўлса, у ҳолда ЖАР ҳуқуқий тизими Рим ҳуқуқига асосланган. Суд амалиётидаги ҳуқуқни қўллаш техникаси, процессуал нормалар, исбот қилиш методи, прецедентлардан фойдаланиш, суд тузилиши, судьялар ва адвокатларнинг вазифалари ва мавқеига келганда эса умумий ҳуқуқ оиласи намуналари аниқ устунлик қилади. Шу сабабли Жанубий Африка ҳуқуқи ўзида аралаш ҳуқуқий тизимни ифодалайди, унда рим-голланд ва Англия умумий ҳуқуқи элементлари мустаҳкам чапишиб кетган деган фикрни шубҳа остига олиб бўлмайди. Рим-голланд ҳуқуқи бир қисмининг қабул қилиниши бугунги кунда Жанубий Африка ҳуқуқий тизимини Англия ҳуқуқи томонидан трансформация қилинган роман-голланд ҳуқуқи амал қиладиган Шотландия ҳуқуқи билан ўхшатишга асос бўлади.

5-§. Бошқа аралаш ҳуқуқий тизимлар

Луизиананиннг ҳуқуқий тизими анча автономроқдир, чунки АҚШда Олий суд штатларнинг судлари учун олий суд босқичи ҳисобланмайди. Канадада эса Олий суд вилоятларнинг судлари қарори устидан берилган апелляцияларни кўриб чиқади.

Умумий ҳуқуқ ва француз ҳуқуқининг мавжуд бўлиши Луизиана ва Квебекда прецедентларнинг рвиожланишига, умуман олганда суд амалиётининг ролига таъсир кўрсатди. Бундай прецедент принципи эса на Луизианада, на Квебекда тан олинмайди. Расман Квебекдаги судлар ўзларининг олдинги қарорлари билан ҳам, юқори турувчи судларнинг қарорлари билан ҳам боғланмаган. Лекин шунга қарамай, судьялар қарор топган амалиётга ҳурмат билан муносабатда бўлишади. Узоқ муддатли суд амалиёти судьялар учун обрўли бўлади. Улар бундай амалиётни ҳурмат қилишга ва унга амал қилишга ўзларини «маънавий мажбур» деб ҳисоблашади. Юқори турувчи судларнинг қарорлари доимий равишда қуйи судлар томонидан эътиборга олинади. Луизиана Конституцияси Олий судга барча қуйи судлар фаолиятини назорат қилиш ваколатини берди.

Луизиана ва Квебекда қонун ҳуқуқий тизимлар асосини ташкил этади. Агар қонун бўлмаса, суд амалиёти муайян масалаларни ҳал этиши мумкин, бироқ охириги сўз барибир қонунга тегишли бўлади. Суд амалиёти муаммоси энг аввало қонунларни талқин этиш муаммоси сифатида туради. Барча ҳолларда устунлик судьялар қонундан «топадиган» мазмунга эмас, балки қонун матнига берилади.

Бир ҳуқуқий тизим доирасида умумий ва француз ҳуқуқининг мавжуд бўлиши мураккаблиги ҳар қандай юридик конструкциялар бўйича бирликни ишлаб чиқиш, прецедентлик ҳуқуқи ва француз ҳуқуқи моддий нормалари ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш заруриятидан иборатдир.

Луизиана ва Квебекда умумий ҳуқуқ ёки француз ҳуқуқидан қайси бирини қабул қилиш тўлиқ судьяга боғлиқдир. И.Ю.Богдановская тўғри таъкидлаганидек, бу етарлича нозик жараён бўлиб, алоҳида кўриб чиқиш учун қизиқарли мавзудир. Яна бир нечта аралаш ҳуқуқий тизимларни кўриб чиқамиз. Масалан, Малайзияда умумий ҳуқуқ ва Англиянинг адолат ҳуқуқи ҳамда умумий қўлланиладиган статутлар амал қилади. Бироқ шу билан биргаликда аҳолининг айрим гуруҳлари – малайилар, хитойлар, ҳиндларнинг шахсий мақомини тартибга солишда бошқа ҳуқуқий тизимлардан ҳам фойдаланилади.

Африка мамлакатларида (Зимбабве, Лесото, Ботсвана, Свазиленд) Англия ҳуқуқи роман-голланд ҳуқуқи билан биргаликда амал қилади. Танзанияда умумий ҳуқуқ, адолат

ҳуқуқи ва умумий қўлланиладиган статутлар билан биргаликда одат ҳуқуқи ҳамда мусулмон ҳуқуқи (айниқса мерос масалаларида) қўлланилади. Гамбиянинг ҳуқуқий тизими асосини умумий ҳуқуқ ва Англиянинг адолат ҳуқуқи, шунингдек, 1888 йил 1 январгача амалда бўлган умумий қўлланиладиган статутлар ташкил этади. Гамбия аҳолисининг тахминан 90 фоизини мусулмонлар ташкил этади. У ерда ислом ҳуқуқи ҳамда одат ҳуқуқи қўлланилади. Кенияда ҳуқуқий тизим асосини умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқи доктринаси ташкил этади. Мамлакатда Африка одат ҳуқуқи ҳамда мусулмон ҳуқуқи (айниқса мерос, никоҳ, ажралиш масалаларида) кенг қўлланилади.

Аралаш ҳуқуқларга Кениянинг ҳуқуқий тизимини киришиш мумкин. Унинг асосини умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқи доктринаси ҳамда мустақилликкача қўлланилган Британия статутлари ташкил этади. Кўчмас мулк масалаларини тартибга солишда асосий бўлган мусулмон ҳуқуқининг айрим нормалари қонун кучига эгадир.

Роман-олмон ҳуқуқи анъаналари Кариб денгизи бўйидаги айрим мамлакатларда, шунингдек, Англия умумий ҳуқуқини ўзлаштириб олган мамлакатларда (Тринидад ва Тобаго, Сент-Люсия) ва Африка қитъасида сақланиб қолган.

Шимолий Африканинг айрим мамлакатлари мустамлакага айлантирилганидан кейин Франциянинг сиёсий ва маданий таъсири остида Франция ёки Италия қонунларини қабул қилишди. Бироқ мусулмон ҳуқуқи ушбу мамлакатларда муҳим роль ўйнашда давом этмоқда.

Давлатчилик ривожланишининг тарихий хусусиятлари туфайли ҳам Англия, ҳам Франция ҳуқуқи таъсирига учраган давлатлар ҳуқуқнинг аралаш тизимларини ташкил этган гуруҳни ташкил этади. 1598 йилда голландлар, 1715 йилда французлар, 1810 йилда британияликлар томонидан босиб олинган Маврикий дастлаб француз, сўнгра Англия ҳуқуқи таъсири остида бўлди. Унинг Жиноят ва Фуқаролик кодекслари ҳамда Савдо ва Фуқаролик-процессуал кодексларининг бир қисми роман-олмон ҳуқуқига асосланган. Ишотлаш ҳуқуқи, жиноят жараёни, конституциявий, солиқ, савдо ҳуқуқи нормалари Англия ҳуқуқидан келиб чиқади.

Сейшел оролларида ҳам тахминан ана шундай вазият мавжуд. Фуқаролик ҳуқуқи бу ерда асосан француз намунасида, жиноят ҳуқуқи эса инглиз ҳуқуқига асосланган. Компаниялар ҳуқуқи ҳам Бирлашган Қиролликнинг парламент

ҳужжатларига асосланган. Роман-олмон ҳуқуқи Сент-Люсия ҳуқуқий тизимининг асосини ташкил этади. Бироқ инглиз ҳуқуқи фуқаролик, жиноят, савдо ҳуқуқига анча таъсир кўрсатди.

1917 йилгача Гайана ҳуқуқий тизимининг асосини роман-олмон ҳуқуқи ташкил этган. Британия Гайанасининг фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги Ордонас 1917 йилда Англия умумий ҳуқуқи, шу жумладан адолат ҳуқуқи доктринаси улар ўша пайтда Англия судларида қўллаганидек кўринишда мустамлаканинг умумий ҳуқуқи бўлиши кераклигини назарда тутди. Бироқ асосан ипотека (гаров)га тегишли ишларда роман-олмон ҳуқуқи ўз амал қилиш кучини сақлаб қолди.

Испаниянинг мустамлакасига айланиши Филиппинни роман-олмон ҳуқуқий оиласига киришига олиб келди. Бироқ Американинг эллик йиллик мустамлакачилиги (1898 йилдан) Филиппин ҳуқуқига янги элементлар олиб кирди. Ҳозирги вақтда Филиппинда судьялар Америка, Англия, Испания ва одат ҳуқуқи таъсири остидаги Филиппин ҳуқуқи амал қилишини тан олишди. Прецедентлик ҳуқуқи, агар ёзиб қўйилган ҳуқуққа ёки одат ҳуқуқига зид бўлмаса амал қилди.

Голландлар томонидан мустамлакага айлантирилган Индонезия роман-олмон ҳуқуқий оиласига тегишли эди. Аммо бугунги кунда роман-олмон ҳуқуқи элементлари мусулмон ҳуқуқи ва одат ҳуқуқи элементлари билан қўшиб ишлатилди.

20–мавзу бўйича назорат саволлари

1. Нима учун аралаш ҳуқуқий тизимлар ибораси ишлатилади?
2. Аралаш ҳуқуқий тизимларнинг ўзига хос жиҳатларини биласизми?
3. Луизиана ва Квебекнинг ҳуқуқий тизимлари қандай ривожланиш босқичларини босиб ўтган?
4. Исроил ҳуқуқий тизимини таърифлай оласизми?
5. ЖАР ҳуқуқий тизими қандай алоҳида жиҳатларга эга?

21-боб. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими

1-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва роман-олмон ҳуқуқи оиласи.

2-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва фикҳ анъаналари.

3-§. Конституция – Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг ўзаги.

4-§. Ўзбекистон замонавий қонунчилиги тизимининг шаклланиши.

5-§. Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқ.

6-§. Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқшунослик фанининг ривожланиши.

1-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва роман-олмон ҳуқуқий оиласи

Ҳар қандай ҳуқуқ ўзида умумийлик, алоҳидалик ва ягоналик элементларини бирлаштиради. Шу маънода у ҳам мавҳум ҳам аниқ, хусусан миллий табиатга эга. Ҳуқуқ умуминсоний ва миллий маданият ҳосиласи, у ёки бу цивилизацияларнинг инъикосидир.

Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқий тизими, аввало, унинг минтақавий ва роман-олмон ҳуқуқий оиласига мансублиги билан таърифланади. Муайян шаклга солинган ва етарли даражада мавҳумлаштирилган қонунчилик нормаси бу ўринда бошқа ҳуқуқ манбаларидан устун туради ва уларнинг ўрнини бутунлай эгаллаш эҳтимоли бор. Бироқ, Ўзбекистон ва Оврупо минтақаси мамлакатларининг ҳуқуқ манбалари тизими қанчалик бир-бирига яқин бўлмасин улар бир қатор жиҳатлари билан фарқланишлари табиийдир.

Ҳозирги ўзбек ҳуқуқини қуйидаги жиҳатларига кўра, бемалол роман-олмон ҳуқуқий оиласига киритиш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон асосий ҳуқуқ соҳалари кодификация қилинган мамлакатдир. Ҳуқуқнинг асосий манбаи – қонунчилик, яъни давлатнинг олий органлари томонидан қабул қилинувчи норматив-ҳуқуқий актлардир.

Иккинчидан, ҳуқуқ манбаларининг қатъий иерархияси. Ўзбек ҳуқуқи манбаларининг тизими Конституцияни, конституциявий қонунларни, жорий қонунларни, Президент фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимият бошқарув органлари томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий актларни ўз ичига олади.

Роман-олмон ҳуқуқи анъаналарига асосланган ҳуқуқий тизим борасида кодексларнинг мавжудлиги, яъни Наполеон кодификацияси модели бўйича чиқарилган кодекслар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда ҳам 13 та, шу жумладан, фуқаролик (1 қисм, 1995, 2 қисм, 1996), фуқаролик-процессуал (1995), жиноят (1994), жиноят-процессуал (1994), оила (1998), ер (1998) кодекслари қабул қилинган.

Учинчидан, қонун устуворлиги принципи бу ҳуқуқ манбалари тизими иерархиясининг муҳим таркибий қисмидир. Бунда Конституция устуворлиги принципи муҳим аҳамият касб этади. Бу Конституцияга зид бўлган ҳар қандай қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳам ман этишни, анъанавий мезонларга, яъни қонунларни шарҳлаш ва қўллашга нисбатан конституциявий нормаларни устувор ҳисоблаш; барча меъёр ишлаб чиқувчи органларнинг конституциявий нормаларнинг ривожланишига мос равишда ҳаракат қилишга мажбур эканлиги, Конституцияни қабул қилишнинг ўзига хос табиати ва конституциявий қайта кўриб чиқишнинг мураккаб тартиби; Конституциянинг алоҳида муҳофаза этилиши, бошқача қилиб айтганда, конституциявий назоратнинг мавжудлигини англатади.

Тўртинчидан, одил судловни ташкил этиш ва суд тизими ташкил этувчи асосий принциплар. Суд ҳокимияти ягона суд тизимини ташкил этувчи Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди фаолияти орқали амалга оширилади.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг асосий элементлари ўзбек ҳуқуқига Ўрта Осиёнинг Россия томонидан истило қилинишидан бошлаб, совет ҳуқуқи амалда бўлган даврда татбиқ этила бошлаган.

Бироқ давлат мулкчилигининг мутлақ ҳокимлиги ва демократия ривожланмаган бир партияли сиёсий тизимга асосланган мустабидлик ва ўта марказлаштирилган соция-листик режали иқтисодиёт шароитида асосий ҳуқуқий институтлар

Ғарб мамлакатларининг ҳуқуқий институтларига шаклан ўхшасада, мазмунан улардан тубдан фарқ қилган. Умуман олганда ҳуқуқнинг ўзи ўзбек жамияти ҳаётида унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, бозор иқтисодиёти йўлини танлаш, сиёсий ва мафқуравий кўпфиркликка қараб ҳаракат қилиш ўзбек ҳуқуқининг роман-олмон ҳуқуқий оиласига нафақат ташқи кўриниши билан, балки мазмун жиҳатдан ҳам яқинлашишига кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бу нарса ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонлари бўлган ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчилиги, конституциявий назорат, суд ҳимояси ҳимоянинг асосий воситаси эканлиги қарор топаётган оммавий ҳуқуқ соҳасида ва хусусий ҳуқуқ, яъни мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги ва хусусий мулкчиликнинг бирламчи аҳамиятиниинг тан олиниши, эркин тадбиркорлик, бозор ҳуқуқи институтлари ва бошқа соҳаларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Янги принциплар туфайли ўзбек ҳуқуқи роман-олмон ҳуқуқий оиласига жадал суратларда яқинлашмоқда. Уни халқаро-ҳуқуқий соҳалар билан бирлаштириш миллий ҳуқуқий тизимларни яқинлаштиришнинг кенг тарқалган усули бўлишига қарамай, у ягона усул эмас. Умумий ҳуқуқий маконни шакллантириш учун бу тизимларнинг асосий йўриқлари, ҳуқуқий нормалар ва шунга яраша суд амалиётидаги умумий томонларни кенгайтириш йўли билан яқинлаштириш катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ўзбек қонун ижодкорлиги урушдан кейинги роман-олмон қонунчилик анъаналари, яъни «хусусий кодификация» йўлидан бормади. Ғарб қонун ижодкорининг кодексларни тубдан ислоҳ қилиш йўлидан бормаганлиги, балки қисман ўзгартиришлар билан чегараланганлиги ва бу ўз навбатида уларнинг ички структурасини бузиб юборганлиги кодификацияни ҳуқуқий ривожланишнинг ўтилган босқичи деб ҳисоблайдиган ва «ҳуқуқ декодификацияси» тўғрисида гапирадиган олимларнинг нуқтаи назарларини кучайтиради. Шундай қилиб, классик маънодаги Наполеон кодексларини ҳуқуқий актлар, одатлар ва суд қарорларининг мажмуаси сифатида намоён бўлувчи ҳозирги замон французча соҳа ко-

декларидан (меҳнат, ижтимоий таъминот, қишлоқ хўжалиги, ўрмон, тоғ ва ҳ.к.) фарқлай олиш лозим.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг «кодификация қилинган» ва «кодификация қилинмаган» қисмларининг ўзаро муносабати масаласи «ёки-ёки» принципи асосида кўрилмаслиги лозим. Ўзбек ҳуқуқи асосан кодификация қилинган ҳуқуқ. Бироқ, бу унда кодификация қилинган соҳалар умуман йўқ дегани эмас. Ҳамма гап уларнинг нисбатида. Тарихан шундайки, агар мўътадил ҳуқуқий тизимда кодификация қилинган ҳуқуқ ҳукмронлик қилса, инглиз-америка умумий ҳуқуқида кодификация қилинмаган ҳуқуқ ҳукмронлик қилади.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг ташкил топиши ҳуқуқий тараққиётнинг умумий қонуниятларини тўла тасдиқлайди. Гап шу ҳақда бормоқдаки, оммавий ҳуқуқ сиёсий бухронлар даврида тез ўзгарса, хусусий ҳуқуқ ижтимоий инқилоблар натижасида ўзгаради. Биринчи ҳодисада алломалар ва мутафаккирларнинг ўрни катта. Чунки, улар ҳуқуқни пайдо қилувчи ғояларни шакллантирадилар.

Агар давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин оммавий ҳуқуқ соҳалари тезроқ ривожланган бўлса, ҳозир хусусий ҳуқуққа кирадиган бозор қонунчилиги фаолроқ ривожланмоқда. Оммавий ҳуқуқнинг конституциявий, маъмурий, жиноят ва суд тизими ҳақидаги қонунчилик, фуқаролик ҳақида, хўжалик ва жиноят судларини юритиш, прокуратура ҳақидаги соҳаларда кодификация бўлмоқда. Қонунчиликнинг оммавий-ҳуқуқий соҳаси бевосита давлатнинг иқтисодий сиёсатини ифодалайди ва фуқаролик-ҳуқуқий, меҳнат муносабатлари, табиатдан фойдаланиш муносабатларига таъсир этади.

Бозор муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш негизи билан хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли Ўзбекистоннинг янги фуқаролик кодекси хусусий ҳуқуқнинг асосий кодификация қилинган акти бўлиб, у мулкчилик муносабатларининг барча жабҳаларини, шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги нормаларни тартибга солади. Тадбиркорлик қонунчилиги давлат томонидан тартибга солиниши зарур бўлган, бироқ хусусий-ҳуқуқ нормалари устун саналадиган комплекс норматив манба сифатида ривожланмоқда.

Ўзбекистонда классик фуқаролик ҳуқуқи соҳаларидан меҳнат ва оилавий ҳуқуқ соҳалари ва ўз навбатида қонунчиликнинг ҳам ўша тармоқлари ажралиб чиқди. Солиқ ва бюджет муносабатлари молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек ҳуқуқининг турли соҳаларида ҳозирги шароитда ҳуқуқий тартиботга солишнинг хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий ёндашувларининг мувофиқлашуви кенгаймоқда. Масалан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ер ва сув қонунчилиги кабилар.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш амалиётида жамият ҳаётини ижтимоий соҳасига тааллуқли қонунчиликни кодификация қилиш жадал шаклланмоқда. Нафақа қонунчилиги ажралиб чиқди. Унга аҳолининг муҳтож қатламига берилувчи компенсация ва имтиёзлар тизими қўшилади. Шу муносабат билан таъкидлаш мумкинки, ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунчилик меҳнат қонунчилиги таркибидан мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиқди. Ўзбекистондаги кучли ижтимоий сиёсат ижтимоий ҳуқуқ ривожини белгилаб беради. Унда ижтимоий таъминот ва муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа соҳаларидаги, шунингдек, маъмурий ҳуқуқ доирасидан тобора узоқлашиб бораётган соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги нормалар ва принциплар бирлашади. Улар ижтимоий ҳуқуқнинг бир тармоқчаси мақомини эгаллаши мумкин. Чунончи, ижтимоий соҳада «ижтимоий ҳуқуқ» шаклидаги тартибот ҳозирги пайтда Франция, Олмония, Швеция ва Европанинг бошқа мамлакатлари қонунчилигида тегишли соҳаларда давлат бошқаруви жиҳатлари бўйича маъмурий ҳуқуқ билан алоқани сақлаган ҳолда ривожланмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда Европа роман-олмон ҳуқуқий оиласига хос ҳуқуқ манбалари тизими ҳамда кўп тармоқли қонунчилик ва ички қонунчилик тизимлари шаклланди.

2-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва фикҳ анъаналари

Қонунчиликда аҳолининг кундалик турмуш тарзига сингиб кетган, кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, умуминсоний қадриятларига зид келмайдиган миллий анъаналар, урф-одатлар, одоб ва ахлоқ меъёрлари, кўп асрлик тарихдан ме-

рос бўлиб қолган шахслараро ва миллатлараро муомала, ҳамда диний эътиқод акс эттирилиши лозим.

Тарих гилдирагини орқага қайтариб бўлмаганидек, фуқаролик ва дунёвий жамиятни ҳам ислом ҳуқуқи нормалари ҳукмрон бўлган даврга қайтариб бўлмайди. Фикҳ сўзсиз муайян тарихий ҳодисадир. Замонавий жамиятда уни мутлақ даражага қўтариш ва айнан ўзидек талқин қилиш амалиётга тўғри келмайди. Бу фикҳ програматик фалсафанинг ўзига зид бўлиб, унда руҳ ҳарфдан юқори қўйилади, янгилик инкор этилмайди, балки маълум давр билан мувофиқлаштирилади. Ўзбекистонда ҳуқуқий жамият қуришда хусусий ҳуқуқнинг айрим соҳаларини тартибга солишга оид фикҳ тажрибасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай ёндашувлар ҳозирданоқ шаклланмоқда. Мисол учун оила ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг (садақа - мухтожларга ихтиёрий равишда инъом бериш руҳида) бирламчилиги. Аббосий халифалар давридан бошлабоқ (биринчи бўлиб ал Мансур шундай қилган) қози маҳаллий ҳокимиятлар таъсири доирасидан чиқарилган эди. Ҳозир судьяларни мустақил институтга айлантиришга қаратилган бу анъана, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 11 бандида замонавий шаклда ўз ифодасини топган.

Фикҳни шарҳлаш анъаналарини ижодий татбиқ этиш суд ислоҳоти йўлидаги изланишлар учун қизиқиш уйғотади. Бунда қонунларни Конституциявий ва Олий суд томонидан ислом оламининг ҳуқуқий маданиятига ҳос равишда талқин этиш ривожланади.

1869-1877 йилларда тайёрланган, Усмонли турклар империясининг «Мажаллат-ал-аҳком ал-адийа» фуқаролик кодексига мусулмон ҳуқуқининг 99принципи битилган бўлиб, ундаги цивилистик маданиятнинг бой инструментарийси эътиборни ўзига тортади. Унда мусулмон фуқаролик ва савдо ҳуқуқларининг кўпгина нормалари: кўчмас ва ҳаракатдаги мулк ижараси, олди-сотди, ходимни ёллаш, гаров, кафиллик, тижорат ва қўшничилик ширкатлари институтлари аниқ белгилаб берилган. Улардан савдо ва меҳнат битимлари, тижорат муносабатларининг ҳуқуқий этикаси, яъни ҳозирги тадбиркорларимиз тез-тез уларнинг йўқлигидан шикоят қиладиган нарсаларнинг мавжудлиги айниқса қизиқарлидир.

Ҳозирги ўзбек жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ислом дини халқ маданиятининг бир бўлаги, умумбашарий қадриятларнинг тарқатувчиси, миллий-маънавий анъаналарнинг сақловчиси сифатида қабул қилинади. Диний принциплар ва нормалар жамиятдаги маънавий-ахлоқий ҳолатнинг ўзига хос мезони бўлиб хизмат қилади. Дин ва унинг нормалари ҳамда принципларининг жамият ҳаётига кучли таъсир кўрсатиши мана шундадир. Улар орқали маълум даражада ўзбек халқининг менталитети ва халқ қабул қилган қадриятлар белгиланади.

Ўзбек турмуш тарзига давлатнинг жамоатчилиги ва патернализми хосдир. Албатта, жамоа бутун дунё халқлари босиб ўтадиган универсал шаклдир, лекин Ўзбекистонда жамоатчилик асослари ва жамоа манфаатлари доимо шахсий манфаатлардан устун бўлган. Шахсга асосланишнинг заифлиги ўзбек юридик турмушининг ўзига хос хусусиятидир. Буни турмушнинг барча соҳаларини кенг кўламда хусусий мулкчиликка ўтказиш орқали хусусий тадбиркорликни ўзбек ҳаётига татбиқ этиш ва ривожлантириш ишларида ҳисобга олиш керак.

Ҳуқуқий ислохотлар Ўзбекистон учун анъанавий бўлган диний-ахлоқий принциплар ва нормаларга асосланиши керак. Шундагина қонунлар ҳаётийлик хусусиятини олади ва жамият томонидан қабул қилинади. Шунинг учун қабул қилинаётган қонунларда аҳолининг кундалик турмуш фаолиятига сингиб кетган, кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлмаган, асрий тарихдан мерос бўлиб қолган диний эътиқод, шахслараро ва миллатлараро муносабатлардаги халқ анъаналари, одатлари, ахлоқий меъёрлари албатта ҳисобга олиниши шарт.

Табиийки, фикҳ анъаналари авваламбор юридик таълим ва ҳуқуқий илм доирасида, сўнгра эзгулик ва ҳуқуқий тараққиёт, инсонийлик нуқтаи назаридан қонунчилик сиёсати доирасида ўрганилиши лозим.

3-§. Конституция – Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг ўзаги

XX асрнинг 80-йиллари охиридаёқ конституциявий ислохотнинг кераклилиги муқаррар бўлиб қолди. Давлат суверенитети эълон қилингандан кейин жамиятнинг эски давлат

тузуми даврида қабул қилинган (1978) Собиқ СССР конституциявий тизими доирасидаги совет конституцияси қониқтирмай қўйди. Янги воқеликка эски Конституцияни мослаштириш учун амалга оширилган уринишлар ҳеч қандай натижа бермади. Унинг матнига киритилган 100 дан ортиқ ўзгартиришлар ва тўлдиришлар эски Конституцияни ички мантиғидан махрум қилди ва кўпдан-кўп зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқарди.

Ўзбекистонда конституциявий ислоҳот тадрижий ва узлуксиз тарзда ўтди. 1990 йилнинг мартадаёқ, (СССР мавжуд бўлган даврда) Ўзбекистон иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб, президентлик бошқарув шаклини жорий этди. Бу Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий тизимни қайта ташкил этиш ва янгилашнинг бошланиши эди. 1990 йилнинг июнида Суверенитет ҳақидаги декларация ва республика Олий Кенгашининг Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун конституциявий комиссия ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Юридик маънода бу актлар янгилик эди. Чунки, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат қуриш назарияси ва амалиётида улар биринчи мартаба қабул қилинаётган ва ўтказилаётган эди.

1992 йилги янги Конституция суверен Ўзбекистоннинг ўзига хос тақдимот ҳужжатига айланди. У ўзида жаҳон конституциявий тажрибаси принциплари ва кўп асрлик миллий юридик тарих анъаналарини мужассамлаштирган. Агар янги ўзбек Конституцияси жаҳон конституциявий тараққиёти нуқтаи назаридан тавсифланадиган бўлса, уни Фарбий Европа мамлакатларидаги иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган «иккинчи авлод» конституциялари қаторига қўшиш мумкин.

Ўзбекистон Конституциясида жаҳон конституциявий тажрибаси қуйидаги йўналишларда ўз аксини топган:

1) конституциявий тартибга солиш принципи – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, Конституциянинг барқарорлиги;

2) мафкуралаштиришдан воз кечиш, яъни у жамиятга олдиндан белгиланган ҳукмрон мафкурага мос келувчи иқтисодий тузумни мажбуран татбиқ этишга интилмайд;

3) конституциявий кафолатлар – Конституциянинг устуворлиги, Конституциявий суднинг ташкил этилиши, Асосий қонунни ўзгартиришнинг алоҳида тартиби;

4) президентлик республикасининг бевосита демократиянинг бир шакли эканлиги. Чунки Конституция президентнинг давлат ва ижроия ҳокимиятнинг раҳбари сифатидаги ҳуқуқий мавқеини белгилайди;

5) конституциявий техниканинг, яъни матннинг Муқаддима, бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича мантиқан жойлашиши;

6) ҳуқуқийлаштириш ва мазмуннинг қисқалиги, яъни ҳуқуқий давлат ҳаётини боғлаб қўувчи ортиқча қонунларни яратмаслик.

Кўпинча Ўзбекистоннинг 1992 йилдаги Конституциясини «француз модели» бўйича қурилган деб таъкидлашади. Бу фикр қисман тўғри. Маълумки, Ўзбекистон Конституцияси ўз хусусиятларига эга. Француз парламенти ўзбек парламенти-дан икки палаталилиги билан фарқ қилади. Эндиликда эса ўтказилган референдум натижаларига кўра Ўзбекистон парламенти ҳам икки палатали парламент жорий этилди. Ўзбекистон Франция каби президентлик типидagi республика, чунончи уларнинг иккиси ҳам америкача президентлик республикасидан фарқ қилади. Ўзбек конституциясининг «француз» моделига яқинлиги, шубҳасиз Президентни сайлаш тартибиди, президентнинг давлат раҳбари сифатидаги ваколатларида, унинг ҳукуматни тузиш фаолиятидаги роли, Конституция назарда тутган тартибда парламентни тарқатиш ҳуқуқиди кўринади.

Совет давридаги Асосий Қонунлардан фарқли ўларок, Ўзбекистоннинг янги Конституциясида евроцентристик конституциявий бошқарув зўравонлиги йўқ, лекин Ғарб мамлакатларининг демократик Конституцияларига хос бўлган фуқаролик жамяти нормаларининг оқилона ҳисоби, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва мувозанати бор.

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси мустақил конституциявий ривожланишнинг тараққиёт ва дунё тажрибаси ҳамда миллий давлат-ҳуқуқий, маънавий-маданий эҳтиёжларнинг ижодий бирлигидир. Ўзбекистон Конституциясининг сифати ва самараси мезонлари қуйидагилар:

биринчидан, Конституциянинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий демократик давлат ривожига эҳтиёжлари ва истиқболларига мос келиши. Бу ерда ўтиш даврининг эҳтиёжлари ва ўзбек давлатчилиги ҳамда ҳуқуқининг мустақил тажрибасини ўстириш истиқболларининг илк бор ҳисобга олинганлиги;

иккинчидан, жаҳон конституциявий тажрибасини мустақил равишда ижодий татбиқ этиш ва дунё тарихий юридик анъаналарининг Ўзбекистон конституциявий қонун ижодкорлигида ҳисобга олинганлиги;

учинчидан, Конституцияни ҳуқуқий татбиқ этишининг кенг имкониятларга эга эканлиги;

тўртинчидан, Конституциянинг амалдаги ҳуқуқ манбаи ва конституциявий ҳамда жорий қонунчиликнинг маёғи эканлиги;

бешинчидан, давлат ва жамиятда барқарорликка эришишда Конституциянинг аҳамияти, яъни унинг плюралистик ва консенсус имкониятлари мавжудлиги.

олтинчидан, Конституциянинг мазмунидаги зиддиятсизликни таъминловчи юридик техника, мазмунан яхлитлик ва тизимлилик қоидаларининг мавжудлиги;

еттинчидан, Конституциядаги асосий атамалар уни умумжаҳон ҳуқуқий маконига олиб киришни енгиллаштирувчи халқаро-ҳуқуқий тезариус (тушунишнинг умумийлиги) эканлиги.

Ўзбекистон Конституцияси ўзбек ҳуқуқининг асосий манбаидир. У ўзига асосланган янги норматив ҳужжатларни қабул қилиш учун (ҳуқуқий тизимни «ташқаридан» ўзгартириш) юридик база бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга ҳаракатдаги ҳуқуқий нормаларнинг конституциявийлиги ҳақидаги (ҳуқуқий тизимни «ичидан» ўзгартириш) масалани ечиш учун ҳам мезон бўла олади.

Ўзбек Конституцияси ҳуқуқий тизимнинг ўзаги эканлиги қуйидаги юридик хусусиятларда кўринади:

1) конституциявий нормалар ўзбек ҳуқуқининг олий мезони ҳисобланади. Ўзбек ҳуқуқида бор ва унда намоён бўладиган барча нарсалар, конституциявий нормаларга мувофиқ бўлиши керак;

2) Конституциянинг биринчи бўлими матнида ҳуқуқий тизимнинг асосий принциплари мавжуд. Улар қуйидагилар: инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги,

бевосита (референдум) ва вакиллик органлари томонидан амалга ошириладиган халқ ҳокимияти, ҳуқуқий давлат, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, ҳокимиятнинг эркинлиги ва мулкчилик шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, халқаро ҳуқуқнинг бирламчилиги. Конституция ва ҳуқуқ тармоқларининг ҳолатлари бу принципларга зид бўлаолмайди;

3) давлат органлари дахлдорлигини тартибга солиш йўли билан ҳуқуқ манбаларининг тизимини конституциявий белгилаш. Бироқ, бу ўринда шуни эслатиб ўтиш жоизки, Конституция манбаларнинг ҳамма турларини эмас, балки фақат ёзилганларини фарқлаган ҳолос:

4) конституциявий нормалар тўғридан тўғри амал қилувчи ҳуқуқ ҳисобланади. Конституциянинг мақсад ва принциплари инсонлар томонидан бевосита идрок этилади, уларнинг хатти-ҳаракатига таъсир ўтказилади.

4-§. Ўзбекистон замонавий қонунчилиги тизимининг шаклланиши

Ўзбекистоннинг замонавий қонунчилик тизимини яратиш бир нечта йўналишда амалга оширилмоқда. *Биринчи йўналиш* – давлат қурилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш. Собиқ СССРнинг парчаланиши, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши ҳуқуқий давлат қуришни биринчи галдаги вазифалар қаторига олиб чиқди. Энг аввало, бу суверенитет, демократия, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқлари принципларини тасдиқлаш, бир сўз билан айтганда, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини яратишдир. Давлат бошқарувининг янги институтларини шакллантириш ва уларни мустаҳкамлаш зарурияти туғилди.

Бу йўналиш бўйича «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» (1991) ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» (1994), «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (1993), «Судлар тўғрисида» (1993), «Конституциявий суд тўғрисида» (1993), «Олий ҳўжалик суди тўғрисида» (1993), «Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида» (1998) ва «Президент сйловлари тўғрисида» (1991), «Референдум тўғрисида» (2001), «Прокуратура тўғрисида» (2002), «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» (1993), «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (1999) каби конституциявий ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришининг янги механизми яратилиб, у халқ урф-одатлари ва тарихан шаклланиб келган жамоа муносабатлари (маҳалла)га бориб тақалади. Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик муаммоларини ҳал этиш учун бирлаштирадиган ўзини-ўзи бошқариш органлари шайхача, қишлоқ ва маҳалла фуқароларининг кенгашларидир.

Иккинчи йўналиш – янги иқтисодий муносабатларга ва биринчи галда хусусий мулкчилик муносабатларига ўтиш ҳамда эркин ишбилармонлик фаолиятига асос солувчи бозор иқтисодиёти қонунчилигини шакллантириш. Хўжалик фаолиятини қонун билан тартибга солиш иқтисодиётга давлат томонидан таъсир ўтказишнинг асосий шаклларида бирига айланмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш бир қатор қонунлар ва норматив ҳужжатларни қабул қилишни тақозо этди (президент фармонлари, ҳукумат фармойишлари ва вазирликларнинг ҳужжатлари). Уларда хусусий мулкчилик масалалари, корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, чет эл инвестицияларини жорий қилиш тартиби ва ишбилармонлик фаолиятининг бошқа масалалари ҳал қилинади.

Янги фуқаролик кодекси – бозор ҳуқуқи хартияси қабул қилинди. Бозор қонунлари қаторига «Хусусий мулкчилик тўғрисида» (1990), «Ер тўғрисида» (1991), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» (1991), «Ижара тўғрисида» (1991), «Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида» (1993), «Корхоналар тўғрисида» (1991), «Кооперация тўғрисида» (1991), «Дехқончилик (фермерлик) хўжалиги тўғрисида» (1992), «Хўжалик жамоалари ва ширкатлари тўғрисида» (1992), «Банк ва банк фаолияти тўғрисида» (1996), «Пул тизими тўғрисида» (1994), «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (1993), «Тадбиркорлик тўғрисида» (1991), «Суғурта тўғрисида» (1993), «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида» (1992), «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» (1993), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (1992), «Корхона, бирлашма ва ташкилотлардан солиқ олиш тўғрисида» (1991), «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» (1994), «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида» (1996), «Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолияти механизми тўғрисида» (1996)ги қонунлар киради. Бозор қонунчилиги хусусий мулкчилик шакллари-нинг тенглиги, иқтисодий фаолият эркинлиги, товар ва капи-

талнинг эркин ҳаракатланишини кафолатлайди, фуқаролик жамиятининг эркин ривожланиши, бозор иқтисодиётининг янги, эҳтимол аралаш, бироқ аввалгисига қараганда самаралироқ тизимининг шаклланиши учун кенг шароитлар яратди. *Учинчи йўналиш* – инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини, аҳолининг ижтимоий кафолатларини ва аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминловчи қонунчиликни яратиш. Бу борада инсон ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, виждон ва эътиқод ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эркинликларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган.

Ижтимоий қонунчилик тизими шаклланмоқда. Қабул қилинган «Меҳнат кодекси» (1995), «Бандлик тўғрисида» (1992), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1993), «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида» (1991), «Фуқароларни давлат нафақаси билан таъминлаш тўғрисида» (1993), «Давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида» (1991) қонунлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитларида аҳоли муҳтож қатламларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялайди. Қонун ижодкорлигининг мазкур *тўртинчи йўналиши* юқорида кўрсатилган йўналишлар каби муҳим ҳисобланади.

Жамиятнинг маънавий камолоти унинг аъзоларини ахлоқий соғломлаштириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, яъни миллий ўзлик, тил, маориф ва маданий меросни сақлаб қолишни кўзда тутувчи қонунларни яратмай туриб, Ўзбекистоннинг тараққиётини белгиловчи амалий вазифаларни ҳал этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Юнесконинг Ҳарбий тўқнашувлар шароитида маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги конвенция (1972), Маданий ёдгорликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва маданий бойликларга эгаллик ҳуқуқини топширишнинг олдини олиш ва тақиқлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақидаги конвенция (1970) каби асосий ҳужжатларни имзолади. Ўзбекистон Республикасининг байроғи (1991), герби (1992) ва мадҳияси ҳақидаги (1992) қонунлар Ўзбекистон халқларининг фахри, тарихий хотиралари ва интилишини ўзида мужассамлаштирди. Маънавий уйғониш шароитида Давлат тили ҳақидаги (1989) ва Фуқаролик ҳақидаги (1992) қонунлар муҳим аҳамият касб этди.

«Маориф тўғрисида» (1992), «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992) «Алоҳида муҳофаза қилинувчи ҳудудлар тўғрисида» (1993) қонунлар амалга оширилмоқда. Маънавий-

маданий қонунчилик кадриятларни халқнинг руҳи, ўз-ўзини англаш, яшашига интилиш ва ватанпарварлик туйғуларини мустақамлаши учун сақлаб қолишга хизмат қилади. Айнан шундай руҳ билан ҳар қандай давлат кучли бўлади.

Бешинчи йўналиш – Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг субъекти эканлигини таърифловчи ҳуқуқий асосларни яратиш қонунчилик фаолиятида янги ва амалда текширилмаган йўналишлардан бири ҳисобланади. Тоталитар тизим шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан тўғри чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий давлат институтлари ва қонунчилигига эга эмас эди.

Ўзбекистон томонидан асосий халқаро пактлар ва битимларнинг имзоланиши мамлакатимизнинг ташқи алоқаларини ривожлантириш тарихида янги саҳифаларни очди. «Дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқларини тайинлаш ва қақриб олиш тартиби тўғрисида» (1992), «Дипломатик ходимлар учун дипломатик синфлар ва даражаларни тайинлаш тўғрисида» (1992), «Халқаро битимлар тўғрисида»ги (1996) қонунлар, «Консуллик низоми» (1996) ташқи иқтисодий фаолиятда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга йўналтирилган қонунларни қабул қилиш ташқи иқтисодий соҳада муҳим аҳамият касб этади.

«Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисида» (1994), «Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисида» (1992)ги қонунлар чет эл инвесторлари учун мўътадил ҳуқуқий «инвестицион иқлим»ни яратишга қаратилган. Ўзбекистоннинг инвестициявий қонунлари, чет эл инвестицияларини ҳимоялаш ва кафолатлаш ҳақидаги иккиёклама битимлар ва кўптомонлама конвенциялар (1965 йилдаги Инвестициявий баҳсларни ҳал қилиш ҳақидаги Вашингтон конвенциялари ва 1985 йилдаги Инвестицияларни суғурталаш ҳақидаги Сеул конвенцияси) чет эл хусусий мулки мақомини белгиловчи оммавий ҳуқуқ нормаларини, чет эл инвестицияларининг «сиёсий хатар»дан кафолатлаш (миллийлаштириш, солиқ солиш, экспорт ва импорт божлари, капитал ва фойдани ўтказиш ва ҳ.к.), чет эл инвесторларининг қонуний ҳуқуқларини юридик ҳимоялаш шартлари белгиланди. Муайян инвестициявий муносабатлар фуқаролик қонун-

чилиги нормалари, яъни хусусий ҳуқуқ томонидан тартибга солинади. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги қонунчилиги ўтиш даврининг, яъни эски ижтимоий сиёсий тузум ва иқтисодий муносабатларни янгилаш янги демократик нормалар ва ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларни тасдиқлашнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Шубҳасиз, қонунчилик тизимининг ривожланганлик даражаси ва сифати қабул қилинган қонунларнинг миқдори билан эмас, балки бу қонунларнинг тўлиқ ҳолда бажарилиши билан белгиланади. Чунинчи, ҳуқуқий нормалар, қачонки улар инсонда яшаса ва у орқали таъсир кўрсатса, тарихий урф-одатлар, маънавий-ахлоқий нормаларни акс эттирсагина абадий яшаб қолади ва фаолият кўрсатади. Ҳуқуқий мафкура борган сари сайқаллашмоқда, қонунчилик амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш жараёнининг иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, ҳуқуқ тартибот билан узвий алоқада бўлган янада таъсирчан шакллари ва йўллари қидирилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясига бириктирилган ҳозирги замон ҳуқуқий давлатининг ҳуқуқий кадриятлари ва ғоялари ҳамда ҳуқуқий тизимимизнинг халқаро ҳуқуқ билан янада яқин интеграцияси ўзбек қонунчилигининг ягона тизимини шакллантиришда халқаро ва чет эл тажрибасининг ижобий томонларини қўллашни тақозо этади.

5-§. Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқ

Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимини бошқа миллий ҳуқуқий тизимлар ва халқаро ҳуқуқ билан боғламасдан ўрғаниб бўлмайди. Бундай ҳуқуқий «учбурчак» умумий ҳуқуқий ҳудуд сифатида хизмат қилади. Унда турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро таъсирда бўлади, тўқнашади ва биргаликда фаолият кўрсатади. Бундай алоқаларда қонунийлик ва барқарорлик, қарама-қаршилик ва тасодифийлик бор. Уларнинг негизида давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамловчи умумий интеграция жараёнлари ётади.

1992 йилдаги Ўзбекистон Конституцияси ҳуқуқий тизимда халқаро ҳуқуққа муҳим ўрин берар экан (17-модда), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг халқаро ҳуқуқ билан яқин алоқадорлигини таъминлади. Сўз Ўзбекистон Конституциясининг 109-моддасига биноан, мамлакат кон-

ституциявий суди Конституциянинг халқаро битимларга мувофиқлигини белгилаши ҳақида бормоқда.

Ўзбек қонунчилигини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилаётган ҳозирги даврда давлатнинг ички ва халқаро-ҳуқуқий тартиботи методларини қўллаш талаб қилинади. Бугунги кунда қонунчиликнинг ҳар қандай бўлими халқаро шартномалар билан алоқадорликка эга. Давлат ҳуқуқида – ташқи сиёсатнинг конституциявий асослари; халқаро алоқалар соҳасида – давлат ҳокимияти олий органларининг ваколати, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда фуқаролик ҳуқуқини тартибга солиш; фуқаролик ва оила ҳуқуқида, фуқаролик процессида – халқаро хусусий ҳуқуқнинг одатдаги муаммолари, фуқаролик ва оила ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари, шунингдек, алоҳида аҳамият касб этган ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш масалалари; жиноят ҳуқуқида ва жиноят процессида – жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликнинг кўптармоқли жиҳатлари, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларидир.

1992 йилги Ўзбекистон Конституцияси халқаро принциплари тамойиллари ва нормалари мажмуини БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги халқаро пактлар, Хельсинки яқунловчи акти, Париж ва Мадрид хартиялари олди. Бундай ёндашиш нафақат «Ташқи сиёсат (IV бобда), балки Кириш, иккинчи бўлим, (Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлар) ва учинчи бўлим, (Жамият ва шахс), XXIII боб (Сайлов тизими), XXII боб (Ўзбекистон Республикасининг Суд ҳокимияти), XXVI боб (Мудофаа ва хавфсизлик) каби бобларда ҳам айниса яққол кўзга ташланади.

Ўзбек ҳуқуқи тарихида биринчи марта Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги эълон қилинди. Бу XX асрнинг иккинчи ярмида катта аҳамият касб этаётган давлат ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро мувофиқлиги масаласини ҳал қилиш принципига тўла мос келади.

Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, халқаро ҳужжатлар, халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари томонидан тавсия қилинаётган қоида ва принциплар умумжаҳон юридик тажрибасини тўла акс эттирмайди. Улардан кўплари ҳозирги шароитда англо-саксон умумий ҳуқуқи (Common Law)нинг доктриналарини ўзгартириш, аниқроғи америкачалаштириш-

дан келиб чиқади. Европа Кенгашидан олинаётган тавсиялар, континентал ҳуқуқ урф-одатларини акс эттиради, албатта.

Ҳозирги вақтда халқаро ташкилотлар норматив манбаларини модел қонунларни киритиш орқали кенгайтиришнинг зарурияти сезиларли даражада ўсди. Янги технологияларнинг ишлаб чиқарилиши, ривожланишнинг нотекислиги, мамлакат ва халқларнинг маргинилизацияси туфайли дунё жамоатчилиги дуч келаётган муаммолар халқаро ташкилотларга аъзо давлатлар томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган муқобил қарорларни излашни тақозо қилади. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, битимлар механизми орқали миллий қонунларнинг яқинлашуви узоқ ва мураккаб табиатга эга. БМТ, ЮНЕСКО, Европа кенгаши каби халқаро ва регионал ташкилотлар ўз мавқеи бўйича халқаро юридик тажрибани тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда қонун бошқаруви илмий асосланган шакллари ишлаб чиқишнинг ўзига хос марказларига айланиши мумкин эди. Дунё эътироф этган мутахассислар томонидан моделли қолип қонунларнинг ишлаб чиқарилиши сабабли, ўз қонунига эга бўлмаган ёки бор қонунларни такомиллаштиришни хоҳлаган мумлакатларга жуда асқотган бўлур эди. Ҳозирги замон юридик тафаккурининг энг яхши формулаларини синтезловчи бундай моделлар битимлардан фарқли ўлароқ, кўпроқ ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш эҳтимолига эга. Халқаро ташкилотларнинг мутлақ обрўси билан тасдиқланган бундай моделлар, тавсияларга қараганда кўпроқ самарага эга бўлиши мумкин. Чунки улар гоядан қонунга қадар йўлнинг қисқартирилишига олиб келади. Бундан ташқари, модел қонунлар умумжаҳон ҳуқуқий ҳудудини уйғунлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Умуман, миллий ҳуқуққа умумжаҳон юридик тажрибасининг олиб кирилиши, ҳуқуқий ривожланишнинг бош принципи бўлиб қолади.

6-§. Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқшунослик фани

Ҳозирги замон ўзбек ҳуқуқини ривожлантириш жараёнида ҳуқуқшунослик фани муҳим аҳамиятга эга. У биринчидан, эски мафкуравий қарашларни енгиш, иккинчидан, Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг тараққиёт йўналишларини асослаш ва назарий таҳлил қилишга қаратилган. Бунда алоҳида масъулият қиёсий ҳуқуқшуносликка юклатилади.

Ўзбек ҳуқуқшунослиги ҳуқуқни бир томонлама тушуниш ва талқин қилишдан воз кечиш йўлидан бормоқда. Ҳуқуққа миллий сиёсий-ҳуқуқий фикрлаш анъаналарига мос келувчи кенг тарихий-маданий ва диний-ахлоқий томонлардан кўп-қиррали ёндашув тобора ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбек жамиятининг тарихий-ҳуқуқий тажрибаси тараққиётини англаш, инсониятнинг кўп асрлик тарихи давомида тўпланган мерос, ишлаб чиқилган илғор тажриба ва қадриятларни сақлаш, асраш ва ривожлантиришни тақозо этади. Бундай қадриятлардан бири ҳуқуқнинг баъзи институтлари ва нормалари ҳисобланади.

Ўзбек ҳуқуқий тизимини таҳлил қилишда ижтимоий тартибнинг 1917 йилги октябр инқилобигача шакллариغا баҳо бериш алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, ўзбек жамиятининг ҳозирги замон қадрият ва меъёрлари асосида ташкил қилинишида «феодал» эскилик сарқитлари ва ҳуқуқий бошқаришнинг шариат шакллари ролини кучайтириш керак эмас. Ҳозирги замонда урф-одатчилик элементлари кўп ҳолларда оддий ҳуқуқий онг даражасида бўлиб, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқни ташкил қилиш норматив тизимида умуман йўқ. Ҳуқуқда ижтимоий қадриятларни ривожлантириш Ўзбекистонга хос бўлиб, унинг кадр-қимматини тушуниш долзарб бўлиб бормоқда, ҳуқуққа нигилистик муносабатда бўлиш борган сари ўтмишга чекинмоқда, жамият ҳаётида ҳуқуқнинг роли юксалмоқда.

21 – мавзу бўйича назорат саволлари

1. Ўзбекистон ҳуқуқий тизими қандай тарихий йўлни босиб ўтган?
2. Мамлакатимиз ҳуқуқий тизимига роман-олмон ҳуқуқий оиласи қандай таъсир кўрсатган?
3. Нима учун Конституция – Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг ўзаги ҳисобланади?
4. Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро нисбати қандай бўлиши зарур?

ҲОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

ЎҚУВ ФАНИ ДАСТУРИ

«Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари» ўқув фанининг зарурлиги, мақсадлари ва аҳамияти

XXI аср бошида жаҳоннинг барча мамлакатларида қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар бир мунча ривож топмоқда. Улар ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ва миллий қонунчиликлари ривожлантиришининг қонуниятларини аниқлаш мақсадига эга. Мазкур тадқиқотларнинг аҳамияти шундаки, улар нафақат ҳуқуқшуносликнинг кўплаб анъанавий масалаларининг ечимини топишга кенгроқ ёндошиш имконини беради, балки қатор янги муаммоларни қўяди. Умуман ҳуқуқий тизимларни қиёсий ўрганиш негизида қиёсий ҳуқуқшунослик каби шундай бир илмий йўналиш ҳамда ўқув фани шаклланиб, тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Сўз, ҳозирги даврда ўрни ва аҳамияти кун сайин ошиб бораётган, юридик таълим ва ҳуқуқшунослик фани ривожланишининг муҳим бир йўналиши хусусида бормоқда. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг муҳим ўрни ва уни ривожлантириш заруриятини белгиловчи объектив омиллар қуйидагилар ҳисобланади: *биринчидан*, ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг хил-маҳиллиги; *иккинчидан*, ҳуқуқий ўзаро боғлиқлик ва давлатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши; *учинчидан*, жаҳон ҳуқуқий ҳаритасида янги мустақил давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизимларини пайдо бўлиши; *тўртинчидан*, қиёслашнинг кўплаб халқаро ташкилотлар фаолиятини қёслаш асосида ташкил этилганлиги.

Қиёсий ҳуқуқшуносликни ривожлантириш ҳуқуқшунос-мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларни ўқитиш ишларини яхшилаш зарурияти билан ҳам белгиланади. Қиёсий ҳуқуқшунослик муаммоларини ишлаб чиқиш хорижий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда алоҳида аҳамият касб этади. «Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари» ўқув курсининг киритилиши ҳам эътиборга ва уни кўплаб-қувватлашга лойиқдир. Ушбу ўқув курсининг ўқитилиши бутун юридик таълим тизимидан ажралмаган ҳолда, ушбу тизимда муҳим ўринга эга.

«Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари» ўқув курси:

1. илмий-назарий;
2. амалий;
3. ўқув-тарбиявий мақсадга эга.

«Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари» ўқув фанининг илмий-назарий аҳамияти ҳозирги давр ҳуқуқий тизимлари ривожланишидаги тенденциялар ва янги ҳодисаларни англаб етиш, ҳуқуқий тараққиётнинг асосий қонуниятларини аниқлаш, янги хорижий ҳуқуқий материалларни ўзлаштириш зарурияти билан боғлиқ. Қиёсий ҳуқуқшунослик – умумий ҳуқуқ назарияси ва юридик фанлар соҳаларини тўлдириш ва ривожланишини, илмий дунёқарашни кенгайтиришни ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим омилдир.

Амалий нуқтаи назардан қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятда, шунингдек, халқаро ҳуқуқий амалиётда (халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва талқин қилишда) муҳим аҳамиятга эга. Қиёсий ҳуқуқшунослик чет элларда тўпланган позитив ҳамда негатив ҳуқуқий тажрибани ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

Қиёсий ҳуқуқшунослик нафақат умумий ҳуқуқ назарияси масалаларини, балки ҳуқуқий фан соҳаларининг ҳам муаммоларини қамраб олади ва шу билан тармоқлараро фан характерини касб этади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим шакли сифатида ҳам намоён бўлади.

«Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари» ўқув фанининг ўқув-тарбиявий аҳамияти талабаларнинг умумий маданиятини ошириш зарурияти билан боғлиқдир. Мазкур ўқув фани юқори ҳуқуқий маданиятни, юридик тафаккурнинг шаклланишига фаол ёрдам беради, юрист учун зарур бўлган билимларни беради.

«Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари» ўқув фани бўйича ушбу ўқув дастур Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университетидаги ЮНЕСКОнинг Инсон ҳуқуқлари, тинчлик, демократия, толерантлик ва халқаро ҳамжиҳатлик кафедрасида тайёрланган.

«Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари» ўқув курси умумий ва махсус қисмдан иборат. Маърузалар учун 42 соат, амалий машғулотлар учун 30 соат ажратилган.

УМУМИЙ ҚИСМ.

ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИГА КИРИШ

1–МАВЗУ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ ИЛМ ВА ЎҚУВ ФАНИ СИФАТИДА

Қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқий билимларнинг алоҳида соҳаси сифатида.

Қиёсий ҳуқуқшунослик юридик фанлар тизимида.

Қиёсий ҳуқуқшуносликни бошқа юридик фанлар билан нисбати: ҳуқуқнинг умумий назарияси ва тарихи, ҳуқуқ фалсафаси ва социологияси, юридик фан тармоқлари, қиёсий сиёсатшунослик.

Қиёсий ҳуқуқшунослик ва хорижий ҳуқуқни ўрганиш. Ҳозирги давр ҳуқуқий харитасини ўрганиш – ҳозирги қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий вазифаси.

Қиёсий ҳуқуқшунослик илмий фан ва метод сифатида

Қиёсий ҳуқуқшунослик ўқув курси сифатида.

Ўқув курсининг предмети, мақсад ва вазифалари, тизими. Ўқув адабиётлари.

Юристарларни тайёрлашда ўқув курсининг аҳамияти.

2–МАВЗУ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ КУРСИНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Қиёслаш тушунчаси ва аҳамияти.

Ижтимоий-фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий тафаккур мутафаккирлари давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганишда қиёслаш ва қиёсий методдан фойдаланиш тўғрисида.

Қиёсий метод илмий билишнинг бошқа хусусий методлари билан биргаликда фойдаланиладиган юридик фаннинг хусусий методларидан бири сифатида.

Юридик фаннинг бошқа соҳаларида қиёсий методдан фойдаланиш.

Миллий ҳуқуқнинг муайян илмий-амалий ҳуқуқий муаммоларини ечишда қиёсий методдан фойдаланиш.

Қиёсий метод ва федератив давлатларнинг ҳуқуқий тизимини ўрганиш.

Қиёсий метод ва халқаро ҳуқуқ.
Ҳуқуқий тизимларнинг қиёсий тадқиқоти турлари ва асосий йўналишлари.

Диахрон ва синхрон қиёслаш.
Ички ва ташкилотларни қиёслаш.
Макроқиёслаш ва микроқиёслаш.

3–МАВЗУ. ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ТАРИХИ

Қиёсий ҳуқуқшуносликни пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий босқичлари.

XIX аср қиёсий ҳуқуқшунослигининг умумий характеристикаси.

Олмония қиёсий ҳуқуқшунослигининг тарихий-фалсафий йўналиши.

Қиёсий қонунчиликнинг Француз мактаби.

Россияда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ривожланиши.

Англия ва АҚШда қиёсий ҳуқуқшунослик эволюциясининг ўзига хос томонлари.

XX асрнинг биринчи ярмида қиёсий ҳуқуқшунослик.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ривожланиши.

Совет қиёсий ҳуқуқшунослигининг ривожланиши.

Юридик компаративистикасининг ҳозирги аҳволи.

Чет эл ҳуқуқшунос-олимлари томонидан қиёсий ҳуқуқшунослик муаммоларининг ишлаб чиқилиши.

Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро илмий ҳамкорлик.

4–МАВЗУ. ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФУНКЦИЯЛАРИ

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг назарий билиш функцияси.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг амалий тажриба функцияси.
ҳуқуқни унификация қилиш ва уйғунлаштириш.

Чет эл ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўқув-педагогик аҳамияти

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг таълим функцияси.

Халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг роли.

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ЖАҲОННИНГ ҲУҚУҚИЙ ХАРИТАСИ

5-МАВЗУ. ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Жаҳон ҳуқуқий харитаси - қиёсий ҳуқуқшунослик ўрғанадиган асосий предмет.

Ҳозирги давр ҳуқуқий тизимларининг классификацияси ва туркумлаштириш тушунчаси, ҳуқуқий классификация ва туркумлаштиришнинг юридик меъзони.

Қиёсий ҳуқуқшуносликда ҳуқуқий тизимлар тушунчаси: «миллий ҳуқуқий тизим» ва «ҳуқуқий тизимлар оиласи».

Ҳуқуқий тизимлар классификацияси. Ҳуқуқий оилаларнинг манбаси, тузилмаси, асосий тушунчалари ва ҳуқуқ институтларини шакллантириш меъзонлари.

Ҳозирги давр ҳуқуқий тизимларининг асосий оилалари.

Ҳуқуқий оилалар тўғрисида таълимот.

МАҲСУС ҚИСМ.

ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

ИККИНЧИ БЎЛИМ. РОМАН-ОЛМОН ҲУҚУҚИЙ ОИЛАСИ

6-МАВЗУ. РОМАН-ОЛМОН ҲУҚУҚИЙ ОИЛАСИ

Роман-олмон ҳуқуқий оиласи пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва маданий шарт-шароитлари.

Роман-олмон ҳуқуқий тизимларининг тарқалиш географияси.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласи ҳуқуқий тизимларининг манбалар тизими ва тузилмаси.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатлари ҳуқуқий тизимларидаги умумий ўзига хосликлар.

Француз ҳуқуқи – француз ҳуқуқий гуруҳининг модели. ГФР ҳуқуқи – Олмония ҳуқуқий гуруҳининг модели.

7—МАВЗУ. СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларини мустақил ҳуқуқий оилага ажратиш асослари. Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларини тарихий ривожланиши.

Ҳуқуқ манбалари тизими.

Скандинавия мамлакатлари қонунчилигини унификация қилиш ва уйғунлаштириш.

8—МАВЗУ. ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

Лотин Америкаси мамлакатлари мисолида ҳуқуқ рецепциясининг ҳуқуқий тизимлар ривожланишидаги роли.

Роман-олмон моделининг устунлигининг тарихан шаклланиши.

Лотин Америкаси ҳуқуқий тизимларида ҳуқуқ рецепцияси ва модернизациясининг бирлиги.

АҚШ ҳуқуқи таъсирининг ошиб бориши.

Континентал ва Англосаксон гуруҳи мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг яқинлашуви тенденцияси.

9—МАВЗУ. ЯПОНИЯ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

Япония ҳуқуқи.

Япония европа континентал ҳуқуқининг рецепцияси.

Японияда анъанавий ахлоқ нормалари ва қабул қилинган Ғарб ҳуқуқининг ўзаро муносабатлари.

Япония ҳуқуқий тизимига америка ҳуқуқи таъсирининг кучайиб бориши.

Ҳозирги давр Япония ҳуқуқи.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. СОЦИАЛИСТИК ҲУҚУҚИЙ ОИЛА

10-МАВЗУ. СОЦИАЛИСТИК ҲУҚУҚ – АЛОҲИДА ТАРИХИЙ ТИПДАГИ ҲУҚУҚ

Социалистик ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва умумий характеристикаси.

Турли мамлакатларда социалистик ҳуқуқий тизимларни шаклланишининг ўзига хослиги.

Социалистик ҳуқуқ манбалари ва асосий соҳалари.

Федератив ва унитар давлатда социалистик ҳуқуқ.

Социалистик ҳуқуқий тизимлар классификацияси.

Совет ҳуқуқий тизими.

Европа социалистик мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос томонлари.

Осиё социалистик давлатларининг ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос томонлари.

Куба ҳуқуқий тизими.

Социалистик ҳуқуқни ривожланишининг истиқболлари.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ ҲУҚУҚ ҲУҚУҚИЙ ОИЛАСИ 11-МАВЗУ. АНГЛИЯ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

Англия умумий ҳуқуқи ва унинг манбалари тизимини шаклланишининг ўзига хос томонлари.

Англия умумий ҳуқуқи тарқалишининг географияси.

Англо-Америка мамлакатлари ҳуқуқий оиласида ҳуқуқ манбалари ва тизими.

Ҳуқуқий тизимда умумий ҳуқуқнинг аҳамияти ва ўрни.

Суд прецеденти.

Қонунчилик ва суд ҳуқуқий ижодкорлигининг нисбати.

Суд доктринаси ва ҳуқуқ меъёрлари концепцияси.

Асосий ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқ соҳаларининг ўзига хослиги.

Ҳозирги англия ҳуқуқининг ривожланишидаги асосий тенденциялар.

Статут ҳуқуқи (қонунчилик) ролининг ўсиб бориши. Тақдим қилинган (делегирован) қонунчиликнинг ўсиши. Ҳуқуқ ислоҳоти.

Шотландиянинг ҳуқуқий тизими.

12–МАВЗУ. АҚШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

АҚШ ҳуқуқий тизимининг ўзига хослиги.

Федерал ҳуқуқ ва штатлар ҳуқуқи.

АҚШ умумий ҳуқуқининг ўзга хослиги.

Қонунчиликнинг кодификациялаш ва тизимлаштириш.

Суд назорати.

Америка ҳуқуқининг манбалари.

Америка ҳуқуқининг ривожланишининг ҳозирги замон тенденциялари.

13–МАВЗУ. БРИТАНИЯ ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

Англиянинг умумий ҳуқуқи – Британия Ҳамдўстлиги ҳуқуқий тизимларининг тарихий негизидир.

Британия Ҳамдўстлиги миллий ҳуқуқий тизимларининг классификацияси.

Прецедент ҳуқуқи ва Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг умумий ҳуқуқий мероси.

Канада, Австралия ва Янги Зеландия ҳуқуқий тизимларининг ўзига хослиги.

Англия ҳуқуқи билан маҳаллий одат ҳуқуқининг ўзаро нисбати.

Канада, Австралия ва Янги Зеландия ҳуқуқи манбалари.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ДИНИЙ ВА АНЪАНАВИЙ ҲУҚУҚ ОИЛАЛАРИ 14–МАВЗУ. МУСУЛМОН ҲУҚУҚИ

Мусулмон ҳуқуқининг тарихий эволюцияси.

Мусулмон ҳуқуқи манбалари. Доктрина мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаси сифатида. Мусулмон ҳуқуқида Қуръон ва Суннанинг роли.

Мусулмон ҳуқуқининг асосий мазҳаблари.

Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос асосий институтлари ва тармоқлари. Давлат ва диний мажбурилови.

Мусулмон ҳуқуқи ва қонун.

Хорижий Шарқ ҳуқуқий тизимларида мусулмон ҳуқуқи.

15-МАВЗУ. ҲИНД ҲУҚУҚИ

Ҳинд ҳуқуқининг диний ўзаклари.

Ҳинд ҳуқуқининг кўллаш доираси ва бошқа амалдаги ҳуқуқ қисмлари билан ўзаро ҳаракати.

Англия умумий ҳуқуқининг ҳинд ҳуқуқига таъсири.

Ҳинд ҳуқуқининг манбалари.

Бошқарув усулининг алоҳидалилиги; давлат мажбурловининг роли.

Ҳинд ҳуқуқининг ҳаракат қилиш механизмлари.

Ҳиндистон ҳуқуқий тизими.

16-МАВЗУ. УЗОҚ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

Узоқ Шарқ ҳуқуқининг умумий характеристикаси.

Қадимги Хитой ҳуқуқи-Узоқ Шарқ ҳуқуқининг асосидир. Конфуциявий ва легист ҳуқуқ тушунчаси.

Узоқ Шарқ ҳуқуқи тушунчасининг ўзига хослиги.

Хитой ҳуқуқий концепциясининг Фарб ҳуқуқий концепциясидан фарқи.

Хитойнинг социалистик ҳуқуқи.

17-МАВЗУ. АФРИКАНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

Одат ҳуқуқининг бошланиши ва тарқалиш географияси.

Тропик Африка, Океания ва бошқа мамлакатлар қабилалари ҳуқуқи.

Африканинг одат ҳуқуқи ва ҳозирги замон қонунчилиги.

Асосий ҳуқуқий оилаларнинг Африка одат ҳуқуқига таъсири.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ВА АРАЛАШ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАР

18-МАВЗУ. АРАЛАШ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАР

«Аралаш» ҳуқуқий тизимлар.

Шотландия. Квебек провинцияси, ЖАР ҳуқуқий тизимларида роман-олмон ҳуқуқий оиласи ва англия умумий ҳуқуқининг элементлари аралашуви ва тарихий ўзаро ҳаракатининг ўзига хослиги.

Исроилнинг ҳуқуқий тизими.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАР 19–МАВЗУ. ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

Миллий (ички давлат) ва халқаро ҳуқуқ муносабатлари
Асосий назариялар.

Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқий тизимларга таъси-
ри.

Халқаро шартномалар асосида миллий ҳуқуқий тизим-
ларининг яқинлашуви механизми.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар. Ин-
сон ҳуқуқлари бўйича асосий универсал ва минтақавий
шартномалар.

Қиёсий ҳуқуқшунослик билан халқаро оммавий ҳуқуқ-
нинг ўзаро ҳаракати.

Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқ.

20–МАВЗУ. ЕВРОПА ҲУҚУҚИ

Европа ҳуқуқи тушунчаси.

Европа ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши-
нинг асосий босқичлари.

Европа ҳуқуқининг манбалари.

Европа Иттифоқининг асосий ҳужжатлари. Масстрихт ва
Амстердам шартномалари.

Европа Кенгаши ҳуқуқи. Европа Кенгашининг асосий
ҳужжатлари. 1950 йилдаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликла-
рини ҳимоя қилиш ҳақидаги Европа конвенцияси.

Европа ҳуқуқий макони ва қиёсий ҳуқуқшунослик.

Европа ҳуқуқининг ривожланиш истиқболлари.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ. ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАР 22–МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

Ўзбек ҳуқуқининг тарихий ривожланиши. Ҳуқуқий анъ-
аналарда плюрализм.

Ўзбек ҳуқуқи эволюциясининг асосий босқичлари.

Мусулмон ҳуқуқи.

Ўзбек ҳуқуқини ривожланишига рус ҳуқуқининг таъсири.

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон ҳуқуқи ва роман-олмон ҳуқуқий оиласи.

Ҳозирги замон ўзбек ҳуқуқи манбалари.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституцияси ва қонунчиликнинг ривожланиши.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Давид Р. Основные правовые системы современности: Пер. С фр. В.А.Туманова. – М., 1-е изд. 1967; 2-е изд. 1988; 3-е изд. 1996.
2. Марченко М.Н. Сравнительное правоведение. М., 2001.
3. Марченко М.Н. Правовая система современного мира. М. 2002.
4. Очерки сравнительного права. Под ред. В.А.Туманова. М., 1981.
5. Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира. М.,1993.
6. Саидов А.Х. Введение в сравнительное правоведение. М., 1988.
7. Саидов А.Х. Введение в основные правовые системы современности. Ташкент, 1988.
8. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение и юридическая география мира. М.,1993.
9. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. Учебное пособие. Ташкент, 1999.
10. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение: Учебник/ отв. ред. В.А.Туманов. 2000.
11. Тилле А.А. Социалистическое сравнительное правоведение. М.,1975.
12. Тилле А.А., Швеков Г.В. Сравнительный метод в юридических дисциплинах. 2-е изд. М.,1978.
13. Тихомиров Ю.А. Курс сравнительного правоведения. М., 1996.
14. Цвейгерт К., Кетц Х. Введение в сравнительное правоведение в форме частного права. Т. 1,2. М.,1998.

Қўшимча адабиётлар

1. Ансель М. Новая социальная защита (Гуманистическое движение в уголовной политике). М.,1993.
2. Берман Г. Западная традиция права: эпоха формирования. М.,1994.
3. Богдановская И.Ю. Закон в английском праве. М.,1987.
4. Богдановская И.Ю. Прецедентное право. М.,1993.
5. Вишнеvский А.А. Каноническое право в западной Европе. М.,1994.
6. Введение в шведское право. М., 1986.
7. Денисов В.Н. Системы права развивающихся стран. Киев, 1978.

8. Инако Ц. Современное право Японии. М.,1981.
9. Крашенинников Н.А. Индусское право: история и современность. М.,1982.
10. Мазолин В.П. Личность, право и экономика современной Индии. М.,1979.
11. Мусульманское право. М.,1984.
12. Проблемы сравнительного правоведения. М.,1978.
13. Проблемы сравнительного правоведения М.,1981.
14. Супатаев М.А. Право в странах Восточной Африки. М., 1984.
15. Супатаев М.А. Право в современной Африке. М.,1989.
16. Синюков В.Н. Российская правовая система. Саратов, 1994.
17. Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М., 1986.
18. Современное право КНР. М.,1998.
19. Сравнительное конституционное право. М.,1996.
20. Судебные системы западных государств. М.,1991.
21. Топорнин Б.Н. Европейское право. М.,1998.
22. Чиркин В.Е. Основы сравнительного государственствования. М., 1997.

**"ҲОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ"
ФАНИ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ***

1. **Қиёсий ҳуқуқшунослик фани нимани ўрганади?**
 - A) Ҳозирги даврнинг асосий ҳуқуқий тизимларини
 - B) Турли давлатларнинг қонунчилигини
 - C) Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни
 - D) Турли ҳуқуқий назарияларни

2. **Диахрон қиёслаш нима?**
 - A) Амалдаги ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - B) Тарихий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - C) Миллий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - D) Хорижий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш

3. **Синхрон қиёслаш нима?**
 - A) Тарихий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - B) Миллий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - C) Амалдаги ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - D) Хорижий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш

4. **Ички қиёслаш нима?**
 - A) Хорижий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - B) Бир неча ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - C) Бир ҳуқуқий тизимнинг ичида қиёслаш
 - D) Федератив давлатларнинг ҳуқуқий тизимларини қиёслаш

5. **Ташқи қиёслаш нима?**
 - A) Федератив давлатларнинг ҳуқуқий тизимларини қиёслаш
 - B) Унитар давлатларнинг ҳуқуқий тизимларини қиёслаш
 - C) Бир ёки бир неча ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - D) Аралаш ҳуқуқий тизимларни қиёслаш

6. **Микроқиёслаш нима?**
 - A) Ички қиёслаш
 - B) Хорижий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - C) Миллий ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
 - D) Ҳуқуқий нормалар ва институтларни қиёслаш

7. **Макроқиёслаш нима?**
A) Глобал қиёслаш
B) Яхлит тарзда ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
C) Жаҳон миқёсида қиёслаш
D) Ташқи қиёслаш
8. **Норматив қиёслаш нима?**
A) Ички қиёслаш
B) Ҳуқуқий нормалар, қонунларни қиёслаш
C) Микроқиёслаш
D) Ҳуқуқий тизимларни қиёслаш
9. **Функционал қиёслаш нима?**
A) Макроқиёслаш
B) Диахрон қиёслаш
C) Муайян ижтимоий, ҳуқуқий муаммоларни қиёслаш
D) Микроқиёслаш
10. **I Қиёсий ҳуқуқ халқаро Конгресси қачон ва қаерда бўлиб ўтган?**
A) 1890 йили Лондонда
B) 1900 йили Парижда
C) 1928 йили Римда
D) 1924 йили Гаагада
11. **Роман-герман ҳуқуқий оиласи қандай вужудга келган?**
A) Рим ҳуқуқий мероси, ҳуқуқнинг тузилиши ва манбаларининг умумийлиги, юридик тушунчаларнинг ўхшашлиги асосида вужудга келган
B) Прецедент ва адолат ҳуқуқи асосида вужудга келган
C) Анъанавий ва диний ҳуқуқ асосида вужудга келган
D) Аралаш ҳуқуқ асосида вужудга келган
12. **«Континентал ҳуқуқ» нима?**
A) Барча континентларнинг ҳуқуқий тизими
B) Европа континентининг ҳуқуқий тизими
C) Роман-герман ҳуқуқининг шартли синоними
D) Умумий ҳуқуқ
13. **Япония ҳуқуқий тизими қайси ҳуқуқий оиллага киради?**
A) Умумий ҳуқуқ оиласига
B) Роман-герман ҳуқуқий оиласига
C) Аралаш ҳуқуқий тизимларга
D) Анъанавий ҳуқуқий тизимларга

14. **Роман-герман ҳуқуқида оммавий ҳуқуқнинг асосини қайси ҳуқуқ соҳаси ташкил қилади?**
- A) Конституциявий ҳуқуқ
 - B) Фуқаролик ҳуқуқи
 - C) Савдо ҳуқуқи
 - D) Жиноят ҳуқуқи
15. **Роман-герман ҳуқуқида хусусий ҳуқуқнинг асосини қайси ҳуқуқ соҳаси ташкил қилади?**
- A) Жиноят ҳуқуқи
 - B) Конституциявий ҳуқуқ
 - C) Фуқаролик ҳуқуқи
 - D) Меҳнат ҳуқуқи
16. **Роман-герман ҳуқуқий оиласидаги икки гуруҳни қайси давлатлар ташкил қилади?**
- A) Англия ва АҚШ
 - B) Франция ва Германия
 - C) Германия ва Англия
 - D) Франция ва АҚШ
17. **Роман-герман ҳуқуқининг асосий манбаи нима?**
- A) Конституция ва қонунлар
 - B) Суд прецеденти
 - C) Одат нормалари
 - D) Доктрина
18. **Германия Фуқаролик тузиклари қачон қабул қилинган?**
- A) 1804 йил
 - B) 1896 йил
 - C) 1900 йил
 - D) 1811 йил
19. **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси тузилиши қайси Фуқаролик кодекси моделига мос келади?**
- A) Германия Фуқаролик тузиклари
 - B) Франция Фуқаролик кодекси
 - C) АҚШ Фуқаролик кодекси
 - D) Италия Фуқаролик кодекси
20. **Роман-герман ҳуқуқий оиласида ҳуқуқнинг дуализими нимани англатади?**
- A) Ҳуқуқнинг умумий ва адолат ҳуқуқига бўлинишини

- В) Ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлини-шини
 С) Роман-герман ҳуқуқида умумий ҳуқуқ элементлари бўлишини
 D) «Аралаш» ҳуқуқни
- 21. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг ўзига хослиги нимада?**
- А) Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқининг унификация қилинганлигида.
 В) Суд прецедентининг мавжудлигида
 С) Ҳуқуқий тизимда одат нормаларининг таъсири кучли эканлигида.
 D) Конституцияларнинг йўқлигида.
- 22. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари шаклланишининг асоси бўлган икки қонунни кўрсатинг.**
- А) Дания ва Швеция Конституциялари
 В) 1683 йилдаги Дания Қироли Христиан V кодекси ва 1734 йилдаги Швед қонунлар тўплами.
 С) Франция ва Германия Гражданлик кодекслари
 D) Дания ва Швеция Гражданлик кодекслари
- 23. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг хусусиятлари қайси давлатнинг ҳуқуқида тўлиқроқ акс этади?**
- А) Дания
 В) Норвегия
 С) Исландия
 D) Швеция
- 24. Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари қайси ҳуқуқий оилага киради?**
- А) Умумий ҳуқуқ оиласига
 В) Социалистик ҳуқуқ оиласига
 С) Роман-герман ҳуқуқий оиласига
 D) Анъанавий ҳуқуқ оиласига
- 25. Лотин Америкаси ҳуқуқининг дуалистик характери нимада?**
- А) Роман-герман ҳуқуқи ва Америка ҳуқуқи наъмуналарининг бирлигида
 В) Анъанавий ва одат ҳуқуқларининг бирлигида
 С) Аралаш ҳуқуқининг мавжудлигида
 D) Роман-герман ва социалистик ҳуқуқининг бирлигида

26. **Япония ҳуқуқий тизими қайси ҳуқуқий оиллага киради?**
- A) Роман-герман ҳуқуқий оиласига
 - B) Англия умумий ҳуқуқ оиласига
 - C) Диний ҳуқуқ оиласига
 - D) Анъанавий ҳуқуқ оилаларига
27. **Япония ҳуқуқининг дуалистик характери нимада?**
- A) Роман-герман ва социалистик ҳуқуқнинг бирлигида
 - B) Роман-герман ҳуқуқ модели ва анъанавий нормаларнинг амал қилинишида
 - C) Аралаш ҳуқуқнинг мавжудлигида
 - D) Анъанавий ва одат ҳуқуқларининг бирлигида
28. **Япон жамиятида ҳуқуқнинг аҳамияти ва унинг ўзига хослиги нималарда кўринади?**
- A) Японларнинг ҳуқуқни яхши билмаслигида?
 - B) Ҳуқуқий неглизмнинг кучлилигида
 - C) Анъанавий ҳуқуқни тушуниш ва ҳуқуқий тафаккурда
 - D) Ҳуқуқнинг устуворлиги принципида
29. **Қайси даврда роман-герман ҳуқуқи Японияга кириб келди?**
- A) XIX асрнинг охирларида
 - B) XX асрнинг бошида
 - C) XIX асрнинг бошларида
 - D) XX асрнинг иккинчи ярмида
30. **1889 йилдаги Япониянинг биринчи Конституцияси қайси Конституция асосида яратилган?**
- A) 1787 йилдаги АҚШ Конституцияси асосида
 - B) 1850 йилдаги Пруссия Конституцияси асосида
 - C) 1776 йилдаги Франция Конституцияси асосида
 - D) Япониянинг биринчи Конституцияси бошқа давлатларнинг Конституциясига асосланмаган
31. **1946 йилдаги Япония Конституциясини яратилишида қайси давлатнинг Конституцияси намуна сифатида олинган?**
- A) СССР Конституцияси
 - B) Франция Конституцияси
 - C) Германия Конституцияси
 - D) АҚШ Конституцияси

32. Социалистик ҳуқуқ қайси ҳуқуқий оила негизида вужудга келган?
- A) Роман-герман ҳуқуқий оиласи
 - B) Англия умумий ҳуқуқий оиласи
 - C) Анъанавий ҳуқуқий оиласи
 - D) Социалистик ҳуқуқ ҳуқуқнинг янги тарихий тури сифатида аосий ҳуқуқий оилалардан мустақил равишда вужудга келган
33. Европа социалистик мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг шаклланишини ўзига хослиги нимада?
- A) Аста-секин мавжуд ҳуқуқий анъаналарни ижобий томонларидан фойдаланилган ҳолда янги социалистик ҳуқуқий тизимга ўтилган
 - B) Мавжуд ҳуқуқий нормаларни бекор қилиш йўли янги тизимга ўтиш эълон қилинган
 - C) Диний ва анъанавий ҳуқуқни замонавий ҳуқуқ билан алмаштириш йўли билан ўтилган
 - D) Суд амалиёти асосида шаклланиган
34. Осиё социалистик мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг шаклланишини ўзига хослиги нимада?
- A) Диний ва анъанавий ҳуқуқни замонавий ҳуқуқ билан алмаштириш йўли билан ўтилган
 - B) Аста секин мавжуд ҳуқуқий анъаналарни ижобий томонларидан фойдаланилган ҳолда янги социалистик ҳуқуқий тизимга ўтилган
 - C) Суд амалиёти асосида шаклланиган
 - D) Мавжуд ҳуқуқий нормаларни бекор қилиш йўли янги тизимга ўтиш эълон қилинган
35. Англияда умумий ҳуқуқ шаклланишига қадар қандай ҳуқуқ амалда бўлган?
- A) Роман-герман ҳуқуқи
 - B) Анъанавий ҳуқуқ
 - C) Черков ҳуқуқига асосланган маҳаллий ҳуқуқ
 - D) Одат ҳуқуқи
36. Англия умумий ҳуқуқининг пайдо бўлиши қандай ҳодиса билан боғлиқ?
- A) 1066 йили нормандлар истилосидан сўнг қироллик судларининг кенгайиши билан

- B) XIV-XV асрларда Англия феодал жамиятида рўй берган ижтимоий ўзгаришлар билан
 - C) Ўрта асрларда Англиянинг мустамлакачилик сиёсати билан
 - D) Англияда ўтказилган ҳуқуқий ислоҳотлар билан
- 37. Англия умумий ҳуқуқининг асосий манбаи қайси?**
- A) Англия Конституцияси
 - B) Суд прецеденти
 - C) Адолат ҳуқуқи
 - D) Статут ҳуқуқи
- 38. Статут ҳуқуқи бу ?**
- A) Суд прецеденти
 - B) Одат нормалари
 - C) Парламент томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар
 - D) Адолат ҳуқуқи
- 39. Англия суд тизимида қайси суднинг қарорлари барча судлар учун мажбурий ҳисобланади?**
- A) Лордлар палатаси
 - B) Олий суд
 - C) Юқори суд
 - D) Апелляция суди
- 40. Қачондан бошлаб АҚШ ҳудудида англия умумий ҳуқуқи амал қилади?**
- A) 1787 йилдан
 - B) 1776 йилдан
 - C) 1607 йилдан
 - D) 1611 йилдан
- 41. АҚШ суд ҳокимияти қанча тизимдан иборат?**
- A) 51 та
 - B) 1 та
 - C) 2 та
 - D) 50 та
- 42. АҚШ Луизианна штатининг ҳуқуқий тизими қайси ҳуқуқий оилга киради?**
- A) Умуий ҳуқуқ
 - B) Роман-герман ҳуқуқи

- C) Америка ҳуқуқи
- D) Аралаш ҳуқуқ

43. Англияда адолат ҳуқуқи қандай шаклланган?

- A) Қироллик судлари амалиёти натижасида
- B) Канцлер суди амалиёти натижасида
- C) Суд прецеденти асосида
- D) Қонунчиликни ривожланиши натижасида

44. АҚШ нечанчи йили ўз мустақиллигини эълон қилди?

- A) 1787 йил
- B) 1776 йил
- C) 1783 йил
- D) 1607 йил

45. АҚШ Конституцияси қачон қабул қилинган?

- A) 1787 йил
- B) 1776 йил
- C) 1783 йил
- D) 1607 йил

46. «Кальвин иши» принципи асосида

- A) АҚШ мустақилликка эришди
- B) Англия мустамлакаларида умумий ҳуқуқни қўллаш масаласи ҳал бўлган
- C) Суд прецеденти қарор топа бошлади
- D) Адолат ҳуқуқи вужудга келган

47. Нима учун Англия умумий ҳуқуқи Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларини негизи ҳисобланади?

- A) Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари ривожига Англия умумий ҳуқуқи катта таъсир кўрсатганлиги учун
- B) Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари умумий ҳуқуқ оиласига кирганлиги учун
- C) Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўзининг миллий ҳуқуқий тизимларига эга бўлмаганлиги учун
- D) Англия ўз мустамлакалари бўлган Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларига зўрлик билан Англия умумий ҳуқуқини киритганлиги учун

48. Британия Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг ҳуқуқи қайси ҳуқуқий тизимларга киради?
- Роман-герман ҳуқуқий оиласига
 - Умумий ҳуқуқ оиласига
 - Мусулмон ҳуқуқига
 - Ҳозирги замонда мавжуд бўлган умумий ҳуқуқ, мусулмон ҳуқуқи, роман-герман ва бошқа ҳуқуқий тизимларга киради
49. Британия Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг суд амалиётини ўзига хослиги нимада?
- Ҳамдўстликка кирувчи мамлакатларнинг судлари Англия судлари прецедентидан фойдаланади
 - АҚШ суд прецедентидан фойдаланади
 - Суд прецеденти қўлланилмайди
 - Ҳамдўстликка кирувчи мамлакатларнинг суд прецеденти бошқа (Ҳамдўстликка кирувчи) давлатнинг суди учун прецедент бўлиши мумкин
50. «Умумий ҳуқуқий мерос» қайси мамлакатларга тегишли?
- Инглиззабон мамлактларига
 - Умумий ҳуқуқ оиласига кирувчи мамлакатларига
 - Европа мамлакатларига
 - Британия Ҳамдўстлиги мамлактларига
51. Ислом ҳуқуқининг манбаларини кўрсатинг
- Қурон, сунна, қонун, суд қарорлари
 - Ҳадислар, оятлар, ибодат қоидалари
 - Қурон, сунна, ижмо, қиёс
 - Қурон, ҳадислар, одат нормалари
52. Ислом ҳуқуқининг қайси манбалари бирламчи ҳисобланади?
- Қурон ва сунна
 - Ҳадислар ва суд қарорлари
 - Қиёс ва ижмо
 - Одат нормалари ва ҳадислар
53. «Фикх» нима?
- Пайғамбар ҳадислари
 - Қурон оятлари
 - Ислом ҳуқуқшунослиги
 - Ибодат қоидалари

54. **Ислом ҳуқуқининг асосий мазҳабларини кўрсатинг**
- A) Ханафийлар ва шиалар
 - B) Сунналар ва шиялар
 - C) Сунналар ва ханбалия
 - D) Шиалар ва маликия
55. **Қайси ҳуқуқ соҳаси ислом ҳуқуқида асосий соҳа ҳисобланади?**
- A) Жиноят ҳуқуқи, суд ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи
 - B) Жиноят-процессуал ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи
 - C) Меҳнат ҳуқуқи, мерос ҳуқуқи, савдо ҳуқуқи
 - D) Конституциявий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқ
56. **Ислом ҳуқуқининг манбалари тўғрисидаги тўрт илдиз таълимотини ким яратган?**
- A) Ибн-Ханбал
 - B) Абу Ханифа
 - C) Ибн-Малика
 - D) Аш-Шафийй
57. **Ислом-ҳуқуқий нормалар мажмуи бўлган «Мажалла» қачон ва ким томонидан қабул қилинган?**
- A) 1869-1876 йилларда Усмонийлар империяси ҳуқумдорлари томонидан
 - B) 622-750 йилларда Уммавийлар халифалиги томонидан
 - C) 750-800 йилларда Аббосийлар халифалиги томонидан
 - D) 1800-1815 йилларда Абу Ханифа мазҳаби томонидан
58. **Индуизм динининг асосини нима ташкил қилади?**
- A) Рухни қайта шаклланиши ва карма тўғрисидаги таълимот
 - B) Яккахудолик ғояси
 - C) Будда таълимоти
 - D) Конфуций таълимоти
59. **«Каста» нима ?**
- A) Мансаби бўйича бирлашган кишилар гуруҳи
 - B) Машғулоги ва касб-кори бўйича бирлашган кишилар гуруҳи
 - C) Сиёсий эътиқоди бўйича бирлашган кишилар гуруҳи
 - D) Диний эътиқоди бўйича бирлашган кишилар гуруҳи

60. Асосий касталарни кўрсатинг
- A) Авлиёлар, раджалар, пандитлар, сикхлар
 - B) Бойлар, зиёлийлар, хунармандлар, камбағаллар
 - C) Ҳиндлар, мусулмонлар, буддистлар, христианлар
 - D) Брахманлар, кшатрилар, вайшьялар, шудралар
61. Ҳинд ҳуқуқининг энг қадимий манбаларини кўрсатинг
- A) Смритилар
 - B) Дхармасутралар
 - C) Ведалар
 - D) Дхармашастлар
62. Ҳинд ҳуқуқининг асосий мактабларини кўрсатинг
- A) Буддизм ва Жайнизм
 - B) Митакшара ва Дайябхара
 - C) Конфуцианства ва Легизм
 - D) Жайнизм ва Синкхизм
63. «Пандитлар» ким ?
- A) Ҳинд ҳуқуқи бўйича судьялар
 - B) Ҳинд ҳуқуқи бўйича чиқарилган суд қарорларини ижро қилувчи шахслар
 - C) Судьяларга ҳинд ҳуқуқидан маслаҳат берувчи маълумотли хинлар
 - D) Ҳуқуқшунослар
64. Англия ҳуқуқининг таъсири остида дастлаб қайси ҳуқуқ соҳаси ўзгарди?
- A) Мерос ва оила ҳуқуқи
 - B) Мулк ва мажбурият ҳуқуқи
 - C) Савдо ва молия ҳуқуқи
 - D) Фуқаролик ва солиқ ҳуқуқи
65. Англия ҳуқуқи таъсирига қарамай қайси ҳуқуқ соҳасида ҳинд ҳуқуқи асосан сақланиб қолган?
- A) Оила ва мерос ҳуқуқи
 - B) Мулк ва мажбурият ҳуқуқи
 - C) Савдо ва молия ҳуқуқи
 - D) Фуқаролик ва солиқ ҳуқуқи
66. Ҳиндистон қачон ўзининг мустақиллигини эълон қилган?
- A) 1950 йили
 - B) 1955 йили

- C) 1945 йили
- D) 1947 йили

67. Нечанчи йилларда анъанавий ҳинд ҳуқуқини кодекслаштириш натижасида бешта қонун қабул қилинган?

- A) 1955-56 йиллари
- B) 1947-50 йиллари
- C) 1950-55 йиллари
- D) 1947-48 йиллари

68. Замонавий ҳинд ҳуқуқида қайси анъанавий институтлар, соҳалар сақланиб қолган?

- A) Жиноят, маъмурий ҳуқуқи ва суд соҳаларида
- B) Оила, никоҳ ҳамда диний масалаларда
- C) Мулк, мажбурият ва молия масалаларида
- D) Фуқаролик ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқ

69. 1955 йилда қабул қилинган никоҳ тўғрисидаги қонунда қандай ўзгартиришлар киритилди?

- A) Каста тизими бекор қилинди
- B) Никоҳда тенг ҳуқуқлилиқ эълон қилинди
- C) Полигамияга рухсат берилди
- D) Касталар ўртасида никоҳга рухсат берилди

70. Анъанавий ҳинд ҳуқуқини кодекслаштириш натижасида 1956 йили қабул қилинган тўртта қонунни кўрсатинг

- A) Вояга етмаганлар ва васийлик тўғрисида, меросхўрлик тўғрисида, фарзандликка олиш ва оила аъзоларини боқиш учун маблағ тўлаш тўғрисида қонунлар
- B) Каста тизими тўғрисида, оила ва фуқаролик кодекси, никоҳ тўғрисида қонунлар
- C) Фуқаролик, оила ва солиқ кодекслари, мулк тўғрисида қонун
- D) Мулк ва мажбурият тўғрисидаги қонунлар, солиқ ва маъмурий кодекслар

71. Узоқ Шарқ цивилизациясига қайси мамлакатларнинг маданияти кучли таъсир кўрсатган

- A) Япония ва Хитой
- B) Япония ва Корея
- C) Хитой ва Корея
- D) Хитой ва Ҳиндистон

72. **Узоқ Шарқ ҳуқуқининг асосини қайси давлатнинг ҳуқуқи ташкил қилади?**
- A) Япония ҳуқуқи
 - B) Корея ҳуқуқи
 - C) Қадимий Хитой ҳуқуқи
 - D) Ҳинд ҳуқуқи
73. **Узоқ Шарқ ҳуқуқининг негизини ташкил этувчи фалсафий таълимотларни кўрсатинг**
- A) Конфуцианства, буддизм, индуизм
 - B) Даосизм, конфуцианства, легизм
 - C) Индуизм, жайнизм, буддизм
 - D) Буддизм, синкхизм, жайнизм
74. **Қандай таълимот XX асргача Хитой империясининг давлат мафқураси асосини ташкил этган?**
- A) Конфуцианства
 - B) Легизм
 - C) Даосизм
 - D) Буддизм
75. **Қайси таълимотга кўра инсонни ишонтириш ва тарбия қилиш йўли билан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мумкин?**
- A) Даосизм
 - B) Легизм
 - C) Конфуцианства
 - D) Буддизм
76. **Қайси таълимотга кўра инсонлар барчаси қонун олдида тенгдирлар ва уларнинг ижтимоий ҳаёти юридик нормалар билан тартибга солиб турилиши керак?**
- A) Даосизм
 - B) Легизм
 - C) Конфуцианства
 - D) Буддизм
77. **Қадимий Хитойда қонунчиликнинг асосий қисми қайси ҳуқуқ соҳасига тегишли?**
- A) Конституциявий ҳуқуқ ва суд ҳуқуқи
 - B) Савдо ва мулк ҳуқуқи
 - C) Жиноят ва маъмурий ҳуқуқ
 - D) Фуқаролик ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқ

- 78. Узоқ Шарқ мамлакатларининг халқлари «ҳуқуқ» атамасини қандай тушунган?**
- A) Объектив ҳуқуқ сифатида
 - B) Субъектив ҳуқуқ сифатида
 - C) Жиноят ҳуқуқи, жазо ёки жазолаш маъносида
 - D) Бундай атама уларга номаълум бўлган
- 79. Узоқ Шарқ ҳуқуқ концепцияси қандай характерга эга бўлган?**
- A) Замонавий позитив ҳуқуқ характерига
 - B) Урф-одатга асосланган
 - C) Тарбиявий характерга
 - D) Социалистик характерга
- 80. Замонавий Хитой ҳуқуқий тизими қайси ҳуқуқий оиллага кирди?**
- A) Социалистик ҳуқуқ оиласига
 - B) Роман-герман ҳуқуқ оиласига
 - C) Умумий ҳуқуқ оиласига
 - D) Аралаш ҳуқуқ тизимига
- 81. Африка одат ҳуқуқининг ривожланиши неча босқичдан ўтган?**
- A) Бир босқичдан
 - B) Икки босқичдан
 - C) Уч босқичдан
 - D) Тўрт босқичдан
- 82. Африка одат ҳуқуқи ўз хусусиятига кўра...**
- A) Позитив ҳуқуқ
 - B) Табиий ҳуқуқ
 - C) Индивидлар ҳуқуқи
 - D) Жамоа ёки гуруҳларнинг ҳуқуқи
- 83. Африка ҳуқуқий тизимларида анъанавий равишда мавжуд бўлган икки турдаги судларни кўрсатинг**
- A) Хўжалик ва жиноят судлари
 - B) Арбитраж ва юридик расмиятчиликка асосланган судлар
 - C) Фуқаролик ва жиноят судлари
 - D) Хўжалик ва фуқаролик судлари

84. **Марказлашган сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган жамоаларда қандай судлар амал қилган?**
- A) Арбитражлар
 - B) Фуқаролик судлари
 - C) Жиноят судлари
 - D) Юридик расмиятчиликка асосланган судлар
85. **Марказлашган сиёсий ҳокимиятга эга бўлган жамоаларда қандай судлар амал қилган?**
- A) Арбитражлар
 - B) Фуқаролик судлари
 - C) Жиноят судлари
 - D) Юридик расмиятчиликка асосланган судлар
86. **Африка одат ҳуқуқида катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий институтларни кўрсатинг**
- A) Оила, мерос ҳуқуқи ва ер эгалиги масалалари
 - B) Фуқаролик, жиноят, мажбурият ҳуқуқи
 - C) Хўжалик, фуқаролик, молия ҳуқуқи
 - D) Жиноят, жиноят-процессуал ҳуқуқ ва айбсизлик презумцияси
87. **Африка ҳуқуқида дуалистик тизимнинг пайдо бўлиш асо-слари нимада?**
- A) Мустамлакачилик даврида аралаш ҳуқуқий тизимнинг жорий этилиши
 - B) Мустамлакачилик бошқаруви натижасида метрополия ҳуқуқи билан бир қаторда одат ҳуқуқининг муайян қисмини сақланиб қолиниши
 - C) Африка одат ҳуқуқини роман-герман ва умумий ҳуқуқ билан алмаштирилиши
 - D) Африка одат ҳуқуқини оммавий ва хусусий ҳуқуқларга бўлиниши
88. **Мустамлакачилик йилларида Африкада маҳаллий судларда кимлар иш кўрган?**
- A) Мустамлакачи амалдорлар
 - B) Европалик судьялар
 - C) Маҳаллий оқсоқоллар
 - D) Маҳаллий юристлар

- 89. Аралаш ҳуқуқий тизимларнинг хусусияти нимада?**
- A) Муайян миллий ҳуқуқий тизимда асосий ҳуқуқий оилаларнинг элементларини қўшилиб кетганлигида
 - B) Миллий ҳуқуқий тизимда оммавий ва хусуий ҳуқуқнинг мавжудлигида
 - C) Федератив давлатлар субъектларининг ҳуқуқий тизимларини турли ҳуқуқий оилага мансублигида
 - D) Ҳуқуқий тизимда замонвий ва тарихий ҳуқуқий элементларнинг сақланиб қолишида
- 90. Типик аралаш ҳуқуқий тизимга эга бўлган давлатни кўрсатинг**
- A) Канада
 - B) Франция
 - C) США
 - D) Исроил
- 91. Жанубий Африка Республикасининг ҳуқуқий тизими қайси ҳуқуқий оиллага киради?**
- A) ЖАРда роман-герман ҳуқуқи, умумий ҳуқуқ ва Африка одат ҳуқуқи биргаликда амал қилади
 - B) Умумий ҳуқуқий оиласига
 - C) Роман-герман ҳуқуқий оиласига
 - D) Африка одат ҳуқуқий тизимига
- 92. «Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг лабораторияси» деган ибора қайси давлатнинг ҳуқуқий тизимига нисбатан қўлланилган?**
- A) АҚШнинг Луизанна штати
 - B) Канаданинг Квебек провинцияси
 - C) Исроил
 - D) Туркия
- 93. Қайси федератив давлатларда аралаш ҳуқуқий тизимга эга бўлган субъектлар мавжуд?**
- A) АҚШ, Канада
 - B) Россия, Германия
 - C) Бразилия, Ҳиндистон
 - D) Франция, Англия
- 94. Мажалла нечанчи йилларгача Исроил ҳудудида амал қилган?**
- A) 1890 йилгача
 - B) 1869 йилгача
 - C) 1880 йилгача
 - D) 1900 йилгача

95. **Ўзбекистон ҳуқуқий тизими қайси ҳуқуқий оилга киреди?**
A) Муслмон ҳуқуқий тизимига
B) Социалистик ҳуқуқий оиласига
C) Умумий ҳуқуқ оиласига
D) Роман-герман ҳуқуқий оиласига
96. **Ўзбекистон ҳуқуқининг тарихини неча босқичга бўлиш мумкин?**
A) Бир босқичга
B) Икки босқичга
C) Уч босқичга
D) Тўрт босқичга
97. **Мовароуннаҳрда муслмон ҳуқуқшунослиги бўйича қатта аҳамиятга эга бўлган асарни кўрсатинг**
A) Темур тузуклари
B) Қитоб ал-Хидоя
C) Сохид
D) Мажалла
98. **Ўзбекистон ҳудудида муслмон ҳуқуқининг нормалари нечанчи йилларгача амалда бўлган?**
A) 1920-28 йилларгача
B) 1915-17 йилларгача
C) 1864-66 йилгача
D) 1924-30 йилларгача
99. **Роман-герман ҳуқуқи элементлари Ўзбекистон ҳуқуқига қачондан бошлаб кириб кела бошлаган?**
A) Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан бошлаб
B) Қайта қуриш йиллари
C) Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган даврдан бошлаб
D) Россия мустамлакачилари Ўрта Осиёга кириб келган даврлардан бошлаб
100. **Ўзбекистон ҳуқуқини биринчи кодекслаштириш жараёни нечанчи йилларда ўтказилган?**
A) 1930-35 йилларда
B) 1960-70 йилларда
C) 1920-29 йилларда
D) 1917-18 йилларда

"Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари" ўқув фани бўйича дарсликда кўп учрайдиган иборалар луғати

1. Позитив – ижобий
2. Компаративистика – қиёсий ҳуқуқшунослик
3. Метод – услуб
4. Глобаллашув – умумжаҳон миқёсида бирлашув
5. Параллел – мувозий
6. Траст – ишонч
7. Функция – вазифа
8. Партикуляр – умумий қоидалардан мустақилликка

интилиш

9. Примитив – содда, ўта содда
10. Абстракт – мавҳум
11. Социология – жамиятни ўрганувчи фан
12. Эволюция – тадрижийлик
13. Революция – инқилоб
14. Этнография – халқларнинг келиб чиқишини ўрганувчи фан
15. Катаклизм – ағдар-тўнтар ходисалар
16. Норма – қоида
17. Унификация – бирхиллаштириш
18. Скандинавия – Шимолий Европадаги ҳудуд
19. Интеграция – бирлашув
20. Синоним – сўзларнинг ўхшашлиги
21. Статут – мақом; қонун
22. Деликт – қилмиш
23. Панорама – юқоридан туриб катта ҳудудни кузатиш
24. Диахрон – тарихий
25. Синхрон – мантиқий
26. Ратификация – қонуний тан олиш
27. Денонсация – ҳаракатни ёки юридик кучни тўхтатиш
28. Коллизия – зид келиш, нормаларнинг бир-бирига зид келиши
29. Пенитенциар тизим – жиноий жазони ижро этиш тизими
30. Парламентарий – депутат, парламент аъзоси
31. Конфронтация – давлат ёки оқимлар орасидаги зиддият
32. Конвергенция – тизимларнинг бир-бирига сингиши

33. Экология – аτροφ-муҳит тўғрисидаги фан
34. Акциядорлар – сармоядорлар
35. Юстиниан – Рим императори
36. Рецепция – бир соҳадан иккинчи соҳага нормаларни қабул қилиниши
37. Доктрина – гоялар, фикрлар мажмуи
38. Деспотизм – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўладиган ва чекланмаган ҳокимият
39. Институциялар – Қадимги Римда фуқаролик ҳуқуқи бўйича дарсликлар
40. Пандект – дигестлар
41. Эквивалент – айнан ёки ўхшаш ҳолат
42. Дигест – пандектлар
43. Инстанция – босқич
44. Иерархия – лавозим ёки ҳокимиятнинг бир-биридан кейин бўйсиниш бўйича жойлашиш тартиби
45. Уния – иттифоқ, бирлашув
46. Апелляция – суд ҳукми юзасидан шикоят бериш
47. Кассация – суд ҳукми юзасидан юқори органга шикоят бериш
48. Сёгун – ҳарбий ҳукмдор
49. Мажалла – Усмонли давлатининг Фуқаролик кодекси
50. Гоминдан – Хитойдаги сиёсий партия.
51. Канцлер – ҳукумат раҳбари; суд раиси
52. Трансформация – ривожлантириш, қабул қилиш.
53. Инструментарий – қандайдир соҳада қўлланиладиган усуллар мажмуи
54. Менталитет – характер, анъаналар ва қадриятлар тўплами
55. Патернализм – юзаки ҳайрия
56. Тезариус – тушунишнинг умумийлиги
57. Плюрализм – фикрларнинг хилма-хиллиги
58. Инвестиция – сармоя
59. Маргинилизация – тўлиқ шаҳарлик бўла олмаган собиқ қишлоқ аҳолиси
60. Эталон- андоза
61. Фиқҳ – мусулмон ҳуқуқшунослиги

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Умумий қисм: Қиёсий ҳуқуқшунослик назарияси ва тарихи	7
1-мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик: метод, фан, ўқув соҳаси	7
1-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик нима?	7
2-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вужудга келиши	9
3-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг предмети	14
4-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг аҳамияти	20
5-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик фан ва ўқув соҳаси сифатида.....	24
2-мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик методологияси	29
1-§. Қиёслаш тушунчаси ва аҳамияти	29
2-§. Қиёсий-ҳуқуқий метод – юридик фаннинг илмий қисм методидир	31
3-§. Қиёсий-ҳуқуқий метод назарияси.....	34
4-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик: тадқиқотларнинг асосий турлари: ..	36
-Диахрон ва синхрон қиёслаш.....	36
-Ички ва ташқи қиёслаш.....	37
-Микро ва макроқиёслаш.....	38
-Қиёслаш объектлари ва даражалари.....	38
-Норматив қиёслаш.....	39
-Функционал қиёслаш.....	40
3-мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик тарихи	46
1-§. Олмония қиёсий ҳуқуқшунослигининг тарихий-фалсафий йўналиши	46
2-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг француз мактаби	53
3-§. Россияда қиёсий ҳуқуқшунослик.....	57
4-§. Буюк Британияда ва АҚШда қиёсий ҳуқуқшунослик	65
5-§. XX асрнинг биринчи ярмида қиёсий ҳуқуқшунослик.....	67
6-§. XX асрнинг иккинчи ярмида қиёсий ҳуқуқшунослик.....	80
7-§. Совет қиёсий ҳуқуқшунослиги.....	85
4-мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик функциялари	91
1-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг илмий функцияси.....	91
2-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўқитиш функцияси	97
3-§. Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг амалий функцияси.....	100
4-§. Ҳуқуқни халқаро бир хиллаштириш (унификациялаш).....	105
5-мавзу. Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимининг асосий таснифи	112
1-§. Дунёнинг ҳуқуқий харитаси - қиёсий ҳуқуқшуносликни асосий ўрганиш предмети	112
2-§. Ҳуқуқий тизим - қиёсий ҳуқуқшуносликнинг асосий тушунчаси.....	115
3-§. Ҳуқуқий оила - қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўзига хос атамаси.....	117
4-§. Жаҳон ҳуқуқий харитасининг таърифи.....	117
5-§. Ҳуқуқий тизим таснифининг белгилари.....	119
6-§. Ҳуқуқий оилалар тўғрисидаги таълимот.....	125

6-мавзу. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро ҳуқуқ	129
1-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро оммавий ҳуқуқ.....	129
1-§. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро хусусий ҳуқуқ.....	132
7-мавзу. Оврупо ҳуқуқи ва қиёсий ҳуқуқшунослик	136
1-§. Оврупо ҳуқуқининг ташкил топиши.....	136
2-§. Оврупо ҳуқуқининг мазмуни.....	138
3-§. Оврупо Кенгаши ҳуқуқи.....	139
4-§. Оврупо ҳуқуқий макони.....	143
Махсус қисм: Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари.	152
Биринчи бўлим. Роман-олмон ҳуқуқий тизими	153
8-мавзу. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи	153
1-§. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи тушунчаси, шаклланиши ва унинг ёйилиши.....	153
2-§. Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг тузилмаси.....	157
3-§. Роман-олмон ҳуқуқининг манбалари.....	162
4-§. Франция ва Олмония ҳуқуқий гуруҳи.....	172
9-мавзу. Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари	178
1-§. Жаҳоннинг ҳуқуқий харитасида Скандинавия ҳуқуқининг ўрни.....	178
2-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг тарихий ривожланиши.....	180
3-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларини бир хиллаштириш ва уйғунлаштириш.....	185
4-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг хусусиятлари.....	187
5-§. Скандинавия ҳуқуқининг манбалари.....	190
10-мавзу. Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари	195
1-§. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг шаклланиши.....	195
2-§. Лотин Америкаси ҳуқуқининг кодификацияси ва унинг манбалари.....	197
3-§. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос хусусиятлари.....	199
11-мавзу. Япониянинг ҳуқуқий тизими	202
1-§. Япония ҳуқуқий тизимининг қарор топиши. Япон ҳуқуқини вестернизациялаш.....	202
2-§. Япон ҳуқуқининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ривожланиши. Америка ҳуқуқининг таъсири.....	207
3-§. Японларнинг ҳуқуқни тушунишининг ўзига хос хусусиятлари. «Жонли ҳуқуқ».....	211
Иккинчи бўлим. Социалистик ҳуқуқ оиласи	216
12-мавзу. Социалистик ҳуқуқ ҳуқуқнинг алоҳида тарихий тури сифатида	216

1-§. Социалистик ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ўзига хос хусусиятлари.....	217
2-§. Совет ҳуқуқий тизими.....	221
3-§. Оврупо социалистик ҳуқуқий тизимлари.....	22
4-§. Осиё социалистик давлатлари ҳуқуқий тизимлари.....	238
5-§. Кубанинг ҳуқуқий тизими.....	243
6-§. Социалистик ҳуқуқнинг истиқболи борми?.....	246
Учинчи бўлим. Умумий ҳуқуқнинг ҳуқуқий оиласи.....	249
13-мавзу. Англиянинг ҳуқуқий тизими.....	249
1-§. Инглиз умумий ҳуқуқининг шаклланиши.....	250
2-§. Англия прецедент ҳуқуқи.....	252
3-§. Англия умумий ҳуқуқининг тузилмаси, манбалари ва асосий гуруҳлари.....	253
4-§. Англия умумий ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.....	256
5-§. Шотландиянинг ҳуқуқий тизими.....	261
14-мавзу. АҚШ ҳуқуқий тизими.....	265
1-§. Америка ҳуқуқининг шаклланиши.....	265
2-§. АҚШ ҳуқуқий тизими тушунчаси ва унинг асосий категориялари.....	272
3-§. Америка ҳуқуқининг манбалари.....	277
4-§. Замонавий Америка ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.....	282
5-§. Америка ҳуқуқи ривожланишининг замонавий тенденциялари.....	283
15-мавзу. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари.....	286
1-§. Англия умумий ҳуқуқининг жўғрофий кенгайиши.....	287
2-§. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари миллий-ҳуқуқий тизимларини таснифлаш.....	289
3-§. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг прецедентлик ҳуқуқи ва умумий ҳуқуқий мероси.....	289
4-§. Канада, Австралия ва Янги Зеландия ҳуқуқий тизимларининг хусусиятлари.....	294
Англия ҳуқуқи ва маҳаллий одат ҳуқуқининг ўзаро нисбати;.....	294
ҳуқуқ манбалари;.....	299
суд тизими.....	304
Тўртинчи бўлим. Диний ва анъанавий ҳуқуқий оилалар.....	308
16-мавзу. Ислом ҳуқуқий оиласи.....	308
1-§. Ислом ҳуқуқи тушунчаси ва унинг дунёга ёйилиши.....	308
2-§. Ислом ҳуқуқининг асосий мазҳаблари ва манбалари.....	311
3-§. Ислом ҳуқуқининг етакчи соҳалари. Замонавий Ислом ҳуқуқи.....	318
17-Мавзу. Ҳинд ҳуқуқи.....	322
1-§. Классик ҳинд ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.....	322
2-§. Англия умумий ҳуқуқининг ҳинд ҳуқуқига таъсири.....	326

3-§. Замонавий ҳинд ҳуқуқи	328
18-мавзу. Узоқ Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари.	332
1-§. Узоқ Шарқ ҳуқуқининг умумий тавсифи	332
2-§. Ҳуқуқни қадимги хитойча тушуниш - Узоқ Шарқ ҳуқуқининг асоси	334
3-§. Узоқ Шарқ ҳуқуқий концепцияси	340
4-§. Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқий тизими	343
19-мавзу. Африка ҳуқуқий оиласи	346
1-§. Африка ҳуқуқий оиласининг шаклланиши	346
2-§. Африка анъанавий одат ҳуқуқи	348
3-§. Асосий ҳуқуқий оилаларнинг Африка анъанавий одат ҳуқуқига таъсири	352
4-§. Африка мамлакатларининг замонавий ҳуқуқий тизимлари	354
Бешинчи бўлим. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва аралаш ҳуқуқий тизимлар	358
20-мавзу. Аралаш ҳуқуқий тизимлар	358
1-§. Аралаш ҳуқуқий тизимлар тушунчаси	359
2-§. Луизиана ва Квебекнинг ҳуқуқий тизимлари	359
3-§. Исроил ҳуқуқий тизими	361
4-§. ЖАР ҳуқуқий тизими	367
5-§. Бошқа аралаш ҳуқуқий тизимлар	369
21-боб. Қиёсий ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими	373
1-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва роман-олмон ҳуқуқи оиласи	373
2-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва фикҳ анъаналари	377
3-§. Конституция - Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг ўзаги	379
4-§. Ўзбекистон замонавий қонунчилиги тизимининг шаклланиши	383
5-§. Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқ	387
6-§. Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқшунослик фанининг ривожланиши	389
1. “Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари” ўқув фани дастури	391
2. Тавсия этиладиган адабиётлар	403
3. “Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари” фани бўйича гест саволлари	405
4. “Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари” ўқув фани бўйича дарсликка кўп учрайдиган иборалар лугати	422

А.Х. САИДОВ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарори билан
ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилади*

ДАРСЛИК

Муҳаррир: М.Боллиева
Мусаҳҳиж: Н.Мирзажонова.
Техник муҳаррир: Ш.Рахимов.
Компьютерда саҳифаловчи: Ф.Нурлибаев.

Босишга рухсат этилди: 15.06. 2004.
Ҳажми: 26,7 б.т. Адади: 1000. Буюртма: № 291.
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.

